

ФЁДОР МИХАЙЛОВИЧ ДОСТОЕВСКИЙ



ИБЛИСЛАР

• РОМАН •

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ

ИБЛИСЛАР

РОМАН

Икки жылдик

I



«О'QITUVCHI» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 821.161.1-31

КБК: 84(2Рус)

Д-74

*Rус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси*

Ф. М. Достоевский ўзи бир жаҳон – уни канча ўргансангиз кам. «Иблислар» романи буюк ёзувчи ижодининг баланд чўккиларидан экани маълум. Моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров ҳар жихатдан мураккаб асарни ўзбек тилига ўғирди. Инсон психологиясини нозик ва теран ёритиб берувчи бу мураккаб тўқимали асарнинг воқеалар ривожини билмокчи бўлсангиз, ушбу асарни ўқиб кўришни тавсия этамиз.

ISBN 978-9943-22-214-4

© И. Ғафуров таржимаси
© «O'qituvchi» НМИУ, 2018

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙНИНГ «ИБЛИСЛАР» РОМАНИ

1867 йилнинг апрелидан то 1871 йилнинг июлигача Достоевский рафиқаси А.Г. Достоевская билан хорижда, Европада яшади. 1867–1868 йилларда «Телба», 1870–1871 йилларда «Иблизлар» романни яратилди. Бу пайтга келиб Достоевскийнинг «Камбагал кишилар», «Ок тунлар», «Ўлик уйдан мактублар», «Хўрланганлар ва хақоратланганлар», «Жиноят ва жазо» сингари асарлари кенг танилган ёди. «Телба» ва «Иблизлар» романлари ёзилган йилларда Россия ва Европада ўша даврларда мавжуд тузумларга карши бўлган турли-туман махфий жамиятлар тузилган ва уларнинг харакатлари тобора кучайиб борарди. Россияда шетрашевчилар ва ундан пича кейинрок тузилган нечаевчилар харакатлари шунда махфий жамиятлар каторида турар ва улар маълум даражада халкаро «Интернационал» билан боғланган, социалистик гояларни ўзларига курол ва дастуруламал килиб олгандилар. Россияда шу замонлар «гарбпарастлар» ҳамда «славянпарастлар» – дворян зиёлилар, разночинецлар, айникиса, талабалар, университетлар ва семинариялар ёшлари ўртасида гоявий-мафкуравий курашлар, баҳслар, мужодалалар авж олганди. XIX асрнинг 1860–1870 йилларида Достоевский «рус фикри, тафаккури орқати дунёга янгиланиш киради», деб хаёл қиласарди. Бунга яна юз йил керак, деб башорат қилганди. Ўша пайтлар рус жамиятини қайта куриш масалалари жуда кенг муҳокама килинарди. Мана шу ўта қизғин ва ҳатто ўта таҳлилати вазият «Иблизлар»да ўз ифодаси ва достоевскийча таткинини топди. Хуфия исёнчи Нечаев томонидан 1869 йилда талаба Ивановнинг ўлдирилиши «Иблизлар»га фабула сифатида хизмат қилди. Роман бошдан-оёқ, замонавий долзарб ва ўта оғрикли мавзулар, масалалар асосига курнилди. Достоевский ўша замон вокелигини кенг камраб олган фикрлар, дунёқарашлар, нуктаи назарлар, гоялар,

Ф. М. Достоевский

мафкураларни бутун ўткирлиги билан ифодалашни мақсад килиб қўйди.

Достоевскийнинг 1876 йилга дахлдор «Кундаликлар»ида замон баҳсу мунозаралари ичida «қутурган орзулар» деган ибора учрайди. Унинг асарлари ва жумладан, «Иблислар» романни шундай «қутурган орзулар» билан тўлиб-тошиб ётади. Бу ғоя ва мафкура жазавалари – «қутурган орзулар» даврнинг ҳавосида ўзи объектив мавжудмиди ва улар давр атмосферасидан тўғридан-тўғри Достоевский қаҳрамонларига ўтдими ё қаҳрамонларнинг ўзлари табиатан шундай орзулар ва шундай ўта жангари майллар билан дунёга келганимидилар ва уларнинг «қутурган орзулари», сўнг жамиятлар ва хаёт ижтимоий муҳити, қурилишларига кўчганимиди – бу гоятда мураккаб масала. Биз улар бир-бирларига кўчиб ўтган ва бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас, ажralmas алокада бўлган деб тасаввур ва тахмин килоламиз. Достоевский яна ўша «Кундаликлар»ида хеч ким ўз қарашларидан, эътиқодларидан уялиши керак эмас, дейди. Ҳакикатан, унинг «Иблислар»даги барча катта-кичик қаҳрамонлари ўз қарашлари, маслакларидан асло уялмайдилар, балки маслак учун жон-жаҳдлари билан курашадилар ва бу йўлда хеч нарсадан тоймайдилар. Ғоялар учун курашда улар кучли ирова, кудратли эктирослар сохиблари каби намоён бўладилар. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» асаридаги Печорин «мен юрагимда хеч қаёкка сигдириб бўлмас бир куч-кудратни сезаман», деганди. «Иблислар»нинг қаҳрамонлари ўша Печорин, ўша Рудин, ўша Базаров, ўша Раҳметовларнинг – нигилистларнинг оталари ва раҳнамоларининг издошлари. Майков деган шоир «Иблислар»ни ўқиб, булар Тургеневнинг кариб колгандаги қаҳрамонлари деб лутф қилган экан. Достоевский ўз қаҳрамонлари дунёсига хос фитна, низо, туганмас исёнларни дам жуда ўткир ҳажв ва киноя, дам инсон юракларини ўртайдиган изҳорлар билан очиб боради. Биз иблисларни кўрмаганмиз. Лекин фақат иблислардагина шундай исён аланглари гуриллаб туриши мумкин. Ёш нигилистлар Ставрогин, Петр Верховенский, Шатов, Кирилловларда эктирос ҳак учунми, ноҳак учунми, жуда ба-

ланд ўрлаб боради ва гўёки бутун дунёни жизғанак қилиб куйдириб ташлайдигандек туюлади. «Иблислар»нинг 140 йилдан бери яшаб келаётган ранг-баранг танқидчилари унинг воқеалари ва қаҳрамонларини таҳлил килганда, хар бирлари ўз хулосаларини чикарганда, худди келишиб олгандай, бир бошдан «қиёмат» деган сўзни ишлатадилар ва қиёматга қиёсан талкинлар айтадилар. Ростдан ҳам, булар том маънодаги қиёмат одамлари, қиёмат қаҳрамонлари-дир. Аммо романда факат нигилистлардагина эмас, бошка барча қаҳрамонлар табиати, майллари, интилишларида иблиснинг исёнига тааллукли аланса дам-бадам кўтарилиб туради. Достоевский ўша даврда инкилобий ўзгаришлар тарафдори бўлган ёшларнинг образларини чизади. Уларни ўша замоннинг оташин нигилистлари қиёфасида тасвирлайди. Бу нигилистлар – нигилист деган тушунчанинг тўла маъносида – мавжуд борлик, тузумлар, дин, худо, фалсафани тўла-тўқис инкор этувчилар – факат шугина эмас – инкилобий тарзда рад этувчиларнинг ҳаммаси ўзига хос оғир бир ғоянинг юки, унинг чидаб бўлмас залвори остида типирчилаб ётади. Бу каби маъюс қайгули исёнчиларни Нитше ўз фалсафасини тушунтирганда декадентлар деб атаганди. Бизнингча, нигилистлар ўз эволюцияларида декадансга кўтарилиган эдилар. Дунёнинг барча тушкунлиги уларнинг макъад'ига жойлашиб олганди. Бу декадент-нигилистларнинг оғир фикрлар юки остидаги харакатлари, интилишлари, нуктаи назарлари, шиддаткорликлари – бари-бари чидаб бўлмас конвульсиялар – ларзали титрокларни эслатади. Уларнинг ғоялари – уларнинг туганмас оғриғи, туганмас фожиасига айланган. Улар ҳам мисоли Раскольников ё «Ўлик уйдан мактублар»нинг қаҳрамонлари каби ғояларнинг мубталоси, туганмас, охири бўлмаган чубталолик. Ажаб-ажаб, бу ғоялар катта ижтимоий адолатли максадларни шакллантира олмаганда, бундан бутунлай ожиз колганда, онг оғриғига, касал онг, бемор онг, дардли онгга дўнади. Оғриқ онг уларни фақат бир натижага – ўта оғир фалокат, ўта оғир фожиаларга олиб боради. Ҳеч ким

Умуртка ўзаги.

Ф. М. Достоевский

дунёда оғрик, онгнинг фожиаларини бу кадар умумоламий даража ва микёсда кўрсатмаган, умуминсон фожиа микёсида бунчалар ўта таъсирчан, чигал, мураккаб килиб ифодалаб, ҳакиқатини очиб беролмаган. Бу нуқтаи назардан, ғояларнинг вайроналарга айлана боришини ёркин тасвирлашда дунёнинг янги тарихида Достоевский ҳамон биринчиликни қўлдан бермай келади.

Бу асар яратилгандан бери у соғ рус ходисаси, Европа ходисаси, умумжаҳон ходисаси каби ўқиладиган ва англанидиган бўлди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу ғоя оғриклари ва улар чангалида ўртанаётган, тўлғанаётган, янгидан-янги умумжаҳон конвульсияларини уйғотаётган инсон оғриклари эканлиги аён бўла бормоқда. Африка, Америка, Осиё заминларида тинмай, кунда, кун ора рўй берадиган фожиалар – оғриқ онг енгилмас, чалкаштирувчи иблис каби инсониятни энг теран, энг сирли хужайраларига жойлашиб олаётганлигини кўрсатди. Достоевскийнинг тенгсиз кинояси, ҳажви, мислсиз психиатриги, тенгсиз тасвир даҳоси бу оғрикнинг нималигини очиб, одамларни ундан сергаклантиради. «Иблислар»нинг ўлмас маърифати мана шунда.

Йўқ, бу маҳсус рус оғриғи, рус касали эмас, бу касал ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам кенг ёйилган. Достоевский факат бу онг оғригини унинг рус ўчоғига караб тасвирланган ва жаҳон учун шафқатсиз хулоса чиқарган. Бу хулоса тирик ҳакиқат ва тирик ҳакиқат каби ҳаракатда. Маҳсус «Рус ҳалоскор ғояси», фавқулодда «ҳалоскор ғоя» йўқ. У гоялар аллакачонлар айтилган ва инсоният онгидан ўрин олган.

Ўзбек ўкувчиси бу оламшумул бадийи асар ёзилгандан бир юз кирк йил ўтиб, уни ўз она тилида ўқимоқда. Мангу барҳаёт тириклик титроклари нималигини англамоқда. Характерлар, қисматлар, ғоялар жасорати ва жасоратсизлиги манзарапларига ҳайрат бармоғини тишлаб, нигоҳ ташламоқда. Умид шулки, Достоевский билан мулокот ҳайрли, ҳаяжонли, ҳикматли бўлажак.

Таржимон

ИБЛИСЛАР

УЧ ҚИСМЛИ РОМАН

Үлай агар, хеч из кўринмас,
Адашдик биз, нима қилайлик?
Бийдай дала, алдади иблис,
Айлантирап, бермайди тинчлик.

Қанча улар, кайга ҳайдарлар,
Мунча нола улар қўшиги?
Ажинани кўмишарми ё,
Алвастини узатишарми?

A. Пушкин

Бунда тоғда катта чўчка галаси ўтлаб юрарди, шунда Ундан уларнинг ичига киришга изн сўрашди. У рухсат берди. Иблислар одамдан чикиб, чўчқаларга киришиди; шунда пода тиккадан ўзини кўлга ташлади-да, чўкиб кетди. Чўпонлар бу воқеани кўриб, югуриб бориб шахар ва кишлоқларда ҳикоя қилиб бердилар ва масокинлар воқеани кўриш учун чиқдилар, улар Исо кошига келиб, Исонинг оёғида ўтирган, кийинган, акл-хуши жойида одамни кўрдилар-да, даҳшатга тушдилар. Ўз кўзлари билан кўрганлар эса уларга аклдан озган киши қандай тузалганини сўйлаб бердилар.

*Лука Инжили
VIII боб, 32-36*

БИРИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ

ДЕБОЧА ЎРНИДА: МУХТАРАМ ЗОТ СТЕПАН ТРОФИМОВИЧ ВЕРХОВЕНСКИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ОИД БАЪЗИ ТАФСИЛОТЛАР

I

Шу пайтгача бизнинг ҳеч нарсаси билан машхур бўлмаган шаҳаримизда яқинда рўй берган жуда ғалати воқеаларни баён килишга киришарканман, мен нўноклигим боис, гапни узокроқдан, яъни кўп қобилиятли мухтарам Степан Трофимович Верховенскийнинг таржимаи ҳолига оид баъзи бир тафсилотлардан бошлишга мажбурман. Майли, ушбу тафсилотлар тақдим этилаётган солномага бир дебоча ўрнида бўла колсин. Мен ҳикоя қилмокчи бўлаётган асл тарих эса хали олдинда.

Очигини айтай: Степан Трофимович бизнинг ўртамизда доимо бир мунча алоҳида, нима десам экан, фаол вазифани адo этар ва ушбу ўз вазифасини ниҳоятда ҳаяжонланиб ўйнар, назаримда, ҳаттоқи шусиз яшай ҳам олмасди. Бу билан мен уни театр артистига тенглаштирмокчи эмасман: худо сакласин, бунинг устига мен уни жуда ҳурмат киласман. Ҳамма гап шундаки, бунга у одатланиб колган бўлиши ҳам мумкин, ёки янада яхширок килиб айтадиган бўлсан, болалик чоғларидан бошлабоқ ўзини фаол бир гўзал мавқега олиб чиқиш учун доимий суратда олижаноб майлу андишалар ичida яшарди, орзулар канотида учарди. Мисол учун у ўзининг «кувгандалиги», нима десак экан, «сургундалигини» ниҳоятда ёқтиради. Шу иккала сўзда уни биратўла ва батамом маҳлиё килиб қўйган, кейин аста-секинлик билан ўз-ўзига ихлосини оширган,

ўзига яраша мумтоз бир порлоқлик мавжуд эдики, бу сўнг узок йиллар давомида ниҳоят уни аллакандайдир анча юксакка олиб чиккан ва ўзи ҳақидаги фикрини гоятда ёкимили, лазиз шоҳсупага кўтарғанди. Ўтган асрдаги бир инглиз ҳажвий романида Гулливер деган кимса бўй-басти борйўғи икки қарич одамлар яшайдиган мамлакатдан уйинга кайтаркан, улар орасида ўзини улкан одам деб ҳисоблашга шу қадар ўрганиб коладики, кейин Лондон кўчаларида айланиб юриб, ўткинчи йўловчилар билан экипаж араваларга уларни бандоғҳ босиб олмаслик учун хой, нари тур, бери тур, йўлдан коч, деб кичқирад, ўзини ҳалиям улкан, уларни эса миттилар деб тасаввур қиласарди. Одамлар унинг устидан масхара килиб кулишар, сўкишар, кўпол аравакашлар эса ҳатто улканинг бошига қамчи билан солишарди; лекин бу адолатданмикан? Одатланиш нималарга қодир эмас? Ўрганиб колиш Степан Трофимовични ҳам шунга олиб келди, лекин бу энди унга караганда ҳам беозор ва безиён кўринишда эди, десак ҳам бўлаверади, нега деганда, у бениҳоя гўзал хулқли инсон эди.

Мен яна шундай деб ўйлайманки, уни кейин-кейин бориб ҳамма ҳар ерда унугиб кўйди; лекин илгари ҳам уни бутунлай билишмасди деб сира айтиб бўлмасди. Шубҳасиз, у бизнинг ўтган авлодимиздан чиккан баъзи машхур намояндадаримизнинг атоли даврасига маълум бир вакт кирган ҳам эди, – маълум бир вакт ичиди, – ҳа, маълум бир озгинагина дакиқа мобайнида, – унинг номи ўша пайтлардаги анча-мунча шошқалоқ кишилар томонидан нак Чаадаев, Белинский, Грановский ва ўша чоғлар хорижда энди ном қозониб келаётган Герцен каторида тилга олинганди. Бирок Степан Трофимовичнинг фаолияти энди бошланганидаёқ охирига етди – «вокеалар қуондай ёғилиб» шунга олиб келди, деб айтсак ҳам бўлади. Қандай дейсизми? Лоақал худди мана шу ҳолатда «куон»нинг ўзигина эмас, ҳатто «вокеалар» ҳам мутлако бўлмаган экан. Мен шу яқин кунлар ичиди аник-тиник ишончли тарзда билиб, батамом ҳанг-манг бўлиб колдимки, Степан Трофимович биз билан бирга, нақ бизнинг вилоятимизда

Ф. М. Достоевский

миш-мишларга зид ўларок сургун холатида яшамаган ва хаттоти ҳеч качон назорат остида ҳам бўлмаган экан. Ана энди шунга қараб кишининг ўзи тўғрисидаги тасаввуринг кучини кўринг!

У бутун хаёти давомида шунга қаттиқ ишонардикি, айрим доираларда ундан доим чўчиб туришади, унинг ҳар бир ташлаган қадами хисобда ва эътиборга олинади, кейинги йигирма йил мобайнида уч бора алмашган вилоят ҳокимлари вилоятни бошқаришга келаётганда, унинг борасида алоҳида ташвиш-хавотирга тўла бир фикрга эга бўладики, бу фикр унга тепадан ва қолаверса, аввало ҳокимиятни топшириш ҷоғида шипшитилади. Шунда ким бўлмасин, бағоят соғдил Степан Трофимовични сизнинг ҳеч нарсадан хавфсираб ўтиришингизга ҳеч кандай ҳожат йўқ, деб рад этиб бўлмас далиллар билан ишонтиришга уринса, у албатта қаттиқ ранжиб коларди. Аслида эса у ғоятда аклли ва ўтакетган салоҳиятли одам эди, ҳатто илм кишиси дейиш мумкин эди, айтмоқчи, гарчи илмда... ҳўш, ҳай, шу илмда у унча ҳам кўп иш қилмаган ва чамаси, ҳеч нарса қилмаганди. Аммо ахир бизнинг Рус диёrimизда илм кишилари ўртасида бу нарса ҳар қадамда учрайди.

Киркинчи йилларнинг охирига бориб у хориждан кайтиб келгач, университет кафедрасида маъruzalар ўқиб донг таратди. Факат бир нечта маъруза ўқишига улгурди, улар араблар ҳакида эди. 1413 ва 1428 йиллар орасида ги даврда Ганау деган немис шаҳарида вужудга келган фукаролик ҳамда ганзеатик холатнинг аҳамияти ҳакида ажойиб ёркин диссертация ёзиб ҳимоя қилишга ҳам қарийб улгурди, диссертация ишида у шу билан бирга нима учун шаҳар эътибор козонолмай колганлигининг алоҳида ва ноаён сабабларини ҳам кўрсатди. Ушбу диссертация ўша пайтдаги славянпарастларни устомонлик билан чакиб олди ва у бирпасда улар орасида кўплаб дарғазаб ганимларни орттириди. Кейин дарвоке, кафедрани қўлдан чикаргандан сўнг, у ойда бир марта чикадиган илгор карашли, ўз сахифаларида Диккенс асарларининг таржималарини

босиб турадиган, Жорж Санд ижодини тарғиб-ташвиқ ки-
ладиган журналда (ганимларнинг бурнига чертиб қўйиш
ва қолаверса, кўриб қўйинглар қандай кимсани қўлдан
бой бердинглар, деган маънодаги писанда билан) ҳаддан
зиёд теран бир тадқиқотнинг бош кисмини эълон қилиб
улгурди – чамаси бу асар аллакайси даврда яшаган ал-
лакандай рицар валломатларнинг акл бовар қилмас маъ-
навий-аҳлоқий олижанобликлари ёки шунга ўхшаш бир
нарсалар ҳакида ёзилганди. Ҳар қалай, қандайдир жуда
юксак ва ажойибу гаройиб фикр илгари сурилган эди.
Кейинчалик одамлар орасида тадқиқотнинг давоми шо-
шилинч суратда ман қилинганмиш ва ҳатто илғор журнал
асарнинг биринчи кисмини босиб чиқаргани учун балога
қолганмиш деган миш-мишлар тарқалди. Ажабланадиган
жойи йўқ, чунки ўша пайтларда нималар бўлмаган дейсиз?
Аммо айни ҳолда афтидан умуман ҳеч нарса бўлмаганди
ва чамаси муаллифнинг ўзи тадқиқотни тугаллаб қўйишга
эринчоқлик қилганди. Араблар тўғрисидаги маърузала-
рини тўхтатишга мажбур бўлганининг сабаби эса бундай
эди, аллакимга қандайдир бир тарзда хат тушган (унинг
тескаричи ғанимлари томонидан ёзилган бўлса, ажаб
эмас), у кимнингдир номига жўнатилган, унда аллакандай
«хол-аҳволлар» баён этилган ва ана шунинг натижасида
кимдир ундан қандайдир тушунтириш беришни талаб
қилганди, яна билмадим, тўғримикан, йўқми, шундай гап-
лар ҳам юрардики, ўша пайтларда тагин Петербургда ўн
уч кишидан иборат улкан, ғайритабиий ва давлатга кар-
ши жамият топилиб, у ҳукумат биносини ларзага келтира
бошлаган экан. Улар нак Фуръенинг ўзини таржима қилиб
чиқаришмокчи экан, деб гапиришарди. Худди, атай қил-
гандай ўша пайтларнинг ўзида Москвада Степан Трофи-
мович бундан олти йил олдин Берлинда илк ёшлик чокла-
рида ёзилган достон қўлга тушган, нусхалари қўлма-қўл
ўкилган, иккита ҳаваскор мухлис ва бир талаба ўргтада уни
кўтариб юришган экан. Энди мана шу достон менинг сто-
лимда ҳам турибди; мен уни узок эмас, ўтган йили лутфан
Степан Трофимовичнинг ўзидан олганман, уни яқинда ул

Ф. М. Достоевский

зот ўз кўли билан тузиб чиқкан, ажойиб қизил саҳтиён тे-рига муқоваланган ва дастхат ҳам ёзилган. Ҳар қалай шо-ироналиги ҳам йўқ эмас, бир микдор салика ҳам учкунлаб туради, ғалати, аммо ўша вакътлар (яъни, аникроғи, ўтти-зинчи йилларда) шунака нарсаларни тез-тез коралаб тури-шарди. Унинг сюжетини айтиб беришга кийналаман, зо-тан, тўғрисини айтсам, унинг ҳеч балосини тушунмайман. Бу лирик-драматик шаклдаги аллақандай мажоз бўлиб, «Фауст»нинг иккинчи кисмини эслатади. Кўриниш аёллар хори билан очилади, кейин эркаклар хори чиқади, ундан кейин қандайдир кучлар жўр бўлади ва охирида ҳали сира яшамаган, аммо яшашликни жуда ҳам хоҳлаган жонлар хорга кўшилади. Бу хорларнинг бари қандайдир ноаён нарсаларни куйлайдилар, кўпи кимларнингdir қарғишила-ри, аммо уларда юксак юмор уфуриб туради. Бирок кўри-ниш кутилмаганда ўзгаради, қандайдир «Ҳаёт байрами» бошланади, унда ҳатто ҳашаротлар ҳам куйлашади, тош-бака чиқиб лотинчалаб аллақандай насиҳатомуз сўзлар айтади, ҳаттоки, агар эсимдан чиқмаган бўлса, бир маъ-дан тош хиргойи килади, бу энди мутлақо жонсиз нарса. Умуман десангиз, ҳаммаси тинмасдан кўшик айтишади, жуда дудмал килиб гаплашишади, сўкишганда эса жуда маънодор сўкишади. Нихоят, кўриниш яна ўзгаради, ёв-войи бир манзара пайдо бўлади, коялар орасида маданий бир йигит дайдиб юради, у қандайдир ўт-ўланларни юлиб олиб оғзига солиб чайнайди, фаришта унга: «нима кила-сиз бу ўтларни чайнаб?» деб савол беради, шунда у ҳаётий кучларим ошиб-тошиб кетяпти, ўзимни унутишни истай-ман, шу ўтлар менга малҳам бўлади, деб жавоб беради; ле-кин менинг асосий истагим ақлимни тезроқ йўкотиш, дей-ди (бу истак энди ортиқчароқ бўлса керак). Ундан кейин бирдан гўзалликда мислсиз навқирон йигит кора от миниб чиқиб келади, унинг ортидан ҳамма ҳалклар тўда-тўда бў-либ эргашади. Навқирон йигит ўзини ўлим тимсоли килиб кўрсатади, ҳамма ҳалклар ўлимга ташна. Ваnihоят, энг сўнгги кўринишда кутилмаганда Бобил минораси пайдо бўлади, уни қандайдир пахлавонлар янги умид қўшиғи-

ни куйлаб, энг тепасигача қайтадан қуриб битказадилар, шунда – айтайлик, Олимпнинг сохиб ихтиёри кулгили бир ахволда қочиб кетади, бундан хабардор бўлган инсоният дарҳол унинг ўрнини эгаллаб – шу заҳоти нарсаларнинг янги интилишлари асосида янги ҳаётни бошлаб юборади. Хўб, мана шу асарни ўшанда хатарли деб топишган. Мен ўтган йили бизнинг давримизга келиб жуда содда бўлиб колган бу асарни қайта нашр этишни Степан Трофимовичга тақлиф килдим, аммо у тақлифимни хийла норози бўлиб рад этди. Асарни содда деб айтган сўзим унга ёкмади, кейин мен билан икки ой совук муомалада бўлганлигини шундан кўрдим. Кейин нима бўлди дeng? Кутимаганда, менинг тақлифим билан бир вактда бизнинг асаримизни ў ёқда, яъни чет элда инкилобий тўпламлардан бирида Степан Трофимовичга мутлақо хабар бермасдан босиб чикаришган. У аввал жуда кўркиб кетган, югуриб ҳокимга чиккан, ўзини оклаб Петербургга ниҳоятда олижаноб мактуб битган, уни менга бир эмас, икки бора ўқиб, лекин охири кимга жўнатишни билмай, юбормай кўя колган. Гапнинг кискаси, бир ой ҳаяжонланиб ўзини кўйишга жой тополмай юрди; лекин ишончим комилки, ўз юрагининг сирли пучмокларида бундан фахру ифтихорга тўлиб, боши кўкка етган. Унга юборилган мажмуа нусхасини бағрига босиб уйкута ётган, кундузлари тўшак тагига беркитиб кўйган ва ҳатто ходимасига тўшакни йигиштиришга ҳам рухсат бермаган, у гарчи ҳар куни каерданdir қандайдир телеграмма келишини кутаётган бўлса-да, димоғ-фироги баланд, бурни кўтарилиганди. Ҳеч қандай телеграмма келгани йўқ. Ўшанда у мен билан ярашди, бу яна ўз навбатида унинг юмшоқ ва бегараз кўнглининг фавқулодда яхшилигидан дарак берарди.

II

Мен у зигирча ҳам зиён-захмат кўрмади, деб айтаётганим йўқ; мен эндиликда шунга тўла амин бўлдимки, у ўзининг арабларини кўнглига сикқанича давом эттираве-

Ф. М. Достоевский

риши мумкин эди, фақат керакли тушунтиришлар бериб кўйса, кифоя эди. Лекин ўшанда унинг нафсонияти ғолиб келди ва «шарт-шароитлар куюни» бир умрга мансаб пиллапояларидан кўтарилиб бориш йўлини тўсди, деб шошиб-пишиб ўз устидан узил-кесил ҳукм чикариб кўйди. Агарда гапни рўйирост айтадиган бўлсак, ишнинг бундай ўзгариб кетишининг ҳакикий сабаби Варвара Петровна Ставрогинадан келган ва илгари ҳам такрорланиб турган бир ўта нозик таклифда эди, бу аёл генерал-лейтенантнинг хотини бўлиб, катта мулку давлат соҳибаси эди, у ёлғиз ўғлининг тарбияси ва ақлий камолотини ўз уҳдасига олишни ҳам якин дўст, ҳам улуг мураббий сифатида ундан илтимос қиласди, ваъда килинаётган жуда катта имтиёзларни гапириб ўтирумаса ҳам бўларди. Бу таклиф унга биринчи марта Берлинда килинган, айни ўшанда илк бора хотинидан айрилиб бева қолганди. Унинг биринчи хотини бизнинг вилоятимиздан бўлиб, енгилтак бир киз эди, унга ўзи жуда ёш, акл-хуши жойида бўлмаган шўх чоғларида уйланганди, чамаси, ўзи ёкимтой ва дилбар аёл билан бирга турмуш куриб кўп азиятлар чекди, бир томондан уни бокишига маблағ еткизолмади, иккинчи бир ёқдан бошқа нозик сабаблар ҳам ўртадан чиқиб турди. Аёл Парижда казо килди, бунгача эри билан уч йил бирга яшамади, унга беш яшар ўғилчасини колдириб кетди, «биринчи, серкувонч ва хали лат емаган муҳаббатнинг меваси», бир сафар менинг олдимда маъюс Степан Трофимовичнинг оғзидан беихтиёр шу сўзлар отилиб чиқди. Палапонни бошидаёк Россияга жўнатиб юборишиди, у бу ерда доим қайлардадир овлокларда аллакандай узок холаларининг кўлида тарбияланди. Степан Трофимович ўша пайтдаги Варвара Петровнанинг таклифини рад килди-да, ҳеч кандай зарурат бўлмагани ҳолда яна бир йил ўтмаёк бир камгап немис хонимчага уйланиб олди. Аммо мураббийликдан воз кешишнинг бундан бошқа сабаблари ҳам бор экан: уни ўша вактларда донги чиқкан ажойиб профессорнинг шухрати хавасини келтирди, ана шунда ўз навбатида ўзи тайёргарлик кўриб юрган кафедрага отилди, у энди ўзининг лочин

ғанотларини синаб кўришни истарди. Мана энди вакт-соати ётиб, у қанотлари куйган ҳолда, табиийки, ўша таклифни эслаб қолди, бу таклиф устида бир қарорга келишга ўзгари ҳам иккиланиб юрарди. У билан бир йил яшаб-ашмай иккинчи хотинининг ҳам тўсатдан дунёдан кўз юмиши ҳаммасига бирйўла нукта қўйди. Тўғрисини айтсан: ҳаммаси Варвара Петровнанинг кизғин ғамхўрлиги ва унга бўлган кимматли, нима десам экан, мумтоз дўсто на муносабати туфайли ҳал бўлди, лекин дўстлик ҳақида шундай дейиш мумкинми, буни билмайман. У шу дўстликнинг қучогига отилди ва иш шу тарика йигирма йилсан ортиқ мустаҳкам қарор топди. Мен «кучоғига отилди» жтан иборани кўлладим, лекин кимни бўлмасин, худойим ортиқча ва бекорчи бир нарсани хаёлига келтиришдан ўзи сакласин; қучок деганда энг юксак маънавиятли маънонишина назарда тутаман. Ушбу ҳар иккала шунчалар ажойиб читкатни факат энг нафис ва энг нозик муносабатлар манга бир-бирларига боғлаганди.

Мураббийлик мартабаси яна шунинг учун ҳам қабул килиндики, Степан Трофимовичнинг биринчи хотинидан болған зигирдаккина ер-мулк Ставрогинларнинг бизнинг ўзоятимиздаги шаҳар яқинидаги Скворешники деган тутвор мулкларининг шундоққина ёнгинасида жойлашганди. Бунинг устига, сокин кабинетда хотиржам ўтириб, университетнинг бош-кети йўқ ишларига чалғимай, ўзими иҷтим-фанга бағишлаш, ватан адабиётини ажойиб теран тадқиқотлар билан бойитиш мумкин эди. Тадқиқотлар бўлчади; лекин бир умрга йигирма йилдан ортиқ вакт да зомида ватан олдида, нима десак экан, шоир таъбири билан айтганда, «мужассам надомат» янглиг туриш имкониги очилди:

*Сен либерал-идеалист,
Ватан қошида бир умр*

*Нақ мужассам надомат
Мисоли турдинг.*

Аммо халқ шоири назарда тутган сиймо, агар истаса, бутун умр шундай туриши мумкин эди, гарчи бу жуда зे-рикарли эди. Бизнинг Степан Трофимовичимиз эса бун-дай сиймолар билан киёслаганда, ростини айтганда, факат таклидчигина эди, боз устига кўп турса чарчар ва аксаран ёнбошлаб ётарди. Бирок ёнбошлаб ётганда ҳам, мужас-сам надомат сакланиб турар, буни тан олса арзирди, наф-силямрга вилоят учун шунинг ўзи ҳам хийла етарли эди. Уни бизнинг клубимизда карта ййнагани ўтирганини кўр-сангиз эди. Унинг бутун соҳт-сумбатидан:

– «Яна карта! Мен сизга аралашиб ўтирибман! Шу ҳам ҳамжихатликми? Ким бунга жавоб беради? Ким ме-нинг ҳаётимни барбод килди? Ким уни аралаш-куралашга айлантириди? Э, ўлиб кетмайдими Россия!» дегандай сўз-лар ёғилаётгандай туюларди, шунда у бутун сумбатини кериб чилликларни уради.

Очиғи, карта ташлашни ўлардай яхши кўради, шу туфайли айникса, кейинги пайтларда Варвара Петровна билан тез-тез ғашга тегадиган ғиди-бидига бориб турарди, боз устига доим ютқизгани ютқизган эди. Аммо буни ке-йинрок баён этамиз. Факат шуни айттайки, у анча инсофли одам эди (яъни баъзи-баъзизда), шунинг учун ҳам кўпинча ғамгин юради. Варвара Петровна билан йигирма йиллик ёр-дўстлиги мобайнида у бир йилда уч ё тўрт бора канда килмай бизнинг ўртамиизда «ватаний қайғу» деб аталади-ган ҳолатга ботар, ҳашаки айтганда, ғамгин ҳаёлга чўмар, аммо муҳтарама Варвара Петровнага бу ибора ёкарди. Кейинчалик у ватаний туйгудан ташқари шампанга ҳам бота бошлади; аммо сезгири Варвара Петровна бир умр уни шундай исён майллардан саклаб келарди. Шундай, у эна-гага муҳтоҷ эди, нега деганда у баъзан жуда галати бўлиб коларди: энг юксак қайгуниш ўртасида у бирдан кора халқ вакилларига ўхшаб ҳаҳолаб қулиб юборарди. Яна шундай дамлар ҳам бўлардики, у ҳатто ўзи ҳақида ҳам кулгили ки-либ гапиришга тушарди. Аммо Варвара Петровна кулгили нарсалардан ўлгудай кўркарди. Бу мумтоз маънодаги ки-бор бир аёл, неъматкор, ҳомий, энг юксак мулоҳазалар-

дан келиб чиқиб харакат киладиган аёл эди. Бу олийшон хонимнинг шўрлик дўстига ўтказган йигирма йиллик таъсири ҳаддан ташкари катта эди. Бу аёл тўғрисида алоҳида сўзлаш ўринли, шундай килганим маъқул.

III

Гаройиб дўстликлар бўлади: хар иккала дўст бир-бирларини ҳатто еб кўйишга тайёр, бир умр шундай яшашади, ҳолбуки, бир-бирларидан сира айрилолмайдилар. Айрилиш ҳатто мутлако мумкин эмас: инжиклик килган, алокани узган дўст ҳаммадан олдин касал бўлиб ётиб колади ва ҳаттоки худо кўрсатмасин, ўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Мен шуни аниқ биламанки, Степан Трофимович бир неча маротаба Варвара Петровна билан рўбарў ўтириб дил-дилдан мирикиб сухбатлашганларидан сўнг, хоним ойим чикиб кетгач, бирдан дивандан сакраб турарди-да, жон-жаҳди билан деворни муштлай бошларди.

Бунинг ҳеч кандай муболага жойи йўқ, шунчаларга борардики, бир куни ҳатто деворнинг сувогини ҳам кўчириб туширганди. Сен бунчалар нозик тафсилотини қаердан билдинг? – деб сўрашлари мумкин. Ахир мен ўз кўзим билан кўрган бўлсан-чи? Степан Трофимовичнинг ўзи мабодо бир эмас, бир неча марта елкамга бош қўйиб ҳўнграб йиглаган, ўзининг бутун ички ҳаётини миридан сиригача ёркин бўёкларда тасвирлаган бўлса-чи? (Яна нима-нималарни менга айтмаган дейсиз!) Лекин мана шу ҳўнграб кўз ёши тўкишлардан сўнг доим яна нима бўларди денг: ношукурлиги учун ўзини ўзи ўлдиришга ҳам рози бўлиб коларди; шошиб-пишиб мени ўз олдига чақирап ёки ўзи олдимга юргилаб келарди ва менга Варвара Петровнанинг «номус ва назокат фариштаси эканлиги, ўзининг эса бунга тамомила зид кимсалигини» айтарди. У менинг олдимга келиш билангина чекланмасди, шу билан бирга буларнинг барини хонимнинг ўзига жимжимадор мактубларда баён этар, ўз қалами билан ҳеч нарсани яшириб ўтирмай, куни кеча бегона бир одамга хоним ойим ўз шухратпарастли-

Ф. М. Достоевский

ги важидан хизматида ушлаб тургани, унинг билимлари ва салоҳиятларини кўролмаслиги; кўргани кўзи йўклиги, фақат буни очик-ойдин айтсам, у кетиб қолади ва адабиёт оламидаги обрў-эътиборимга путур етади деб кўркишларини сўйлаб берганлигини бўйнига оларди; мана шулар боис ўзимдан нафратланаман, ўзимни ўлдиришга карор килдим, хоним ойимнинг охирги сўзини кутяпман, ҳаммаси шу сўзга боғлик ва хоказо ва хоказо, бари мана шунака гаплар. Мана шулардан сўнг ёши элликка чиккан барча гўдакларнинг энг кўй оғзидан чўп олмаган, маъсумлардан маъсуми бўлган зотнинг асабий портлашлари кай дараҷада васваса касб этишини тасаввур килиш мумкин! Мен ўзим ҳам унинг шундай мактубларидан бирини ўқиганман: ўшанда улар ўртасида таги заҳарли бўлган арзимаган сабаб билан жанжал чикканди. Мен даҳшатга тушдим ва хатни жўнатманг деб ялиниб-ёлвордим.

– Мумкин эмас... виждонан... бурчим... агар унинг олдида ҳаммасини тан олмасам бўлмайди, менга бу хаёт керакмас! – ёниб-куйиб жавоб берди у ва барибир хатни юборди.

Улар ўртасидаги фарқ мана шунда ҳам эдики, Варвара Петровна ҳеч қачон мана шундай хатни ёзиб жўнатмаган бўларди. Рост, у хат ёзишни жонидан ҳам яхши кўрар, хоним ойим билан бир уйда яшаб турган бўлса-да, унга хат ёзарди, жазавага тушган чоғларида кунига хатто иккита хат ёзиб юборарди. Билишимча, хоним ҳамиша бу хатларни эътибор билан ўкир, хатто иккита хат келса ҳам ўкишдан эринмас, ўкиб бўлгач, белги кўйиб, тартибга солиб алоҳида кутисига жойлаб кўярди; бундан ташкари уларни юрагида сақларди. Кейин дўстига кун бўйи жавоб бермай тоқатини синаб, ҳеч нарса бўлмагандай у билан кўришар, ўзини гўёки кеча арзийдиган ҳеч нима рўй бермагандай тутарди. Бора-бора хоним ойим уни шунга кўнтириди, унинг ўзи ҳам кечаги гапни эслатишдан тортинар, фақат бир неча муддат хоним ойимнинг кўзларига термулгани термулганди. Бирок хоним ойим ҳеч нарсани унутмасди, у эса баъзан ҳаддан зиёд тез эсидан чиқарар, хоним ойим-

нинг хотиржам юрганидан рухланиб, агар ёр-биродарлари келиб қолишиса, ўша куниёк хандон-хушон қулиб, шампан ичиб шўхлик қиласди. Хоним ойим шундай дамларда унга шунчалар заҳарли бокар, у эса ҳеч нарсани фахмла-масди! Шундайки, бир ҳафта, бир ой ёки ҳатто ярим йил ўтиб, қандайдир бир ўзгача ҳолатда ўша ҳатларда ёзилган бирорта сўз ё иборани, кейин бутун ҳатнинг ўзи қандай тарзда ёзилганларини баногоҳ эслаб, у уят-аламдан алан-гайи-оташ бўлиб ёниб кетар ва шу қадар изтиробга тушардикি, худди вабога йўлиқкан кишига ўхшаб қоларди. Вабога ўхшаган унинг бу ўзгача талвасалари айрим ҳолларда асабий жазаваларнинг оддий одатдаги натижаси бўлиб, унинг жисму жонининг ўзига яраша галатирок бир ходисоти эди.

Ҳакиқатан, Варвара Петровна уни тез-тез ёмон қўриб қоларди; аммо у хоним ойимдаги бир нарсани охиригача сира фахмламади, бу охир-окибат хоним ойимга мисоли ўғилдай, у ўзи яратган хилкатдай, ҳатто айтиш мумкинки, унинг ихтиросидай, танасида тана, жонида жондай бўлиб колганди, ҳар ҳолда хоним ойим фақат унинг «истеъдо-нга rashk» қилганидан бокмас ва ўз хузурида сакламасди. Бу каби тахминлардан хоним ойим қанчалар азият чекар, оғринарди, тасаввур килиш мумкин! Тинимсиз ёмон қўриш, rashk ва нафратланиш ичida қандайдир чидаб бўлмайдиган муҳаббат ҳам яширганди хоним ойимда. Хоним ойим унга ҳатто заррача губор қўнишинираво кўрчас, йигирма икки йилдан буён уни аллада азиз, тўрвада майиз мисоли эъзозлар, шоир, олим, ватаний арбоб сифатидаги обрў-эътибори ҳакида сўз борганда кечалари мижжа қоқмай ташвишга ботарди. Хоним уни ўзи учун ўзи ясаган ва ясаган нарсасига ўзи биринчи бўлиб ҳаммадан каттиқ ишонганди. У хоним ойимнинг мисоли аллақандай орзуси эди... Бироқ буларнинг бари эвазига хоним ойим ундан ҳакиқатан жуда кўп нарсаларни талаб қилас, ҳатто кўл бўлишини истарди. Шу билан бирга у акл бовар қилмас даражада кекчи эди. Кези келиб қолди, иккита ҳангомани айтиб бераман.

IV

Бир куни, дехконларни эркинликка чиқариш ҳакида илк гап-сўзлар таркалиб, бутун Россия шод-хуррам бўлиб, кайта дунёга келишга шайланиб турганда, Варвара Петровнанинг хузурига Петербурглик бир барон йўл-йўлакай меҳмон бўлиб келди, бу юкоридагилар билан алокалари кўп, мансаб курсиларига жуда якин кимса эди. Варвара Петровна бундай меҳмонлар, келди-кетдиларни ғоятда кадрларди, нега деганда, эри казо килгандан сўнг унинг киборлар жамияти билан алокалари борган сайин камайиб, кейинги пайтларда тамомила тўхтаган эди. Барон хоним ойим олдида бир соат ўтириб, чой ичди. Бошка ҳеч ким йўқ эди, аммо Степан Трофимовични Варвара Петровна чакиририб таништириди. Барон уни орқаваротдан билар экан, ўзини эшигандек килиб кўрсатди, аммо чой устида кўпда гап-сўз котмади. Албатта, Степан Трофимович бўш келадиганлар хилидан эмасди, бунинг устига унинг муомалалари ғоятда назокатли эди. Чамаси, келиб чикишига кўра жуда хам кибор деб бўлмаса-да, лекин тақдир такозоси билан жуда ёш сабий чоғлариданок Москвадаги бир кибор хонадонда тарбия кўрган, демакки, ўзига етарли эди; французчани худди парижлик кишидек гапиради. Шундай килиб, Варвара Петровна вилоят чеккасида бўлса хам, ўз атрофини кандай одамлар билан куршаганини барон бир карагандаёқ англаб етиши керак эди. Бирок ундан бўлмади. Барон буюк ислохот ҳакида эндигина тарқалаётган илк овозаларнинг ростлигига далолат келтирганда, Степан Трофимовичнинг сабри чидамай бирдан «ура!» деб кичкириб юборди ва хайратини билдириб, кўли билан аллакандай харакат қилди. У овозини жуда баланд кўтартгани йўқ, факат назокат билан кичкириб кўйди; балки бу хайратга олдиндан тайёргарлик кўрилгандир, кўл силташ харакати эса чойдан ярим соат илгари атай машқ килингандир балки; лекин эҳтимол шу ўринда бирон нарса ўхшамагандирки, барон андаккина жилмайиб кўйишдан ўзини тиёлмади, лекин шу заҳоти фавқулодда назокат би-

лан барча русий калблар буюк ҳодисадан умуман керакли даражада мутаассир бўлганликлари тўғрисидаги жумлани кистириб ўтди. Кейин тез жўнаб кетди, кетатуриб Степан Трофимовичга икки бармоғини узатишни унугмади. Мехмонхонага қайтиб киаркан, Варвара Петровна аввал худди стол устидан бир нарсани қидиргандай, уч дақиқалар жим турди; лекин бирдан Степан Трофимовичга ўтирилди-да, ранги окариб, кўзларидан ўт чакнаб, тишининг орасидан шивирлади:

– Мен буни ҳеч қачон унутмайман!

Эртасига у ўз ҳабиби билан худди ҳеч нарса бўлмагандай кўришди; рўй берган воқеани ҳеч қачон эсламади. Аммо ўн уч йил ўтиб, фожиали бир дамда эсига тушди ва унга таъна қилди, ва худди ўн уч йил аввалгидай, худди ўшандай биринчи марта таъна қилгандай ранги окарди. У ўзининг бутун ҳаёти давомида унга икки марта: «Мен буни ҳеч қачон унутмайман!» – деб айтганди. Бароннинг воқеаси иккинчи маротаба бўлган эди; аммо иккинчи воқеа ҳам ўз навбатида жуда кизик ва чамаси, Степан Трофимовичнинг тақдиррида кўп маънога эгаки, уни эслаб ўтишга журъат этаман.

Бу эллик бешинчи йил баҳорда – май ойида бўлган эди, баайни ўшандада Скворешникида генерал-лейтенант Ставрогиннинг вафоти ҳакида хабар олинганди, бу зот енгилтак қария бўлиб, Кримга кетатуриб йўлда ошкозони оғриб ўлган эди, у ҳаракатдаги қўшининг вазифага тайинлангани боис шошилинч йўлга отланган эди. Варвара Петровна батамом бева бўлиб қолди ва бошдан-оёқ кора кийинди. Тўғри, у жуда қаттиқ ва узоқ қайғургани йўқ, зеро, охирги тўрт йил давомида феъл-атворлари чиқишичагани учун эри билан батамом бошқа-бошқа яшар, эрига мунтазам пул-маблаг етказиб турарди. (Генерал-лейтенантнинг ўзига бор-йўғи юз элликта тирик жон карашли бўлиб, маош олиб кун кечирарди, бунинг устига ўзи оксусяқ ва донгдор, алоқалари бисёр эди, бутун мулку давлат ва Скворешники Варвара Петровнага карашли бўлиб, аслида ҳам бадавлат бойнинг кизи эди). Шунга қарамасдан бу

Ф. М. Достоевский

кайғули хабардан каттык ларзага түшиб, бутунлай ёлғизликни ихтиёр этди. Албатта, Степан Трофимович унинг олдидан бир қадам нари силжимади.

Май гуллаб-яшнади; окшомлар ажойиб эди. Шумуртлар гуллади. Ҳар икки ҳабиб ҳар окшом боғга чикишар ва бир-бирларига кечинмаю хаёлларини айтишиб, шийпонда узок тун тушгунча ўтиришарди. Дамлар шоирона тус оларди. Варвара Петровна ўз тақдирида рўй берган ўзгаришлар таъсирида одатдагидан кўпроқ сўйларди. У ҳабибининг юрагидан мадад излаётгандай бўларди, бир неча окшомларни шундай ўтказиши. Степан Трофимовичнинг хаёлига бир ғалати фикр келиб колди: «Ғамга ботган бева унга кўз тутмаётганикин ва мотам йили тугагач, унинг таклифини кутмасникин?» Уятсиз бир фикр; аммо хилқатнинг олиймақомлиги ҳатто баъзан сурбет хаёлларга майл уйготади. Камолотнинг серкирралигининг ўзи ҳам шунга олиб боради, ахир. У разм солиб каради ва иш шунга қараб кетяпти, деган қарорга келди. У ўйга ботди: «Мулку давлат жуда катта, рост, лекин...» Ҳакикатан ҳам Варвара Петровнани учча чиройли деб бўлмасди: унинг бўйи баланд, ўзи сарик, суяқдор хотин, юзи ғоятда чўзинчоқ, от башарага монанд эди. Степан Трофимович борган сари иккиланар, шубҳа-гумонлар ўтида ёнар, ҳатто икки марта юраги пўкиллаб, йиғлаб ҳам олди (у кўп вактлар йиғларди). Окшомлари боғ шийпонида унинг чехрасида беихтиёр аллақандай инжиқлик ва масҳараомузлик, аллақандай қарашма ва шу билан бирга нечукдир димоғдорлик белгилари зуҳур эта бошлади. Бу нарса алланечук тасодиф билан беихтиёр бўлиб туради, олижаноб одамларда бу тез кўзга ташланади. Худо билади, бу ерда қандай ҳукм чиқаришга ҳам ҳайронсан, лекин тўғрироғи шуки, Варвара Петровнанинг юрагида Степан Трофимовичнинг гумонларини салпал окладиган ҳеч қандай бир нарса бошланмаган эди. Бунинг устига хоним ойим ўзининг Ставрогина деган номини, гарчи ғоятда шарафли бўлса-да, унинг номига асло алиштирмасди. Эҳтимол унинг томонидан факат аёлларга хос бир ўйин рўй бергандир, аёл эҳтиёжлари шуурсиз

тарзда юзага чиқиб қолгандир, ахир бу аёлларнинг баъзи фавқулодда ҳолатларида беҳад табиий-ку. Ҳар ҳолда дадил туриб айттолмайман; аёл қалбининг теранликлариға етиб бўлмайди, ҳозирги кун ҳам бундан мустасно эмас! Аммо давом этайлик.

Чамаси, хоним ойим кўп ўтмай ўзича ҳабибининг юзидағи галати ифодаларни тушуниб қолди; у жуда сезгир ва зийрак эди, ҳабиб эса гоҳо-гоҳо бениҳоя сода эди. Аммо боф шийпонидаги сұхбатлар аввалгидай давом этар, улар ҳамон ўша-ўша шоирона ҳам кизикарли эди. Шундай килиб, бир куни гоятда жонли, дилкаш сұхбатдан сўнг коронғу тушиб, улар Степан Трофимович турадиган уй остонаси олдида бир-бирларини қўлларининг алангали кисишиб, маҳбубона хайрлашдилар. Степан Трофимович ҳар ёз чоги келганда, Скворешники эгаларининг улкан саройига туташ боф ичида жойлашган мана шу алохида уйчага кўчиб ўтарди. У уй ичига эндингина қадам қўйиб, паришонхотирлик билан сигара олди-да, уни ҳали ўт олдиришға улгурмай, очик дераза рўпарасида кимирламай ҳорғин туриб қолди, чарогон уй атрофида сузган пардай юмшок, енгил оппок булутларга бокди, шунда бирдан ҳавои бир шитирлаш эшитилиб, у чўчиб тушди ва ўтирилиб каради. Унинг кошида яна Варвара Петровна турарди, у тўрт дақика бурун ташкарида қолганди. Унинг сарик юзи қарийб кўкариб кетган, лаблари маҳкам кимтилган ва икки бурчи титгарди. Ўн сонияча вакт ичида у ҳабибининг кўзларига индамай каттиқ шафкатсиз тикилиб турди, сўнг тез-тез шипшиди:

– Мен ҳеч качон буни унутмайман!

Степан Трофимович ўн йил ўтиб, аввал бориб эшикни беркитиб, овозини паст қилиб менга бу маъюс хикояни сўйлаб бергандা, қасам ичиб айтдики, ўшанда турган жойимда шунчалар қотиб колибманки, Варвара Петровнанинг қандай гойиб бўлганини кўрганим ҳам, эшиганим ҳам йўқ. Хоним ойим кейин бу ҳодисани бирон марта ҳам ясга олмади ва ҳаммаси худди ҳеч нарса бўлмагандай ўз ҳолича давом этаверди, шундан ҳабиб бир умр буни ка-

саллик бошланмасдан бурун рўй берган бир рўё, деб ўйлаб юрди, бунинг устига у ростдан ҳам, ўша кечасидан бошлаб икки ҳафта кўрпа-тўшак килиб ётди, шу туфайли боғ шийпонидаги оҳанрабо сұхбатлар ҳам барҳам топди.

Буни у рўё деб хомхаёл килган бўлса-да, бутун умр ҳар куни воқеанинг қандайдир давомини, ечимини десак-микин, илҳак кутарди. У воқеанинг ўша билан тугаганига хеч ишонмасди! Мабодо шундай эса, у гоҳида маҳбубасига жуда ғалати килиб қараган бўлса ажаб эмас.

V

У киядиган либосни маҳбубанинг ўзи ўйлаб топди, у бир умр шу либосда юрди. Либос нафис ва ўзига хос эди: этаклари узун кора сюртук то ёқасигача зич тумаланганди, уни гоят олифта килиб кўрсатарди; шляпаси юмшок (ёзда похол) айвони кенг; бўйинбоги ок, батистдан тугунчак боги йирик, учи пастга осилиб туради; дастаси кумуш асо; соchlар елкага тушган; ўзи корача-малла, соchlари фақат кейинги вактлардагина андак оқара бошлаган. Соколу мўйловини кирдириб юрарди. Ёшлигига бениҳоя кўркам бўлган дейиншади. Аммо, менимча, ёши улғайганда ҳам нихоятда пўрим, салмокли эди. Эллик учга кирган одамни кари деб бўладими? Аммо қандайдир ватаний карашма юзасидан у ёш кўринишга унча ишқивоз эмас, аммо ўз ёшининг салмоғига кўра керилиб турар, либослари устида пўрим ўтирас, бўйи баланд, қотма, сочи елкага тушган, қандайдир дин бузрукворига ўхшар, ундан ҳам тўғрироғи, ўттизинчи йилларда кайсидир бир нашрда литография килинган шоир Кукольникнинг суратига туп-тус тортар, айникса, ёзда чаппар гуллаган настарин тагидаги кўшқда иккала кўли билан асога тиравиб ўтирган чоғлари, ёнгинасида ўртаси очиб кўйилган китоб, ботиб бораётган куёшга караб теран хаёлларга чўмган ҳолда. Китоб борасида шуни айтайки, у кейинги пайтларда ўқишдан нечукдур узоклаша бошлаганди. Тўғриси, умрининг охирларида Варвара Петровна ёздириб олиб келадиган газета ва журналларни

у канда қилмай ўкирди. Рус адабиётининг ютукларини ўз шаънини ерга урмаган холда доим қизиқиб кузатарди. Қай бир вактлар бизнинг ички ва ташки ишларимизга оид юксак замонавий сиёсатга бош урмоқчи бўлиб турди-ю, кейин тез орада кўл силтаб, бу корхонадан воз кечди. Шундай пайтлар ҳам бўларди: бокча ўзи билан бирга Токвилни олиб чиқарди, чўнтақка эса Поль де Кокни яширади. Ҳа, дарвоқе, булар майда гаплар.

Қавс ичиди Кукольникнинг сурати ҳакида ҳам айтиб ўттай: бу сурат Варвара Петровнанинг кўлига биринчи марта кизчалик чоғларида Москвада хос пансионда ўқиб юрганида тушган эди. Кизгина шу заҳоти суратни яхши кўриб қолди, пансиондаги барча кизчаларнинг одати шу: дуч келган нарсага ошику бекарор бўлиб юришади, айникса, чиройли иншо ва расм дарслари муаллимларини жон-дилдан севишади. Лекин бу ерда қизиги қизчанинг ҳусусиятларида эмас, қизиги Варвара Петровна ҳатто элликка киргандга ҳам бу суратни ўзининг энг қимматли қизлик дурдоналари қаторида асраб-авайлаб келар, ва эҳтимол, Степан Трофимовичга ҳам суратдаги кийим-бошга бирмунча ўхшашиб ўйлаб топгани ҳам айни шу важдан. Аммо бу ҳам, балки майда гап.

Варвара Петровна ҳузурида яшай бошлаган илк йилларда, яна ҳам тўғрироги, биринчи ярмида Степан Трофимович ҳамон аллақандай асар дардида юрар ва ҳар куни жиддий ўтириб уни ёзмоқчи бўларди. Аммо иккинчи ярми даврида буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмай қўйди. Бизга доим дам-бадам шундай деб кўярди: «Афтидан, ишга ўтиришга тайёр бўлдим, материаллар йигилган, ҳеч ишлолмаяпман! Ҳеч нарса қилолмаяпман!» – шундай деб у бошини чаъюс куйи соларди. Шубҳасизки, худди мана шу нарса уни бизнинг кўз ўнгимизда янада улуғворрок килиб кўрсатиши лозим эди, бизнинг назаримизда у илм-фан мужовири эди; аммо унинг ўзи бошқа нарсани хоҳларди. «Мени ўнутиб юборишиди, мен энди ҳеч кимга керак эмасман!»

деган сўзлар бот-бот унинг оғзидан чикиб кетарди. Бу ҳазин умидсизлик эллигинчи йилларнинг охирига бориб

уни батамом енгіб қўйди. Варвара Петровна нихоят иш жиддий эканлигини тушунди. У ҳабибининг унутилгани, энди ҳеч кимга кераги йўклиги ҳакидаги фикрларга асло токат килолмасди. Унинг кўнглини ёзиш, шон-шуҳратини янгилаш учун уни ўшандада Москвага олиб борди, бу ерда унинг нафис адабиёт ва илм-фан доираларида бир қанча эътиборли таниш-билишлари бор эди; аммо оқибат Москва ҳам қаноатлантирумади.

Ўша пайтлар давр бошқача эди; илгариги сокинликка сира ўхшамайдиган қандайдир янги нарсалар ва қандайдир жуда ғалати ишлар бўлмоқда эдики, бу ҳамма ерда ва ҳатто Скворешникида ҳам сезилар эди. Турли миш-мишлар кулокка чалинарди. Фактлар у ёки бу даражада маълум эди, аммо шу нарса аён эдики, фактлардан ташкари уларни кувватлантириб турган гоялар ҳам мавжуд эди, асосийси, улар нихоятда кўп эди. Худди мана шу нарса одамни хижолатга соларди: бу ғояларнинг бари айнан нимани англатишини аник билиш ва ёндашиб боришиликнинг сира иложи йўқ эди. Варвара Петровна табиатан аёлманд бўлгани учун, уларнинг замирида албатта қандайдир бир сир яширинган деб каарди. Ўзи шахсан газета-журналларни, ман этилган хорижий нашрлар ва ҳатто энди ёйила бошлаган варакаларни (буларнинг барини унга етказиб беришарди) ўқишига тушди; аммо булардан боши айланиб кетди, холос. У ўтириб ҳатлар ёзишга киришди; унга кам жавоблар келарди, бу нарса чўзилгани сари шунчалар тушунарсиз бўла борарди. Степан Трофимович тантанали суратда унинг хузурига «бу ғояларнинг барини» тўқис-тугал тушунтириб бериш учун таклиф этилди; аммо хоним ойим унинг тушунтиришларидан мутлако қаноат ҳосил килмади. Степан Трофимовичнинг умумҳаракатга қараши ўтакетган даражада кибру ҳавога чулғанганди; назаридага ҳамма нарса ўзининг унутилгани ва ҳеч кимга кераги бўлмай колганига бориб тақаларди. Нихоят, уни ҳам эслаб қўйишиди, аввал хорижий нашрлар сургундаги мужовир ҳакида ёзиб чикишиди, ундан сўнг Петербургда муайян юлдузлар туркумидаги собиқ юлдуз ҳакида эслашди. Ҳат-

то уни негадир Радишчев билан тенглаштиришарди. Кейин аллаким у ўлди деб ёзib чиқди, таъзия ёзишни вайда килди. Степан Трофимович шу заҳоти тирилди ва ўзини викор ва салобат билан тута бошлади. Замондошларга тақаббурлик билан қарашни бирдан бас килди, юрагига ўт гушди: ҳаракатга қўшилиш ва ўзини кўрсатиш иштиёқида ёнди. Варвара Петровна дарҳол ҳаммасига яна ишонди ва жуда гирдикапалак бўлиб қолди. Заррача пайсалга солмай Петербургга жўнаш, ҳаммасини ўз кўзи билан кўриш, шахсан аниклаш ва иложи бўлса, бутунлай ва бирваракай янги фаолият ичига киришга қарор берилди. Дарвоке, хоним ойим ўз журналини чикариш ва унга бугундан эътиборан бутун ҳаётини бағишлиш ихтиёрини билдириди. Иш шунгача бориб етганини кўриб, Степан Трофимович яна кибру ҳавога минди, йўлда Варвара Петровнага қарийб химояткорона муносабатда бўла бошлади, буни хоним ойим дарҳол юрагига жойлади. Дарвоке, сафарга отланишга унинг бошқа бир муҳим сабаби ҳам йўқ эмасди, у олий доиралар билан алокаларини тиклаш ниятида эди. Доираларда имкони борича ўзини кўрсатиб туриш зарур эди, ҳар ҳолда бир уриниб кўрса ёмон бўлмасди. Бошкаларга сафарга чикишининг сабаби килиб ёлгиз ўғли билан кўришмоқчи эканлигини кўрсатди, ўғли ўша пайтда фан соҳасида Петурбург лицейини тугалламоқда эди.

VI

Улар Петербургга бориб, бутун қиш фаслини у ерда ўтказишиди. Бирок бари улуғ рўза арафасида худди жимирлаб турган совун кўпиги каби учди. Орзулар паро-канда тўзиди, чалкашлик эса равшан тортиш ўрнига яна ҳам ёқимсизрок тус олди. Биринчидан, олий даражадаги алокалар унчалик ковушмади, улар заррабинда кўринадиган даражада оз бўлди, бунинг орасида кишини камситадиган зўракиликлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Зардаси кайнаган Варвара Петровна ўзини бутунлай «янги гоялар» бағрига отгандай бўлди ва оқшомлар қабул маросимлари

Ф. М. Достоевский

уюштирди. У ўз уйига адабиётчиларни чорлади, унинг хузурига уларни күплаб олиб келишди. Кейин улар таклиф килмаса ҳам келаверадиган бўлишди; бири иккинчисини етаклаб келарди. У илгари ҳеч қачон бундай адабиётчиларни кўрмаганди. Уларнинг бари ўлардай шуҳратпараст ва буни мутлақо яширишмас, ҳудди шу билан вазифаларини адо этишаётгандай эди. Айримлари (хаммаси ҳам эмас, албатта) маст бўлиб келишар, лекин бунга ҳудди ўзлари куни кечагина кашф этган қандайдир ўзгача бир гўзаллик деб карашарди. Уларнинг бари жуда ғалати бир тарзда нимадандир гурурланишарди. Уларнинг юзларидан гўё ҳозир мана шу тобда қандайдир фавқулодда бир сирни очгандек бир кайфиятни укиш мумкин эди. Улар ўзаро пешдаҳан қилишар ва буни ўзларига гўё шараф деб билишарди. Уларнинг муайян нимани ёзганларини билиш анча-мунча кийин эди; аммо улар орасида танкидчилар, романнавислар, драматурглар, ҳажвчилар, фош килувчилар бор эди. Степан Трофимович уларнинг энг юкори доираларигача кириб борди, ҳаракатни шу ердан бошқаришарди. Бошқарувчилар ақл бовар қилмас баландда эди, аммо уни у ерда самимий қарши олишди, гарчи, рост, уларнинг ҳеч қайсиси уни билмас, унинг «ғоя вакили» эканлигидан бошқа ҳеч нарсани эшитишмаганди. У улар орасида ўралашиб юрар, ҳатто уларнинг қўл етмас алломайи алайно эканликларига қарамасдан, икки маротабалар Варвара Петровнанинг салонига чакиришга эришиди. Булар жуда жиддий ва жуда одоб-икромли эдилар; ўзларини яхши тутишарди; бошқалари чамаси, улардан кўркишарди; аммо уларнинг вактлари гоятда зиклиги равшан эди. Петербургда бўлган икки-учта илгариги машхур адабиётчилар ҳам келишди, Варвара Петровна булар билан анчадан бўён гоятда нафис муносабатлар ўрнатганди. Лекин ушбу ҳакикатан ҳам шак-шубҳадан холи донгдор адабиётчилар сувдай сокин, майсадай паст эканликларини кўриб Варвара Петровна ҳайрон қолди, уларнинг айримлари эса ўша янги тўда издихомга суйкалиб боришар ва унинг олдида уятсизларча ялтоқилик қилишарди. Авва-

лига Степан Трофимовичнинг иши юришди; унинг этагини тутишди ва уни оммавий адабий йигинларга чиқара бошлашди. У биринчи марта оммавий адабий ўкишларнинг бирида муаллифлар қаторида эстрадага чикканда, гулдурос чапаклар янграб, беш дақиқалар қадар сўнмай турди. У тўккиз йил ўтгандан сўнг буни кўзда ёш билан эслади, дарвое, шукронга тариқасида эмас, табиатининг нафосатга мойиллигидан кўрмок керак буни. «Сизга қасам ичиб айтаман ва бас бойлашаманки, – деган эди менга (факат менга ва сир тутиб), – ўша йигилганлардан хеч ким мени мутлақо билмас ва танимасди!» Буни қойил тан олиш деса бўлади: ўша пайтда эстрадада туриб ўз вазиятини шунчалар аник-равшан фахмлаган экан, демак, қанчалар талтайган бўлмасин, унинг аклини ўткир дейиш мумкин; энди агарда у орадан тўккиз йил ўтган бўлишига қарамай, ўша воеани гина-кудуратсиз эслолмас экан, демак, бу унда ўткир акл бўлмаганлигини билдиради. Уни кўпчиликнинг номидан ёзилган иккита ёки учта норозилик варакасига (нимадан норозилик билдирилганини ўзи ҳам билмасди) имзо чекишига кўндиришди, у имзо чекди. Варвара Петровнага ҳам кандайдир «бемаъни хатти-харакат» устидан ёзилган варакага кўл кўйдиришди. Дарвое, бу кимсаларнинг кўпчилиги Варвара Петровнанинг хузурига келиб туришса ҳам, нима учундир ўзларини унга нафрат билан караш, очиқдан-очик қалака килишга ҳакли деб хисоблашарди. Степан Трофимович кейинчалик аччик-аламли дамларда хоним ойим мана шундан эътиборан мени гаш кўра бошлади, деб менга ишорайи қалом киларди. Хоним, албатта, бу одамларга ўралашиб юрмаслиги кераклигини биларди, лекин барибир уларни ташналиқ билан, аёлларга хос бутун васвасаомуз сабрсизлик билан кабул килар ва энг муҳими, доим ниманидир кутарди. Оқшом йигинларида у сўз айта оларди, аммо кам сўзларди; у кўпроқ тинглаб ўтиради. Цензура назоратини йўқотиш, ъ харфидан воз кечиш, рус ҳарфларини лотин ҳарфларига алмаштириш, аллакимнинг кеча сургунга жўнатилгани, Пассажда аллақандай жанжал чиккани, Рос-

Ф. М. Достоевский

сияни элатларга бўлиш ва эркин федератив муносабатлар ўрнатиш, харбий қўшинлар ва флотни тугатиш, Польшани то Днепргача тиклаш, дехконлар ислоҳоти ва прокламациялар, мерос, оила, болалар ва руҳонийларни йўкотиш, хотин-кизлар хукуклари, Краевскийнинг уйи, бу уй учун ҳеч ким ҳеч жаноб Краевскийни кечирмаслиги ҳакида хоказо ва хоказолар борасида гап сотишарди. Шу нарса равшан эдики, мана шу янги одамлар тўдаси ичидаги муттаҳамлар ҳам кўп эди, лекин шубҳасиз, соғдил кишилар ҳам оз эмасди, баъзи бир ғалатирок ҳолларга қарамасдан, улар ичидаги анча-мунча эътиборли одамлар ҳам ҳатто кўзга ташланарди. Соғдиллар виждонсизлар ва кўполларга қараганда, хийлагина тушунарсизроқ туюлишарди. Лекин ким кимнинг қўлидалигини билиб бўлмасди. Варвара Петровна журнал чиқариш фикрини билдирганда, унинг ҳузурига янада кўпроқ одамлар ёпирилиб келишди, лекин юзинг-кўзинг демай дарров айбловлар ёғилди, уни сармоядор ва меҳнатни сунистъемол килувчи деб айблашди. Айбловларнинг андишасизлиги уларнинг кутилмаганлиги билан баробар эди. Мархум генерал Ставрогиннинг собиқ дўсти ва хизматдоши, кариб-чуриб колган генерал Иван Иванович Дроздов, жуда ўзига муносиб инсон (аммо ўз йўлида), уни бу ерда ҳаммамиз биламиз, гоятда қашшанг ва тажанг, ёмон кўп овкат ейдиган ва ёмон даҳрийликдан кўркадиган зот Варвара Петровнанинг зиёфатларидан бирида бир донги чиққан йигит билан баҳслashiб колди. Йигит унга гапнинг бошидаёт: «Сиз, демакки, генералсиз-да, шунинг учун шундай дейсиз», деб айтди, яъни уни генерал деб ҳакоратлашдан ҳам ортиқ сўз топмади. Иван Иванович бағоят қизишиб: «Ҳа, йигитча, мен генералман, генерал-лейтенантман, мен ўз подшоҳимга ҳизмат қилгандман, сен эса, бойвачча, ёш бола ва худосиз экансан!» – деб сўқди. Хунук жанжал чиқди. Эртасига бу воеа матбуотда фош этилди, генерални дарҳол уйидан кувиб чиқармаган Варвара Петровнанинг «хунук килиғи»га карши жамоат варақасига имзо йигиш бошланди. Суратли журнал саҳифасида Варвара Петровна, генерал ҳамда Степан

Трофимовични эскилик тарафдори сифатида аччик кулги остига олған ҳажвий сурат пайдо бўлди; суратга халқ шо-ири томонидан айнан шу воеа муносабати билан ёзилган шеър ҳам илова килинганди. Шу ерда ўзимдан бир гапни алоҳида айтиб қўйяй, чиндан ҳам, генерал унвонидаги жуда кўп зотларда кулгили бир гапни айтиш одати бор: «Мен подшоҳимга хизмат қилганман...», яъни уларнинг под-шоҳи биз одми фукаролар тобе бўлган подшоҳдан фарқ қилади, яъни бу подшоҳ алоҳида уларнинг подшоҳи. Бун-дан сўнг равшанки, Петербургда колишнинг бошқа иложи бўлмади, боз устига Степан Трофимович ҳам узил-кесил nasco² га йўлиқди. У чидамсизлик қилди ва санъатнинг ҳукуклари ҳакида баёнотлар бера бошлади. Шундан сўнг унинг устидан қаттирок кулишга тушдилар. Охирги му-толаа чогида у ватаний нутқ билан таъсир кўрсатишга уриниб кўрди, ўзининг «кувғинди»лигига эътиборни на-марда тутиб, юракларни ларзага солмокчи бўлди. У «ота юрт» деган сўзнинг бефойдалиги ва кулгили эканлигига баҳсласиб ўтирамай кўшилди, диннинг зарари ҳакидаги фикрга ҳам рози бўлди, бироқ этик Пушкиндан паст, хат-то жуда ҳам паст, деб бор овоз билан қатъий баён қилди. Уни ёмон хуштакка кўмиб юборишли, шундай бўлдики, у ҳамманинг кўз ўнгидаги эстрадада туриб йиглаб юборди. У ўлиқ-тиригини билмай қолди. Варвара Петровна уни зўрға ўйга олиб келди. «On m'a traite comme un vieux bonnet de coton!»³ – деб маъносиз лакилларди у. Хоним тун бўйи ўнга ғамхўрлик қилди, лавр, олча томизғилар ичирди ва то тонг отгунча кулоғига шипшиб чиқди: «Сиз ҳали фойда кеттирасиз; ҳали ўзингизни кўрсатасиз; сиз қадрингизни топасиз... бошқа ерда бўлса ҳам...»

Эртасигаёқ, эрталаб барвакт Варвара Петровнани бешта адабиётчи йўқлаб келишиди, улардан учтаси бутун-лай нотаниш, уларни илгари ҳеч қачон кўрмаганди. Улар жуда жиддий қиёфада унинг журнали ҳакидаги ишни кўриб чикишгани ва ўз қарорларини олиб келишганини

Енгилди маъносида (*итал.*)

Мени эски тунги калпок килиб қўйиши! (*франц.*)

айтишди. Варвара Петровна ҳеч кимга ҳеч қачон унинг журналини кўриб чиқиш ва қарор чиқариш ҳакида ҳеч қандай топширик бермаган эди. Уларнинг қарори шундан иборат эдики, хоним журналга асос солиб, сўнг шу заҳоти уни барча сармояси билан эркин бирлашма ҳуқуки асосида уларга топшириши керак, хонимнинг ўзи эса «эскириб колган» Степан Трофимовични олиб Скворешниги жўнаб кетгани маъкул. Одоб юзасидан, унинг мулкка бўлган ҳуқукини тан олиб, ҳар йили соф фойданинг олтидан бир кисмини унга жўнатиб туришга розилик билдиришаркан. Ҳаммадан таъсирли жойи шунда эдики, ушбу беш кишидан деярли тўртвони умуман ҳеч нарсага тамаси йўқ, «умумий иш»ни кўзлабгина жон куйдираётган эдилар.

«Биз худди ақлу хушимиизни йўқотгандай йўлга чикдик, – деб хикоя киларди Степан Трофимович, – калламга ҳеч бир фикр келмасди, факат вагоннинг так-тукига монанд бидирлардим:

*Тек ва Тек ва Шер Камбек,
Шер Камбек ва Тек ва Тек... –*

яна жин чалгандай алланима балолар деб, то Москва-га боргунча валдирадим. Москвага етгандан кейингина хушим ўзимга келди – худди бу ерда ҳакиқатан ҳам бошқа бирон нарсани топадигандай! О, менинг дўстларим! – деб хитоб киларди у бизга шавку завкка миниб, – сиз узок вактдан бери юрагингизда мукаддас тутиб келган буюк ғояни нўнок кимсалар илиб олиб кўчага, худди ўзларига ўхшаш тентаклар олдига сочганларида ва сиз кутилмаганда уни чайков бозорида танимайдиган даражада ўзгариб кетган, лой-балчикка булғанган, бурчак жинни қилиб бетартиб, бесаранжом жойлаштирилган, уйғун мувозанатини йўқотган, бесар болаларнинг ўйинчоғига айланган ҳолда кўрсангиз, тасаввур қилолмайсиз, қандай алам ва қахру ғазаб қалбингизда бош кўтаришини! Йўқ! Бизнинг давримизда бундай эмасди, биз ҳам бунга интилмагандик. Йўқ, йўқ, бутунлай бошқа нарса. Мен ҳеч нарсани билолмаяпман... Бизнинг давримиз яна келади ва яна ҳозирги

барча гандирақлаган нарсаларни мустаҳкам қатый йўлга солажак. Акс ҳолда, не бўлгай?..»

VII

Петербургдан қайтиб келишлари ҳамоноқ Варвара Петровна ўз дўстини чет элга жўнатди: «дам олиб келсин»; яна вактинча бўлса ҳам бир-бирларидан айрилиб турганлари маъкул эди, Варвара Петровна буни хис килиб турарди. Степан Трофимович жон-жон деб йўлга тушди. «У ерда мен тириламан! – дерди шавқ билан. – У ерда ниҳоят илм-фан билан шуғулланаман!» Аммо Берлиндан ёзган биринчи хатлариданоқ у яна эски ашуласини чўза бошлиди. «Юрагим вайрон, – деб ёзарди у Варвара Петровнага, ҳеч нарсани унотолмаяпман! Бу ерда, Берлинда ҳаммаси ўтган эски кунларим, биринчи завқ-шавқларим ва биринчи аламларимни эсимга солади. Қани ўшал аёл? Қаерда үлар ҳар иккиси? Қанисиз, икки фаришта, мен сизга ҳеч арзимасдим? Қани менинг ўғилчам, менинг жондан азиз ўғилчам? Ниҳоят, мен, мен ўзим қаердаман, ўша илгариги куч-куввати пўлатдай, мустаҳкам коядай турган қани мен? Мана энди кандайдир Andrejeff, соқолдор *и* православ масҳарабози, *peut briser mon existence endеux*⁴ ва ҳоказо ва ҳоказо. Степан Трофимовичнинг ўғилчасига келганда, уни умрида бор-йўғи икки маротаба кўрганди, биринчи марта у туғилганда, иккинчи марта – яқинда Петербургда кўрди; йигитча университеттага киришга ҳозирлик кўрмоқда эди. У то шу пайтгача, илгари айтилганидек, ҳолатарининг кўлида О. вилоятида (Варвара Петровнанинг карамогида), Скворешницидан етти юз чақирим нарида тарбияланиб келганди. Andrejeff, яъни Андреев ҳақида шуни айтишимиз мумкинки, у бор-йўғи бизнинг шу ерлик савдогар эди, дўкондор, қизикчи, ҳаваскор археолог, қадимги рус осори атикаларига ишқибоз, баъзан Степан Трофимович билан билимдонлиқда ва асосан йўналиш борасида найзабозлик қиласиди. Ушбу соқоли оқарган, катта

⁴ Менинг ҳаётимни барбод килиши мумкин (*франц.*).

кумуш кўзойнак тутиб юрувчи хурматли савдогар Степан Трофимовичга унинг мулкидан (Скворешниги якин) кесиши учун сотиб олган бир неча десятина ўрмоннинг пулидан тўрт юз сўмини бермади. Гарчи Варвара Петровна ўз дўстини Берлинга жўнатишдан аввал тўла таъминлаб қўйган бўлса-да, бирок Степан Трофимович сафар олдидан бу тўрт юз сўмга алоҳида кўз тутган, афтидан ўзининг хуфия харажатларини ундан қоплашни мўлжаллаган, шунинг учун Andrejeff яна бир ой сабр килишни сўраганда, тоза йигламоқдан бери бўлди, аммо бу кечикиришнинг ўз ко-нуний ўрни бор эди, зотан ўша пайтда Степан Трофимо-вичнинг камхарж ва эҳтиёжманд бўлиб колганига қараб, савдогар барча дастлабки тўловларни олдиндан, ярим йил бурун тўлаб қўйган эди. Варвара Петровна бу биринчи хатни ғоятда бесабрлик билан ўқиб чиқди ва «Қани улар ҳар иккиси!» деган ундовнинг тагига қалам билан чизиб, сана қўйди-да, кутичасига яширди. Дўсти, албатта, дунё-дан кўз юмган ҳар иккала хотинини эслаганди. Берлиндан олинган иккинчи хатда қўшиқ бошқача оҳангда такрор-ланарди: «Кунига ўн икки соатлаб ишлаяпман» («Ўн бир соат деса ҳам кошкийди», – деб тўнғиллаб қўйди Варвара Петровна), кутубхоналарни титкилаяпман, чоғиширияп-ман, ёздириб оляпман, югуриб юрибман; профессорлар билан кўришдим. Дундасовларнинг ажойиб оиласи билан янгидан муносабатлар ўрнатдим. Надежда Николаевна шу чокқача ҳам нечоғлик дилбар! Сизга салом ва таъзим йўллашяпти. Унинг ёш эри ва учала қариндоши Берлинда. Оқшомлари ёшлар билан тонготар сухбат киламиз, буни Афина кечаларига киёслаш мумкин, мен бунинг факат но-зиклиги ва нафосатини назарда тутаман; бари олижаноб; пайдарпай мусика чалинади, испан мотивлари янграйди, умуминсоният янгиланиши орзулари, мангу гўзаллик го-яси, Сикстин Мадоннаси, зулматни ёриб кираётган ёруғ-лик, аммо Куёшда ҳам дод бор! О, ҳабибам, олижаноб, са-докатли дўстим! Юрагим сиз билан, доим сизники, ёлгиз сизга *en tout pays⁵* ва хаттоки, *dans Le pays de Makar et de*

⁵ Ҳар кандай мамлакатда (франц.).

ses veaux⁶, бу ҳақда, эсингиздами, қайтмасимиздан олдин доним Петербургда түлкинланиб гаплашғанмиз. Эсласам, күлгім келади. Чегарадан ўтиб, ўзимни хавфсиз сездим, бу узок үйлар ичидә биринчи янги галати сезги...» ва ҳоказо ва ҳоказо.

«Э, ҳаммаси бекор! – деган фикрга келди Варвара Петровна хатни буклар экан. – Афина оқшомлари ўтади-ю, үн иккі соатлаб китоблар устида ўтирадими? Маст бўлиб ёзганми, нима бало? Анови Дундасова қандай ҳадди сиғиб менга таъзимлар йўллайди? Майли, ўйнаса ўйнар...»

Хатдағи «*dans Le pays de Makar et de ses veaux*» жумласи «Макар бузок ҳайдамаган ер» деган маънени англтарди. Степан Трофимович баъзан рус мақоллари ва асл маталларини французчага атайлаб алмойи-алжойи таржи-ма килар, ҳолбуки, уларни яхши тушуниб, чиройли ўгира оларди; лекин у буни бир ўзгача кизикчилик учун килар, ҳаковат нишонаси деб биларди.

Бирок у кўп узок ўйнаб юрмади, тўрт ойга чидамай, Скворешникига қанот чиқарип учди. Унинг сўнгги хатлари фақат узоқдаги маҳбубасига энғ ҳаяжонли мұхаббат изҳорлари бўлиб, том маънодаги фироқ кўз ёшлари билан намланганди. Шундай хилқатлар бўладики, худди хонаки кучукчалар каби уйга ҳаддан ташқари ўрганиб қолади. Маҳбубларнинг кўришувлари ҳис-ҳаяжонга бой бўлди. Икки кундан сўнг ҳаммаси яна эски изига тушди ва ҳатто эскисидан ҳам баттарроқ. «Азиз дўстим, – дерди Степан Трофимович икки хафтадан сўнг менинг кулоғимга маҳрамона шипшиб, – мен ўзим учун ёмон бир янгиликни қашф килдим: *je suis un* мен бу ерда оддий ҳаводор эканман, *et rien de plus!* Mais г-г-rien de plus!⁷»

⁶ Макар ва унинг бузоклари диёрида (*франц.*).

⁷ Мен оддий ҳаводорман, бошка ҳе-е-еч нарса эмас! Ҳа, ҳе-е-еч нарса эмас! (*франц.*).

VIII

Кейин бизда жимжитлик чўқди ва бу деярли тўққиз ийл давом этди. Менинг елкамга бош қўйганча мунтазам давом этиб турган асабий йиғлашлар бизнинг фаровонлигимизга заррача халал бермасди. Степан Трофимович шу йиллар мобайнида семириб кетмаганига ажабланаман. Бурни андаккина кизарди, холос ва янада оққўнгирок бўлиб колди. Аста-секин унинг ёнида унча катта бўлмаса-да, дўстлар давраси йиғилди. Варвара Петровнанинг давра билан иши бўлмаса хам, бироқ ҳаммамиз уни ўзимизга рахнамо деб билардик. Петербург сабогидан сўнг у бизнинг шаҳаримизда биратўла жойлашди; кишда шаҳардаги уйида, ёзда эса шаҳар чеккасидаги мулкида яшарди. Бизга то ҳозирги хокимимиз тайинланиб келгунча вилоят жамоатчилиги ўртасида у охирги етти ийл ичидан бўлганидек аҳамият ва обрў-эътибор козонмаган эди. Аввалги хокимимиз унтилмас ва ҳалим Иван Осипович хонимнинг жуда якин кариндоши бўлиб, илғари унга кўп яхшиликлар килган эди. Унинг рафикаси Варвара Петровнага ёқмай колишидан жонҳалак бўлиб турарди, вилоят жамоатчилигининг унга таъзимкорлиги шу даражага етдики, бу кандайдир гуноҳ бир нарсани эслатарди. Алҳол, бу Степан Трофимовичга хам яхши эди. У клуб аъзоси эди, савлат тўкиб ютизар, обрў-эътибор козонганди, аммо кўплар унга факат «аллома» деб карашарди. Кейинрок бориб, Варвара Петровна унга бошқа уйда яшашига ижозат бергач, биз янада эркинрок бўлиб колдик. Биз унинг уйида хафтасига икки марта йиғилардик; айниқса, у шампанни аяб ўтирганда давра жуда кувноқ бўларди. Шампан ўша Андреевнинг дўконидан келтириларди. Пулини ҳар ярим йилда Варвара Петровна тўларди, пул тўланадиган кун ҳар сафар вабо таркалгандек туюларди.

Тўгаракнинг энг кекса аъзоси вилоят амалдори Липутин ёши анчага бориб колган, эркинлик тарафдори, шаҳарда дахрий деб танилганди. У иккинчи маротаба ёш бир нозанинга уйланган, ундан калин олган ва бундан

ташқари учта бўйи етиб қолган қизи бор эди. Оилада қамчисидан кон томар, ҳеч кимни яқин йўлатмас, ҳаддан зиёд ҳасис эди, хизмат қилиб, уй ва сармоя орттирганди. Амали үнча катта бўлмаса ҳам, тинч турмас одам эди; шахарда у қадар ҳурмати йўқ, олий доирада эса уни қабул қилишмасди. Бунинг устига у ёмон гийбатчи эди, бунинг жазосини бир неча бор тортганди, бир гал зобит томонидан, иккичи марта эса оиланинг ҳурматли отаси, помешчик томонидан жуда каттиқ жазосини олганди. Лекин биз унинг ўткир ақли, кизиқувчанлиги, ўзгача бир аччик заҳархандаси учун яхши кўрардик. Варвара Петровна уни ёқтирилас, аммо у хонимга қандайдир суйкалиб бора биларди.

Хоним Шатовни ҳам жини сўймас, у бор-йўғи охирги йили тўгарак аъзоси бўлганди. Шатов собиқ талаба, бир воқеа туфайли университетдан ҳайдалганди; болалигига уни Степан Трофимович ўқитган; Варвара Петровнанинг крепостнойи бўлиб, унинг марҳум камердинери Павел Федоровдан туғилган, хонимдан яхшиликлар кўрганди. Хоним уни такаббурлиги ва кўрнамаклиги учун хуш кўрмасди, у университетдан қувилганда хоним ҳузурига дархол етиб келмаганлиги, аксинча, хонимнинг зудлик билан ёзган хатига миқ этмай жавоб бермаганлигини сира кечиролмасди, Шатов ўшанда қандайдир маданийлашган савдогарнинг болаларини ўқитиш учун ёлланиб, бўйнига бўйинтуруқ илган эди. У савдогарнинг оиласи билан бирга ҷуррабийдан кўра кўпроқ амаки сифатида чет элга жўнали; ўша пайтда унинг жуда ҳам чет элга чикқиси келганди. Чет элга жўнашдан олдин бу хонадонга хизматга кирган, ҳизмат ҳаки арzonрок тушгани учун олинган бир шаддод рус ойимкиз ҳам болаларга мураббия сифатида каарди. Савдогар икки ойлардан сўнг уни «эркин фикрлари» учун ҳайдади. Шатов ҳам қизнинг орқасидан лўқиллаб борди ва тез орада Женевада у билан никоҳдан ўтди. Икковлон уч ҳафтача бирга яшашди, кейин эркин, ҳеч нарсага боғланмаган кишилар каби ажралишди. Албатта, бунга йўқчилик сабаб бўлди. Кейин у узок вакт Европада ёлгиз санқиб юрди; нима хисобига кун кечиргани номаълум; кўчаларда

пойабзал тозалаган дейишади ва кайсидир бандаргоҳда хаммол бўлиб юк ташиган. Нихоят, бир йилча бурун биз томонга, туғилган юртига кайтиб, кампир холаси билан бирга турган, хола бир ой ўтар-ўтмас омонатини топширгач, кора ерга қўйган. Синглиси Дашани ҳам Варвара Петровна тарбиялаган, хонимнинг худди эрка кизидай у билан бирга яшайди, Шатов синглиси билан жуда кам кўришади, кам гаплашади. Ўртамиизда доим ковоғини уюб юради, гаплашгиси келмайди; аҳён-аҳёнда унинг эътико-дига тўкиниб кетилса, ёмон асаби қайнаб, ўзини тутолмайди ва оғзидан боди кириб-шоди чиқади. «Шатовни аввал боғлаб қўйиш керак. Кейин у билан баҳслашса бўлади», деб ҳазил килиб қўяди Степан Трофимович баъзан; аммо у Шатовни яхши кўрарди. Чет элда юрганда, ўзининг илгариги баъзи социалистик карашларини тубдан ўзгартириди ва ўта қарама-қарashi томонга сакраб ўтди. У шундай идеал рус хилкатларидан бири эдик, буларни қандайдир кучли бир гоя бирдан ҳайратга солади ва шу заҳоти дарҳол ўз остига босиб тушади, баъзан бир умр шу юк остида колиб кетадилар. Гояни улар ҳеч қачон эпломайдилар, лекин жон-жаҳдлари билан унга ишонадилар, шу тариқа устларига кулаб, бутун оғирлиги билан ярим вужудини эзган коя тагида талваса ичдиа умр кечирадилар. Шатовнинг ташқи кўриниши ҳам карашларига мутаносиб эди; у бесўнакай, ранг-туси ок тўри, соч-соколи пахмоқ, бўйи паст, елкалари кенг, лаблари дўрдок, ўсиб кетган кошлари окпар, куюқ, пешонаси тиришган, нимадандир кисингандай бўлиб турувчи ниғоҳи доим тумтайиб ерга бокади. Бошининг тепасида бир тутам сочи доим дикрайиб турар ва ҳеч қачон тарокка бўйин бермасди. Унинг ёши йигирма етти ё йигирма саккизларда эди. «Мен энди унинг хотини кочиб кетганига асти ажабланмайман», – деб қўиди Варвара Петровна бир куни унга диккат билан разм солиб. Ўзининг ўтакетган қашшоклигига қарамасдан у озодаги на кийинишга уринарди. Яна Варвара Петровнадан ёрдам сўрамади, худо нимани еткизса, шу билан тириклигиги ни ўтказар, савдогарларнинг ҳам хизматини қиласди. Бир

тўконда ҳам ўтириди, кейин приказчикнинг ёрдамчиси мўлиб кемада юклар билан кетишга ҳам отланди, аммо ғўнаш олдида оғриб ётиб қолди. Унинг йўқчиликка қанчалар чидаши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам килиш юйин, чамаси, бу хақда у бутунлай ўйлаб ҳам кўрмасди. У касалдан турганда Варвара Петровна ҳеч кимга билдириш май ва кимданлигини айтмай унга юз сўм бериб юборди. Аммо у сирнинг тагига етиб, ўйлаб кўриб пулни олди ва ўнг Варвара Петровнага миннатдорлик билдириш учун келди. Хоним уни алангали кутиб олди, аммо у хонимнинг кутганларини чиппакка чикарди; беш дакикача миқ этмай стрга безрайиб тикилганча аҳмокона тиржайиб ўтириди, сўнг гапнинг энг кизик жойига келганда хонимни охирича эшиitmай, ўрнидан турди, ёнбоши билан қандайдир беесўнакай таъзим килиб, ўлгудай уялиб кетди-да, хонимнинг кимматбаҳо хос столчасига туртиниб, қарсиллатиб стрга кулатди-ю, гумбурлаб, шармандаликдан ўлар ҳолга стиб, чиқди-кетди. Липутин кейин унга кўп таъна-дашном бериб юрди, сен ўша юз сўмни унинг юзига қараб отишинг керак эди, зулмкор бегойимнинг пулини олдинг, яна унга таъзим килиб, миннатдорчилик билдирганингга ўлайми! Шатов шаҳар чеккасида ёлғиз ўзи яшар, ҳатто биз бориб колсак ҳам, хушламасди. Степан Трофимовичнинг окшом чиражувларига канда кilmай келар ва ундан газета-журчалтар олиб ўкирди.

Окшом анжуманларига яна бир Виргинский деган йиит ҳам келарди, у шу ерда амалдор, баъзи жиҳатлардан Шатовга ўхшарди, лекин афтидан ҳамма томондан унинг бутунлай тескариси эди; аммо у ҳам «оиламанд» эди. Ночор ва ҳаддан зиёд ювош йигит, ёши ўттизларга ҳам бориб колган, анча-мунча билимдон, аммо кўпроқ ўзи ўкиб ўрганганди. У қашшоқ, уйланган, хизматчи, холаси ва қайнинглисини ўз қарамогида бокарди. Унинг рафиқаси ва учуман, бу хонадондаги хотин-қизларнинг бари энг янги карашлардан хабардор эдилар, лекин буларнинг ҳаммаси тўпорироқ кўринишга эга, яъни айнан бир маҳал Степан Трофимович бошқа бир муносабат билан айтмоқчи, «кў-

чага чиқиб кетган гоя» эди. Улар ҳамма нарсаларни ки-тоблардан ва пойтахтнинг илғор бурчакларидан биринчи кулокка чалингган гаплардан олардилар, ойнадан тўғри келган ҳамма нарсани улоқтириб юборишга тайёр эдилар, факат улоқтириб ташлашни тавсия этсалар кифоя эди. Madame Виргинская бизнинг шаҳаримизда доялик касби билан шуғулланарди; қизлик пайтлари узок вакт Петербургда яшаган эди. Виргинскийнинг ўзи жуда ноёб софдил инсон эди, ундан кўра соф юрак алангасини мен кам кўрганман. «Мен ҳеч қачон, ҳеч қачон шу мунавар умидлардан ҳеч воз кечмайман», – дерди у менга кўзлари чараклаб. «Мунавар умидлар» ҳакида жуда секин, лаз-затланиб, яшириб пичирлаб сўйларди. Унинг бўйи баланд, аммо елкалари тор ва нозик, қизгимтири сочлари гоятда сийрак эди. Ўзининг баъзи фикр-қараашлари борасидаги Степан Трофимовичнинг такаббурона кулгили пичингларини у ювош қабул қилас, аммо баъзан гоятда жиддий эътиroz билдирап ва кўп ҳолларда оғиз очирмай кўярди. Степан Трофимович унга ширин муомала қилас, умуман барчамизга оталарча муносабатда бўларди.

– Сиз ҳаммангиз «чала ўтирганлар»дансиз, – дерди у ҳазил оҳангига Виргинскийга, – сизга ўхшаганларнинг ҳаммаси, гарчи сизда, Виргинский, Петербургдаги *chez ces seminaristes*⁸да мен кўрган чек-лан-ган-ликини пайқамаган бўлсам ҳам, барибир ҳаммаларингиз «чала ўтирганлар»сиз. Шатов босиб ўтиришга чидаб кўрди, аммо у ҳам босиб ўтиромади.

– Мен-чи? – деб сўрарди Липутин.

– Сиз эса олтин ўртасиз, ҳамма ерда чиқишиасиз... ўзингизча.

Липутин хафа бўларди.

Афсуски, Виргинский ҳакида баъзи очик аён бўлган гапларни айтиб юришарди, эмишки, унинг рафиқаси ко-нуний никоҳда бир йил ҳам яшамай эрига сен билан турмайман, мен Лебядкинни хоҳлайман, дебди. Лебядкин де-ганлари қандайдир келгинди, кейинчалик жуда шубҳали

⁸ Ўша семинария ўкувчиларига ўхшаган (франц.).

одам эканлиги маълум бўлди, у ўзини истеъфога чиккан штабс-капитан деб атаса ҳам, аслида ҳеч қандай бундай мас экан. У факат мўйловини бураш, ичиш ва аклга ҳеч тири келмайдиган бўлмағур нарсаларни валақлашнигина ылтарди. Мана шу кимса дархол бетини сидириб ташлаб, Виргинскийларнинг уйига кўчиб ўтиб, бироннинг ошига ёрик бўлиб, уларнида еб-ичиб ётиб қолар экан, кўп ўтмай уй сохибидан баланд келиб, жигига тега бошлабди. Ишонтириб айтишларича, Виргинский хотинини кўй-лоб юборгандан сўнг унга шундай деган экан: «Азизим, шу пайтгача мен сени севардим, энди ҳурмат қиласман», токки бунақа тарзда қадимги Рим ҳикматли сўзи айтилдиникин, ишониш кийин; аксинча, айтишларича, хўнраб йиглаган. Бир куни хотинини кўйгандан икки хафта тиб, улар ҳаммалари таниш-билишлари билан чой ичиш чун бутун «оила» бўлиб шахар ташқарисидаги дараҳтюрга чикишади. Виргинский васвасали шўх бир кайфиятга раксга тушиб ўйнабди; аммо кутилмаганда ҳеч қандай қанжал кўтармай ракс тушаётган дароз Лебядкиннинг сочларига икки кўллаб ёпишиб, чангллаб, бошини паст-з букиб чинқириб, бакириб, йиглаб у ёқдан-бу ёқка судрай бошлабди. Дароз шунчалар қўркиб кетибдик, ҳатто ўзини ҳимоя қилмай, қанча судраб юришмасин, миқ этиб элиз очолмабди; аммо судрашдан кутулгандан сўнг ўзини элийжаноб одамдай кўрсатиб жуда қаттиқ хафа бўлиби. Виргинский тун бўйи тиз чўкиб хотинидан кечирим сўраб чинкибди; шунча ялиниб-ёлворса ҳам, кечиришмабди, чунки барибир Лебядкиннинг олдига бориб узр-маъзур айтишга кўнмабди; бундан ташқари қарашларининг торлиги ҳамда калтабинликда айбланибди; хотин киши билан гаплаша туриб, тиз чўккани бунга далолат килинибди. Кўп ўтмай штабс-капитан шахримизда кўринмай қўйди, кейин охирги пайтларда бу ерда яна синглиси билан пайдо бўлиб колди; ҳамаси, яна бошқа максадларни кўзлаган шекисли; аммо буни кейинроқда ҳикоя қиласми. Ажаб эмаски, шўрлик «оиламанд» йигит бизнинг даврамизда бироз кўнгли ёзилар, сухбатларимиздан қувват оларди. Ўзининг

оилавий ахволидан орамизда сира сўз очмасди. Факат бир куни мен билан бирга Степан Трофимовичнидан қайтиб келаётганида ўз ахволи-равишидан икки оғизгина сўз очди-ю, яна шу захоти қўлимдан тутиб, тўлиқиб кетиб, деди:

– Ҳечкиси йўқ; бу арзимаган нарса; сира-сира «умумий ишимиз»га тўсик бўлмайди!

Даврамизга яна тасодифий мәҳмонлар ҳам қўшилиб коларди; Лямшин деган жухуд, Картузов деган бир капитан келарди. Бироз вакт ҳар нарсага қизиқувчи қария ҳам келиб юрди, аммо у ўлиб колди. Бир пайт Липутин сургундаги ксендз Слонъцевский деганин ҳам бошлаб келди, уни бир нуктаи назар боис кабул килиб турдик, лекин сўнг кабул килмаёк қўйдик.

IX

Бир замон шахарда биз хакимида буларнинг тўгараги ҳурфирлик, бузуклик ва худосизлик ўчоги деган гап-сўзлар таркалган эди; гап-сўзлар тобора кучайиб боради. Ваҳоланки, бизнинг ўртамиизда беозор бир кадар русларга ХОС ШўХ-кувноқ либерал валаклашдан бошқа нарса бўлмасди. Факат ёлғиз Россиядагина «юксак либерализм» ва «юксак либерал», яъни ҳеч қандай мақсади бўлмаган либерал бўлиши мумкин. Ҳар қандай акл-заковатли одамда бўлгани каби Степан Трофимовичга ҳам тингловчи со-мельлар керак эди, бундан ташкари, унга мен ғоялар тарғиботидай юксак бурчимни адo этаётирман, деган ишонч зарур эди. Ниҳоят, ким биландир шампанхўрлик килиш, май тортиш асносида Россия ва «рус руҳи», умуман, худо ва айниқса, «рус худоси» ҳакида енгил-СЛПИ, ҳазил-хузул ҳангомалардан ўртоклашиш эҳтиёжга айланган эди; ҳаммага маълум сийкаси чикиб кетган жанжал қўпорадиган бетийик рус латифаларини юз мартабалаб айтилган бўлса-да, яна такрорлашар эдилар. Биз шахар ғийбатларидан ҲАМ ЮЗ ўтирмас эдик, дарвоке, бу борада гоҳида юксак ахлокий, ғоятда жиддий хукмлар ҳам чикариб қўярдик. Умуминсоний ҳодисаларни ҳам қуруқ қўймасдик, Европа

ва инсониятнинг келажаги тўғрисида жиддий мухокама юритардик; Франция цезаризмдан сўнг бирданига иккинчи даражали давлат мақомига тушиб қолажак, деб илмна-мо жиддий башорат қилар ва бу жуда даҳшатли тарзда тез ва осонлик билан рўй беражак деб мутлако ишонардик. Папа бирлашган Италияда оддий митрополит даражасига тушиб қолажак деб анчадан бери олдиндан ҳукм ўқирдик ва шунга мутлако амин эдикки, бизнинг инсонпарвар, са-ноатлашган ва темир йўллар тармоқ отган асримизда мана шу минг йиллардан буён ечилмай келаётган масала қўй отзидан чўп олгандай осон ҳал бўлажак. Бирок «юксак рус либерализми» масалага шундан бошқача муносабатда бўлолмасди ахир. Степан Трофимович гоҳо санъат ҳакида жуда ҳам соз, аммо бирмунча мавхум сўз юритарди. Баъзан ёшлигидаги дўстларини эсларди – булар бари бизнинг тараққиётимизда белгили зотлар эди, – уларни эсларкан, қўнгли ийиб орзикар, бунга бироз ғашлик ҳам аралашиб кетарди: мабодо жуда зерикиб кетсак, Лямшин деган жуҳудимиз (почтамт кичкина хизматчиси) фортелиано чалишга уста эди, бизга машқлар қилиб берар, танаффус чоғларида эса ўзи тўнгиз, момакалдироқ, бола туғилиши ва унинг ингалашларини ўҳшатиб тақлид этарди ва ҳоказо ва ҳоказо. У ёлғиз шунинг учун ҳам тақлиф қилинарди. Агар ичкилик кўпайиб кайфимиз ошса, – ўтиришларимиз ҳар ҳолда бундан ҳоли эмасди, – ҳаммамиз жўшиб кетар, ҳатто бир гал Лямшин жўрлигига Марсельезани ҳам хор бўлиб айтганмиз, лекин билмайман ўҳшаганмиди, йўқми. Ўн тўккизинчи февраль буюк санасини завқ-шавқ билан кутиб олдик ва анча олдиндан қадаҳ бўшатиб уни ша-рафладик. Булар анча илгари бўлиб ўтган эди, унда Шатов ҳам, Виргинский ҳам йўқ эди, Степан Трофимович эса Варвара Петровна билан бир уйда яшарди. Степан Трофи-мович улуғ санага бир неча кун қолганда, ўзича ҳаммага маълум, лекин бирмунча соҳтароқ байтни минғирлаб та-рорлаб юрадиган одат чикарди, бу шеърни илгари айти-дан қандайдир либерал помешчиклардан бирори тўкиган бўлса эҳтимол:

*Мужиклар боради болта кўтариб,
Нимадир бўлади ахир даҳшатли...*

Чамаси, шунга ўхшаганроқ бир нарса, аниқ эсимда йўқ. Варвара Петровна бир гал эшишиб колиб унга: «Бекор, бекор!» – деб бакирди-да, ғазабланиб ташкарига чиқиб кетди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган Липутин Степан Трофимовичга заҳарханда килди:

– Агарда жаноб помешчикларнинг собиқ қуллари хурсанд бўлиб кетиб эгаларининг жагини эзиб қўйсалар, афсус чекасан-да киши.

Шундай деб, у кўрсаткич бармоғи билан бўйини кесгандай бўлди.

– *Cher ami*⁹, – деди унга оқкўнгиллик билан Степан Трофимович, – гапимга ишонинг, бу (у бармоғи билан бўйини чизди) на бизнинг помешчикларимизга, на умуман бизнинг ҳаммамизга фойда келтиради. Биз бошларсиз ҳам ҳеч нарсани уддалай олмаймиз, ваҳоланки, айни бизнинг бошларимиз тушунишга ҳаммадан кўп халақит беради.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, бизда кўплар манифест куни қандайдир фавқулодда ишлар рўй беради, деган хаёлда эдилар, Липутин шунга яқин бир нарсани башорат қилган эди, яна буларнинг ҳаммалари, нима десак экан, халк билан давлатнинг билимдонлари-я. Афтидан, Степан Трофимович ҳам шу фикрларға қўшиларди, бу шунчалар эдики, у улуғ кун арафасида бирдан Варвара Петровнадан хорижга жўнаш ҳақида изн сўрай бошлади, кискаси, ташвишга тушиб қолди. Аммо улуғ кун ҳам ўтди, яна бир оз вакт ҳам ўтди, кейин Степан Трофимовичнинг дудокларида яна такаббурона илжайиш пайдо бўлди. У бизга умуман рус кишининг ва айникса, рус мужигининг феъл-автори тўғрисида бир қанча ажойиб фикрларни тизиб ташлади.

– Биз шошма-шошар одамлар каби мужикларимиз борасида кўп ўйламай иш қилдик, – деб якун ясади ўзининг ажойиб тизма фикрларига, – биз уларни модага ай-

⁹ Азизим (*франц.*).

лантиридик, адабиётнинг бутун бир кисми бир неча йиллар мобайнида уларга янги кашф этилган дурданадай қараб келди. Биз битлаган бошларга лавр чамбарларини тақдик. Рус қишлоғи минг йил мобайнида фақат Комаринская-ни берди. Ақлу заковатдан маҳрум бўлмаган бир ажойиб рус шоири саҳнада биринчи марта буюк Рашелни кўриб, ҳайратдан ёқасини ушлади: «Мен Рашелни мужикка алмаштирамайман!» Мен яна ҳам узоқрокка боришни истардим: мен барча рус мужикларини битта Рашелга алиштирган бўлардим. Соғломроқ қарайдиган вакт келди ва бизнинг кадрдон кора мўндимиизни bouquet de L'imperatrice¹⁰ билан аралаш-куралаш килиб юбормайлик.

Липутин шу заҳоти бу гапга кўшилди, лекин ўшанда мунофиқлик килиб бўлса ҳам мужикларни мактаб кўйиш ҳар қалай йўналиш учун зарур эди, деб кўйди; «Антон Го-ремика»ни ўқиб ҳатто хонимлар ҳам йигидан ўзларини тўхтатолмас, уларнинг баъзилари эса Париждан Россиядаги ўз бошқарувчиларига шу пайтдан эътиборан дехконларга яхшиrok муносабатда бўлиш хақида ҳатлар ёзиб жўнатишиди.

Антон Петров тўғрисидаги овозалардан сўнг худди атай килгандай бир пайтнинг ўзида вилоятимизда, Скворешницидан атиги ўн беш чакирим нарида қандайдир англашилмовчилик чикиб, ҳатто кизиқ устида аскар ҳам жўнатилиби. Бу сафар Степан Трофимович шу қадар ҳаяжонланиб кетдики, ҳатто бизни ҳам кўркитиб юборди. У клубда кўпроқ аскар керак, бошқа вилоятдан телеграф оркали каттароқ кўшин чакириш зарур, деб бакиради; ҳонимнинг одига югуриб чикиб, бунда менинг кўлим йўқ деб ишонтиrmоқчи бўларди; эски гапларни эслаб мени бошқа одам билан аралаштириб юборманглар, деб илтижо килар, менинг тақлифимни дарҳол Петербургга, керакли одамга маълум килинглар, дерди. Яхшиямки, бунинг ҳаммаси тезда ўтиб кетди ва ҳеч нарса бўлмади; аммо мен ўшанда Степан Трофимовичга ҳайрон қолдим.

«Императрица букети» (гулдастаси) (франц.).

Маълумки, уч йиллардан сўнг миллат ҳакида гап кўзғалди ва «жамоатчилик фикри» уйғонди. Степан Трофимович қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Дўстларим, — деб таълим берарди у бизга, — агарда бизнинг миллатимиз улар газеталарда бизни ишонтиромоқчи бўлишаётгандек, ростдан ҳам, «қайта туғилган» бўлса, — ҳали мактабда, қандайдир немис петершуласида немис китобини ўқиб, ўзининг асрий немис дарсии тақорорлаб ўтирибди, немис муаллими эса қачон керак бўлса, шунда уни чўккалатади. Немис муаллим бор бўлсин, уни мактайман; лекин аникроғи шуки, хеч нима рўй бермаган ва хеч бир нарса «қайта туғилмаган», олдин қандай бўлса шундай давом этяпти худойимнинг ҳимоятида. Менимча, Россияга шунинг ўзи стади, Pour notre sainte Russie¹¹. Бунинг устига ушбу барча славянчилик ва миллатчилик — бари янги деб айтиш учун ҳаддан ортиқ эскилиқ киласи. Бизда миллийлик, агар истасангиз, бойнинг клубдаги ўйинидан ортиқ бир нарса бўлган эмас, яна Московники денг.

Албатта, мен Игорь замонларини айттаётганим йўқ. Ва, ниҳоят, ҳаммаси бекорчиликдан, бизда ҳаммаси, эзгулик ҳам, яхшилик ҳам, бекорчиликдан. Ҳаммаси бизнинг хўжаларча, ёқимтойларча, маърифатли, инжиқ бекорчиликдан! Мен ўттиз минг йилдан бери буни айтиб келаман. Биз ўз меҳнатимиз билан яшашни билмаймиз. Қандайдир «қайта туғилган жамоат фикри» деб намунча чўзилишяпти — ҳе йўқ, бе йўқ шундай ўзи бирдан осмондан тушибдими. Фикр хосил килиш учун энг биринчи меҳнат, ўз меҳнатинг, ишда ўзинг намуна бўлишинг, ўз амалиётинг зарурлигини наҳотки улар тушунмайдилар! Текинга ҳеч нарса бўлмайди. Меҳнат киласилик, ўз фикримизга эга бўлайлик. Биз ҳеч қачон меҳнат қилмаганимиздан кейин, биз учун бошқалар шу пайтгача бизнинг ўрнимизга ишлаб келгандар фикр хосил этажаклар, яъни мен яна ўша-ўша Европани назарда тутаман, бизнинг икки юз йиллик муаллимаримиз — немисларни назарда тутаман. Бунинг устига Россия бу — буюк англашилмовчилик, биз уни ўзимиз,

¹¹ Бизнинг мукаддас Русимизга (франц.).

немисларсиз ва меҳнатсиз ҳал этолмаймиз. Мана йигирма иилдирки, мен бонг ураман ва меҳнатга чорлайман! Мен ўз ҳәстимни шу чақириққа бағишиладим ва тентагим чиқиб унга ишондим! Энди ишончим қолмади, лекин бонг уравераман, охиригача, то қабргача бонг уравераман; менинг таъзиямга чақириб жом қалинмагунча бонг ураман!

Эвоҳ! Биз факат бош силкиб маъкуллаб ўтирадик. Биз муаллимимиз шарафига қарсак чалардик, жўшкин ва ҳангали! Ҳўп, жаноблар, қани ўзингиз айтинг-чи, хозир ҳам, орқандизда, олдингизда, ҳаммаёқда худди айнан мана шундай «ёкимтой», «аклли», эски рус либерал бекорчилиги муттасил жаранглаб турмайдими ахир?

Устозимиз худога ишонарди. «Тушунмайман, нима үчун бу ерда ҳамма мени худосиз деб ўйлади? – деб келарди у баъзан, – мен худога ишонаман, *mais distinguons*¹², менда ўзини англовчи хилкат каби унга ишонаман. Ахир менинг Настасьямга (хизматчи киз) ўхшаб ишонолмайман-ку, ёки «ҳар эҳтимолга карши» ишонадиган биронта боёндай бўлолмайман, – ёки азиз дўстимиз Шатов каби, – ларвоке, йўқ, Шатов эмас, Шатов худди Московнинг славянпасти сингари ўзини зўрлаб ишонади. Насронийликка келсак, мен уни чин юракдан хурмат килсан-да, лекин мен – насроний эмасман. Мен, тўғрироги, буюк Ҳёте ёки қадимги юонон каби кўхна мъжусийман. Насронийлик аёл ютини тушунмади – буни Жорж Занд ўзининг улуғвор романларидан бирида шунчалар ажойиб тарзда баён этиб ўтган, ахир ёлғиз шунинг ўзи етарли эмасми? Таъзимибодатлар, рўза тутишларга келганда кимнинг нима иши бор мен билан, сира тушунолмайман? Чакимчилар бу ерда қанча гайрат килишмасин, мен иезуит бўлишни сира истамайман. Кирқ еттинчи йилда Белинский чет элларда юриб Гоголга ўзининг маълум-машхур хатини ёзib юборди ва унда сиз «қандайдир худога» ишонасиз, деб алангали таъна-дашном ёғдириди. *Entre nous soit dit*¹³, Гоголь (ўша чоғлардаги Гоголь) ушбу ибора-ю... бутун хатни тўлали-

¹² Аммо фарқига бориш керак (*франц.*).

¹³ Ўзаро айтганда (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

гича ўқиб чикқан холдаги кулгили вазиятдан ҳам ортиқроқ бир кулгини ҳеч тасаввур килолмайман! Лекин кулгили томонини ташлайлик, мен ҳар қалай ишнинг асосий мохијатига кўшиламан, лекин чин дилдан айтаман: хўп одамлар бўлган-да! Улар ўз ҳалкини сева олди, унинг учун жондан кеча олди, ҳалқдан ҳеч нарсаларини аямадилар ва зарур бўлганда, шу билан бирга, унга суйкалмадилар, баъзи тушунчаларда унинг ёнини олмадилар. Очигини айтганда, Белинский маска ёғдан ёки шолғом билан нўхотдан ҳалоскорликни кидириб ўтиrolмасди-ку, ахир!..»

Аммо шу ерда орага Шатов кўшилди.

– Сизнинг бу одамларингиз ҳеч қачон ҳалкни яхши кўрмаган, унинг учун жон чекмаган, ҳеч нимасини курбон қилмаган, хаёлларида нима бўлган, худо билади, ўзларига эрмак излашган! – у бадковок ерга бокиб норози тўнғиллади, ўтирган ерида токатсиз айланди.

– Улар ҳалкни севмаганми! – бўкириб юборди Степан Трофимович. – О, улар Россияни канчалар севишар эди!

– Россияни ҳам, ҳалкни ҳам севмас эдилар! – бўкирди Шатов ҳам кўзлари ёниб. – Билмаган нарсангни севиш мумкин эмас. Улар рус ҳалкини тушунмас эдилар! Уларнинг ҳаммаси, жумладан, сизнинг ўзингиз ҳам, рус ҳалкини панжа орасидан кўришди, айникса, Белинский; ўша Гоголга ёзган хатининг ўзиданок бу кўриниб турибди.

Белинский худди Криловнинг Қизикувчиси каби хонадаги филни кўрмай қолган ва ўзининг бутун диккат-этиборини французларнинг ижтимоий қўнгизчаларига қаратган; шу билан ўзи ҳам соб бўлган. У эса, ҳар қалай, сизларнинг ҳаммаларингиздан акллироқ эди! Сиз панжа орасидан қараш билан ҳам чекланмагансиз, – сиз ҳалкка этни жунжиктирадиган нафрат билан карагансиз, ҳалк деганда ҳам сиз факат француз ҳалкини, яна факат парижликларни тушунгансиз ва рус ҳалки бундай эмас, деб уялгансиз. Ялангоч хақикат шу! Ҳалки бўлмаганнинг худоси ҳам йўқ! Шуни билиб кўйингки, ўз ҳалкини тушунмай кўйган ва у билан алокаларини йўқотган кимса борки, шу заҳоти ватанга ҳам ишончини йўқотади ва ё даҳрий, ё бефарқ бў-

либ қолади. Рост гап шу! Бу ўзини оқладиган факт. Мана шунинг учун ҳам, сиз ҳаммангиз ва биз ҳаммамиз энди – ё сассик дахрийлармиз, ё локайд, бузук ярамаслар ва бошқа хеч нарса эмас! Сиз ҳам, Степан Трофимович, сизни мен хеч истисно кўрмайман, ҳатто буларни сизни назарда тутиб айтдим, билиб қўйинг!

Одатда Шатов ўзининг бунга ўхшаган сўзини айтиб бўлгач (бу тез-тез такрорланарди), шартта айвончали шапкасини олиб ўзини эшикка отарди, энди ҳаммаси тугади, Степан Трофимович билан дўстона муносабатларим абадулабад барбод бўлди деган ишонч уни тарк этмасди. Аммо устози доимо уни ўз вактида тўхтатиб қоларди.

– Вой, Шатов тушмагур-ей, каранг, шунча чиройли сўзлардан кейин энди ярашиб олсак ҳам бўлар? – деб, креслода ўтирганча унга кўлини узатарди.

Бесўнакай, аммо уятчан Шатов бундай дилбарликларни ёктирмасди. Ташқи томондан жуда тўпори кўрингани билан ички дунёсида багоят назокатли эди. Гарчи тез-тез меъёрдан чикиб кетса-да, бундан аввало ўзи каттиқ азобланарди. Степан Трофимовичнинг маҳрамона сўзларига жавобан димогида нималарнидир ғўлдираб, худди айик каби турган жойида депсиниб, у бирдан иршаяр, шапкасини бир четга кўяр ва кўзини ердан узмаганча олдинги курсисига ўтиради. Албатта, алхол вино олиб келинар ва Степан Трофимович ўтиб кетган арбоблардан биронтаси хотирасига мисол учун ўзига ярашикли кадаҳ сўзи айтарди.

ИККИНЧИ БОБ ШАХЗОДА ГАРРИ. СОВЧИЛИК

I

Ер юзида Варвара Петровнанинг хаёлини банд килган яна бир хилкат бор эдики, бу унинг якка-ёлгиз ўғли Николай Всеvolодович Ставрогин бўлиб, унга Степан Трофимовичга қандай меҳр кўйган бўлса, шундай меҳр кўйганди. Ўғли учун у Степан Трофимовични мураббийликка таклиф килганди. Болакай ўшандада саккиз ёшларда эди, унинг отаси ховликра генерал Ставрогин ўша пайтларда ёк хотинидан айри хаёт кечирар, шунинг учун бола факат онасиининг каноти остида ўсганди. Степан Трофимовичга тан бериш керак, у болакайнинг меҳрини козонолди. Бунинг бутун сири шунда эдики, унинг ўзи ҳам болакай каби эди. Мен у пайтда йўқ эдим. Унга эса доимий ҳақиқий дўст керак эди. Болакай андак эсини таниганданоқ уни узок ўйлаб ўтирумай ўзига дўст килиб олди. Қандайдир бир табиий тарзда шундай тўгри келиб колдики, ораларида заррача ҳам масофа қолмади. У тунлари ўзининг ўн ё ўн бир яшар дўстини бир эмас, бир неча бора уйготар, унга ўзининг таҳкирланган хиссиётларини кўз ёшларини тўкиб хикоя килиб берар ёки унга қандайдир бир оиласири очар, бу тарбияда унча яхши эмаслигига ҳам караб ўтирасди. Улар бир-бирларининг кучокларига отилишар ва бирга кўз ёши тўкардилар. Болакай онасиининг уни жуда яхши кўришини билар, аммо кошкийди ўзи ҳам яхши кўрса. Онаси у билан жуда кам гаплашар, уни ҳеч нарсадан сикмас, аммо ўғил онанинг уни диккат билан кузатаётганини доим хис килиб туарар ва бундан оғринарди. Дарҳакикат, таълим бериш ва маънавий ўстириш масаласида она Степан Трофимовичга тўла ишонарди. У пайтлар у Степан Трофимовичга тўла эътимод кўйганди. Ўйлаш мумкинки,

чұаллим үз шогирдининг асабларини бирмунча фаромуш силиб қўйган эди. У ўн олтини тўлдирганда, лицейга олиб ўришди, у ориқ, ранги оқарган, галати ювош ва ўйчан эди. Кейинчалик у фавқулодда жисмоний кучи билан ажралиб турарди). Бежиз эмасдирки, шогирд ва устоз бир-бирларини кучоклашиб кечалари йиглаб чикишаркан, бунинг сабаби ёлғиз уйдаги ҳангомалар эмасди, албатта. Степан Трофимович шогирдининг энг теран юрак томирларига-га черта олди, унинг кўнглида ўша-ўша мангу, мукаддас соғинчнинг илк, хали мубхам ҳиссиятларини уйғотди, байзи бир жуда ноёб қалблар бир марта бу соғинчга ошно бўлиб, унинг нималигини билгач, сўнг ҳеч качон арzon ко-ничиш ва мамнуният туйгусига алмаштиrmайдилар. (Яна шундай ишқибозлар борки, улар ушбу соғинчни энг юксак қониқиши ва мамнунликдан бутунлай юкори қўядилар, аммо энг юксак мамнуниятнинг ўзи асти бормикин). Бирор ҳар қалай палапон ва устани кечикиб бўлса ҳам, турли томонга айирганлари хайрли бўлди.

Йигитча икки йилча лицейдан уйига таътилга келиб юрди. Варвара Петровна билан Степан Трофимович Петербургга келган чоғларида у гоҳида онаси уюштирган ҳабий кечаларга катнашар, тинглаб, кузатиб ўтиради. Жуда оз сўйлар ва ҳамон ювош ҳамда тортиங்க էди, Степан Трофимовичга ҳамон олдингидай майнин ҳурмат-эътиборли муносабатда бўлар, аммо энди ўзини нечукдир сипорок тутарди: ўтган кунларнинг қадрли дамлари, нарсалари тўғрисида чамаси у билан гаплашишдан ўзини олиб кочарди. Курсларни тугатиб, у ойисининг хохишига кўра ҳарбий хизматга кирди ва тез орада энг донгдор отлиқ гвардия полкларидан бирига қабул килинди. Ҳарбий аслаҳа-анжомда у онасига кўриниш бериб ўтирмади, Петербургдан онда-сонда бир хат ёзиб юборарди. Ислохотдан сўнг Варвара Петровнанинг мулкларидан тушадиган даромад камайиб кетган, ҳатто дастлаб у аввалги даромаднинг ярмини ҳам ололмаган, шунга қарамай ўғлига пулни аямай жўнатарди. Дарвоке, у узок вакт маблагларни тежаб-тергаб, бироз бўлса ҳам каттагина сармоя йигиб қўйган эди. У ўғли Петербургнинг юкори доираларида

Ф. М. Достоевский

муваффақият қозонишига ғоят қизиқарди. Унга мұяссар бүлмаган нарса давлатманд, бой ва умидбахш ёш харбий зобитга мұяссар бўлди. У онаси ҳатто орзу ҳам қилмаган таниш-билишлар билан алокалар ўрнатди, ҳамма ерда уни жон-жон деб кабул килишарди. Аммо кўп ўтмай Варвара Петровнага бирмунҷча ғалатирок овозалар етиб кела бошлиди: йигит нечукдир ақл-хүшини йўқотиб ўйинкароқликка берилди. Ўйнаса, ичса ҳам майли эди; қандайдир ёввойи бир бебошликлар, одамлар устига от бостиришлар, яхши жамиятдан чиккан бир хонимга нисбатан қилинган вахшиёна муносабатлар ҳакида гап-сўзлар юарди, бу хоним билан у алокада бўлиб юриб, сўнг ҳамманинг кўз ўнгига уни ҳакоратлабди. Бу ишда қандайдир очиқдан-очик ифлос бир нарса кўзга ташланарди. Яна уни қандайдир жанжалкаш дейишарди, ўзи суйкалиб бориб, кейин тахкирлагиси кистаб тахкирлар экан. Варвара Петровна ғам-ташвишга ботиб, тинчини йўқотди. Степан Трофимович упи ички хаёти жуда бой одамларда табиий шундай бўлади, бу илк шаддод кечинмалар албатта тез ўтиб кетади, денгиз яна сокин тортади, буларнинг ҳаммаси шахзода Гаррининг ёш чоғларига ўхшайди, у Фалстаф, Пойнс ва мистрис Қвикли билан бирга шундай шўхликлар килишган эди, буни жаноб Шекспир жуда ҳам боллаб тасвирлаб берган, деб овутишга уринарди. Варвара Петровна бу гал «Бекор! Бекор!» деб кичкирмади, зеро, у кейинги пайтларда тез-тез Степан Трофимовичга бақириб берадиган бўлиб колган, ҳозир эса, аксинча, уни жон кулоги билан эшилди, батафсилрок килиб тушунтириб беришини сўради, кейин Шекспирни олиб ўлмас солномани камоли дикқат билан ўкиб чиқди. Бироқ солнома унга тасалли бермади, боз устига унчалик ўхшашик ҳам топмади. У ўзининг кетма-кет ёзган бир қанча ҳатларига бесабрлик билан жавоб кутарди. Узоқ куттирмай жавоблар келди; кўп ўтмай машъум бир хабар олинди, шахзода Гарри бирваракай иккита дуэлга тушибди, иккаласида ҳам батамом ўзи айбдор экан, ўз ракибларидан бирини гик эттирмай нариги дунёга жўнатиб, иккинчисини ярадор мажруҳ килибди ва

шу қылғиликлари учун судга берилибди. Иш шу билан түзбеки, уни оддий аскарликка туширишган, хуқуклардан маҳрум килингандык да ҳарбий пиёда полклардан бирига хизмат сургунига жұнатылған, яна унга алохидада раҳм-шафқат юзасидан шундай килингандык.

Олтмиш учинчи йилда у қандайдыр үзини хизматда түрсаттанған; унга хоч нишони беріб, унтер-офицерликка күтаришган, ундан сүңг қандайдыр жуда тез офицер күнінде күйишган. Бутун ушбу вакт мобайннанда Варвара Петровна пойтахтта арзи ҳол килиб юздан ортиқ ҳатлар ёзди. Бұнанда фавкулодда оғир иш рүй берған вактда у бир кадар ғаниниб-ёлворишигә бүйни ёр берди. Қайта тикланғач, ийит күтилмагандык истеъфога чыкди, Скворешниң яна келмади, онасига эса бутунлай хат ёзмай қўйди. Ниҳоят, шу нарса маълум бўлдик, у яна Петербургга қайтиб кетибди, аммо илгариги давраларда у сира кўринмас экан; у ҳудди қаергадир нимагадир яшириниб олгандай экан. Кўп ғриниб шуни аниклашдик, у аллақандай ғалати бир тўда ғилтан яшар, Петербургнинг қандайдыр қаланги-қасанғичари, аллақандай ялангоёқ амалдорлар, орини йўқотмай ҳадақа сўровчи истеъфодаги ҳарбийлар, арақхўрлар билан ёш-катик бўлар, уларнинг уврин-тўда уйларига борар, кечча-ю кундуз вайроналарда, яна худо билади, қандай хилват харобларда сангир, батамом тубанлашған, уст-боши ҳароб ва йиртиқ юрар, бинобарин, шу хаёт унга ёкарди. Онасидан пул сўрамасди; унинг ўз ҷоғроқ мулки бор эди генерал Ставрогиндан колган кишлок – зигирдак бўлса ҳам даромад беріб турар, овозаларга қараганда, кишлокни у саксониялик бир немисга ижарага берганди. Ниҳоят, онаси ялина-ялина уни уйга келишга кўндириди, шу тарика шахзода Гарри шахаримизда пайдо бўлди. Биринчи марта мен уни шу ерда кўрдим, бунгача хеч учратмаган эдим.

У йигирма беш ёшларга чиккан жуда чиройли йигитди, ростини айтсан, уни кўриб оғзим очилиб қолди. Мен искирт, жулдузвоки, ичқиликка берилгандык, бузук вужудидан арок хиди анкиб туралигандык бир одаммикин деб ўйлагандим. Аксинча, у мен учратган жентльменлар ичидан энг

Ф. М. Достоевский

келишган, фавқулодда яхши кийинган, нафис ва қўркам хаётга кўнинкан нажиб одамлар каби ўзини хўб яхши тутадиган киши эди. Ҳайрон колган факат мен эмасдим: бутун шаҳар ҳайратда эди, шаҳарга жаноб Ставрогиннинг бутун таржимаи холи яна барча тафсилотлари билан беш қўлдай маълум эди, одам ҳайрон қолади дарров бу гапларни каердан олишганига, яна шуниси ҳам ажойиб эдикси, уларнинг ярми тўғри бўлиб чиқди. Янги меҳмон бизнинг барча хонимларимизнинг акл-хушини ўғирлади-қўйди. Улар кескин иккига ажралиши – бир томонда уни жон-дилдан яхши кўришар, иккинчи томонда эса кўргани кўз, отгани ўклари йўқ эди ҳисоб; аммо ҳар икки томон ҳам ақлу-хушини йўқотганди. Бир хиллари бу йигитнинг кўнглида бир қисмат сири бўлса керак, деб кизиқсенишар, бошқалари унинг одам ўлдирганини ёқтиришарди. Яна шу нарса маълум бўлдики, у анча-мунча билимдон экан; баъзи илмларни ўзлаштирган экан. Бизни ҳайратга солиш учун билимдонликнинг унча кўп ҳожати ҳам йўқ эди; аммо у жуда муҳим, кизикарли мавзулар устида муҳокама юритарди, бунда энг кимматли томони, у ажойиб тарзда мулоҳазакор эди. Қизик бир жиҳатини эслатиб ўттай: биринчи кунларданоқ биздагиларнинг ҳаммаси уни фавқулодда окил ва мулоҳазакор инсон деб топишди. У кўп гапирмас, нозик бўлмаса ҳам, нафосатга тўлик, ҳайрон қоларли дарражада камтар ва шу билан бирга ҳеч кимга ўхшамаган тарзда ўзига ишонган ва мард эди. Бизнинг олифталаримиз унга раشكлари келиб карар, унинг олдида думларини қисиб қолишарди. Мени унинг юзи ҳам ҳайратлантириди: соchlари қандайдир жуда ҳам коп-кора, нурли кўзлари нечукдир ғоятда осуда ва тиник, чехрасининг ранги аллақандай жуда майнин ва оқ, юзининг қизили нечундир бениҳоя ёркин ва тоза, тишлари дурдай оппок, дудоқлари ёқутдай, бундан ҳам гўзалрокни, афтидан, топиш кийин ва шу билан бирга, жирканч эди. Унинг юзига никоб тутилганга ўхшайди дейишарди; дарвоке, кўпчилик яна унинг фавқулодда жисмоний кучга эгалигини сўзлашарди. Бўйи жуда баланд, Варвара Петровна унга боқиб кувонар, фахрланаар,

Аммо доимо ташвишланарди. У бизда ярим йил танбал, сокин ва тунд яшади; йигинларда қатнашар ва вилояти-миздаги одоб-икром расм-руссумларига оғишмай риоя қиярди. Отаси томонидан у хокимга қариндош, унинг хоналонида яқин қариндош каби кабул килинганди. Аммо бир неча ой ўтиб ваҳший ўз чангалини кўрсатди.

Айтмоқчи, йўл-йўлакай эслатиб ўтайки, бизнинг со-бик ҳокимимиз дилбар, юмшок Иван Осипович бироз хотинчалишрок эди, аммо ўзи асл зотлардан, алокалари хам старли – буни бизда бир неча йиллар ҳоким бўлиб ўтирганидан билса ҳам бўлади, у доим ҳар қандай ишдан кўл силтаб кутуларди. Саховати ва меҳмоннавозлигига кўра у эски хайрли замонларда дворянларнинг пешвоси бўлса, арзирди, зеро, бизнинг нотинч давримизда ҳоким бўлиш кийин. Шаҳардагилар доим вилоятни ҳоким эмас, Варвара Петровна бошкаради дейишарди. Бу заҳарханда билан айтилган аччик гап, аммо ёлғон эди. Бу борада бизда турли асқиянамо гаплар тўкилган эди. Аксинча, Варвара Петровна кейинги йилларда юксак ҳаволарда парвоз килиб юришдан ўзини бўлакча бир йўсинда четга тортганди, ҳолбуки жамоатчилик уни жуда каттик ҳурмат қиласади, у эса ўз олдига ихтиёрий суратда кўйган чегарадан асло ташқарига чиқмасди. Осмонларда ҳаволаниб парвоз килиш ўрнига у кутилмагандан хўжалик билан шуғуллана бошлади ва икки-уч йил ичida ўз мулкларидан келадиган фойдани аввалги даражага кўтариб кўяёзди. Илгариги шоирона интилишлар ўрнига (Петербургга саёҳатлар, журнал чиқаришга уринишлар ва ҳоказо) у тежамкорлик билан пул йига бошлади. Ҳатто Степан Трофимовични ҳам ўзидан ажратди, унга бошқа уйда истикомат қилишга изн берди (бу ҳақда Степан Трофимовичнинг ўзи кўп марта турли баҳоналар кўрсатиб, хикиллаб илтимос килган эди). Секин-секин Степан Трофимович уни одми хотин деб атай бошлади ёки янада ҳазиломуз килиб «ўзимнинг одми хисоб дўстим» дерди. Албатта, бу ҳазилларини у ғоятда катта ҳурмат-эътибор оҳангига, узок вакт кулагай фурсатни пойлаб юриб айтишнигина ўзига лозим кўрарди.

Ф. М. Достоевский

Биз ҳамма яқинлар, жумладан, Степан Трофимович биздан кўра янада нозикроқ тарзда тушунардикки, – хонимнинг кўз ўнгидаги ўғли эндиликда янги умид муждаси каби ва ҳаттоқи қандайдир янги орзу каби намоён бўлди. Ўғли Петербург жамиятида муваффакият козонган дамларда онанинг муҳаббати алангаси жўш урди, кейин, айниқса, ўғлини оддий аскарликка туширганларидан сўнг муҳаббат бошкacha ўт олиб кучайди. Бунинг устига у ўғлидан аник кўркар ва унинг олдидаги қулдай кўринарди. Шу нарсани сезиш мумкин эдики, у қандайдир мубҳам, сирли бир нимадан кўркар, буни ўзи ҳам тушунтириб беролмас ва кўп марта ўзига сездирмай Nicolasга каттиқ разм солиб тикилиб қарар, нимадир хаёлидан ўтар, чигал бир ниманидир ечмокчи бўларди... кутилмаганда мана шунда вахший ўз чангалини ёзди.

II

Шахзодамиз кутилмаганда ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, турли одамларга сира ақл бовар қилмайдиган икки-уч кўполлик килди, ҳаммадан кизик жойи – булар асло қулоққа ҷалинмаган, мутлақо ҳеч нимага ўхшамайдиган, одатий ҳаётда учрамайдиган, жуда ҳам чакки, болаларча ножӯя кўполликлар бўлиб, ҳеч қандай сабабсиз, нималигини билиб бўлмасди. Клубимизнинг энг ҳурмат-эътиборли аъзоларидан бири Павел Павлович Гаганов ёши улуғ, анча хизматлар килган одам, у икки сўзнинг бирида сабаб-бесабаб жўшиб кетиб: «Йўқ, ҳеч ким менинг бурнимдан ип ўтказолмайди!» – деб қўядиган безиён бир одат чиқарган эди. Майли, нима қилибди. Лекин бир куни клубда кизгин гап кетганда атрофда тўпланган шинавандаларга қараб (ҳаммалари иззат-хурматли одамлар) шу лукмасини айтди, четроқда бир ўзи турган Николай Всеолодович ҳеч ким унга мурожаат қилмаган эса-да, бирдан Павел Павловичнинг олдига борди-да, кутилмаганда икки бармоғи билан унинг бурнини маҳкам қисиб ушлади-ю, ўз орқасидан зални икки-уч одим айлантирди. Жаноб Гагановда

Ибислар

унинг хеч қандай қасди йўқ эди. Бу баани мутлақо болаларча ҳеч кечириб бўлмайдиган қилик дейишдан бошка чора йўқ эди; аммо кейинчалик кўп вактлар ўтиб, гапириб юришдики, у қилғилиғи пайтида «худди ақлдан озгандай» ўйга ботган экан. Ҳамма анг-танг бўлиб, фақат кейинги лаҳзанигини эсда саклаб колишган, бу пайтда у, афтидан, ҳаммасини бор бўйича англарди, аммо заррача хижолат чекмасди, аксинча, «зигирча пушаймон бўлмай» заҳарханда қиласди. Ёмон шовкин-сурон кўтарили; уни ўраб олишди. Николай Всеволодович у ёк-бу ёгига ўгирилиб, аланг-жаланг қарар, ҳеч кимга жавоб бермас, нималардир деб кичкираётган кишиларга ажабланиб ҳайрон бокарди. Нихоят, бирдан яна ўйга чўмди, – шундай деб айтиб беришди, – ҳўмрайди, тахкирланган Павел Павловичнинг олдига қатъият билан борди ва аён ғаши келганча тез-тез шундай деди:

– Сиз, узр, кечиринг... Ростини айтсан, билмайман нега бундай килдим... аҳмоқчилик...

Узрхохликнинг бундай беписандлиги қайта ҳақорат килиш билан баробар эди. Аммо қаттиқроқ шовкин-сурон кўтарили. Николай Всеволодович елкасини қисди-ю, чиқиб кетди.

Бу ҳаммаси аҳмоқлик, эшитган қулокка хунук, лекин атайлаб, олдиндан ўйлаб килинганди. Биринчи карашда шундай бўлиб туюларди, демак, бу ўтакетган атайлаб қилинган сурбетларча ҳақорат бизнинг бутун жамиятимизга қарши қаратилганди. Ҳамма буни айнан шундай деб тушиуни. Ишни жаноб Ставрогинни клубимиз аъзолигидан чиқаришдан бошлишди, ҳамма дарҳол рози бўлди; ундан сўнг клуб аъзолари номидан ҳокимга мурожаат килиш ва ундан дарҳол (суд бўлишини кутиб ўтирасдан) зараркундан галамис, пойтахтдан келган «жанжалкашни ҳокимга ишониб топширилган маъмурий ҳокимиятнинг куч-кудрати билан тизгинга олиш ва шаҳаримиз обрў-эътиборли доираларининг тинчлигини зарарли ҳатти-харакатлардан сақлаш»ни сўрашга қарор килинди. Яна писмикларча кунчилик килиб шуни ҳам қўшиб қўйишдики, балки «жаноб

Ф. М. Достоевский

Ставрогинни ҳам жиловладиган конун топилиб колар». Ҳокимга Варвара Петровна жўясидан айнан мана шу жумлани писандаси билан тайёрлашди ва бир игна сукиб олишди. Ва роҳат килиб эжакилашди. Атай килгандай шу пайтда ҳоким шахарда эмасди; шу атрофдаги якинда эри казо килиб, эридан сўнг бўйида қолиб кўзи ёриган бир антика аёлнинг боласини чўқинтиришга кетганди; лекин у тезда қайтишини билишарди. Ҳокимни кутишаркан, азият чеккан хурматли Павел Павловичга олқишлар ёғдиришди: уни дам-бадам кучоклашар ва ўпишарди; бутун шаҳар уни кўргани келди. Ҳатто унинг шарафига пул йигиб зиёфат уюштирмоқчи бўлишди, факат ўзининг зўр бериб килган илтимоси боис бу ниятдан қайтишди, – балки охирида фахмлаб колишли шекилли, ахир кишини бурнидан тутиб судрашди, бунинг нимасини тантана қиласи яна.

Лекин, ҳар қалай, бу қандай рўй берди ахир? Кандай бўлди? Ажойиб томони яна шундаки, бутун шаҳаримизда хеч кимса бу вахшиёна киликни телбаликка йўймади. Вокеан, Николай Всеолововичдай ақлли кишидан ҳам шундай киликларни кутишга майллари бор экан-да? Ўзимга келсак, шу пайтгача ҳам, буни қандай тушунтиришни билмайман, холбуки, тез орада яна бир ходиса бўлиб ўтди, у ҳаммасини равшан килиб бергандек бўлди ва чамаси, барчани қаноатлантириди. Яна қўшимча килиб кўяйки, тўрт йил орадан ўтгандан кейин Николай Всеолович менинг ўша клубдаги вокеа тўғрисида эҳтиёткорлик билан берған саволимга қовоғини уйиб жавоб берди: «Ҳа, менинг ўша пайтда соғлиғим яхши эмасди». Аммо олдинга ўтиб кетишининг ҳожати йўқ.

Мен учун ўша пайтда ҳаммани камраб олган кунчилик ҳам кизик кўринарди, ўшанда биздагиларнинг бари пойтахтдан келган «жанжалкаш ғаламис»га қарши газаб отига минишганди. Бутун жамоатчиликни бир йўла ва бирваракай ғаламислик билан атай ҳақорат килиш деб, албатта баҳолагилари келарди. Бу одам шахарда бутунлай хеч кимга ёқмади ва ҳаммани ўзига қарши килиб кўйди, сабаби нима эди ахир? Охирғи ходисагача у хеч ким билан

Арор марта ҳам жанжаллашмаган ва бирон кимсани ҳако-
тэт қилмаганди, одоб-икроми маълум-машҳур суратларда
чиштган пўрим-посон йигитларни дай эди, у суратдан
чикиб келиб сўйласа, шундай сўйларди. Фахмимча, уни
чагуруллиги учун ёмон кўришарди. Ҳатто бизнинг хоним-
заримиз бошида юз-кўзларига суртгудек бўлишиб, энди
чига карши эркаклардан ҳам баттарроқ дод-вой кўтари-
шарди.

Варвара Петровна жуда ёмон ларзага тушди. У кейин
Степан Трофимовичга буларнинг барини олдиндан бил-
ғандим, шу ярим йил ичида ҳар куни ва «айнан худди мана
шу тарзда» кўнглимдан ўтганди, деб ёрилди. Туккан она-
сининг шундай дейиши эътиборга лойик эди. «Бошлан-
ти!»— деган ўй ўтди онанинг хаёлидан ва жунжикиб кет-
ди. Клубдаги касофат куннинг эртасига у эҳтиёткорлик,
эммо катъият кўрсатиб ўғли билан гаплашиб олиш пайига
тушди, лекин дадил турса-да, шундай қаттиқ қалтираб,
ранги бўздай оқарганди. У тун бўйи мижжа кокмади ва
ҳатто эрта тонгда маслаҳатлашгани Степан Трофимович-
нинг хузурига борди ва унинг олдида йиғлаб юборди, у
одамлар кошида ҳеч қачон бундай кўз ёши қилмаганди.
У. Nicolas жуда бўлмаганда ўзига бир нарса дейишини,
тушунтиришини истарди. Онасига доим иззат-икром,
хурмат-эътибор билан муомалада бўладиган Nicolas уни
бирпас кўзини ерга тикиб тумшайиб жуда диккат билан
эшитиб ўтириди-да, бирдан ўрнидан туриб, бир оғиз сўз де-
май онасининг қўлини ўпди-да, чикиб кетди. Худди атай
килгандай ўша куни кечдаёқ бошқа бир жанжал ҳам оёқ
остидан чиқди, лекин буниси олдингидан заифроқ ҳамда
жўнроқ бўлди, лекин шунга қарамай умумий кайфиятнинг
рафтторига кўра, шахардаги дод-войларни яна кучайтириб
юборди.

Бу сафар дўстимиз Липутин дуч келиб колди. У Николай Всеолодович онаси билан кўришгандан кейинок
унинг хузурига ўтиб, бугун бизникига меҳмон бўлиб ке-
линг, хотинимнинг туғилган куни, қадамингиздан бо-
шимиз кўкка етади, деб таклиф этди. Варвара Петровна

ўглиниң үзидан паст одамлар билан таниш-билишчилик килишига анчадан буён музтар бўлиб қаар, аммо буни ўғлига писанда килишга юраги бетламасди. Ўғли бундан бошқа ҳам жамиятимизнинг учинчи даражали қаватларида ва ҳатто ундан ҳам қуйироқда бир неча таниш-билишлар орттирган, лекин феъл-автор шундай бўлгач, начора. Липутин билан гарчи учрашиб юрган бўлса-да, лекин шу пайтгача унинг уйида бўлмаганди. У, Липутин үзини клубдаги кечаги жанжал боис чакираётгани, шу ерлик виждонли либераллардан бири бўлгани туфайли шу жанжалдан үзида йўқ хурсанд эканлиги, клубнинг оқсоқолларини худди шундай килиши керак, бу жуда яхши, деган фикрдалигини биларди. Николай Всеволодович кулиб ўборди ва боришга ваъда берди.

Мехмон кўп эди; ҳаммаси кўримсиз, лекин үзига яраша сарбаст, хушчақчақ одамлар. Үзига бино кўйган, ҳасадгўй Липутин бир йилда факат икки маротаба меҳмон чакирар, аммо дастурхонни тўкин-сочин киларди. Меҳмонларнинг энг ҳурматлиси Степан Трофимович касаллиги туфайли келоммади. Чойлар келтирилар, дастурхон тўла ноз-неъмат, арок мухайё эди; учта столда ўйин кетарди, ёшлар эса иссик овқат келишини кутиб фортелианода машқ килиб раксга тушишарди. Николай Всеволодович үзининг олдида жуда ҳам чўчинкираб турган гоятда нозанин мадам Липутинани ўрнидан тургизиб, у билан зални икки бора айланиб ракс тушди, кейин ёнига ўтирди, гаплашиб ойимчани тоза кулдирди. Ниҳоят, нозанин кулаётгандада янаям очилиб кетишини кўриб, кутилмагандা, барча меҳмонлар олдида унинг белидан кучоклаб олди-да, лабларидан ўпди, уч марта кетма-кет сўриб, тамшаниб бўса олди. Юраги ёрилаёзган шўрлик хотин ҳушидан кетди. Николай Всеволодович шляпасини олди, нима килишни билмай турган меҳмонлар ўртасида шошиб колган уй эгаси олдига келиб, унга караб ўзи ҳам уялиб кетди-да, шоша-пиша: «Хафа бўлманг», деб ташкарига чиқди. Липутин унинг оркасидан югуриб бориб, эшик олдида ўз кўли билан унга пўстинини узатди-да, таъзим қилганча пилла-

поядан кузатиб қўйди. Аммо эртасига ёк гапнинг очигини айтганда, арзимаган воқеага яна бир қанча қизиқ нарса қўшилди, буни қиёсан чамалаб қўшимча десак ҳам бўлади, у ўша пайтдан эътиборан Липутинга бирмунча обрў ҳам келтириди ва буни у ўз фойдасига тўла хизмат килди.

Эрталаб соат ўнларда бегойим Ставрогинанинг уйига Липутиннинг ходимаси ўттиз ёшлардаги икки юзи кип-қизил, шўх ўқтам аёл Агафья келди, уни Николай Всееволовичнинг қошига топширик билан жўнатишган, албатта «Ўзларини кўришим керак экан», деди. Князнинг боши лўқиллаб оғриб турган бўлса ҳам, аммо чиқди. Топширик адo этилаётганда Варвара Петровна ҳам амаллаб шу ерда колди.

– Сергей Васильич (яъни Липутин), – шаддод бидирлай кетди Агафья, – энг аввало сизга ергача бош эгиб таъзим бажо этишни буюрдилар, сўгин соғлигингизни, кеча қандай ётиб турганингизни сўрадилар ва энди ўзингизни нечук сезаётганингизни билишни тайинладилар кечагидан кейин?

Николай Всееволович иршайди.

– Менинг саломимни ва ташаккуримни етказ, Агафья, мендан ўз хўжангга айтиб қўй: у бутун шаҳардаги энг аклли одам экан.

– Улар эса бунга жавобан шундай дейишимни тайинладилар, – яна ҳам ўқтамрок жовиллади Агафья унинг оғзидан гапни илиб олиб, – у киши сиз айтмасангиз ҳам, буни билар эканлар ва сизга ҳам шуни тилар эканлар.

– Ана холос! Сенга нима дейишимни у кайдан билибди?

– Буни билмайман, қандай билганларини, мен уйдан чиқиб тор кўчадан ўтганимда оркамдан югуриб сарпойчан менга етиб олдилар. «Сен, Агафьюшка», дедилар, agar жахллари чиқиб: «Ўз хўжангга, шу, бориб айт, у шаҳарда ҳаммадан акллироқ одам экан», деса, сен ўша заҳоти шу сўзларни айтишни унутма: «Ўзимиз ҳам буни жуда яхши биламиз, ҳей сизга ҳам худди шуни истаймиз-хий...»

III

Ниҳоят, ҳоким билан учрашиб гаплашиб олишди. Бизнинг дилбар, юмшок Иван Осиповичимиз ҳозиргина кайтиб келиб, клуб аъзоларининг жўшкун шикоятларини эшитиб бўлганди. Шак-шубҳасиз, нимадир килиш керак эди, аммо каловланиб колди. Бизнинг меҳмондўст кария-миз йўзининг ёш кариндошидан афтидан ҳайикиб турарди. Ниҳоят, у йигитни хам клуб аъзолари, хам ҳакоратланган киши олдида кечирим сўраши, уларни рози килиши, агар лозим бўлса, ёзма равишда узрини айтиши керак, деган қарорға келди; кейин ётиги билан уни бу ердан жўнаб кетишига кўндириш керак, масалан, томоша килиб келиш учун Италияга борсин, умуман, чет элга чиқиб кетсин. Ҳоким Николай Всеволодовични кабул килиш учун залга чиқди (йигит бошка бир пайтларда кариндош-уруғлар хисобида бутун уйда bemalol айланиб юраверарди), ҳокимнинг шогирди ва уй кишиси бу ерда чиновник бўлиб хизмат килар, бурчакдаги столда ўтириб хатларни очиб тартибга соларди; кейинги хонада, зал эшиги якинидаги дераза олдида Иван Осиповичнинг ошнаси ва собиқ ҳам-касабаси, аллақайдан келган семиз ва соглом полковник ўтириб «Голос» газетасини ўқир ва залда нима бўлаётганига ҳеч кандай эътибор бермасди; у залга елка килиб ўтиради. Иван Осипович гапни узоқдан бошлади, овозини кўтармай кариб пицирлаб гапирди, лекин нимағадир гапини чалкаштириб юборди. Nicolas тумтайиб ўтирас, кариндошига хам ўхшамас, ранги оқарган, кўзини ердан узмас, кошларини каттиқ чимириб, худди кучли бир Оғрикни енгаётган одамдай тингларди.

– Сизнинг юрагингиз тоза ва олижаноб, Nicolas, – деб сўз юритарди ҳоким қария, – ғоятда билимдон йигитсиз, олий давраларни кўргансиз, мана, бу ерда хам шу чокқача ўзингизни яхши томондан кўрсатиб, ҳаммамиз учун кадр-дон онангизнинг дилига ором бердингиз... Мана энди яна ҳаммаси чаппа кетиб, жуда ғалати, барча учун хатарли

ишлар рўй берди! Хонадонингизнинг дўсти, сизни чин
чиңдан яхши кўрадиган, кони бир кекса одам сифатида
тапирипман, менинг сўзларимга хафа бўлманг... Айтинг,
бундай тийиксиз харакатларнинг сабаби нима, нима учун
кабул қилингандар шарт-шароит, расм-руссумларга риоя ки-
шишни истамайсиз? Алаҳсирагандай бу киликлардан нима
маъно чиқади?

Nicolas ғаши келиб, токатсизланиб тингларди. Бирдан
унинг нигоҳида мугомбир ва ҳазиломуз бир нима ярқ этиб
кетди.

– Мен сизга нималигини айтаман, – деди у қовоги-
ни солиб ва атрофга аланглаб караб. Иван Осиповичнинг
кулогига энгашди. Шогирд Алёша Телятников ўзини уч-
кадамча орқага – ойна томонга олди, полковник эса юзи-
ни «Голос» билан беркитиб йўталиб кўйди. Бечора Иван
Осипович хайикмай шоша-пиша кулогини тутди; у ғоят-
да кизиқувчан одам эди. Худди мана шу ўринда ҳеч акл-
га тўғри келмайдиган ғалати бир нарса рўй берди, бошка
жиҳатдан бир ёқаси хаддан ташқари равшан нарса эди.
Кария Nicolás менга кизик бир сирни очади деб ишон-
ган эди, аммо бунинг ўрнига жияни бирдан кутилмаганда
унинг кулогини тепасидан маҳкам тишлаб олиб, тишлари-
ни ботирди. Кария титраб кетди.

– Nicolás, бу нима ҳазил! – Беихтиёр инграб юборди у
овози ўзгариб.

Алёша ва полковник ҳеч нимани тушунмади, кўзлари
яхши илғамади ҳам, назарларида тоға-жиян пичирлаша-
ётгандек эди; аммо кариянинг оғриқдан тиришиб кетган
башарасини кўриб ташвишга тушгандилар. Улар кўзлари
ола-кула бир-бирларига қарашар, аввал келишиб олинган-
дек ёрдам берайликми ё ҳали тўхтаб турайликми, деб ик-
киланардилар. Nicolás буни сезиб колди шекилли, қулок-
ни қаттиқрок тишлади.

– Nicolás, Nicolás! – яна ингради ҳоким, – бўлди...
бўлди-да энди, ҳазилинг курсин...

Яна сал турса шўрликнинг жони чиқиб кетадиган эди;
аммо кутурган ҳайвон раҳм килди ва қулокни тишидан

бүшатди. Бу кўркинч ҳолат бир дақиқага давом этди, Қария хушидан кетгандай бўлди. Аммо ярим соатдан сўнг Nicolasiy тутиб ҳозирча гаупвахтага, алоҳида бир ҳонага камаб, эшикка сокчи қўйишиди. Қарор каттиқ бўлди, аммо бизнинг сардоримиз шунчалар аччиқландики, ҳатто Варвара Петровнадан ҳам чўчиб андишага бориб ўтирмади, масъулиятни бўйнига олди. Масалани ойдинлаштириш учун ҳоким қошига жаҳл устида зудлик билан етиб келган ҳонимни кабул килмай эшикдан кайтаришиди, ҳамма баробар ёқасини ушлади; ҳоним каретасидан тушмасқ ўз-ўзига ишонмаганча уйга кайтди.

Ниҳоят, ҳаммаси ойдин бўлди! Кечаси соат иккиларда камоқда жимгина ётган ва ҳатто ухлаб колган йигит бирданига шовкин-сурон кўтариб, эшикни муштлари билан жон-жаҳдига қарамай ура бошлади, эшикка ўрнатилган дарчанинг панжарасини гайритабиий куч билан юлиб олди, ойнани чил-чил синдириди ва қўлларини конатди. Коровулбоши зобит бир неча одамлари билан етиб келди, қамоқ эшигини очиш ва қутурган тутқунни кишанлашга буюрди; аммо алхол маълум бўлдикни, тутқун оғзидан ок қўпик сочиб тутқаноги тутиб ётарди; уни онасининг олдига олиб келишиди. Ҳаммаси бирдан равшан бўлди. Чакирилган учала шифокор ҳам шундай хулосага келишдики, бундан уч кун бурун ҳам бемор алаҳсираган, абдираган ҳолатда бўлган, аммо эс-хушини, маккорлигини йўкотмаган, албатта, соғлом идроки ҳамда Иродаси заифлашган, бу, ҳар қалай, далиллар билан тасдикланарди. Шундай килиб, Липутин ҳаммадан илгари аҳволни сезгани маълум бўлди. Назокатли ва нозик фахм-фаросатли бўлган Иван Осипович жуда хижолатда қолди; кизик жойи шундаки, демак, у ҳам Николай Всеволодовични ақли жойида бўлган ҳолда ҳар кандай телба-тескари киликларга кодир деб хисоблаган. Клубда ҳам уятдан ер чизишиб, шунга ҳайрон бўлишардики, кандай килиб биз филни кўрмай қолдик, ахир барча гаройиб ишларни фақат битта сўз билан тушунтиурса бўлар экан-ку. Албатта, буларнинг хеч қайсисига ишонмовчилар ҳам бўлди, аммо бу узок давом этмади.

Nicolas икки ойдан ортиқ түшакда ётди. Москвадан маслашат учун донгдор врач чакирилди; бутун шаҳар Варвара Петровнадан күнгил сүради. Хоним кечирди. Баҳорга чикиб Nicolas бутунлай оёққа турди, онаси уни Италияга юбормокчи бўлди, у эътиroz билдирмай розилик билдириди, она уни жўнаш олдидан ҳамма билан хайрлашиб чикишга кўндириди ва имкон қадар керакли жойларда кечирим сўрашни тайинлади. Nicolas бажонидил рози бўлди. У Павел Павловичнинг уйига бориб, гоятда кифтини келтириб унинг кўнглини олди ва губорини тарқатди, бундан клубдагилар ҳам хабардор бўлишди. Хонадонларга қадам ранжида қиларкан, Nicolas гоятда вазмин ва ҳатто бироз тумтайган кўринарди. Ҳамма уни афтидан ғамхўона ва ачиниб карши олди, барчалари негадир хижолат чекишар ва унинг Италияга кетаётганидан хурсанд бўлишарди. Иван Осипович ҳатто кўз ёши ҳам қилиб олди, лекин нима учундир охирги сафар хайрлашаётганда ҳам уни бағрига босишдан ўзини тортди. Рост, биздагиларнинг айримлари абллаҳ ҳамманинг устидан боғлаб кулди, унинг касаллиги эса шунчаки бир баҳона, холос, деган ишончини ўзгартирмади. У Липпутиннинг олдига ҳам кириб ўтди.

– Айтинг-чи, – деб сўради ундан, – сизнинг ақлингиз ҳакида Агафьяга нима дейишимни қайдан билдингиз ва жавобни унга тайинладингиз?

– Бу шундок бўлди, – деб кулди Липпутин, – ахир мен сизни ақлли одам деб ҳисоблайман, шунинг учун жавобингизни олдиндан билишим мумкин эди.

– Ҳар ҳолда бу жуда ажойиб. Аммо айтинг-чи, олдимга Агафьяни юборганингизда, мени жинни деб эмас, ақлли одам деб ҳисоблагансиз-да, а?

– Энг ақлли, энг мулоҳазакор одам деб санаганман, факат ўзимни сизнинг ақл-хушингиз жойида эмаслигига ишонгандай қилиб кўрсатганман... Сизнинг ўзингиз мени ўшанда нима деб ўйлаганимни дарров фахмладингиз ва менга Агафья орқали акли ўткир одам деб баҳо бердингиз.

– Сиз бу ўринда бироз ҳато киласиз; мен ҳақиқатан касал эдим... – тўнғиллади Николай Всеволодович ко-

Ф. М. Достоевский

вогини уюб. – Воҳ! – кичкириб юборди у, – наҳотки сиз мени акл-хуши жойида бўлатуриб одамларга ташланади, деб ўиласангиз? Нима кераги бор экан бунинг?

Липутин икки букилиб қолди, лекин жавоб беролмади. Nicolas бироз оқаринкиради ё Липутинга шундай туъюлди.

– Ҳар ҳолда сиз бирмунча ғалатирок фикрлайсиз, – давом этди Nicolas, – Агафьяни эса нега юборганингизни мен тушунаман, сиз уни мени боплаб сўкишга жўнатгансиз.

– Сизни дуэлга чакиролмасдим-ку, ахир?

– Эҳ-хе, ана холос! Қулоғимга бир гап чалингандай бўлган эди, сиз дуэлни ёқтирамас экансиз...

– Французларга эргашиб нима киламиз! – яна гужанак бўлди Липутин.

– Ҳалқчиллик киласизми?

Липутин яна баттаррок гужанақланди.

– Воҳ, воҳ! Бу нима бўлди! – кичкириб юборди Nicolas столнинг энг кўринарли ерида кўзга ташланиб турган Консiderannинг жилдини кўриб. – Э, сиз ўзи фурйечи эмасмисиз? Қайси шамол учирди! Бу ахир яна ўша французчадан таржима эмасми? – кулиб юборди у бармоклари билан китобларни чёртиб.

– Йўқ, бу французчадан таржима эмас! – Қандайдир каҳр-газаб билан ўрнидан туриб кетди Липутин, – бу умумжахон умуминсоний тилидан таржима, факат француз тилининг ўзидан эмас! Умумжахон умуминсоний ижтимоий республика ва уйғунлик тилидан, ха, ана шундай! Факат французчаданмас!..

– Бай-бай-бай, мунақа тилнинг ўзи дунёда йўқ-ку! – кулишдан тўхтамасди Nicolas.

Баъзан ҳатто майда бачки нарса одамнинг диккатини узок вакт ўзига тортиб, жалб килиб кўяди. Жаноб Ставрогин ҳакида асосий гаплар ҳали олдинда... лекин кези келганда кизикчилик учун айтиб ўтайки, бизнинг шаҳаримизда бўлган пайтларидаги унинг таассуротларини олиб карайдиган бўлсак, хотирасида энг кучли сакланиб колган

нарса бу анов ярамас вилоят амалдорининг кўримсиз ва кабиҳгина соҳт-сумбати; бу ўзи асли ўта рашкчи, оиласида зулмкор, хасис судхўр, колган овқатлару олкинди шамларни қулфлаб яшириб юрадиган, шу билан бирга аллакандай келажак «ижтимоий уйғунлик» тўдаси тарикатининг ўта шаддод тарафдори, кечалари бўларажак фаланстеранинг хаёлий манзараларини кўз ўнгига келтириб ухламай чикадиган, бу ишларнинг яқин орада Россия ҳамда бизнинг вилоятимизда амалга ошажагига ўз ҳаётидай ишонган бир одам. Шуларнинг ҳаммаси у ўзига «уй-жой солган», иккинчи марта уйланган ва хотини устидан калин пули олган бир маъвода бўлишига имони комил, ҳолбуки, атрофни юз чакирим айланиб чиксангиз, биринчи галда унинг ўзини ҳам хисобга олганда, лоакал битта ҳам «бутун жаҳон, бутун инсоният ижтимоий республикаси ва уйғулиги»нинг бўларажак аъзосига ўҳшайдиган жонзот топилмасди.

«Худо билади бундай одамлар қаердан пайдо бўлади?» – деб ҳайрон колиб ўйларди Nicolas гоҳо анои фуръепарастни эсларкан.

IV

Шаҳзодамиз уч йилдан ортиқ саёҳат қилиб юрди, шунинг учун шаҳарда уни кариб эсдан чикариб юборишиди. Степан Трофимовичдан эшитардик, у бутун Европани кешиб чиқкан, ҳатто Мисрга ҳам борган, Байтул Муқаддасни зиёрат қилган; кейин қаердадир Исландияга уюштириладиган илмий экспедицияга аъзо бўлиб кириб, ҳакиқатан Исландияни бориб кўрган. Яна, айтишларича, у бир киш фаслида битта немис университетида маъruzалар тинглаган. У онасига аҳён-аҳёнда хат ёзарди – ярим йилда бир марта ё ундан ҳам сийрак; аммо Варвара Петровнанинг жаҳли чиқмас ва ҳафа бўлмасди. Ўғли билан изга тушган муносабатларини у норози бўлмай қобиллик билан қабул килган, лекин, албатта шу уч йил ичida ҳар куни тинимсиз Nicołashnинг қайгусини чекар, соғинар, уни кўришни орзу киларди. Аммо ўзининг на орзулари ва на шиква-шико-

ятларини бирорга айтарди. Ҳатто Степан Трофимовичдан ҳам, чамаси, бирмунча узоклашди. У ўз ичидагандай дирежалар тузар, афтидан, илгаригидан ҳам баттарроқ зикна бўлиб қолди, пул йигишга муккасидан кетди ва Степан Трофимовичнинг қарта йўнаб пул ютказишларидан қаттик ранжий бошлади.

Ниҳоят, шу йилнинг апрель ойида у Париждан – генералнинг хотини Прасковья Ивановна Дроздовадан ҳат олди, улар болаликдан бирга ўсган эдилар. Аммо Варвара Петровна у билан саккиз йилдан бўён кўришмаган, ҳат ёзишмаганди. Прасковья Ивановна ўз хатида дугонасига Николай Всеғолович унинг оиласига яқин бўлиб колгани, ёлгиз кизи Лиза билан дўстлашгани, ёз фаслида уларни Швейцарияга, *Vermex-Montreux*га кузатиб боришига рози бўлгани хакида ёзган эди; шу билан бирга у хозир Парижда яшаётган граф К... (Петербургда катта обру-Эътиборли зот)нинг хонадонида худди ўз ўғилларидек бўлиб колгани ва кўпинча шу ерда турганини ҳам маълум қилган эди. Ҳат киска ёзилган, максад тўла аён баён этилганди, лекин келтирилган маълумотлардан бошка ҳеч қандай хуносалар чикарилмаганди. Варвара Петровна узок ўйлаб ўтирамади, дархол бир карорга келиб йўлга отланди, ёнига ўзи тарбиялаган Дашибани (Шатовнинг синглиси) олди-да, апрелнинг ўртасида Париж ва ундан кейин Швейцарияга йўл олди. Июль ойида у ёлгиз ўзи қайтиб келди, Дашибани Дроздовларнида қолдирди; Дроздовларнинг ўзлари унинг айтишича, биз томонларга августнинг охирида келадиган бўлишибди.

Дроздовлар ҳам бизнинг вилоятимиздан чиккан помешчиклар эди, аммо генерал Иван Ивановичнинг (Варвара Петровнанинг собиқ ошнаси ва эрининг хизматдоши) ХИЗМАТИ ДОИМ ЖОЙИБ МУЛКЛАРИГА КЕЛИБ-КЕТИШЛАРИГА тўсик бўларди. Лекин генерал ўтган йили дорилбаюга кетди ва ғам-қайғуда кўйған Прасковья Ивановна қизини олиб чет элга йўл олди, нияти ёзнинг иккинчи палласида *Vermex-Montreux*да узум билан даволаниш пархезини адо этиш эди. Юртга қайтгандан сўнг эса вилоятимизда дои-

мий яшамокчи эди. Шаҳарда унинг улкан уйи бор эди, кўп ийиллардан бери унда хеч ким турмас, деразаларига тахта қоқиб ташланган эди. Жуда бой одамлар эди. Прасковья Ивановнанинг биринчи эри Тушин деган кимса эди. У бирга ўкиган дутонаси Варвара Петровна каби ўтган замон ижарадорининг кизи бўлиб, у ҳам катта сеп билан турмушга чиқканди. Истеъфодаги штаб-ротмистр Тушиннинг ўзи ҳам бой-бадавлат ва қобилияtlардан маҳрум бўлмаган киши эди. Қазо қилаётгандан ўзининг етти яшар ёлгиз кизига анча-мунча сармояларини васият қилиб қолдирди. Энди Лизавета Николаевнанинг ёши йигирма иккиларга еттанда, щахсан ўзига тегишли пуллар икки юз минг рублдан ҳам ортиқрок эди дейиш мумкин, иккинчи эридан фарзанди бўлмаган онасидан-ку кейинчалик қоладиган мол-мерос бойликларни айтмаса ҳам бўлади. Варвара Петровна сафаридан жуда мамнун эди. Унинг фикрича, Прасковья Ивановна билан каноатланарли тарзда келишиб олишибди ва буни келган куниёқ барини Степан Трофимовичга маълум қилди; у билан меҳри жўшиб гаплашди, анчадан бери шундай бўлмаган эди.

– Ура! – кичкириб юборди Степан Трофимович ва бармоқларини шикиллатди.

У жуда курсанд эди, зеро, маҳбубаси билан айрилиқда кунларини бафоят маҳзунликда кечирганди. Чет элга кетаркан, хоним ҳатто у билан тузук-қуруқ хайрлашмаган, режаларини бу «аёл мижоз»га айтмаган, унинг ҳаммага лакиллаб қўйишидан чўчиган эди. Ўшанда у яна карта ўйинидаги жуда катта ютқизиқдан хабар топгани боис хафа эди. Лекин Швейцарияда юрганида юрагидан сездики, қайтиб боргач, ташлаб кетилган ҳабибнинг албатта кўнглини олиш керак, унга кейинги пайтларда анча рўйхуш бермай юрди ахир. Жуда тез ва сирли тарзда айрилишгани Степан Трофимовичнинг ҳуркак калбини каттиқ ҳайрат ва изтиробга солди ва худди атай қилгандай бунга тез орада бошқа даргумонликлар ҳам қўшилди. Уни анча вактдан бери чўзилиб келаётган каттагина пул билан боғлиқ бурч кийнаб келар, лекин бу Варвара Петровнанинг

ёрдамисиз сира ўрнига тушадиган эмасди. Бунинг устига шу йилнинг май ойида бизнинг оккўнгил, ювош Иван Осиповичимизнинг нихоят ҳокимлиги тугади; уни бўшатишиди, ҳатто баъзи дилихираликлар ҳам бўлди. Кейин Варвара Петровна йўқ вактида бизнинг янги сардоримиз Андрей Антонович фон Лембке ҳокимлик ўрнига ўтириди; ушбу воеа билан бирга бизнинг қарийб бутун вилоят жамоатчилигига дарҳол Варвара Петровна ва демак, Степан Трофимовичга нисбатан хийлагина ўзгариш рўй берди. Ҳар калай, у бир қанча кўнгилни хира қиладиган, аммо эътибор килса арзийдиган воеаларга дуч келди-ю, чамаси, Варвара Петровна бўлмагани учун бир ўзи жуда юраги пўкиллаб колди. У мен ҳакимда янги ҳокимга хатарли одам деб етказишган бўлса керак, деб юраги гупуриб ҳавотирланарди. У, бизнинг айрим хонимларимиз Варвара Петровнанинг остонасига қадам босмаймиз, деб юришганини ҳам аниқ билди. Ҳокимнинг рафиқаси ҳакида (уни кузда келади дейишарди) ўзи бурни кўтарилиган бўлса ҳам, аслида ҳақиқий аслзода экан, «biznинг қандайдир шўрлик Варвара Петровнага ўхшамас экан», деб такрорлаб юришарди. Ҳамма қаёқдандир шу нарсани батафсил аник билардики, Варвара Петровна билан янги ҳокимнинг хотини бир пайтлар киборлар доирасида учрашган, аммо бир-бирларини ёқтиришмаган, шунинг учун фон Лембке хонимнинг номини эшитса, Варвара Петровнанинг гўё башараси тиришаркан. Варвара Петровнанинг ғайрат ва нусрат чакнаган киёфасини, бизнинг хонимлар ва жамоатчилик ўртасида юрган фикрларни писанд килмай нафратланиб эшитганини кўриб, хуррак Степан Трофимовичнинг тушкин рухи кўтарилиди ва шу заҳоти кўкси қувончларга тўлди. У хонимга янги ҳокимнинг амал маснадига ўтириш маросимини бошқача бир қувнок ялтоқи кулги билан сўйлаб беришга тушди:

– Ҳеч қандай шак-шубҳасиз, сизга, excellente amie¹⁴, – дерди у ғамза билан сўзларни олифтанамо чўзиб, – рус маъмурининг қандайлиги яхши маълум, умуман айтганда,

¹⁴ Аслзода ҳабибам (франц.).

рус маъмури, яъники янги чикқан, эндиgi янги кўтарилиган маъмур... Ces interminable mots russes!¹⁵.. Лекин сиз амалда маъмурий завқ нималигини ва бу нарса қандайлигини билмайсиз чоғи?

– Маъмурий завқ дейсизми? Билмайман, бу нима?

– Яъники... Vous savez, chez nous... En un mot¹⁶, биронта энг арзимас кимсани қандайдир темир йўл чиптала-рини сотувчи килиб кўйинг кани, дарҳол ана шу хеч нарса-ға арзимас кимса ўзини Юпитер ҳисоблаб сизга юкоридан қарайди, сиз чипта олиш учун борсангиз, pour vous montrer son pouvoir¹⁷. «Кани, караб тур, сенга ўзимни ҳукума-тимни кўрсатиб кўяй-чи...», бундан улар маъмурий завқ оладилар... En un mot, чет элдаги черковлардан бирида аллакандай бир дъякон, – mais c'est tres curieux¹⁸, – битта ажойиб инглиз оиласини черковдан кувиб чикарибди, ха, ростакам ҳайдабди, ўзим ўкидим, Les dames charmantes¹⁹ ажойиб ибодат бошланмасдан бурун ҳайдабди.

Vous savez ces chants et le livre de Job²⁰... – «хориж-ликларга рус черковларда дайдиб юриш тартибсизлик, кўрсатилган соатларда келсинлар», деб баҳона килибди. Бечоралар хушидан кетай дебди... шу дъяк маъмурий завқ олган et il a montre son pouvoir²¹...

– Қискарок килинг, иложи бўлса, Степан Трофимо-вич.

– Жаноб фон Лембке энди вилоятга чиқиб кетди. En un mot, Андрей Антонович православ динидаги рус неми-си ва ҳаттоқи, майли мендан кетса кетсин, ёши киркларда-ги ажойиб кўркам киши бўлса ҳам...

– Нимасини кўркам деяпсиз? Қўй кўз.

¹⁵ Бу туганмас рус сўзлари (*франц.*).

¹⁶ Биласизми, бизда... Хуллас (*франц.*).

¹⁷ Сизга ўз ҳукмини кўрсатиб кўяди (*франц.*).

¹⁸ Бирок бу жуда кизик (*франц.*).

¹⁹ Гўзал хонимларни (*франц.*).

²⁰ Сиз Иовнинг китоби ва диний кўшикларини биласиз-ку (*франц.*).

²¹ Ўз ҳукмини ўтказган (*франц.*).

— Таърифи аъло. Лекин мендан кетса кетсин, майли, хонимлар хак...

— Башка мавзуга ўтайлик, Степан Трофимович, илтимос! Айтмокчи, кизил бўйинбог тикиб олибсиз, анча бўлдими?

— Буни мен... мен факат бугун...

— Сиз парҳез қиляпсизми? Ҳар куни олти чакирим яёв юряпсизми, доктор буярган эди-ку?

— Ҳа... ҳар куни эмас.

— Айтдим-а! Мен Швейцариядаёқ буни сезгандим! — жаҳли чиқиб қичкирди хоним. — Энди сиз олти эмас, ўн чакиримлаб яёв юрасиз! Сиз жуда ёмон шалвираб қолибсиз, ёмон, жуда ё-ёмон! Қариш ҳам гапми, азбаройи тўкилиб кетай деяпсиз... мен ҳайрон бўлиб қолдим, боя сизни кўрганимда, кизил бўйинбогингизга карамасдан... quelle idée rouge!²² Фон Лембке ҳақидаги гапингиз... айтадиган ғап бўлса, давом этинг, бўлмаса тезрок тугатинг, илтимос, мен ҷарчадим.

— Еп ин тоғ, мен нима демокчиман, бу ёши киркка борганда кўтариладиган идора маъмурларидан, улар кирк ёшгача занг босиб ётадилар, ҳеч ким билмайди, кейин бирдан одам сонига кириб қолишади, кутилмаганда уйланиб ёки яна бошка шунга ўхшаган восита натижасида... Яъни мен нима демокчиман, у ҳозир чиқиб кетди... яъни мен демокчиманки, мен ҳакимда унинг ўнг ва чап кулогига гап қуийшган, ёшларни йўлдан оздиради, вилоятда худосизликни ёяди... У дарров сўраб-суринтирган.

— Йўғ-е, ростданми?

— Мен чора кўриб кўйдим. Сиз ҳакингизда «ВИЛОЯТНИ ўзи бошкаарди», деб «маълумот» беришганда, vous savez²³, у «Энди бу бошка такрорланмайди» дейишгача борган.

— Шундай дебдими?

²² Нима бу матоҳ! (франц.)

²³ Биласизми (франц.).

— «Бошқа тақрорланмайды» деган, avec cette mortgue²⁴ ... Рафиқаси Юлия Михайловнани бу ерда август ойида пойбўс қиласиз, тўғри Петербургдан келадилар.

— Чет элдан. Биз у ерда кўришдик.

— Уграймент?²⁵

— Парижда ҳам, Швейцарияда ҳам. У Дроздовларга кариндош.

— Қариндошми? Ўхшатмаса учратмас! Жуда шуҳрат-параст эмиш ва ... алоқалари ҳам бисёр эмиш, ростми?

— Бекор, арзимаган борди-келдилар! Қирқ беш ёшгача сарик чақасиз қарикиз бўлиб ўтирувди, энди ўзининг фон Лембекесига миниб олди, бутун мақсади энди уни одам сонига киритмокчи. Иккови ҳам ўйинчилар.

— Эридан икки ёш катта дейишади?

— Беш ёш катта. Унинг онаси Москвада менинг эшигимда думини супурги қилган; Всеволод Николаевич-нинг олдида менинг балларимга раҳм-шафқат сўрагандай келарди. Анави эса тун бўйи бурчакда раксга тушолмай ўтиради, пешонасида феруза пашшаси билан, кечаси соат учларга бориб унга раҳмим келганидан биринчи кавалерни ракс учун юбораман. Ўша пайтда ёши йигирма бешга бориб колган эди, худди ёш кизчага ўхшатиб калта кўйлак кийдиришарди. Уларни меҳмонга чакириш ярашмай колди.

— Мен ўша пашшани аниқ кўриб турибман.

— Сизга айтаяпман-ку, мен боргач, тўғри фитнанинг устидан чиқдим. Сиз ҳали Дроздованинг хатини ўқиб ўтирдингиз-ку, бундан ҳам равshan гап бўладими? Нимага дуч келдим? Шу жинни Дроздованинг ўзи – у доим жинни эди, – бирдан менга анграйиб қаради нимага келдинг, дегандай. Қанчалар ҳайрон бўлиб қолдим, тасаввур киласизми! Шу ерда анави Лембке хонимча мени чалмокчи, найранг кильмокчи, ёнида кария Дроздовнинг қариндоши ҳам бор – ҳаммаси равshan! Албатта, мен бир зумда ҳам-

²⁴ Такаббурлик билан (*франц.*).

²⁵ Наҳотки? (*франц.*)

Ф. М. Достоевский

масини ўзгартирдим ва Прасковья яна мен томон бўлди,
аммо фитна, фитна!

– Аммо сиз уни енгдингиз. О, сиз Бисмарксиз!

– Мен Бисмарк бўлмасам ҳам, сохталик ва тентакликни каерда учратсам, фарклай оламан. Лембке бу – сохталик, Прасковья эса – тентаклик. Бунчалар мияси ачиб колган хотинни мен кам кўрганман, бунинг устига оёги шишиб кетган, яна устига-устак оқкўнгил. Тентак оккўнгилдан ҳам тентакроқ нарса бормикин?

– Ёмон тентак, *ma bonne amie*²⁶, ёмон тентак ундан ҳам тентакроқ, – ҳамрозона қўллади Степан Трофимович.

– Балки сиз хақдирсиз, сиз ахир Лизани эслайсиз-ку?

– *Chartante enfant!*²⁷

– Аммо хозир *enfant* эмас, кап-катта хотин, хотин бўлганда ҳам феъл-авторли. Олийжаноб ва жўшкин, онасини терраб туради, шуниси менга ёқади, онаси лакма тентак. Анави қариндош йигит боис ишкал чикишига сал колди.

– Вой, аслида у Лизавета Николаевнага ҳеч қандай қариндош эмас... Кўз остига олган эканми?

– Буни қарангки, бу ёш офицер, жуда камгап, хатто камтаргина йигит экан. Мен доим адолатли бўлишни хоҳлайман. Назаримда, унинг ўзи бу ўйинга қарши ва ҳеч нарсани хоҳлаётгани йўқ, ҳаммани факат Лембке чаляпти. Ўша йигит Nicolashni жуда хурмат қиласи, ҳаммаси факат Лизага боғлик. У Nicolas билан жуда яхши муносабатда. Nicolas бизникига ноябрь ойида албатта бораман, деб ваъда беради. Шундай килиб, бу ерда факат Лембкенинг ўзи ўйин қиласи. Прасковья эса кўр кўзга ўхшаб колган. Менга ўзидан-ўзи ҳамма шубҳаларингиз – фантазия дейди; мен рўйирост баширасига айтдим, сен жиннисан, дедим. Қиёмат кунида ҳам буни тасдиклайман. Агар Nicolas вактинча бўлса ҳам, уйга қайта колинг демаганда, мен бу қаллоб хотинни фош килмасдан кетмоқчи эмасдим. У Nicolas орқали граф К. олдида ялтоқланади, у ўғилни онадан айирмокчи эди. Аммо Лиза биз томонда,

²⁶ Азиз дўстим (*франц.*)

²⁷ Ажойиб кизча! (*франц.*)

Прасковья билан эса келишиб олдик. Кармазинов унинг қариндоши эканлигини биласизми?

– Қандай? Мадам фон Лембкенинг қариндоши эканми?

– Ҳа, унга. Узок қариндош.

– Кармазинов, хикоя ёзувчими?

– Ҳа, ёзувчи, нимага ҳайрон бўляпсиз? Рост, у ўзини улут адиб деб билади. Кеккайган махлук! Хоним у билан бирга келади, ҳозир у ерда кетидан колмай юрибди. Хоним бу ерда бир нарса ташкил килмокчи, қандайдир адабий анжуманлар. Адиб бир ойга келади, бу ердаги охирги мулкларини сотмокчи. Мен у билан Швейцарияда учрашиб қолай дедим, буни сира хоҳламовдим. Айтгандай, ҳар қалай у мени танир дейман. Эски пайтларда у менга ҳатлар ёзарди, уйга келганди. Сиз яхшиrok кийиниб юришингизни хоҳлайман, Степан Трофимович; сиз кундан-кунга шалвираб коляпсиз... О, мунча мени кийнайсиз! Ҳозир нима ўкияпсиз?

– Мен...мен...

– Тушундим. Яна аввалгидек, ошналар, яна аввалгидек ичкиликбозлик, клуб, карта ўйини, даҳрий деган ном. Менга бу даҳрийлик ёкмайди, Степан Трофимович. Мен сизни даҳрий деб аташларини сира истамасдим, айникса, ҳозир истамайман. Мен илгари ҳам истамаганман, чунки бу ҳаммаси курук маҳмадоналик, бошка нарса эмас. Айтмай иложинг йўқ.

– *Mais, ma chere...*²⁸

– Кулок солинг, Степан Трофимович, илм-билимда сизнинг олдингизда мен омиман, лекин бу ёкка қайтиб келаётганимда сизни кўп ўйладим. Мен бир фикрга келдим.

– Қандай фикр экан?

– Шундай фикрки, сизу биз дунёда ҳаммадан аклийрок эмасмиз, биздан кўра аклийроклар ҳам бор.

– Ўткир, жуда ўткир, нишонга уради. Биздан аклийрок бўлса, биздан кўра ҳақроп ҳам бўлади, бундан чиқадики, биз ҳам хато килишимиз мумкин, тўтроми? *Mais, ma*

²⁸ Аммо, азизам (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

bonne amie, айтайлик, мен хато қилдим, лекин ахир мен умуминсоний, доимий, энг олий виждан эркинлиги ҳаки-га ҳам әгаман-ку? Мен агарда хоҳласам, ваҳший, сурбет бўлмасликка ҳаққим бор-ку, табиийки, шунинг учун то асрнинг охиригача турли-туман жаноблар мени кўролмай ўтадилар. Et puis, comme on trouve toujours plus de moines que de raison²⁹, мен бунга тўла-тўқис қўшилганим учун...

– Нима, нима дедингиз?

– Мен: on trouve toujours plus de moines que de raison, мен бунга тўла-тўқис қўшиламан...дедим.

– Бу сизнинг сўзингиз эмас; сиз буни бирон ердан ол-гандирсиз?

– Паскал шундай деган.

– Ўзим ҳам айтдим-а... Сизники эмас деб! Нега сиз ўзингиз ҳеч қачон шундай ўткир ва қисқа килиб айтмай-сиз, доим гапни узундан-узок чўзасиз? Бу бояги маъмурий завқ деганингиздан анча яхшиrok...

– Ma foi, chere³⁰... нимага? Биринчидан, шунинг учунми, мен ҳар ҳолда Паскал эмасман, et puis... иккинчидан, биз руслар ўз тилимизда фикр айтишни билмаймиз... Ҳар қалай шу пайтгача ҳеч нарса айтганимиз йўқ...

– Ҳим-м! Бу унча тўғри бўлмаса керак. Ишқилиб, сиз бундай сўзларни ёзib боринг, эсингизда сақланг, биласизми, гап ўрни келганда... Оҳ, Степан Трофимович, мен сиз билан жиддий, жуда жиддий гаплашиб олмокчи эдим!

– Chere, chere amie!³¹

– Энди мана шу Лембке, мана Кармазиновларнинг ҳаммаси... О, худойим-ей, мунча шалвираб қолмасангиз! О, мунча мени кийнайсиз!... Мен шу одамларнинг ҳаммаси сизни ҳурмат қилишларини истардим, чунки улар сизнинг битта бармоғингизга тенг бўлолмайди, синчилоғингизга арзимайди, сиз эса ўзингизга қарамай қўйибсиз? Улар кўрса нима дейди? Нима деб жавоб бераман? Нимани кўр-

²⁹ Ундан кейин соглом фикрдан кўра кўпроқ доим роҳибларга дуч келасиз (*франц.*).

³⁰ Нега энди, азизам (*франц.*).

³¹ Азиз, азиз дўстим! (*франц.*)

жаман? Сиз ҳаммасига эзгу шоҳид, ўрнак бўлиб туриш чиңга, атрофингизга аллақандай абраҳларни йигасиз, сиз ёнда бемаза одатлар чиқарибсиз, сиз лиқирлаб қолибсиз, шай ичмаган кунингиз йўқ, картадан бош кўтармайсиз, сўнгат Пол де Кокни ўқийсиз, ҳеч нарса ёзмайсиз, ҳолбури, у ёнда ҳамма ёзгани ёзган: бутун вақтингиз гап сотишга кетади. Сиз оғиз-бурун ўпишган Липутинга ўхшаган абраҳлар билан қандай қилиб дўст бўлиб юриш мумкин, ўнга тоқат қилиб бўладими?

– Нега энди мен у билан оғиз-бурун ўпишарканман? Нега энди у меники бўларкан? – ботинмайгина норозилик бўлдириди Степан Трофимович.

– Ҳозир у қаерда? – жиддият ва кескинлик билан сўради Варвара Петровна.

– У... у сизни беҳад ҳурмат қилади, ҳозир С. шаҳарига кетгани, онаси ўлган, мерос олиши керак.

– Унинг, афтидан, пул олишдан бошқа иши йўқ. Шатов-чи? Ҳалиям ўша-ўшами?

– Irascible, mais bon³²...

– Тоқатим йўқ сира шу Шатовингизга; жуда баджахл, яна бурнини кўтарганига ўлайми!

– Дарья Павловнанинг соғликлари яхшими?

– Дашибани айтяпсизми? Нечук эсингизга тушиб колди?

– унга қизиксиниб қаради Варвара Петровна. – Соғ-саломат, Дроздовларникига ташлаб келдим... Мен Швейцариядага сизнинг ўғлингиз ҳақида эшитдим ярашмаган гапларни, яхши эмас.

– Oh, c'est une histoire bien bête! Je vons attendais, ma bonne amie, pour vous raconteur³³...

– Бас, етар энди, Степан Трофимович, тинч қўйинг; қийналиб кетдим. Бемаза нарсаларни ҳали гаплашиб улгурдамиз. Кулганингизда оғзингиздан тупук сочасиз, жагингиз тушиб кетганми, нима бало? Кулишларингиз ҳам жуда ғалати... Вой худойим-ей, ёмон одатларингиз мунча

³² Тажанг, бироқ оккунгил (*франц.*).

³³ О, бу жуда беъмани воеа! О, меҳрибон дўстим, мен сизни кутдим, ҳаммасини сўйлаб бераман... (*франц.*)

күпайиб кетган! Кармазинов сизникига бормайди! Шусиз ҳам, ҳамма нарсаны күлгү килишади бу ерда... Сиз ўзингизни бутунлай фош килиб күйибсиз. Бўлди, бас, бас, чарчадим! Одамни ҳеч аяйсизларми, йўкми ўзи!

Степан Трофимович «уни аяди», аммо ер чизиб чикиб кетди.

V

Ҳакикатан ҳам, дўстимиз Степан Трофимовичнинг ёмон одатлари айникса, кейинги пайтлар миталаб кетган эди. У тез чўкиб қолди, бу аён кўзга ташланарди, ўзига карамай кўйгани ҳам рост эди. Кўп ичар, хадеса, кўз ёш килар, асаблари чарчаганди; нафосат деса хаддан ташкари кўнгли суст кетар эди. Унинг юз ифодалари ғалати тарзда хаддан ташкари тез ўзгарарди, мисол учун ғоятда тантанавор бўлатуриб зум ичиди кулгили ва ҳатто тентакнамо бир тусга киради. Ёлгизликни кўтаролмас ва доим ўзини нима биландир машғул килишларини хоҳларди. Унга албатта бирон ҳангома, гийбат гаплар, шаҳар олди-кочдиларидан, бунинг устига тағин фақат теша тегмаганидан айтиб бериш керак эди. Мабодо, анчагача ҳеч кимнинг дараги бўлмаса, унда хонама-хона паришон юрар, дераза олдига бориб ўй-хаёлга ботиб лабларини кимтири, оғир хўрсинар ва охири хикилларди. У ҳар доим нимандир сезгандай бўлар, нимадандир кутилмаган, қазо қадар мукаррар бир нарсадан қўркарди; чўчиб тушарди; қўрган тушларига кўп эътибор берарди.

Кун бўйи ва кечқурун ғоят маҳзун бўлиб юрди, мени чакиртирди, жуда хаяжонланар, жуда узоқ гапирди, жуда узоқ, лекин узук-юлук ҳикоя қилди. У мендан ҳеч нарсани яширмаслигини Варвара Петровна анчадан бери биларди. Менга у муттасил кандайдир бошқача бир нимадан, ўзи ҳам аллақандай тасаввурига сифдиролмаётган алланимадан хавотир олаётгандай туюлди. Илгари одатда биз ёлғиз икковимиз колиб у менга ўз шикоятларидан оғиз очганда кариб канда килмай бироз вакт ўтгач, шиша курғур кел-

— Чылтар ва анча юпанч бағышларди. Бу сафар ичкилик йўқ
чи. афтидан, у ичкиликка юборишдан ўзини базўр босиб
тарди.

— Нега ҳадеб унинг жаҳли чикаверади, — худди ёш
тадай дам сайин ҳикилларди у. — Tous Les hommes de
l'espèce et de progress en Russie etatent, sont et seront toujours
des картабозлар et des аракхўрлар, qui boivent en zapoi³⁴...
мен эса ҳали у қадар картабоз ва у қадар ичкиликбоз эмас-
ман... Нега ёзмайсиз деб тъяна килади? Қизик гап!... Нега
мен ёткчилайман? Мен «эзгу шоҳид ва ўрнак» бўлишим
серакмиш. Mais, enfin nous soit dit³⁵, «шоҳид» бўлиб туриш
пешонасига ёзилган кишининг ёткчилашдан бошқа чора-
си йўқ, у буни биладими?

Ва, нихоят, бу сафар уни сира кўймай қийнаган асо-
сий, ўзгача бир ташвишнинг тутуни менга ечилди. Бу кеч
у дам-бадам ойна олдига бориб, узок вакт туриб қоларди.
Охири, кўзгудан менга караб ўтирилди-да, қандайдир га-
лати умидсизлик билан деди.

— Mon cher, je suis un³⁶ шарти кетиб, парти қолган
одамман!

Ҳа, ҳакикатан, шу чоккача, худди мана шу кунгача,
бутун «янги ғоялар»у Варвара Петровнанинг барча «фикр
ўзгаришлари»га қарамасдан, у факат бир нарсага келганда
каттиқ ишонч ҳосил қилгандики, ҳабибамнинг кўнглида
мен доим мафтункорман, деб ўйларди, яъни бир қувгинга
учраган ёки шонли алломагина эмас, балки кўркам эркак
каби жозибалиман деб юрарди. Ўзини аллалаган, орзула-
ган, хотиржам килган бу фикр йигирма йилдан буён уни
сира тарк этмай яшар ва барча ишонч-эминликлари ичida
факат шундан айрилиш ҳаммасидан оғиррок эди. Ўша ок-
шом шу якин келажакда ўзи учун канчалар улкан синов
хозирланаётганини у сездимикин?

³⁴ Россиядаги барча салоҳиятли ва илгор кишилар ҳамма вакт
картабоз ва аракхўр бўлган, бўлди ва бўлажак, улар тинмай
ичади (*франц.*).

³⁵ Аммо орамизда колсин-ку (*франц.*).

³⁶ Азизим, мен (*франц.*).

VI

Менинг солномам ҳақиқий маънода жуда кизик бир ходисадан бошланади, мен энди уни ҳикоя килишга ўтаман.

Август бутунлай охирлаб, ниҳоят, Дроздовлар кайтиб келишди. Бу воқеа шахар анчадан бери интизор кутаётган уларга қариндош бўлмиш янги ҳокимнинг рафиқаси келмасидан бироз олдинрок рўй берди ва жамоатчиликда жуда ажойиб таассурот колдирди. Лекин бу кизиқдан-қизик воқеалар тўғрисида кейинрок сўйлаб бераман, ҳозир эса бошқа бир нарса билан кифояланаман: Прасковья Ивановна уни сабрсизлик ила кутаётган Варвара Петровнага жуда ҳам серташвиш бир жумбок олиб келди; Nicolas уларни июль ойидаёқ тарк этибди, Рейнда граф К. билан учрашиб колибди ва унинг оиласи билан бирга Петербургга жўнашибди. (N.B. Графнинг учала кизи ҳам бўйлари етган, никоҳ ёшида.)

— Лизавета мағрур ва кайсар киз, сўрасам айтмади, — деди Прасковья Ивановна, — аммо ўз қўзим билан кўрдим, Николай Всеолодович билан ораларидан нимадир ўтди. Сабабларини билмайман, аммо, азиз дугонам Варвара Петровна, буни бекачангиз Дарья Павловнадан сўрасангиз бўлар. Менимча, Лиза жуда аразлаган эди. Ниҳоят, сизнинг қўлингизга бекачангизни эсон-омон топширганимдан бир қучоқ семиргандай бўлдим, юқим енгиллашди.

Ушбу заҳар қўшилган ажойиб-гаройиб сўзлар ажаб бир тажанглик билан айтилди. «Қатиги сув очган» хотин уларни олдиндан ичиди ҳўб пишитган ва қандай таъсир килишини қўришга жуда ошиккан эди чамаси. Аммо ким-ким Варвара Петровнани хиссиётли жимжималар, турли жумбоклар билан мот килиб бўлмасди. У жуда аник ва тушунарли изохлар берилишини талаб килди. Прасковья Ивановнанинг овози шу захоти пасайди ва ҳатто қўзидан ёш чиқди ва бир-бир юрагини ёза бошлади. Ушбу тажанг,

Экин хиссиётчан хоним худди Степан Трофимовичга ўхшаб, доимо чинакам маҳрамга муҳтоҷ, ўзининг қизи Ли-за-ста Николаевнадан «кизим менга дўст эмас» деб шикоғи қилгани-қилган эди.

Унинг барча тушунтириш ва дийдиёларидан фақат шуарса аниқ бўлдики, ҳакикатан Nicolas билан Лиза ўртасида қандайдир гинахонлик чиқкан, аммо Прасковья Ивановна бунинг нималигини афтидан тузук-куруқ билмасди. У Дарья Павловнанинг бошига ўзи ёғдирган айбловлардан ҳирида узил-кесил воз кечибигина қолмай, менинг бояги сўзларимдан ҳеч қандай маъно қидириб ўтируманг, чунки улар «жахл устида» оғзимдан чикиб кетибди, деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Бир сўз билан айтганда, бари ноаник, бари чалкаш шубҳали эди. Унинг сўйлашича, аразлашга Лизанинг «қайсар ва ҳазилкаш» феъл-автори сабаб бўлган, «магнур Николай Всеволодович эса, каттиқ севиб колган бўлишига қарамай, ҳазил-хузулларни кўтаролмай, ўзи ҳам ҳазиллаша бошлаган».

– Кейин биз тез орада бир ёш йигит билан танишиб колдик, сизнинг «профессорингиз»нинг қариндоши эканми-ей, фамилияси ҳам ўхшаш...

– Ўғли, қариндоши эмас, – деб тўтилади Варвара Петровна. Прасковья Ивановна илгарилар ҳам Степан Трофимовичнинг фамилиясини ҳеч эсида сақлаб қололмас ва доим уни «профессор» деб атарди.

– Бўпти, ўғли бўлса ўғли-да, янаям яхши, менга эса барибир. Бошқаларга ўхшаган оддий бир йигит, жуда тийрак ва эркин, аммо ажралиб турадиган жойи йўқ. Бўпти, Лизанинг ўзи бу ерда айбдор, ёш йигитни ўзига якин торти, Николай Всеволодовичнинг рашкини келтирмоқчи бўлди. Мен буни катта айб деб билмайман; одатда кизларда бўлади шунақа ноз-карашма. Николай Всеволодович рашк килиш ўрнига, аксинча, ўзи ёш йигит билан ўрток бўлиб олди, ҳеч нарсани билмагандай ёки унга ҳеч нарсанинг фарки йўқдай. Лиза бундан портлаб кетди. Ёш йигит тезда жўнаб кетди (қаёқкадир жуда шошилди), Лиза эса бир кулай фурсат топди дегунча Николай Всеволодович-

Ф. М. Достоевский

нинг жигига тегаверди. У Даша билан баъзан гаплашиб қолганини кўрса, фигони фалакка чикади, шундан кейин менга ҳам кун бермай кўйди. Газабланишни менга докторлар ман этишган, уларнинг ўша макталган кўллари шундай жонимга тегдики, тишларим сиркираб оғрийди ундан, оёқ оғриғи орттириб олдим. Женева кўли тиши оғригини кўзиди, деб ёзиб чикаришди: шунака хусусияти бор экан.

Шунда Николай Всеволодович бирдан графинядан мактуб олди ва шу заҳоти жўнаб кетди, бир кун ичидагараларини йигиштириди. Улар Лиза билан дўстона хайрлашишди, Лизанинг ўзи ҳам уни кузатиб, шўх-кувнок хахолаб кулар, ҳазиллашарди. Ўзини атайлаб шундай кўрсатарди. У кетди-ю, жуда хаёлчан бўлиб колди, ҳатто уни сира эсламади, менга ҳам йўл кўймади. Сизга ҳам, азиз дугонам Варвара Петровна, шуни маслаҳат берардимки, Лиза билан бу нарса тўғрисида гап очманг, факат ишнинг белига тепасиз. Агар оғиз очмасангиз, унинг ўзи биринчи бўлиб гап кўзгайди; ўшанда билиб оласиз кўпроқ. Менимча, яна ярашиб кетишади, факат агар Николай Всеволодович пайсалга солмай етиб келса, ваъда қилган.

– Ҳозироқ унга хат ёзиб жўнатаман. Агар ҳаммаси шугина бўлса, унда бу арзимаган араз; ҳаммаси бекор! Да-ръяни ҳам яҳши биламан; бекор.

– Дашани гапириб айб қилдим, бўйнимга оламан. Шунчаки одми гаплар, тилга эрмак. Аммо, дугонажон, ўшанда бу ҳаммаси мени қонимга ташна қилди. Лизанинг ўзи ҳам, ўз кўзим билан кўрдим, Даша билан жуда якин бўлиб колди худди аввалгидаи...

Варвара Петровна ўша куниёк Nicolasга хат ёзиб, айтган пайтингдан жуда бўлмагандага бир ой олдинроқ етиб кел, деб ёлворди. Лекин барибир бу ерда алланималардир унга ноаник ва номаълум эди. Окшом тушгач, тун бўйи у шуни ўйлаб чиқди. «Прасковья»нинг сўзлари унга ҳаддан ортиқ содда ва инжик бўлиб туюларди. «Прасковья доим шундай инжик эди, ҳатто бирга ўқиган чоғларида ҳам, – деб ўйга ботарди у, – Nicolas қиз боланинг ҳазил-мазаҳидан қочадиган йигит эмас. Бошқа бир сабаби бор, ўртада

агар гап қочган бўлса. Бирок офицернинг ўзи шу ерда, улар билан бирга келган, уйларидан кариндошдай жой беришган. Яна Дарьядан сўз очиб Прасковья дарров ўзини оркага ташлади, рост, баъзи гаплар ичида колган бўлса ажабмас, айтишни хоҳламаган-да...»

Эрталабга бориб Варвара Петровнада бир фикр писиб етилди, у жилакурса, битта шубҳанинг тагига етишга карор қилди, кутилмаган бу фикр ажойиб чиқди. Бу фикр тутғилганда унинг юраги нима дерди, айтиш кийин, мен олдиндан унинг барча қарама-каршиликларини баён қилиб беролмайман. Бир солномачи сифатида мен воқеалар кандай рўй берган бўлса, шундай аник кўрсатиш биланги на чекланаман, агарда улар ақл бовар қилмасдай туюлса, бунга мен айбдор эмасман. Лекин яна бир карра шоҳидлик беришим керак, эрталабга бориб, Дашага нисбатан унинг ҳеч кандай шубҳаси колмади, тўгрисини айтганда, бу борада шубҳанинг ўзи бўлмаган эди; у Дашадан шундай имони комил эди. Ҳатто хаёлига ҳам келтиролмасдики, то Nicolas Дашага илакишин... Эрталаб чой устида Дарья Павловна чой қуйиб узатаркан, Варвара Петровна унга узок тикилиб разм солди ва эҳтимол, кечадан бери хойнахой йигирманчи маротаба ўзига ўзи ишонч билан деди:

– Ҳаммаси бекор!

У Дашанинг қандайдир ҳоргинлиги, аввалгидан ҳам мулоимрок, янада локайдрок эканлигини пайкади. Чой ичишгандан сўнг, доимий одатларига кўра икковлари тикишга ўтиришди. Варвара Петровна ундан чет эл таассуротларини, табиат, ахоли, шаҳарлар, урф-одатлар, санъатию саноати ҳакида батафсил гапириб беришни сўради, нималарга кўпроқ эътибор бердинг, деди. Дроздовлар ва уларнинг ҳаёти тўгрисида оғиз очмади. Бекасининг ёнида мўъжазгина стол четида тикишга ёрдам бериб ўтирган Даша ярим соатлардан бери бир тусдаги, равон, бироз синиккан товуши билан ҳикоя киларди.

– Дарья, – кутилмаганда унинг ҳикоясини бўлди Варвара Петровна, – менга айтадиган бошка бир алоҳида гапинг йўқми?

Ф. М. Достоевский

– Йўқ, ҳеч нарса, – жичча ўйланди Даша ва Варвара Петровнага равшан кўзлари билан каради.

– Дилингда, юрагингда, вижданингда?

– Ҳеч нарса, – секин, лекин қандайдир жиддий катъият билан такрорлади Даша.

– Ўзим хам билардим! Шуни яхши билиб кўйки, Дафра, мен ҳеч қачон сендан шубҳага бормайман. Энди ўтириб яхшилаб кулок сол. Анави стулга ўтиб, рўпарамда ўтириб, сени рўйи-рост кўриб турай. Ана шундай. Менга кара, эрга тегишни хоҳлайсанми?

Даша унга саволомуз қаради, лекин саволдан унча хайрон хам бўлмади.

– Тўхта, гапирма. Биринчидан, ёшда жуда катта фарқ бор; лекин сен бошқалардан кўра яхшиrok биласан: бу хаммаси бекор. Сен окила кизсан, сенинг ҳаётингда хато бўлмаслиги керак. Айтганча, у ҳали кўркам эркак... Қискаси, сен доим хурмат килиб келган Степан Трофимович... Хўш?

Дашанинг чехрасида савол ифодаси янада кучайди, бу гал хайрон қолганидан ташқари, дув қизариб кетди.

– Тўхта, гапирма; ҳовликма! Мен сенга пул васият килганман, аммо мен ўлиб қолсам, сенинг ҳолинг нима кечади, пулинг бўлганда хам? Сени чув туширишади, пулларингни тортиб олишади, ҳалок бўласан. Унга тегсанг, таникли одамнинг хотини бўласан. Энди бошка ёқдан қара: мен ўлсам, – уни таъминлаб кўйган бўлсам хам, – ҳоли нима кечади? Сенга эса мен ишонаман. Тўхта, мен ҳали хаммасини айтиб бўлганим йўқ: у ҳавойи, латта, раҳмсиз, худбин, пастқаш, аммо сен унинг қадрига ет, биринчидан, шунинг учунки, ундан хам баттарлари кўп. Сени бир абллаҳга чиккин деяётганим йўқ-ку, ахир, хаёлингга бир нарса келтирдинг шекилли? Энг муҳими, мен сенга айтипман, шунинг учун қадрига етасан, – деб гапини тўхтатди у бирдан жаҳли кистаб, – эшитдингми? Нега бақрайиб қолдинг?

Даша ҳамон миқ этмай тинглаб ўтиради.

— Тұхта, озгина шошма. У — хотинчалиш, лекин буның үзингі яхши-ку. Хотиндан ҳам баттар; уни хотин зоти яхши күрмагани маъқул. Аммо унинг бүш-баёв, химоятсиз бўлгани учун яхши кўриш мумкин. Сен уни бўш-баёв бўлгани учун сев. Сен гапимни тушуняпсанми, ахир? Тушуняпсанми?

Даша тасдиқлаб бошини кимиратди.

— Ўзим ҳам билган эдим, сендан шуни кутгандим. У сени севиб қолади, шундай бўлади, шундай бўлади: у сени бошига кўтаради! — қандайдир бошқача бир жаҳли чикиб чийиллади Варвара Петровна. — Ҳар қалай, бурч, карз демаганда ҳам, у сени яхши кўриб қолади, мен уни биламан, ахир. Яна мен ўзим шу ерда бўламан. Ҳавотир олма, мен доим шу ердаман. У сенинг устингдан шикоят қиласди, бошингга тухмат ёғдиради, биринчи дуч келганга сенинг гийбатингни бошлайди, ғингшийди, ҳар доим ғингшийди; сенга бир хонадан қўшни хонага хатлар ёзади, бир кунда иккита хат, аммо барибир сенсиз яшолмайди, муҳими ҳам, шу. Ўзингта бўйсундириб ол; бўйсундирмасанг — ахмок бўлиб қоласан. Ўзимни осаман дейди, дўқ-пўписа қиласди — сира ишонма; ҳаммаси бекор! Ишонма, лекин қулогингни динг тут, худо кўрсатмасин, ўзини осиб қўйиши ҳам мумкин: бунакаларнинг қўлидан келади; кучлилар эмас, кучсизлар ўзини осади; шунинг учун ҳеч қачон ўлар холатга олиб борма, — бу эр-хотин турмушининг биринчи коидаси. Яна унинг шоир эканлигини унутма. Қулогингда бўлсин, Дарья: ўзингни бағишаудан ҳам ортиқ баҳт йўқ. Бунинг устига мени жуда ҳам хурсанд килган бўласан, бу энг муҳими. Сен ўйлама, мен ақлсизликдан валдираётганим йўқ; нимани гапираётганимни ўзим биламан. Мен худбинман, сен ҳам худбин бўл. Мен мажбур қилмайман; ҳаммаси ўз ихтиёрингда, сен нима десанг шу бўлади. Нима бу, котиб ўтирибсан, бир нарса десанг-чи ахир!

— Менга ахир барибир. Варвара Петровна, агар албатта турмушга чиқиш зарур бўлса, — қатъият ила деди Даша.

— Албатта дейсанми? Сен нимага ишора киляпсан ўзи? — унга жиддий тикилиб қаради Варвара Петровна.

Даша керги чамбарагида игнасини айлантириб, индамади.

— Ақлли киз бұлсанг ҳам, валдираяпсан. Рост, мен сени албатта эрга бермокчиман, аммо зарурат важидан әмас, факт Степан Трофимовични үйләяпман. Степан Трофимович бүлмаганда, сени турмушга чикаришни хаёлнимга ҳам келтирмасдим, бу ёги, ёшиңг йигирмага бориб колди... Хүш?

— Сиз нима десангиз шу, Варвара Петровна.

— Демак, розисан! Тұхта, гапирма, нега шошасан, мен хали тутатганим йўқ: васият бўйича сенга мендан ўн беш минг тегади. Никоҳ ўқилгандан сўнг қўлингга тутқизман. Шундан саккиз мингини сен унга, яъни менга берасан. Унинг саккиз минг қарзи бор; мен шуни тўлайман, лекин у сенинг пулингдан тўланганини билсин. Етти минги қўлингда колади, унга хеч качон бир сўм ҳам берма. Хеч качон унинг қарзларини тўлама. Кейин хеч кутуломайсан. Барибир, мен доим шу ердаман. Сизлар ҳар йили мендан бир мингу икки юз нафақа оласиз, устамаси билан бир минг беш юз бўлади, бу турар жой ва озиқ-овқатдан ташқари, булар ҳам менинг ҳисобимдан, ҳудди ҳозирда у қандай фойдаланаётган бўлса, айни шундай. Факат ўзингизга хизматчилар оласиз. Йиллик пулни ҳаммасини биратўла сенинг қўлингга бераман. Лекин кўнглингни кенг кил: баъзан унинг қўлига ҳам бериб тур, майли, ҳафтада бир марта ошна-огайнилари билан учрашиб турсин, бундан ҳам ортиғига кўнма, ошналарини ҳайда. Аммо мен ўзим шу ердаман. Агар ўлсам, нафақа тўхтамайди, то у казо килгунча давом этади, эшиятсанми, токи у казо килгунча, чунки бу сенинг әмас, унинг нафакаси. Сенга эса ҳозирги қўлингда сакланиб бут турадиган етти мингдан ташқари, агар тентаклик килмасанг, яна саккиз минг васият килиб колдирман. Мендан сенга бошқа хеч нарса бўлмайди: сен буни билишинг керак. Хўп, розимисан энди? Бир нарса дерсан ахир?

— Боя айтдим-ку, Варвара Петровна.

— Эсингда тут, бутун ихтиёр сенда, нимани хохласанг, бўлади.

— Факат, изн беринг, Варвара Петровна, сизга Степан Трофимович бир нарса дедими?

— Йўқ, у ҳеч нима демади... у билмайди, аммо... у из очади!

У сакраб ўрнидан турди ва елкасига қора шолрўмолини ташлади. Даша яна бироз кизаринкиради-да, хонимни зволомуз нигоҳ билан кузатди. Варвара Петровна бирдан ёзабдан ўт олиб ёнган юзини ўгирди.

— Сен жиннисан! — қаҳр билан кичкирди унга, — кўрчамак жинни! Нима деб ўйлаяпсан! Наҳотки сени зигирча ўят-хижолатга қўйсам! Э, унинг ўзи сендан эмаклаб роилик сўрайди, омад келди деб юраги ёрилади, иш деган мана шунака бўлади! Биласан-ку, сени ҳеч қачон хафа килдириб қўймайман! Ёки сен у мени саккиз мингга олади-ю, мен сени унга югуриб бориб сотиб келаман, деб ўйлайсанми? Жинни, жинни, сиз ҳаммаларингиз нонкўр жинниларсиз! Соябонимни бер!

Шундан сўнг у ҳўл гишт ва тахта йўлкалардан пиёда Степан Трофимович томонга учиб-қўниб югуриб кетди.

VII

Рост, у ҳеч қачон «Даръя»ни хафа килдириб қўймасди; аксинча, мана энди ўзини қизнинг валинеъмати деб хисоблай бошлаганди. Шогирди ўзига талмовсираганча ишонқирамай қараб турганини пайқаб шолрўмолни устига ташларкан, қалбида олижаноб ва самимий қаҳр-ғазаб алангаси ёнди. Хоним кизгинани болалигиданоқ чин юракдан яхши кўриб қолганди. Прасковья Ивановна уни Варвара Петровнанинг эркатой маҳрами деганида ҳақ. Варвара Петровна узил-кесил бир фикрга келганига анча бўлган: «Даръянинг феъл-автори сира акасига ўхшамайди» (қизнинг акаси Иван Шатов), у мулоим ва маъсум, жондан кечишга тайёр, ғоятда садоқатли, бениҳоя камтар, оқилаликда ноёб ва, энг муҳими, яхшиликни унутмайди-

Ф. М. Достоевский

ган кыз эди. Шу пайтгача Даша доимо хонимнинг ишончини қозониб келганди. Қизча ҳали ўн иккига тўлгандаёқ Варвара Петровна «унинг ҳаётида хатолик бўлмайди» деб қўйганди, хоним ўзини мафтун ва асир этган ҳар бир орзусига ҳар бир янги омоли, кўзига гоятда мунаvvар бўлиб кўринган ҳар бир фикру хаёлига қайсарлик ва эҳтирос билан берилиш хусусиятига эга бўлганидан ўшандаёқ Дашини худди ўз қизидай тарбиялашга қарор қилганди. Хоним дарҳол бунга маблағ ажратди ва уйга мисс Криге деган мураббияни таклиф этди, у шогирди ўн олтига чиккунча улар билан бирга турди, лекин кутилмаганда негадир у ишдан бўшатилди. Кейин гимназия муаллимлари катнаб ўқитишди, улар ичидаги ҳакиқий бир француз бор экан, у Дашибага французчани ўргатди. Кейин у ҳам кутилмаганда бўшатилди, чамаси, ҳайдаб юборишди. Олийжаноб оиласдан чиккан, бошқа ёқдан келиб қолган бир ночор бева аёл унга фортелияно чалишдан дарс берди. Аммо асосий бош муаллим, ҳар қалай, Степан Трофимович эди. У Дашибани ҳакиқий маънода биринчи бўлиб кашф этганди. Варвара Петровна ҳали қизча устида ўйлаб кўрмаган пайтлардаёқ мулоим ва ювош болакайни ўқитишга киришганди. Яна такрор айтаман: ҳайрон қоласан киши, болалар уни шундай яхши кўриб колишарди! Лизавета Николаевна Тушина унинг қўлида саккиз ёшидан ўн бирга чиккунча ўқиди (равшанки, Степан Трофимович уни ҳақ олмай ўқитди, у Дроздовлардан хеч қачон ҳақ олмаган бўларди). Лекин унинг ўзи ширинтой болакайни ёқтириб қолди ва унга дунёning тузилиши, еру замин, инсониятнинг тарихи ҳақида алланечук достонларни сўйларди. Ибтидоий одамлар, ибтидоий инсон тўгрисидаги ҳикоялар араб эртакларидан кўра қизиқрок кўринарди. Бу ҳикояларни ёгдай эриб, жон қулоғи билан эшитиб ўтирадиган Лиза уйига борганда Степан Трофимовичга гоятда кулгили тарзда таклид қиларди. Муаллим бундан хабардор бўлиб, бир сафар ўзи устидан чиқди. Жуда уялиб кетиб, мулзам бўлган Лиза унинг кучогига ўзини отиб йиглаб юборди. Степан Трофимович ҳайратга тушиб унга қўшилиб йиглади. Аммо

Лиза кўп ўтмай бошқа ёкка кетиб, ёлғиз Даша колди. Да-шани бошқа муаллимлар ўқита бошлагач, Степан Трофи-мович у билан машғулотлар ўтишни бас килди ва аста-се-кин унга бутунлай эътибор бермай қўйди. Бу анча вакт давом этди. Бир куни, киз ўн етти ёшга тўлганда, кизнинг хушрўйлигидан хайратга тушди. Ўшанда Варвара Петров-нанинг дастурхони атрофида ўтиришган эди. У кизгина билан гаплашди, унинг жавобларидан ғоятда мамнун бўл-ди ва унга рус адабиёти тарихидан батафсил ва жиддий курс ўтишни таклиф килди. Варвара Петровна бу ажойиб фикр учун уни мактади ва миннатдорлик билдириди, Даша эса жуда хурсанд бўлди. Степан Трофимович маъруза-ларга алоҳида тайёргарлик кўрди, нихоят, вакт ҳам етди. Энг узок даврдан бошлашди; биринчи маъруза жуда ки-зиқарли ўтди; Варвара Петровна ҳам тинглаб ўтирди. Сте-пан Трофимович маърузани тутатиб, ўкувчисига кейинги дарсда «Игорь жангномаси киссаси»ни ўтишини маълум килди, шунда Варвара Петровна ўрнидан турди-да, бошқа маъруза бўлмайди, деб айтди. Степан Трофимович оғрин-ди, аммо индамади. Даша қип-кизариб кетди. Шу билан бу тадбир барҳам топди. Ушбу воқеа Варвара Петровнанинг бугунги қутилмаган фантазиясидан роса уч йил илгари бў-либ ўтган эди.

Шўрлик Степан Трофимович ёлгиз ўзи ҳавосотга тушмай бехос ўтирибди. Таниш-билишлардан биронтаси келиб қолмасмикин деб маҳзун хаёллар ичидан анчадан бери ойнадан кўз узмасди. Аммо ҳеч зотдан дарак йўқ. Ташқарида ёмгир шивалар, ҳаво совий бошлаганди; печ-га ўт ёкса бўларди, у хўрсинди. Бирдан унинг кўзлари даҳшатли манзара га тушди; шундай ҳавода ва шунчалар бевакт Варвара Петровна уникига келмоқда! Яна пойи пи-ёда! У шунчалар лолу ҳайрон бўлиб колдики, кийимини алмаштиришни ҳам унутди ва хонимни қандай бўлса шун-дай, уйда доим кийиб юрадиган пушти пахталикда қарши олди.

– Ma bonne amie!.. – нидоси чиқди унинг қўксидан.

– Ёлғиз әкәнсиз, хурсандман: ҳамтөвөқларингизга токатим йүк! Вой-бү, чекиб ташлабсиз; вой, худойим-ей, ҳаво бузилиб кетиби-ку! Чойингизни ҳам ичмабсиз, соат эса ўн икки бўлиб колди! Тартибсизликдан роҳат қиласиз! Чикинидан лаззат! Коғозларни йиртиб ташлабсиз, нима бу? Настасья, Настасья! Нима қиляпти ўзи Настасьянгиз? Оч, кизим, деразалар, эшикларни! Ланғ очиб кўй. Биз залга кирамиз, юринг; олдингизга иш билан келдим. Э, умрингда бир марта бўлса ҳам, бу ерни супуриб-сидириб кўй, онахоним!

– Ифлос килишади!.. – ғаши келиб шикоятомуз пи-чирлади ингичка овози билан Настасья.

– Сен супуриб олавер, бир кунда ўн беш марта бўлса ҳам супуравер! Залингиз жуда беўхшов (залга чикиши). Эшикни маҳкамлаб ёпинг, анов тинглайди. Деворларнинг коғозини алмаштириш керак. Мен сизга коғоз ёпиштирадиган устани коғоз намуналари билан жўнатдим, нега танламадингиз? Ўтиринг, эшигинг. Ўтирангиз-чи ахир, илтимос. Каёкка кетяпсиз ўзи? Каёкка кетяпсиз? Каёкка кетяпсиз?

– Мен...хозир, – кичкирди Степан Трофимович бошқа хонадан, – мана, яна мен!

– Э, сиз кийим алмаштирдингизми? – ҳоним кулгиси кистаб унга бошдан-оёқ назар солди. (У пахталик устидан сюртук камзул илган эди.) Ана энди гаплашадиган гапимизга... яраша бўлибди. Ўтиринг-чи, ахир, илтимос сиздан.

Ҳоним ҳаммасини бирваракай кескин ва ишонч билан тушунтирди. Унга ҳозир ўлардай зарур бўлган саккиз мингни ҳам эслатиб ўтди. Сеп ҳақида батафсил сўйлади. Степан Трофимович кўзлари ола-кула, калтиарди. Ҳаммасини эшитар, аммо равшан-аник фикрлай олмасди. Нимадир демокчи бўлди, аммо овози чикмади. Ҳоним нима деяётган бўлса, бари шундай бўлишини, эътиroz билдириш, қўшилмаслик бефойдалигини, энди мукаррар уйланган одам эканлигини биларди, холос.

— Mais, та болле amie³⁷, менинг ёшимда яна учинчи маротаба-я... яна кичкина киз бола билан! — Нихоят оғиз солди у. — Mais c'est une enfant!³⁸

— Йигирмага кирган киз бола, худога шукур! Күзини ола-кула килманг, илтимос, сиз театрда ўтирганинан из йүк. Сиз жуда акли, аллома одамсиз, аммо ҳастда өч нарсаны тушунмайсиз, оркангиздан доим энага қараб юриши керак. Мен ўлсам, холингиз нима кечади? У эса сизга меҳрибон энага бўлади; у содда, катъиятли, окила киз; бунинг устига мен ўзим шу ерда бўламан, дарров ўлиб колмасман-ку ахир. У уйда ўтирадиган, фариштадай мулоийим. Бу яхши фикр Швейцарияда юрганимда хаёлимга келди. Сиз тушуняпсизми, ахир, ўзим сизга айтяпман, у фариштадай мулоийим деб! — бирдан қаҳрланиб кичкириб юборди хоним. — Ҳаммаёқ ахлат, ифлос, у ҳаммасини тозалайди, саранжом-саришта килади, ҳаммаси чиннидай яраклади... Э, нима деб хаёл қиляпсиз ўзи, мен шундай ҳазинани сизга топиб бериб яна таъзим, куллук килиб туришим керакми ҳали, ҳамма фойдангизни ҳисоблаб чиксам, совчилик килсам! Э, сиз ўзи тиз чўкиб... О, бўшсиз, бўшсиз, қўрқок одамсиз!

— Аммо... мен кариб колдим!

— Нима килибди эллик учга кирган бўлсангиз! Эллик йил ҳаётнинг охири эмас, ўртаси. Сиз қўркам савлатли кишисиз, буни ўзингиз ҳам биласиз. У сизни канчалик ҳурмат қилишини ҳам биласиз. Мен ўлсам, унинг ҳоли нима кечади? Сизга тегса, тинч бўлади, мен ҳам тинчийман. Обрўйингиз бор, юрагингиз совуган; сиз нафака олиб турасиз, уни сизга бериш менинг бурчим. Сиз, балким, унга ҳалоскор бўласиз, ҳалоскор! Ҳар ҳолда номус-орини қўргайсиз. Сиз уни ҳаётга тайёрлайсиз, юрагини тарбиялайсиз, фикрини ўстирасиз. Ҳозир канчадан-канча одамлар ўлиб кетяпти, фикри нотўғри йўлга киргани учун! Унгача асарингиз ҳам битиб қолар, яна номингиз тилга тушади.

³⁷ Аммо, азиз дўстим (франц.).

³⁸ Аммо, у ҳали ёш бола-ку! (франц.).

Ф. М. Достоевский

– Мен баанини, – деб ғўлдиради у Варвара Петровнанинг устомон мақтовидан ийиб кетиб, – мен баанини «Испан тарихидан хикоялар» асаримни ёзишга ўтироқчи бўлиб турибман...

– Ана, кўрдингизми, тўғри келганини.

– Аммо... у? Сиз унга айтдингизми?

– Унинг ташвишини қилманг, буни билишнинг сизга ҳожати йўқ. Рост, сиз ундан ўзингиз сўрашингиз керак, мени бурчли қилган бўлардингиз дейсиз, тушундингизми? Аммо хавотирланманг, мен ўзим шу ерда бўламан. Бунинг устига сиз уни яхши кўрасиз...

Степан Трофимовичнинг боши айланниб кетди; деворлар гир айланди. Бу бир даҳшатли фикр бор эдики, у ҳеч бунинг тагига етолмасди.

– *Excellente amie!* – бирдан овози қалтиради унинг, – мен... мен ҳеч қачон хаёлимга келтирмаган эдим, сиз мени, сиз мени... бошка бир аёлга... раво кўрасиз деб!

– Сиз моҳпора киз эмассиз. Степан Трофимович; факат моҳпора кизларни чикаришади, сиз эса ўзингиз уйланаяпсиз, – заҳарли вишиллади Варвара Петровна.

– *Oui, j'ai pris un mot pour un autre. Mais... c'est égal*³⁹, – ўзини йўқотганча хонимга термулиб колди у.

– Кўряпман, *c'est égal* эканлигини, – ачитди тиш орасидан хоним, – оҳ, худойим! Хушидан кетиб қолди-ку! Настасья, Настасья! Сув келтир!

Аммо сувга ҳожат бўлмади. У қўзини очди. Варвара Петровна соябонини қўлга олди.

– Кўриб турибман, сиз билан гаплашишнинг энди фойдаси йўқ...

– *Oui, oui, je suis incapable*⁴⁰.

– Аммо то эртагача сиз ўзингизга келиб, ўйлаб кўрасиз. Уйда ўтиринг, агар бир гап бўлса, дарров айтинг, шундай бўлса ҳам ҳатлар ёзиб ўтиранг, барибир ўқимайман. Эртага худди шу вактда келаман, бир ўзим, узил-кесил жавобини айтасиз, ишончим комил, у ижобий бўлса керак.

³⁹ Ҳа, гапдан адашдим. Аммо... бу барибир (*франц.*).

⁴⁰ Ҳа, ха, менинг ахволим чатокрок (*франц.*).

жык бұлса бошқа одам бұлмасин, кейин ахлат ҳам ёйи-
стмасин, бу нима тартибсизлик? Настасья, Настасья!

Албатта, эртасига ҳабиб рози бұлди; рози бұлмай
жык ҳам йүқ әди. Бунда бошқачароқ бир ҳол-хисоб бор-
сан...

VIII

Бизда Степан Трофимовичға тегишли деб аташадиган
жеки хисоб бүйіча әллік жон ва Скворешнигің күшни)
жеки уники эмас, биринчи хотинің қарашли мулк бўлиб,
шу боис эндиликда уларнинг ўғли Петр Степанович Вер-
ловенскийга мерос бўлиб ўтган әди. Степан Трофимович
ракат васий ҳисобланар, күшча қанот ёзиб учадиган бўл-
ғандан ота мулкни ўғлидан олинмиш ишонч коғози билан
бошқариб турарди. Ўғил учун бу фойдали әди; у отаси-
дан ҳар йили мулкнинг даромади ҳисобида минг рублгача
олиб турар, ҳолбуки, бу мулк янги тартиб-қоидалар даври-
да беш юз (балки бу ҳам даргумон) берар-бермасди. Бун-
дай муносабатлар улар ўртасида қандай ўрнатилганлиги-
ни худо билади. Дарвоке, шу мингнинг ўзини ҳам тўла-
лигича Варвара Петровна жўнатиб турар, Степан Трофи-
мович эса чўнтагидан бир рубл ҳам чикармасди. Аксинча,
ердан тушадиган барча даромадни ўз киссасида олиб кол-
лар, бундан ташқари ерни аллакандай саноатчига ижара-
га бериб тамомила аbjагини чикарган, яна Варвара Пе-
тровнага билдирамай, ўрмонзорни кесишга сотган, ҳолбу-
ки, у мулкнинг энг қимматли бўлаги әди. Ўрмонзорни у
анчадан буён оз-оздан пуллаб келаётганди, ўзи ҳаммаси
саккиз мингча турар, Степан Трофимович эса беш мингга
рози бўлганди. Аммо у гоҳо клубда катта-катта пулларни
ютказар, Варвара Петровнадан сўрашга эса кўркарди.
Ниҳоят, ҳаммасидан хабардор бўлиб қолиб, Варвара Пет-
ровна тоза тишларини ғижирлатди. Мана, кутилмаганда
ўғлидан хабар келиб қолди, у келиб мулкларини қандай
бўлмасин сотишини ёзган, отасидан ҳаммасини сотишига
тайёрлашни сўраган әди. Албатта, Степан Трофимовичдай

олийжаноб ва холис одам ўз се *cher enfant*⁴¹, азиз ўғилчаси олдида виждан азобини тортмай иложи йўқ эди (уни охирги марта бундан тўккиз йил бурун Петербургда талабалик чогида кўрганди). Аслида илгари бутун мулк ўн уч ёки ўн тўрт мингга баҳоланиши мумкин эди, энди эса бирор унга беш минг бериши ҳам гумон эди. Шак-шубҳасиз, Степан Трофимович ишонч қозозига таянган ҳолда ўрмонзорни сотиш хукукига тўла эга эди, шу билан бирга, аклга тўғри келмайдиган минг рўбль йиллик даромадни ҳисобга кўйишига ҳам ҳакли эди, зоро, бу пул шунча йиллардан бери ўғилга канда килмай жўнатилар ва бу ҳисоб-китоб пайтида унга гоятда кўл келиши мумкин эди. Бирор Степан Трофимович олийжаноб инсон, юксак интилишлар соҳиби эди. Унинг калласига гоятда гўзал бир фикр лип этиб келиб колди: Петруша келганда унинг олдига энг юксак олийжаноблик билан мулкнииг энг киммат таҳиттум баҳосини кўяди, яъники ҳатто ўн беш мингни столга кўяди, шу пайтгача унга жўнатиб турилган пулларга заррача ҳам ишора килмайди ва *cher fies*⁴² ни тиглаб-тиглаб, махкам-махкам бағрига босади ва шу билан барча ҳисоб-китобларга нукта кўяди. У гапни узокдан бошлаб Варвара Петровнанинг олдида ушбу манзарани охиста чиза бошлади. У, бизнинг ҳабибона алокаларимиз ва умумий «Гоямиз»га қандайдир ўзгача најиб бир тусе бағишланди бу нареа деб ишора ҳам КИЛДИ. Бу яна қадим оталаримиз ва умуман кўхна одамларимизни социаллашган енгил-елпи фикрли янги ёшларга ниҳбатан холис ва ниҳоятда ҳайрли бир қиёфада намойиш килган бўлур эди. У яна кўп гапирди, аммо Варвара Петровна сира миқ этмасди. Ниҳоят, ер-мулкингизни сотиб олишга розиман ва унинг таҳиттум баҳосини, яъни олти, етти минг бераман (тўрт мингга олса ҳам бўлаверарди) деб қуруқкина маълум КИЛДИ. Ўрмонзор билан бирга кўлдан чиқиб кетган саккиз минг ҳакида эса оғиз очмади.

Бу совчиликдан бир ой аввал бўлиб ўтганди. Степан Трофимович ҳайраттага тушиб, ўйланиб колганди. Илгари

⁴¹ Шу азиз болакай (*франц.*).

⁴² Жонажон ўғилни (*франц.*).

— Үтил умуман бу ерга келмас деган тарздаги умид
бүлиши мумкин эди, ташкаридан туриб фикрлаганда,
бегона бир кишида шундай умид туғилиши мумкин.
Степан Трофимович эса ота сифатида бундай умид ҳаки-
кити фикрнинг ҳатто ўзини газабланиб рад этган бўларди.
Алтасай, кандай бўлмасин, лекин шу пайтгача Петруша
бизга қандайдир ғалати миш-мишлар етиб келар-
ди. Аввалига, бундан олти йилча бурун у университет курси
билириб, Петербургда ҳеч иш килмай санкиб юрди.
Бундан бизга хабар келиб қолдики, у қандайдир яширинча
шаб кетиладиган варакани ташкил этишда катнашган
жавобгарликка тортилган эмиш. Кейин у кутилмаганда
олга, Швейцарияга, Женевага борган – кочганми, нима
это.

— Жуда хайрон коламан, – деб ўша пайтлар бизга гап
карди жуда ўсал бўлган Степан Трофимович, – бу Петер-
шамиз ўзи *c'est unes pauvre tête!*⁴³ У оккўнгил, олийжа-
ноб, жуда ҳиссиётчан, мен ўшанда Петербургда уни за-
монавий ёшларга киёслаб жуда ҳам хурсанд бўлган эдим,
эммо *c'est un pauvre sire tout de même...*⁴⁴ Яна биласизми,
бу ҳаммаси яна ўша чала ўтиришдан, кўнгилчанликдан!
Уларни реализм эмас, социализмнинг хиссий, идеал то-
мони ўзига мафтун этади, нима десамикин, унинг диний
жихати, поэзияси... албатта, буни бошка бирорлардан
ашитганлар. Бирок, мен-чи, менга нима бўлади! Бу ерда
менинг душманларим қанча, у ёқда-ку тикилиб ётибди,
отасининг таъсирида шундай бўлган дейишади... О ху-
дойим! Петруша двигатель бўларканми! Қандай замон-
ларга қолдик!

Айтмоқчи, Петруша тез орада одатдагича пул жўна-
тишлари учун Швейцариядан аник турар жойини ёзиб
юборди: демак, тўла маънода унчалар ҳам муҳожир эмас
экан-да. Мана энди чет элларда тўрт йилча яшаб, кутил-
маганда яна ота юртда пайдо бўлган ва бунинг хабарини
етказганди: демак, бўйнига ҳеч қандай айб қўйилмаган.

⁴³ Акли қалта бола (франц.).

⁴⁴ Лекин барибир ночор одам (франц.).

Бунинг устига, чамаси, уни аллаким кўллаб-куватлаб, хомийлик қилиб ҳам турган. Унинг хати Россиянинг жанубидан келди, бу ерда у кимнингдир хусусий, аммо муҳим топширигини адо этар, ниманингдир орқасидан югурибеларди. Булар бари жуда соз, бироқ мулкнинг тузук-курук maxsimum баҳосини чиқариш учун колған етти-сак-киз мингни қаердан олади? Бақир-чақир, тўполон чикиб кетса-чи ва улуғвор бир манзара ўрнига жараён бошланиб колса-чи? Степан Трофимович нимадандир кўнглида сезиб турар эдики, хиссиётчан Петруша ўз манфаатларидан хеч қачон ческинмайди. «Мен буни сезганим, – деб шипшиган эди ўшанда бир куни Степан Трофимович, – нега бу ашаддий социалист ва коммунистларнинг ҳаммаси айни вактда ӯлардай ҳасис, мол-мулкка ўч, мулкдор бўлишади, яна шундогки, у канча кўп социалист бўлса, янада узокни кўзлайди, янада ашаддийроқ мулкпаст бўлади... Нега ахир? Наҳотки бу ҳам хиссиётчанликдан бўлса?» Мен билмайман, Степан Трофимовичнинг бу сўзида ҳақиқат борми; мен шуни биламанки, Петруша ўрмонзорнинг со-тилгани ҳақида ва бошқа байзи нарсалар тўғрисида ҳам хабардор эди, Степан Трофимович эса унинг булардан хабардорлигини биларди. Мен Петрушанинг отасига ёзган хатларини ҳам ўкишга мұяссар бўлгандим; у камдан-кам пайтлар хат ёзарди, бир йилда бир марта ёки ундан ҳам оз. Факат кейинги пайтлар ўзининг тез орада бу ерга келишини маълум қилиб, бирин-кетин иккита хат юборди. Унинг барча хатлари жуда киска, куруқ ва ӯларда факат топшириклар баён килинган бўларди; ота-ўғил Петербургда кўришганларидан бери янгича одатга кўра бир-бирларини сенлашар, Петрушанинг хатлари ҳам эски помешчикларнинг ўз мулкларининг бошқарувчи қилиб кўйилган кишиларга, уй хизматчиларига марказдан битиб юборган мактубларидан асло фарқ килмасди. Буни карангки, чигални ечадиган ана шу саккиз мингнинг дараги Варвара Петровнанинг таклифи орасидан чикиб турибди, бунинг устига ўзи аник ишора ҳам киляптики, саккиз минг бошқа

154 каердан чикиши ҳам сира мумкин эмас. Бас, Степан
Афимович рози бўлди.

Хоним кетиши ҳамон ҳабиб мени чакиртирди ва кун
ини эшикни беркитиб ўтириди. Рост, кўз ёши килди, кўп
хўб гапирди, кўп ва қаттиқ тутилди, оғзидан бир ўткир
чиш чикиб кетди, бундан гоят хузурлани, кейин андак
ш-бехушлик дегандай – кискаси, бари хўб рисолада бўл-
ди. Шундан сўнг у йигирма йил бурун казо килган немис
ситининг суратини чикарди-да, шиква-нола килгали
ашди: «Сен мени кечирагмикинсан?» Умуман олганда у
жовланиб колганга ўхшарди. Фам-аламнинг зўридан биз
андак-андак ичдик. Кейин у тезда ширин уйкуга кетди.
Тутталаб туриб бўйинбогни койил килиб боғлади, яхши-
ло бийинди ва тез-тез кўзгу олдига бориб ўзини томоша
килди. Рўмолчасига андаккина атири сепди ва деразадан
Варвара Петровна келаётганини кўрди-ю, дарров бошқа
рўмолча олди, атири сепилганини эса ёстик тагига яширди.

– Койил! – деб мақтади унинг розилигини билгач
Варвара Петровна. – Биринчидан, бу сизнинг олийжаноб
катъиятингиз, иккинчидан, бу акл-идрок сасига кулок тут-
ганингиз, ахир сиз ўз шахсий ишларингизда бунга жуда
оз кулок соласиз. Айтмоқчи, шошадиган жойи йўқ, – кў-
шиб кўйди хоним унинг оқ бўйинбогининг тутунини кўз-
дан кечираккан, – хозирча хеч кимга айтманг, мен ҳам
айтмайман. Тезда туғилган кунингиз келади; мен у билан
бирга сизни кутлагани келаман. Кечки чой кўйсангиз, бас,
ичкиликлар, овқатлар керакмас; майли, ҳаммасини ўзим
тўғрилайман. Дўстларингизни чакиринг, – майли, биз
бирга сайлаб оламиз. Шунинг арафасида сиз киз билан
гаплашинг, бу керақдир ахир; сизнинг зиёфатингизда бал-
ки тўла эълон килиб ёки қандайдир келишиб ўтирмаймиз,
факат хеч қандай тантанага йўл кўймасдан ишора кила-
миз ё белги берамиз. Ундан кейин икки ҳафталар ўтказиб
тўй, иложи борича шовкин-суронсиз... Ҳаттоқи, иккингиз
вактинча жўнаб кетсангиз ҳам майли, тўғри никоҳ тўйи-
дан сўнг, мисол учун Москва томонларга. Мен ҳам, балки

Ф. М. Достоевский

сизлар билан бирга кетарман... Энг мухими, ўшангача, овоз чиқарманг.

Степан Трофимович хайрон. У бу қандай бўлади, ахир киз билан гаплашиб олиш керак-ку, деб оғиз очмоқчи эди. аммо Варвара Петровна жаҳли чиқиб бобиллаб берди:

– Нима кераги бор? Биринчидан, балки ҳали ҳеч нарса бўлмас ҳам...

– Нега бўлмас экан! – минғирлади куёв батамом лол колиб.

– Шундок. Мен ҳали яна кўраман... Майли, ҳаммаси мен айтганча бўлади, ҳавотирланманг, мен ўзим тўғри-лайман. Сиз уринманг. Барча зарур нарсалар айтилади ва килинади, сиз овора бўлманг. Нима кераги бор? Нима сабабдан? Ўзингиз ҳам борманг, хат ҳам ёзманг. Ис-мис чиқарманг, сиздан илтимос. Мен ҳам оғиз очмайман.

Хоним очикрок гапиргиси келмай, паришон холда кетиб колди. Афтидан, Степан Трофимовичнинг жон-жон деб турганидан у ҳайратланди. Афсус, ҳабиб ўз аҳволи-ни мутлақо тушунмасди, масала бошка баъзи нуктаи назарлардан қаралганда унга коронғу эди. Аксинча, унинг туриш-турмушида аллакандай янгича голибона ва енгилтак ҳавоий бир хуруж бош кўтарди. У майнавозчилик киларди.

– Менга бу жуда ёқяпти! – хитоб қиласди у менинг олдимда тўхтаб қулочини ёзиб. – Эшитдингизми? Унга колса-ю мен хоҳламай қўйсам. Ахир менинг ҳам сабр-тоқатимнинг чегараси бор ва ... мен ҳам хоҳламай қўйишим мумкин! «Жойингизда ўтиринг, у ёкка борманг!» лекин нега энди мен албатта уйланишим керак экан? Унинг бошига шу кулгили бир хаёл келгани учунми? Аммо мен жиддий одамман, ховликма бир хотиннинг бекорчи хаёлларига бўйсунмаслигим мумкин! Ўғлим олдида ўз бурчларим бор... ўзимнинг олдимда ҳам мажбуриятдаман! Мен ўзимни қурбон киляпман – у хотин буни тушунадими? Тўғри, мен унинг гапига кўндим, чунки бу ҳаёт жонимга тегиб кетди, менга ҳаммаси барибир. Аммо у хотин мени

нечига ташна қилиб юбориши мумкин, ана унда менга
жабир дёёлмайман; мен унда хафа бўламан ва воз ке-
чизан. Et enfin, le ridicule...⁴⁵ Клубдагилар нима дейди?
Жума дейди... Липутин? «Балки, ҳали ҳеч нарса бўлмас»
жинге! Ҳаддан ошиш шунчалар бўлар! Бу ахир... бу
жир... нима ўзи? – je suis un forcat, un Badinguet⁴⁶, un де-
вра тақаб кўйилган одамман!..

Ушбу аянчли шикоят нағмаларда яна аллақандай ўзи-
ни инжиқ ва ринд мамнуният ҳамда ўйинқароқ майна-
чилик кўзга ташланарди. Оқшом биз яна ичдик.

⁴⁵ Нихоят, бу кулгили (*франц.*).

⁴⁶ Мен сургундаман. Мен Баденге (*франц.*).

УЧИНЧИ БОБ ЎЗГАНИНГ ГУНОҲЛАРИ

I

Бир ҳафтача ўтди, иш жойидан бирмунча силжий бошлади.

Шуни ҳам айтиб ўтайки, шу бадбаҳт ҳафта давомида мен унаштириб қўйилган бечора дўстимнинг хузурида унинг энг якин сирдоши сифатида ҳеч кайга жилмай бирга бўлар эканман, бошимдан кўп кайғуларни ўтказдим. У уят-шармисорлик остида эзиларди, лекин ҳафта ичи биз ёлғиз ўтирик, ҳеч кимни кўрмадик; аммо у, буни қарангки, ҳатто мендан ҳам уяларди, шундайки, менга канча кўп дилини ёрса, яна шунча бисёр мендан гашланарди. Бадхаёллик килиб, ҳаммага, ҳаммаси бутун шахарга маълум бўлган деб шубхаларга ботар, клубдагина эмас, ҳатто ўзининг тор тўгарагида кўринишга кўркарди. Сайр килицгага чиқадиган бўлса ҳам,.govумдан сўнг тўла коронгу тушгач, чикарди.

Бир ҳафта ўтди, у эса ҳамон ўзининг куёв бўлгани ё бўлмаганидан ҳабарсиз эди ва ҳар қанча уринмасин, буни билолмасди. Қаллиғи билан ҳали кўришмаган, унинг қаллик эканлиги ё эмаслигини ҳам билмасди; ва буларнинг бари жиддийми ё ножиддийлигини фахмлолмасди! Варвара Петровна негадир сира ўзига якин йўлатмасди. Унинг дастлабки ёзган ҳатларига (у хонимга кўплаб ҳат ёзди) хоним, мен билан ҳар қандай алоқаларни вактинча тўхтатиб туринг, чунки шу кунларда мен қаттиқ бандман, лекин сизнинг ўзингизга айтадиган анча муҳим гаплар йигилиб колди, хозиргидан бўшрок ва кулайроқ фурсат келишини кутяпман, пайти келганда қачон келишингизни сизга ўзим ҳабар қиласман, деб жавоб берди. Ҳатларни эса очиб

кимай ўзига қайтариб юборишини, чунки бу «эрмакдан башка нарса эмас»лигини билдириди. Бу мактубни ўзим ҳатто; устознинг ўзи менга кўрсатди.

Бироқ ушбу дағаллик ва ноаёнликлар уни қийнаган жосий нарса олдида хеч гап эмасди. Бу ташвиш унга ҳаддан ташқари тўхтовсиз азоб берарди; бу азоб уни оғиз-тўздирап ва у руҳан чўкарди. Бу уни ҳаммасидан кўпроқ уят-андишага қўйиб, у ҳақда оғиз очишни истамас, ҳатто менга ҳам гапиргиси келмасди; аксинча, кези келганда худди ёш боладек менга ёлғон гапирар ва ликилларли; вахоланки, мени ҳар куни ўз хузурига чакирав, менсиз икки соат ҳам туролмас, менга сув ва ҳаводек муҳтож эди.

Унинг бундай муомаласи бирмунча жигимга тегарди. Ўз-ўзидан равшанки, унинг бу энг катта сирини ичимда анчадан бери англаб етган ва аён кўриб турардим. Ўша пайтда шундай чукур бир фикрга келган эдимки, Степан Трофимовичнинг энг катта ташвиши, энг катта сир-асрорининг очилиши сира ҳам унинг шательнига тўғри келмас, шунинг учун мен ҳали ёш йигит сифатида устоз ҳиссиётларининг тўпорилигидан, айрим шубҳа-гумонларининг баднамолигидан бироз даргазаб бўлардим. Қизик ичиди – ва тан оламан – сирдош бўлишдан зерикиб, балки мен уни ортиқча айблаётгандирман. Мен раҳмсизлик билан уни ҳаммасини тан олишга мажбур қилмоқчи бўлардим, лекин баъзи бир нарсаларни тан олиш ҳар қалай жуда мушкул эканлигини назардан қочирмасдим. У ҳам мени ойнадай равшан тушунар, яъни уни ойнадай равшан кўриб турганим ва ҳатто ундан аччиқданаётганимни англарди. Чамаси, менинг аччик-тиззик килишим жуда бачканабир тентаклик эди; лекин ўзаро ёлғиз қолиш гоҳида ҳакикий дўстликка зарар келтиради. Маълум бир нуктаи назардан, у ўз ахволининг айрим жиҳатларини тўғри тушунар ва ахволининг яширишни лозим кўрмаган нукталарини ҳатто ғоятда нозик ифодаларди.

– О, ўша пайтларда у қандоқ эди! – деб менга Варвара Петровна ҳакида гап очиб коларди у. – Биз у билан гаплашиб юрган чоғларимизда у қандоқ эди-я... Биласизми,

Ф. М. Достоевский

ўша пайтларда у гаплашишни койил киларди. Сиз ишонасизми шунга, ўша пайтлар унинг фикрлари, ха, ўз фикрлари бўларди. Энди бари ўзгариб кетди! У, буларнинг хаммаси эскидан колган гап сотиш дейди! У ўтмишдан нафратланади... Энди аллакандай гумашта, иқтисодчи, шафқатсиз одамга айланди, яна доим аччиклангани аччикланган...

– Унинг талабини бажардингиз, энди нима килади аччикланиб? – эътиroz билдиридим унга.

У менга нозик қараш қилди.

– Cher ami, агар мен рози бўлмаганимда, у ёмон, ём-он! Аччикланарди! Лекин барибир мен рози бўлганимдан кейин, хозиргидай аччикланмасди.

Ўзидан, бу иборасидан у мамнун бўлди ва биз ўша оқшом бир шишани бўшатдик. Лекин бу бир зумгина давом этди, холос. Эртасига у янада бадхол, янада бадковоқ эдик, бунакаси хеч качон бўлмаган.

Лекин яна бошка бир нарса менинг ёмон ғашимга тегарди, у ҳатто узокдан келган Дроздовларни бориб кўргали юраги бетламасди, ҳолбуки, бу борди-келдиларни янгилаш учун жуда зарур эди, уларнинг ўзлари ҳам буни исташаётган, ҳар ҳолда уни сўраб-исташган, ўзи ҳам уззукун бу нарсаларни соғинарди. Лизавета Николаевна ҳакида-ку, менга тушунарли бўлмаган ҳайрат-хаяжон билан сўйларди. Шубҳа йўқ, унинг болалигини эсларди, канчалар севарди уни ўшанда; лекин, бундан ташкари, нимагадир номаълум, шу кизнинг кошида ўзининг хозирги барча дарду ҳолларига күшойиш топаман ва ҳатто ўзимнинг ҳамма саволларим, шубҳаларимга дархол ечим чиқади, деган хаёлга борарди. Лизавета Николаевна тимсолида у қандайдир фавқулодда хилкатни учратаман деб чамаларди. Шундай бўлса ҳам, ҳар куни айланарди-ю барибир унинг олдига бормасди. Мухими шунда эдик, ўшанда менинг ўзим ҳам у билан танишиш ва мени унга тавсия этишларини каттиқ хоҳлардим, бунда факат умидим ёлғиз Степан Трофимовичдан эди. Ўшанда уни тез-тез учратиб туришим менда жуда катта таассурот қолдиради, албатта

ни күча-куйда учратардим, – у ажойиб бир от устида, аёл савандозлар каби кийиниб сайрга чикарди, унга мархум генерал Дроздовнинг жияни чиройли зобит йигит ҳамроҳлик қиласарди. Кўзларим фақат бир зумга қамашди, холос, кейин тезда орзуларимнинг сароб эканлигини англадим, ҳекин бир зум эса-да, бу орзу ҳакиқатан ҳам пайдо бўлган за шунинг учун ҳам ўша вактлар шўрлик дўстим омонсиз ғўшанишин бўлиб қолганидан гоҳо қанчалар ғазабланганимни тасаввур килиш мумкин. Бизга тегишли барча якин кишиларга Степан Трофимович бироз вақт қабул килолчайди, шунинг учун уни тинч кўйишларини сўрайди, деб расман айтиб кўйилган эди. У ҳатто расмий хат ёзиб хабар беришни талаб килди, лекин мен уни бундан қайтардим. Унинг илтимосига кўра яна мен ўзим ҳаммага бирма-бир учраб, Варвара Петровна бизнинг «қариямиз»га (ўзаро ҳаммамиз Степан Трофимовични шундай деб атардик) кандайдир шошилинч бир иш, бир неча йил бурунги аллақайси ёзишмаларни тартибга солишини топширгани, у ҳонани ичидан беркитиб ишлаётгани, мен эса унга ёрдам беряётганимни ва ҳоказо ва ҳоказоларни айтдим. Фақат Липутиннинг олдига киришга улгурмадим, буни негадир оркарокка ташладим, тўғрироғи – унинг кошига киришга чўчирдим. У менинг биронта ҳам сўзимга ишонмаслигини олдиндан билардим, инчунин, у албатта бу ерда факат мендан бир сирни яширишмокчи деган хаёлга бориб, унинг олдидан чикиб кетишим ҳамонок, дархол бутун шахарни чарх уриб кезиб нима гаплигини билишга, гийбат васвасасига тушади. Мен буларни хаёлимдан ўтказарканман, тасодифан у билан кўчада учрашиб колдик. У мен хабар килган кишилардан аллақачон ҳаммасини билган экан. Лекин, жуда ғалати, у Степан Трофимович ҳакида кизиқкани, хеч нарса сўраб-суриштиргани ҳам йўқ, аксинча, олдингизга илгарироқ кириб ўтолмадим, деб узроҳлик қилмоқчи бўлганимда, ўзи мени гапдан тўхтатиб, дархол сўзни бошка ёкка бурди. Рост, ичи гапга тўлиб кетган экан; у ҳис-ҳаяжондан бағоят тўлиб-тошиб турар, гап тинглайдиган одам топилганидан нихоятда хурсанд

Ф. М. Достоевский

эди. У шаҳар янгиликлари, ҳоким рафиқасининг «янги гаплар» олиб келгани, клубда пайдо бўлган ихтилофлар, ҳамманинг «янги ғоялар» борасида айюҳаннос солаётгани ва бу қандай тарқалаётгани ва ҳоказо ва ҳоказолар ҳакида оғиз кўпиртириди. У чорак соатча мирикиб валаклади, мен ҳам зерикмай эшидим. Ўзи асти унга тоқатим йўқ, лекин гапни қойил киларди, тингламаганга кўймасди, айникса, бирон нарсадан аччикланса борми, минтиқ бўлиб кетарди. Менимча, бу одам ҳакиқий, туғма жосус эди. У ҳамма вакт барча охирги янгиликлару шаҳаримизнинг тирнок остидаги нарсаларгача, кўпроқ хабосат-тубанникларни яхши биларди ва яна ҳайрон қоладиган жойи, у ўзига гоҳида ҳеч қандай алоқаси бўлмаган нарсаларни юрагига шу даражада яқин оларди. Назаримда, ҳасад унинг феъл-авторидаги асосий нарса эди. Мен ўша куни оқшом ҷоғидаёқ Степан Трофимовичга эрталаб Липутин билан учрашганим, гаплашганимни айтганимда, ҳайрон бўлиб қолдим, у жуда ҳам тўлкинланиб кетди ва мендан жоҳилона сўради: «Липутин биларканми, йўқми?» Мен буни тезлиқда билиш мушкул эканлиги, сўрайдиган одамнинг ўзи ҳам йўқлигини айтдим; аммо Степан Трофимович ўз билганидан колмади.

– Мана, ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, – деди у охира ида кутилмаганда, – ишончим комилки, у бизнинг ахволимизни бутун тафсилотларигача билади, шу билан бирга билганидан ҳам ортиқроқ билади, сиз билан мен хабарсиз бўлган нарсаларни ҳам ҳатто билади, биз эса у билганларни балки ҳеч қачон билолмасмиз, ёки аллақачон кеч бўлгандা, орқага қайтишнинг сира иложи қолмаганда била-миз!..

Мен индамадим, аммо унинг сўzlари кўп нарсаларга ишора киларди. Шундан сўнг биз беш кун мобайнида Липутин ҳакида бир оғиз ҳам эслашмадик; менга шу нарса аён эдики, Степан Трофимович менинг олдимда ичидаги шунча гумонларини ошкор килиб кўйганидан афсусла-нарди.

II

Бир куни эрталаб, яъни Степан Трофимович куёв бўнгага рози бўлганлигининг еттинчи ё саккизинчи куни, ёт ўн бирларда мен одатим бўйича маҳзун дўстимнинг турига шошилиб бораётган чоғимда бир саргузаштни анимдан кечирдим.

Мен Липутин «буюк ёзувчи» деб атайдиган Кармазинани учратдим. Кармазиновни мен болалигимдан ўкирдим. Унинг қиссалари ва ҳикоялари бутун ўтган авлод замда ҳатто бизнинг авлодимизга ҳам маълум-машхур; мен эса уларга жонимни берардим; улар менинг ўсмирилини, ёш йигит чоғларимнинг роҳат-фарогати эди. Кейин унинг қаламидан бироз кўнглим совуди. У кейинги йилтарда ёзган йўналиш кўрсатувчи қиссалар менга унинг биринчи ва илк асарларида ёккани йўқ, буларда эса шунчалар самимий поэзия мужассам эди; унинг энг охирги ёзганлари эса ҳатто менга умуман маъкул бўлмади.

Умуман олганда, бундай нозик ишда мен ҳам ўз фикримни айтишга журъат этадиган бўлсам, ҳаётлик чоғида одатда нақ даҳо сингари қабул қилинадиган мана шу ўртамиёна истеъдодга эга бўлган барча афандиларимиз, ўлганларидан сўнг одамларнинг хотирасидан қандайдир изсизгина ва қандайдир бирданига ўчиб кетадилар, аммо шундай ҳам бўладики, ҳатто ҳаётлик чоғларида улар характеристика биланок, унутиладилар ва ақл бовар қилмас дарражада тез бир чеккага сурилиб қоладилар. Бизда бу қандайдир жуда тез, худди театрда декорацияни ўзгартиргандек, рўй беради. Ох, бу ўз янги сўзини айтиш учун келган Пушкинлар, Гоголлар, Мольерлар, Вольтерлар, мана шу намояндалардан бутунлай бошка нарса, ох, бутунлай бошка! Яна бор гап шуки, мана шу ўртамиёна истеъдод эгалари бўлмиш жанобларнинг ўzlари улуғ бир ёшга борган чоғларида ўzlари мутлако билмаган ҳолда, одатда гоятда ачинарли бир тарзда ўта сийқалашиб кетадилар. Яна акса-

Ф. М. Достоевский

ран шундай бўладики, узок вакт фавкулодда теран ғояларни илгари сурган деб қаралған ва жамиятнинг тараққийсига фавкулодда ва жиддий таъсир кўрсатишига умид болгланган ёзувчи охирига бориб ўзининг асос ғоясининг шунчалар суюқ ва шунчалар майдалигини ошкор килиб кўядики, натижада хеч ким унинг бу қадар тез сийқалашгани ва ёзолмай колганига ачинмайди. Аммо соч-соколлари оқарган қариялар буни англамайдилар-у хафа бўлиб, жаҳллари чикиб юрадилар. Уларнинг ўз-ўзларига маҳлиёликлари байни фаолиятларининг сўнгида одамни лол қолдирадиган даражада катталашиб кетади. Худо билади, улар ўзларини ким деб билишади, – ўзларини худо деб ўйлашади, шекилли. Кармазинов ҳакида ҳикоя қилишларича, у ўзининг кудратли одамлар ҳамда юқори доиралар билан алокаларини жонидан ҳам ортиқ қадрлар экан. Айниksa, агар сиз унга нима учундир керак бўлсангиз, ва бунинг устига сизни олдиндан унга мактаб тавсия этишса, ана ўшанда у сизни яхши кутиб олади, багрига босади, кўнглингизни олади, соддадиллиги билан мафтун килиб кўяди, деб айтишарди. Аммо биронта князми, бирон графинями ёки ўзи қўркадиган бир одамни кўриб қолсами, тамом, сизни ҳакоратлагандан баттаррок килиб унутади, дарров четга суради, сиз унинг хузуридан ҳали чикиб улгурмасингизданок пашшадек ҳам, кипикдек ҳам қадрингиз колмайди; буни у энг чиройли, энг юксак одоб намунаси деб санайди ва бунга жиддий зътибор беради. У ўзини бағоят тутиб олган, яхши хулк-одатларни мукаммал ўзлаштирган бўлишига қарамай, ўзига шунчалар вассасона бино кўйган эканки, айтишларича, ўзининг адибона инжикликларини хатто адабиётга унча хуши бўлмаган доираларда ҳам хеч яширолмас экан. Агар кимдир унга нописандлик билан қараб хижолатга кўйса, жуда каттиқ хафа бўлиб, касд олиш пайига тушаркан.

Бир йилча бурун мен унинг содда нафосат ва психолого-гик нозикликка даъво қилган маколасини журнал саҳифасида ўқиган эдим. У бир кеманинг Англия кирғокларида ўзи гувоҳ бўлган ҳалокатини баён қилган, ўлган-чўккан-

тарни қандай күтқаришганини күрган эди. Узундан-узок сүзбозлик қилиб ёзилган бу мәқоланинг бирдан-бир максади ўзини күрсатиш. Авторнинг айтмоқчи бўлган гапи шуки, «Кўрдиларингизми, каранглар, ўша пайтда мен ўзимни қандай тутдим. Сизга денгиз, бўрон, қоялар, вайрон бўлган кеманинг парчалари нимага керак? Буларнинг ҳаммасини мен қудратли қаламим билан сизга етарлича тасвиirlаб бердим. Сиз анави ўлик боласини ўлик қўлида чанглаб олган чўккан хотинни кўриб нима қиласиз? Яхшиси, мана, менга қаранглар, мен бу нарсани кўриб чидолмадим, юзимни четга бурдим. Мана, мен орқамни ўгириб турибман; мана мен даҳшатга тушдим, орқамга кайрилиб қарашга кучим етмайди; мен кўзларимни чирт юмдим – қанчалар кизик буларнинг ҳаммаси, тўгрими?» Мен Кармазиновнинг маколоси ҳақидаги фикримни Степан Трофимовичга айтган эдим, у менинг фикримга кўшилди.

Якинда бизда Кармазинов келармиш деган овозалар эшитилгач, албатта, уни жуда кўргим, иложи бўлса, у билан танишгим келди. Мен буни Степан Трофимович орқали қилиш мумкинлигини билардим; бир вактлар улар дўст бўлишганди. Буни қарангки, кутилмаганда мен уни кўча муюлишида учратиб қолдим. Уни шу заҳоти танидим; уч кун бурун у коляскада ҳокимнинг рафикаси билан ўтиб кетаётганда, менга уни кўрсатишганди.

Бу ёши ҳали эллик бешлардан ошмаган, икки юзи кип-қизил, думалок цилиндрга ўхшаш шляпаси тагидан ок аралаш куюк соч толалари сочилиб тошиб турган ва пуштича, кичкина, озода кулоклари атрофида жингалак бўлиб айланган, бўйи ҳам унчалар баланд бўлмаган, кеккайган кари эди. Кичкинагина, озодагина юзи унчалар ҳам кўркам эмас, лаби ингичка, узун, айёrona кимтилган, бурни бирмунча гўштдор, кўзлари ўткиргина, аклинига, кичкинагина эди. У аллақандай эскича кийинган, елкасига қандайдир плашч ташлаган, ушбу мавсум қайдадир Швейцариядами ёки Шимолий Италиядами, мисол учун, мана шунақасини кийиб юришади. Аммо ҳар қалай либосининг барча майда-чуйда ашёлари: илма қадамачалар, ёқачалар,

Ф. М. Достоевский

тұгмачалар, ингичка кора тасмадаги тошбака косасидан ясалған бир күзли ойнакча, бармоқдаги узуккинаси бары рисоладаги савлатли одамларга мос эди. Ишончим комил-ки, у ёз ойларидә оёгига албатта ёнига садаф тұгмачалар кадалған рангдор прюнел ботинкача кийиб юради. Биз дуч келған пайтда у күчә муюлишида тұхтаб, атрофға диккат билән қарарди. Мен үнга қизиқсинаиб тикилиб турғанимни пайқаб, у асалдай шириң, аммо бироз чинкирокрек овози билән сұради:

— Билсам бұладими, Биков күчасига якынроқдан қандай боради?

— Биков күчасигами? Бу шу ерда, яқин жуда, — деб кичкирдим мен қаттык тұлқинланиб. — Тұғри шу күчадан бориб, иккінчи муюлишда чапға юрилади.

— Фоят сиздан миннатдорман.

Лаънатлар бүлсін шу вактта: мен юрагим орқамға кет-ғанча, үнга ялтоқланиб қарардим! У зум ичіда ҳаммасини сезди ва, албатта, дархол ҳаммасини билди, яъни менинг уни кимлигини билишимни билди, уни ўқиганым, болалығымдан үнга қойил қолғаным, мана әнді жоним ҳиқильдогимга келиб ялтоқланиб тикилаётганимни билди-олди. У табассум килди, яна бир карра бошини силкитиб қўйди-да, тұғрига караб кетди құрсағанимдай. Билмайман: нега мен уннинг орқасидан қайрилиб бордим экан; билмайман; нега уннинг ёнида үн қадам ликиллаб чопдим. Бирдан у яна тұхтади.

— Сиз менга құрсашиб қүёлмайсизми, бу ерда извошлиар қаерда тұхтайди? — деб яна кичкирди у менга.

Ярамас кичкирик; ярамас овоз!

— Извошлиарми? Извошлиар шу яқин орада... Ибодатхона олдидә, доим үша ерда туришади, — сал қолди мен извошни 查қириш учун чопиб кетишимга. У мендан худди мана шуни күттән бүлса ажаб эмас. Рост, мен дарров хушимни йиғиб олиб, тұхтадим, аммо у менинг интилиб килған ҳаракатимни хұб яхши пайқади ва мени ҳамон үша ярамас табассуми билән кузатиб турди. Шунда бир нарса рүй бердики, мен уни ҳеч қачон унұтмайман.

У кутилмаганда чап кўлидаги мўъжаз чарм сумкани ерга тушириб юборди. Дарвоке, бу сумка ҳам, сак ҳам эмас, кандайдир кутича ёки кандайдир портфелча, ёки яна ҳам тўғриси, хотинлар тутадиган қадим ридикюлларга ўхшаш ридикюлча эди, лекин ўзим ҳам билмайман бунинг нималигини, лекин шуни биламанки, мен уни срдан кўта-риш учун шошилдим.

Ишончим тўла комил, мен уни олиб бермадим, лекин бунга ростмона интилганим ани; буни мен яширолмадим-у худди тентакдай кип-кизариб кетдим. Айёр киши бу ҳолдан қандай фойдаланиш лозим бўлса, шунча фойдаланди.

– Қўйинг, мен ўзим, – мафтункор килиб деди у, яъни мен олиб бермаслигимни сезгач, ридикюлини тушган жойидан олди, гўё мендан олдинрок харакат килди, кейин яна бир карра бошини силкиб, йўлига равона бўлди, мен ахмок бўлиб колавердим. Чунки худди мен олиб бергандай бир таассурот колди. Беш дақикалар чамаси мен ўзими ни бир умрга шарманда бўлгандай сездим; аммо Степан Трофимовичнинг уйига яқинлашганимда, бирдан ҳахолаб кулиб юбордим. Бу учрашув менга шу кадар гаройиб ту юлдики, уни дарҳол Степан Трофимовичга қизик килиб, бор бўй-басти билан сўйлаб бермоқчи бўлдим.

III

Лекин бу сафар уни фавқулодда ўзгариб кетган ҳолда учратдим, хайрон бўлдим. Рост, ичкарига кирглан захотим менга аллакандай суллоҳлик билан ташланди-да, гапимга кулок тута бошлади, аммо кўриниши жуда паришон эди, бошда менинг сўзларимни тушунмаётганга ўхшади. Лекин оғзимдан Кармазиновнинг номи чикиши билан бирдан бутунлай фигони фалакка чиқди.

– Гапирманг менга, тилингизга олманг! – кутуриб кетгандай хитоб килди у, – мана, мана, каранг, ўқинг! Ўқинг!

У тортмани очди-да, стол устига учта кичикрек коғоз парчаларини улоктирди, улар қаламда ёзилган Варвара

Ф. М. Достоевский

Петровнанинг хатлари эди. Биринчи хат уч кун бурун келган, иккинчиси кеча ёзилган, охиргиси эса бугун, бир соат бурун жўнатилганди; ҳаммаси Кармазинов ҳакидаги арзимас гаплар; улар Варвара Петровна Кармазинов меникига келмайди деб кўркаётганлиги, ўткинчи, майда гапларга ўралашиб, манманликка берилаётганини фош этарди, мана, уч кун олдин келган хат (балки тўрт кун ёки беш кун олдиндир):

«Агар у бугун сизникига ташриф буюрса, унда мен тўғримда бир оғиз ҳам сўз бўлмасин. Ҳеч қандай ишора килинмасин. Гапирманг ҳам, эслатманг ҳам. В.С.»

Кечагиси:

«Агарда у бугун эрталаб сизнинг ҳузурингизга келмоқчи бўлса, ўйлашимча, энг олийжаноб иш уни қабул килмаслик. Менимча шундай, сизнингча қандай, билмадим. В.С.»

Бугунги охиргиси:

«Ишончим комилки, уйингиз бир арава ахлатга тўлиб кетгандир, тамаки тутуни ҳам ҳаммаёкни тутиб ётгандир. Мен сизга Марья билан Фомушкани жўнатаман; ярим соатда саранжом-саришта килишади. Бухоро гилами билан иккита хитой гулдонини бериб юбораман: сизга анчадан бери совга қымоқчи эдим; яна Теньерни ҳам жўнатаман (бу вактинча). Гулдонларни дераза олдига кўйинг, Теньерни эса Ҳёте суратининг ўнг томонига жойлаштииринг, у ерга эрталаб ёруғ тушиб туради, ҳам кўзга ташланади. Агар у ниҳоят қадам ранжида қилса, нозик одоб-икром билан кутиб олинг, аммо арзимас нарсалардан гаплашинг, олимона қандайдир гапларни айтинг, яна ўзингизни худди куни кеча кўришгандек тутинг. Мен ҳакимда гик этманг. Балки кечқурун сизни кўргани кириб ўтарман. В.С.»

Хатларни ўқиб шундай арзимаган сўзлардан унинг ҳаяжонланиб ўтирганига ҳайрон бўлдим. Унга саволомуз қараб, мен ўқиётганимда у доим тақадиган оқ бўйин-богини кизилига алмаштириб олганини бирдан пайқадим. Унинг шляпаси ва таёғи стол устида ётарди. Юзи бўздай оқарган, ҳатто қўллари қалтиради.

– Унинг ташвишлари билан ишим йўқ! – бўғрикиб сичкирди у менинг савол назари билан қараганимга жаво-
нин. – Je m'en fiche!⁴⁷ Кармазиновни деб ҳаяжонланиши
жади, менинг хатларимга эса жавоб бермайди! Мана,
мана, менинг ҳатто очилмаган хатим, у кеча менга кайта-
шиб юборди, ана стол устида, китоб тагида, «L'hoishte qui
peut»⁴⁸ нинг тагида. Николенъянинг ташвишини чекаётган
булса, менга нима! Je m'en fiche et je proclame ma Liberte.
Audiable La Lembke!⁴⁹ Гулдонларни даҳлизга чиқариб
кўйдим, Тенъерни жовонга тиқдим, ундан мени ҳозироқ
кабул қилишини талаб килдим. Эшитдингизми, талаб!
Мен унга ўзиникига ўхшаган қаламда бир парча когозга
ёзилган хатча юбордим, Наастасъяни жўнатдим, кутиб ту-
рибман. Мен, Дарья Павловна ўз оғзи билан ўзи айтиши-
ни истайман, осмонни шафоат қилсин, жуда бўлмагандан
сизнинг олдингизда айтсин. Vous me secondez, n'est ce
pas, comme ami et temoin.⁵⁰ Мен қизаришни хоҳламайман,
мен ёлгон гапиришни хоҳламайман! Мен хуфия нарсалар-
ни хоҳламайман, бу ерда хуфия бўлишига йўл қўймайман!
Ҳаммасини менга очик-ойдин, содда, олийжаноб килиб
айтишсин, ўшанда... ўшанда мен эҳтимол бутун авлодни
улут бағрикенглик билан ҳайратга соламан!.. Мен аблак-
манми, йўқми, марҳаматли афандим? – деб тугатди у бир-
дан менга қаҳрли караб, худди мен уни аблак деб ҳисобла-
гандай.

Мен унга сув ичинг, дедим; уни ҳеч қачон бундай
аҳволда кўрмаган эдим. У сўзларкан, доим хона ичида
нари бориб-бери келиб турди, у бирдан менинг рӯпарамда
кандайдир кутилмаган бир ҳолатда тўхтади.

– Мен Степан Верховенский бўламан, – деб бошлади
у менга яна бошдан-оёқ кибрланиб, ўртаниб назар ташлаб,

⁴⁷ Мен тупурдим бунга! (*франц.*)

⁴⁸ «Куладиган одам».

⁴⁹ Мен бунга тупурдим, мен эркинликка чиқишимни эълон қила-
ман. Жин урсин ўша Кармазиновни! Жин урсин Лембкени!

⁵⁰ Сиз дўстим ва гувоҳ сифатида менга ёрдам берасиз, тўғрими
(*франц.*).

Ф. М. Достоевский

– наҳотки мен Степан Верховенский манави кутини, ўзимнинг қашшок кутимни олиб! – уни кучсиз елкамга шартта ортиб, дарвозадан ташқарига чикиб бу ердан мангуда гойиб бўлиб кетолмайманми, номус-оримга, мустақилликнинг буюк коидасига бўйсунолмайманми? Наҳотки сиз шундай деб ўйласангиз, наҳотки сиз менда бунинг учун мъянивий-ахлоқий куч етишмайди, деб тахмин килсангиз? Степан Верховенский истибодон бағрикенглик билан биринчи марта рад қилаётгани йўқ, гарчи ушбу мустабид телба аёлдир, гарчи бу гоятда таҳкирли ва шафқатсиз мустабидликлар, ер юзида бундан ортиқ истибод бўлмас, холбуки, сиз, марҳаматли афандим, хозир менинг сўзларимдан куляпсиз, ўзингизга шуни лозим кўряпсиз! О, сиз сира ишонмайсиз, мен шунчалар бағрикенг одамманки, ҳатто савдогарнинг кўлида тарбиячи бўлишим ва ё девор тагида очликдан ўлиб кетишим мумкин, ҳаётимни шундай барбод қилишилардан асло чўчиб ўтиргайман, менга ишонинг! Жавоб беринг, жавоб беринг, дарҳол жавоб беринг! Ишонасизми сиз ёки ишонмайсизми?

Аммо мен атай индамадим. Мен ўзимни уни инкор этиб ранжитишга журъатим етишмайтгандек килиб кўрсатдим, аммо унинг гапларини тасдиқлай ҳам олмасдим. Шу аччикланиш, тажангликда дилни ёмон оғритадиган алланима бор эди, шахсан мени эмас, о, йўқ! Аммо... мен кейин тушунтириб бераман.

Унинг ранги ўчди.

– Балки сиз мен билан зерикиб қолаётгандирсиз, жаноб Г-в (бу менинг фамилиям), балки сиз менинг уйимга... энди умуман келмокчи эмасдирсиз? – туси кочиб, босиклик билан сўради у, кутилмаган кучли портлаш олдидан одатда шундай бўлади. Мен кўркиб ўрнимдан туриб кетдим; шу онда Настасья кириб қолди ва индамай Степан Трофимовичга қалам билан нимадир ёзилган бир парча коғозни узатди. У шундок кўздан кечирди-ю менга улоқтириди. Қоғозга Варвара Петровнанинг кўли билан бир оғиз сўз ёзилганди: «Уйда ўтиринг».

Степан Трофимович индамай шляпаси билан таёгини олди-ю, тез эшик томон юрди; мен ғайришуурый тарзда унга эргашдим. Бирдан йүлақда кимларнингдир шитоб билан ташлаган қадамлари ва товушлар эшитилди. У яшин ургандек тек котди.

– Бу Липутин, мен тамом бўлдим! – пичирлади у кўлимдан тутиб.

Шу зумдаёқ хонага Липутин кирди.

IV

Тавба! Нега Липутин уни тамом киларкан, билолмадим, бу сўзга аҳамият ҳам бериб ўтирмадим; ҳаммасини асаблардан кўрадим. Аммо ҳар ҳолда у хайрон қоларли даражада кўрккан, шунинг учун мен диккат билан кузатишга қарор қилдим.

Кириб келаётган Липутиннинг авзойидан кўриниб турардики, у қанча ман этилишига карамасдан ҳозир бу ерга кириб келишга алоҳида ҳақ қозонганди. У оркасидан нотаниш бир одамни эргаштириб келар, афтидан, бошка ёқдан келган бўлса керак. Қаккайганча қотиб қолган Степан Трофимовичнинг маъносиз бокишига жавобан Липутин дархол овозини баландлатиб, деди:

– Мехмон олиб келяпман, жуда антика! Тинчингизни андак бузамиз. Жаноб Кириллов ажойиб қурувчи муҳаннис. Энг муҳими, ўғилчангиз кўп ҳурматли Пётр Степановични якиндан билади, у кишидан топшириқ билан келган. Ҳозиргина етиб келдилар.

– Топшириқ ҳакидаги гапни сиз кўшдингиз, – кескин жавоб қилди меҳмон, – ҳеч қандай топшириқ йўқ, Верховенскийни эса, рост, биламан. Х. вилоятида қолдириб келдим, бунга ўн кун бўлди.

Степан Трофимович беихтиёр кўлини узатди ва ўтиргани жой кўрсатди; менга бир каради, бир Липутинга, кейин бирдан хуши жойига келгандай ўзи ҳам тезгина ўтиреди, аммо ҳамон ўзи сезмай кўлида шляпаси билан таёгини ушлаб турарди.

Ф. М. Достоевский

– Вой, ташқарига чиқмоқчимидингиз! Менга эса сизни машғулотлардан чарчаган, тоби йўқ, дейишиди.

– Ҳа, тобим йўқ, мен бироз айланмоқчи эдим, мен...

– Степан Трофимович тин олди, шляпаси ва таёқни тез диванга отди ва қизариб кетди.

Мен орада меҳмонга тез разм солдим. Бу йигирма етти ёшлардаги йигит, яхши кийинган, корачадан келган, келишган, котма, оқ юзи бирмунча бўзарган, кўзлари қора, сўнник. Ўйчан ва паришон кўринар, гаплари узук-юлук, нотўғри жумлалар тузар, агар узунчоқроқ жумла тузишга тўғри келса, сўзларни айқаш-уйкаш қилиб юборар ва чалкашиб кетарди. Липутин Степан Трофимовичнинг жуда ҳам кўркиб кетганини дарров пайқади-да, афтидан, бундан мамнун бўлди. Меҳмон билан уй соҳиби қарама-карши қўйилган юмшок ўриндикларга ўтиришиди, Липутин кажава курсини олиб, уйнинг ўртасига, меҳмон билан хўжа орасига жойлашди. Унинг олазарак кўзлари уйнинг барча бурчакларига югуради.

– Мен... анча бўлди Петрушани кўрмаганимга... Сиз чет элларда учрашиб қолдингизми? – овози зўрга чикиб сўзлади Степан Трофимович меҳмонга.

– Бу ерда ҳам, чет элда ҳам учрашдим.

– Алексей Нилич ўзлари яқинда чет элдан келдилар, тўрт йил ўша ёкларда бўлдилар, – илиб кетди Липутин, – ихтисосларини ошириш, билим-малакаларини кенгайтириш учун боргандар, мана энди бизга келдилар, бизда темир йўл кўприги курилишида ишласам, деб умидворлар, хозир жавобини кутяптилар. Пётр Степанович орқали бу киши жаноб Дроздовлар ҳамда Лизавета Николаевна билан ҳам танишлар.

Мұҳандис кандайдир хурпайиб ўтирас ва нокулай сабрсизлик билан эшитарди. Назаримда, нимадандир унинг жаҳли чикқанди.

– У киши Николай Всеолодович билан таниш бўладилар.

– Николай Всеолодовични ҳам биласизми? – сўради Степан Трофимович.

- Уни ҳам биламан.
- Мен... мен Петрушани кўрмаганимга кўп вакт бўлди ва ўзимни ота деб аташга ҳам... *c'est le mot*⁵¹ мен... унинг аҳволи яхшими?
- Аҳволи жойида... ўзи келади, – шоша-пиша гапни этта килди жаноб Кириллов. Роса зардаси қайнади.
- Келади! Нихояти мен... биласизми, мен Петрушани кўрмаганимга талай замонлар бўлди! – шу жумладан ира нарига ўтолмади Степан Трофимович. – Шўрлик чилчамни кутяпман, унинг олдида... о, унинг олдида мен эйборман! Яъни, мен, умуман, айтмоқчиманки, унинг шаш пайтда Петербургда колдириб, мен... бир сўз билан ёйтганда, мен уни ҳеч эпи йўқ дегандим, *quelque chose dans ce genre*.⁵² Биласизми, бола гоятда асабий, гоятда хисснётчан ва... ҳадиксираган. Ухлашга ётаётганда тавба-таррулар килар ва кечаси ўлиб колмаслик учун ёстикни чўкинтиради... *je m'en souviens*. Enfin⁵³, ҳеч кандай нафосат туйгуси йўқ, яъни, кандайдир олий, асосий, кандайдир бўлажак гоянинг куртаги... *c'était comme un petit idiot*⁵⁴. Ларвоқе, чамаси, мен ўзим чалкашиб кетдим, кечиринг, мен... мени тўсиндан...
- Жиддий айтяпсизми у ёстикни чўкинтирган деб?
- кандайдир ўзгача бир кизиксиниш билан ўсмокчилади муҳандис.
- Ҳа, чўкинтирган...
- Йўқ, ўзим шундай, гапираверинг.
- Степан Трофимович Липутинга савол назари билан каради.
- Келганингиз учун гоятда хурсандман, аммо, тушунинг, мен хозир... аҳволим... Айтмоқчи, хозир каерда турибисиз?
- Богоявленский кўчасида, Филипповнинг уйида.

⁵¹ Айнан шунака (*franç.*).

⁵² Шунга ўхшашроқ (*franç.*).

⁵³ Бу эсимда бор. Нихоят (*franç.*).

⁵⁴ У тентакка ўхшарди (*franç.*).

– Э, бу Шатов яшайдиган уй, – оғзимдан чиқиб кетди беихтиёр.

– Айни ўша уйнинг ўзида, – тасдиклади Липутин, – фақат Шатов юкоридаги айвонда, бу киши пастда капитан Лебядкинницида. Бу кишим Шатовни ҳам, уининг рафикасини ҳам билади. У билан чет элда яқин бўлиб қолишган.

– Comment!⁵⁵ Наҳотки сиз de ce раувгे ami⁵⁶ ана шу баҳтсиз никоҳи ва ўша хотинни биласизми? – хитоб килди бирдан Степан Трофимович хиссиётга берилиб. – Бундай шахсан биладиган кишини энди учратишим; ва агар факат...

– Бўлмагур гап! – шартта кесди мухандис кизариб-бўзариб. – Сиз, Липутин, тоза кўшиб-чатаракансиз! Шатовнинг хотинини ҳеч кўрмадим; бир марта узоқдан, ҳеч якиндан эмас... Шатовни биламан. Нега сиз ҳар хил нарсаларни кўшиб юбораверасиз?

У ўриндиқда кескин ўгирилди, шляпасини кўлига олди, кейин яна жойига қўйди ва яна илгаригидай ўтириб, қандайдир дағдага ва ўт чакнаган кўзларини Степан Трофимовичга кадади. Мен бу жуда ғалати дағдагани сира тушина олмаётган эдим.

– Мени кечириңг, – салмокланиб деди Степан Трофимович, – эҳтимол, бу ғоятда нозик иш бўлиши мумкин...

– Ҳеч қандай нозик иш йўқ бу срда, жуда уят бу, лекин «бўлмагур гап» деб сизга кичкирмадим, Липутинга айтдим, нега у кўшилаверади орага. Агар ўзингизга олган бўлсангиз, мени кечиргайсиз. Мен Шатовни биламан, аммо хотинини ҳеч билмайман... мутлако билмайман!

– Тушундим, тушундим, агар ижикилаб сўраган бўлсам, факат, бу шўрлик дўстни жуда яхши кўраман, notre irascible ami,⁵⁷ доим сўраб-суриштириб юраман... Назаримда, бу киши ўзининг аввалги, балки хаддан зиёд навкирон, аммо бари бир тўғри фикрларини хаддан ортиқ

⁵⁵ Кандай! (*франц.*)

⁵⁶ Шу шўрлик дўстнинг (*франц.*).

⁵⁷ Бизнинг жаҳулдор дўстимиз (*франц.*).

кескин ўзгартыриб ташлади. Эндиликда notre sainte Russie борасыда турли нарсаларни шунчалар күп кичкиради-ки, унинг аъзойи баданидаги – мен буни бошқача айтолямайман – бу ўзгаришни анча вактлардан бери жуда оғир оиласый ларза, яни баийни унинг ўғурсиз уйланиши билан изохлайман. Мен шўрлик Россиямни мисоли икки бармогимдек ўргандим, рус халкига эса бутун хаётимни бағишладим, мен сизни ишонтириб айта оламанки, у рус халқини билмайди, ва алҳол...

– Мен хам рус халқини умуман билмайман, хам... ўрганишга вакт хам йўқ! – гап сўқди яна мухандис ва яна диванда кескин ўтирилди. Степан Трофимович гап ўртасида тилини тишлаб колди.

– У киши ўрганяпти, ўрганяпти, – илиб кетди Липутин, – у киши ўрганишни бошлаб юборганлар, Россияда ўз-ўзига суқасад килиш ҳоллари кучайган, мана шуни ўрганиб, келиб чикиш сабаблари тўғрисида ниҳоятда қизикарли рисола битмоқдалар, ва умуман, жамиятда ўз-ўзини ўлдиришнинг кўпайиши ёки бунинг олдини олиш йўлларини караб чикмоқдалар. Ажойиб натижаларни кўлга киритмоқдалар.

Мухандис каттиқ хаяжонга тушди.

– Бунга сизнинг ҳеч қандай ҳакингиз йўқ, – газаб билан тўнгиллади у, – рисола хам эмас бу. Ахмоқона гапларга тоқатим йўқ. Мен факат ўзингиздан холис сўраган эдим, бехос. Рисолага бало борми; мен босишга бермайман, сизнинг ҳеч ҳакингиз йўқ...

Липутин, афтидан, жуда роҳатланарди.

– Айб менда, балки сизнинг адабий ижодингизни рисола деб хато қилгандирман. У киши факат кузатишлар олиб боряптилар, масаланинг моҳиятига эса, нима десамикин, унинг маънавий томонига тўхталаётганлари йўқ ва хаттоки, маънавиятнинг ўзини мутлақо инкор этадилар, ҳаммасини умум тарзда бузиб ташлаш керак, деган энг янги нуқтай назарни ёклайдилар, мутлақ эзгу мақсадлар йўлида. Европада соғлом фикрни ўрнатиш учун юз миллиондан ошик бошни ҳозирданок талаб қилиб чикмоқда-

Ф. М. Достоевский

лар, бу охирги дунё конгрессида талаб килинганидан анча күпроқдир. Шу маңнода Алексей Нилич ҳаммадан олдинда бормоқдалар.

Мұхандис нафратанғиз ва сұнник илжайғанча тингларди. Ярим дақиқа ҳамма суқутға чүмди.

– Булар бары ахмоқлик, Липутин, – тұнғиллади ніхоят жаноб Кириллов бироз керилиб. – Сизга баъзи нарсаларни бехос айтгандирман, сиз дарров илиб олган бўлсанғиз, ўзингиз биласиз. Лекин сизнинг ҳақингиз йўқ, чунки мен ҳеч кимга гапирамайман. Мен гапиришдан нафратланаман... Агар нұктай назарлар бор экан, унда менга равшан... Сиз ахмоқлик қилдингиз. Мен барчаси тамом бўлган пунктлар ҳакида бош оғритмайман. Бош оғритишга асло тоқатим йўқ. Мен ҳеч қаҷон бош оғритишни истамайман...

– Балки, жуда хам яхши киласиз, – чидамай деди Степан Трофимович.

– Мен сизга узр айтаман, лекин мен бу ерда ҳеч кимдан хафа эмасман, – давом этди меҳмон тез-тез бидиллаб гапириб, – мен тўрт йил одамларни кам кўрдим... Мен мақсадларим йўлида, тўрт йил кам гаплашдим, учрашмасликка ҳаракат қилдим. Буларга ҳеч кимнинг иши йўқ, тўрт йил. Липутиннинг гапи, у куляпти. Мен тушунаман ва бунга қарамайман. Мен хафакон эмасман, фактат ғашим келади ўзига эрк берганига. Агар сизга фикрларимни айтмаётган бўлсам, – кутилмаганда хулоса қилди у ҳаммамизга бир-бир қатъият билан қараб, – сиз буларни ҳукуматга етказасиз, деб кўрқаётган эмасман; бу ундаймас; илтимос, бу борада арзимаган хаёлға борманг...

Бу сўзларга ҳеч ким ҳеч нарса демади, фактат бир-бirlарига қарашди. Ҳатто Липутин хихилашдан ўзини тийди.

– Жаноблар, кўп таассуфдаман, – дадил ўрнидан кўзгалди Степан Трофимович, – лекин менинг тобим йўқ, бироз ранжийдаҳолман. Кечирингиз.

– Ох, кетишиш керак шекилли, – ҳушёр тортди жаноб Кириллов картузини қўлига тутиб, – айтганингиз яхши бўлди, менинг эсимда турмайди.

У ўрнидан туриб соддадил қиёфада қўлини узатганча Степан Трофимовичга пешвоз борди.

– Афсус, бетоб экансиз, мен келиб қолдим.

– Сизга бу ерда омад ёр бўлсин, – жавоб берди Степан Трофимович очик қўнгиллик билан шошилмай унинг қўлини кисаркан. – Сизнинг сўзларингизни тушундим, чет ҳларда анча вақт яшабсиз, мақсадингиз йўлида одамлардан қочибсиз ва Россияни унтибсиз, шундай бўлгач, сиз табиий, биз туб рус кишиларига хайрон бўлиб қарайсиз, биз ҳам сизга худди шундай қараймиз. *Mais cela passera.*⁵⁸ Факат бир нарса менга тушунарсиз: сиз бизнинг кўпригимизни курмокчисиз, айни пайтда умуман ҳамма нарсани бузиб ташлаш тарафдорисиз. Бизнинг кўпригимизни сизга курдиришмайди!

– Нима? Сиз нима дедингиз... оҳ шайтон! – хитоб килди ҳайратланган Кириллов ва бирдан жуда кувнок, жарангдор кулиб юборди. Бир зум унинг чехрасида болаларча маъсум, беғубор ифода пайдо бўлди, бу эса унга гоят ярашарди. Липутин Степан Трофимовичнинг топиб айтган сўзидан кувониб, қўлларини ишқарди. Мен эса ҳамон ўз ичимда ажабланардим: нимага Степан Трофимович Липутиндан бунчалар қўркиб кетди ва нима учун уни кўриб «мен тамом бўлдим», деди.

V

Биз ҳаммамиз эшик зинаси олдида турардик. Мезбону меҳмонлар бир-бирларига лутфу таманнолар қилиб, сўнг хайллашадиган бир дам эди.

Липутин ташқарига қадам қўяркан, жаги сира тинмасди:

– У кишининг қовоги эрталабдан буён нега очилмаётганини айтами, – деб нах уради у, – бунинг сабаби, капитан Лебядкин билан уришиб колишди унинг синглиси важидан. Капитан Лебядкин ўзининг гўзал савдоий синглисини ҳар куни, эрталаб ва кечкурун камчи билан

⁵⁸ Аммо бу ўтиб кетади (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

савалайди, унинг ҳақиқий казакча камчиси бор. Шунинг учун Алексей Нилич күлогум тинч бўлсин деб, ўша уйнинг ёнидаги қўшимча бинога жойлашдилар. Хў-ўп, хайр бўлмаса.

– Синглиси? Касалми? Савалайдими? – қичкириб юборди Степан Трофимович, худди ўзини камчилангандай сезиб. – Қанака синглиси? Ким у Лебядкин?

Бояги қўрқув унга бир зумда қайтди.

– Лебядкин? Э, бу анов истеъфодаги капитан; илгари у ўзини штабс-капитан деб юарди...

– Э, унвони билан нима ишим бор? Қанака сингил? Худойим... Сиз Лебядкин деяпсизми? Лекин бизда бир Лебядкин бор эди-ку?..

– Ўшанинг ўзи бизнинг Лебядкин, ана, эсингиздами, Виргинскийнинг уйида?

– Аммо у қалбаки қоғозлар билан қўлга тушган эди-ку?

– Энди қайтиб келди, уч ҳафтача бўлиб колди, яна жуда галатирок бир вазиятда.

– Э, абраҳам одам-ку у!

– Нима, абраҳамлар йўқмиди бизда? – Липутин бирдан тишининг окини кўрсатиб иржайди, у ўзининг ўғринча ўйноклаган кўзлари билан Степан Трофимовични худди пайпаслаб кўраётгандай эди.

– Ох, худойим, ундей демокчи эмасман... гарчи, майли, абраҳам деганингизга тўла қўшиламан, сизга қўшиламан. Аммо кейин-чи, кейин? Бу билан нима демоқчисиз?.. Ахир сиз албатта нимадир демоқчисиз-ку!

– Э, ха, бари бўлмагур гаплар... яъни, ана шу капитан, афтидан, ўша пайтда қалбаки қоғозлар важидан кетган эмас, факат мана шу синглисини қидириб топиб келмокчи бўлган, синглиси эса ундан кочиб номаълум жойларда яшириниб юрган; энди уни топиб, бу ерга олиб келган, бор-йўқ воеа шу. Нима учун бунча қўрқиб кетдингиз, Степан Трофимович? Айтмоқчи, бу гапларни мен у маст бўлиб валаклаганда эшитғаним учун сўйлаяпман; ҳушёrlигида ҳеч оғиз очмайди. Сержаҳл одам, нима деса

бўлади, ҳарбийча оҳанжамаси бор, дид-фаросати ҳам ту-
бан. Синглиси эса савдоилигидан ташкари чўлоч ҳам.
Уни чамаси аллаким йўлдан уриб, номусига теккан, мана
шу сабабдан жаноб Лебядкин йўлдан оздирган одамдан
кўп йиллардан бери йилига товон ундиради, етқизилган
зарарнинг ўрнини коплайди, ўзининг валдирашига кўра
шундай – менинг наздимда буларнинг ҳаммаси бадмост
одамнинг лақицлашлари. Мактанади-да шундай. Асли ўзи
бунака ишларнинг нархи арzon. Пули борлиги эса аник; ўн
кун бурун ялангоёқ юрган эди, ҳозир ўз кўзим билан кўр-
дим чангалида юз рублликлар. Синглисини кунда қандай-
дир тутқанок тутади, чинкиргани, чинкирган, акаси уни
савалаб хушига келтиради. Хотин кишига ҳурматни ўрга-
тиш керак, дейди. Билмайманки, бечора Шатов уларнинг
тепасида қандай кун кўради. Алексей Нилич улар билан
уч кунгина бирга турди, Петербургда танишган эканлар,
энди ташвишдан чеккароқдаги уйга кўчиб ўтдилар.

– Булар бор гапларми? – мурожаат килди Степан Тро-
фимович муҳандисга.

– Сиз кўп валдираяпсиз, Липутин, – тўнғиллади у ға-
заби келиб.

– Сирлар, хуфия гаплар! Бизга бирдан кайдан ёғилди
бунча сирлар, хуфия гаплар! – ўзини тутолмай хитоб қи-
ларди Степан Трофимович.

Муҳандис қовоғини уйди, кизариб-бўзарди, елкалари-
ни учириб хона эшигига юрди.

– Алексей Нилич ҳатто унинг камчисини тортиб ол-
дилар, синдириб ташлаб, деразадан ташқарига отиб юбор-
дилар, каттиқ уришиб қолишли, – қўшиб кўйди Липутин.

– Нега валдираяпсиз, Липутин, бу аҳмоқлик, нима қи-
ласиз? – шу захоти орқасига бурилди Алексей Нилич.

– Камтарлик килиб қалбингизнинг олийжаноб инти-
лишларини беркитиб ўтирасизми, мен сизнинг қалбингиз-
ни айтяпман, ўзимникини эмас.

– Қандай аҳмоқлик бу... ҳеч кераги йўқ... Лебядкин
аҳмоқ, ичи бўм-бўш – ишга яроксиз нобакор, ва ... мут-

лако зиёнкор. Нега сиз ҳар хил нарсаларни валдирайвера-сиз? Мен кетаман.

– Ох, афсус! – хитоб қилди Липутин очилиб қулиб. – Бўлмаса мен сизни, Степан Трофимович яна бир ҳангомани айтиб бериб кулдирмоқчи эдим. Ўзи ниятим шуни айтиш эди, ундан десам, балки сиз ўзингиз ҳам эшитгандирсиз. Майли, нима қилдик, бошка сафар, Алексей Нилич кетаман деб шошилаятилар… Кўришгунча хайр. Варвара Петровна билан кизик бир воеа бўлди-да ўзи, уч кун бурун тоза кулгимни қистатди, атай мени чақириб одам юборибдилар, кула-кула ўласан киши. Хайр бўлмаса, ха.

Лекин шунда Степан Трофимович унга маҳкам ёпиши: унинг елкасидан тутиб, хона ичига караб қескин бурди-да, курсига ўтқизди. Липутин ҳатто кўркиб кетди.

– Ҳа, бўлмасам-чи? – эҳтиёткорона сўз бошлади ўтирган жойида Степан Трофимовичга хавфсираб қараб. – Кутимаганда мени йўқлаб келдилар, «маҳрамона» сўраб-сурштиридилар, сиз ўзингиз шахсан нима деб ўйлайсиз: Николай Всеволодович ақлдан озганми ё аклу-хуши жойидами? Бунга хайрон қолмай бўладими?

– Сиз ақлдан озисиз! – гўлдиради Степан Трофимович ва бирдан ўзини тиёлмай колди: – Липутин, сиз ўзингиз ҳам жуда яхши биласизки, бу ерга бирон-бир ифлос гапни айтиш учунгина келгансиз, мана шунга ўҳшаган… ё ундан ҳам баттарини!

Бир зум ичиди унинг менга Липутин ҳакида айтган гапи эсимга тушди: Липутин бизнинг ишимиз тўғрисида ўзимиздан кўпроқ гапни билади, бунинг устига биз ўзимиз хеч қачон билолмайдиган алланарсалардан ҳам хабари бор.

– Раҳм қилинг, Степан Трофимович! – гўлдиради Липутин гўёки жуда қаттиқ кўркиб кетгандай, – раҳм қилинг…

– Бас, кани айтинг! Сиздан ҳам ўтиниб сўрайман, жаноб Кириллов, оркангизга қайтсангиз-да, сиз ҳам эшитсангиз, ўтинаман! Ўтиринг. Сиз эса, Липутин, очиғини, тўғрисини айтинг… гапни бошка ёққа айлантирманг!

– Сизни бу нарса қаттиқ ларзага солишини билсам, оғиз очмас эдим-а... Мен эса сизга Варвара Петровна ал-лақачон ҳаммасини айтгандир деб ўйловдим!

– Ҳеч бундай ўйламагансиз! Бошланг, кани, бошланг деяпман!

– Э, бу нима ахир, ўзингиз ҳам ўтириңг, нима, мен ўтириб, сиз тепамда тикка хаяжондан қалтираб турасизми?.. у ёқдан-бу ёкка чопасизми? Бу сира ярашмайди.

Степан Трофимович ўзини босди-да, креслога салмокланиб ўтириди. Мұхандис булуттадай түрсайиб ерга тикиларди. Липутин чараклаб, роҳат килиб уларга назар соларди.

– Нимани ҳам бошлайман... одамни ўтакасини ёрдингиз...

VI

– Уч кун бурун бирдан менга одам жұнатдилар: эртага соат ўн иккига борар экансиз деб. Тасаввур қиласизми? Мен ишимни ташлаб эртасига туш өфіда эшикни тақиллатдим. Мени түғри меммонхонага олиб киришди; бир дақика ўтиргандым – ўzlари чиқдилар; мени ўтқизиб, ўзлари рүпарамга ўтиридилар. Ўтирибману ўз күзимга ишонмайман. У киши мени доим қандай турткилаб юришини ўзингиз биласиз! Доимий одатлари бүйича, гапни айлантирай түғрисини бошладилар: «Эсингиздадир, бундан түрт үйл аввал Николай Всеғоловович касалға қалиниб бироз ғалати хатти-харакатлар содир этган эди, бутун шаҳар бундан ажабланиб юрди, кейин ҳаммаси равшан бұлди. Шундай хатти-харакатлардан бири сизге дахлдор эди. Менинг илтимосимга биноан Николай Всеғоловович согайғандан сұнг сизниң кириб чиққан эди. Илгарилар ҳам сиз билан бир неча марта гаплашганини биламан. Менға очиқ-ойдин, түғрисини айтинг, сизге ўшанда... (шу ерга келганды у киши бироз тутилиб колиши) – Николай Всеғоловович қандай күрінді?.. Умуман сиз унга қандай қарaisиз... у ҳақда нима фикрга келдингиз... ва ҳозир қандай фикрдасиз?...»

Шу ерга келгандай бутунлай тутилиб колдилар, ҳатто бир дакиқача нафасларини ростлаб турдилар, кизарип ҳам кетдилар. Мен жуда ҳам кўрқдим. Кейин меҳрибончилик билан десаммикин, аммо меҳрибончилик у кишига ярашмайди, шундай вазмин товуш билан уқтиридилар:

«Мен шунни истардимки, дедилар, сиз мени яхшилаб, дедилар, тўғри тушуниб олинг. Сизни чакиртириб келдим, негаки, сизни огоҳ ва зеҳни ўткир одам деб хисоблайман, сиз яхши кузатиб, аник бир фикр айтоласиз (мактовларни каранг)! Сиз, албатта, тушунасиз, сиз билан бир она гаплашяпти... Николай Всеволодович ҳаётда баъзи бир баҳтсизликлар ва тўс-тўполонларни бошидан кечирди. Буларнинг ҳаммаси, дедилар, унинг акли ва қайфиятига таъсири кўрсатган бўлиши мумкин. Албатта, гап аклдан озиш ҳакида бораётгани йўқ, ҳеч қачон бундай бўлмайди! (катъият ва ғурур билан айтилди бу гап). Лекин бошка бир ғалати, ўзгача, қандайдир бошқача фикр, айрим алоҳида қараш майллари (булар ҳаммаси унинг ўз оғзидан чиккан сўзлар, мен Степан Трофимович, ҳайрон бўлиб колдим, Варвара Петровна масалани жуда аник килиб тушунтирап эканлар. Ҳонимнинг акли бало)! Ҳар қалай, дедилар, у доим нимадандир безовта, негадир бошқача бир майларга интилишини сезаман. Аммо, мен онаман, сиз эса бегона одамсиз, шунинг учун ўз ақлингиз билан мустақил бир фикр чиқаришингиз мумкин. Сиздан ёлвориб сўрайман (у худди шундай ёлвориб деб айтди), менга гапни жимжима килмай, бор ҳакиқатни айтсангиз, яна сиз билан мутлақо маҳрамона гаплашганимни ҳеч қачон унутмасангиз ва бунга въяда берсангиз, унда мен ҳамиша ва ҳар доим сизнинг бу яхшилигингизни муносиб тақдирлаш, имкон туғилган қадар миннатдорлик билдиришга ўзимни карздор деб хисоблайман». Ҳўп, ана шу гаплар, қалай экан, а?

– Сиз... Сиз мени шунчалар лол қилиб қўйдингизки...
– бидирлади Степан Трофимович, – мен сизга ишонмайман...

– Йўқ, эътибор беринг, эътибор беринг, – илиб кетди Липутин худди Степан Трофимовичнинг гапини эшитма-

гандай, – шундай бир масала билан яна шундай юксакдан туриб, мендай бир одамга мурожаат килишганда, қанчалар ташвиш ва ҳаяжонга ботиши мумкин киши, яна буни мутлақо сир сакланг, деб ялиниш. Ўзи нима бу? Ишқилиб, Николай Всеволодович тўғрисида кутилмаган бир хабарлар келиб қолмаганинкин?

– Мен ҳеч қандай хабарларни билмайман... мен бир неча кундан бери кўришганим йўқ, аммо... аммо сизга айтиб қўяй... – тили тутилиб бидирларди Степан Трофимович фикрлари пароканда бўлиб, – аммо сизга айтиб қўяй, Липутин, сизга ҳеч кимга айтмаслик шарти кўйилган бўлса-ю, сиз энди ҳамманинг олдида...

– Маҳрамона айтилди! Э, агар мен... Бу ерда бўлса нима... хўш, нима бўлибди? Нима, бегонамизми? Мабодо, Алексей Ниличини қўшганда ҳам...

– Мен бундай карашга кўшилолмайман; шубҳа йўкки, бу ердаги уч киши биз сирни саклаймиз-а, аммо тўртинчи киши, сиздан мен қўрқаман ва сизнинг ҳеч қайси гапингизга ишонмайман!

– Нима деяпсиз ўзи? Мен ҳаммадан ортиқ манфаатдорман, ахир менга мангуд миннатдорлик ваъда килинган! Мен бўлсан ҳудди мана шу муносабат билан фавкулодда ғалати бир нарсани айтмоқчидим, уни ғалати дейиш ҳам оз, балки руҳий дейиш керакдир. Кеча кечкурун Варвара Петровна билан гаплашгандан кейин унинг таъсирида (ўзингиз бир тасаввур килинг менга қандай таъсири килганини) мен Алексей Ниличга узокроқдан бир савол бердим: сиз, дедим, чет элда ҳам, Петербургда ҳам илгари Николай Всеволодовични билар эдингиз; унинг акли ва қобилиятлари сизга қандай туюлган? У киши одати бўйича шундай қисқа жавоб берди: у акли нозик ва ўтқир, соғлом фикр юритувчи одам, деди. Бир неча йиллар ичida, дедим, унинг фикри чалғигани ёки бошқача бир тарзда бўлиб қолгани, ёки айрим ҳолда, дедим, акли-хуши чалкашганилигини сезмадингизми, дедим. Гапнинг қисқаси, Варвара Петровнанинг менга берган саволини кайтардим: Ўзингиз тасаввур килинг! Алексей Нилич бирдан ўйланиб қолди ва мана,

Ф. М. Достоевский

хозиргидай юзини буриштириди: «Ха, дедилар, менга гохо қандайдир жуда ғалати туюларди». Эътибор беринг, агарда нак Алексей Ниличга нимадир ғалати кўринган бўлса, унда аслида нима бўлиши мумкин, а?

– Тўғрими? – сўради Степан Трофимович Алексей Ниличдан.

– Мен бу тўғрида гапиришни истамасдим, – деб жавоб берди Алексей Нилич бирдан бошини кўтариб ва кўзла-рида ўт чакнаб, – мен сизнинг ҳақингиз хусусида эътиroz билдиrmокчиман, Липутин. Сиз мана шу нарсада мени ўртага солманг, ҳақингиз йўқ. Мен бутун барча фикрларимни айтган эмасман. Мен Петербургда таниш бўлсам-да, бунга анча вакт ўтди, эндиликда учратган бўлсам ҳам, бирок Николай Ставрогинни яхши билмайман. Илтимос, мени бунга аралаштируманг, бу... бу ҳаммаси ғийбатга ўхшайди.

Липутин беайб эзилган кишидай қўлларини ёзди.

– Фийбатчими! Айгоқчи эмасми? Алексей Нилич, ўзингизни ҳаммасидан четга тортиб, танкид килишингиз осон. Сиз, мен айтсан ишонмайсиз, Степан Трофимович, нима деган кимса ўша капитан Лебядкин, ахир тентакнинг тентаги, худди... канчалар тентаклигини айтишга уяласан; русларнинг бир ўхшатиши бор даражани кўрсатадиган, мана шу кимса ҳам ўзини Николай Всеvолодович хафа килган, деб хисоблади, аммо унинг ақл-заковати олдида таъзим килади: «Бу одамдан ҳайратдаман; донишманд илон» (унинг ўз сўзлари). Мен эса унга (яна ўша кеча ўтган гап таъсирида ва Алексей Нилич билан сұхбатдан сўнг): хой, капитан, менга қаранг, айтинг-чи, бу сизнинг донишманд илонингиз ақлдан озганми, йўкми? Ишона-сизми, худди бирдан уни елкасига камчи билан ургандай бўлдим бехосдан; турган жойида сакраб тушди: «Ха, дейди... ха, дейди... факат бу, дейди, таъсир килмайди...» дейди; аммо нимага таъсир килмаслигини айтмади; факат бари дунё кўзига коронгу кўриниб, ўй-хаёлга ботди, шундай хаёлга ботдики, кайфи ҳам тарқаб кетди. Биз Филиппов ковоқхонасида ўтирган эдик. Факат ярим соатлардан

Сўнг шу, тарс этиб столни урди: «Ҳа, дейди, эҳтимол ақл-иан озгандир, факат бу таъсир килмайди...» – ва яна нишага таъсир килмаслигини гапирмади. Мен сизга факат ўлиб ўтган гапнинг жавҳарини еткизяпман, аммо ахир фикр шундоғам равшан-ку; кимдан сўраманг, ҳаммаси бир гапни айтади, ҳолбуки, илгари ҳеч кимнинг калласига бу фикр келмаган: «Ҳа, дейишади, ақлдан озган; жуда ҳам әклили, аммо, балки ақлдан озгандир».

Степан Трофимович хаёлга чўмиб ўтирад ва зўр бериб чулоҳаза юритарди.

– Лебядкин қаердан биларкан?

– Буни Алексей Ниличдан сўрасангиз кандок бўларкин, у мени ҳозир бу ерда айғоқчига чикарди. Мен айғоқчиман-у, лекин билмайман, Алексей Нилич эса тирноғининг тагигача билади-ю, яна миқ этмай ўтиради.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, билганларим оз, – яна ўша тажанглик билан деди мухандис, – сиз Лебядкинни ичириб, ундан гап оляпсиз. Мени ҳам бу ерга гап олиш учун бошлаб келдингиз, мени гапиртирмокчисиз. Алалхусус, сиз айғоқчисиз-да!

– Мен хали уни ичирганим йўқ, бунака пул сарфлашга ҳам у арзимайди барча сир-асрорларини жам килганда ҳам, мен у кишига шундай карайман, билмадим, сиз канлай. Аксинча, унинг ўзи пул сочиб юрибди, ҳолбуки, ўн икки кун илгари менинг олдимга ўн беш тийин сўраб кетувди, у менга шампан ичиряпти, мен унга эмас. Бироқ, сиз менга фикр беряпсиз, агар зарур келса, мен ҳам уни ичирман, ҳа, айнан гап олиш учун ва эҳтимол, билиб оларман ҳам, сизларнинг бутун сир-синоатларингизни, – ўздағайлари қаҳри келиб Липутин.

Степан Трофимович ҳар икки гап талашаётганга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Ҳар иккови ҳам ўзини фош киллар ва бир-бирини аямасди. Мен ўйланиб қолдим, Липутин бизнинг хузуримизга Алексей Нилични хақиқатан учинчи бир кимса воситасида гапга солиш учун олиб келган эди, унинг яхши кўрган усули ўзи шу.

– Алексей Нилич жуда ҳам яхши биладилар Николай Всееволовични, – тажанглик билан давом этди у, – фактат буни яширадилар. Сизнинг капитан Лебядкинни сўраётганингизга келганда, у хаммамиздан бурун у билан Петербургда танишган, бунга беш-олти йил бўлиб қолди, у пайтда, Николай Всееволовичнинг таъбир жоиз бўлса, хаёт даври кўпчиликка маълум эмасди, у пайтлар бизга меҳмон бўлиб келиб, хаммамизни баҳтиёр этишни хатто хаёлига ҳам келтирмасди. Бизнинг шахзодамиз ўшанда Петербургда ўзининг атрофига бирмунча ғалатирок одамларни йигиб, таниш-билишчилик килиб юрди, хуллас. Мана, Алексей Нилич билан ҳам, менимча, танишиб олишган.

– Эҳтиёт бўлинг, Липутин, сизни огоҳлантириб кўйяй. Николай Всееволович тезда бу ерга келмоқчи, у ўзининг кадрини яхши билади. Ҳеч кимга ўзини хафа килдириб қўймайди.

– Мен нима килдим? Ҳаммадан олдин мен айтдим жуда нозик ақл-заковатли одам деб, Варвара Петровнани ҳам кеча шу маънода хотиржам килиб кўйдим. «Лекин унинг феълига кафолат беролмайман», дедим. Лебядкин ҳам кеча шунга ўхшаш сўз айтди: «Унинг феълидан, дейди, азият чекдим». Эҳ, Степан Трофимович, сизга айғоқчилик, гийбатчилик булар деб айтиш осон, яна эътибор бериб қўйинг, ўзингиз сўраб хол-жонимга қўймадингиз, ижикилаб суриштиравердингиз. Варвара Петровна бўлса, нак тўғри нишонга урди: «Сиз, дейди, шахсан бу ишга қизиккан эдингиз, шунинг учун ҳам, сизга мурожаат қиляпман». Бўлмасам-чи! Максад нима килиб юрибди бу ерда, бунинг устига бутун жамоатнинг кўз ўнгига олий ҳазратларидан шахсан ҳакоратландим ва буни ичимга ютдим! Мен фактат гийбат учун қизикаётганим йўқ, чамаси, бошқа бир сабаб-асбобларим ҳам бор. Бугун қўлингизни кисиб қўришади, эртасига эса бутун пок жамоат олдида сизнинг нон-тузингизни еб, хушига келиб қолса, яна башарангизга туширади. Кучи ошиб-тошиб кетган! Аклу ҳуши хотин зотида: капалаклару жўжа хўроллар! Қадимги ишқ эски

эмурлару⁵⁹ қанотли помешчиклар, ишқбоз печоринлар. Сиз, Степан Трофимович, эски бүйдөк, сүккабош одамсиз, сизга айтиш осон, жаноб олийларини деб, мени гийбатчыга чиқариш осон. Ўзингиз халиям йигитлардай келишсан қишиисиз, қани, бир улланиб кўринг-чи, ёш суксурдай бир кизни топиб, ана унда кўрасиз, шахзодамизнинг дасидан ўз уйингиз, ўлан тӯшагингизда эшик-тешикларинизни тақа-так беркитиб, тамбалаб, занжирлаб юришдан бошқа чорангиз қолмайди! Нимасини айтасиз: ана ўша mademoiselle Лебядкинани олинг, шўрликни қамчи билан савалашади, у бечора агарда савдои ва чўлок бўлмагандла, худо ҳаки ўйлардимки, шўрликкина генералимизнинг ширсу эхтирослари курбонига айланмадимикин ва худди мана шундан капитан Лебядкиннинг ўз тили билан айтганда, «Оилавий шаъни-номуси барбод бўлиб» азият чекчадимикин. Фақат нозик таъбларига озор етмасмикин, лекин уларга бу ҳам чўт эмас. Уларнинг кайфиятларига мос тушса, ҳеч қандай тар мевани чикитга чиқармайди-тар. Сиз, мана гийбат дейсиз, нима, мен жар соляпманни, ҳолбуки, бутун шаҳарнинг жаги тинмай сайраяпти, мен жаға факат тинглайману бошимни сараклатаман: бошни қишлолатиб туриш ман килинмагандир ахир.

– Шаҳар сайраяптими? Нимани сайрайди шаҳар?

– Тўғрироғи, капитан Лебядкин маст бўлиб бутун шаҳарга жар соляпти, буни бутун майдон тумонот кичкирятти деяверинг, тўғрими? Менинг айбим нима? Мен факат дўстларим орасида кизикиб сўйлайман, чунки мен бу ерда ўзимни дўстлар даврасида деб биламан, – у бизга бирин-сирин маъсумона нигоҳ солди. – Яна бир воеанинг учи чиқиб турибди, бир ўйлаб кўринг: Эмишки, жаноб олийлари Швейцариядан ғоятда нажиба бир киз, нима десам экан, камтарин камсукум ятима, камина ҳам уни таниш баҳтига мұяссар, ана шу киз билан капитан Лебядкинга бериб кўйиш учун уч юз рубль жўнатади. Лебядкин эса, кимлигини айтольмайман-у, лекин жуда олийжаноб фалончидан, демакки, ишончга молик зотдан пул

“Амур – ишқ маъбудаси.

Ф. М. Достоевский

уч юз эмас, аник минг рубль бўлганини эшитади!.. Ана энди Лебядкин бақириб-чақириб юрибди: кизгина менинг етти юз рубль пулимни ўмарди деб! Полицияга хабар ки-ламан, деб дўқ-пўписани авжга чиқаряпти, бутун шаҳарга шовкин-сурон кўтаряпти...

– Паст, паст одам экансиз! – бирдан ўрнидан туриб кетди муҳандис.

– Э, Лебядкинга Николай Всеолодович уч юз эмас, МИНГ рубль юборган деб айтган ўша олийжаноб ишончи-ли одам нак сиз ўзингиз эмасмидингиз. Ахир капитаннииг ўзи маст бўлиб шундай деди.

– Бу... бу бадбаҳт бир англашилмовчилик. Кимdir ҳато қилгандир, натижада... Бекор бу, сиз пастлик қилдингиз!..

– Бекор гап деб мен ҳам ишонгим келади, эшитиб хафа бўлиб кетаман, нега деганда, истайсизми-йўкми, орада олийжаноб бир қиз аралашган, аввало етти юз рублга, колаверса, Николай Всеолодович билан дон олишган деган маънода. Аммо жаноби олийлари парвойига ҳам келтирмайди, маъсума нажиба қизни шарманда килдим, ё бирорвнинг хотинини обрўсини тўқдим деб, ҳудди шундай ҳжабтовур воеани мен ҳам бошимдан ўтказдим. Уларга бағрикенг нажиб бир одам дуч келиб колса, уни ўз ҳалол НОМИ билан бошқаларнинг гуноҳини ёпишга мажбур қилишади. Ҳудди шундай нарса бошимдан ўтди; мен ўзимни айтистирман...

– Эҳтиёт бўлинг, Липутин! – ўрнидан турди Степан Трофимович ва ранги оқариб кетди.

– Ишонманг, ишонманг! Кимdir адашган, Лебядкин эса бадмаст... – хитоб киларди муҳандис ифодалаб бўл-мас ҳаяжонга тушиб, – ҳаммаси ойдин бўлади, мен бошка чидолмайман... бу тубанлик... етар энди, етар!

У хонадан чопиб чиқиб кетди.

– Сизга нима бўлди? Мен ҳам бирга бораман! – саросимага гушди Липутин ва сакраб туриб, Алексей Ниличнинг ортидан югорди.

VII

Степан Трофимович бир зум ўйланиб турди, кўзлари менинг кўрмай менга қаради, шляпаси билан таёгини олиб, чиста хонадан чиқа бошлади. Мен боягидай унинг орқасидан тушдим. Дарвозадан чикаркан, менинг кузатиб борастганимни пайкаб, деди:

— Оҳ-ҳа, сиз гувоҳ бўлишингиз мумкин... de l'accident. Vous m'accompagerez, n'est-ce pas?⁶⁰

— Степан Трофимович, наҳотки сиз яна у ёкка борсангиз? Ўйлаб кўринг, нима бўлишини?

Аянч ва noctor табассум, уят ва мутлак ноумид табасум ва айни чокда аллакандай ғалати шодмонлик билан у эндак тўхтаб менга шивирлади:

— Мен «ўзгаларнинг гуноҳи»га уйланолмайман-ку ахир!

Мен факат шу сўзни кутаётган эдим. Мана, ниҳоят орули, мендан шунча вакт яшириб келингган сўз бир хафта давомидаги айлантиришлару, оҳанжамалардан сўнг тилга олинди. Мен мутлако ўзимни тутолмай қолдим:

— Мана шунақа ифлос, мана шунақа... тубан фикр Степан Трофимовичдай теран акл, окил юрак соҳибидан чиқади деса, ким бунга ишонади... яна Липутингача-я!

У менга қараб кўйди-ю, жавоб бермай ўз йўлига кетди. Мен орқада қолишни хоҳламадим. Мен Варвара Петровна кошида шоҳидликка ўтмокчи эдим. У ўзининг хотинларча ожизлиги боис факат Липутинга ишонганида, мен уни кечирган бўлардим, лекин энди равshan бўлдики, у Липутингдан анча илгарироқ ўзи бу нарсаларни тўкиб чикарган, Липутин эса энди унинг барча шубҳа-гумонларини тасдиқлаган ва ёниб турган ўтга мой қўйганди. У ҳали ҳеч қандай, ҳаттоқи Липутин тилга олган асосларга эга бўлмай туриб, биринчи кунларданоқ ўйлаб ҳам ўтирмай қиздан шубҳаланганди. Варвара Петровнанинг зўравонларча ҳатти-ҳаракатларини эркатой Nicolasiining дворянча

⁶⁰ Ходисалар. Сиз менга ҳамроҳ бўласиз, тўғрими? (франц.)

Ф. М. Достоевский

тунхларини обрў-эътиборли одамнинг тўйи воситасида тезрок суваб ташлашга бўлган ашаддий бир уриниш деб тушунди! Ўзининг бу иши учун унинг албатта жазо тортишини истардим.

– О! Dieu qui est si grand et si bon!⁶¹ Ким менга раҳм қиласиди! – хитоб килди у яна юз қадамларча юриб ва бирдан юришдан тұхтади.

– Ҳозир уйга қайтайлик, мен сизга ҳаммасини тушунтираман! – ҚИЧКИРДИМ мен уни зўр билан уй томонга буриб.

– Ана у! Степан Трофимович, бу сизмисиз? Сизми? – тароватли, шўх, навқирон овоз худди алланечук мусика каби жаранглади шундоқ ёнимизда.

Биз кўрмай колибмиз, шундок якинимизда кутилмаганда, от минган Лизавета Николаевна Ўзининг доимий ҳамроҳи билан пайдо бўлди. У отни тўхтатди.

– Келинг, келинг тезрок! – деб янгроқ, қувноқ овоз билан чорларди у. – Мен ўн икки йил бўлди уни кўрмаганимга, лекин дарров танидим, у эса... Наҳотки, мени танимадингиз?

Степан Трофимович унинг узатилган қўлини ушлади ва лутфу навозиш билан ўпди. У кизга худди дуо ўқиётгандек каар, лекин сўз айтишга мажоли етмасди.

– Таниди ва ҳурсанд! Маврикий Николаевич, у мени кўриб лол бўлиб колди! Нега икки ҳафтадан бери сира келмайсиз? Холам сизни касал, безовта килмайлик деб айтди; аммо билиб турибман, холам алдаяпти. Мен оёгими ни тапиллатиб, сизни уришдим, аммо албатта, албатта сиз биринчи бўлиб келишингизни истадим, шунинг учун сизга киши юбормадим. Вой, худойим, у хечам ўзгармабди! – Қиз эгардан эгилиб уни кўздан кечиради, – кулгим келляпти, хеч ўзгармабди-я! Ох, йўқ, ажинлар тушибди, кўзи атрофига, икки чеккасига, соchlарига оқ оралабди, аммо кўзлари ўша-ўша! Мен ҳам ўзгарибманми? Ўзгарибманми? Вой, нега хеч индамайсиз?

⁶¹ О, худойим, ўзинг азизу рахимсан! (франц.).

Ушбу дамларда уни ўн бир ёшларида Петербургга олиб кетишганда анча тоби бўлмагани ҳақидаги гаплар ёдимға тушди; касал экан, йиғлар ва Степан Трофимовични йўқларди.

— Сиз... мен... — хаяжондан тутилиб-тутилиб гўдириғади Степан Трофимович, — мен ҳозиргина: «Ким менга раҳм қилади!» деб турган эдим ва шу захоти сизнинг овоннингиз келди... Мен буни мўъжиза деб хисоблайман *et je commence a croire*⁶².

— *En Dieu? En Dieu, qui est La-haut et qui est si grand et si bon?*⁶³ Кўрдингизми, мен ҳамма маърузаларингизни қимда саклайман. Маврикий Николаевич, у менга ўша ҳайтларда худони қандай тушунтиради дент *en Dieu, qui est si grand et si bon!* Колумб Американи очгани ҳақидаги ҳикояларингиз эсингиздами, ҳамма «Ер, ер!» деб қичқириб юборган экан. Энагам Алёна Фроловнанинг айтишича, мен ўшандан кейин кечаси алаҳсираб «Ер, ер!» — деб қичқириб чиккан эканман. Эсингиздами, менга шаҳзода Ҳамлетнинг тарихини айтиб берганларингиз? Эсингиздами, Европадан Америкага бечора муҳожирларни қандай олиб боришгани ҳақидаги ҳикояларингиз? Ҳаммаси ёлғон экан, кейин билдим, қандай олиб боришганини, лекин ўшанда у ёлғонни жуда бопларди, Маврикий Николаевич, унинг ёлғони чиндан яхшироқ эди! Нега сиз Маврикий Николаевичга бундай карайпсиз? У бутун ер юзидағи энг яхши ва энг садоқатли инсон, сиз уни, албатта, худди мени яхши кўргандек севишингиз керак! *Il fait tout ce que je veux*⁶⁴. Аммо, отахоним, Степан Трофимович, бу кўчанинг ўртасида туриб ким менга раҳм қилади, деб қичқираётган бўлсангиз, нима яна баҳтсиз бўлиб қолдингизми? Баҳтсизмисиз, шундайми? Шундайми?

— Энди баҳтлиман...

⁶² Мен имон келтира бошлайман (*франц.*).

⁶³ Худогами? Худогами? Парвардигори аъло ва азиз ва раҳимгами? (*франц.*)

⁶⁴ У мен нима десам, шуни қилади (*франц.*).

— Холам хафа **КИЛЯПТИМИ?** — давом этарди киз унга кулок солмай, — хамон, хамон ўша сержахл, адолатсиз. ва хамишалик қимматли **ХОЛАМИЗ!** Эсингиздами, бօғда мени қучоклаб йиглардингиз, мен ҳам сизни юпатиб. ўзим ҳам **ЙИГЛАРДИМ**, — вой, сира чўчиманг бу Маврикий Николаевичдан; у сизни билади, ҳамма-ҳаммасини билади, анчадан бери, унинг елкасига бош кўйиб истаганча йиглашингиз **МУМКИН**, у истаганча индамай тураверади!.. Шляпангизни кўтариңг, бирпас бошингиздан олинг, бошингизни яқин **ОЛИБ КЕЛИНГ**, оёқ учидатуринг, мен ҳозир пешонангиздан ўпид кўяман, хайрлашаётганимизда мен сизни шундай ўпид кўйган эдим. **Каранг**, анати ойимкиз деразадан бизга ҳаваси келиб карайлати... Кани, якинрок, якинрок. Вой, худойим, соchlari намунча оқариб кетмаса!

Киз эгардан эгилиб, унинг пешонасидан ўпди.

— Ана, энди сизникига борамиз! **Қасрда яшашингизни биламан**. Мен ҳозир, шу тобда сизникига бораман. Сиз кайсанникига ўзим биринчи бўлиб кираман, кейин кун бўйи менинг ўйимда бўласиз. Боринг, боринг, мени кутиб олишга тайёрланинг.

Шундай деб, у ўз ҳамроҳи билан от чоптириб кетди. Биз оркага қайтдик. Степан Трофимович диванга ўтириб, йиглаб юборди.

— Dieu! Dieu! — нидо киларди у, — *enfin une minute de bonheur*⁶⁵.

Ўн дакикалардан сўнг у ваъдасига кўра ўзининг Маврикий Николаевичи билан бирга кириб келди.

— *Vous et le bonheur, vous arrivez en même temps!*⁶⁶ — Степан Трофимович уни ўрнидан туриб қаршилади.

— Мана, сизга гулдаста; ҳозир *madame Шевалие* хузурига бордим, кишида ҳам у байрамларга гул ўстиради. Маврикий Николаевич ҳам шу ерда, танишиб олинг. Мен Гул ўрнига пирог келтирмокчийдим, лекин Маврикий Николаевич бу русларга тўғри келмайди дейди.

⁶⁵ Худойим! Худойим! Нихоят, бир дам баҳт келди! (франц.)

⁶⁶ Сиз ва баҳт, бир пайтда келдингиз (франц.).

Ушбу Маврикий Николаевич деганимиз ўттиз учтардаги баланд бўйли, ташки томондан саранжом-сашта, батартиб кийинган, кўркам тўпчи капитан бўлиб, таринчи карашда афт-башараси катта ва гоятда жиддий кўринар, аммо ўзи ҳайрон қоларли даражада назокатли ва мўнгил, бу унга дастлаб карагандаёк дарҳол қўзга ташлашди. Шу билан бирга у кўп гапирмас, совуккон кўринар ўстлашиш учун суйкалмасди. Бизда кўплар уни акли тата дейишарди; лекин бу унчалар тўғри эмасди.

Мен Лизавета Николаевнанинг гўзаллигини таъифлаб ўтирамайман. Унинг гўзаллиги бутун шахарда дувлат гап бўлиб кетганди, бирок бизнинг айrim хонимлачиз ва ойимкизларимиз бу гапларни ғазаблари келиб ўтишарди. Уларнинг ичida Лизавета Николаевнанинг ёмон кўриб колганлар ҳам бор эди, аввало, мағурринги боис: Дроздовлар ҳали ҳеч кимни бу ерда йўклашмаганди, ранжишнинг аввал сабаби шу, аммо йўқловлар сенчаётганлигига сабаб, ҳакикатда Прасковья Ивановнинг бетоблиги эди. Иккинчидан эса у ҳоким рафиқининг қариндоши бўлгани учун кўришолмас эди; учинчидан эса, у ҳар куни отда сайр қилишига тоқатлари читолмасди. Бизда шу пайтгача хотин-кизлардан суворалар чикмаганди; табиийки, отда сайр қилиб юрадиган ва ҳали ҳеч кимни менсиб йўқламаган Лизавета Николаевнанинг тайдо бўлиб қолиши жамоатни озурда қилиши турган гап эди. Дарвоке, у докторларнинг тавсияси билан от минишини ҳаммалари аллакачон билишар ва зотан кизнинг касаллиги ҳақида заҳарханда ҳам қилишарди. Қиз чинлан ҳам касалманд эди. Унинг оғрикли, асабий, тинимсиз безовталиги бир кўргандаёк қўзга ташланарди. Эвоҳ! Шўрлик қиз гоятда азоб чекарди, булар бари кейинчалик чаълум бўлди. Эндиликда ўтган вактларни эсласам, уни чиройли эди деб айттолмайман, лекин ўша замон кўзимга гўзал бўлиб кўринарди. Балки ҳатто унчалар ҳам хушрўй эмасди. У баланд бўйли, хивичдай ингичка, аммо чайир ва кучли, юз тархининг ҳатто номавзунлиги билан ҳайратга соларди. Кўзлари қандайдир калмоқи қисик эди; ранги

ок, ёноклари бўртма, ўзи буғдой мағиз ва юзи ориқ эди; лекин унинг юзида ғолиб келувчи ва ўзига тортувчи оҳанграбо зохир эди! Қора қўзлари ёниб турар ва ундан қандайдир кудрат ёғиларди; у «голиба ва ғолиб чикиш учун» намоён бўларди. У мағрур ва гоҳо такаббур туюларди; билмайман, у оккўнгил бўлолганми ё йўқми; лекин у шундай бўлишни ўлардай хоҳларди ва ўзини бироз бўлса-да, оккўнгил кўрсатишга мажбур килиб, тоза ҳам қийналарди. Бу хилқатда жуда ҳам кўп гўзал интилишлар ва энг адолатли ташабbusлар бўй кўрсатарди; унда ҳамма нарса доимо ўз даражасини топишни истар, аммо тополмас, бари-бари бошдан-оёқ бесару сомон, тутғён ва безовталиқда эди. Эҳтимол, у ўзига нисбатан ҳаддан ташқари жиддий талаблар билан ёндашар, ҳеч качон ушбу талабларни қондириш учун ўзида куч тополмасди.

У диванга ўтириб хонани кўздан кечира бошлади.

– Нега мен шундай дамларда доим жуда ғамгин бўлиб коламан, қани, топинг-чи, алломайи замон? Мен бутун ҳаётимда ўйлардимки, сизни кўрсам, ва ҳаммасини ёдимға солсам, худо ҳам билади, қанчалар хурсанд бўлардим, мана энди унчалар ҳам хурсанд эмасга ўхшайман, вахоланки, сизни яхши кўраман... Ох, худойим, у менинг суратимни осиб қўйибди! Беринг менга, у менинг эсимда, эсимда!

Бундан тўққиз йиллар илғари Дроздовлар Степан Трофимовичга Петербургдан ўн икки яшар Лизанинг акварель бўёқда ишланган мўъжаз ажойиб суратини тортиқ килиб жўнатишган, ўшандан бери сурат доимо деворда осиглик турарди.

– Вой, мен шунаقا чиройли қизмидим? Вой, менинг юзим шунакамиди?

У ўрнидан туриб, кўлида сурат ойнага каради.

– Олинг тезроқ бунингизни! – хитоб қилди у суратни қайтараркан. – Ҳозир османг, кейин, унга қарагим келмаяпти. – Қиз яна диванга ўтириди. – Бир хаёт ўтди, бошқаси бошланди, кейин бу ҳам ўтди, учинчиси бошланди, ҳаммаси – охири йўқ. Охирини худди қайчи билан қийиб қўй-

гандек. Күрдингизми, кандай эски гапларни гапиряпман, қанча ҳақиқат бор уларда!

Киз кулимсираб менга каради; у менга бир неча ма-
ротаба күз кирини ташлаб қўйган эди, аммо Степан Тро-
фимович ҳаяжон ичидаги мени таништиришни унуган эди.

– Нега менинг суратим ҳанжарлар тагига осилган?
Яна шунча ҳанжару қиличларни нима қиласиз?

Унинг уйи деворида, ҳақиқатан, билмадим нимага,
иккита ётағон қилич чалиштириб осилган, улар устида чи-
накам чаркасий шамшир ўрнатилганди. Киз буни сўрар-
кан, менга тик каради, мен нимадир деб оғиз жуфтлаган
эдим, тилимни тишлаб колдим. Степан Трофимовичнинг
њоъят эсига тушиб, мени унга таништириди.

– Биламан, биламан, – деди киз, – мен жуда хурсанд-
ман. Онам ҳам сиз ҳакингизда кўп эшишган. Маврикий
Николаевич билан ҳам танишинг, бу ажойиб инсон. Сиз
ҳакингизда қизик бир нарса ўйладим: сиз Степан Трофи-
мовичнинг сирдошисиз, тўғрими?

Мен кизариндим.

– Ох, мени кечиринг, мен бунақа демокчимасдим; ун-
док кулгили эмас, бошқа... (қиз кизарди ва уялиб кетди.)

– Айтганча, ажойиб одам экансиз, уялиб нима қиласиз?
Вақтимиз бўлди, Маврикий Николаевич! Степан Трофи-
мович, ярим соатдан кейин бизникига борасиз. Худойим-
еъ, тўйиб-тўйиб гаплашамиз! Энди мен сизнинг сирдо-
шингизман, ҳаммаси, ҳаммасини гаплашамиз, тушундин-
гизми?

Степан Трофимович дарров қўркиб кетди.

– О, Маврикий Николаевич ҳаммасини билади, ундан
хижолат бўлманг!

– Нимани билади?

– Вой, сизни каранг! – деб кичкирди киз ҳайратланиб.

– Вой, рост экан-да, яшириб юришгани! Ишонгим келма-
ган эди. Дашани ҳам яшириб юришибди. Холам кеча мени
Дашанинг олдига қўймади касал деб.

– Аммо... аммо сиз қаердан билдингиз?

– Ох, худойим, ҳамма қатори. Шу ҳам гап бўлди-ю!

– Наҳот, ҳамма билса?..

– Бўлмаса-чи? Ойим, рост, аввалига менинг энагам

Алёна Фроловнадан эшитибдилар; унга сизнинг Настасъянигиз югуриб келиб айтибди. Сиз Настасъяга айтганмисиз ахир? У сизни айтди деган.

– Мен... мен бир гапиргандим... – ғудранди Степан Трофимович юзи қизариб, – аммо... мен сал учини чикаргандим... *j'étais si nerveux et malade et puis...*⁶⁷

Қиз хаҳолаб кулиб юборди.

– Ёнингизда сирдош маҳрамингиз йўқмиди, Настасъя дуч келиб колувдими, – майли, бас! Унинг эгачилари шахарда тўлиб ётибди! Ҳай, ҳечкиси йўқ, барibir эмасми; билса билавермайдими, қайтага яхши. Тезроқ боринг, биз эрта овқатланамиз... Э-ха, эсимдан чикибди, – у яна жойига ўтирди, – менга қаранг, Шатов дегани ким?

– Шатовми? У Даৰья Павловнанинг акаси...

– Биламан, акаси,вой, сизга нима бўлган ўзи! – унинг сўзини кесди қиз токатсизлайиб. – Унинг кимлигини, қандай одамлигини билмокчиман?

– C'est un pense-сгeux d'ici. C'est le meilleur et le plus irascible homme du monde...⁶⁸

– Мен ҳам эшигтан эдим унинг ғалати одамлигини.

Аммо, гап бунда эмас. Мен у уч тилни ва инглиз тилини билади, деб эшигандим. Адабиёт ишлари билан ҳам шугулланар эмиш. Шунинг учун унга лойик менинг ишларим кўп; менга ёрдамчи керак, қанча тез бўлса, шунча яхши. У ишга рози бўлармикин, йўқми? Уни менга тавсия килишган эди...

– О, биззаруратан, et vous fairez un bienfait...⁶⁹

– Менга beinfait учун эмас, менга ёрдамчи керак.

– Мен Шатовни анча яхши биламан, – дедим унга, – агар унга айтадиган гапингиз бўлса, мен дарров бориб келаман.

⁶⁷ Мен тобим кочиб тургандим, бунинг устига... (франц.).

⁶⁸ Шу ерлик хаёлпаст. Дунёдаги энг яхши жаҳлдор одам... (франц.).

⁶⁹ Сиз савоб иш килган бўласиз (франц.).

Унга айтинг, эртага соат ўн иккига келсин. Аъло!
Миннатдорман. Маврикий Николаевич, тайёрмисиз?

Улар жўнаб кетишиди. Мен шу заҳоти Шатовнинг ол-
та югурдим.

— Mon ami! — остоңага етганимда оркамдан Степан
Софимович келди. — Мен кайтиб келганимдан сўнг соат
и ёки ўн бирларда албатта олдимга келинг. О, мен сиз-
нинг олдингизда жуда, жуда хижолатдаман ва умуман...
самма-ҳамманинг олдида.

VIII

Шатов уйда йўқ экан; икки соатдан сўнг яна бордим
яна йўқ. Ниҳоят, соат саккизда ё топарман, ё хат ёзиб
колдирарман деб бордим; яна топмадим. Унинг уйи берк,
ӯзи ҳеч қандай хизматкорсиз ёлғиз турарди. Пастга ту-
шиб Лебядкиндан сўрасаммикин, деган хаёл ҳам келди
калламга, лекин бу ер ҳам берк, худди бўм-бўш жойдек
сас ҳам эшитилмасди. Мен ўзим эшитган ҳикоялар таъ-
сирида Лебядкиннинг эшиги олдидан қизиксиниб ўтдим.
Охир-оқибат эртасига эртарок келишга қарор қилдим.
Рост, хат ёзиб колдиришга ҳам унчалик кўнглим чопмади;
Шатов уни олиб ўқимаслиги ҳам мумкин эди, у қайсар ва
тортинчок одам. Иш юришмаганидан дилгир бўлиб, дар-
возадан чиқаётганимда кутилмаганда жаноб Кирилловга
дуч келдим; у уй томонга келатуриб, мени биринчи бўлиб
пайқади. У мендан сўраб-суриштира бошлади, мен бор
гапни айтдим, хат ҳам ёзиб кўйганман дедим.

— Юринг, — деди у, — мен ҳаммасини қиласман.

У, Липутиннинг сўзига қараганда, эрталабдан ҳовли-
даги кўшимча ёгоч уйда жойлашганини эсладим. Унинг
бир ўзига кеңглик қиласиган бу уйда у билан бирга қан-
дайдир қари кар кампир ҳам турар ва унинг хизматлари-
ни ҳам қиласди. Бу уйларнинг асл эгаси ўзи янги солган
бинода истикомат қиласар, бошқа бир кўчада ковоқхонаси
ҳам бўлиб, кампир, хойнаҳой, унинг қариндоши ҷоги,
ёски уйларга қараб туриш учун қолганди. Ҳовлидаги уй-

нинг хоналари озода, аммо деворга ёпиширилган қофозлар эскириб кетганди. Биз кирган уйнинг мебеллари ҳар жойдан йигиб келингган, ҳар хил катта-кичиликда ва яроксиз эди: устига мовут тортилган иккита қарта столи. зирк ёғочидан ясалган паст жавон, қайси бир кулба ё ошхонадан келтирилган катта тахта стол, болишлари каттик теридан ишланган, суюнчиғи панжарасимон диван ва стуллар. Бурчак тўрига қадимий санам қўйилган, унинг олдида ҳали биз келмасдан илгариёк кампир томонидан шамчироқ ёқилганди, деворларга эса мойбўёқда чизилган иккита катта хира сурат осилган: уларнинг бири, чамаси, асрнинг йигирманчи йилларида туширилган мархум император Николай Павловичнинг сурати; иккинчисида аллаким архиерей⁷⁰ тасвирланганди.

Жаноб Кириллов ичкарига кириб шам ёқди, бурчакда турган, ҳали очилмаган чамадонидан конверт, сурғич ва билтур тамғани олди.

— Хатингизни сурғичланг ва конвертга исмингизни ёзинг.

Мен керакмас, деб рад этмокчи бўлдим, аммо у қўймади. Конвертга ёзиб, мени фуражкамни кўлга олдим.

— Мен чой ичарсиз девдим, — деди у, — чой сотиб олдим. Ичасизми?

Мен, майли, дедим. Кампир тезда чой олиб кирди, чой дегани катта чойнакда кайнаган сув, қуюқ килиб дамланган кичкина чойнак, иккита катта йирик гулли сопол идиш, курсилдок нон кулча ва бир ликопча тўла ушатилган ОК ҚАНД.

— Чойни яхши кўраман, — деди у, — айниқса, кечаси; кўп, хонада юриб ичаман, то тонг оқаргунча. Чет элда кечаси чой ичиш нокулай.

— Тонггача ухламайсизми?

— Ҳар доим; анчадан бери. Оз овқатланаман; доим чой ичаман. Липутин муғомбир, аммо енгилтак.

Унинг тили счилганига ҳайрон қолдим; мен бундан фойдаланмоқчи бўлдим.

⁷⁰ Юкори даражали черков рухонийси.

Кеча күнгилни ғаш қиласынан гаплар бўлди, – деб
имам.

У қовоғини уйди.

Бу ахмоклик; жуда арзимаган гаплар. Бу ерда ҳамма-
тунч гаплар, чунки Лебядкин маст. Мен Липутинга га-
пштаним йўқ, фақат арзимаган нарсаларни тушунтиридим;
шаки, гирт ёлгон сўзлаяпти. Липутинда ҳавойилик кўп,
такдан тоғ ясайди. Кечада мен Липутинга ишонган эдим.

Бугун эса менгами? – кулиб юбордим мен.

Ахир сиз энди ҳаммасини биласиз. Липутин ё бўш, ё
жониз, ё галамис, ё... ҳасадгўй.

Кейинги сўз мени ҳайратга солди.

Сиз шунча кўп сифатини тилга олдингизки, ажаб-
биронтаси баногох тўғри келиб колса.

Балки бари тўғридир.

Бу гапда ҳам жон бор. Липутиннинг – бош-кети йўқ!
Сизнинг қандайдир асар ёзаётганингизни айтди, шу гап
рими?

– Нега тўғри бўлмасин? – яна қовок солиб ерга тикил-

Мен узр сўрадим, буни унчалар билгим келаётгани
чи йўқ, дедим. У қизариб кетди.

– У тўғри айтди, мен ёзаман. Факат бу бари бир...

Бир зум жим қолдик; у бирдан яна боягидай болалар-
жилмайди.

– Каллалар ҳакидаги гапни ўзи тўкиб чикарган, китоб-
ин олган, менга ўзи гапириб берди, яхши уқмайди, мен
нима учун одамлар ўзларини ўлдиришга журъат эт-
масликларининг сабабларини кидираман; бор гап шу. Бу
аммо бари бир.

– Нега журъат этмайдилар? Ўз-ўзини ўлдиришлар
чи?

– Жуда оз.

– Наҳотки сиз шундай дессангиз!

У индамади ва ўйга ботиб хона ичидаги юра бошлади.

– Одамларни ўз-ўзини ўлдиришдан нима саклаб тураси?
– сўрадим ундан. У нима ҳақида гаплашаётган эдик
тегандай, менга фаромуш бўкси.

Ф. М. Достоевский

– Мен... мен ҳали унча күп билмайман... икки хуро-
фий фикр тутиб туради, икки нарса; фақат иккита; битта-
си жуда кичкина, иккинчиси жуда катта. Лекин кичкинаси
хам жуда катта.

– Кичкинаси нима?

– Оғрик.

– Оғрик? Наҳот бу мухим бўлса... бу ерда?

– Энг мухими. Икки тоифа мавжуд: бирорлари ўз-
ларини ё қайгу-ғамга ботиб, ё аччиқлари келиб, ё телба-
ликдан ўлдирадилар, ё унга бари бир..., бирданига. Улар
оғрик ҳақида оз ўйлашади, бирданига. Ақлу хуши жойида
бўлганлари эса – булар кўп ўйлашади.

– Ақлу хуши жойида бўлганлари хам борми?

– Жуда кўп. Агар хурофий фикр бўлмаса, яна хам
кўпаярди; жуда кўп; ҳамма.

– Наҳот ҳамма бўлса?

У индамади.

– Ахир оғриқсиз ўлишнинг йўли йўқми?

– Бир тасаввур килинг, – у менинг кошимда тұхтади,
– каттакон уйдай келадиган бир харсанг тошни тасаввур
қилинг; у осилиб турибди; сиз эса унинг тагидасиз; агар
у устингизга тушса, бошингизни маҗакласа – жонингиз
оғрийдими?

– Уйдай тош бўлсами? Одам қўрқади.

– Мен қўркувни айтаётганим йўқ, – жонингиз оғрий-
дими?

– Тоғдай харсанг тош, бир миллион пуд келар? Турган
гап, ҳеч нарса оғримайди.

– Ростдан ҳам туриңг-чи, тош осилган, сиз эса қўрка-
сиз, ёмон оғрийди деб. Ҳар кандай катта олим, катта док-
тор, ҳамма, ҳамма жуда қўрқади. Ҳар ким оғримайди, деб
билади ва ҳар ким оғрийди, деб жуда қўрқади.

– Иккинчи сабаб нима, каттаси-чи?

– Нариги дунё.

– Яъни жазоми?

– Бу бари бир. Нариги дунё; фақат нариги дунё.

– Нариги дунёга мутлако ишонмайдиган дахрийлар йўқми?

У яна индамади.

– Сиз балки, ўзингиздан киёс киларсиз?

– Ҳар ким хеч ўзига киёс килолмайди, – деб кўйди у кизариб, – қачонки яшаш ва яшамаслик бари бир бўлганда, ана ўшанда бутунлай эрк бўлади. Ҳамма мақсад мана шунда.

– Мақсад? Э унда, балки, хеч кимнинг яшагиси келмас?

– Ҳеч ким, – деди у катъият билан.

– Инсон ҳаётни севгани учун ўлимдан қўрқади, мен буни шундай тушунаман, – дедим мен, – табиатнинг амри ҳам шундай.

– Бу кабоҳат, барча ёлғон шунда! – Унинг кўзларида учқунлар сачради. – Ҳаёт бу – оғриқ, ҳаёт бу – қўрқинч ва одам боласи – бахтсиз. Энди ҳаммаси оғриқ ва қўрқинч. Энди одам ҳаётни севади, негаки, оғриқ ва қўрқинч севади. Шундай килишган. Ҳаёт энди оғриқ ва қўрқинчдан келади, ана шу батамом ёлғон. Энди одам ҳали ундай одам эмас. Янги одам бўлади, бахтиёр ва мағур. Яшаш ва яшамаслик бари бир бўлган одам, ана ўша янги одам бўлади. Оғриқ ва қўрқинчни енгтан одам ўзи худо бўлади. Анов худо бўлмайди.

– Демак, сизнингча, ўша худо бор экан-да?

– У йўқ, лекин у бор. Тошда оғриқ йўқ, лекин тошдан қўркишда оғриқ бор. Ўлим қўрқинчининг оғриғи худодир. Ким оғриқ ва қўрқинчни енгса, ўша ўзи худо бўлади. Янги ҳаёт ўшанда, янги одам ўшанда, ҳаммаси янги... Ўшанда тарихни икки бўлакка бўлишади: маймун горилладан то худони йўқотгунча ва худони йўқотишдан то...

– То маймун гориллагачами?

– ... Ер ва инсонни жисмонан ўзгартиришгача. Инсон худоға айланади ва жисмонан ўзгаради. Дунё ҳам ўзгаради, ишлар ҳам ўзгаради, фикрлар ҳам, хиссиётлар ҳам. Сиз нима деб ўйлайсиз, ўшанда инсон жисмонан ўзгарадими?

Ф. М. Достоевский

– Агарда яшаш ва яшамасликнинг фарки бўлмаса, унда хамма ўзини ўлдиради, балки мана шунда ўзгариш бўлади.

– Бари бир, фарки йўк. Ёлғонни ўлдиришади. Ҳар кимки, асосий эркни истаркан, у ўзини ўлдиришга журъат этсин. Кимки ўзини ўлдиришга журъат этса, у ёлғоннинг сирини билгай. Ундан у ёғига эрк йўк; бари шунда, ундан нари ҳеч нарса йўк. Кимки ўзини ўлдиришга журъат этса, ўша худо. Энди ҳар ким кила олади, шунда худо бўлмайди ва ҳеч нарса бўлмайди. Лекин ҳеч ким ҳали бирор маротаба ҳам килмади.

– Ўзини ўлдирганлар миллионларча.

– Лекин ҳаммаси унчамас, ҳаммаси кўрқув ичиди ва унга эмас. Кўрқувни ўлдириш учун эмас. Кўрқувни ўлдириш учунгина кимда-ким ўзини ўлдирса, у ўша заҳоти худо бўлади.

– Улгурмаса керак, балки, – дедим.

– Бунинг фарки йўк, – секин, осуда ғуурур билан андак ғижиниб жавоб берди у. – Таассуфки, сиз худди кулаётганга ўхшайсиз, – кўшиб кўйди у бироздан сўнг.

– Сизнинг кеча жуда аччигингиз чиккан эди, бугун эса алангали сўзлаётган бўлсангиз ҳам, лекин жуда хотиржамсиз, ана шу менга кизик туюляпти.

– Кечами? Кеча кулгили бўлди, – жавоб берди у жилмайиб, – мен сўкишишни ёмон кўраман ва ҳеч качон кулмайман, – кўшиб кўйди у маъюсланиб.

– Ҳа, кечалари чойхўрлик килиб тунингизни ношод ўтказаркансиз, – мен ўрнимдан туриб фуражкамни қўлга олдим.

– Шундай деб ўйлайсизми? – жилмайганча бироз ҳайрон бўлиб деди у. – Нега экан? Йўк, мен... мен билмадим, – чалкашиб кетди бирдан у, – бошқалар кандай, билмайман, бошқалардай бўлолмайман, шуни сезиб тураман. Ҳар ким ўйлайди, ундан кейин ҳозир бошқа нарсани ўйлайди. Мен бошқа нарсани ўйлолмайман, мен бир умр бир нарсани ўйлайман. Худо менга бир умр азоб беради, – деб хулоса чиқарди у бирдан шаҳд билан.

– Бир нарсани сўрасам бўладими, нега сиз рус тилини тўгри гапирмайсиз? Нахотки чет элда беш йил ичидан унунтган бўлсангиз?

– Тўгри гапирмаяпманми? Билмадим. Йўқ, чет элда бўлганим учун эмас. Мен доим шундай гапираман... менга бари бир.

– Яна бир нозикроқ савол берсам бўладими? Мен сизга тўла ишонаман: сиз одамлар билан учрашишни ёқтиримайсиз ва улар билан кам сўйлашасиз. Нима учун бирдан мен билан очилиб гаплашдингиз?

– Сиз биланми? Сиз кеча яхши ўтирдингиз ва сиз... айтганча, бу бари бир... сиз менинг акамга ўхшайсиз, жуда, хаддан ташкари, – гудранди у қизариб, – у етти йил бўлди, ўлди; акам, жуда кўп, кўп...

– Сизга каттиқ таъсир кўрсатган бўлса керак-да?

– Й-йўқ, у камгап эди; хеч нарса гапирмасди. Мен сизнинг хатингизни бериб кўяман.

У кўлида фонар билан мени дарвозагача кузатиб чиқди, дарвозани ёпмокчи шекилли, «Девонага ўхшайди», деб кўйдим ичимда. Дарвозада бошқа учрашув рўй берди.

IX

Мен эшикнинг баланд остонасига энди кадам кўйган эдим, шунда аллакимнинг кучли қўллари кўкрагимдан тутди.

– Ким бу? – бўкирди кимнингдир овози, – дўстми, душманми? Бўйнингга ол!

– Ўзимиздан, ўзимиздан! – чинқирди шу орада Липутиннинг овози, – бу кишим жаноб Г-в бўладилар, зўр тарбия кўрган, энг юқори доиралар билан алоқадор йигит.

– Юқори доиралар билан бўлса, яхши, з-зўр т-тарбия... демак, б-билимдон... истеъфодаги капитан Игнат Лебядкин, дунёning ва дўстларнинг хизматларига ҳозиру нозир... содикмисиз, содикмисиз, аблахлар!

Капитан Лебядкин хода ютгандай баланд бўйли, семиз, гўштдор, соchlари жингалак, афт-башараси қип-ки-

Ф. М. Достоевский

зил, оёқда туролмайдыган даражада масть, сүзларни алжыб талаффуз киларди. Мен уни илгари хам узокроқдан күрган эдим.

– Ў, манов-ку! – бўкирди у ҳамон шу ерда фонарини кўтариб турган Кирилловга кўзи тушиб; у муштини кўтармокчи бўлди-ю яна дархол туширди.

– Билимлини кечирман! Игнат Лебядкин жу-уда юксак маълумотли...

*Портлаб муҳаббат оташи
Игнат қўксига туташди.
Севастополь деб, бир қўлсиз
Аччиқ кўз ёшлиар тўкишиди.*

– Майли Севастополда бўлмай, майли, икки қўлим хам соғ, аммо кофиясига бокинг! – у масть башарасини менга тикиштириб келарди.

– У кишининг вакти йўқ, вакти йўқ, уйига бориши кепрак, – деб уни кўндиримокчи бўларди Липутин, – у киши эртага Лизавета Николаевнага айтиб беради.

– Лизаветагами?.. – деб бўкирди у яна, – тўхта, тек тур! Бош-шкаси!

*Отда юлдуз учади
Суворалар ичинда;
Табассумлар сочади –
Аслзода у чиндан.*

«Сувора юлдузга».

– Ахир бу гимннинг ўзи! Эш-шак бўлмасанг агар, бу гимн! Валакисаланглар билмайди! Тўхта! – Мен ташқарига чиқиш учун кучим борича силтаниб уринаётган бўлсам-да, у пальтомдан чанглаб ушлаб олди. – Унга айтиб кўй, мен номусли валломат одамман, Дашка деганинг эса... Дашкани мен икки бармоғим билан... хўжасининг кули, ботинолмайди...

Мен бор кучим билан уриниб, унинг қўлидан юлқиниб чиқдим ва кўчадан чопиб кетдим, у ерга йикилди. Липутин ортимдан чопди.

– Уни Алексей Нилич күтариб күядилар. Биласизми, у хозир менга нима деди? – огзи тинмай гапиради у ўпкаси шишиб. – Байт-барагини эшитдингиз-ку? У мана шу «Сувора юлдуз»ини эртага тұла исмини күйіб конвертга солиб Лизавета Николаевнага жүнатади. Қалай, а!

– Гаров ўйнайман, бунга уни сиз күндиргансиз.

– Ютказасиз! – хахолади Липутин. – Яхши күриб колган, яхши күриб колган, мушукдай мов бўлган, бўлмаса, жонидан хам ёмон кўрарди, биласизми. У Лизавета Николаевнани отда гашт килиб юргани учун шунчалар ёмон кўриб қолдики, кўча-куйда сўкиб юборай деди; сўқди хам! Уч кун бўлди, у ўтиб кетаётганда, ёмон сўқди, – хайриятки, эшитмади, кутилмаганда бугун унга бағишлаб шигир ёзганини каранг! Биласизми, у таваккал килиб кизга оғиз солмоқчи? Рост, рост!

– Сизга жуда ҳайрон коламан-да, Липутин, қаерда мана шунақа ярамас иш чикса, дархол ўша ерда ҳозиру нозирсиз! – деб кўйдим унга ғазабланиб.

– Аммо сиз, жаноб Г-в, чуқур кетяпсиз; юрак орқага тортиб кетдими дейман, ракибдан кўркиб, а?

– Нима-а-а? – деб қичкирдим йўлимдан тўхтаб.

– Жаззангиз, бошка бир оғиз хам айтмайман! Лекин эшитсангиз эди? Бошқасини кўяверинг-у, мана шу тентак энди оддий капитанмас, балки вилоятимиздаги анча салмоқли помешчиклардан бири бўлиб қолди, нега деганда шу якин кунларда Николай Всеволодович собиқ икки юз жондан иборат мулқарини сотдилар, худо ҳаки, рост айтаяпман!.. Ғоятда ишончли одамдан ҳозир билдим. Ана энди бу ёгини ўзингиз пайпаслайверинг; бошка хеч нарса айтмайман; кўришгунча хайр!

X

Степан Трофимович мени асабий сабрсизлик билан кутарди. Қайтиб келганига бир соатча бўлган эди. Кўзимга худди мастга ўхшарди; дастлаб мен ҳар ҳолда маст бўлса керак, деб ўйладим. Таассуфки, Дроздовларникига боргач, мияси янада каттикрок чалкашди.

Ф. М. Достоевский

– Мон аті, бутунлай ишим чувалашиб кетди... Lise... мен бу парини аввалгидай севаман ва эъзозлайман; ҳа, айнан аввалгидай; аммо, афтидан, мени ҳар икковлари интиқ бўлиб кутишган, фақат мендан гап олмокчи бўлишган, яъни сирни билиб оламиз дейишган, кейин ўз йўлига кетаверсин, худо хайрини берсин... Аниқ шундок.

– Уялмайсизми бундай дегани! – кичкириб юбордим мен чидолмай.

– Азиз дўстим, мен ёлғизланиб колдим. Enfin, c'est ridicule⁷¹. Тасаввур қилинг, ҳаммаси сир-синоатга коришиб ётибди. Менга бурунлару қулоклар хусусида ташлашишди, яна аллакандай Петербург сирларини сўраб-суриштиришди. Тўрт йил илгари бўлиб ўтган Nicolas ҳангомаларини улар биринчи марта шу ерга келиб эшлишибди-да ахир: «Сиз шу ерда эдингиз, сиз ўз кўзингиз билан кўргансиз, у телба эмиш, тўғрими?» Тушунмайман сира, бу фикр асти қаердан чиқди. Nicolashннинг байни жинни бўлиб чикиши Прасковьяга нимага керак бўлиб колди? Бу хотин шуни жуда хоҳлайди, жуда хоҳлайди! Се Maurise⁷², отинг кургур Маврикий Николаевич, Grave homme tout de teme⁷³, нахот уни кўз остига олишган, ахир унинг ўзи биринчи бўлиб cette pauvre amie⁷⁴ деб хат ёзиб юбормагандими Париждан. Enfin, ўша Прасковьяни хоним cette chere amie дейди, мана шу бир нусха, Гоголнинг ўлмас ижод намунаси Коробочка, фақат кутурган Коробочка, жizzаки Коробочка, яна энг каттайтирилган кўринишда.

– Ундан бўлса, сандикдай экан-да, яна жуда каттайтирилган бўлса?

– Майли, кичрайтирилган бўлсин, бари бир, факат гапимни бўлманг, чунки бошим айланниб кетяпти. Ҳаммалари тоза чиртиллатиб тупуришди; Lisedан бошқа; бир киз эса тўхтамай: «Хола, хола» дейди, аммо Lise мугомбир, яна нимадир бор бунда. Сирлар. Аммо кампир би-

⁷¹ Нихоят, бу кулгили (*франц.*).

⁷² Ҳар холда ажойиб, яхши йигит (*франц.*).

⁷³ Ана шу шўрлик дўстта(*франц.*).

⁷⁴ Шу азиз дўст (*франц.*).

лан уришиб қолиши. *Cette pauvre⁷⁵, хола, рост, ҳаммага зуғум үтказади...* бунинг орасида яна ҳокимнинг рафиқаси-ю, жамоатнинг эътиборсизлиги-ю, Кармазиновнинг «эътиборсизлиги»; орага яна бирдан телбалик ҳакидаги гап ҳам сукулиб кириб турибди, се Lipoutine, се que је пе comprends pas⁷⁶; я-яна, айтишадики, бошини сирка билан ҳўллаган эмиш, яна бу ўртада сиз билан биз ҳам бормиз, бу ҳатларимиз-у бу шиква-шикоятларимиз... О, хонимни мен қанчалар қийнаб кўйдим, яна шундай бир вактда! Je suis un ingrat!⁷⁷ Қаранг, қайтиб келеам, хоним ҳат ёзган экан; ўкинг, ўкинг! О, қандоқ паст кетдим, қандоқ паст одам бўлдим мен.

У менга ҳозиргина Варвара Петровнадан олган ҳатни кўрсатди. Чамаси, хоним ўзининг эрталаб айтган, «ўйда ўтиринг», – деган сўзидан пушаймон бўлганга ўхшайди. Қисқагина ҳат одоб-икром билан ёзилган, лекин сўзлар қатъиятли эди ҳар қалай. Индинга, якшанба куни у Степан Трофимовични уйга чакирган, соат ўн иккода келишни тайинлаган, ўз дўстларингиздан биронтасини (қавс ичида менинг номим турарди) ҳамроҳ килиб олиб келинг, дейилганди. Ўз томонидан Дарья Павловнанинг акаси бўлмиш Шатовни чакиришини билдирганди. «Сиз киздан узил-ке- сил жавоб олишингиз мумкин, сиз мамнунмисиз шундан? Сиз шу расмиятчиликни илиқиб истаганмидингиз?»

– Охирги расмиятчилик ҳакидаги гижиниб ёзган сўзини қаранг. Шўрлик, шўрлик ҳабибам, бутун умримнинг ҳабибаси! Тан оламан: тақдирнинг кутилмаган бу инояти устимга тошдай қулади... Мен, тан оламан, ҳамон ишонардим, энди эса, tout est dit⁷⁸, мен аник биламанки, тамом бўлди; c'est tant bien fait.⁷⁹ О, қанийди, шу якшанба бутунлай бўлмаса, ҳаммаси-ҳаммаси эскисидай қолса: сиз келардингиз, мен эса бу ерда...

⁷⁵ Бу шўринг кургур (*франц.*).

⁷⁶ Манави Липутин, нимаси бор, хеч тушунмайман (*франц.*).

⁷⁷ Мен ношукур одамман (*франц.*).

⁷⁸ Ҳаммаси ҳал бўлди (*франц.*).

⁷⁹ Жуда расво (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

– Сизни анави Липутиннинг мағзavalари, гийбат қақимчиликлари чалқаштириб юборди.

– Азиз дўстим, сиз ўзингизнинг дўстона бармогингиз билан менинг яна бир оғриқ жойимга тегиб кетдингиз. Бу дўстона бармоклар умуман шафқатсиз, гоҳида эса bemâyno, pardon⁸⁰, аммо, ишонасизми, Lise ёнида бўлган пайтимда буларнинг ҳаммасини, ярамасликларни айтяпман, унугандай бўлдим, яъни мен бутунлай унумасам ҳам, тентаклигимдан ўзимни баҳтиёр кўрсатишга уриндим ва ўзимни мен баҳтиман деб ишонтиридим. Аммо энди... о, энди ушбу олийжаноб, одампарвар, менинг қабих камчиликларимга сабр-тоқатли аёлни, – дарвоке, унчалар сабр-тоқатли ҳам эмасдир-ов, лекин мен ўзим шу пуч, ғализ феъл-авторим билан нима деган одамман асти! Ахир, мен бир тантик, инжик боламан, боладай бутунлай худбинман, факат боладай маъсумлик йўқ менда. Ҳабибам, йигирма йил менинг орқамдан энагадай юрди, сette раувре хола, Lise буни жуда антика килиб айтади... Шунда бирдан кутилмагандга бола уйланишни хоҳлаб колди, уйлантири, уйлантири, хат кетидан хат, унинг эса боши сиркаланган ва... ва мана етишли, якшанба келса, уйланиб олади, ҳазилакам гапми... Нега мен талаб килдим, нега шунча хатлар ёздим? Айтгандай, унутай дебман: Lise Да-ръя Павловнани оғзидан бол томиб мақтагани мақтаган; тилидан кўймайди ҳар қалай; уни: «C'est un ange⁸¹, факат ичимдагини топ дейдиганлар хилидан», дейди. Икковлари маслаҳат беришли, ҳатто Прасковья... дарвоке, Прасковья маслаҳат бермади. О, мунча заҳар босган шу Коробочкани! Э, Lise нинг ўзи ҳам умуман маслаҳат бергани йўқ: «Уйланиб нима қиласиз, олимона роҳат-фарогатда юравермайсизми». Ҳаҳолаб кулади. Мен унинг ҳаҳолаб кулганини кечирдим, нега деганда, унинг ўзининг юрагини ит тирнаб ётиби. Бирок, улар, сиз аёл кишингиз бўлмаса, кийналиб қоласиз дейишади. Кексалик яқинлашяпти,

⁸⁰ Кечиринг (франц.).

⁸¹ Бу фаришта (франц.).

ютин эса сизга қарайди, яна нима... Ma foi⁸², мен ўзним
шам, сиз билан гаплашиб ўтириб, ичимда шуни ўйлайман,
шігов-далғовда ўтган күнларимнинг адогида қисмат менга
ни тухфа килиб юборди, у менга қарайди, ёки яна нима...
спіп⁸³, уй ишларида керак бўлади. Қаранг, уйим бесаран-
дом бўлиб ётиби, ҳаммаёк тартибсиз, қаранг, ивирсик,
боя йигишириб кўй, деб буюрдим, қаранг, китоб полга
тушиб кетган. La pauvre amie уйингиз ивирсик деб жаҳли
чиқади... О, энди унинг овози янграмайди бу ерда! Vingt
ans!⁸⁴ Тағин денг, уларнинг қўлларида имзосиз хатлар бор,
тасаввур килинг, эмишки, Nicolas мулкни Лебядкинга сот-
ган. C'est un monstre, et enfin⁸⁵. Ким ўзи Лебядкин? Lise
эшитғани эшитган, унинг эшитганини кўрсангиз! Мен
унинг хаҳолаб кулганини кечирдим, унинг қандай тинглаб
ўтиришини кўрдим, яна шу анов се Maurise... мен унинг
ўрнида хозир бўлишни истамасдим, brave homme tout de
тепе, аммо бироз тортиночоқ; э, худо хайрини берсин...

Унинг овози ўчди; у ҷарчаб, фикрлари чувалашиб,
толиккан кўзларини ерга тикканча кимиrlамай мунга-
йиб ўтиради. Мен орага тушган сукунатдан фойдаланиб,
Филипповнинг уйига борганимни айтдим, ҳақиқатан Ле-
бядкиннинг синглиси (мен уни кўрганим йўқ) бир пайтлар
Nicolashning Липутин таъбири билан айтганда, ҳаётининг
сири бир даврида қандайдир ва кайси бир ахволда унинг
курбонига айланган бўлиши мумкин ва Лебядкин қандайдир
сабаб билан Nicolasдан пул олиб турса керак, бор-йўқ
гап шу, деб ўз фикримни куруқ, аммо кескин баён қилдим.
Дарья Павловна ҳақидаги гийбатларга келганда, булар
бари бекор гаплар, абллаҳ Липутиннинг иғволари, дедим,
Алексей Ниличининг ўзи ҳам буни ёниб-куйиб тасдиқла-
япти, унга ишонмасликка эса ҳеч қандай асос йўқ. Степан
Трофимович менинг бу ишонч билан айтган сўзларимни

⁸² Бинобарин (*франц.*).

⁸³ Нихоят (*франц.*).

⁸⁴ Йигирма йил (*франц.*).

⁸⁵ Бу баднамо; ваnihоят (*франц.*).

худди ўзига ҳеч қандай алокаси йўқдай паришонхотир эшиитди. Яна мен Кириллов билан гаплашганимни ҳам эслатиб ўтдим-да, Кириллов балки жинни бўлса керак, деб кўшиб кўйдим.

– У жинни эмас, лекин булар калтафаҳм одамлар, – Истар-истамай мингиrlади у. – Ces gens-la supposent la nature et la Societe humaine autres que Dieu ne les a faites et qu'elles ne sont reelement⁸⁶. Улар билан мушук-сичкон ўйнашади, аммо Степан Верховенский бу ўйинга кўшилмайди. Мен уларни у пайтлар Петербургда кўрганман, avec cette chere amie (о, ўшанда мен ҳабибамни канчалар ранжитардим!) ва уларнинг сўкишларидангина эмас, ҳатто мактovларидан ҳам асло кўркмаганман. Энди ҳам кўркмайман, mais parlons d'autre chose...⁸⁷ афтидан, мен ёмон ишлар килиб кўйдим; буни каранг, мен кеча Даrья Павловнага хат ёзиб юбордим ва... Энди ўзимни қўйишга жой тополмай турибман!

– Нима деб ёздингиз?

– О, азиз дўстим, менга ишонинг, жуда олийжаноб гаплар ҳаммаси. Унга Nicolas га ҳам хат ёзганимни маълум килиб кўйдим беш кун бурун, яна ҳаммаси олийжаноб гаплар.

– Энди билдим! – деб ҳовликиб кичкирдим мен. – Нима ҳакингиз бор эди уларни бундай киёслашга?

– Аммо, mon cher, мени бундай қаттиқ эзманг, менга кичкирманг; ўзим эзилиб адо бўлдим, худди... худди суваракдай, яна ниҳоят, назаримда, буларнинг бари нажиб бир алфозда... en Suisse...⁸⁸ эхтимол, нимадир бўлгандир деб тахмин қилсангиз, балки ўша ердан бошлангандир. Ахир мен олдиндан уларнинг қалбларида нима борлигини билишим керакдир-ку, чунки... enfin, чунки қалбларга гов

⁸⁶ Бу одамлар табиат ва инсон жамиятини худо яраттанидан кўра бошқача тасаввур киладилар, аслида эса тамомила бошқача (*франц.*).

⁸⁷ Аммо бошқа гапга ўтайлик (*франц.*).

⁸⁸ Швейцарияда (*франц.*).

бұлғын қолмаслик, улар орасида қоқилған козикдай тур-
маслик учун... Мен факат олийжаноб бир ниятда.

– О, худойим, мунча тентаклик күлмасанғиз! – бейх-
тиёр оғзимдан чикиб кетди.

– Тентаклик, тентаклик! – илиб кетди у жон-жаҳди би-
тан. – Сиз ҳеч качон бундан құра ақллироқ гап айтмаган-
сиз, c'était bête, mais que faire, tout est dit⁸⁹. Бари бир, «ўзга-
ларнинг гунохи»га бўлса ҳам, уйланаман, шундок бўлгач,
нега ҳам ҳат ёздим? Тўгрими?

– Яна шу гапми!

– О, энди мени қичкириб қўркитолмайсиз, энди сиз-
нинг олдингиздаги бу Степан Верховенский бошка; ол-
дингиси ўлди, кўмилди; enfin, tout est dit⁹⁰. Нега қичкира-
сиз? Ўзингиз уйланмаяпсиз-да, а, сиз мугузли бош кийим
киймайсиз-да, а. Яна ғашинғиз келяптими? Ох, менинг
шўрлик дўстим, сиз аёл зотини билмайсиз, мен эса уни би-
лиш учун умримни бағишладим. «Агар дунёни енгишни
истасанг, аввало ўзингни енг», сизга ўхшаган хаёлпараст
Шатовнинг битта ақлли, жўяли гапи шу, менинг рафиқам-
нинг акаси. Унинг бу ҳикматли сўзини жону дилим билан
кабул киласман. Ана шундок, мен ўзимни енгишга тайёр-
ман ва уйланаман, аммо бутун дунёнинг ўрнига нимага
эга бўламан? О, азиз дўстим, уйланиш – ҳар қандай мағур
калб учун, ҳар қандай эрк учун бу – маънавий ўлим. Уйла-
ниш, хотинли бўлиш мени адойи тамом қиласди, куч-кув-
ватим, матонатим, оъмол учун хизматимни тортиб олади,
бола-чақа туғилади, бунинг устига балки, улар менини
ҳам бўлмайди, ҳа, албатта мендан бўлмайди; доно одам
ҳақиқатнинг юзига тик қарашдан қўрқмайди... Липутин
кеча Nicolasдан тўсик, говлар ўртага кўйиб кутулишни айт-
ди; ўша Липутин дегани аҳмок. Аёл зоти ҳамма нарсани
қўриб-билиб тургувчи зотни ҳам алдайди. Le bon Dieu⁹¹,
аёл зотини яратиб нима балога гирифтор бўлажагини бил-

⁸⁹ Бу тентаклик, лекин нима қиласай, ҳаммаси ҳал бўлган (франц.).

⁹⁰ Қисқаси, ҳаммаси ҳал бўлган (франц.).

⁹¹ Яратган парвардигор (франц.).

ган, лекин ишончим комилки, аёл ўзи унга халал берган ва охир-оқибат ўзини ўзи мана шундок яратган ва... шундок сифатлар касб этган; акс ҳолда ким бундай оғатларни ўз бошига текинга орттиришни истарди? Наастася балки менинг бу даҳриёна фикрларимдан дарғазаб бўлар, аммо...
Enfin tout est dit.

Албатта, у мана шундай арzon, қочириқ сўзларни ишлатиб, ўзини эркин фикрловчи одамдай кўрсатмаса, сира ўзига ўхшамай қоларди, зеро, унинг даврида бундай жайдари сўз ўйинларини қўллаш гуллаб яшнаган, мана ҳозир ҳам шундай қочириқ-киноя билан ўз-ўзини юпатар, аммо бу ҳеч қачон узокка чўзилмасди.

– О, канийди индин дегани, уни ўша якшанбаси ҳеч қачон етиб келмаса! – деб хитоб қилди у кутилмаганда каттиқ умидсизлик билан, – ёлғиз шу биттагина ҳафтанинг якшанбаси бўлмаса нима килади – *si le miracle existe?*⁹² Худо ўз йил, ой, кун ҳисобидан биттагина шу якшанбани ўчириб ташлай колса, нима киларди, а, жиллакурса, худосизга ўзининг куч-кудратини намойиш килиб кўрсатмасмиди? *Et que tout soit dit!*⁹³ О, мен уни қанчалар севардим! Йигирма йил, тўла йигирма йил, яна у мени ҳеч қачон тушунмаган!

– Лекин сиз кимни айтапсиз; мен ҳам сизни тушунмажман! – Сўрадим камоли ажабланиб.

– Vingt ans! Бир марта ҳам мени тушунмади, о, бу шафқатсизлик! Наҳот у мени қўркиб, муҳтоҷликдан уйланяпти деб ўласа? О, шармандали! Хола, хола, мен сенга бола!.. О, билсин, майли, ўша хола, мен йигирма йилдан бери ўз бошимга кўтариб келган бирдан бир ягона аёл эканини! У худди мана шуни билиши керак, бошқача бўлмайди, аксинча, мени ана шу се *qu'on appelle le*⁹⁴ никоҳ чамбараги тагига факат зўрлаб киритишлари мумкин!

⁹² Агар мўъжизалар бўлса (*франц.*).

⁹³ Майли, барни барбод бўлсин (*франц.*).

⁹⁴ Отинг кургур (*франц.*).

Мен бунчалар шаҳд-шиддат билан айтилган танбех
нұттарни биринчи марта эшитишим эди. Ростини айтсам,
түгдай кулгим кистаётганди. Мен ноҳақ эдим.

– Битта, битта менга шу қолди, битта нажот қолди! –
құллари билан қарсак уриб юборди у бошига келиб колған
әнгі бир фикрдан ларзага тушиб, – энди факат у менинг
бұсқора ўғлим, мени күтқаргай, эвоҳ, о, нега у шу чоккача
келмаётір! О, ўғилчам, о, менинг Петрушам... гарчи мен
ота деб атап мокқа номуносидирман, түғрироғи, менким,
йүлбарсдирман, бирок... *Laissez-moi, mon ami*⁹⁵, мен бироз
чұзилай, фикр-ўйларимни үйишишириб олай. Чарчадим,
гоятда чарчадим, сиз ҳам энди ётиб ухланг, *voyez-vous*⁹⁶,
соат ўн икки бүлди...

⁹⁵ Мени ўз холимга күйинг, азиз дүстим (*франц.*).

⁹⁶ Күриб турибсиз-ку (*франц.*).

ТҮРТИНЧИ БОБ

ЧҮЛОҚ ХОТИН

I

Шатов кайсарлик қилмай мен қолдирған хат бүйича пешин чоғида Лизавета Николаевнанинг хузурига келди. Биз бирга қадам ранжидә қылдик десак ҳам бўлади; мен ҳам бу ерга биринчি келишим. Улар барчалари, яъни Лиза, ойиси ва Маврикий Николаевич катта залда баҳслашиб ўтиришарди. Ойиси Лизадан фортепианода қандайдир бир вальсни ўйнаб беришни сўраган, кизи ўша вальсни чала бошлиганда, бу ўша вальс эмас, деб тихирлик қиласди. Маврикий Николаевич соддадиллик қилиб, Лизанинг ёнини олған ва бу айни ўша вальснинг ўзи деб ишонтиришга уринарди; кампир алами келиб, йиглаб юборганди. У касалга чалинган, оёқда базур юрарди. Унинг оёғи шишиб кетган ва мана бир неча кундан буён инжиклик қилас, арзимаган нарса учун тирнок остидан кир излар, шунга қарамай Лизадан бироз чўчиб ҳам туарарди. Бизни хурсанд бўлиб кутиб олишди. Лиза мамнуниятдан кизариб, Шатовни олиб келганим боис тегсі деб кўйди-да, унга кизиксиниб караганча пешвоз юрди.

Шатов эшик олдида ўнғайсизланиб туриб қолди. Лиза унга яхши келибсиз, деб миннатдорлик билдириб, ойисининг олдига олиб борди.

– Бу кишини сизга айтган эдим, жаноб Шатов, буниси жаноб Г-в, менинг ва Степан Трофимовичнинг яқин дўстимиз. Маврикий Николаевич ҳам кеча танишиб олди.

- Профессори қайси бири?
- Профессор йўқ бу ерда, ойи.

– Йўқ, бор, сен ўзинг айтгансан, профессор келади деб; балки манави бўлса керак, – деб у ижирғаниб Шатовни кўрсатди.

– Мен сизга хеч қачон профессор келади деб айтганим йўқ. Жаноб Г-в хизматда, жаноб Шатов эса собиқ талаба.

– Талабами, профессорми, бари бир университетдан. Сен баҳслашсанг, бас. Швейцариядагиси эса сокол-мўйловли эди.

– Ойим Степан Трофимовичнинг ўғлини доим профессор дейди, – деб Лиза Шатовни залнинг нариги ёғига олиб бориб, диванга ўткизди.

– Оёғи шишиб кетган мажалларда доим шунака бўлиб коладилар, тушунгандирсиз, касал, – деб шипшиди Лиза Шатовга, ҳамон уни ҳаддан ортиқ қизиксиниб кузатиб, айникса, бошидаги бир тутам хурпайган сочи тўхтовсиз эътиборини тортарди.

– Сиз ҳарбиймисиз? – деб сўради кампир мендан, Лиза мени раҳмсиз суратда у билан бирга колдирган эди.

– Йў-ўқ, мен хизмат қиласман...

– Жаноб Г-в Степан Трофимовичнинг кадрдон дўсти, – деб яна изоҳ берди Лиза шу заҳоти.

– Степан Трофимовичда хизмат киласизми? Ахир у ҳам профессор эмасми?

– Оҳ, ойижон-ей, сиз кечаси ҳам профессорларни туш кўриб чиқсангиз керак, – гаши келиб кичкирди Лиза.

– Ўнгимдагилари ҳам етиб ортади. Сен доим онангга гап кайтарасан. Сиз бундан тўрт йил аввал Николай Все-володович келганда, шу ердамидингиз?

Мен тасдиқлаб, жавоб бердим.

– Аллакандай инглиз киши ҳам сизлар билан бўлганимиди?

– Йўқ, бўлмаган.

Лиза кулиб юборди.

– Ана, кўрдингизми, хеч қанақа инглиз бўлмаган, ҳам маси гирт ёлгон. Варвара Петровна ҳам, Степан Трофимович ҳам икковлари ёлғон айтишган. Ҳаммалари ёлғончи.

– Холам ва Степан Трофимович кеча Николай Все-володовични Шекспирнинг «Генрих IV» асаридаги шаҳзода Гаррига ўхшайди, деб гапиришган эди, ойим шундан ке-

Ф. М. Достоевский

либ чикиб, инглиз йўқ эди-ку, деяптилар, – тушунтириди Лиза.

– Гарри бўлмаса, демак, инглиз ҳам бўлмаган. Факат Николай Всеволодовичнинг ўзи айланиб юрган.

– Ишонинг, ойим атай шундай деб айтапти, – Шатова тушунтиришни зарур топди Лиза, – ойим Шекспирни жуда яхши билади. Мен ўзим унга «Отелло»нинг биринчи кисмини ўкиб берганман; аммо ҳозир касали унга каттиқ азоб беряпти. Ойи, эшиздингизми, соат ўн иккига занг уряпти, дори ичадиган вактингиз бўлди.

– Доктор келди, – эшикда хизматкор киз кўринди.

Кампир ўрнидан кўзгалди ва кучукласини чақира бошлади: «Замирка, Замирка, лоакал сен юр, мен билан».

Кари, хунук, кичкина кучук Замирка унга кулок солмай, Лиза ўтирган диваннинг тагига кириб кетди.

– Хоҳламайсанми? Мен ҳам сени хоҳламайман. Яхши колинг, отагинам, сизнинг исми шарифингизни билмайман, – менга караб деди у.

– Антон Лаврентьевич...

– Э, бари бир, бир кулогимдан кириб, иккинчи кулогимдан чикиб кетади. Мени кузатиб ўтирманг, Маврикий Николаевич, мен фактат Замиркани чакирдим. Худога шукур, хали ўз оёғим билан юриб бораман, эртага эса сайрга чиқаман.

У жахл билан залдан чикиб кетди.

– Антон Лаврентьевич, сиз Маврикий Николаевич билан гаплашиб ўтиришинг, ишонинг, агар якиндан танишиб олсангизлар, ҳар икковларингизга фойда бўлади, – Лиза шундай деди-да, Маврикий Николаевичга дўстона жилмайиб қўйди, унинг бу нигоҳидан Маврикий Николаевич ял-ял яшнаб кетди. Мен бошка киладиган иш-хуш бўлмагач, Маврикий Николаевич ёнида қолдим.

II

Мен ҳайронман, Лизавета Николаевнанинг Шатов билан битирадиган иши фактат адабий ишларга тегишли экан. Нимагалигини ўзим ҳам билмайман-у, лекин менга

ни кандайдир бошқа бир нарса юзасидан чакиргандай үліб туюларди. Улар гап-сұzlарини биздан яширишмас, ғаланд овоз чикариб сүйлашар, шунинг учун биз Маврикий Николаевич билан бирга қулок солиб, тинглаб үтиардик; кейин улар бизни ҳам сұхбатта тортишиди. Ҳамма тап шунда эдики, Лизавета Николаевна анчадан буён үзининг назарida жуда фойдали китоб чикаришни мүлжаллаб юрар, аммо бу соҳада тамомила тажрибасизлиги сабабли биронта биладиган ходимга мухтож эди. У ўз режасини Шатовга шунчалар жиғдийлік билан тушунтирады, бундан ҳатто мен ҳам хайратта тушдим. «Янги чиққанлардан шекилли, ўйландым мен, бекорга Швейцарияда бўлмаган». Шатов кўзларини ерга тикиб, камоли дикқат билан тинглар, киборларга даҳлдор паришон бир ойимкиз ўзига ярашмаган бундай ишларга бел боғлаганлигидан, чамаси, сира ажабланмасди.

Қилиниши керак бўлган ишнинг ўзи бундай эди. Россияда, унинг пойтахти ҳамда вилоятларда жуда кўп газеталар-у бошқа журналлар чикарилиб, уларда ҳар куни турли воқеа-ходисалар баён этилади. Йил ўтган сайин газеталар токчаларга таҳланади ёки чикитга чикарилади, йиртилади, нарсалар ўрашга, қалпокчалар ясашга ишлатилиб кетади. Босиб чикарилган жуда кўп фактлар одамларда таассурот уйғотади ва уларнинг хотирасида колади, аммо орадан йиллар ўтиб, улар эсдан кўтарилади. Кўп кишилар кейин бунга қарагилари келади, лекин ушбу коғоз вараклари уммонида кўпинча содир бўлиб ўтган воқеанинг на куни, на жойи ва ҳаттоти йилини ҳам аник билмай, уни кидириш қанчалар машақкатли меҳнатни талаб килади. Ҳолбуки, бир йил давомида рўй берган барча фактларни тўплаб бир китобга жамланса, уларни маълум бир режа, маълум бир фикр асосида тартибга солинса, мундарижа, кўрсаткичлар тузилса, ой, кунлари кўрсатилса, ана унда бир бутун ҳолга келган тўплам бир йил давомида кечган рус ҳаётининг бутун хусусиятларини ифодалаб берган бўларди, ваҳоланки, фактлар ҳаётда аслида рўй берганига қараганда ҳаддан ортиқ даражада оз эълон этилади.

Ф. М. Достоевский

— Сон-саноксиз вараклар ўрнига бир нечта қалин китоб пайдо бўлади, тамом-вассалом, — деб қўйди Шатов.

Лекин Лизавета Николаевна фикрини қийналиб, нўноқлик билан баён этса-да, ўз ниятини кизгин маъқулларди. Китоб ўзи битта ва ҳаттоқи қалин бўлмаслиги керак, деб ишонтиришга тиришарди у. Лекин олайлик, у қалин ва шу билан бирга равшан бўлиши ҳам мумкин, чунки энг муҳими, режада ва фактларни қандай йўналишда тақдим этишда. Албатта, ҳаммасини тикиштириш ва кўчириш шарт эмас. Фармонлар, ҳукумат ишлари, маҳаллий фармойишлар, конунлар гарчи жуда муҳим фактлар хисобланса-да, аммо мўлжалланаётган нашрда уларни эътибордан сокит килиш мумкин. Жуда кўп нарсаларни четлаб ўтиб, ҳалкнинг маънавий хусусий хаётини, рус ҳалқининг айни ушбу дамдаги хосиятини у ёки бу даражада акс эттирувчи ҳодисаларни танлаш билан чекланиш лозим бўлади. Албатта, мажмуага ҳамма нарсаларни киритиш мумкин: ғалати-қизик воеалар, ёнгинлар, хайриялар, ҳар қандай яхши ва ёмон ишлар, ҳар қандай сўзлар ва нутклар, майли, дарёлар, сув тошқинлари, майли, ҳатто ҳукуматнинг баъзи фармойишлари, лекин булар ичидан факат даврни тасвирлайдиганларинигина танлаб олинади; барчasi маълум бир караш, йўналиш, максад-ният остида, яхши бир бутунлик, жамулжам ҳодисаларни ёритувчи фикр билан йўғрилади. Ниҳоят, китоб енгил ўқилиши билан ҳам қизикарли бўлиши, ранг-баранг маълумотлар бериши керак! Таъбир жоиз бўлса, бу бир йил ичидаги рус ҳаётининг маънавий-рухоний, ахлоқий, ички манзарасини гавдалантиргани зарур. «Ҳамма бу китобни сотиб олсин, бу китоб ҳамма уйларда ҳар куни стол устида турсин, ҳар куни ўқилсин, — уктиради Лиза, — билмайман, ҳамма гап режага боғлиқ, шунинг учун ҳам, сизга мурожаат киляпман», — сўзини тутатди у. Лиза жуда ҳам қизишиб кетди, гаплари чалароқ, мубҳамроқ, коронгирок бўлишига қарамасдан, Шатов барини англаб ета бошлади.

— Демак, қандайдир йўналиш бўлади, фактлар маълум бир йўналиш асосида жамланади, — гўнғиллади у ҳамон бошини ердан кўтармай.

Асло ундеймас, йўналиш асосида танланмайди, ҳеч
мана шу.

Э, йўналишнинг зарари йўқ, – кимирлаб қўйди Ша-
з. – бир нарсани қандайдир танлашга киришсангиз, ун-
чи кочиб қутулиб бўлмайди. Фактлар танланишининг
иданок уларни қандай тушунишни кўрсатиб туради. Бу
сикрингиз ёмон эмас.

– Бундан чиқди, шунака китобни чиқарсак бўладими?
Хурсанд бўлди Лиза.

– Кўриш ва фикрлаш керак. Бу ҳажми жуда улкан иш.
Ларров тўкиб ташлаш қийин. Тажриба зарур. Китобни
чиқарганимизда ҳам, қандай нашр этишини ўрганиб оли-
шимиз мушкул. Бунга кўп тажрибалар керак; аммо фикр
уч бериб турибди. Фойдали фикр.

Ниҳоят, у бошини кўтарди, кўзлари қувончдан пор-
тари, у бу ишга кизиқиб колган эди.

– Буни ўзингиз ўйлаб топдингизми? – мулоим бир
андиша билан сўради у Лизадан.

– Ўйлаб топиш қийин эмас, режа яратиш қийин, – жил-
маярди Лиза, – мен яхши тушунмайман, унча ақлли ҳам
эмасман, ўзимга равшан бўлган нарсани кўзлаяпман...

– Кўзлаяпсиз?

– Бу бошқача сўзми? – тез ўсмокчилади Лиза.

– Бу сўз ҳам бўлаверади; мен ўзимча...

– Чет элларда юрганимдаёқ менинг ҳам бирон нарса-
га фойдам тегармикин, деб ўйлардим. Пулим бор, аммо
бекор ётибди, мен ҳам умум ишига улуш қўшсам бўлмай-
дими? Бунинг устига бу фикр ўзидан-ўзи туғилди; уни ҳе-
чам ўйлаб топганим йўқ, бошимга келтириб хурсанд бў-
либ кетдим; аммо энди амин бўлдимки, ҳамкорсиз иложи
йўқ, чунки ўзим ҳеч нарсани билмайман. Албатта, ҳамкор
китобга ҳамнашрлик ҳам қиласи. Ишни ўртадан бўламиз:
сиз режа қиласиз ва иш юритасиз, ғоя эса мендан, жумла-
дан, нашр учун маблаглар ҳам. Китоб ўз ҳаражатларини
коплар дейман?

– Агар аниқ режа топсак, унда китоб тарқалади.

Ф. М. Достоевский

– Огохлантириб қўяй, мен пул ундиrmокчи эмасман, аммо китобнинг сотилиб тарқалиб кетишини жуда истайман ва фойда келтирса, бундан фаҳрланаман.

– Хўп, булаrнинг менга нима алокаси бор?

– Ахир мен сизни ҳамкорликка чакиряпман... тенг ярмига. Сиз режани тушиб чиқасиз.

– Мен режа килоламанми, йўқми, сиз қаердан биласиз?

– Менга сизни айтишган эди, бу ерда ҳам эшийтдим... биламан, сиз жуда ақллисиз... ҳам иш киляпсиз... ҳам кўп фикрлайсиз; Швейцарияда Пётр Степанович Верховенский сиз тўғрингизда менга айтган эди, – шошиб кўшимча килди у. – У жуда ақлли одам, тўғрими?

Шатов бир зум унга ялт этиб қаради, лекин шу захоти кўзини ерга кадади.

– Менга Николай Всеволодович ҳам сиз ҳакингизда кўп гапирган...

Шатов бирдан кизариб кетди.

– Айтганча, мана ўша газеталар, – Лиза тайёрлаб, чизимча билан боғлаб қўйилган бир ўрам газетани шошиб стулдан кўлига олди, – мен бу ерда фактларни танлаб белгилаганман, йиғиб ракамлар қўйиб чикканман... ўзингиз кўрасиз.

Шатов ўрамни олди.

– Уйга олиб боринг, қўриб чиқинг, сиз қаерда турализ?

– Богоявленский кўчасидағи Филипповнинг уйида.

– Биламан. У ерда сизга қўшни аллаким капитан турармиш, Лебядкин дейдими? – яна аввалгидай шошиб-пишшиб сўради Лиза.

Шатов кўлида ўрамни тутганча қўзғалиш тараддуудида бир дакика ерга тикилганча ўтириб колди.

– Бу ишларга сиз бошқа одамни чакирсангиз бўларди, сизга менинг фойдам тегмайди, – деди у ниҳоят қандайдир ғалати тарзда овозини пасайтириб, ҳатто пичирлаб.

Лиза дув кизарди.

– Қандай ишларни айтапсиз? Маврикий Николаевич!
– қичкирди у, – бояги хатни олиб келинг, илтимос.

Мен ҳам Маврикий Николаевичга эргашиб стол олди-
га бордим.

– Манавини қаранг, – бирдан менга қараб деди у, қат-
тик ҳаяжонланиб хатни очаркан. – Бирон марта сиз шун-
га ўхшаган нарсани кўрганмисиз? Илтимос, овозингизни
чиқариб ўкинг; жаноб Шатов ҳамма эшишини хоҳлар-
дим.

Мен ғоятда таажжубга тушиб куйидаги мактубни ово-
зимни чиқариб ўқидим:

«Баркамолалари кизпошша Тушинага,
Марҳаматли ҳазрат олиялари,
Елизавета Николаевна!

*O, қандайин жонона,
Лизавета Тушина,
Қардоши ёнида ҳамроҳ, отда учади,
Жамалак сочларин ўйнаб шамол қучади,
Она бирлан бирга у черковда тиз чўкади
Чехрагалар ўт бўлиб, ажаб лов-лов ёнади.
Мен қонуний никоҳ лаззатларин истарам,
Онаси-ю қизига кўз ёшларим йўлларам.*

Баҳсга нўноқ ўзим туздим.

Марҳаматли ҳазрат олиялари!

Ҳаммасидан ўзимга ачинурман, нега Севастополда
қўлдан жудо бўлмадим, мен у ерда бўлмадим, шараф-шон
топмадим, хизматда озик-овқат, кийим-бош ташидим,
тубан тушдим. Сиз-ку, кўхна бир илоҳа, мен эсам ҳеч
вакодурман, чексиз чексизликка тўйдим. Бунга шеър деб
қаранг, асло ортиқ эмас, зеро, шеър бари бир сафсата,
прозада бу дағал саналса, шеър жойида ўзини оқлар. Ма-
бодо, бир ҳужайрали жонивор инфузория оламни босган
сув томчисидан шеър битиб, бағишиласа, наҳот қуёш бун-
дан аччиқланур! Заррага заррабиндан бокинг. Петербург-

да йирик шохдор чорвалар олий киборлар жамиятининг одамсеварлик клуби ҳакли суратда отлару итларга шафқат билдириб, бир хужайрали жониворларга нафрат ёғдирса, ва уни мутлақ тилга олмаса, нега деганда ўзи шунгача ўсиб етмаган бўлса. Мен-да, ўсиб етмадим ул жониворга. Никоҳ фикри балки багоят кулгилидир, бироқ тезда со-бик икки юз жондан иборат мулк одам ғаразий томонидан бизнинг кўлга киур, сиз уни нафралланг. Яна бисёр гап айтурман, хужжатлар била бирга ҳатто Сибирга довур борурман. Таклифдан ҳазар килманг. Зарраи жониворнинг битиги байтда битилди. Капитан Лебядкин, тобе қуллари-дурман, бўш вактим кўп».

– Буни гирт маёт ва абраҳ одам ёзган! – кичкириб юбордим мен даргазаб бўлиб. – Мен уни биламан!

– Бу ҳатни мен кеча олдим, – ҳовликиб ва қизариб тушунтира бошлади Лиза, – мен ҳам дарров тушундим биронта тентак ёзганини, онамга ҳам ҳали кўрсатмадим, хафа бўлади деб. Аммо бу килигини у яна давом эттирадиган бўлса, билмадим, нима киламан. Маврикий Николаевич бориб келмокчи бу ишингни тўхтат деб. Мен сизга ҳамкор деб караганим учун, – Шатовга мурожаат килди у, – яна сиз ҳам ўша ерда яшаганингиз боисидан, сиздан сўраб билмокчийдимки, яна ундан нима кутиш мумкин.

– Бадмаст ва абраҳ, – тўнгиллади нохушлик билан Шатов.

– У ростданам шундай тентакми?

– Жудаям тентак деб бўлмайди уни ҳуши жойида пайтида.

– Мен бир генерални билардим, у ҳам худди мана шундай шеърлар ёзарди, – кулиб гап кўшдим мен.

– Ҳатто мана шу ҳатдан ҳам кўриниб турибди аклу ҳуши жойида эканлиги, – кутилмаганда орага кўшилди индамас Маврикий Николаевич.

– Унинг қандайдир бир синглиси бор эмиш? – сўради Лиза.

– Ҳа, синглиси бор.

– У синглисига зулм ўтказармиш, тўғрими шу?

Шатов яна Лизага каради, қовогини солди, «Менинг нима ишим бор!» – деб түнғиллаб, эшик томонга юрди.

– Ох, тұхтаб туринг, – ташвишланиб қичкирди Лиза, – Қаекка кетяпсиз? Биз хали күп нарсаларни гаплашиб олимиз керак...

– Нимани гаплашардик. Мен эртага жавобини айтаман...

– Энг асосий нарса босмахона ҳакида! Менга ишочинг, асло ҳазиллашаётганим йўқ, жиддий бир иш килмокчиман, – деб ишонтирмокчи бўларди Лиза борган сари каттиқрок ҳаяжонга тушиб. – Агар чиқарадиган бўлсак, каерда босамиз? Ахир бу энг муҳим масала, чунки бунинг чун биз Москвага бормаймиз, бу ердаги босмахоналарнинг эса бундай нашрга кучи етмайди. Мен анчадан бери ўз босмахонамни очаман деб юрибман, сизнинг номингизга а. онам ҳам рози бўладилар агарда сизнинг номингизга очилса...

– Мен босмахоначи бўламанми, йўқми, сиз қаердан биласиз? – қовогини уйиб сўради Шатов.

– Хали Швейцариядаёқ менга Петр Степанович айтган эди, босма ишларини билади, босмахонани бошқара олади деб. Ҳатто сизга ўзи хат ёзиб бермокчи эди, аммо мен унугибман.

Ҳозир эслайманки, Шатовнинг туси кочди. У яна бир зум серрайиб туриб колди-ю, сўнг чиқиб кетди.

Лизанинг фигони ошди.

– У ҳар доим шундай чиқиб кетадими? – менга ўтирилиб сўради у.

Мен елкамни кисиб турган эдим, бирдан Шатов орқасига қайтиб кирди, тўғри стол олдига борди-да, кўлидаги газета ўрамини кўйди:

– Мен ҳамкорлик килолмайман, вактим йўқ...

– Нега? Вой, нега? Сиз хафа бўлдингизми? – зориллаган овоз билан эланарди Лиза.

Кизнинг зориллаган саси афтидан уни ҳайрон қилиб кўйди; бир неча сония у қизнинг нақ юрагини укмокчи бўлгандай тикилиб назар солди.

— Бари бир, — түнгиллади у охиста, — мен хохламайман...

Шундан сүнг бутунлай кетди. Лиза хайратга тушиб ортик даражада анг-танг бўлиб колди, менга шундай туядди.

— Жудаям галати одам экан-ку! — баланд овоз билан деди Маврикий Николаевич.

III

«Галатилиги» рост, аммо бунинг ҳаммасида ноаник нарсалар кўп эди. Нималардир бунда назарда тутиларди. Мен мутлако бу нашрга ишонмасдим; кейин анови тентакнинг хати, унда «хужжатлар» бўйича аён бир чакув кўзда тутиларди, улар ҳаммалари бу хақда мик этиб оғиз очишмай, бутунлай бошқа нарсаларни гапиришди; ва ниҳоят, бу босмахона ва айнан, у борада сўз очилганда, Шатовнинг бирдан кетиб колиши... Буларнинг ҳаммасидан мен шундай фикрга келдимки, бу ерда хали мен келмаёқ бир гал бўлиб ўтган ва унинг нималигини мен билмасдим; бундан чикадики, мен бу ерда ортиқча эканман ва буларни барининг менга алокаси йўқ. Кетадиган вақт етган, илк ташриф учун шунинг ўзи кифоя киларди. Мен хайрлашиш учун Лизавета Николаевнанинг кошига бордим.

Мен хам шу ердалигимни у унугтандай эди чоги, стол ёнида ўйга ботганча, бошини эгиб, гиламдаги бир нуктага кўзини кадаган ҳолда турарди.

— Ох, сиз хам хайрлашасизми, — бидирлади у одатдаги эркаловчи охангда. — Степан Трофимовичга менинг саломимни етказинг ва бизникига тезрок келсин, уни кўндиринг, Маврикий Николаевич, Антон Лаврентьевич кетяптилар. Кечиринг, онам сиз билан хайрлашгани чиколмайдилар...

Мен чиқиб, пиллапоядан тушган хам эдимки, тўсатдан хизматкор менга остонаяда этиб олди:

— Бегойим жуда илтимос килдилар, кайтаркансиз...

— Бегойимми ё Лизавета Николаевнами?

— Ўзлари.

Лиза энди аввал биз ўтирган катта залда эмас, якинроқдаги бошка кабул хонасида эди. Анави залда энди Маврикий Николаевич ўзи ёлғиз колган, залга чикадиган эшик ҳам зичлаб ёпилганди.

Лиза менга жилмайды, аммо ранг-туси ўчган эди. У хона ўртасида талмовсираб, бир фикрга келолмай тик турарди; аммо бирдан күлимдан тутиб, индамай дераза олдига олиб борди.

– Мен уни дархол кўришим керак, – дея пицирлади у менга алангали, ўткир, бесабр нигохини кадаб, заррача рад жавоби олишни истамай, – мен уни ўз кўзим билан кўришим керак, менга сиз ёрдам беринг.

Унинг нихояти жазаваси тутган ва ноумид ҳолда эди.

– Кимни кўрмокчисиз, Лизавета Николаевна? – ўсмокчилааб сўрадим кўркув ичида.

– Анави Лебядкинани, чўлок хотинни... У ростан ҳам чўлокми?

Мен лол колдим.

– Уни хеч қачон кўрмаганман, аммо чўлок деб эшигганман, кеча ҳам эшиздим, – бидирладим мен ўзимни хизматга шай тутиб пицирлаганча.

– Мен уни албатта кўришим зарур. Сиз шу бугунок буни эплаштира оласизми?

Унга жуда каттиқ ачиндим.

– Бунинг иложи йўқ, ундан сўнг, буни қандок килишни ҳам мутлако билмайман, – уни кайтармоқчи бўлиб уриндим, – балки мен Шатовнинг олдига борсаммикин...

– Агар сиз эртага буни килмасангиз, мен бир ўзим унинг олдига бораман, нега деганда, Маврикий Николаевич бош торти. Менинг умидим фақат сиздан, менинг бошка хеч кимим йўқ; мен Шатовга тентак гапларни айтдим... Ишончим комилки, сиз мутлако софдил ва эхтимол, менга садоқатли одамсиз, факат эпини килинг.

Шунда унга ҳар қанча ёрдам керак бўлса, бажонидил бергим келди.

– Мен шундай килмоқчиман, – жичча ўйландим мен, – ўзим бораман, шу бугунок албатта, албатта уни кўраман!

Шундай қиласынан, албаттa күраман, сизга чин сүзимни бераман; факат Шатовдан күмак ўтишишга менга изн беринг.

– Унга айтингки, менинг истагим шу ва мен ортиқ кутолмайман, лекин боя мен уни лакиллатганим йўқ эди. Эҳтимол, у жуда ҳалол одам бўлгани учун кетиб қолгандир ва унга худди мени лакиллатаетгандек туюлгандир. Мен лакиллатмадим; мен чиндан китоб чиқариш ва босма ташкил этишини истайман…

– У ҳалол, ҳалол, – қизишиб тасдиқладим мен ҳам.

– Ишқилиб, эртага бўлмаса, унда ўзим бораман, нима бўлса бўлар, ҳамма билса билар.

– Мен эртага соат учдан олдин сизникига келолмайман, – писанда қилиб қўйдим сал ҳушим ўзимга келиб.

– Бундан чиқди, соат учда. Бундан чиқди, мен кеча Степан Трофимовичнида сизни ўзимга садоқатли одам, деб тўғри тахмин қилган эканман-да? – жилмайди у менга шоша-пиша хайрлашгани қўлини узатиб ва ёлгизланиб колган Маврикий Николаевичнинг ҳузурига интилиб.

Мен бериб қўйган ваъдамнинг юқидан эзилиб ташқарига чиқдим, мен нима бўлганлигини англолмасдим. Ҳар холда нотаниш бир эркакка ўз сирини очишдан кўркмаган бир кизнинг ҳақиқий түғёни менга аён эди. Унинг шундай мушкул дамда муnis табассуми ва кеча менинг юрагимдан ўтган туйғуларни пайқагани ҳақидаги ишораси кўксимни тарс ёргандай бўлди; лекин факат мен унга ачинардим, ачинардим, – тамом вассалом! Унинг сиру асрорлари мен учун бирдан мұқаддас бир нарсага айланди, ва мабодо ҳозир, шу тобда уларни менга ошкор қила бошласалар, унда афтидан мен кулокларимни беркитиб олган ва ортиқ эшлишни истамаган бўлардим. Мен факат олдиндан ниманидир сезгандай эдим… Бирок шундай бўлса ҳам, мен қандай бу ишни эплашимни сира билолмасдим. Бу ҳам етмагандай, мен ҳар қалай ҳозир ҳам нимани қандай ки-лишни англамасдим, учрашувми, аммо қандай учрашув? Уларни бир-бирлари билан қандай кўриштириш керак? Бутун умид Шатовдан эди, лекин олдиндан билар эдимки,

у менга ҳеч кандай ёрдам бермайди. Аммо бари бир унинг кошига югурдим.

IV

Факат хуфтонга бориб мен уни уйидан топдим. Унинг олдида меҳмонлар ўтирганидан ажабландим, уларнинг бирин Алексей Нилич бўлиб, иккинчиси Шигалев деган алаким, мен уни унча танимасдим, у Виргинскийнинг хоти-нига туғишган aka бўларди.

Бу Шигалев дегани икки ойлардан буён шаҳримизда меҳмон эди; каердан келгани менга номаълум; унинг тўгрисида факт шуни эшитган эдимки, у битта Петербургдаги тараққийпарвар журналда кандайдир бир мако-ла босиб чиқарган экан. Виргинский мени у билан кў-чада тасодифан таништирганди. Умрим бино бўлиб мен бундай шумшайган, тунд, бадковоқ башарани кўрмаган эдим. У худди дунёning вайрон бўлишини кутаётгандек каарди, яъни башоратларга кўра качонлардир рўй бери-ши ёки рўй бермаслиги мумкин бўлган нарса эмас, бал-ки баайни анақа-манақа эрта ўтиб индинига эртаминан, соат ўндан роса йигирма беш дақика ўтганда юз беражак ҳодиса. Вокеан, биз ўшанда бир оғиз ҳам гаплашмадик, худди икки тил бириктирган одамдай бир-бирамизнинг кўлимизни кисиб кўйдик. Ҳаммадан бурун мени унинг гайритабиий даражада катта, узун, ялпок ва гўштдор, кандайдир ўзгача дикрайган кулоклари ҳайратга солди. Унинг ҳаракатлари ковушмаган ва симиллаган эди. Агар Липутин бизнинг вилоятимизда фаланстера качон бўлма-син рўёбга чиқишини орзу қиласа, бу одам бунинг качон ва қаерда, кай соатда рўй беришини аник биларди. У менда қўркинчли бир таассурот колдириди, ҳозир уни Шатовнинг уйида кўриб, мен ғоятда ажабсиндим, ваҳоланки, Шатов-нинг умуман меҳмон кутишга тоқати йўқ эди.

Пиллапояданоқ улар ҳар учовлари баравар баланд овоз чиқариб гаплашаётгандари эшитилиб турар, айти-дан, ниманидир тортишардилар; лекин мени кўришлари

Ф. М. Достоевский

биланок жим бўлишди. Улар тик оёқда туриб баҳлашар ва энди ҳаммалари ўтиришди, инчунин, менга ҳам ўтиришга тўғри келди. Маъносиз сукут тўла уч дақиқага чўзилди. Шигалев гарчи мени таниган бўлса ҳам, ўзини танимаганга солди, ғараз туфайли эмас, балки ўзи шундок. Алексей Нилич билан бир-биримизга енгил бош эгиб қўйдик, сўз котмадик ва негадир қўл олишиб сўрашмадик. Нихоят, Шигалев менга қовогини солиб, жиддий нигоҳ югуртди, шундай килсам, у туриб чиқиб кетади деб соддадиллик килди, шекилли. Нихоят, Шатов стулдан қўзғалиб тик оёқка турди, шунда негадир бошқалар ҳам бирдан оёқка калкишди. Улар ташкариға хайр-хўшлашмасдан чикишди, факат Шигалев эшик олдига борганда кузатиб чикаётган Шатовга деди:

- Эсингизда бўлсин, сиз ҳисоб берасиз.
- Тупурдим ҳисоб-китобига, мен ҳеч нарсага жавоб гар эмасман, – деб уни кузатиб қўйди Шатов ва эшикнинг илгагини илди.
- Лойхўраклар! – деди у менга караб ва оғзини иршайтириб кулди.

Унинг башарасидан жаҳли чиккани сезилиб турар, ўзи биринчи бўлиб сўзга оғиз очгани менга ажабтовур туяларди. Одатда мен унинг олдига кириб қолсам (воеан, камдам-кам ҳолларда), у доим тумшайиб бурчакка бориб ўтирад, тўнг жавоб килар ва факат анча вакт ўтгандан сўнг у бироз жонланар ва мамнуният билан сўйлашарди. Инчунин, хайрлашаётганда, яна ҳар доим албатта қовок-тумшугини уяр ва ўз шахсий ғанимини сўкиб чиқараётгандек, сизни кузатиб қўярди.

- Мен кеча анов Алексей Ниличнида чой ичдим, – дедим мен, – у даҳрийлик васвасасига тушган, шекилли.
- Русларнинг даҳрийлиги ҳеч качон кочириқдан нарига ўтмаган, – тўнгиллади Шатов олкинди шамнинг ўрнига янгисини қўяркан.
- Йўқ, у менга калакачи бўлиб туюлмади; у кочирик у ёқда турсин, содда килиб гапиришни ҳам билмайди, шекилли.

– Қоғоздан чиккан одамлар; булар бари фикр ялтоқ-иклари, – бамайлихотир деди Шатов бурчақдаги стулга икки күлини тиззасига тираб ўтиаркан.

– Бунга нафрат-адоват ҳам күшилган, – деди у бироз әм тургач, – агарда Россия, ҳатто улар айтганча, қандай-дир бирдан бошқача бўлиб колганда ва қандайдир кутилмаганда чексиз бой-бадавлат ва хуррам-бахтиёр бўлиб кетса, улар ҳаммадан бурун ўзларини ғоятда бахтсиз деб сезардилар. Ана унда улар нафрат ёғдирадиган киши колмасди, кимнинг башарасига тупуришни, нимани таҳкирлашни билишмасди! Бунда факат Россияяга битмас-туганмас ваҳшиёна нафрат бор, холос, у вужуд-вужудларига сингиб кетган... Ва бунда кўзга кўринмас кулги тагида ҳеч қандай кўз ёшлар ҳам йўқ дунёга кўринмайдиган! Рус леганингизда ҳеч качон худди мана шу кўзга кўринмас кўз ёшлар ҳакидаги сўздан ортиқ сохта сўз айтилмаган, ха! – деб кичқириди у қаҳрга миниб.

– Вой-бў, нималар деяпсиз асти! – кулиб юбордим мен.

– Сиз эса – «мўътадил либерал» экансиз, – кулиб деди Шатов ҳам. – Биласизми, – деди у бирдан, – мен балки «фикр ялтоқлиги» хусусида ошириб юборгандирман. Бунга жавобан сиз дархол айтсангиз керак: «У сен малайдан туғилган, мен малай эмасман», деб.

– Асло ундаи демокчи эмасман... кўйинг-э!

– Э, сиз узр сўраманг, мен сиздан кўркмайман. Ўшанда мен малайдан туғилганман, энди эса ўзим ҳам малайга айландим, худди сизга ўхшаган. Бизнинг рус либералимиз энг аввало малай ва доим кимнинг этигини тозалаб кўйсам экан, деб караб туради.

– Этик дейсизми? Бу нима ўхшатиш?

– Ўхшатишга бало борми? Нима, куляпсизми... Степан Трофимович тўғри айтди, мен тош остида ётибман, босилганман, аммо мажакланган эмасман, факат тўлғаняпман; у буни яхши ўхшатди.

– Степан Трофимович сизни немисларга берилиб кетган дейди, – кулдим мен, – ҳар қалай, биз немислардан бирон нарсалик бўлиб, чўнтағимизга урганмиз.

– Йигирма тийин олиб, юз рубль берганмиз.

Бир зум жим колдик.

– Э, у буни Америкада ётиб орттирган.

– Ким? Нимани орттиради?

– Мен Кирилловни айтяпман. Биз у ёқда түрт ой у билан ёгоч уйда ерда ётганмиз.

– Наҳотки Америкага боргансиз? – хайрон бўлдим. –

Буни аввал ҳеч айтмаган эдингиз.

– Нимасини айтади. Уч йил бурун биз охирги пули-
МИЗНИ сарфлаб, уч киши бўлиб мухожирлар кемасида
Америка Штатларига йўл олганмиз, «Америка ишчиси-
нинг ҳастини ўз устимиизда синааб кўрмоқчи, шу тариқа
шахсий тажрибамиизда инсоннинг энг оғир ижтимоий
аҳволини билмоқчи бўлганмиз». Щундай максад билан у
ёкка бориб колдик.

– Худойим-ей! – кулиб юбордим мен. – Э, бунинг учун
энг яхиси, ўзимизнинг биронта вилоятга ўрим пайтида
борсанглар бўларди, «шахсий тажриба» қандок бўлишини
кўрардинглар, Америкага жўнаб юборибсизлар-да, а?

– Биз у ерда бир золим эксплуататорга ёлландик: бар-
ча руслар УНИКИДА ОЛТИ КИШИ ЭДИК – талабалар, хатто
мулкларини ташлаб келган помешчиклар, хатто зобитлар
ҳам бор эди, ҳаммамиз ўшандай юксак улутвор Максадни
олдимизга қўйганмиз. Ишга шўнгигб кетдик, жикка тер-
га тушамиз, азобимизни еймиз, итдай чарчаймиз, охири,
мен билан Кириллов кетиб колдик – мазамиз қочди, дош
беролмадик. Эксплуататор хўжайнин ҳисоб-китобда бизни
ЧУМИЧДА ҚОҚДИ, келишилган ўттиз доллар үрнига менга
саккиз, унга ўн беш доллар тўлади; бир эмас, бир неча ма-
ротаба калтакландик ҳам. Ана шундай қилиб, ўша ердаги
شاҳарчада биз Кириллов билан тўрт ой ишсиз ерда ётган-
миз ёнма-ён; мен бир нарсани ўйласам, у бошқа нарсани
ўйларди.

– Наҳот, хўжайнин сизларни урган бўлса, Америкадай
жойда-я? Роса уни сўккан бўлсангиз керак?

– Ҳеч-да. Аксинча, биз Кириллов билан дархол шун-
дай карорга келдик: «биз, руслар америкаликлар олди-

да ёш болалардекмиз, уларнинг даражасига етиш учун ё Америкада туғилиш ё ҳар калай, улар билан узок йиллар бирга ёнма-ён яшаш керак». Э, нимасини айтасиз: арзимаган бир тийинлик нарса учун биздан бир доллар талаб килишганда, биз жон-жон деб тўлар ва бундан роҳатла-нардик. Биз кўзимизга нима кўринса, хаммасини мактар-дик: спиритизм дейсизми, Линч қонуними, револьверларми, дайдилар. Бир куни йўлда кетаётган эдик, бир киши чўнтағимга тушиб, соч тарогимни олди-да, бошини тарай бошлади; биз Кириллов билан кўз уриштиридик, холос ва бу жуда яхши-ку, дедик ва бу бизга накадар ёқади...

– Жуда ғалати-я, бу нарсалар калламизга келганидан ташқари, яна рӯёбга ҳам чикади-я, – деб қўйдим мен.

– Қоғоздан чиккан кишилар, – тақрорлади Шатов.

– Бирок гарчи «шахсий тажриба» учун бўлса ҳам, муҳожирлар кемасида номаълум бир ерга океанинни кесиб ўтишлик – ўлай агар, бу ерда яна аллақандай олийжаноб катъият ва матонат мавжуд... Яна қандай килиб у ердан кайтиб келдингиз?

– Мен Европага бир кишига хат ёздим, у менга юз рубль жўнатди.

Шатов бу сўзларни айтаркан, доим ерга бир нуқтага тикилиб кўзларини узмас, ҳатто кизишиб кетган чоғларида ҳам бу одатини тарқ этмасди. Шунда у бирдан бошини кўтарди:

– Кимлигини билишни истайсизми?

– Ким экан?

– Николай Ставрогин.

У бирдан ўрнидан турди, ўзининг аргувон ёзув столига ўтирилди ва ундан ниманидир кидира бошлади. Бизда мавхумрок бўлса-да, аммо ишончли бир гап тарқалган эди, унинг хотини Парижда бир қанча вакт Николай Ставрогин билан алокада бўлган эмиш ва бу воқеа баайни бундан икки йил аввал, демак, Шатов Америкада юрган чогида юз берган, – яна шуниси ҳам ростки, бу эри билан Женевада ажрашгандан анча кейин бўлиб ўтган. «Мабо-

до, бу гап рост бўлса, нима қиласди ҳозир бу номни тилга олиб, айлантириб?» деган хаёл ўтди мендан.

— Мен унга ҳалигача бу пулни қайтарганим йўқ, — бирдан у яна менга ўгирилиб қаради-да, менга каттиқ синчилаб тикилиб, яна бурчакдаги ўз жойига ўтириди ва бутунлай бошқа овоз билан узук-юлук сўради:

— Сиз бирон иш билан келгандирсиз; нима керак сизга?

Мен дархол барчасини солнома тартиби бўйича сўйлаб бердим, кейин яна қўшимча қилиб қўйдимки, боя кизик устида бўйнимга олиб қўйибман, энди эс-хушим жойига келиб ўйлаб қарасам, баттар фикрим чалкашибди: бу нарса Лизавета Николаевна учун нихоятда мухим ЭКАНЛИГИНИ тушундим, жуда ёрдам бергим келяпти унга, аммо ҳамма ишқал шундаки, берган ваъдамнинг устидан қандай чиқиши билмайман, ундан ҳам баттарроғи, унга нима деб възда берганимни ҳам билмайман. Шундан сўнг, унга бутун ишонч-эътиборни ўртага қўйиб айтдимки, ойимкиз сизни лакиллатишни асло истамаган ва ҳатто буни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди, бу ерда бироз англешимовчилик бўлди, ойимкиз сизнинг кутилмаганда кетиб қолганингиздан қаттиқ ранжиди.

У камоли диккат билан эшитди.

— Одатим курсин, мен кеча ҳақиқатан тентаклик килдим... Мен нега бундай кетганимни мабодо ўзи тушунмаган бўлса, унда... ўзига яхши.

У ўрнидан турди, эшикка борди, уни қия очиб эшик томонга қулоғини тутди.

— Бу зотни ўзингиз кўрмокчимисиз?

— Зарури ўзи шу, аммо буни қандай қилиш мумкин? — ўрнимдан туриб кетдим суюниб.

— Шундок бораверамиз, бир ўзи ўтирибди. Биз келганимизни билса, акасидан калтак ейди. Мен қўпинча биллинтирмай кириб чиқаман. Акаси ҳали яна уни ура бошлаган эди, мен босиб қўйдим.

— Ростдан-а?

– Ростдан; сочидан чанглаб тортиб олдим, мени урмокчи эди, уни кўркитиб қўйдим, шу билан гап тугади. Агар маст-аласт бўлиб келса, эсига тушиб, яна аямай савайди.

Биз дарҳол пастга тушдик.

V

Лебядкиннинг эшиги кия очик, биз бемалол ичкарига кирдик. Уй унча катта бўлмаган иккита искирт, деворларини мөгор босган, бир пайтлар ёпиширилган когозлар йиритилиб-осилиб ётган хонадан иборат эди. Бир маҳаллар бу ер бир неча йил ошхона бўлган, кейин бу жойнинг хўжайини Филиппов уни янги жой солиб кўчирганди. Ҳозир ўша ошхона вазифасини бажарган хоналар энди бўш, улар беркитиб кўйилган, манави икки хонада эса Лебядкин истиқомат қиласарди. Хонада оддий тахта ашёлар, оддий тахта столлар ва битта ён суянчиги йўқ эски кресло жойлашганди. Иккинчи хонанинг тўрида устига чит адёл ёпилган кравот турар, у *mademoiselle* Лебядкинага тегишли бўлиб, капитаннинг ўзи эса ҳар кечя тўғри келган жойда уст-бoshини ҳам ечмай ухлаб коларди. Ҳаммаёқ искирт, ивирсик, шиптири эди; биринчи хонанинг ўртасида катта, семиз, бутунлай ҳўл латта ётар, яна шу ернинг ўзида кўлмакда эски босиб ташланган бошмок кўринарди. Бу ерда ҳеч ким ҳеч қачон қўлини совуқ сувга урмаслиги кўриниб турарди; печларга ўт ёкилмас, таом тайёрланмасди; Шатовнинг айтишича, уларнинг самоварлари ҳам йўқ эди. Капитан ўз синглиси билан бирга бу ерга қашшок ҳолда келган ва Липутин айтмоқчи, ҳакикатан, баъзи хонадонларга тилашиб, эланиб бориб юрарди; лекин кутилмаганда, кўлига аллақайдан пул тушиб, дарҳол ароқхўрликка муккасидан кетган, ичкиликбозликдан эс-хушини йиғиштиролмай колган, уй, хўжалик ишлари билан бутунлай шуғулланмай кўйганди.

Мен жуда ҳам кўргим келган *mademoiselle* Лебядкина иккинчи хонанинг тўрида тахтадан ясалган ошхона сто-

ЛИ ОРТИДА ТАХТА СҮРИДА ЖИМГИНА, КИМИРЛАМАЙ ЎТИРАРДИ. БИЗ ЭШИКНИ ОЧИБ КИРГАНДА, У ОВОЗ ЧИКАРМАДИ, ХАТТО ЖОЙИДАН ҚИМИРЛАМАДИ. ШАТОВНИНГ ҲИКОЯ ҚИЛИШИЧА, УЛАРНИНГ ЭШИГИ ҲАМ ЁПИЛМАС, БИР КУНИ ЭСА КЕЧАСИ БИЛАН ДАХЛИЗ ШУНДОК ЛАНГ ОЧИК КОЛГАН ЭДИ. ТЕМИР ШАМДОНДАГИ ИНГИЧКА ШАМНИНГ ХИРА ЁРУГИДА МЕН ЁШИ БАЛКИ ЎТТИЗЛАРГА БОРИБ КОЛГАН АЁЛ КИШИНИ КЎРДИМ, У КАСАЛМАНД, ОЗГИН, ЭСКИГИНА ҚОРАМТИР ЧИТ КЎЙЛАКДА, УЗУН БЎЙНИ ЯЛАНГОЧ, КОРА СИЙРАКРОК СОЧЛАРИ ЭНСАСИГА ИККИ ЯШАР ГЎДАКНИНГ МУШТИДАЙ ҚИЛИБ ТУРМАКЛАБ КЎЙИЛГАНДИ. У БИЗГА БИРОЗГИНА ШЎХ-КУВНОК НАЗАР ТАШЛАДИ; УНИНГ ОЛДИДАГИ СТОЛ УСТИДА ШАМДОНДАН ТАШҚАРИ КИЧКИНА ҚИШЛОҚ ОЙНАСИ, ЭСКИ ҚАРТА ТАХЛАМИ, ТИТИЛИБ КЕТГАН КАНДАЙДИР ЭСКИ КЎШИКЛАР КИТОБЧАСИ ВА БИР ЁКИ ИККИ МАРОТАБА ТИШЛАНГАН НЕМИС ОК ЮМШОК НОНИ ТУРАРДИ. *Mademoiselle* Лебядкина упа-элик суриши, лабларини нима биландир бўяши кўзга ташланарди. Узун, ингичка, корамтиришларига ҳам сурма тортилғанди. Торгина баланд манглайига ёғ-упа суртилганига қарамай, учта узун ажин ЧИЗИҒИ ТУШГАНДИ. МЕН УНИНГ ОЁФИ ОКСАШИНИ БИЛАРДИМ, ЛЕКИН БУ САФАР БИЗНИНГ ОЛДИМИЗДА У ЎРНИДАН ТУРГАНИ ҲАМ ЙЎҚ, ЎРГАНИ ҲАМ ЙЎҚ. Навраста ёшлик чоғлари, хозир сўлиган юзи эхтимол кўхлик ҳам бўлган-дир; аммо унинг осуда, меҳрибон, кўкимтиришлари ҳозир ҳам жозибадор эди; унинг мулоийим, шўх боккан нигохида кандайдир орзу-хаёллар ва самимият барк уради. Кулогимга Чалингган казак камчиси-ю акасининг бебошликлари ҳакидаги гап-сўзлардан сўнг унинг жилмайиб туришида ҳам ифодаланган осуда ва гоятда мулоийим кувнонклик мени ҳайрон килиб кўйди. Кизифи, мана шунака, худонинг жазосига йўлиқкан барча хилкатлар кошида одатда одамда пайдо бўладиган қўркув аралаш нафраталиниш ўрнига, биринчи қараганимдаёқ менга истарасининг иссиклиги ёқди, кейин мени нафрат эмас, фақат ачиниш туйғуси тамомила эгаллаб олди.

— Кун бўйи мана шундай ёлғиз, битта ўзи ўтиради, КИМИРЛАМАЙДИ, ФОЛ ОЧАДИ Ё ОЙНАГА ТЕРМУЛАДИ, — ОСТОНАДАН УНИ МЕНГА КЎРСАТИБ ДЕДИ ШАТОВ, — АКАСИ УНИ БОКМАЙ-

ди ҳам. Нариги уйдаги кампир гоҳида худо йўлига бирон нима олиб келади; қандай килиб уни ёниб турган шам олдида ёлғиз қолдириш мумкин!

Ҳайрон қоладиган томони, Шатов худди хонада аёл йўқдай баланд овоз билан сўйларди.

– Салом, Шатушка! – очик чехра билан қаршилади *mademoiselle* Лебядкина.

– Мехмон бошлаб келяпман, Марья Тимофеевна, – деди Шатов.

– Мехмоннинг иззати ўзида. Кимни олиб келдинг, билмайман, бунакаси эсимда йўқ, – у шам ортидан менга синчилаб қаради-да, яна шу заҳоти Шатовга мурожаат килди (кейин бутун гаплашиб ўтириш асносида худди мен унинг олдида йўқдай ҳеч иши-хуши бўлмади).

– Тор уйда у ёқдан-бу ёкка юравериб дикқинафас бўлиб кетгандирсиз? – деб кулди у, шунда икки қатор оплок ажойиб текис тишлари кўриниб кетди.

– Зерикдим ҳам, сени ҳам кўргим келди.

Шатов скамейкани столга якин суриб, ўзи ҳам ўтириди, мени ҳам ёнига ўтқизди.

– Гаплашсам, кўнглим очилади, фақат сенга карасам кулгим кистайди, Шатушка, худди роҳибга ўхшайсан. Сочинги қачон тараган эдинг? Кел, сочинги тараф кўяй, – у чўнтағидан тарок чиқарди, – ўтган сафар тараганимча, кўл ҳам теккизмагандирсан, ҳойнаҳоӣ?

– Э, менинг ҳатто тарофим ҳам йўқ, – кулди Шатов.

– Ростданми? Унда сенга ўзим тарок бераман, буни-мас, бошқасини, фақат эсимга сол.

У камоли дикқат билан Шатовнинг сочини тараашга тушди, ён томондан ҳатто фаркини чиқарди, ўзини бироз орқага ташлаб, яхши чиқдими, деб қаради ва ниҳоят, тарокни яна чўнтағига солиб кўйди.

– Биласанми, Шатушка, – бошини чайқади у, – ўзинг ақлли кишисан-у, зерикиб юрасан. Сизларнинг ҳамман-гизга караб ҳайрон бўламан; одамлар нимага зерикишини тушунмайман. Кайгу зерикиш эмас, менинг димогим чоғ.

– Аканг билан ҳам димогинг чоғми?

Ф. М. Достоевский

– Лебядкинни айтяпсанми? У менинг малайим. Менга бари бир, у шу ердами, шу ерда эмасми? Уни чакириб айтаман: «Лебядкин, сув олиб кел, Лебядкин, оёқ кийимин бер деб», – у чопқиллаб килади; баъзан хаддингдан ошасан, унга кулгим кистайди.

– Худди ўзи, худди ўзи, – яна андиша килиб ўтиrmай баланд овозда деди менга Шатов, – у акасини худди малайдай нукийди; «Лебядкин, сув келтир», деб кичкиргани ва ҳаҳолаб кулганини ўзим эшитганман; фарки шундаки, у сув олиб келиш учун югурмайди, балки синглисини қалтаклайди; аммо синглиси ундан заррача кўркмайди. Унинг ҳар куни қандайдир асаб тутқаноғи тутади, шундан кейин эси кетади, ҳамма нарсани унугтади ва доим вактни чалкаштириб юради. Биз кириб келган вактимизни у эслайди деб ўйлайсизми, балки эслар ҳам, аммо чамаси, ҳаммасини ўзича ўзгартириб юборган, энди у бизни қандайдир бошка одамлар ўрнида кўради, лекин мен Шатушка эканлигим эсида туради. Менинг бакириб сўзлаётганимнинг ҳечкиси йўқ; у билан гаплашмаётгандарни у дарҳол тингламай кўяди ва шу заҳоти ўз хаёлларига гарк бўлади; ха, баайни гарк бўлади. Ҳаддан ташкари хаёлпаст; саккиз соатлаб, уззу кун бир жойда ўтиради. Ана олдида юмшоқ нон турибди, уни эрталабдан бери факат бир марта тишилаган бўлса керак, колганини эртага ейди. Мана энди қартада фол кўра бошлади…

– Фол очишга очаман-а, Шатушка, лекин қандайдир бошқача нарсалар чиқади, – илиб кетди бирдан Марья Тимофеевна охирги айтилган сўзларни илғаб колиб ва, карамай чап қўлини юмшоқ нонга чўзди (афтидан, буни ҳам эшишиб қолиб). Нонни қўлига тутди, лекин уни чап қўлида бир неча вакт ушлаб тургач, гапфа берилиб кетиб, ўзи ҳам эътибор бермай яна жойига кўяди, бир тишилам емади. – Нуқул бир хил чиқади: йўл, ёмон киши, кимнингдир макри, ўлим тўшаги, қаёқдандир келган хат, кутилмаган ҳабар – ҳаммаси ёлғон нарсалар бўлса керак, Шатушка, сен нима деб ўйлайсан? Ҳамонки, одамлар ёлғон гапиришаркан, нега энди карталар алдамасин? – у бирдан карталарни

аралаштириб ташлади. – Шуни бир маҳал Прасковья она-га айтсам, жуда табаррук аёл, олдимга картада фол кўриш учун игуменя-онадан яширикча хужрамга келарди. Бир у эмас, бошкалари ҳам келишарди. Ох-воҳ килишиб, бошларини чайкашиб, уни каранг, муни каранг килишарди, мен эса кулардим: «Ўн икки йилдан бери келмаган хат яна қачон келади, онагинам Прасковья», дердим. Унинг кизини эри кайларгадир Туркияга олиб кетган, ўн икки йилдан бери дом-дараги йўқ. Буни карангки, эртасига кечки пайт игуменя-онанинг хужрасида (у князлар уругидан бўлади) чой ичиб ўтирувдик, яна битта қандайдир хаёлпараст бегойим ва яна менга ўзи кизикчирок туюлган афон роҳиби меҳмон бўлиб келган экан. Нима экан десанг Шатушка, ўша роҳиб чол ўша куни эрталаб Прасковья онага Туркиядаги кизидан хат олиб келган экан – ана сенга гиштин валет – кутилмаган хат-хабар! Чойни ичиб ўтирибмиз, афон роҳиби игуменя-она, парвардигор сизнинг хонакоҳингизни муборак назари билан бархурдор айладиким, саждагоҳ пучмоқларида шундай бебаҳо ҳазинани асраб келмоқдасиз, бунга нима етсин дунёда». – «Қанақа ҳазинани айтаяпсиз?» – деб сўради игуменя-она. – «Девона Лизавета она-чи». Бизда олди тўсик билан уралган девор ичига бир саржин узунасига ва икки газ баландламасига бир катак ясалган. Лизавета девона шу катакда темир тўсик ортида ўн етти йилдан бўён ўтиради, ёзин-кишин ёлғиз бўз кўйлак кияди ва доим ё хас чўп биланми, ё биронта ҳалачўп биланми, кўйлагини нукиб савагани-саваган, бир оғиз сўз айтмайди, ўн етти йилдан бери на ювинади ва на қашинади. Қишида унга пўстинча беришади ва ҳар куни бир бурда нон билан бир товок сув тутишади. Художўйлар кўриб ох-воҳ килишади, ачинишади, пул кўйишади. «Мана шундай ҳазина топғанмиз», дейди игуменя-она (жаҳли чиқди; Лизавета девонани жинидан ҳам ёмон кўрарди), – Лизавета факат алам-аччик килиб ўтирибди, ҳаммасига қашшанглиги сабаб, ҳаммаси факат фирибгарлик. Менга бу нарса ёқмади; ўша пайтлар мен ўзим ҳам узлатга ётсаммикин,

Ф. М. Достоевский

деб юрардим. «Менимча, дедим мен ўшанда худо ва табиат ҳаммаси битта нарса». Улар ҳаммаси шунда: «Ана холос!» – деб юбориши. Игуменя-она кулиб юборди, бегойим ниманидир шивирлашиб гаплашди, мени ёнига чакириб эркалатди, бегойим эса менга пушти рўмолча совга қилди, хохласанг, кўрсатаман? Роҳиб чол эса дарҳол менга насиҳат килишга киришди, мулоийим ва юмшок гапирди, гапларидан акл ёгилиб турарди; тинглаб ўтиридим. «Тушундингми?» – деб сўради. «Йўқ, дедим, ҳеч ВАКО тушунмадим, мени ўз ҳолимга тинч кўйинг», дедим. Ана ўшандан бўён улар мени бутунлай ўз ҳолимга ёлғиз кўйишган, Шатушка. Яна черковдан чикиб келаётганимизда бир кекса роҳиба кулоғимга: «Модари худо кимдир, нима дейсан?» – деб шивирлади. «АЗИЗ ва АЗИМ она, деб жавоб бердим, бутун одамзоднинг умиди». – «Шундай, дейди, модари худо-азиз ва азим она – кора гил тупрок бўлади, одам боласига ундан азим шодлик етади. Ва заминдаги ҳар кандай кайғу ва ҳар кандай заминда тўкилган кўз ёш – биз учун шод-хуррамлиkdir; сен ўз кўз ёшларинг билан остингдаги кора ерни ярим кулоч чуқурликда сугорсанг, ана шу захоти бутун жисму жонинг кувончга тўлади. Шундан СЎНГ СЕНГА ҳеч бир, ҳеч бир кайғу-ғам бошка бўлмагай, ва башорат мана шунда, деди». Бу сўз ўшанда юрагимга тўкилди. Ўшандан бери худога илтижо этиб ибодатга турсам, ҳар сафар эгилиб таъзим килиб ерни ўпаман, ўпаману тинмай йиглайман. Сенга очигини айтайними, Шатушка: бу кўз ёшларда ҳеч бир ёМОНЛИК ЙЎҚ; сенинг ҳеч кандай кайғу-ғаминг бўлмаган тақдирда ҳам, барibir кўз ёшларинг кувончдан шашқатор оқади. Кўз ёшлар ўзи шундай окаверади, гапнинг тўғриси. Баъзи вактлар мен кўл бўйига бориб қолардим; бир томонда бизнинг хонакоҳимиз, нариги томонда – бизнинг Тикка тоғимиз, уни шундай тикка тог деб аташган. Мен ана шу тог устига чиқиб, машрикка юзимни бураман, ерга пешонамни кўяману йиглайман, йиглайвераман ва билмайман канча вакт йиглаганимни, ўшанда мен ҳеч нарсани эслолмайман, ўшанда мен ҳеч нарсани билолмайман. Кейин ўрнимдан

турману оркамга карайман, күёш эса ботиб боради, яна шунчалар катта, шунчалар мұхташам, шунчалар шавқатли, – сен күёшга қарашни яхши құрасанми, Шатушка? Яхши-ю, жуда ҳасратли. Кейин яна юзимни машрикка бураман, Тикка тоғимизнинг сояси, ха, сояси күл юзасидан узок-узокларга худди үқдай югуреб, узайиб-узайиб, ингичкаланиб чакиримлаган узокларга өзилиб кетади то күлдаги оролларга довур, ва ўша тошлок орол сояни бутунлай қоқ иккиге ажратиб ташлайди, ана шунда күёш ҳам ботади батамом, ва сўнг бирдан ўчади. Шунда менинг ҳам қайгуларим зўрайди, ва шунда бирдан хотирам ҳам ўзимга қайтади, хуфтондан қўрқаман, Шатушка. Кейин ўз бўбагимни эслаб мунгранаман, йиғлайман...

– Бормиди боланг? – уни бенихоя диққат билан тинглаётган Шатов тирсаги билан мени туртди.

– Бўлмаса-чи: мўъжазгина, гул япрогидайгина, тирнокчалари шундай кичкина-кичкина, фактат бутун аламим, армоним шундаки, эсимда йўқ, ўғилмиди, қизмиди. Гоҳ ўғил деб эслайман, гоҳ киз деб. Ўшанда уни туккан заҳотим батист ва тўрга ўрадим, пушти тасмачалар билан боғладим, гуллар сочдим устидан, ўраб-чирмаб, дуолар ўқидим-у чўқинтирмай олиб бордим, ўрмондан олиб ўтдим, мен ўрмонлардан қўрқаман, даҳшатга тушаман, УНИ тугишга тутдим-у, аммо эрим кимлигини билмадим, деб уввос соламан.

– Балки бўлгандир бола? – эҳтиёткорона сўради Шатов.

– Сенинг тусмолларинг менга ғоят кулгили туюлади, Шатушка. Бўлса, балки, бўлгандир, аммо бўлганидан нима маъно, гарчи бари бир ўзи бўлмагандан кейин? Мана сенга осонгина топишмоқ, қани, уни топ-чи! – кулди у.

– Болани қаерга олиб бординг?

– Сарҳовузга элтдим, – хўрсинди у.

Шатов яна мени тирсаги билан туртди.

– Балки боланг умуман бўлмагандир ва бу гапларнинг ҳаммаси алаҳсирашдан бошқа нарса эмасдир, а?

Ф. М. Достоевский

– Сен менга кийин савол бераётиран, Шатушка, – бундай саволдан ҳеч бир ажабланмасдан хаёлланиб жавоб килди у, – буни сенга ҳеч айтмайман, балки бўлмагандир; сен шунчаки билиб қўйгинг келади; мен бари бир уни деб йиглашдан тўхтамайман, ахир кўрганим туш эмасдир-ку?

– Унинг кўзлари ёшга тўлиб ҳалқаланди. – Шатушка, Шатушка, хотининг сендан қочиб кетгани, тўғрими? – у бирдан икки қўлини Шатовнинг елкасига ташлаб, унга ачиниб-ўртаниб каради. – Вой, жахлинг чиқмасин, ўзимнинг ҳам кўнглим озади. Биласанми, Шатушка, мен бир туш кўрдим: у яна ёнимга келиб, мени авраб чақирияпти: «Пишикчам, дейди, ҳай, менинг пишикчам, олдимга чиқ!» – дейди. Мен хаммадан мана шу «пишикчам» деганидан хушвақт бўлдим: яхши кўрса керак-да, деб ўйладим.

– Балки ўнгингда келиб колар, – овозини пасайтириб гўлдиради Шатов.

– Йўқ, Шатушка, бу факат туш... ўнг келмас. Бир қўшиқ бор:

*Баланд қаср на даркор менга,
Мен қоламан ушибу ҳужсада,
Ихлос қилиб яшайман бунда,
Сен деб айлай худога сажда.*

– Ох, Шатушка, Шатушка, азизим, кадрдон, нега мендан ҳеч качон ҳеч нарса сўрамайсан?

– Ўзинг айтмасанг, сўраб нима киламан.

– Айтмайман, айтмайман, сўйсанг сўй, барибир айтмайман, – тезгина илиб кетди у, – ёндиранг ҳам, айтмайман. Бошимга нима келса келсин, ҳеч нарса айтмайман, ҳеч нарсани билолмайди одамлар!

– Ана кўрдингми, ҳар кимники ўзига, – янада овозини пасайтириб деди Шатов бошини тобора куйи эгиб.

– Агар сўрасанг, балки айтардим; балки айтардим! – хуррам такрорлади у. – Нега сўрамайсан? Сўра, сўра, мендан яхшилаб, Шатушка, балки сенга айтарман; ёлвор менга, Шатушка, токи мен ўзим рози бўлайин... Шатушка, Шатушка!

Аммо Шатушка мік этмасди; бир дақиқача умумий жимлик чўқди. Уни упа суртилган юзидан кўз ёшлари дувиллаб оқарди; у ўзининг иккала қўли Шатовнинг елкасида турганини унутганча жойида ўтирас, аммо энди йигитга қарамасди.

– Э, сен билан нима ишим бор, ўзимга гуноҳ орттириб, – бирдан ўриндиқдан турди Шатов. – Қани туриңг-чи! – у жаҳл билан ўриндиқни тагимдан тортиб олди-да, уни аввалги ўрнига кўйди.

– Келса, сезиб колмасин; биз энди борайлик.

– Оҳ, менинг малайимни айтяпсанми! – бирдан кулиб юборди Марья Тимофеевна. – Қўркасан-да! Хўп, хайрингиз, яхши одамлар; э, бир гапим бор, эшит. Боя бу ерга Нилич анов хўжайин Филиппов билан бирга келишди, қизил сокол, малайим эса шу пайт менга ташланиб турганди. Хўжайин уни маҳкам ушлаб олди, хонада у ёқдан-бу ёкка судради, малайим эса:

«Айб менда эмас, бошка бироннинг айби жатига колганман!» – деб кичкиргани-кичкирган. Ҳаммамиз котиб-қотиб кулибмиз, ўлмасам...

– Эҳ, Тимофеевна, ўша қизил сокол эмас, мен эдим; ахир мен уни сочидан ушлаб сендан тортиб олдим; хўжайин эса уч кун бурун келган эди сизларни уришгани, сен чалкаштириб юборибсан.

– Шошма, ахир ростдан ҳам чалкаштирганга ўхшайман, балки сен эдинг. Хўп, арзимаган нарсага тортишиб нима киламиз; ким тортиб олади, унга бари бир эмасми, – кулди у.

– Юриңг, – деб бирдан мени тортиди Шатов, – дарвоза ғичирлади; бизни бу ерда кўрса, уни уради.

Биз пиллапоядан югуриб чикиб улгуриб-улгурмай, дарвоза томонда маст бакирик ва бўралаб сўкишлар эшистилди. Шатов мени ичкарига олиб, эшикни кулфлади.

– Бошим балога колмасин десангиз, бу ерда бирпас ўтира турасиз. Қаранг, чўчка боласидек чинкиришини, яна оstonада қокилган шекилли, ҳар гал қокилиб йикиласди.

Бирок ҳангома давом этди.

VI

Шатов ёпик эшик олдида турганча ташқарига пилла-
пояга қулок тутарди; бирдан ўзини четга олди.

– Бу ёққа келяпти, билган эдим-а! – қаҳрланиб шивир-
лади у. – Энди ярим кечагача бошни қотиради.

Эшик кетма-кет қаттиқ муштлангани эшитилди.

– Шатов, Шатов, оч эшикни! – бўкирди капитан. –
Шатов, оғайни!..

*Салом айтиб келдим қошингга,
Хабар берай, қуёш чиқди деб.
Алангалар сочиб оламга,
Ўрмонларда... ял-ял ёнди деб,*

*Айтгим келар, уйгонди деб, жин урсин сени,
Уйгондим деб... шох-шаббалар... тагида сенга...
Гўё калтак таёқ остида, ха-ха!*

*Ҳар бир құшча... ташна сўрайди,
Не ичасан... шуни айт дейди.
Не ичаман... мен билай қайдан...*

Хўп, жин чалсин, нима қиласман аҳмоқларча шунга
қизиқиб! Шатов, ёрут дунёда яшаш қанчалар яхши, шуни
биласанми сен!

– Жавоб берманг, – деб шипшиди менга яна Шатов.

– Очсанг-чи ахир! Муштлашишдан ортиқ юксакрек
бир нарса бор, тушунасанми, сен... одамзод аро; на-а-жи-
и-б зотнинг дамлари бор... Шатов, мен яхшиман; сендан
илтимос... Шатов, куриб кетсин варакалари, а?

Жимлик.

– Эшакмисан ўзи, тушунасанми ўзи, мен севиб кол-
дим, мен фрак сотиб олдим, мана, кара ўзинг, севги чо-
пони, ўн беш сўлкавой; капитаннинг муҳаббати кишилик
расм-русумларини талаб қилади... Оч эшикни! – бирдан
қаттиқ бўкирди у ва қутуриб эшикни ура бошлади.

– Жұна, йүлингдан қолма! – ўкириб юборди бирдан Шатов ҳам.

– К-к-ул! Кишанланган қул, сенинг синглинг ҳам қул ва чўри... ў-ў-ғ-ри!

– Сен эса синглингни пулладинг.

– Ёлгон! Айбим йўқ, чидаб келяпман, ҳолбуки, бир оғиз сўз айтсан, бас... унинг кимлигини биласанми?

– Ким? – бирдан кизиксениб эшик олдига борди Шатов.

– Сен ўзинг тушунасанми?

– Тушуниб оларман, айт, ким?

– Айтаман ҳам! Мен одамлар олдида айтаман!..

– Айтиб бўпсан! – қитиқ патига тегди Шатов ва менга эшил дегандай бошини қимиратди.

– Айтолмайманми?

– Менимча, айтолмайсан.

– Айтолмайманми?

– Э, айтсанг айт, хўжайнинг таёғидан қўрқмасанг...

Сен ахир қўрқоксан, яна капитанмиш!

– Мен... мен... у... у ким десанг... – тили тутилди капитаннинг ҳаяжондан титраб, қалтираб.

– Хўш? – қулогини тутди Шатов.

Яrim дақиқача жимлик чўкди.

– А-а-блаҳҳ! – деган товуш эшитилди ниҳоят эшик орқасидан, шундан сўнг капитан самовардай шакирлаб тез пастга тушиб кета бошлади, ҳар зинада бир қоқиларди.

– Зангар, жуда айёр, маст ҳолида ҳам сир бой бермайди, – эшикдан узоклашди Шатов.

– Ўзи нима гап бу? – сўрадим.

Шатов қўл силтади, эшикни очиб зинага қулок тутди; анча эшитиб турди, ҳатто охиста бир неча зина пастга ҳам тушди. Ниҳоят, ичкарига қайтиб кирди.

– Ҳеч нарса эшитилмаяпти, уришмаяпти; ухлаб колганга ўхшайди. Энди кетаверсангиз бўлади.

– Менга каранг, Шатов, буларнинг ҳаммаси нимани англатади ўзи?

– Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг? – жавоб берди у хоргин ва ижирғанган товушда ва ўз ёзув столига ўтириди.

Мен кетдим. Менинг хаёлимда биттә ақл бовар килмас фикр тобора мустаҳкам ўрнашарди. Юрагим сикилиб эртанги кунни ўйлардим...

VII

Ушбу «эртанги кун», яъни Степан Трофимовичнинг тақдиди узил-кесил хал бўладиган ўша якшанба менинг солномамдаги энг ажойиб-гаройиб кунлардан бири эди. Бу кутилмаган воеалар, аввалгиларнинг ечилиши, кейингилаарнинг тугун боғлаши, орани кескин очик қилишлару аввалгидан ҳам баттаррок чигаллаширишлар куни эди. Ўкувчига маълумдирки, мен эрталаб азиз биродаримни Варвара Петровнанинг хузурига ўз талабига биноан бошлаб боришим, роса соат учда эса Лизавета Николаевна кошида бўлишим, ўзим ҳам билмайдиган алланималарнидир унга гапириб боришим, ўзим ҳам билмайдиган нималаргадир кўмаклашмоғим керак эди. Ҳолбуки, ҳаммаси ҳеч кимсанинг хаёлига ҳам келмаган бир тарзда хал бўлди-колди. Бир сўз билан айтганда, бу тасодифлар ажойиб бир йўсинда бир-бирига тўғри келиб колган кун бўлди.

Бошланишига, биз Степан Трофимович билан белгилангани бўйича роппа-роса соат ўн иккida Варвара Петровнаникига бориб, уни уйдан топмадик; у ҳали ибодатдан қайтмабди. Шўрлик биродарим бундан шундай кайфиятга тушдики, тўғрироги, кайфияти шунчалар бузилдики, алхол, тиззаси калтираб худди ўқ теккан күшдай меҳмонхонадаги креслога ўзини ташлади. Мен унга бир стакан сув тутдим; аммо ранги оқариб кетгани, ҳатто кўли калтираётганига қарамай, у сиполикни саклаб, рад этди. Айтганча, бу гал у жуда катта эътибор ва нозик дид-фаросат билан кийинган, балларга муносиб, гулдор батист кўйлак, ок бўйинбоғ, кўлида янги шляпа, ҳашак рангли тоза кўлқоп ва ҳатто, жиндаккина атир ҳам сепилганди. Эндинга ўтирган эдик, камердинер Шатовни бошлаб кирди, албатта, расмий таклиф бўйича келгани аниқ. Степан Тро-

фимович унга қўлини узатиб, ўрнидан турмокчи бўлган эди, аммо Шатов ҳар иккимизга гоятда дикқат билан разм солиб, тўрга ўтиб ўтириди-ю, бизга ҳатто бошини силкитиб кўймади. Степан Трофимович яна менга ҳуркиб қаради.

Биз яна бир неча дақика мана шу алфозда индамай ўтиравердик. Степан Трофимович шунда менга ниманидир пичирлаб айта бошлаган эди, аммо менинг кулогимга кирмади; унинг ўзи хам ҳаяжонланганиданми, гапини охирига еткизмай, бас килди. Яна камердинер кириб стол устидаги ниманидир тўғрилаб кетди; тўғрироғи, биздан хабар олди. Шатов бирдан унга овозини баланд кўтариб, сўз қотди:

– Алексей Егорич, билмайсизми, Дарья Павловна хам бека билан бирга кетдими?

– Варвара Петровна жомега бир ўзлари ёлғиз кетдилар, Дарья Павловна эса юкорида ўзлари колишиди, тоблари йўқрок, – сиполик билан мавъизанамо килиб деди Алексей Егорич.

Шўрлик биродарим яна менга ташвишланиб сарасоғ солди, охири бўлмай, мен бундан юзимни бошка ёкка бура бошладим. Бирдан кўча эшик олдида карета гумбурлади, уйнинг нари-берисида товушлар эшитилиб, бизга бека қайтганидан дарак берди. Ҳаммамиз ўтирган ўрнимиздан дик-дик турдик, аммо яна кутилмаган хол: жуда кўп кадам товушлари кулокка чалинди, демак, бека ёлғиз қайтмаган, бу энди ҳакикатан, бироз ғалати эди, чунки уни ўзи бизни шу вактга чақирганди, кимнингдир уйга худди юргурила-гандай жадал кириб келгани эштилди, Варвара Петровна одатда бундай югуриб юрмасди. Шунда бирдан bekанинг ўзи бағоят ҳаяжонланган ва харсиллаганча хонага учиб кирди. Унинг кетидан бирозгина оркароқда оҳиста одим-лаб Лизавета Николаевна, у билан бирга эса кўл ушлашиб Марья Тимофеевна Лебядкина кириб келишди! Тушда кўрсам хам, мен бунга ишонмасдим.

Мутлақо кутилмаган бу воқеани изоҳлаш учун бир соат орқага қарашимизга ва Варвара Петровнанинг жомедаги ибодат чогида бошидан кечирган ғаройиб саргузаштни баён килиб ўтишимизга тўғри келади.

Авваламбор, ибодатга бутун шаҳар ахли йигилди. шаҳар ахли деганимиз бизнинг жамиятимизнинг юкори доиралари. Ҳокимнинг рафиқаси келганидан бери биринчи марта қадам ранжида қилаётганидан барча хабардор эди. Яна шу нарсани ҳам айтиб қўяйки, бизда ҳокимнинг рафиқаси эркин фикрли ва «янги қоидали» аёл экан, деган гап-сўзлар тарқалганди. Яна барча хонимларга шу нарса ҳам маълум эдики, у гоятда улуғвор ҳамда ажойиб нафосат билан кийинган бўлади; шунинг учун бу сафар хонимларимизнинг либослари нағислиги ҳамда ҳашамдорлиги билан ажралиб туради. Факат Варвара Петровнанинг ёлғиз ўзигина камтарона ва доимий одати бўйича бошдан-оёқ кора кийган эди; у кейинги тўрт йил мобайнида канда қилмай шундай кийинарди. У жомега келгач, ўзининг одатдаги ўрни, сўл томондаги биринчи қаторга жойлашди, маҳсус либосдаги хизматкор тиз чўкиб сажда килишга керак бўладиган баркут ёстикчани унинг олдига кўйди, хуллас, бари одатдагича. Яна шу нарса ҳам кўзга ташланиб қолдики, бу галги бутун ибодат чоғида у хаддан зиёда тиришиб, таважжух билан сажда килган; кейинчалик яна гапириб юришдики, ва буни эсга олганлар ҳам бўлди, ҳатто унинг кўзларида ёш ҳалқаланиб турган. Ибодат ниҳоят тугади, протоиерей Павел ота тантанали хутба ўқигани чиқди. Унинг хутбаларини севишар ва қадрлашарди; ҳатто бостириб чиқаринг, деб илтимос килишар, аммо унинг журъати етмасди. Бу галги хутба қандайдир алоҳида чўзилди узокқа.

Мана шу хутба ҳали давом этаркан, жомега енгил извош аравада бир хоним келди, бундай эскича извошларда хонимлар фақат ён томонда извошчининг белбоғидан ушлаб ўтиришар ва даладаги киёқ каби силкиниб боришарди. Бу жайдари извошлар ҳали ҳам шаҳаримизда киракашлик киласди. Жоменинг катта дарвозаси олдида жуда кўп экипажлару ҳатто жандармалар турганидан извош жоменинг муюлишида тўхтади-да, ундан бир хоним сакраб тушиб, извошчига тўрт кумуш тийин берди.

– Нима, озми, Ваня! – деб кичкирди хоним извошлиг башараси буришганини кўриб. – Бор пулим шу, – деб ингламсираб кўшиб кўйди у.

– Майли, худо хайрингни берсин, сендан пул сўраб тирмадим, – кўл силтади извошли ва унга: «Сени хафа ўчиш гуноҳ», – дегандай қилиб қаради, кейин чарм ҳамсини кўйнига солиб, отларини чухлади, атрофдаги аракашлар уни масхаралаб кулиб колдилар. Хоним ҳам қипажлар ва хўжайнинг чиқиб колишини кутаётган малайлар орасидан жоме дарвозасига ўтиб бораркан, одамлар негадир кулиб кўйишар ва ажабланиб карашарди. Умуман бундай зотнинг кайдандир кўчадан келиб бирдан одамлар орасида пайдо бўлишининг ўзида қандайдир кутилмаган, одатдан ташкари бир нима ҳақиқатан ҳам бордек эди. Хоним бемор каби орик ва оксок эди, куюқ қилиб упа-элик суртган, бўйни узун ва ялангоч, елкасига на камзул ва на рўмол ташлаган, сентябрнинг шу куни ҳаво очик, аммо совук, шамол эсиб турагар, шунга карамай у фақат корамтири эскирок кўйлақда эди: боши очик, соchlари кичкина қилиб энсасида турмакланган, унга ўнг томондан коратол фаришталарга тақиладиган битта ясама гул кистириб кўйишганди. Кечакар Марья Тимофеевна хузурида ўтирганимда бурчакдаги санам остида шундай когоз гуллардан чамбар тақилган коратол фариштани кўргандим. Яна шуларнинг ҳаммаси устига хоним гарчи кўзларини маъсумона ерга тиккан эса-да, шу билан бирга шўх-кувнок жилмайиш юзидан аримасди. Мабодо, у яна озгина кечикканда, балки унда уни жомега киритишмас ҳам эди... Аммо у сиргилиб ўтишга улгурди, ибодатхона ичига киргач эса билинтирилмай олдинга сукулиб ўтди.

Хутба яримлаган, ибодатхона тўла издиҳом уни чурк этмай диккат-эътибор билан тинглар, шундай бўлса ҳам, бари бир аллақанча кўзлар янги кириб келмиш зотга кизиксиниб, ажабланиб тикилиб колдилар. У ўзини черков супасига ташлади, пардоз-андоздаги юзини қуий эгди, анчагача шу алфозда ётди, чамаси, у йигларди; аммо яна бoshини кўтариб, тиззасидан тургач, тез ўзини ўнглаб олди,

Ф. М. Достоевский

зийракланди. Унинг кўзлари одамларнинг афт-ангилари, черков ошёналари ва деворларига завқланиб, шўх нигоҳ юритди, бъязи хонимларга ўзгача кизикиш билан бокди, хатто оёқ учиди туриб бўлса ҳам қаради ва икки бора қандайдир ғалати хихилаб кулиб юборди. Аммо хутба тугади ва хоч олиб чикилди. Ҳокимнинг рафикаси хочга қараб биринчи бўлиб юрди, аммо унга икки қадам етмай тўхтади, чамаси, Варвара Петровнага йўл бермокчи бўлди. Варвара Петровна ўзи томонидан тикка юриб келар, афтидан олдидаги ҳеч кимни кўзи илғамасди. Ҳоким рафикасининг бунчалар одоб-икроми ва назокатининг тагида ўзига яраша ўткир бир пичинг ҳам йўқ эмасди; барча шундай тушунди; чамаси, Варвара Петровна ҳам шундай тушунди; ҳамон кўзи ҳеч кимни илғамаган холда ўз мартабасини огишмай баланд тутиб, у хочга лабларини босди ва шу захоти черковдан чика бошлади. Махсус хизматкор унга олдинда йўл очиб борарди, аммо шусиз ҳам барча йўл берриб, ўзини четга оларди. Бироқ ибодатхонадан чикаверишдаги саҳнда бир тўда тифиз турган одамлар йўлга кўндаланг бўлишди. Варвара Петровнанинг қадами ТОВСИЛДИ, ва шундан бирдан ғалати, сочига ясама коғоз гул таккан ғаройиб бир хилкат, одамлар орасини ёриб ўтиб, унинг олдида тиз чўкди. Айниқса, одамлар ўртасида ҳеч качон шошилиб колмайдиган Варвара Петровна сипо ва жиддий НИГОХ СОЛДИ.

Иложи борича кискарек килиб худди шу ўринда кистириб ўтишим жойизки, Варвара Петровна орадаги юрган гап-сўзларга караганда, охирги йилларда ғоятда хисобдон ва бир қадар зикна бўлиб қолған эса-да, лекин айрим пайтлар кори хайриялардан пулни аямасди. У пойтахтдаги бир хайрия жамиятининг аъзоси эди. Якинда рўй берган очарчиликда Петербургдаги бош қўмитага жабр чекканларга нафака йўсинида беш юз рубль жўнатган, ва буни бизда тилга олиб туришарди. Ва ниҳоят, энг сўнгги вактларда, янги ҳоким тайинланиши олдидан у шахар ҳамда вилоятдаги энг камбағал туккан хотинларга нафака ажратувчи маҳаллий аёллар қўмитасини тузиш ҳаракатига

түшган эди. Бизда унга иззатталаб, деб анча-мунча таънатар ёғдиришарди. Аммо Варвара Петровнанинг ҳаммага мълум шиддаткорлиги ва шу билан бирга сабот-матонати тусиклар устидан устун чикишига бир баҳя колди; жамият шаклланиб бўлди, илк ғоя эса асосчининг сууррга тўла онтида тобора кенгая, ривожлана борарди: у худди шундай қўмитани Москвада ҳам тузишни, аста-секин унинг харатлари барча вилоятларга тарқалишини орзу киларди. Ва мана, кутилмагандан, ҳоким ўзгариши билан ҳаммаси тўхтаб колди; янги ҳокимнинг рафиқаси эса, айтишларича, бундай қўмита асосидаги ғоянинг амалий аҳамияти камлиги борасида жамоатчилик ўртасида бир канча аччик ва, муҳими, ўткир ва ўринли баъмани эътиrozларини баён этиб ултурганди, булар эса ўз навбатида албатта, бўяб-бекалган, қўшиб-чатилган ҳолда Варвара Петровнага етказилганди. Юракларнинг канчалар теранлиги бир худога зён, аммо наздимда, Варвара Петровна черков дарвозаси олдида бирмунча хушвакт бўлиб маминуият билан тўхтади, у ҳозир бу ердан ҳокимнинг рафиқаси ва бошқа ҳамма ўтишини биларди, «майли, ўзи ўз кўзи билан кўрсин, нима деб ўйласа ўйласин, менинг хайрия ишларида иззатталаблиигим хусусида яна нима заҳарханда килса, килаверсин, менга бари бир. Мана, ҳамманг кўр!»

– Нима дейсиз, азизам, нима сўрайсиз?

Варвара Петровна олдида тиз чўкиб турган аёлга дикқат билан разм солди. Аёл унга ўта хуркак уят-андиша ўтида ёнган кўзлари билан хушнуд ва ихлосона бокарди ва шунда бирдан ўшандай ғалати хихилаб кулиб юборди.

– Нима у? Ким у? – Варвара Петровна атрофни ўраган одамларга амrona савол назари билан қаради. Ҳеч ким миқ этмасди.

– Мазангиз йўқми? Сизга ёрдам керакми?

– Муҳтоjман... узокдан келдим... – бидирлади «бахти қаро» хаяжондан тутила-тутила. – Мен сизнинг кўлингизни ўпиш учунгина келганман... – у яна хихилади. Болакайлар бир нарса сўраб, эркаланиб элангандай нигоҳ

билан у Варвара Петровнанинг кўлини олишга интилди, бирок, худди кўркиб кетгандай кўлларини тортиб олди.

– Факат шу холосми, шунга келдингизми? – раҳмдиллик билан табассум килди Варвара Петровна, лекин шу захоти чўнтағидан садаф портмоне – ҳамёнини чиқариб, ундан ўн рубль олди-да, нотаниш аёлга узатди. У олди Варвара Петровна ажабсиниб қизиқиб қолди, афтидан, бу аёлни жайдари тиланувчилардан деб бўлмасди.

– Қаранг, ўн рубль берди-я, – деди аллаким тўда орасидан.

– Кўлингизни беринг, илтимос, – бидирларди «бахти каро», чап кўлининг бармоқлари билан ўн рубль когоз пулнинг бурчагидан маҳкам тутди, пул шабадада силкинарди. Варвара Петровна негадир андак қовогини солди-да, жиддийлик ва катъият билан кўлини узатди; аёл уни ихлос билан ўпди. Унинг миннатдор нигоҳи қандайдир хурсандчилик билан порлади. Худди мана шу дамда хокимнинг рафиқаси келиб қолди, катта амалдорлар ва бизнинг хонимларимиз атрофни ўраб олишди. Ҳокимнинг рафиқаси тикилинчда беихтиёр тўхташга мажбур бўлди; кўплар тўхтаб турдилар.

– Титраб кетяпсиз, совқотдингизми? – деди бирдан Варвара Петровна ва шартта устидаги хизматкор томонидан илиб олинган ёпинчигини ечиб, елкасидаги кора шолрўмolini олиб (жуда ҳам қимматбаҳо) ўз кўллари билан ҳамон тиз чўкиб турган аёлнинг яланғоч бўйнига ўраб кўйди.

– Бўлди, туриңг, туриңг ахир энди, илтимос киламан!
– Аёл ўрнидан турди.

– Қаерда яшайсиз? Наҳотки, унинг қаерда туришини хеч ким билмас? – яна атрофга сабрсиз бокди Варвара Петровна; аммо энди одамлар тўдаси бироз сийраклашганди, таниш, кибор башаралар воқеани томоша килиб туришар, баъзилар вазмин ажабланишар, бошқалари нима бўларкин деб айёrona қизикишар, бир жанжал чиқмасмик, деб кутишарди, учинчилари эса хатто кулиб-кулиб қўйишарди.

— Афтидан, Лебядкинлар бўлишади, — деб овоз берди битта яхши одам Варвара Петровнанинг саволига жавобан, бу киши ҳамма ҳурмат қиласиган мухтарам савдогаримиз Андреев эди, у кўзойнакда, соколи оқарган, русларга хос уст-бошлар кийган, бошидаги шляпасини олиб, кўлида ушлаб турарди, — булар Филипповнинг уйида туришади, Богоявленский кўчасида.

— Лебядкин? Филипповнинг уйи? Ҳа, эшитгандайчан... Ташаккур сизга, Никон Семёнич, ким ўзи у Лебядкин?

— Капитан дейишади, нима десак бўларкин, ўзини тутгомайдиганроқ одам. Рости, бу киши унинг синглиси, чоғи. Назоратда тутарди, чиқиб кетғанга ўхшайди, — овонини пасайтириб деди Никон Семёнич ва Варвара Петровнага маъноли караб кўйди.

— Сизни тушундим; миннатдорман, Никон Семёнич. Сиз, азизам, Лебядкина бўласизми?

— Йўқ, Лебядкина эмасман.

— Балки акангиз Лебядкинdir?

— Биродарим Лебядкин.

— Бундай киласиз, мен сизни, азизам, ўзим билан олиб кетаман, кейин у ердан сизни уйингизга элтиб қўйишади; мен билан кетишни хоҳлайсизми?

— Оҳ, хоҳлайман! — чапак чалиб юборди Лебядкина хоним.

— Хола, хола! Мени ҳам олиб кетинг уйингизга! — янгради Лизавета Николаевнанинг овози. Айтиб қўяйки, Лизавета Николаевна ибодатга ҳокимнинг рафиқаси билан бирга келган, Прасковья Ивановна эса бу вактда докторнинг тавсиясига кўра каратада сайр қилишга кетган, зерикиб қолмаслик учун Маврикий Николаевични ҳам ўзи билан ола кетганди. Лиза бирдан ҳокимнинг рафиқасини кўйиб, югуриб Варвара Петровнанинг олдига келди.

— Жонгинам, мен бажонудил олиб кетаман, аммо онанг нима деркин? — деди сиполик билан Варвара Петровна, аммо бирдан Лизанинг қаттиқ ҳаяжонга тушганини кўриб, тишини тишлиб қолди.

Ф. М. Достоевский

– Хола, хола, сиз билан бораман, – ёлворарди Лиза Варвара Петровнани ўпаркан.

– Mais qu'avez-vous donc, Lise⁹⁷ – нихоятда хайрон бўлиб деди хокимнинг рафиқаси.

– Ох, мени кечиринг, жоним, chere cousinе⁹⁸, мен холамникига бораман, – талпиниб кетатуриб орқасига ўтирилиб каради Лиза фаши келиб ажабланиб турган ўзинини chere cousinесига ва уни икки бора ўпид кўйди.

– Онамга ҳам айтинг, тезроқ холамникига келсин. matan албатта, албатта, кириб ўтаман девди, у кеча ўзи айтган эди, мен сизни огоҳлантираман деб, эсимдан чиқибди, – жовилларди Лиза, – айб менда, жахлингиз чик масин, Julie... chere cousinе... хола, мана, мен тайёрман!

– Хола, агар мени олиб кетмасангиз, унда мен каретангиз кетидан чопиб бораман ва бакираман, – Лиза Варвара Петровнанинг қулогига тез ва шаддод шипшиди; яхшияники, хеч ким эшитмади, Варвара Петровна ҳатто бир кадам орқага ўзини олиб, тентак кизга ўткир нигохини кадади. Шу нигоҳ ҳаммасини ҳал килди: у Лизани ўзи билан олиб кетишга карор килди!

– Буни энди бас килайлик, – оғзидан чиқиб кетди унинг. – Яхши, Лиза, мен жоним билан сени бирга олиб кетаман, – яна шу заҳоти овозини баланд кўтариб қўшимча килди: – албатта, Юлия Михайловна сенга жавоб беришга рози бўлсалар, – у очик юз ҳамда самимий вазминлик билан тўғри хоким рафиқасига мурожаат этди.

– О, мен уни бу хурсандчиликдан маҳрум қилмоқчи эмасман, бунинг устига ўзим ҳам... – ажиб бир назокат билан сўйланди кутимаганда Юлия Михайловна, – мен ўзим... биламан елкамизда турган бу чиройли бошимиз қанчалар хукмпармо ва хаёлларга кон эканлигини (Юлия Михайловна чараклаб табассум килди)...

– Ҳаддан зиёда миннатдорман, – одоб-икром билан пўрим таъзим бажо келтирди Варвара Петровна.

⁹⁷ Сизга нима бўлди, Лиза! (франц.)

⁹⁸ Азиз опажон! (франц.)

Менга яна шуниси яхшики, – жуда хам хурсанд ишб кетиб, сўзини давом эттириди Юлия Михайловна. Бунд ҳаяжондан кизариб, – сизникига борса Лизанинг чончига яна қувонч қўшилади, у шундай гўзал, нима эм экан, яна шундай юксак хиссиятга ошно бўлади... бир у хамдард бўлмоқчи... (у «баҳти қаро»га кўз кирини шилади)... яна ... ибодатхонанинг нак дарвозасида...

Бу гапингиз хар канча мактовга лойик, – койил-таком маъқуллади Варвара Петровна. Юлия Михайловна билан қўлинни узатди ва шунда Варвара Петровна ағонидил мамнуният-ла бармоқларини унга теккизиб шилади. Ҳамма чукур таъсирланди, бу ерда хозир бўлган ширим кимсаларнинг чехралари мамнуният-ла чараклади, бир канчаларнинг дудоқларида ширин ва ялтоқ табассум инади.

Хуллас калом, бутун шаҳар шуни ўз кўзи билан кўриб ташох бўлдики, шу чоққача Варвара Петровнани назар-пинганд кильмай, унинг ҳузурига ташриф буюрмай келган асло Юлия Михайловна эмас экан, аксинча, Варвара Петровнанинг ўзи «Юлия Михайловнани чегарарада тутиб турган, шарда Варвара Петровна эшикдан кайтариб юбормайди, себ ишонганда, у яёв юриб борса хам, чопкиллаб кўриб чинкан бўларди». Варвара Петровнанинг обрўси хаддан иёд кўтарилди.

– Ўтиринг, жоним, – Варвара Петровна *mademoiselle* Лебядкинага етиб келган каретани кўрсатди; «баҳти қаро» чопкиллаб арава эшигига борди, хизматкор унга кўмаклашди.

– Вой! Оқсаяпсизми! – худди кўркиб кетгандай кичкириб юборди Варвара Петровна ранги окариб. (Ҳамма буни пайқади, аммо англамади...)

Карета ғилдираб кетди. Варвара Петровнанинг уйи ибодатхонага жуда яқин эди. Лизанинг кейин менга айтиб беришича, то етиб боргунларича уч дақиқа ичи Лебядкина жоникиб асабий кулиб борган, Варвара Петровна эса «худди қандайдир оҳанрабо уйқуга чўмган», бу шахсан Лизанинг ўз ибораси.

БЕШИНЧИ БОБ

ДОНИШМАНД ИЛОН

I

Варвара Петровна кўнғирокни чалди ва дераза олди-даги креслога ўзини ташлади.

– Мана бу ерга ўтириңг, жоним, – деб Марья Тимофеевнага хона ўртасидаги катта доира стол ёнидаги жойни кўрсатди. – Степан Трофимович, нима бу ўзи? Мана, мана, манави аёлга карант, нима бу ўзи?

– Мен... мен... – типирчилаб колди Степан Трофимович...

Аммо хизматкор кирди.

– Дарров қаҳва беринг, тезрок! Карета тайёр турсин.

– Mais, chere et excellente amie, dans quelle inquiétude...⁹⁹ – овози ичига тушиб кетай деб хитоб килди Степан Трофимович.

-- Ох! Французча-ку, французча-ку! Ана, киборлар дунёси! – чапак уриб юборди Марья Тимофеевна кафтини кафтига уриб, французча гапни эшишишга ҳозирланиб. Варвара Петровна чўчинкириб унга тикилиб колди.

Ҳаммамиз жим, нима бўларкин, деб кутардик. Шатов бошини кўтармас, Степан Трофимович эса барига бир ўзи айбдордай саросимада ўтирад, икки чаккасидан тер куйиларди. Мен Лизага қарадим (у тўрда Шатов билан ёнма-ён ўтиради). Унинг кўзлари дам Варвара Петровнага, дам оқсок аёлга сергак қадаларди; у лабини кийшайтириб жилмаяр, бу хунук кўринарди. Варвара Петровна унинг бу тиржайишини кўриб туради. Орада Марья Тимофеевна жуда кизикиб колди: у Варвара Петровнанинг ҳашамат-

⁹⁹ Бирок, азиз ва меҳрибон дўстим, қанчалар ташвиш ичидан... (франц.).

– и уйинни заррача хижолатга тушмай нихоятда берилиб
– моша киларди – мебеллару гиламлар, деворлардаги сүзгілар, шипнинг чизма бүёклари, бурчакдаги катта бронза
түш, чинни чирок, альбомлару стол устидаги ранг-баранг
шөллар.

– Э, сен ҳам шу ердамидинг, Шатушка! – ундади у
– ирдан. – Муни кара, сени боядан бери қўриб турибман,
она у бўлмаса керак, дейман! Бу ерга унга йўл бўлсин! – у
шўх кулиб юборди.

– Сиз бу аёлни биласизми? – деб дарҳол Шатовга бу-
тилди Варвара Петровна.

– Биламан, – тўнгиллади Шатов, сўнг ўрнидан қўзғал-
мокчи бўлди-ю, яна ўтирганча ўтираверди.

– Нимани биласиз? Тезроқ айтинг, илтимос.

– Нимани... – у заруратсиз илжайиб лабини кийшай-
тириди-да, дам бўлди... – қўриб турибсиз-ку.

– Нимани қўриб турибман? Хўи, кани, бирон нарса
сенг ахир!

– Ўша мен яшайдиган уйда туради... акаси билан бир-
га... битта офицер.

– Хўш?

Шатов яна жим бўлди.

– Гапиришга арзимайди... – мингирилди у ва батамом
чизни юмди. Бундан у бўғрикиб кетди.

– Сиздан бошқа нима ҳам кутиш мумкин! – норози бў-
тиб унинг оғзига урди Варвара Петровна. Унга энди рав-
шаш бўлди: ҳамма ниманидир билади ва ҳамма нимадан-
лир қўркади ва унинг саволларидан ўзини олиб қочади,
уидан алланималарни яширишга уринишади.

Хизматкор кириб, унга мўъжаз кумуш патнисда боя
бўюрилган қахвани тутди, аммо унинг ишораси билан шу
яҳоти Марья Тимофеевнага караб юрди.

– Сиз, жонгинам, боя қаттиқ совқотдингиз, тезроқ
иchinинг, бироз исийсиз.

– Merci, – Марья Тимофеевна қахвани олди ва бирдан
хизматкорга merci дегани учун кулиб юборди. Аммо Вар-

вара Петровнанинг қаҳрли нигохига дуч келиб, тиззаси қалтираб, қаҳвани столга қўйди.

— Хола, жаҳлингиз чикмаяптими мабодо? – деб чириллади у қандайдир шўх ўйноклаб.

— Нима-а-а? – дикрайди қаддини тўгрилаб Варвара Петровна. – Нега мен сизга хола бўларканман? Нима депсиз ўзи?

Марья Тимофеевна бундай ғазабни кутмаганди, бутун вужуди билан титраб-қалтиради, худди тутканок тутгандай кресло суюнчиғига шалпайиб қолди.

— Мен... мен ўйлабманки, шундай деса бўлади... – кўзини катта-катта очиб Варвара Петровнага қаарarkan, чулдиради у, – Лиза сизни шундай деб чакирди.

— Яна канака Лиза?

— А, манови ойимқиз, – бармоғи билан қўрсатди Марья Тимофеевна.

— Сизга у дарров Лиза бўлиб қолдими?

— Сиз ўзингиз уни ҳали шундай деб чакиргандингиз, – бироз ўзига келиб дадилланди Марья Тимофеевна. – Мен тушимда худди мана шунака гўзални кўрган эдим, – худди билмагандай кулиб қўйди у.

Варвара Петровна мулоҳаза килиб кўриб, бирмунча тинчланди; ҳатто Марья Тимофеевнанинг охирги сўзи нашъа килиб, билинар-билинмас илжайди. Марья Тимофеевна бундан бироз дадилланиб, ўрнидан турди-да, оксоқланиб, ботинмайгина унинг олдига борди.

— Олинг, кайтаришни унугибман, одобсизлик килган бўлсам, жаҳлингиз чикмасин, – шундай деб, у бирдан елкасидан ҳали Варвара Петровна берган қора шол рўмолни ечди.

— Уни дарров елкангизга ташланг ва доим ўраб юринг. Боринг ўтиринг, қаҳвангизни ичинг, илтимос, мендан кўрқманг, жонгинам, тинчланинг. Сизни энди тушуна бошладим.

— Chere amie... – яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади Степан Трофимович.

– Ох, Степан Трофимович, бу ерда сизсиз ҳам киши калаванинг учини йўқотиб қўяди, жиллақурса, сиз раҳм килинг... Илтимос, манави қўнғирокни чалинг, кизлар хонасига, ана, олдингизда турибди.

Жимлик чўқди. Унинг нигоҳи ҳаммамизнинг башаримизни шубҳаланган кўйи жаҳл билан бирма-бир сузиб чиқди. Унинг суюкли чўриси Агаша кирди.

– Катак рўмолни келтир, Женевада олган эдим. Дарья Павловна нима киляпти?

– Уларнинг тоблари йўқ бироз.

– Бор, чакириб кел. Айт, мазангиз бўлмаса ҳам, жуда илтимос қилдилар, чиқармишсиз, де.

Шу аснода қўшни хоналардан худди боягидай қандайдир одатдан ташкари кадам товушлари, шовқин эшитилди ва шунда бирдан эшикда ҳарсиллаган, «авзойи бузилган» Прасковья Ивановна кўринди. Маврикий Николаевич унинг қўлидан тутган эди.

– Ох, падарим-а, базур етиб келдим; Лиза, жинни бўлдингми, онангни нима кўйларга соляпсан! – чинкирди у ва барча ожиз, аммо жуда жаҳлдор одамларнинг одати бўйича ушбу чинкириғига йигилиб колган барча аччигини жойлади.

– Онагинам, Варвара Петровна, мен кизимни олиб кетгани келдим!

Варвара Петровна унга ҳўмрайиб каради, унга пешвоз ўрнидан тургандай бўлди, ғаши келганини базур яшириб, деди:

– Омонмисан, Прасковья Ивановна, барака топ, ўтири. Мен келишингни билган эдим.

II

Прасковья Ивановна учун ўзини бундай кутиб олишларида ҳеч қандай ажабланарли нарса йўқ эди. Варвара Петровна хар доим, болалик чоғлариданоқ пансионда бирга тарбияланган дугонасини тегажоқлик килиб ҳоли-жонига кўймас, дўст бўлиб кўриниб унинг жонини олар, ундан

Ф. М. Достоевский

ижирғанарди. Аммо ҳозирги ахволда ишлар бироз бош-качарок эди. Охирғи күнларда икки хонадон ўртасидаги муносабатлар бузилган, мен юкорида бу хақда андак учини чиқариб эслатиб ўтгандим. Ора бузила бошлаганинг сабаблари ҳозирча Варвара Петровнага сирли бўлиб колмокда, ва шу боис кўнгилга янада оғирроқ ботарди; аммо ЭНГ МУХИМИ шунда эдики, Прасковья Ивановна унинг олдида ўзини хаддан ташқари калондимоғ тутаётган эди. Албатта, бу Варвара Петровнанинг нафсониятига теккан, шу билан бирга баъзи галати гап-сўзлар унинг кулогига етиб келаётган ва ўЗИННИНГ мубҳамлити, ноаёнлиги билан унинг каттиқ аччиғини чикараётганди. Варвара Петровнанинг феъл-авторида тўғрилик, мағрур очиқлик ҳоким эди ва таъбир жоиз бўлса, ҳовлиқмароқ эди. У хаммадан хам яширин, беситикча айбловларни ёмон кўрар ва доим очик жангни ёқтиради. Ҳар калай, мана, беш кундан буён ҳар иккала хоним бир-бирлари билан кўришмасдилар. Охирги бор Варвара Петровна кадам ранжида қилган ва «Дрозди-ханинг уйидан» ранжиб, юраги сикилиб қайтганди. Мен шуни бехато айтоламанки, Прасковья Ивановна ҳозир бу ерга кириб келганда, энди Варвара Петровна менинг олдимда негадир пусиб колса керак, деган соддароқ бир хаёлга борганди; бу унинг юз ифодасидан хам сезилиб турарди. Аммо, чамаси, худди мана шу аснода Варвара Петровнани кеккайиш ва такаббурлик шайтони батамом эгаллаб олди, у негадир ўзини кадри топталгандай, ерга урилгандай ҳис қилди. Прасковья Ивановна эса, ўзини хафа килишларига каршилик қилмайдиган кўп ожиз кимсалар каби ўзига биринчи қулай пайт келгани ҳамонок фавқулодда кўпирисиб тошиб ҳужумга ўтадиганлар тоифасига киради. Рост, у ҳозир бетоб эди, бетоб чогида эса у хаддан ортиқ серзарда бўлиб кетарди. Яна шуни хам кўшиб кўяйки, агарда болаликдан дўст бўлган ҳар иккала кимса ўртасида жанжал ўт олиб кетадиган бўлса, улар шу чокда бу ерда ҳозир бўлғанлардан асло тортиниб ўтирас, зеро, биз хаммамиз уларнинг ўз одамлари ва ҳатто маълум мъянода тобе кишилар ҳисобланардик. Мен ўшандаёк

буни қўркиброк бўлса-да, мулоҳазадан ўтказдим. Варвара Петровна келгандан бери тик оёқда турган Степан Трофимович Прасковья Ивановнанинг шанғиллашини эшитган захоти оёғи қалтираб стулга чўқди ва қўзи ола-кула бўлиб менга карай бошлади. Шатов ўтирган жойида кескин бурилиб, ҳатто нималарнидир тўнғиллади. Назаримда у ўрнидан туриб, чиқиб кетмокчи бўларди. Лиза бироз ўрнидан қўзғалди, лекин шу захоти яна жойига ўтири, ҳатто онасининг шанғиллашига эътибор ҳам бермади, лекин бу унинг «қайсар феъл-аворидан» бўлмай, балки, афтидан, у тамомила бошқа бир қудратли таассуротнинг ҳукми остида эди шу тобда. У паришон нигоҳ билан қайгадир, ҳаво бўшлиқларига термилар ва ҳатто Марья Тимофеевнага ҳам олдингидай эътибор килмай кўйганди.

III

– Ох, шу ерга! – деб қўрсатди Прасковья Ивановна стол ёнидаги креслони ва унга Маврикий Николаевич кўмагида оғир чўқди. – Ўтирасдим ҳам, онагинам, агар оёғим оғримаса! – кўшиб кўйди у энтикиб, зўриккан товуш билан.

Варвара Петровна бирозгина бошини кўтарди, бир ери оғриётган одамдай ўнг қўлининг бармоқларини ўнг чаккасига босди, чамаси, боши каттиқ оғририди (*tic douloureux*¹⁰⁰).

– Нега ундей, Прасковья Ивановна, нима учун менинида ўтирас экансан? Марҳум эринг доим мени хурмат қиласди, сен билан қизалок ҷоғларимизда пансионда кўғирчоқ ўйнардик.

Прасковья Ивановна кўл силтади.

– Билган эдим! Доим гапни пансиондан бошлайсиз, таъндан бошим чиқмайди. Ҳийла-найранг қиласиз. Сўзмоллиқдан бошқа нарса эмас. Сизнинг шу пансионингиздан ўлар бўлсан ўлдим.

¹⁰⁰ Асаб учиши (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

– Афтидан, жуда диккатинг ошиб турганга ўхшайсан, оёғинг оғрияптими? Ана, сенга қаҳва олиб келишяпти, ичиб ўтири, хафа бўлма.

– Онагинам, Варвара Петровна, менга худди кичкина кизчадай муомала киласиз. Қаҳва ичмайман, бас!

У ўзига қаҳва келтираётган хизматкорга зарда билан кўл силтади. (Дарвоке, мен билан Маврикий Николаевичдан бошқа ҳамма қахвани рад қилишди. Степан Трофимович қаҳвага кўл узатди-ю, уни яна столга қўйди. Марья Тимофеевна яна ичгиси келиб турган бўлса ҳам, кўлини чўзган жойида, ўйланиб туриб, тортиб олди ва одоб билан рад этди ва бунинг учун, чамаси, ўзидан мамнун бўлди.)

Варвара Петровна оғзи кийшайиб, илжайди.

– Биласанми, қимматли дугонам Прасковья Ивановна, яна каллангга бир гап келганга ўхшайди, шуни айтмокчисан, шекилли. Бир умр шундай хаёллар ичида яшаб келяпсан. Пансион десам жаҳлинг чиқди; эсингдами, сен келиб бутун синфни ишонтирдинг, гусар Шабликин каллик килиб танлади деб, шунда madame Lefebure бунинг ёлғон эканлигини фош қилди. Ўшанда сен ҳатто ёлгонламаган эдинг, факат эрмак учун буни ўзингча тасаввур килгандинг. Майли, кани, гапир: яна қандай гапинг бор? Яна нима хаёлингга келди, яна нимадан норозисан?

– Сиз эса пансионда попни яхши кўриб қолгансиз, у шариатдан дарс берарди, – ана сизга бўлмасам, ҳалигача бадхаёл бўлиб юрсангиз, – ха-ха-ха!

У жирттакилик билан ҳаҳолаб кулди-ю, йўтал тутди.

– А-а, сен попни унутмаган экансан-да, а... – ўқрайиб каради унга Варвара Петровна.

Унинг башараси кўкариб кетди. Прасковья Ивановна бирдан сипо тортди.

– Онагинам, менга кулгига бало борми, ўлай деб туррабман; нега менинг қизимни бутун шаҳарнинг кўз ўнгигда ўзингизнинг жанжалингизга аралаштириб юрибсиз, мен мана шунга келдим.

– Менинг жанжалимга? – қаҳр билан бош кўтарди Варвара Петровна.

– Ойи, илтимос киламан, сал эви билан гапириңг, – деди шунда Лизавета Николаевна.

– Нима-нима дединг? – онаси яна чинқирмокчи бўлиб чоғланган эди, лекин бирдан кўзларидан ўт чакнаган қизининг олдида ўзини босди.

– Жанжал ҳакидаги гапингизга бало борми, ойи? – қизарип кетди Лиза. – Мен ўзим Юлия Михайловнадан рухсат сўраб келдим, чунки манави бахти каро хотиннинг тарихини билмокчийдим, унга ёрдам берсам, дегандим.

– «Бахти каро хотиннинг тарихи» эмиш! – заҳарханда килиб чўзди Прасковья Ивановна. – Бундай «тарих»ларга бурнингни тикиб нима қиласан? Ох, онагинам! Етар бизга етказган зулмингиз! – у кутурганча Варвара Петровнага ўтирилди. – Тўғрими, нотўғрими, бутун шаҳарни гаҳ деса, кўлингизга кўнадиган килиб олган эмишсиз, одамларнинг айтишларича, энди сизга ҳам вакт келганга ўхшайди!

Варвара Петровна худди камондан отиладиган ўқ ёйдай ўтиради. Ўн сонияча у Прасковья Ивановнага кимирламай ўқрайиб қараб турди.

– Майли, худога шукур кил, Прасковья, бу ердагиларнинг ҳаммаси бегона эмас, – чиртиллатиб деди у нихоят оғир-вазминлик билан, – кўп ортикча гапларни айтдинг.

– Онагинам, мен баъзиларга ўхшаб доиралар нима деркин, деб ўтирмайман; у сизлар такаббурлик килиб, доиралар фикри, деб титраб-калтирайсиз. Бу ердагилар ўз одамларимиз бўлса, янаям сизга яхши, бегона кулоклар эшишгандан кўра.

– Бу хафта ичи ақлли бўлиб колибсанми, нима бало?

– Бу хафта ақлли бўлиб колганим йўқ, афтидан, ҳакикат юзага чиқкан кўринади бу ҳафта.

– Қандай ҳакикат юзага чиқибди бу ҳафта? Кулок сол, Прасковья Ивановна, менинг ғашимга тегма, чин дилдан сўрайман, тўғрисини айт: қайси ҳакикат юзага чиқди ва сен бу билан нимани назарда тутяпсан?

– Э, мана, бутун ҳакикат олдингда ўтирибди-ку! – бирдан Прасковья Ивановна бармоғи билан Марья Тимофеевнани кўрсатди оқибатини ўйлаб ўтирмай, нима бўлса

Ф. М. Достоевский

бўлди, ўкни нишонга урсам, бас, дегандай килиб. Унга бу вакт давомида шўх кизикиб тикилиб ўтирган Марья Тимофеевна дарғазаб меҳмоннинг ўзига томон нукилган бармогини кўриб, шўх-шодон кулиб юборди ва креслода кувноқ кимирлаб кўйди.

– Вой, худойим, булар ҳаммалари акл-хушдан озишганми ўзи! – нидо килди Варвара Петровна ва ранги оқариб ўзини кресло суюнчиғига ташлади.

Унинг шунчалар туси ўчдики, ҳатто саросима бошланди. Степан Трофимович ҳаммадан бурун унинг олдига югурди; мен ҳам якин бордим; ҳатто Лиза ҳам ўрнидан туриб кетди, аммо креслоси ёнидан жилмади; аммо ҳаммадан ҳам Прасковья Ивановнанинг ўзи ортиқ кўркиб колди; у қичкириб юборди ва ўрнидан бир амаллаб кўзғалиб, йигламсираб ёлвора бошлади:

– Онагинам, Варвара Петровна, мен баттариннинг ахмоқлигимни кечиринг! Ҳой, сув беринглар-чи унга!

– Ҳикиллама, Прасковья Ивановна, илтимос, жаноблар, пича нарирок туринглар-чи, сув керак эмас! – овозини пасайтириб, лекин қатъият билан деди лаблари оқариб кетган Варвара Петровна.

– Онагинам! – давом этди Прасковья Ивановна жиндак ўзини босиб олиб, – Азизам дутонам, Варвара Петровна, мен айборман, ўйламай гапириб кўйдим, мени анави имзосиз ҳатлар конимга ташна қилди, мени шундай ҳатлар билан аллакимлар бомбардимон килиб ётибди; сиз ҳақингизда ёзишади, ўзингизга ёзса ўладими, менинг эса моҳпора кизим бошимда ўтирибди!

Варвара Петровна унга индамай кўзларини катта-катта очиб қаради ва хайрон колиб тингларди. Шу пайт тўр томондаги ён эшик сассиз очилди-да, Дарья Павловна кўринди. У бир зум тўхтаб атрофга назар ташлади; бизнинг саросимага тушганимиз уни хайратга солди. Афтидан, у Марья Тимофеевнани ҳам дафъатан пайқаб улгурмади, ҳеч ким уни бундан хабардор килмаганди. Степан Трофимович унга биринчи бўлиб кўзи тушди, тез харакатланди, кип-кизариб кетди ва нима учундир баланд овоз

чикариб: «Дарья Павловна!» – деди ва ҳамма бирдан кириб келувчига қаради.

– Вой, Дарья Павловна деганларингиз шу кишими! – хитоб килди Марья Тимофеевна. – Вой, Шатушка, синглинг сенга ўшамас экан! Вой, менинг тентагим шундай жонон қизни Дашка чўри деб айтади!

Бу орада Дарья Павловна бегойим Варвара Петровна га яқин борди, аммо Марья Тимофеевнанинг хитобидан ҳайратланиб, тез ўтирилиб қаради ва ўз стули ёнидан жилмай довдирга узок тикилиб колди.

– Ўтири, Даша, – деди Варвара Петровна фавкулодда осудалик билан, – якинроқ, ана шундай; сен ўтирган жоингдан ҳам бу аёлни кўриб турасан. Сен уни танийсанми?

– Мен уни илгари ҳеч кўрмаганман, – секин жавоб берди Даша, сўнг бироз жим қолиб, яна қўшиб кўйди: – бу кишим жаноб Лебядкиннинг синглиси бўлсалар керак.

– Мен ҳам сизни, жонгинам, энди биринчи марта кўриб туришим, лекин анчадан бери танишиб олишни орзу килардим, нега деганда сизнинг ҳар бир ҳаракатингиздан тарбия қандай бўлишини кўраман, – жазб билан деди Марья Тимофеевна. – Менинг малайим сўкиниб юради, лекин сиздай одоб-икромли, дилбар киз ҳеч замонда бирорвоннинг пулига тегармиди? Чунки сиз дилбар, дилбарсиз, бу менинг ўз фикрим! – қувонч билан гапини яқунлади у кўлларини силкита-силкита.

– Сен гапларини тушуняпсанми? – мағрур орият билан сўради Варвара Петровна.

– Ҳаммасини тушуниб турибман...

– Пулни гапирди, эшитдингми?

– Биз Швейцарияда бўлганимизда Николай Всееволович бериб қўйишни сўраган эди, унинг акаси жаноб Лебядкинга келтириб берганман.

Жимлик чўқди.

– Николай Всееволовичнинг ўзи илтимос қилдими сендан?

– Шу уч юз рубль пулни жаноб Лебядкинга етказиши ни у жуда ҳам хоҳлаган эди. Унинг яшаш жойини эса бил-

Ф. М. Достоевский

масди, бизнинг шаҳримизга келишидан хабари бор эди. шунинг учун жаноб Лебядкин келса бериб кўярсан, деб менга топширди, шундай тўғри келиб қолди.

– Пул... йўқолган дейдими? Ҳозир манови хотин нима деди?

– Бунисини билмайман; менинг ҳам қулоғимга бир гап чалинди: жаноб Лебядкин мени пулни ҳаммасини тўла келтириб бермади, деб одамларга гапириб юрганмиш; аммо мен буни тушунмайман. Пул уч юз рубль эди, мен уч юз рубль келтириб бердим.

Дарья Павловнанинг кўнгли жойига тушди. Кўшимча килиб айтиб кўйаки, бу кизни бирон бир нарса билан гангитиб кўйиш, чалгитиш жуда кийин эди, – лекин, албатта, ўзининг ичидан нима ўтганини ўзи билади. У ҳозир ҳаммасига сира шошилмасдан, ҳар бир саволга аниқ килиб, осуда, равон, дастлаб кутилмагандан ҳаяжонланганидан асар ҳам колмай, ўзини заррача бўлсин айборд деб хис қилмай, кисиниб-қимтинмай жавоб берди. У саволларга жавоб бераркан, Варвара Петровна бир зум ундан кўзини узмади. Варвара Петровна бирпас ўлланиб қолди.

– Модомики, – деди у ниҳоят, қатъият билан фақат Дашага караб ва афтидан атрофдагиларни ҳам назарда тутиб, – модомики, Николай Всеолодович мендан эмас, сендан илтимос килган экан, бунга албатта, ўз сабаблари бўлгандир. Буни мендан шунақа беркитишган экан, сўраб-суринтириб ўтиришга ҳакким йўқ. Лекин сен бу ишда иштирок этганинг учун менинг кўнглим тўқ, буни аввало билиб кўйишинг керак, Дарья. Лекин сен хаётни хали яхши билмаганинг учун виждонинг соф бўлса ҳам, азизам, бирон бир эҳтиётсизликка йўл кўйишинг мумкин эди; аллақандай аблах билан муомала килишга мажбур бўлганинг шуни кўрсатади. Ушбу қабиҳ зотнинг тарқатган гап-сўзлари сен хато қилганингни тасдиклайди. Аммо мен уни хали кўраман, суринтираман, сен менинг химоятимдаги кизсан, сени хафа килдириб кўймайман. Энди буларнинг барига барҳам бериш керак.

– У мабодо сизнинг олдингизга келса, – орага кўшили бирдан Марья Тимофеевна креслодан бўйнини чўзиб, уни дархол хизматкорлар олдига жўнатинг. Улар билан сартасини ўйнасанн, биз эса, бу ерда қахва ичиб ўтирамиз. Унга ҳам қаҳва берса бўлар, балки, аммо мен ундан қаттик нэфратланаман.

У бошини келиштириб силкиди.

– Бунга барҳам бериш керак, – деб тақорлади Варвара Петровна Марья Тимофеевнанинг гапини дикқат билан эшитгач, – сиздан илтимос, кўнғирокни чалинг, Степан Трофимович.

Степан Трофимович кўнғирокни чалди-да, бирдан хаяжонга тушиб, олдинга чиқди.

– Мабодо... мабодо мен... – қизишиб, ўт бўлиб ёниб, кизариб-бўзариб тутила-тутила сўзлай бошлади у, – мабодо, мен ҳам энг қабих киссани, ёки яна ҳам тўғриси, бўхтонни эшитган бўлсам, унда... мен мутлако норозиман... *enfin, c'est un homme perdu et quelque chose comme un forcat evade¹⁰¹ ...*

У тутилиб, гапини охирига етказолмади. Варвара Петровна унга бошдан-оёқ сузилиб нигоҳ ташлади. Батартиб Алексей Егорович кирди.

– Каретани ҳозирланг, – буюрди Варвара Петровна, – Алексей Егорич, сен Лебядкина хонимни уйига олиб бориб қўясан, қаердалигини ўзи айтади.

– Жаноб Лебядкин уни пастда кутяпти, мени кириб айтинг деб илтимос қилди...

– Бунинг иложи йўқ, Варвара Петровна, – ташвишланиб деди бирдан шу пайтгача миқ этмай ўтирган Маврикий Николаевич, – изн беринг, бу жамиятга кирадиган одам эмас, бу... бу... бу – бўлмагур одам, Варвара Петровна.

– Карета шошмай турсин, – деди Варвара Петровна Алексей Егоричга, хизматкор чиқиб кетди.

¹⁰¹ Кисқаси, бу тамом бўлган одам ва қандайдир сургундан кочганга ўхшайди... (франц.).

Ф. М. Достоевский

– C'est un homme malhonnête et je crois même que c'est un forcat evade ou quelque chose dans ce genre¹⁰², – деб яна гўлдиради Степан Трофимович, яна кизарип кетди, яна гапни чўлток килди.

– Лиза, бўлди, кетайлик, – ижирганиб деди Прасковья Ивановна ва ўрнидан кўзгалди. У боя кўркиб кетиб ўзини тентакка чиқарганидан энди афсусланарди чоғи. Дарья Павловна сўзлаётганда у такаббурлик билан лабини буриб эшилди. Аммо ҳаммасидан ҳам мени Дарья Павловна кириб келганидан бери Лизавета Николаевнанинг ўзини тутиши хайратга соларди: унинг кўзларида ҳатто яшириш ҳам лозим кўрилмаган каҳр-газаб ва нафрат ўти ёнарди.

– Бирпас сабр кил, Прасковья Ивановна, сендан сўрайман, – деб уни тўхтатди Варвара Петровна ҳамон ўша ҳаддан ортиқ хотиржамлик билан, – худо хайрингни берсин, ўтира тур, мен ҳаммасини айтмокчиман, сенинг эса оёгинг оғрияпти. Ана шундай, раҳмат сенга. Боя мен ўзимни тўхтатолмай, сенга баъзи сўзларни ўйламасдан гапириб юбордим. Худо хайрингни берсин, мени кечир; аҳмоклик килдим, бўйинмга оламан, чунки ҳамма нарсада адолат бўлишини хоҳлайман. Албатта, сен ҳам ўзингни босолмай, қандайдир имзосиз ҳатни эслатдинг. Ҳар қандай имзосиз бўхтон имзоси бўлмагани учун ҳам лаънатга лойик. Сен буни агарда бошқача тушунсанг, асло сенга ҳавас килмайман. Ҳар ҳолда сенинг ўрнингда бўлганимда, бунака ифлос нарсаларни тилга олиб ўтирас, кўлимни булғамасдим. Сен эса булгадинг. Аммо бу нарсани ўзинг бошладинг, ўз навбатида сенга айтиб қўяйки, бундан олти кун аввал мен ҳам имзосиз, тасқара бир ҳат олдим. Унда бир аблахнинг ёзишича, Николай Всеволодович аклдан озганмиш ва мен аллақандай чўллок хотиндан кўркишим керакмиш, у «менинг тақдиримга жуда каттиқ таъсир қиласмиш», ҳатдаги ибора шундай, уни эслаб қолдим. Ўйлаб-ўйлаб, Николай Всеволодовичнинг душманлари нихоятда кўплигини билганим учун мен шу ердаги бир

¹⁰² Бу виждонсиз одам, назаримда у ҳатто сургундан кочган ё шунга яқин бир нарса... (франц.).

кимсага одам юбордим, у ғанимларим ичидә энг яширин, чыг касоскор ва энг тубан бир зот, у билан гаплашиб ўтириб, имзосиз хатлар қаердан чиқаётганлигини аникладим. Мабодо, сени ҳам, бечорагинам Прасковья Ивановна, мен түфайли худди шунака лаънати хатлар ёғдириб бошингни ѡғритишган, сенча айтганда, «бомбардимон» килишган бўлса, биринчи бўлиб ўзим сенга таассуф билдираман, не килайки, ўзим билмай, айбиз айбдор бўлиб колибман. Сенга шуларни олдингдан ўтиб, тушунтириб қўйсам дегандим. Афсуски, сен жуда чарчаб колибсан ва ўзингни босиб ололмаётибсан. Бунинг устига мен ҳозир ўша ўта шубҳали кишини бу ерга чакирмокчиман, Маврикий Николаевич ҳозиргина уни унча ўринли бўлмаган сўз билан таърифини келтириб ўтди: уни бу ерда кабул килишнинг сира иложи йўқ деди. Айниқса, Лиза буни кўрмаса ҳам бўлади. Азизам, Лиза, қани бери кел-чи, сени яна бир карпа ўпиб қўяй.

Лиза уйни кесиб ўтди-да, Варвара Петровна қошида тўхтади. У қизни ўпиб қўйди-да, кўлидан тутиб, ўзидан бироз узоклаштириди-ю, унга меҳр-муҳабbat билан термилди, кейин чўқинтириб, яна бир бора ўпди.

– Хўп, хайр, Лиза (Варвара Петровнанинг овозида йиғламсирагани эшитилди), – толейинг сенга нимани тортиқ килган бўлмасин, сени бари бир яхши кўраман... Худо мададкоринг бўлсин. Унинг муқаддас ихтиёрига доим бўйсунганданман...

У яна нималардир демокчи эди, аммо ўзини тутди ва жим бўлди. Лиза ҳамон ўшандай индамай ва худди ўйга ботгандай бўлиб ўз жойига караб юрди-ю, аммо яна бирдан онасининг қошида тўхтади.

– Ойи, мен ҳали бормайман, яна бироз холамникида бўламан, – деди у товушини жуда пасайтириб, аммо унинг секин айтган сўзларида темир ироди ифодаланди.

– Вой, худойим-ей, нима бўлди ўзи! – нола килди Прасковья Ивановна кафтлари билан ожиз карс уриб. Аммо Лиза жавоб бермади ва ҳатто эшитмади ҳам чоги; у

яна бояги жойига ўтирида, кўзларини қайгадир, ҳавога тикиди.

Варвара Петровнанинг башарасида қандайдир ғолиб ва мағрур бир ифода жилваланди.

— Маврикий Николаевич, сиздан бир нокулай илтимосим бор, менга бир дўстлик килинг, анов пастда турган одамни тушиб бир кўринг, мабодо, зигирдак имконият бўлса, уни бу ерга, ўзингиз билан бирга ола келинг.

Маврикий Николаевич таъзим қилиб, чиқиб кетди. Бир зумдан сўнг у жаноб Лебядкинни олиб кирди.

IV

Мен бир сафар бу жанобнинг ташки киёфаси ҳакида эслатиб ўтгандим: ёши қирқлардаги баланд бўйли, сочи жингалак, гирдигум бир йигит, шишинқираган, салқиган башараси кип-кизил, бошини кимирлатганда икки бети зириллаб турари, кўзлари кичкина, конталаш, айёр бокади, мўйлов ва чакка соchlарини узун кўйган, гўштдор бакбакаси солинчак ва хунук кўринади. Аммо ҳаммасидан ҳам ҳайратта соладиган томони, у фрак ва тоза уст-бош кийганди. «Шундай одамлар борки, уларга тоза кийим-бош ярашмайди», Степан Трофимович бир куни ҳазилнамо қилиб, қўскилиknи юзига солганда, Липутин шундай деб эътиroz билдирган эди. Капитан кора қўлқопда, ўнг қўлига ҳали киймаган, ушлаб турибди, чап қўлига эса қўлқопни тифиз тортиб кийган, аммо тутмачаларини ҳали ўтказмаган, гўштдор кафтини ярмигача ёпиб турар, ушбу қўлида у яна тамомила янги йилтироқ биринчи марта бошга илинаётган тўгарак шляпасини кўтариб олганди. Бундан чиқдики, кеча у Шатовга «севги камзули» ҳакида дағдаға солганда, рост айтган. Буларнинг бари, яъни фрак ҳам, янги уст-бош ҳам Липутиннинг маслаҳатига кўра (буни кейинчалик билдим) аллақандай сирли максадларни кўзлаб қўлга киритилганди. Ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эдикি, бу ерга ҳам у кимнингдир йўл-йўриғи, кўмаги билан извошга тушиб етиб келганди; ҳолбуки, унинг ёлғиз

бир ўзи қандайдир чорак соат ичидә бир карорга келиб, хийиниб, йигиштириниб улгурмасди ҳеч качон, агар ибоятхона олдидә рўй берган воеадан дархол хабардор бўлсан чоқда ҳам, буларни эплолмасди. У маст эмасди, лекин бутун кўриниши, хол-ахволи кўп кунлардан бери сурункасига бош кўтармай ичиб, мана энди ниҳоят кўзини очган бадмастнинг оғир, ҳалпиган, тутун қайтариб турганига ўхшарди. Чамаси, агар бирор унинг икки елкасидан тутиб силкитиб кўйса, у яна дархол кайф киладигандай эди.

У ичкарига шаҳд билан учиб кирмоқчи бўлди-ю, бирор бирдан эшикда гиламга қоқилди. Марья Тимофеевна кула-кула ўлаёзди. У унга ёмон ўқрайди ва бирдан тез учтўрт одим отиб, Варвара Петровнага яқинлашди.

– Мен келдим, хоним... – худди овози кувурдан чикқандай гулдиради у.

– Мендан марҳаматингизни дариф тутманг, муҳтарам афандим, – қаддини ростлади Варвара Петровна, – ҳов, анави стулни олиб ўтириング. Сизни ўша ердан бемалол эшитаман ва бу ердан кўриб ўтираман.

Капитан оёқ остига маъносиз караганча тўхтаб колди, аммо шундай бўлса ҳам, ўгирилиб, эшик ёнидаги кўрсатилган жойга ўтирди. Унинг афт-башарасининг ифодасида ўзига хаддан ташқари ишонмаслик ва шу билан бирга безбетлик ва қандайдир туганмас жаҳлдорлик кўзга ташланарди. У хаддан ортиқ кўрқар ва бу шундок кўриниб турар, ўзини камситилгандек сезар, иззат-нафси оғрир, шуни ҳам яна сезиш мумкин эдики, иззат-нафси мабодо, озор етса, у кўрқоклигига қарамай, кези келса, ҳар қандай уятсизликдан асло қайтмасди. У ўз бесўнақай гавдасининг ҳар бир ҳаракатидан чўчирди. Маълумки, мана шунга ўхшаган жаноблар қандайдир кутилмаган тарзда жамоат ичидә пайдо бўлиб колсалар, аввало кўлларини қаерга кўйишни билмай қаттиқ кийналадилар. Капитан кўлида кўлқопи ва шляпаси, кимирламай ўтирас ва маъносиз нигохини Варвара Петровнанинг жиддият акс этган юзидан узмасди. Эҳтимол, у атрофга диккат билан назар солишини истар, аммо бунга ҳозирча журъати етмасди.

Ф. М. Достоевский

Марья Тимофеевна афтидан унинг бу ҳолатда ўтиришини жуда кулгили деб топиб, яна ҳандон ташлаб кулди, аммо у кимир этмади. Варвара Петровна уни мана шундай ҳолатда бир дақиқадан ортиқрок раҳмсизларча тутиб турди, аёвсизлик билан кўздан кечирди.

– Аввало, ижозат беринг, исмингизни ўз оғзингиздан эшитайлик? – сиполик билан маънодор килиб сўради у.

– Капитан Лебядкин, – даранглади капитан, – мен келганим, хоним... – ўз ўрнида кимирлади у.

– Ижозат этинг! – яна уни тўхтатди Варвара Петровна.

– Манави шўрлик киз ҳакикатан сизнинг синглингизми, мен унга жуда кизикиб колдим?

– Синглим у, хоним, назоратдан қочиб чикибди, у шундай бир ахволдаки...

У бирдан оғзини юмди ва бўртиб кетди.

– Бошқача янгилиш тушунманг, хоним, – у жуда қаловланиб колди, – туғишган акаси бундай вазиятда... қўлини булғамайди – бу демак, бундай вазиятда бўлмагандан... обруға путур етадиган маънода... охириг пайтларда...

У бирдан тўхтади.

– Марҳаматли жаноб! – бошини кўтарди Варвара Петровна.

– Мана, кандай ахволда! – бирдан хулоса чиқарди у бармогини манглайининг ўртасига нукиб. Бир зум сукунат чўкди.

– Кўпдан бери касалми? – чўзилиб сўради Варвара Петровна.

– Хоним, мен ибодатхонада кўрсатган мурувватингиз учун... русчасига... биродарона... миннатдорлик билдиргани келдим...

– Биродарона?

– Йўқ, яъни биродарона эмас, фақат мен шуни демокийдимки, мен синглимнинг акаси бўламан, шу маънода хоним, ишонинг, хоним, – деб чулдираб колди у яна қизарип-бўзарип, – менинг унақа маълумотим унча етарли эмас, сизнинг бу кошонангизда бир қарашда шундай туюлиши мумкин. Бу кошоналарнинг ҳашамати олдида биз

синглим билан хеч ким эмасмиз, хоним. Бунинг устига, бўхтончиларимиз ҳам бор. Аммо обрў устида Лебядкин ёзига яраша мағрур, хоним... Мен... мен... ташаккур айтгани келдим... мана, пуллар, хоним!

Шунда у чўнтағидан ҳамёнини чикариб, ичидан бир даста қоғоз пулларни сугуриб олди-да, жазавага тушиб калтираган бармоклари билан уларни титкилай бошлади. У тезроқ ниманидир тушунтирасам дерди, афтидан, бу унга жуда ҳам керак эди, чоғи. Аммо пул устида бундай куймаланибчувалашаётгани ўзини янада ахмокроқ қилиб кўрсатаётганидан оғриниб, у охирги токатини ҳам батамом йўқотди; пулни санаши янаям мушкуллашди, бармоклари нуқул чалкашиб кетаверди, бу уят-шармисорлик устига битта кўк қоғоз пул ҳамёндан сирғалиб тушиб, айланиб учиб филасга кўнди.

– Йигирма рубль, хоним, – ўрнидан туриб кетди у бирдан даста пулни кисимлаб, бу азоблардан юзи кора терга ботганча; гилам устига учеб тушган пулни кўриб, уни олмокчи бўлиб энгашди-ю, лекин негадир уялиб бунга кўл силтади.

– Сизнинг хизматкорларингизга, хоним, малай олсин уни. Лебядкинадан бир хурсанд бўлсин!

– Мен бунга йўл кўёлмайман, – шошиб-пишиб, яна бироз кўркиб кетиб деди Варвара Петровна.

– Ундоқ бўлса...

У эгилиб пулни олди, бўғрикиб ва бирдан Варвара Петровнага яқинлашиб, унга саналган пулларни узатди.

– Бу нима? – бутунлай кўркиб кетди у ва креслосида орқага тисарилди. Маврикий Николаевич, мен ва Степан Трофимович хар биримиз бир кадам олдинга чиқдик.

– Тинчланинг, тинчланинг, мен жинни эмасман, худо ҳаки, жинни эмасман! – ҳаяжонга тушиб ҳаммани ишонтиришга уринди капитан.

– Йўқ, хурматли жаноб, сиз эсингизни ебсиз.

– Хоним, бу сиз ўйлаган нарса эмас! Мен, рост, бир арзимас бўгин... О, хоним, кошонангиз бой-бадавлат, аммо, менинг синглим **Мария Неизвестнаянинг мақоми қашшок**,

менинг синглим асли исми шарифи Лебядкина, аммо хозирча уни Мария Неизвестная деб атай коламиз, хозирча, хоним, фактат ва фактат ҳозирча, аммо ҳар доим шундай колишига худо йўл қўймайди! Хоним бекам, сиз унга ўн рубль ҳадя қилдингиз, у эса олди, лекин фактат сиздан ҳадя бўлганлиги учунгина олди, хоним бекам! Эшитяпсизми, хоним бекам! Мана шу Мария Неизвестная бу дунёда ҳеч кимдан олмайди, акс ҳолда унинг бобоси штабс-офицер гўрида тик туради, у Кавказда нақ Ермоловнинг кўз ўнгига ҳалок бўлган, аммо сиздан, хоним бекам, сиздан ҳаммасини олади. Аммо бир қўли билан ўн рубль олиб, иккинчиси билан йигирма рубль беради, ха, марказдаги хайрия қўмиталаридан бирига хайрия, сиз, хоним бекам, у ерда аъзосиз... яна сиз, хоним бекам, «Москва ахбори»да ёзиб ҳам чиқдингиз, шахримиздаги хайрия жамиятининг китоби ҳам сизнинг кўл остингизда, унга ҳар ким ёзилиши мумкин...

Капитаннинг бирдан овози ўчди; у қандайдир оғир жасорат қўрсатгандай бўғриқиб ҳансираради. Хайрия қўмитасига доир гапларнинг ҳаммаси, чамаси, олдиндан ва эҳтимол, Липутиннинг таҳрири остида тайёрланганди. У яна баттар терлади; тер пешонасидан сувдай куйиларди. Варвара Петровна унга нигохини ўқдай кадаб ўтиради.

– Сиз айтган китоб, – деди у жиддийлик билан, – доим пастдаги уйимнинг коровулхонасида туради, агар истасангиз, ўз хайриянгизни ўша китобга ёздириб қўйишингиз мумкин. Шунинг учун энди пулларингизни қўлингизда силкитавермай олиб қўйишингизни сўрайман. Ана шундай. Энди аввалги жойингизга ўтиринг. Сизнинг синглингиз хусусида бироз хато қилганим учун ўқинаман, хурматли жаноб, унинг бунчалар давлатмандлигини билмай, кашшокми деб, садака берибман. Факат бир нарсага аклим етмай турибди, нега ёлғиз мендан олади-ю, бошқалардан эса сира хоҳламайди. Сиз буни таъкидлаб айтганингиз учун мен мутлако анигини билишни истайман.

– Хоним бекам, бу шундай бир сирки, у тобутдагина қўмилиши мумкин! – жавоб берди капитан.

– Нега энди? – кандайдир ишончсизроқ охангда сўрали Варвара Петровна.

– Хоним бекам, хоним бекам!..

У хўмрайиб жим бўлди, кўзи ерга қадалган, ўнг қўлини юрагининг устига қўйганди. Варвара Петровна ундан кўзини узмай кутиб турарди.

– Хоним бекам! – ўкирди у бирдан, – сизга факат битта, чин юракдан, очик, тўгри, русчасига савол берсан бўладими?

– Майли, сўранг.

– Хоним бекам, сиз ҳаётда азоб чекканмисиз?

– Сиз кимдандир азоб чекканман ёки чекаётибман деб айтмоқчимисиз?

– Хоним бекам, хоним бекам! – деб яна сапчиб ўрнидан туриб кетди у буни ўзи ҳам пайкамай ва қўксига муштлаб, – мана, мана шу қўксимда шунчалар кўп озор қайнаб-тошиб ётадики, киёмат куни ошкор бўлганда, худонинг ўзи ҳайратдан ёқасини ушлаб колади.

– Ҳм, ошириб юбордингиз.

– Хоним бекам, мен балки аччик-тиззик гапларни айтиётгандирман.

– Ташвишланманг, сизни қачон гапдан тўхтатишни ўзим биламан.

– Сизга яна битта савол берсан, бўладими?

– Майли, беринг.

– Одам факат қалби олийжаноб бўлгани учун ўлиб кетиши мумкинми?

– Билмайман. Мен ўзимга бундай савол бермаганман.

– Билмайсиз! Бундай савол бермагансиз! – деб қичкирди у кўтаринки бир киноя билан. – Ундей бўлса, ундей бўлса: Жим бўл, ноумид кўнгил! – шундан сўнг у жазаваси кўзиб қўксини муштлади.

У энди яхонани чарх уриб юрди. Бу одамларнинг хусусиятлари – ўз хохиш-истакларини ўзлари жиловлай олмасликлари; аксинча, бу хохиш-истаклар пайдо бўлиши ҳамонок уларни мутлақо андишасизлик билан юзага чиқаришга тўхтатиб бўлмас интилишлар. Ўзига ёт бўлган

жамият ичига тушиб қолган бундай жаноб аввал бошда ўзини камсукум кўрсатади, ботинмай туради, лекин унга қилча ён берсангиз, тамом, дарҳол ҳаддидан оша бошлайди. Капитан каттик кизишиб, жўшиб кетди, тинмай хонани кезар, қўлларини силкитар, саволларни эшифтас, ўзи ҳакида кўпириб-тошиб сўйлар, баъзан тили айланмай қолар, бир гапини тугатмай бошқасига сакраб ўтиб кетарди. Рост, уни батамом ҳушёр деб ҳам бўлмасди; бу ерда Лизавета Николаевна ҳам ўтирибди, у эса унга бир марта ҳам кайрилиб қарамади, аммо кизнинг шу ердалиги афтидан, унинг бошини каттик айлантириб қўйганди. Аммо бу бир тахмин, холос. Варвара Петровна нафрлатланишига қарамай, бундай ношойиста одам билан гаплашишни лозим топган экан, албатта, бунинг ўзига яраша сабаби бор эди. Прасковья Ивановна эса қўркиб қалтирас, аммо чамаси, гап нимадалигини унча англамасди. Степан Трофимович ҳам қалтирас, аммо, аксинча, боридан ортикроқ тушунишга майли бор эди. Маврикий Николаевич эса ҳаммани бало-казодан сақловчи бир киёфада турарди. Лиззанинг ранг-туси оқарган, кўзларини катта-катта очиб, ёввойи капитанга тикилгани-тикилган эди. Шатов аввалгича ўтирас; лекин ҳаммадан қизиги, Марья Тимофеевна энди батамом кулмай қўйган, аммо жуда ҳам маъюс бўлиб колганди. У ўнг қўли билан столга суюниб, пешдаҳан килаётган акасига ҳазин термуларди. Факат Дарья Павловнагина менга хотиржам туюларди.

– Буларнинг ҳаммаси бекорчи масаллар, – деди нихоят норози бўлиб Варвара Петровна, – сиз менинг: «Нега?» деган саволимга жавоб бермадингиз. Мен катъяян жавоб кутаман.

– «Нега?» деганингизга жавоб бермадимми? «Нега?» деган саволга жавоб кутяпсизми? – кўзларини қисиб такрорлади капитан. – Ушбу ушокқина «Нега» сўзи дунё яралгандан буён биринчи куниданоқ бутун кавну маконларга ёйилиб ётмоқдадир, хоним бекачим ва бутун борлик табиат ўз Яратувчисига қараб: «Нега?» – деб қичқирали-ю, мана, етти минг йилдирки, унга жавоб ололмайди.

Наҳотки, факат капитан Лебядкин бунга жавоб бериши керак, бу адолатдан бўлармикин, хоним бекам?

– Ҳаммаси бекор, гап эмас бу! – аччиги чиқиб бетоқат бўларди Варвара Петровна, – булар бари мажозлар; бундан ташкари, сиз, хурматли жаноб, жуда ҳам болохонадор килиб гапиряпсиз, мен буни фаросатсизлик деб биламан.

– Хоним бекам, – эшитмасди уни капитан, – мен балки Эрнест деб аталишни истардим, ҳолбуки Игнат деган қўпол номни қўтариб юрибман, – нега шундай, сиз нима деб ўйлайсиз? Мен князь де Монбар деб номлансан дердим, ҳолбуки, мен факат Лебядкинман, оққуш сўзидан, – нега шундай? Мен шоирман, хоним бекам, кўнгил шоириман ва ўз ношиrimдан минг рубль қалам ҳақи олишим мумкин эди, ҳолбуки, мен мана, тос-тогорада яшашга мажбурман, нега, нега? Хоним бекачим! Менимча, Россия – табиатнинг ўйини бўлса керак, бошқа эмас!

– Сиз бошқа аниқроқ бир гапни айттолмайсизми?

– Мен сизга «Суварак» деган масални ўқиб беришим мумкин, хоним бекачим!

– Нима-а?

– Хоним бекам, мен ҳали жинни бўлганим йўқ! Мен жинни бўламан, бўлсан керак эҳтимол, аммо ҳали бўлганим йўқ! Хоним бекам, менинг бир биродарим, на-а-жиб бир инсон – Криловнинг бир масалини ёзган, у «Суварак» деб аталади, шуни ўқиб берсам бўладими?

– Сиз Криловнинг кандайдир масалини ўқимоқчими-сиз?

– Йўқ, мен Криловнинг масалини эмас, ўзимнинг масалим, ўз асаримни ўқимоқчиман! Ўзимни хафа қилиб қўймаслик учун айтиб ўтайки, хоним бекачим, мен у қадар ҳам чаласавод ва бузук одам эмасман, Россиянинг улуғ масалнависи Крилов борлигини биламан, унга маориф вазири томонидан Летний садда (Ёзги боғ) ҳайкал ўрнатилган, болалиги акс эттирилган. Сиз, хоним бекачим, мана мендан сўраяпсиз: «Нега?» деб. Бунга жавоб мана шу масалнинг тагида, ўтли ҳарфлар-ла ёзилмиш!

– Ўқинг ўша масалингизни.

*Яшар эди суварак,
Болалик чөгдә эрмак.
Стаканга тушиб қолди,
Пашаага идии түлди...*

– Вой, худойим-ей, бу нима ўзи? – ҳайрон бүлди Варвара Петровна.

– Яъни ўз пайтида бўлиб ўтяпти, – деди шоша-пиша капитан, кўлларини каттиқ силкитиб, ўқишига ҳалал етган муаллиф шундай ғаши келиб кичқиради, – ёзда стаканга пашшалар тушиб қолса, пашшахўрак бўлади, буни жинни хам билади, бўлмай туринг, бўлмай туринг, кўрасиз ҳали, кўрасиз... (Тўхтовсиз кўлларини силкитади.)

*Жой эгаллаб суварак
Пашаалар сиқилишиди,
Кичқириб муштарийга:
«Жой қолмади!» – дейишиди.*

*Кичқириқни эшишиб
Никифор яқин келди,
Ажойиб чол, керишиб...*

– Мен буни ҳали тугатганим йўқ, аммо, бари бир, бу сўзлар! – шақилларди капитан. – Никифор стаканни олади-ю, дод-войга қарамай бутун маза-бемазани тогорага тўқади, на пашша қолади, на суварак, аллақачон шундай килиш керак эди. Аммо, қаранг, қаранг, хоним бекачим, суварак шикоят қилмайди! Мана, сизнинг «Нега?» – деган саволингизга жавоб! – кичқириб юборди капитан голибона: – «Суварак шикоят қилмайди!» Никифор масаласига келганда, у табиат кучларини ифодалайди, – манманлик билан кўшиб қўйди у ва хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлиди.

Варвара Петровнанинг каттиқ жаҳли чиқди.

– Сиздан бир нарсани сўрай, сиз гўёки Николай Всеводовичдан олинган, лекин сизга тўла етказиб берилмаган

пул ҳакида гапириб юрар эмишсиз, менинг хонадонимга тегишли бир одамни айблармишсиз, бу нима ўзи?

– Тухмат! – бўкирди Лебядкин ўнг кўлини аянчли кўтариб.

– Йўқ, тухмат эмас.

– Хоним бекам, шундай ҳол-аҳволлар борки, ҳакиқатни барадла айтгандан кўра, оила номуси учун чидаган маъкул. Лебядкин миқ этиб оғиз очмагай, хоним бекачим!

У худди кўр бўлиб қолгандек эди; у илҳом оғушида жўшарди; ўзини алламбало баланд мартаба топгандай се-зарди; тасаввуррида нималардир ғужгон ўйнарди. Унинг энди кимнидир хафа килгиси, қандайдир булғагиси, ўз ҳукмини ўтказгиси келарди.

– Степан Трофимович, қўнғирокни чалинг, илтимос, – сўради Варвара Петровна.

– Лебядкин айёр, хоним бекам! – кўзини кисди у сурбетларча илжайиб, – айёр, аммо унга ғов бор, эхтирослар олдидан бир дебочаси бор! Бу дебоча – гусарларнинг қадимдан қолган жанговар шишаси, уни Денис Давидов куйлаган. У мана шу дебоча, мана шу пеш эшик олдида турганда, хоним бекам, шундай бўлиб қолгайки, у шеър билан ёзилган а-ажо-о-йиб бир мактуб жўнатгай, хоним бекам, аммо уни бир умр қайнок кўз ёшлар тўкиб қайтариб олмоқликни истаганроқ бўлурди, зеро, бунда гўзаллик хиссиётига талафот етгай. Аммо учиб кетган күш думини тутқизмас! Худди мана шу пеш эшик олдида, хоним бекам, Лебядкин моҳпора киз хусусида ҳам сўйламоги жоиз бўлур, озорлардан зада бўлган маъсум қалбнинг олийжаноб шиквалари, мана шундан фойдаланишади унга бўхтон тошларини отувчиilar. Аммо Лебядкин айёр, хоним бекам! Унинг боши узра ўтирган конхўр бўри ҳар дамда ўт қўйиб, жон таслимини кутса ҳам, хеч нарсага эришолмайди: Лебядкин сирни очмайди ва ҳар гал кутилганинг ўрнига икки шиша бўлса, унга Лебядкиннинг муғомбирлиги дош бергай! О, етар энди, о, етар! Хоним бекам, сизнинг ажо-йиб ҳашаматли кошонангиз энг олийжаноб жонлардан бирига тегишли бўлиши мумкин эди, аммо суварак шикоят

килмас! Эътибор беринг, эътибор беринг, ниҳоят, шикоят килмас ва билинг улуг рухни!

Шу он пастандаги қоровулхонадан күнғирок саси келди ва шу захоти Степан Трофимовичнинг күнғирогига бироз ҳаяллаган Алексей Егорич пайдо бўлди. Батартиб кекса хизматкор нечундир каттик ҳаяжонда эди.

– Николай Всеғолович ҳозиргина етиб келдилар ва бу ерга чикаётирлар, – деб айтди у Варвара Петровнанинг саволомуз караб қўйганига жавобан.

Мен унинг ўша зумдаги ҳолатини айниқса эслайман: унинг олдин ранги окариб кетди, кейин бирдан кўзларидан ўт чакнади. У фавкулодда бир қарорга келгандай креслода қаддини ростлади. У муман, ҳамма ҳайратдан лол эди. Бир ойдан кейин келиши кутилаётган Николай Всеғолововичнинг бутунлай кутилмаган тарзда пайдо бўлиши ўзининг кутилмаганлиги билангина ғалати эмас, балки баайни ҳозирги дам билан ажиб бир тарзда мувоғик келганлиги билан ҳам гаройиб эди. Ҳатто капитан хонанинг ўртасида қоқилган қозиқдай какқайиб оғзини катта очиб, аҳмоқона бир қиёфада эшикка тикилиб келди.

Мана, ниҳоят, кўшни хонадан, жуда катта ва узун залдан тез яқинлашаётган қадам товушлари эшитилди, қадамлар майдада ва тўқиллаб чиқарди; кимдир худди сирғаниб келаётганга ўхшарди ва бирдан бу ерга Николай Всеғоловович эмас, ҳеч ким танимайдиган бошқа бир йигит шитоб билан кириб келди.

V

Шу ўринда андак тин олай-да, кутилмаганда пайдо бўлган бу кимсани бироз кисқарок бўлса-да, тавсифлаб ўттай.

Бу ёши йигирма еттилардаги ёки шунга якин йигит эди, бўйи ўртадан кўра тикрок, соchlари оқ-сарик, сийрак ва анча узун, энди сабза уриб келаётган соқол-мўйлаблари лахтакрок эди. Тоза ва ҳатто мода бўйича кийинган, аммо олифта эмасди; бир қарашда елкалари чиққанроқ ва ҳалпиллаган кўринар, бироқ қадди ғоздай ва якто эди. Қан-

дайдир гаройиб одамга ўхшар, шунга карамай, бу ерда-гиларнинг ҳаммаси унинг ўзини тутиши-туришини жуда маъкул, гап-сўзларини эса равиш-режали деб топишиди.

Ҳеч ким унинг кўрининини хунук деб айтольмайди, аммо башараси ҳеч кимга ёқмайди. Унинг боши энсаси томон узайган ва худди икки ёнидан қисилгандек, шунинг учун башараси ўткир кўринади. Манглайи тор, аммо баланд, юзининг тархи, чизиклари майда; кўзи ўқдай, бурунчалиси ушок ва киррадор, лаблари чўзиқ ва юпка. Башараси касалманд кўринади, аммо аслида ундаймас. Унинг ҳар икки ёноғи ва жағларида териси курук осилинкираган, бу уни оғир касалликдан сўнг соғайиб келаётган одамга ўхшатади. Шунга карамасдан, у мутлако соғлом, кучли ва хатто ҳеч качон касал бўлмаган.

У питрак, шошкин юради ва ҳаракат қиласи, аммо ҳеч кайга шошилмайди. Афтидан, ҳеч нарсадан саросимага тушмайди; ҳар қандай ҳолатда ва ҳар қандай жамиятда у ўзини йўқотмайди. У жуда ҳам манман, аммо ўзини манманликда айбламайди, буни пайқамайди.

Тез-тез, шошиб-пишиб сўзлайди, лекин бунда ўзига каттиқ ишонгани сезилиб туради, сўзамол, ҳозиржавоб. Кўринишдан шошқалок бўлса-да, фикрлари осуда, аник ва тутгал шақлга эга – бу, айникса, кўзга ташланади. Талаффузи ажойиб ва равон; сўзлари текис, йирик бугдой доналари каби сочилиб, доим хизматга шай, доим сара. Аввалига бу сизга ёқади, лекин кейин худди мана шу ҳаддан ортиқ равшан талаффуз, доим тайёр турган дурдона сўзлар бадингизга уради. Сизга унинг оғиз бўшлиғидаги тили қандайдир алоҳида бир шаклда, қандайдир фавқулодда узун ва юпка, ҳаддан зиёда кизил ва ҳаддан ортиқ ўткир бигиздай учи доим тўхтамай ва беихтиёр айланиб турадигандай туюлади.

Хўп, худди ушбу йигит ичкарига учеб кирди, очиги, назаримда, у ҳали қўшни хонаданоқ гапга тушиб кетди ва гап копи очилганча бу ерга кириб келди. У кўз очиб-юмгунча Варвара Петровнанинг олдига борди.

– ... Тасаввур килинг, Варвара Петровна, – дерди у сўзларни маржондай териб, – мен уни чорак соат ичида

шу ердан топаман деган эдим; бу ерга келганига ҳам бир ярим соат бўлди; биз Кирилловникида учрашдик; ярим соат бўлди, бу ерга жўнаганига ва менга чорак соатдан сўнг етиб бор, деб тайинлади...

– Ким ўзи? Ким сизни бу ерга келсин, деб тайинлади?
– сўроқларди Варвара Петровна.

– Ким бўларди? Николай Всеоловович-да! Наҳотки, сиз ростдан ҳам буни энди билаётган бўлсангиз? Аммо унинг юклари анча олдин келган бўлиши керак, нега сизга айтишмаган? Бундан чиқди, мен биринчи бўлиб хабар килаётган эканман-да. Унинг оркасидан бирон ерга одам жўнатилса ҳам бўларди, дарвоке, ўзи ҳам тезда келиб колар, айнан ўзи кутган вактга мувофиқ ва ўзи мўлжаллаган ҳисоб-китобига яраша. – Шунда у хонани кўздан кечирди ва айниқса, капитанга диккат билан тикилди. – Ох, Лизавета Николаевна, бу ерда дастлаб сизни кўраётганимдан ғоятда хурсандман, қўлингизни кисишидан канчалар баҳтлиман, – у кувнок табассум билан узатилган Лизанинг қўлини олиш учун учиб унинг олдига борди, – яна кўриб турибман, муҳтарама Прасковья Ивановна ҳам ўз «профессор»ини хали унутмаганлар чоғи ва хафа ҳам эмаслар, шекилли, Швейцарияда доим жаҳллари чикиб, хафа бўлиб юрадилар. Лекин, қалай, бу ерда оёғингиз тузалиб кетдими, Прасковья Ивановна, Швейцария докторлари ота юрт табиати, ҳавоси сизга даво бўлади деб, тўғри айтишган эканми?.. Қандай? Ҳўллаб туришми? Бу жуда ҳам фойдали бўлса керак. Аммо Варвара Петровна (унга тез ўгирилиб) мен ўшанда сизни чет элда кўролмай жуда ҳам ачиниб ва ўкиниб қолдим, бунга улгуролмадим, сизга хурматимни шахсан адo этолмадим, сизга эса айтадиган гапларим ниҳоятда кўп эди... Мен бу ерга, қариямга маълум килган эдим, аммо у киши ўз одатига кўра, афтидан...

– Петруша! – қичкириб юборди Степан Трофимович дарҳол караҳтиқдан чиқиб; у қўлларини қарсиллатиб уриб, ўғли томон отилди. Рiepte, mon enfant¹⁰³, вой, мен

¹⁰³ Петя, болакайим (франц.).

сени танимабман! – у ўғлини бағрига босди, кўз ёшлари шашқатор куйилди.

– Бўлди, бўлди, ўзингни бос, ўзингни бос, кўлларингни силкитма, бўлди, бас, бўлди, илтимос, – тутилиб, тутилиб ғўлдиради Петруша отасининг кучоғидан чикишга уриниб.

– Мен доим, доим сенинг олдингда гуноҳкорман!

– Майли, бўлди, етар; кейинроқ бафуржа гаплашамиз. Ўзингни босолмай коласан, деб ўйлагандим. Ҳой, ҳой, озгина эс-хушингни йигиштириш, илтимос қиласман.

– Мен ахир сени кўрмаганимга ўн йил бўлди.

– Унда янам талтайишга хожат йўқ.

– *Mon enfant!*

– Билдим, билдим, яхши кўрасан, ол қўлингни. Сен бошқаларга ҳалакит беряпсан... Ох, ана, Николай Всеволодовичнинг ўзи, ўзингни бос деяпман, илтимос қиласман, бас!

Николай Всеволодович хонага қадам қўйди; у жуда ҳам секин кириб келди ва эшик олдида тўхтади, осуда нигоҳ билан жамоатни кўздан кечирди.

Тўрт йил илгари уни биринчи марта кўрганимда унга илк карашдаёқ қандай лол колган бўлсам, ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Мен уни ҳеч ҳам унутмаган эдим; бироқ шундай бир афт-ангор, киёфалар бўладики, улар ҳар гал янгидан намоён бўлганда, ўзи билан қандайдир янги бир нарса олиб келади, аввал улар билан юз бора учрашган бўлсангиз-да, буни ҳали пайкамаган бўлиб чикасиз. Афтидан, у тўрт йил аввал қандоқ эса, худди шундок эди: ўшандок фасих, ўшандок салобатли, ўшандок ўқтам, ўшандок салмоқ билан кириб келди, ҳатто ўшандок деса бўлғайки, ёш, навқирон эди. Унинг енгил табассуми ўшандок вазмин, меҳрибон ва ўшандок ўз-ўзидан мамнун эди; нигоҳи ҳам ўшандок жиддий, ўйчан ва қандайдир паришон эди. Қисқаси, биз худди кечагина кўришгандек эдик, чамаси. Бироқ мени бир нарса ҳайратга солди: илгари уни гоятда кўркам деб ҳисобласалар-да, аммо унинг башараси жамиятимизнинг айрим тили заҳар хонимларининг таъбирича,

Ф. М. Достоевский

ҳакиқатан ҳам, «никобни эслатарди». Энди эса, – энди эса негалигини билмайман – у биринчи қарашдаёқ менга эътиrozга ўрин колдирмайдиган тенгсиз гўзал бўлиб кўринди, унинг башараси никобга ўхшайди, деб сира айтиб бўлмасди. Бу унинг олдингига караганда андак ранги оқаргани ва назаримда, бироз озинкираганидан эмасмикин мабодо? Ёки бўлмаса, унинг назар-нигоҳида қандайдир янги бир фикр-хаёл порлаб кўринаётганиданмикин бу?

– Николай Всеволодович! – кичкириб юборди креслодан турмай қаддини ростлаган Варвара Петровна уни амрона ишора билан тўхтатиб, – бир зумгина тўхтаб тур!

Мана шу хитоб ва мана шу ишоратдан сўнг кутилмаганда даҳшатли бир савол ўртага тушди, бундай савол Варвара Петровнадан чикиши мумкин деса, одам бунга ишонмайди, мен бу саволни тушунтиришдан олдин ўқувчини Варвара Петровнанинг феъл-авторини эслаб кўришга чакирган бўлардим, – бу феъл-автор унга умр бўйи йўлдош ва баъзи фавқулодда дамларда ақл-бовар килмас даражада шиддатли тус касб этган. Яна шу нарсани ҳам ақл чакмоғи билан чакиб кўришни таклиф эта оламанки, калбининг одатдан ташқари метин саботига, амалий хаёт ва ҳатто хўжалик ишларида ақл-фаросат, оқилалик билан иш юритишига қарамай, унинг ҳаётида шундай онлар ҳам бўлардики, уларга у ўзини бутунлай бор-йўғи билан багишлаб юборар ва бундай дамларда уни асло тўхтатиб бўлмасди. Яна шуни ҳам хисобга олишни сўрардимки, мана шундай бир дамда бутун бир ҳаётнинг моҳияти унинг назарида мужассамлашиб юзага чиқади ва унда бутун яшаб ўтилган умр, хозир ва ҳатто келажак акс этади. Яна бир сира унинг кўлига теккан имзосиз ҳатни ҳам эслатиб ўттай, буни у боя fojтда аччиқланиб Прасковья Ивановнага сўйлаб берди, яна шуниси ҳам борки, ҳатнинг кейинги гаплари хусусида у оғиз ҳам очмади, эҳтимол, худди мана шу ерда у кутилмаганда ўғлига берган даҳшатли саволнинг ечими чикар эди.

– Николай Всеволодович, – деб тақрорлади даъваткорона у ҳар бир сўзини катъият билан чертиб-чертиб

галаффуз киларкан, – сиздан илтимос киламан, турган жойингиздан кимиrlамай, хозир айтасиз; мана шу баҳти каро, чўлoқ хотин – ана ўзи, ҳов анави ерда, қаранг унга! ростми, мана шу хотин... сизнинг конуний хотинингиз ўқанилиги ростми?

Мана шу дам жуда яхши эсимда; у кўзини ҳам пирпратмай дикқат билан онасига тикилиб турди; башарасида зингирча ҳам ўзгариш содир бўлмади. Нихоят, у қандайдир марҳаматли табассум килди, бир оғиз сўз айтмай, аста онасининг қошига келди, унинг қўлини тутди, дудогига олиб борди, эъзозлаб ўпди. Унинг онасига ҳар қачонги таъсири шунчалар кучли ва енгиб бўлмас эдики, она шу ерда ҳам қўлини тортиб олишга журъят этмади. Она факат бошдан-оёқ битта саволга айланиб ўглидан кўз узмас, унинг бутун қиёфасидан агар номаълумлик яна андак давом этса, буни кўтаролмаслиги аён кўриниб турарди.

Аммо у ҳамон индамасди. Она қўлини ўпиб, хонани яна бир кўздан кечирди-да, яна аввалгидай сира шошмасдан тўғри Марья Тимофеевнанинг олдига борди. Одамларнинг баъзи онлардаги қиёфаларини чизиш гоятда кийин. Масалан, шу нарса менинг эсимда қолдики, Марья Тимофеевна кўркувдан котиб қолиб, унга пешвоз ўрнидан турди ва худди қаттик ёлворгандай қўлини ковуштириди; яна шу нарса ҳам эсимда колганки, бу унинг нигоҳидаги ҳайрат, қандайдир телбасаро ҳайрат, унинг юз ифодалирини бутунлай ўзгартириб юборган, – бундай ҳайрат ифодасига одамлар токат қилолмайдилар. Балки иккови ҳам, ҳайрат ҳам, кўркув ҳам бир пайтнинг ўзида рўй бергандир; аммо эсимда, мен тез у томонга сурилдим (мен шундок ёнгинасида тургандим), назаримда, у хозир ҳушидан айриладигандай эди.

– Бу ерда бўлиш сизга мумкин эмас, – деди унга Николай Всеолодович оҳиста эркаловчи, оҳангдор товуш билан, шунда унинг кўзларида бениҳоя мунислик порлаб кетди. У аёл қошида гоятда иззат-икромли қиёфада турар, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида бениҳоя самимий хурмат

Ф. М. Достоевский

зухур этарди. Бечора аёл гоятда шошиб-пишиб, нафаси бўғзига тикилиб, овози зўрға ичидан чиқиб, пичирлади:

– Майлими... майлими... хозир... сизнинг олдингизда тиз чўксам?

– Йўқ, бунинг иложи йўқ, – йигит унга ажиб бир табассум ҳадя қилди, бундан аёл ҳам шодланиб жилмайди. Ўша-ўша оханрабо товуши билан у аёлни худди маъсум гўдакни эркалаб кўндиргандай, вазмин-босик гап котди:

– Хаёлингиздан чиқармангки, сиз қиз боласиз, мен эсам, гарчи энг садоқатли дўстингиз бўлсан ҳам, лекин бари бир бегона одамман, эрингиз эмас, отангиз эмас, қаллигингиз эмас. Менга кўлингизни беринг ва юринг, кетдик; мен сизни каретага чиқариб қўяман, ва мабодо изн берсангиз, уйингизга кузатиб бораман.

Аёл кулоқ солиб турди ва хаёлга ботиб бошини куйи солди.

– Юрдик, – деди у хўрсиниб ва унга қўлини тутқазиб.

Аммо шу ерда жиндак баҳтсизлик рўй берди. Чамаси, у ўнгайсиз бурилдими, ўзининг касал оқсок оёғини бехос босиб олди, – кисқаси, ён томони билан креслога ёнбошлаб қолди, кресло бўлмаганда ерга учеб тушарди. Йигит дарҳол уни тутди, сужди, кўлидан маҳкам ушлаб, ғамхўрона эҳтиёткорлик билан эшикка бошлади. Қиз йикилаёзганидан хижолат чекди, ўнгайсизланди, кизариб-бўзарди ва ёмон уялди. У индамай ерга қараганча, қаттиқ оқсоқланиб йигитнинг кўлига осилган кўйи унга эргашди. Шу кўйи улар чиқиб кетишли. Мен шуни ҳам кўриб турдимки, улар чиқаркан, Лиза нимагадир креслосидан дик этиб турди ва то улар эшикка етгунларича бир зум кўз узмай кузатди. Кейин яна индамай жойига ўтирди, аммо юзида қандайдир титраш сезилар, худди бехос бир ғазандага тегиб кетгандай эди.

Николай Всеvolодович билан Марья Тимофеевна ўртасида бу воеа кечаркан, ҳамма ҳайратга чўмган, ҳеч ким оғиз очмасди; пааша учса эшитиларди; аммо улар чиқишлари ҳамон ҳамма бирдан тилга кирди.

VI

Дарвоке, хеч ким гапирмас, ҳамма хитоб киларди. Мен ўшанда ҳаммаси ўз навбати билан қандай бўлиб ўтганини бироз унуганман, чунки ҳаммаси ағдар-тўнтар тиб кетди. Степан Трофимович ниманидир французчаб ҳитоб килди ва қўлини чапак килиб чалди, аммо Варвара Петровна унга қарайдиган аҳволда эмас эди. Ҳатто Ҳизрикий Николаевич тез-тез ва узук-юлук ғўлдиради. Аммо ҳаммадан кўпроқ Петр Степанович қизишарди; кўлларини каттиқ-каттиқ силкиб, Варвара Петровна и нимагадир зўр бериб ишонтирмоқчи бўлар, аммо мен ғичагача нима гаплигини тушунолмадим. У Прасковья Ивановнаю Лизавета Николаевнага ҳам мурожаат қилар, мўл-йўлакай бир сира отасига ҳам кичкириб қўяр, – хуллали калом, хонада чарх уриб айланарди. Варвара Петровна ўтунлай қизариб-бўртиб, ўрнидан сакраб туриб кетгудек бўлиб, Прасковья Ивановнага кичкириб қоларди: «Эшийтингми, эшийтдингми, у хозир бу ерда нима деганини?» Аммо унинг жавоб беришга ҳам қурби келмас, факат нишадир деб тўнғиллаб қўлини силкитарди. Шўрликнинг ўз ташвиши ўзига етарли эди; у дам сайин бошини буриб Лиғага бокар, қизига бехисоб қўркув ичиди термилар, қизи қўзғалмагунча ўрнидан туриб кетишни энди ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Орада капитан, афтидан, сирғалиб чиқиб кетишни мўлжалларди, мен буни пайқаб қолдим. У, Николай Всеолодович пайдо бўлгандан буён, шубҳасиз, жуда каттиқ қўркувга тушганди; аммо Петр Степанович унинг қўлидан тутиб колди, кетишга йўл қўймади.

– Жуда зарур, жуда зарур бу, – деб маржон сочарди у Варвара Петровна олдида ҳамон уни ишонтиришға уриниб. У хоним рўпарасида турар, хоним эса яна креслода ўтириб, эсимда, унга ташналик билан кулоқ тутарди; у ниятига эришди ва хонимнинг дикқат-эътиборини ўзига торта олди.

– Жуда зарур бу. Ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, Варвара Петровна, бу ерда англашилмовчилик рўй бер-

Ф. М. Достоевский

ган, күринишидан жуда ғаройиб-у, аммо аслида ҳаммаси шамчироқдек равшан ва бармоқдек содда. Мен жуда яхши тушунаман, ҳеч ким менга ваколат берган эмас буларни хикоя килиб беришга ва ҳатто ўзим отилиб чикаётганим учун күлгили бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо, биринчидан, Николай Всеvолодовичнинг ўзи бу ишга унча ахамият бермайди, иккинчидан, бари бир шундай ҳодисалар ҳам борки, киши ўзи шахсан тушунтириш бериши мушкул, буни факат учинчи бир одамгина адо этиши мумкин, у айрим нозик нарсаларни осонрок баён килиб беради. Менга ишонинг, Варвара Петровна, сизнинг бояги саволингизга дарҳол жавоб беролмагани учун Николай Всеvолодович айбдор эмас, бу арзимаган бир гап бўлса ҳам, дангал айтавериши мумкин эди; мен уни Петербургдан бери биламан. Бунинг устига бутун ҳангоманинг ўзи Николай Всеvолодовичнинг иззат-хурматига хизмат килади, агарда мана шу «иззат-хурмат» деган ноаник бир сўзни қўллаш албатта жуда ҳам жўяли бўлса...

– Сиз нима демоқчисиз? Сиз ушбу англашилмовчиликни келтириб чиқарган қандайдир бир ҳодисанинг ўзим гувоҳи бўлганман, демокчимисиз? – сўради Варвара Петровна.

– Гувоҳи ҳам, қатнашчиси ҳам, – шоша-пиша тасдиклади Петр Степанович.

– Николай Всеvолодович мендан ҳеч нарсани яширмайди, унинг менга нисбатан маълум туйғуларига птуретмайди, деб агар менга сўз берсангиз... ва шу билан бирга унинг мамнун бўлишига ишончнингиз комил эса...

– Ҳеч шак-шубҳасиз мамнунлик бўлади, чунки буни мен ўзим ҳам алоҳида мамнуният билан адо этаман. Ишончим комилки, унинг ўзи мендан сўраган бўларди...

Бошқа одатий усуллардан ташкари олиб қараганда ҳам, осмондан кутилмагандан тушган ушбу жанобнинг бошқаларнинг ҳангомаларини хикоя килиб беришга оғишмай интилиши бирмунча ғалатироқ бўлиб туюларди. Аммо у Варвара Петровнанинг жуда ҳам оғриқ бериб турган жойини топиб олиб, уни қармокқа илинтирди. Мен

шанда бу одамнинг феъл-авторини, бунинг устига унинг шият-максадларини ҳали билмас эдим.

— Кулогимиз сизда, — босиклик билан эхтиёткорона ёли Варвара Петровна, бироннинг раъига юрганидан ўзоз хижолат тортиб.

— Ўзи кисқароқ воқеа; ҳатто, агар истасангиз, бу латинса ҳам эмас, — маржонлар соча кетди у, — дарвоке, роман-звис бекорчиликдан роман ёзиб ташлаши мумкин. Жуда чич антика нарса, Прасковья Ивановна, ишончим комилни. Лизавета Николаевна ҳам кизиқиб эшитадилар, негаки, ёрда ажойибгина эмас, гаройиб нарсалар кўп. Бундан ёш йилча муқаддам Николай Всеғолодович Петербургга манави жаноб билан танишиб колдилар — мана, мана ёзу жаноб Лебядкин, каранг, оғзини катта очиб турибди, яложи бўлса, бу ердан жуфтакни ростламокчи. Кечиринг, Варвара Петровна. Айтмокчи, мен сизга қочиб қолишни маслаҳат бермайман, собик озик-овқат бошқармасининг собик истеъфодаги хизматчиси бўлмиш жаноб (кўрдинизми, мен сизни жуда яхши эслайман). Менга ҳам, Николай Всеғолодовичга ҳам, сизнинг бу ердаги найрангларингиз миридан-сиригача маълум, эсингиздан чиқарманг, сиз улар ҳакида ҳисоб беришингиз керак. Яна бир карра кечирим сўрайман, Варвара Петровна. Николай Всеғолодович ўша пайтда бу жанобни ўзимнинг Фальстафим деб этарди; бу эҳтимолки (у бирдан тушунтириди) аллакандай ўтмишдаги сиймо, burlesque¹⁰⁴ бўлса керак, ҳамма унинг устидан кулади, ҳаммага ўзи рухсат беради ўз устидан кулишга, факат пулини тўлашса, бас. Николай Всеғолодович ўша пайтда Петербургда ўйин-кулгига берилган эди, мен буни бошқача сўз билан айтольмайман, нега деганда, бу одам умидсизлик, тушкунликка тушадиган одам эмас, ўша пайлар ишга тоқати йўқ, бўйни ёр бермасди. Мен факат ўша вактнинг ўзинигина назарда тутаётируман, Варвара Петровна. Манави Лебядкиннинг синглиси бор — у ҳозиргина шу ерда ўтирган эди. Ака-сингилнинг ўз бошпаналари йўқ, бошқаларга сигинди бўлиб яшашарди. У Гости-

¹⁰⁴ Ҳазил-мазок (*франц.*).

ний дворнинг равоклари тагида ўзининг аввалги ҳарбий мундирида сангиб юрар, тузукрок кийинган кишиларни тўхтатар – қўлига канча тушса, ҳаммасига ичарди. Синглиси эса ҳавода учган күшдай кун кўтарди. Бирорларниң уй юмушларига қарашар, хожат чикаради. Инжилдаги Содомнинг ўзгинаси; мен муюлишларда кечган бу ҳаёт манзараларини четлаб ўтаман, – гаройиб бўлиб кўринган ўша ҳаётга Николай Всеволодович ҳам қизиқчилик, жиннисанғилик килиб, боши билан шўнғиган эди. Мен факатгина ўша вақтни айтяпман, Варвара Петровна: «жиннисанғилик»ка келганда эса, бу унинг ўз избораси. У қўп нарсаларни мендан яширмайди. Бир вактлар *mademoiselle* Лебядкина Николай Всеволодовични қўп учратарди, унинг ташки кўринишидан ҳайратга тушган эди. У ифлос ҳаёт кучоғидаги мисоли биллур эди. Мен ҳиссиётларни яхши тасвирлаб беролмайман, шунинг учун буларни четлаб ўтаман; аммо ифлос одамлар кизнинг устидан кулишди. шундан кейин у ҳасратга ботди. У ёқда уни ёмон кала-ка килишарди, аммо илгари у бунинг фаркига бормасди. Бошининг савдоси ўшанда ҳам чатоқ эди, лекин унда, албатта, ҳозиргидай эмасди. Фараз этиб ўтиш мумкинки, болалик ҷоғида бир валинеъмат аёлнинг марҳамати билан тарбияланганни эҳтимолдан узок эмас. Николай Всеволодович ҳеч қачон унга ҳеч қандай эътибор бермас, ягири чишиб кетган картани босиб, ўртага чорак танга қўйиб, чиновниклар билан преферанс ўйнагани-ўйнаган эди. Аммо бир куни қизни хафа қилиб қўйишган эди, у сабабини суриштирмай бир чиновникни ёқасидан олди-да, иккинчи каватдан пастга улоктириди. Бу ерда бегуноҳ ҳўрланган жабрдийда учун валломатларча қайғуриш деган нарсанинг ўзи йўқ эди; бор амалиёт кулги-қаҳқаҳа остида рўй берган ва ҳаммадан кўпроқ Николай Всеволодовичнинг ўзи хандон ташлаб кулди; ҳаммаси яхшилик билан тугагандан сўнг, ярашиб олишиб, пунш ича бошлишди. Бирорк бегуноҳ ҳўрланган зотнинг ўзи буни унутмади. Ҳаммаси унинг соглом аклий қобилиятларининг барбод бўлиши билан тугади. Яна такрорлайман, мен ҳиссиётларни койил

сэтиб чизолмайман, аммо бу ерда асосийси орзу. Николай Всеволодович эса, атай килгандай, орзуни янада киңектарди: шүх-шүх кулиш ўрнига, у бирдан mademoiselle Себядкинага фавқулодда хурмат-эътибор кўрсата бошлади. Шу ерда хозир бўлган Кириллов (жуда-жуда антика ман). Варвара Петровна, ҳаддан ташқари питрак одам; сиз уни бирор кун, албатта, кўрарсиз, у хозир шу ерда), ха, шу жсангиз, мана шу Кириллов, гапни ичидан тортиб олмалангиз, гапирмайди, негадир кизишиб кетдими, Николай Всеволодовичга, сиз бу хонима қизни худди маркизадай скалатиб юбордингиз ва бу билан унинг шахти-бахтини туналай поймол килдингиз, деди. Кўшимча қилиб кўяй, Николай Всеволодович ушбу Кирилловни бироз хурмат сияларди. Унга нима деб жавоб берди денг: «Сиз, жаноб Кириллов, мени унинг устидан куляпти, деб ўйлаяпсиз; бу сикрингиздан қайтинг, мен чиндан ҳам уни хурмат қилачан. чунки у ҳаммамиздан ҳам яхши». Биласизми, буни жуда жиiddий қилиб айтди. Орадаги шу икки-уч ой ичиди сиз билан «салом», «хайр» деган сўзлардан бошка бир жиз гаплашмади. Мен ўша ерда эдим, ҳаммаси эсимда, сиз алҳол шундай хаёлга бориб колдики, уни гўё ўз қалтигидай кўради, агарда ғанимлари бунчалар кўп бўлмаганда ва оилавий тўсиклар гов бўлиб турмаса, мени олиб кочиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди, дегандай кўнгил қилачи. Кип-қизил кулги! Ҳаммаси шу билан тугадики, Николай Всеволодович бу ерга жўнашлари керак бўлиб колгач, кета туриб қизнинг кўр-кутини бадастур қилиб кўйдилар, бир йилда уч юз рубль нафака ажратдилар, балки ундан ҳам кўпроқдир, бу озмунча пул эмас. Бир сўз билан айтганди, мисол учун, бу унинг тантлилиги, бевакт ҳориб-чарчаб қолган одамнинг хоб-хаёли, – майли, Кириллов айтгандай, эрмаклардан тўйган кимсанинг янги бир чизгиси, мажрух бир хилқатни не кўйларга солиш мумкинлиги ҳакидаги бир тажрибаси янглиг бўла қолсин. «Сиз, дейди Кириллов, атай энг тубан хилқат, мажрухни танладингиз, у мангу шармисорлик ва калтаклашларга маҳкум, – сиз яна шуни ҳам билардингизки, сизга кулгили бир муҳабба-

Ф. М. Достоевский

ти боис ўлишга ҳам рози, – шундай бўла туриб, сиз бирдан кани, бундан нима чиқаркин деб, унинг бошини айлантириб, лакиллатмоқдасиз». Телбасаро аёлнинг хаёллари бундай йўналиш олганида кишининг айби борми, йўқми? Эътибор беринг, яна у шу киз билан икки оғиз бакамти ўтириб гаплашиб ҳам кўрмаган! Шундай нарсалар мавжудки, Варвара Петровна, улар ҳакида акл билан гап айтиб бўлмайди, шу билан бирга улар ҳакида гап очишнинг ўзи ҳам аклдан эмас. Майли, охир-окибат жиннисанғилик бўла қолсин – аммо ахир шундан ортиқ гап айтиб бўлмайди-ку; холбуки, энди буни бутун бир тарих, солномага айлантиришяпти... Бу ерда рўй берадиган воқеалар, Варвара Петровна, менга кисман таниш.

У бирдан хикоясини тугатди ва Лебядкинга ўтирилай деб турганда, Варвара Петровна уни ўзига қаратди; хоним жуда каттиқ ҳаяжон ичиди эди.

– Сиз тугатдингизми? – сўради у.

– Ҳали йўқ; агар сиз изн берсангиз, гап тўликрок бўлиши учун баъзи бир нарсаларни манави жанобдан сўраб аникламокчи эдим... Сиз нима гаплигини ҳозир кўрасиз, Варвара Петровна.

– Етар, бирлас бас килинг, кейинроқ, илтимос. Сизни гапирирганим қанчалар соз бўлди-я!

– Эътибор килинг, Варвара Петровна, – талпиниб қанот қоқди Петр Степанович, – боя буларнинг ҳаммасини сизнинг саволингизга жавобан Николай Всеғолович тушунтириб бера олармиди, – бунинг устига саволингиз кутилмаган даражада каттиқ бўлди?

– О, ростдан ҳам каттиқ!

– Ана энди мен тўғри айтган эканманми, айрим холларда манфаатдор шахсга қараганда учинчи одам ҳаммасини оппа-осон тушунтириб беради, деб?

– Рост... рост... Аммо сиз бир нарсада янглишдингиз, афсус, кўриб турибманки, ҳалиям янглишяпсиз.

– Наҳотки? Нимада?

– Қаранг... Айтганча, сиз мундок ўтирсангиз бўларди, Петр Степанович.

– О, майли, сиз айтганча бўлсин, ўзим ҳам чарчадим, рахмат сизга.

У дархол креслони ўзига суриб, уни шундай жой-таштирдики, бир томондан Варвара Петровна ва бошқа томондан стол ёнидаги Прасковья Ивановна ўртасига, қўзини жаноб Лебядкинга тик қаратиб ўрнашди, у шунча вактдан буён Лебядкиндан бир дақика ҳам кўзини узмас-ти.

– Сиз бу нарсаларни «жиннисанғилик» деб атаб, ташяпсиз...

– О, факат шугина бўлсайди...

– Йўқ, йўқ, йўқ, шошманг, – тўхтатди уни Варвара Петровна, узок тўлиқиб сўйлашга афтидан эҳтиёж сезиб. Петр Степанович буни пайқаши биланоқ камоли дикқат кўйиб эшлишига чоғланди.

– Йўқ, бу жиннисанғиликдан аллақандай юксакроқ бир нарса эди, менинг гапимга ишонинг, ҳатто қандайдир муқаддас нарса! Мағрур одам, шохи эрта қайрилган, «хазил-мазоқ»дан бошқа иши қолмаган – сиз бу иборани ҳўп топиб ишлатдингиз, – бир сўз билан айтганда, Степан Трофимович зўр ўхшатгандай, шаҳзода Гарри ва менинг назаримча, ундан ҳам ортикроқ, Ҳамлетга ўхшаб кетадиган одам.

– *Et vous avez raison¹⁰⁵* – тўлкинланиб лукма ташлади Степан Трофимович.

– Сизга ташаккур айтаман, Степан Трофимович, сизга яна шунинг учун алоҳида ташаккур билдираманки, сиз айнан ҳар доим Nicolasga, унинг юксак иқтидори ва юрак парвозига ишонч билан караб келдингиз. Мен тушкунликка тушган пайтлар ҳам, сиз шу ишончни менда мустаҳкамладингиз.

– *Chere, chere...* – Степан Трофимович олдинга ўтмоқчи бўлиб чоғланди, аммо унинг гапини бўлиш хатарли эканлигини ўйлаб, ўзини тўхтатди.

– Агарда Nicolasининг ёнида (гаплари қўшиқ каби куйилиб келарди бир жиҳатдан Варвара Петровнанинг) тоқа-

¹⁰⁵ Ва сиз бутунлай ҳақсиз (франц.).

Ф. М. Достоевский

тида улуг ва осуда Хорацио каби инсон турганда, – бу сизнинг яна бир гўзал иборангиз, Степан Трофимович, – унда балки у аллақачон маъюс ва «киноянинг кутилмаган шайтони»дан халос бўлур эди, бу шайтон уни бир умр қийнаб, изтиробга солиб келади. (Киноянинг шайтони ҳакидаги яна сизнинг ажойиб сўзларингиздан бири, Степан Трофимович). Аммо Nicolashnинг ҳеч качон на Хорациоси ва на Офелияси бўлмаган. Унинг факат ёлғиз онаси бор эди, холос, аммо ёлғиз онанинг ўзи бундай ҳолларда нима килади, кўлидан нима келади? Биласизми, Петр Степанович, шу Nicolasга ўхшаган хилқат ҳатто сиз ҳикоя килиб берган ифлос хароботларга бориб юриши менга ҳаддан ташқари тушунарли бўлиб тувлади. Энди мён ҳаётнинг «ҳазил-мазок»ини жуда яхши тасаввур киламан (бу сизнинг жуда ўткир иборангиз!), бу зиддиятларга тўймас ташналик, у худди биллур каби намоён бўлган мудҳиш манзара, бу яна сизнинг ўхшатишингиз, Петр Степанович. Мана, ниҳоят у ўша ерда ҳамма хўрлаган майиб-мажрух чала савдоига ва, шу билан бирга, балки юраги олийжаноб ҳиссиётларга тўла бир шўрлик жонга дуч келади!

– Ҳм, балки шундайдир.

– Шундан кейин сизга тушунарли эмасми, у кизнинг устидан бошқаларга ўхшаб кулмайди! О, одамлар! Сизга тушунарли эмасми, уни тахкирлардан химоя қиласди, «худди маркизадай» уни иззат-икромга чулгайди (анави Кириллов одамларни жуда ҳам теран тушунади, шекили, гарчи ҳатто унинг ўзи ҳам Nicolashni тушунмаган!) Истасангиз, худди мана шу зиддият орқасидан кулфат чикқан; агарда шўрлик баҳти каро киз бошка бир шароитда бўлганда, унда мана бунақа ақлни зое килувчи орзу ҳам тугилмасди. Аёл, факат аёл буни тушуниши мумкин, Петр Степанович, нечоғлик афсусланаман, сиз... яъни, негаям сиз аёл киши эмассиз, жиллакурса, мана шу ўринда тушубниб етардингиз!

– Яъни, канча ёмон бўлса, шунча яхши деган маънода, мен тушунаман, тушунаман, Варвара Петровна. Бу худди диндаги каби; одам қанчалик ёмон яшаса ёхуд бутун ҳалк

канчалар эзилган ва қашшок бўлса, жаннатдаги мукофот хақида шунчалар каттиқ орзу қиласи ва бунинг устига-устак яна юз минглаб руҳонийлар бу орзуларни аланга олдириб, чайковга солиб турсалар, унда... мен сизни тушунаман, Варвара Петровна, ишончингиз комил бўлсин.

– Олайлик, бу уччалар тўғри эмас, аммо, айтинг-чи, наҳотки Nicolas ушбу шўрликкина вужуддаги (нега бу ерда Варвара Петровна «вужуд» сўзини ишлатди, мен сира тушунолмадим) орзуни поймол этиш учун, наҳотки у ҳам унинг устидан кулиши ва унга бошқа амалдорлардай муносабатда бўлиши керак эди? Наҳотки сиз Nicolas бирдан жиддий туриб, Кирилловга: «Мен унинг устидан кулмайман» деганда, наҳотки сиз ундаги юксак ҳамдардикни, ўша бутун аъзойи вужуднинг олийжаноб титроғи-ни инкор этасиз? Ахир унинг жавоби юксак, мукаддас жавоб-ку!

– Sublime¹⁰⁶, – пиҷирлади Степан Трофимович.

– Билиб кўйинг, у яна сиз ўйлаганчалик бой эмас; мен бойман, у эмас, у эса ўша пайтлар мендан хеч нарса олмасди.

– Мен тушунаман, тушунаман бунинг ҳаммасини, Варвара Петровна, – энди бироз тоқатсизлик билан қимирлаб кўйди Петр Степанович.

– О, бу менинг характерим! Мен Nicolasда ўзимни кўряпман. Бу навқиронлик, бу гулдурос, бу түғёнли интилишлар менга таниш... Агарда пайти келиб биз сиз билан тил топишсак, Петр Степанович, мен шундай бўлишини чин кўнгилдан истар эдим, устига-устак сизнинг олдингизда бурчли бўлиб колдим, балки ўшанда сиз тушунган бўлардингизки...

– О, менга ишонаверинг, мен ҳам истардим, – узук-юлук ғудранди Петр Степанович.

– Сиз ўшанда тушунган бўлардингизки, олийжанобликнинг кўзи юмук ва унинг түғёнли интилишлари боис ўзингизга ҳатто ҳар томонлама номуносиб, сизни мутлақо тушунмайдиган, имконият туғилиши ҳамоноқ сизни

¹⁰⁶ Юксак (франц.).

Ф. М. Достоевский

азоб-уқубатга ташлайдиган одамга кутилмаганда дучор бўласиз ва буларнинг ҳаммасига терс ўлароқ, ана ўша одамни қандайдир идеалга айлантирасиз, орзуларингизнинг чўккиси деб карайсиз, бутун умидларингизнинг мужассамини унда кўрасиз, унга таъзим қиласиз, нималигини билмай, бир умр севасиз, – балки айни шунга муносиб бўлмагани учун севасиз... О, мен умрим бўйи азоб тортиб келаман, Петр Степанович!

Степан Трофимович юзи азобдан қийшайиб дам-бадам менга нигоҳ ташлай бошлади, лекин мен вактида бунга чап бердим.

– ...Яна яқинда, яқинда – о, қанчалар айборман Nicolas олдида!.. Айтсан, ишонмайсиз, улар менга ҳар томондан азоб беришади, ҳамма, ҳаммаси, ғанимлар ҳам, бошқалар ҳам, дўст-ошнолар ҳам; дўст-биродарлар душмандан баттар. Менга биринчи марта ўша лаънати имзосиз хат келганда, айтсан ишонмайсиз, Петр Степанович, бундан нафратланишга ҳам қурби кувватим етмади, ка бохатнинг боплаб жавобини беролмадим, юрагим пўкиллади... Ҳеч қачон, ҳеч қачон бу ожизлигим учун ўзимни кечиролмайман!

– Бу ердаги имзосиз хатлар хусусида мен умуман бавзи гап-сўзларни эшилдим, – бирдан жонланди Петр Степанович, – мен сизга уларни топиб бераман, хотиржам бўлинг.

– Аммо сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз бу ерда қандай фитна-найранглар бўлганини! – улар ҳатто бизнинг бечора Прасковья Ивановнамизни ҳам ўз холи-жонига қўйишмади – ҳолбуки, ахир унинг нима гуноҳи бор экан? Мен, балки бугун сенинг олдингда жуда ҳам айбдордирман, жонгинам Прасковья Ивановна, – қўшиб қўйди қўкси тоғдай кўтарилиб, ийиб, талтайиб ва андак музafferона истехзо билан.

– Қўйсангиз-чи, онагинам, – деб ғудранди у рўйхуш бермай, – менимча, буларнинг барига барҳам бериш керак; кўп валдирадик... – у шундай деб, яна ботинмайгина

Лизага боқди, аммо у Петр Степановичдан кўзини узолмасди.

– Манави ҳамма нарсасини йўкотган, фақат юрагини сақлаб қолган бечора, баҳти қаро сари савдойи кизни мен ўзимга фарзанд қилиб олишга карор килдим, – бирдан хитоб этди Варвара Петровна, – бу менинг бурчим, уни оғишмай адо этмоқчиман. Бугундан бошлаб уни ўз химоятимга оламан!

– Баъзи жиҳатлардан бу жуда яхши бўлади, – жонланди Петр Степанович. – Кечиринг, мен боя гапимни тугатолмадим. Мен баайни ҳомийлик ҳакида айтмоқчийдим. Тасаввур эта оласизми, ўшанда Николай Всеғолодовиҷ жўнаб кетгандан (мен баайни Варвара Петровна тўхтаган жойдан гап бошламоқчиман), манов жаноб, ҳа, мана шу жаноб Лебядкин унинг синглисиға тайинланган нафақадан тўла-тўқис фойдаланишга дарҳол киришади. Мен ўша пайтда бу нарсани Николай Всеғолодовиҷ қандай ташкил қилғанларини билмайман, аммо бир йилдан сўнг, чет элларда юрганда, у киши ахволдан хабар топиб, бошкача йўл тутишга мажбур бўлғанлар. Тафсилотларини яна яхши билмайман-у, у ўзи буни айтиб берса керак, лекин шуниси менга маълумки, мазкурани каергадир узок бир монастирга жойлашган, у ерда барча кулайликлар бўлган, каровчилар қараб туришган – билдингизми? Лекин Лебядкин нима фикрга тушади денг? У жон-жаҳди билан ундан тўлов қоғозини каерга яширишганини кидиради, ахир, синглиси унга тўлов-ундирув билан баробар-да, якин ораларда максадига етади, синглисиға бўлган қандайдир ҳуқуқини пеш қилиб, уни монастирдан олади-да, тўғри шу ерга олиб келади. Бу ерда синглисини бокмайди, уриб, калтаклаб азоб беради, ниҳоят, Николай Всеғолодовиҷдан анчагина пул ундиради, муккасидан кетиб ичиликка берилади, миннатдор бўлиш ўрнига Николай Всеғолодовиҷга дўк-пўписа йўлига ўтади, бемаъни талаблар кўяди, нафака тўланмаган тақдирда ва тўғри унинг қўлига берилмаса, судга бераман, деб кўркитади. Шундай қилиб, Николай Всеғолодовиҷнинг ихтиёрий ҳадясини унинг мажбурий

тўлови деб кабул килади, буни сиз тасаввур килоласизми?
Жаноб Лебядкин, мен бу ерда айтгандаримнинг ҳаммаси
тўғрими?

Шу пайтгача ерга тикилганча индамай турган капитан
тез икки одим олдинга чиқди-да, қизариб-бўғришиб кетди.

– Петр Степанович, сиз менга беражмлик килдингиз, –
деб чирсиллаб гапни узди у.

– Нимаси беражмлик, нима учун? Аммо, менга қаранг,
беражмлик ёки мулоиймлик ҳакида кейин гаплашамиз,
хозир эса мен сиздан биринчи саволимга жавоб беришин-
гизни сўрайман, мен айтган нарсалар, ҳаммаси тўғрими,
йўкми? Агар сиз нотўғри десангиз, шу заҳоти баёнот бе-
ришингиз мумкин.

– Мен... сиз ўзингиз биласиз, Петр Степанович... –
тўнғиллади капитан, аммо тутилиб жим бўлиб колди. Ай-
тиш керакки, Петр Степанович оёқларини чалкаштириб
креслода ўтирас, капитан эса унинг кошида кўл қовушти-
риб турарди.

Капитан Лебядкиннинг иккиланиб туриши, чамаси,
Петр Степановичга ғоятда маъкул тушмади; унинг юз то-
мирлари каҳрли учди.

– Балки сиз ростдан ҳам бирон баёнот бермокчидир-
сиз? – Жуда маъноли қилиб қаради у капитанга. – Ундей
бўлса, марҳамат килинг, сизни кўриб туришибди.

– Ўзингиз яхши биласизки, Петр Степанович, менинг
баёнот берадиган жойим йўқ.

– Йўқ, мен буни билмайман, ҳатто биринчи марта
эшитяпман; нега сиз баёнот беролмайсиз?

Капитан кўзини ерга тикиб мик этмасди.

– Мен кетай, рухсат беринг, Петр Степанович, –
мингирилаб деди у қатъият билан.

– Аммо олдин менинг биринчи саволимга жавоб бер-
асиз: мен айтган нарсалар ҳаммаси тўғрими?

– Тўғри, – ғудранди Лебядкин ва кўзларини ўзини
кийнаётган одамга тиқди. Унинг пешонасидан тер чиқди.

– Ҳаммаси тўғрими?

– Ҳаммаси тўғри.

– Бирон нарса қўшимча килолмайсизми, эътирозингиз йўқми? Агар бизни ноҳақ деб билсантиз, бу ҳақда баёнот беринг; норозилигингизни очик айтинг, инкор килинг.

– Йўқ, норози эмасман.

– Яқинда Николай Всеvolодовичга дўк-пўписа килганимидингиз?

– Бу... бу, ичкиликнинг касофати, Петр Степанович. (У бирдан бошини кўтарди). Петр Степанович! Агар оила обрўисига путур етса, агар юрак беайб ҳолда хўрлика учраган бўлса ва одамлар орасида бундай надоматга қолса, нахот ўшанда ҳам одамни айбдор хисоблайдилар? – бўкириб юборди у, худди боягидай ўзини унутиб.

– Э, сиз хозир хушёrmисиз, жаноб Лебядкин? – унга кўзларини ўқдай қадади Петр Степанович.

– Мен... хушёrmан.

– Оила обрўси нима дегани ва беайб хўрлик кўрган юрак дегани-чи?

– Мен ҳеч кимни назарда тутмадим, ҳеч кимни айтмоқчимасман. Мен ўзимча... – чўкиб кетди яна капитан.

– Сиз ва сизнинг ахлокингиз ҳакида айтган сўзларимдан қаттиқ хафа бўлдингиз, шекилли? Сиз жуда жаҳли тез одам экансиз, жаноб Лебядкин. Аммо менга қаранг, мен ҳали сизнинг ахлокингиз ҳакида тўлалигича ҳеч нарса деганим йўқ. Мен сизнинг ахлокингиз аслида қанака эканини айтаман. Мен, албатта, сўзлай бошлайман, ҳали гапнинг индаллосини бошлаганим йўқ.

Лебядкин сесканиб тушди ва кўзлари ола-кула бўлиб Петр Степановичга каради.

– Петр Степанович, менинг кўзим энди очила бошлади!

– Ҳм. Мен сизни уйғотиб юбордимми?

– Ҳа, сиз мени уйғотдингиз, Петр Степанович, мен эса тўрт йилдан бери осилиб турган булут тагида ухлаб қолибман. Мен энди кетсам бўладими, Петр Степанович?

– Энди бўлади, мабодо Варвара Петровна ижозат берсалар...

Аммо хоним қўл силтади.

Капитан таъзим қилди, икки қадам эшик томонга юрди, кутилмаганда тұхтади, күлини юрагига қўйди, нимадир демокчи эди, демади ва тез юриб чикиб кетди. Аммо нақ эшикда Николай Всееволодович билан юзма-юз келди; у ўзини четга олди; капитан қандайдир унинг олдиди кичрайиб, бужмайиб колди ва турган жойида худди бўйма илонга дуч келган қўёндай қўзи бақрайганча тек котди-колди. Николай Всееволодович андак тұхтаб, уни кўли билан бироз нари сурди-да, ичкари залга кирди.

VII

У қувнок ва хотиржам эди. Эҳтимол, ҳозир у бизга коронғу бўлган жуда ҳам яхши бир нарсани бошидан кечиргандир; ҳар қалай у алланимадан гоятда мамнун бўлгандек кўринади.

– Сен мени кечирармикинсан, Nicolas? – токати етмай сўради Варвара Петровна ва шоша-пиша унга пешвоз чикиб ўрнидан турди.

Бирок Nicolas барапла кулиб юборди.

– Худди шундок! – деди у ҳазиломуз тарзда оккўнгиллик билан.

– Кўриб турибман, ҳаммасидан ҳабар топибсиз. Мен эса бу ердан чикқач, каратага ўтирганда ўйланиб колдим: «Жуда бўлмаганда бир латифа айтиб берсам бўларкан, ким бунака килиб чикиб кетади?» Аммо сизнинг олдингизда Петр Степанович қолаётганини эсладим-у, анча енгил тортдим.

У сўйларкан, атрофга олазарак қаарди.

– Петр Степанович бизга бир тентакнинг Петербургда кўхна замонларда бошидан кечиргандаридан ҳикоя килиб берди, – хурсанд бўлиб илиб кетди Варвара Петровна, – бир тантик ва телба одам экан, аммо доим ўй-хаёллари нажиб ва доим валломатлардай одил экан...

– Валломатлардай-а? Наҳотки шунчалар бўлса? – куларди Nicolas. – Айтмоқчи, мен бу сафар Петр Степановичнинг шошқалоклигидан миннатдорман (шу ерга кел-

ганда, у Петр Степанович билан бир зум кўз уриштириб олди). Ойи, сиз билиб қўйишингиз керак, Петр Степанович ҳаммани яраштириб юради: у яраш-ярашга уста, бу унинг касали, аргумоги, шу томонларига алоҳида эътибор берсангиз, арзиди. Сизларга бу ерда нималар деб шакиллаганини сезиб турибман. У бир нарсани ҳикоя килаётганда шунақа шакиллади; мияси идора хизмати бўлиб кетган. Билиб қўйинг, у соғлом қарашли йигит, ёлғон гапирмайди, ҳакикат унга ютуқдан кўра кимматрок... албатта, ютуқ ҳакикатдан кимматрок бўлган алоҳида ҳоллар бундан мустасно. (Шуларни айтаркан, у тўхтовсиз аланг-жаданг теваракка қаради). Шундай килиб, ойи, кўриб турибсизки, мендан кечирим сўрашга хожат йўқ ва мабодо бу ерда қандайдир телбалик бор бўлса, у аввало менинг томонимдан содир этилган телбалик ва демак, охир-окибат ҳар қалай мен телба бўлиб чиқаман, – бу ерда мен ҳакимда тугилган фикрларни оқлашим керак-ку...

Шунда у онасини майин кучди.

– Ҳар ҳолда, иш шу билан тутади ва ҳикоя қилиб ўтилди, демак, унга нукта қўйиш мумкин, – кўшиб қўйди у ва унинг гап оҳанги куруклашди ва қатъият янгради. Варвара Петровна бу ҳолни пайкади; аммо унинг ҳаяжони сира бо силмас, аксинча зўрайрди.

– Келишингга ҳали бир ой бор деб ўйлагандим, Nicolas!

– Ойи, мен сизга ҳаммасини тушунтираман, энди эса...

У шундай дея, Прасковья Ивановна томонга юрди.

Аммо у бошини унга билинار-билинмас бурди, холос, ҳолбуки, ярим соат бурун у биринчи бор кириб келганда, ларзага тушиб лол бўлиб қолганди. Энди унинг ташвишларига янги ташвиш қўшилганди: капитан чиқиб кетаётисб эшикда Николай Всееволодович билан тўқнашгандан буён Лиза бирдан тўхтовсиз кула бошлади, – кулгуси аввалига секин ва ўқтин-ўқтин, аммо борган сари зўрайиб, аён ва баланд янгради. У қизариб бўғриқди. У ҳозиргина тумтайиб, тумшайиб ўтирган қизга ўхшамасди. Николай

Ф. М. Достоевский

Всеволодович ойиси Варвара Петровна билан сўйлашаркан, у икки марта Маврикий Николаевични худди унга ниманидир пичирламокчи бўлгандай имлади; лекин у кизга бошини эгиши биланок қизи тушкур, шу захоти хаҳолаб кулиб юборарди; у шўрлик Маврикий Николаевичнинг устидан куляптимикин, деб ўйланиб қоларди, киши. У. ҳар қалай, афтидан, ўзини тутишга ҳаракат килар ва рўмолчасини лабларига босарди. Николай Всеволодович хеч нарса билмагандай, маъсум бир киёфада у билан саломлашди.

– Илтимос, мени кечиринг, – деб жавоб берди киз тез-тез бидирлаб, – сиз... сиз, Маврикий Николаевични кўрдингиз-ку, ахир... Вой, худойим-ей, бўйингиз намунча баланд бўлмаса, Маврикий Николаевич!

Яна кулги. Маврикий Николаевичнинг бўйи ҳакикатан дароз, аммо унчалик ҳам эмасди.

– Сиз... анча бўлдими келганингизга? – деб пичирлади у яна ўзини тутишга уриниб ва хижолат чекиб, аммо кўзларидан ўт чақнаган ҳолда.

– Икки соатдан ошли, – жавоб берди Nicolas унга диккат билан разм соларкан. Айтиб қўйяй, у хаддан ортиқ босик ва хушмуомала эди, аммо хушмуомалани йиғиштириб қўйганда гоятда локайд ва бўшанг бир тусга киради.

– Каерда яшайсиз?

– Шу ерда.

Варвара Петровна ҳам Лизадан кўзини узмас, лекин у бирдан калласига келиб қолган бир фикрдан ҳайратга тушди.

– Шу пайтгача, икки соатдан бери қаерда эдинг ўзи, Nicolas? – ўғлига якин борди у. – Поезд соат ўнда келади.

– Мен аввал Петр Степановични Кирилловникига олиб бориб қўйдим. Петр Степановични эса Матвеевода учратдим (уч бекат нарида), битта вагонда бу ерга келдик.

– Мен тонг отмасдан Матвеевода кутдим, – илиб кетди Петр Степанович, – кечаси орка вагонлар издан чиқиб кетди, оёкларимиз синишига сал қолди.

– Оёқ синдими! – кичкирди Лиза. – Ойи, ойи, сиз би-
зэн ўтган ҳафта Матвеевога бормокчи бўлувдик, сал ко-
нобиди-да оёқларимиз синишига!

– Худо сакласин! – чўкиниб қўйди Прасковья Иванов-
на.

– Ойи, ойи, жон ойи, агарда мен ростданам икки
ёғимни синдириб қўйсам, сиз асло кўркманг, ахир шун-
гай бўлиб колиши ҳам мумкин-ку, ўзингиз айтасиз-ку,
чар куни кўзингга карамай от чоптирасан деб. Маврикий
Николаевич, мен чўлек бўлиб колсан, етаклаб юрасизми?

яна ҳахолаб кулди у. – Агар шундок бўлиб колса, сиздан
бошка ҳеч кимга мени етаклаб юришига йўл қўймайман,
менга ишонаверинг. Айтайлик, мен битта оёғимни син-
дириб қўйдим... Бир илтифот килиб айтинг-чи, етаклаб
юришни баҳтим деб биламан, денг-чи.

– Битта оёқ билан кандай баҳт бўлсин? – қовогини со-
ниб, жиддийлашди Маврикий Николаевич.

– Лекин сиз етаклайсиз, фактат сиз, бошка ҳеч ким!

– Ўшанда ҳам сиз мени бошлаб юрасиз, Лизавета Ни-
колаевна, – яна ҳам жиддийроқ тортиб деди Маврикий
Николаевич.

– Э, худойим, ахир у қочириқ қилмоқчи бўлган! – би-
роz даҳшатга тушиб хитоб қилди Лиза. – Маврикий Нико-
лаевич, ҳеч қачон бу йўлга кирманг! Аммо бунча худбин
бўлмасангиз! Сиз инсофли кишиси, ишончим комилки,
сиз ўзингизга ўзингиз тухмат қиляпсиз; аксинча: сиз эрта-
лабдан-кечгача мени бир оёқсиз янада латофатлироқ бў-
либ қолдингиз, деб ишонтирасиз! Факат бир нарсани ҳеч
қачон тузатиб бўлмайди, сизнинг бўйингиз жуда ҳам ба-
ланд, оёғим бўлмаса, мен кичкина бўлиб коламан, кандай
килиб қўлимдан етаклайсиз, бир-биrimизга мос тушмай-
миз!

Шунда у изтироб билан кулди. Қочириклар ва ишора-
лар жуда жўн, аммо у буни ўйлаётгани йўқ эди.

– Жазава! – шипшиди менга Петр Степанович. –
Тезрок сув беришса эди.

Айтгани рост чиқди; бир дақиқадан сүнг ҳамма шошиб колди, сув олиб келишди. Лиза ойисини қучоқлаб, оташин ўпар, елкасига бошини қўйиб йиглар ва яна шу захоти бошини оркасига ташлаб, унинг юзига тикилиб, хандон отиб куларди. Нихоят, онаси ҳам ҳикиллаб қолди, Варвара Петровна ҳар икковларини тезликда боя Да-рья Павловна залга чиқиб келган эшиқдан ичкарига олиб кириб кетди. Аммо у ёқда узок колиб кетишмади, тўрт дақика чamasи бўлишди, холос...

Эндиликда мен бу ҳеч қачон унутиб бўлмайдиган тонг чоғининг охирги дақикаларининг ҳар бир чизигини эслашга уринаман. Эсимда, аёллар чиқиб кетгач (фақат Да-рья Павловнагина ўз жойида кимирламай ўтиради), Николай Всеvолодович Шатовдан бошка ҳар биримизнинг кошимизга келиб, қайтадан сўрашди, Шатов ҳамон ўша пучмоқда ўтирас ва боши янада қуйироқ ерга эгилганди. Степан Трофимович Николай Всеvолодович билан бенихоя ўткир ва кизиқ бир нарса тўгрисида гап бошлаган эди, аммо шоша-пиша Да-рья Павловна томонга интилди. Аммо йўл-йўлакай уни Петр Степанович куч билан тўхтатиб, дераза томонга бошлади ва ниманидир тез пичирлаб айта бошлади, афтидан, жуда муҳим бир гап бўлса керак, бу уларнинг юzlари ва кўл харакатларидан билиниб турарди. Николай Всеvолодович эса ялков ва паришон тинглар, лабидан одатдаги табассуми аrimас, охирида эса ҳатто сабр-сизланиб, кочиб қолишининг пайида бўларди. Хонимлар хонага қайтиб киришганда, у дераза олдидан кетди. Варвара Петровна Лизани яна бояги жойига ўtkизdi, яна ўн дақикача, албатта, сабр килиб нафас ростлаб туинглар, нозиклашиб қолган асабларга очик ҳаво бошқача таъсир килиши мумкин, деб уларни ушлаб қолди. У Лизанинг атрофида астойдил айланиб-ўргилар эди, ўзи ҳам унинг ёнига ўтири. Бўш қолган Петр Степанович дарҳол уларнинг ёнига ўтди ва шўх-кувноқ сухбатни бошлаб юборди. Худди мана шу дақиқада Николай Всеvолодович, нихоят, Да-рья Павловнанинг қошига шошилмай қадам ташлаб борди; Даша унинг яқинлашиб келаётганини кўриб, ўтири-

эн жойида түлкинланиб кетди ва уялиб-кисиниб ўрнидан сұғалди, юзи ял-ял кизарди.

– Сизни табрикласак бўладими... ё ҳали эртами? – деб ап бошлади Николай Всеволодович башарасида қандай-тири салқиши пайдо бўлиб.

Даша унга нимадир деб жавоб қилди, аммо буни эшиг-иб бўлмади.

– Нега бурнини тикяпти деб ўйламанг, – деб овозини кўтарди у, – аммо сиз биласиз-ку ахир, мен атай хабардор килинганман. Сиз буни биласизми?

– Ҳа, мен биламан, сиз атай хабардор қилингансиз.

– Мен бевакт табригим билан ҳеч кимга ҳалал бермадиммикин ишқилиб? – кулиб юборди у, – мабодо Степан Трофимович...

– Нима, нима билан табриклаш керак? – югуриб келди Петр Степанович, – сизни нима билан табриклаймиз, Да-рья Павловна! Воҳ! Наҳот ўша анов иш билан? Қизариб кетишингиздан мен топганга ўхшайман. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг гўзал ва маҳпора қизларимизни ортиқ нима билан ҳам табриклаш мумкин ва яна қанақа табриклардан улар ҳаммадан кўпроқ қизаришади? Ҳў-ўп, агар тўғри топган бўлсан, мендан ҳам табриклар қабул қилинг ва баҳса ютқизганингизни тан олинг, эсингиздами, Швейцарияда бас бойлашиб, эрга тегмайман, деган эдингиз... Оҳ-ха, Швейцария борасида – мен нима деяпман ўзи? Қаранг-а, асли шуни деб келганман, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди: сен менга айт-чи, – у шитоб билан Степан Трофимовичга бурилиб қаради, – сен ахир қачон бормокчисан Швейцарияга?

– Мен... Швейцарияга? – хайрон бўлиб тутилиб колди Степан Трофимович.

– Нима? Бормайсанми? Ахир сен ҳам уйланяпсан-ку, а... ёзган эдинг-ку?

– Рieгте!¹⁰⁷ – хитоб қилди Степан Трофимович.

– Нима Rieгte... Ўзинг кўргин-да, ахир, агар бу сенга маъкул бўлса, мен қарши эмасман, шуни айтгани учиб

¹⁰⁷ Петя (франц.).

етиб келдим, чунки сен албатта менинг фикримни иложи борича тезрок билишни истагандинг; агарда (маржон со-чарди у) сени «халос» килиш керак бўлса, буни ўша хатингда ўзинг ёзгансан ва ялиниб-ёлвориб сўрагансан, ун-док бўлсаям, мен хизматга тайёрман. У ростданам уйлан-мокчими, Варвара Петровна? – у тезгина хонимга ўгирил-ди. – Мен бурнимни тикаётганим йўқ; ўзи шаҳардагилар-нинг ҳаммаси билади ва ҳаммаси табриклишяпти, бундан кочиш учун ташкарига факат коронғу тушгандা чикаман, деб ёзган. Хат менинг чўнтағимда. Аммо, ишонасизми, Варвара Петровна, мен уни умуман тушунмаяпман! Сен менга факат бир нарсанӣ айт, Степан Трофимович, сени табриклиш керакми ёки «күткариш?» Айтсан, сиз ишон-майсиз, унинг энг баҳтиёр сатрлари аро энг баҳтсиз сўзлар учрайди. Биринчидан, мендан кечирим сўрайди, майли, дейлик, бунга ҳакки бор... Дарвоке, айтмасам бўлмайди, тасаввур қилинг, бу кишим мени умрида факат икки ма-ротаба кўрган, у ҳам тасодифан, мана энди бирдан учинчи маротаба уйлана туриб, ўғлим олдидаги оталик бурчимга хиёнат қиласиган, деб ўйлаганми, минг чақирим нари-да туриб мендан хафа бўлмасликни, унга изн беришим-ни илтижо килади! Илтимос, мендан хафа бўлма, Степан Трофимович, замона зайлар, мен бунга кенг карайман ва айбситмайман, бу сенинг шаъннингни ерга урмайди ва хо-казо ва хоказо, лекин, барибир асосий гап шундаки, мен шу асосийини сира тушунолмайман. Бу ерда аллақандай «Швейцариядаги гунохлар» тўғрисида нималардир ёзил-ган. Гунохлар боиси уйланаман ёки бошқаларнинг гу-нохига уйланаман, дейдими-ей, кискаси «гунохлар». «Киз бола, дейди, биллур ва олмос», мен унга муносиб эмасман дейдими-ей, «муносиб эмасман» – ўзининг сўзи; аммо ўша кандайдир гунохлар туфайли ёки шарт-шароитлар туфай-ли «никоҳ ўқитишим ва Швейцарияга боришим керак», дейдими, шунинг учун бошқа ишларингни қўйиб, «мени куткарғали қанот кокиб учиб кел», дейдими-ей. Мана шу-ларнинг ҳаммасидан бирон нарсанӣ тушуниб бўладими ўзи? Дарвоке... дарвоке, мен одамларнинг юзидан кўриб

турибманки (у кўлида хат билан чарх айланар, маъсумона табассум билан кишиларнинг юзига назар соларди), одатим курсин менинг, афтидан, бирон хатога йўл кўйдим, шекилли... мен ўзим шундай, хаддан ташқари очик-сочик одамман ёки Николай Всеолодович айтмокчи, ховликмарокман. Мен ахир бу ерда ҳаммаси ўзимизниkilар – деб ўйлабман, яъни, Степан Трофимович, сенинг ўзингникилар – сенинг ўзингникилар, мен эса нафсилаамрга, бу ерда бегонаман, кўриб турибманки... кўриб турибманки, ҳамма ниманидир билади, мен эсам, айни, қаранг, ҳеч вакони билмайман.

У ҳамон атрофга олазарак каради.

– Степан Трофимович сизга худди шу сўзларни ёзганми, «Швейцариядаги гуноҳлар боиси уйланаман» деганми, мени келиб «куткариб ол» деб ёзганми, айни шу сўзларни айтганми? – якин келди бирдан Варвара Петровна лаблари кийшайиб, титраб-калтираб саргайган кўйи.

– Яъни, демокчиманки, буни қарангки, мен ҳеч нима тушунмадим, – кандайдир кўркиб, янада ҳовликиброк деди Петр Степанович, – бунга унинг ўзи айбдор, ўзи шундок ёзган. Мана хати. Биласизми, Варвара Петровна, хатларнинг кети кўринмайди, бири кетидан бошкаси, айниекса кейинги икки-уч ой ичи охири йўқ, ростини айтсан, охири ўқимай ҳам кўйдим. Сен менинг бу поинтар-соинтар гапларимни кечир, Степан Трофимович, лекин хатларни менинг номимга жўнатган бўлсанг-да, аслида наслларга карата ёзгансан, шунинг учун сенга бари бир... Кўй, кўй, хафа бўлма; ҳар қалай сен билан биз бегона эмасмиз-ку ахир! Аммо, манов хатни, Варвара Петровна, манов хатни мен охиригача ўқиб чиқдим. Уша «гуноҳлар» – ўша «бировнинг гуноҳлари» – бу, афтидан, кандайдир бизнинг ўзимизнинг гуноҳларимиз ва гаров ўйнайманки, ҳеч арзимаган гуноҳлар, аммо улар бизнинг олийжаноб назар-эътиборимизда алланимабало бўлиб кўринган-у, шу олийжаноблик зайлidan уни кўтариб чикканмиз. Биласизми, бу ерда кандайдир ҳисоб-китоб юзасидан ҳам оқсаймиз – оқибатда буни тан олиш керак-ку. Биласизми, биз

Ф. М. Достоевский

карта-марталарга муккасидан кетганимиз... дарвоке, бу ортичча, бу энди жуда ҳам ортичча, айб менда, ҳаддан ошиб валдираяпман, аммо, худо ҳақи, Варвара Петровна, у мени кўркитиб юборди ва мен ҳакиқатан, уни «куткариш» пайига тушиб колдим. Окибат, менинг ҳам виждоним кийналади. Нима, мен унинг томоғига пичок қадаб турибманми? Қарзимни кистаяпманми? Бу ерда у канакадир сеп моли тўғрисида ёзган... Айтмокчи, сен ўзи уйланмокчимисан тўла-тўкис, Степан Трофимович? Бу ҳам ҳали муаммо, ахир биз сўйлайверамиз, сўйлайверамиз, кўпроқ сўзамоллик учун сўйлаймиз... Ох, Варвара Петровна, ахир менинг ишончим комил, сиз мени айбситаётган бўлсангиз ҳам ажабмас, айни мана шу сўзамоллик боис...

— Аксинча, аксинча, сизнинг сабр косангиз тўлиб тошган, бунга сабабларингиз ҳам бор, — қаҳр билан илиб кетди Варвара Петровна.

У Петр Степановичнинг бош-кети кўринмас «ҳакконий» вағирлашларини қаҳр-ғазаби тошиб ва бундан лазатланиб эшилди, афтидан, Петр Степанович биронта роль ўйнаётганга ўхшарди (мен бунинг қандай роллигини ўшандা билмасдим, аммо бу аник эди, гарчи унинг роль ўйнаши кўполрок чиккан бўлса-да!).

— Аксинча, — давом этди хоним, — сиз сўз очганингиздан ғоятда миннатдорман; бўлмаса билмай ўтираверар-канман. Йигирма йил ичидан биринчи марта энди кўзим очилди. Николай Всеғолович, сиз хозиргина атай ҳабардор килиндим, деб айтдингиз: мабодо, Степан Трофимович сизга ҳам шунга ўхшаш сўзларни ёзмаганми?

— Мен ундан ғоятда маъсум ва... ва... ғоятда олийжаноб ҳат олдим...

— Сизга қийин, нима дейишни ҳам билмайсиз – бас! Степан Трофимович, сиздан сўраймиз, – бирдан мурожаат килди хоним кўзларидан ўт чақнаб, – бас килинг, бу ердан дарҳол чиқиб кетинг, бундан буёқ менинг осто намдан ҳатлаб ўтманғ.

Хоним, очиги, ҳамон ҳаяжон оғушида эди, ҳамон алантайи оташда ёнарди. Рост, Степан Трофимовичнинг ўзида

ҳам айб бор-да! Мени ўшанда ҳайратга солган бошка нарса: у Петрушанинг «фош килишлари»га ҳам заррача каршилик кўрсатмай мардона чидади, Варвара Петровнанинг «қарғишилари»га мик этмай туриб берди. Бунчалар иродада кайдан пайдо бўлди? Мен факат шуни билолдимки, у Петруша билан бояги илк учрашув ва айнан бояги совуккина кўришувлардан шубҳасиз, жуда қаттиқ ранжиган, дили оғриганди. Бу энди жуда теран дард, ҳакиқий аламозор эди, унинг кўзи, юрагида бу оғир дард қолдирмай иложи йўқ эди. Ўша дақиқаларда унинг яна бошка бир дарди ҳам йўқ эмасди, тубан кетдим, деб ич-этини ит тирнарди; кейинрок буни ўзи ёрилиб менга арзи ҳол қилди. Аммо ахир ҳакиқий, чин дард ҳатто ҳаддан зиёд енгилтабиат одамни ҳам вазмин ва матонатли килиб қўйишга кодир бўлади гоҳида, гарчи бу узок давом этмаса ҳам; бу ҳали оз, ҳакиқий, чин дард-аламдан ҳатто акли қискалар ҳам ақлли бўлиб колишади, бу, албатта вактинча; дарднинг хусусияти ўзи шунака. Мабодо шундай экан, Степан Трофимовичдай одамнинг юрагидан нималар ўтди экан, асти? Албатта, тўла инкилоб, албатта, бу ҳам вактинча.

У ўзини адл тутиб, Варвара Петровнага таъзим бажо қилди ва мик этиб оғиз очмади (рост, шундан бошка нима ҳам қиласади). У шундай шартта чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо яна тоқати етмай, Дарья Павловнанинг кошига борди. Дарья Павловна буни сезиб турган экан, шекилли, кўркиб кетиб, уни гапиришга қўймай дарҳол сўз бошлади;

– Илтимос киласман, Степан Трофимович, худо ҳаки, ҳеч нарса деманг, – тез-тез кизишиб гапирди у чехрасида изтироб нишоналари пайдо бўлиб ва шу заҳоти қўлини чўзди, – ишончингиз комил бўлсин, мен сизни ҳамон ўшандай ҳурмат киласман... ва ўшандай қадрлайман ва... мен ҳакимда ёмон ўйламанг, Степан Трофимович, ва мен буни жуда, жуда қадрлайман...

Степан Трофимович унга бошини эгиб таъзим қилди.

– Ихтиёр сенда, Дарья Павловна, ўзинг биласан, бу ишларнинг ҳаммасида ихтиёр тўла сенда! Бўлған эди,

Ф. М. Достоевский

бўлади, хозир ҳам, эртага ҳам! – қатъият билан хулоса чикарди Варвара Петровна.

– Воҳ, мен ҳам энди ҳаммасини тушундим, – деб пешонасига бир урди Петр Степанович. – Бироқ... бирок шундан сўнг мени нималар килишмади? Дарья Павловна, илтимос, мени кечиринг. Шундан сўнг мен ким бўлдим ўзи, а? – деб у отасига каради.

– Рieгте, сен менга бунака муомала килмасанг бўларди, шундай эмасми, дўстгинам? – жуда ҳам секин пичирлади Степан Трофимович.

– Менга бакирма, илтимос, – қўлларини силтади Рieгте, – ишон, булар бари картайган, курукшаган бемор асаблар, бакиришнинг фойдаси йўк. Ундан кўра оғзимни тийиб туролмаслигимни хисобга олиб, мени огоҳлантириб қўйсанг бўлмасмиди.

Степан Трофимович унга ўткир нигоҳ солди.

– Рieгте, сен бу ерда бўлаётган кўп воқеалардан хабардорсан, нахотки сен ростдан ҳам бу иш тўғрисида ҳеч нарса билмасанг, ҳеч гап эшиитмаганимисан?

– Нима-а-а? Воҳ одамлар! Биз кари бола бўлганимиз етмайдими, биз ёмон бола ҳам бўлайликми? Варвара Петровна, эшиитдингизми унинг гапини?

Шовкин-сурон кўтарили; аммо шунда, шунақанги бир ҳангома қўпдики, буни ҳеч ким кутмаганди.

VIII

Ҳаммадан бурун шуни эслатиб ўтайки, кейинги иккича-уч дақика ичиди Лизавета Николаевнада қандайдир бошқача ўзгариш юз бера бошлади; у ойиси ҳамда унга бошини эгиб турган Маврикий Николаевич билан нималарнидир тез-тез пичир-пичир килиб сўйлашарди. Унинг чехраси ташвишли, аммо шу билан бирга унда қатъият акс этарди. Нихоят, чамаси кетишга чоғланиб ўрнидан турди ва онасини ҳам кистай бошлади, Маврикий Николаевич кампирни ўрнидан суюб турғизиш пайида эди. Аммо ҳаммасини охиригача кўрмай чикиб кетиш уларга мұяссар бўлмади.

Үз ўтирган жойида хамманинг эсидан чикиб кетган (у Лизавета Николаевнага якин ўтирганди), нега ўтиргани-ю, нега боядан бери чикиб кетмаётганини билмаган Шатов бирдан стулдан турди, шошилмай адл юриб бутун хонани кесиб ўтди-да, Николай Всеволодовичнинг юзига тик бокқанча олдига борди. У Шатовнинг яқинлашаётганини узоқдан пайқади ва кулиб қўйди; аммо Шатов юзма-юз якин келиб тўхтагач, лабидан кулги ўчди.

Шатов индамай унинг олдига тикка кўз узмай келгач, бирдан буни хамма пайқади ва жим бўлиб қолди, Петр Степанович бошқалардан кейин сезди; Лиза билан ойиси хона ўртасида туриб колишди. Шу алпозда беш сонияча вақт ўтди; Николай Всеволодовичнинг чехрасидаги кўрс ҳайрат қаҳрга айланди, унинг қошлари керилди ва шу пайт...

Шунда бирдан Шатов ўзининг дароз, залворли қўлларини қуличашлаб бор кучи билан унинг юзига урди. Николай Всеволодович турган ерида чайқалиб кетди.

Урганда ҳам бошқача килиб урди Шатов, одатда юзга тарсаки уриш бошқача бўлгучи эди (агар шундай дейиш жоиз бўлса), у шапалок ургани йўқ, мушт туширди, унинг мушти эса чўнг, залворли, суяклари йўғон, сарғиши тук ва сепкил билан копланганди. Агар зарб тумшукка тушганда, бурнини пачақларди. Аммо мушт сўл юзга тўғри келди, оғзининг чап бурчи ва тепа тишлирга тушди ва дарҳол кон оқа бошлади.

Шу пайт кимdir каттик кичкириб юборди, Варвара Петровнамикин – буниси эсимда йўқ, нега деганда шу заҳоти ҳамма тек котди. Дарвоке, бу воеа қандайдир ўн сония ичида рўй берди.

Шунга қарамай, мана шу ўн сонияда жуда кўп нарса бўлиб ўтди.

Ўкувчимга яна эслатиб ўтай, Николай Всеволодович қўрқинч нималигини билмайдиган кишилар тоифасига киради. Дуэлга чиққанда ракибининг куролига кўкрагини мардона тутиб турар, ўзи ҳам вахший каби бемалол мўлжал олиб ўқ узарди. Агар бирорбаноғунга шапалок

тортса, назаримда, у хатто дуэлга ҳам чакириб ўтирас, дилозорни шу захоти шу ернинг ўзида ўлдирган бўларди; у айнан мана шундайлардан, яъни асло ўзини йўқотмай, атайлаб ўлдиради. Назаримда, у фикрлаб-ўйлаб ўтиришга имкон бўлмайдиган, кўзни бутунлай кўр килиб кўядиган қаҳр-газаб жунбишларини ҳеч қачон туйган, билган эмас. Уни баъзан чексиз қаҳр-газаб қамраб олар, аммо шунда ҳам у ҳеч қачон эс-хушини йўқотиб кўймас, ўзини тергашни унутмас, ва демак, дуэлдан ташкари одам ўлдирганлик учун, албатта, сургун қилишларини тушунарди; шундай бўлса-да, у дилозорни ҳеч иккиланмасдан ўлдирган бўларди.

Кейинги пайтлар ичida мен Николай Всеволодовични кўп ўргандим ва ушбуларни ёзарканман, алоҳида ҳол-ахволлар юзасидан кўп маълумотларни биламан. Нима десам экан, мен уни бугун ўтиб кетган жаноблар билан киёслагим келади, булар ҳакида эндиликда бизнинг жамиятимизда афсонавор хотираларгина сакланиб қолмиш. Мисол учун декабрист Л-нни гапириб юришади, у бутун умр ҳавф-хатарли ишларнинг кетидан кувиб юрар, уларни хис килиб роҳатланар, табиатан у шуларсиз яшолмасди; ёшлигига ҳеч арзимаган нарсалар туфайли дуэлга чиқаверарди; Сибирда битта пичокнинг ўзи билан айикка карши тик борар, Сибиръ ўрмонларида сургундаги кочоклар билан тўқнашишни ёқтирас, эслатиб кўяйки, бу кочоклар айиклардан кўра минг карра ҳавфлирок эдилар. Шубҳасизки, ўша афсонавор жаноблар эҳтимол, жуда кучли бир тарзда ўзларида кўркинч хиссиётини сезишга кодир эдилар, – аксинча, анча-мунча хотиржамрок бўлишар ва ҳавф-хатар туйгусини ўз табиатларининг эҳтиёжига айлантириб ўтирасмасдилар. Аммо ўзидаги кўрқокликни енгиш – уларни кўпроқ мана шу нарса ўзига тортарди. Ғалабадан тинимсиз лаззатланиш ва уни енгадиган голиб йўқлигини туйиш – мана шу нарса уларга роҳат багишлиарди. Мана шу жаноб Л-н сургундан аввал ҳам бир қанча вакт очлик билан олишган ва оғир меҳнат қилиб нонини топиб еган, бой-бадавлат отасининг талабларига бўйсун-

май, уларни адолатсиз деб билиб, мана шундай машакатларни бошидан кечирганди. Бу демак, кураш деганда уни хар томонлама кенг тушунган; ўзидаги матонат ва характер кучини айикларга карши чикканда ёки дуэлларга тушгандагина синаган эмас.

Лекин хар холда ўшандан бери күп йиллар ўтди ва бизнинг замонамиз кишиларининг асабий, музтар, иккига бўлиниб кетган табиати эски, яхши замонларда яшаган айрим жаноблар ўз безовта фаолиятларида излаган ўша самим ва яхлит сезгиларга эндиликда мутлақо эҳтиёж сезмайди. Николай Всеғолодович балки Л-нга менсимай караган, уни ўзини ботир килиб кўрсатаётган кўрқоқ ва жўжахўroz деб атаган, – аммо рост, буни овоз чиқариб, баралла айтмаган бўларди. У худди Л-н каби дуэлда ракибини отган, агар керак бўлса, айик билан ҳам олишган, ўрмонда карокчиларни енгган, мардлик ва корафталик кўрсатган, аммо энди буларни ҳеч қандай роҳатланмай, факат оғир бир зарурат каби локайд, эриниб ва ҳатто зерикиб адо этган бўларди. Қаҳр-ғазабда тайнинки, Л-ндан ҳам, Лермонтовдан ҳам ўтиб кетарди. Николай Всеғолодовичдаги қаҳр-ғазаб, эҳтимол, анавиларникини бирга қўшгандан ҳам каттарок эди, аммо бу қаҳру газаб совуккон, хотиржам ва агар, таъбир жоиз бўлса, оқилона, ва демак, энг баттарин ва энг даҳшатли бўлиши мумкин эди. Яна бир карра такрорлайман: мен ўшанда ҳам, хозир ҳам уни айни шундай одам деб ҳисоблайманки (хозир, барчаси туғаган бир маҳалда), агар бирор унинг юзига шапалок урса ёки шунга ўхшаш ҳақоратга учраса, унда ўзининг ушбу ракибини илло-билилога келтирмай, дуэлга чакириб ўтирмай, шу ернинг ўзида дарҳол ўлдирган бўларди.

Бирок, буни қарангким, хозир бутунлай ўзгача, гаройиб бир ҳол рўй берди.

Тушган оғир муштдан гавдасининг ярми қадар ношойиста чайқалиб, қадди-коматини базур ростлагач ва ҳали хонада кабих зарбанинг овози тинмасдан бурун Николай Всеғолодович дарҳол икки қўли билан Шатовнинг елкаларини чангаллади; аммо яна шу заҳоти, ўша оннинг

Ф. М. Достоевский

ўзидаёк хар иккала қўлини тортди ва уларни оркасига чалиштириди. У индамас, Шатовдан кўз узмас ва тобора ранги окариб бораради. Аммо кизик, унинг нигоҳи сўна бошлади. Ўн сониядан сўнг унинг кўзлари совук боқар ва – ишончим комил, – осуда эди. Факат ранги-туси ёмон ўчганди. Албатта, унинг ичидан нима кечарди, мен билмайман, мен фақат ташки томондан кўраётгандим. Менга шундай туюлдики, агар биронта одам лакқа чўкка айланган темир гўлачани ўз ирода-матонатини синаш учун кафтига босиб чанглласа ва сўнг ўн сония давомида чидаб бўлмайдиган оғрик азобини енгса ва охири ундан ғолиб чикса, ана ўша одам Николай Всеволодович охирги сонияларда бошидан кечирганга ўхшаш алланимани туйган бўларди.

Улардан биринчи бўлиб Шатов ерга каради ва чамаси, шунга мажбур бўлди. Кейин охиста ўтирилди-да, хонадан чика бошлади, лекин энди бу бояги юришига сира ўхшамасди. У елкаларини орка томондан қандайдир ўнгайсиз кўтариб, бошини кўйи эгиб, худди ўзи билан ўзи сўзлашашётгандай бўлиб охиста қадам ташларди. Чамаси, у ўз-ўзига пичирларди. У ҳеч нарсага тўкинмай, ҳеч нарсани ағдариб юбормай, эшикка эҳтиёткорона секин борди, эшикни озгина кия очди, шу озгина кия очилган жойдан ёни билан сукилиб ўтди. У эшикдан сукилиб ўтаётганда, энсасидаги дикрайған соchlари янада дикрайиб кўринди.

Кейин бошка кичкириклардан аввал бир даҳшатли кичкирик янгради. Мен Лизавета Николаевна ойисининг елкасини ва Маврикий Николаевичнинг қўлларини чанглаб ушлаб олганини кўрдим, уларни икки-уч маротаба хонадан чикиш учун оркасидан итариб силталади, лекин бирдан чинкириб юборди ва хушдан кетиб, бор бўй-басти билан ерга кулади. Ҳали-ханузгача унинг гиламга чалканча гурсиллаб йикилгани қулогимга эшитилиб туради.

ИККИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ

ТУН

I

Үшандан буён саккиз кун ўтди. Энди бари ортда колди ва мен бу солномани ёзаётирман, энди-энди биз нима гап бўлганини биламиз; аммо ўша чоғлар бизга ҳаммаси коронгу эди ва табиийки, турли нарсалар бизга ғалати бўлиб кўринарди. Ҳар қалай дастлабки пайтларда биз Степан Трофимович билан уйдан чикмай узоқдан кўркиб-пусиб кузатардик. Мен-ку хали у ёқ-бу ёкка чикиб келар ва унга турли хабарлар олиб келардим, буларсиз у туролмасди.

Нимасини айтасиз, шаҳарда ўша якшанба куни бўлиб ўтган воқеалар, яъни мушт тушириш, Лизавета Николаевнанинг хушдан кетиши кабилар хакида кўп ранг-баранг миш-мишлар юрарди. Лекин биз жуда ҳам ҳайрон эдик: буларнинг бари ташкарига ким орқали тезлик билан ёйилиб кетдийкин? Афтидан, ўшанда иштирок этганларнинг биронтаси ҳам сирни очишдан манфаатдор эмас, бунга эхтиёжи ҳам йўқ эди. Хизматкорлар катнашмаганди; факат Лебядкин валдираб кўйиши мумкин эди; буни аламидан ёки кўркканидан эмас (ғанимдан кўркиш унга бўлган каҳр-газабни ҳам сўндиради), факат тилининг узунлиги ва уни тиёлмаслигидан килиши эҳтимол эди, ўша куни у юраги ёрилгудек бўлиб чикиб кетганди. Аммо Лебядкин эртасигаёқ синглиси билан бирга ғойиб бўлган эди; Филипповнинг уйидан у топилмади, у номаълум бир ёкка жўнаган, дом-дараксиз эди. Мен Марья Тимофеевнани Шатовдан сўрамоқчи бўлдим, аммо Шатов саккиз кундан буёғига ташқарига чикмас, шаҳардаги ишига ҳам

бормасди. У мени уйга киритмади. Мен сешанбада унинг эшигини тақиллатиб борган эдим. Жавоб бўлмади, унинг уйдалигига ишончим комил эди, шунинг учун яна тақиллатдим. Шунда у чамаси, ётган тўшагидан сакраб туриб. Йирик қадамлар ташлаб эшик якинига келди-да, бор овози билан «Шатов уйда йўқ», деб бўкирди. Мен иложксиз кетдим.

Биз Степан Трофимович билан бирга кўп тахминлар килиб кўрдик, тахминларимизда журъат килганимиз учун ҳатто чўчилик, аммо бир-биримизни кўллаб-кувватлаб шундай бир фикрда тўхтадик: биз миш-мишларнинг таркалишига факат Петр Степанович сабабчи бўлиши мумкин, деган қарорга келдик; лекин бироз вакт ўтгандан сўнг отаси билан гаплашиб ўтириб, вокеани кўпчиликнинг оғзидан эшигани, кўпроқ клубда гап таркалгани ва миридан-сиригача хоким билан унинг рафиқасига ҳам маълум бўлганини ишонтириб айтди. Яна бир ажойиб гап: иккинчи куни душанба оқшомида мен Липутинни учратиб колдим, у ҳам ҳаммасини охирги сўзигача аллақачон биларкан, демак, биринчи вokiф одамлардан эшигтан.

Кўпгина хонимлар (аксаран киборлар) «сирли чўлук киз» борасида – Марья Тимофеевнани шундай аташарди, – кизикишиб гап тинглашарди. Уни албатта шахсан кўришни ва танишишни хоҳловчилар ҳам йўқ эмасди, бундан англашиладики, Лебядкинларни кўздан йирокрок жойга яширишга шошилган жанобларнинг бу ишлари айни мудда бўлиб чиқди. Аммо биринчи ўринда ҳар қалай Лизавета Николаевнанинг хушдан кетиши турарди, «бутун киборлар» доираси бунга кизикарди, ахир кизик масинми, зотан, бу иш Лизавета Николаевнанинг қариндоши ва рахнамоси Юлия Михайловнага ҳам дахлдор эди. Нималар дейищмасди эзмалар! Ахвол жуда сирли бўлиб кўринарди, гап-сўзларнинг кўпайишига бир чеккаси шу ҳам сабабчи эди: ҳар икки хонадонда кирди-чиқди тўхтаган эди. Айтишларича, Лизавета Николаевна қаттиқ иситмалаб ётарди; Николай Всеолодович ҳақида ҳам шунга

ашаш гаплар юрарди, тишиларини қоқиб туширишган, өзи оқ пилладан шишиб кетганини бири олиб, бири күлиб чайнашарди. Ҳатто чекка-чеккада бизда одам ўлдирилиши мумкин деб сўйлашарди, Ставрогин бундай ҳакоратни индамай кўтариб кетадиган одам эмас, у Шатовни улдиради, лекин буни қасоскор корсикаликларга ўхшаб яширин қиласди. Бу гап одамларга ёқарди; аммо бизнинг кўпчилик кибор ёшларимиз бундай гапларни нафраталиниб, менсимай лоқайд эшишишар, албатта ташкаридан караганда шундай кўринарди. Умуман, жамиятимизнинг Николай Всеволодовичга илгаридан душманлик кўзи билан қарashi аник билиниб қолди. Ҳатто бообру одамлар нимагалигини ўзлари билмасалар ҳам, уни айблашга уринардилар. Шивир-шивир қилиб, у Лизавета Николаевнанинг номусига теккан, Швейцарияда ўрталарида машмашалар бўлган дейишарди. Албатта, эҳтиёткор одамлар оғизларини тийишар, бирок ҳаммалари қулокларини динг қилиб тинглашарди. Яна бошқа гап-сўзлар ҳам юрарди, улар умумий эмас, балки хусусий ноёб ва деярли хуфиёна ва ҳаддан ортиқ ғалати гаплар ҳам бўлиб, мен солномамнинг кейин келадиган воеаларини назарда тутиб, улардан ўкувчиларни огоҳлантириб қўяётирман, холос. У гаплар биноан шундай: баъзилар қовоқларини уйиб, худо билади қандай далилларга суюниб шундай дейишарди, эмишки, Николай Всеволодович бизнинг вилоятимизда қандайдир алоҳида бир иш кўради, у Петербургда граф К. воситасида қандайдир олий доирада муносабат ўрнатган, эҳтимол, у ҳатто хизмат қилса ҳам керак ва кимдандир аллақандай ваколатга эга. Улуғвор ҳамда вазмин кишилар, бизда ишни юзига мушт тушишдан бошлаган жанжалкаш бир кимса хечам мансабдорга ўхшамайди, деб оқилона эътиroz билдиришса, бунга яна шивирлаб шундай жавоб қилишардики, унинг хизмати расмий хизмат эмас, у хуфия хизматда, бундай хизматнинг коидаси шуки, хизмат қилувчи иложи борича мансабдорга ўхшамай хизмат қиласди. Бундай жавоб тез таъсир кўрсатарди; бизда шу нарса ҳам маълум эдик, вилоятимизнинг земствосига пойттахтда бошқача бир

диккат-эътибор билан қаралади. Яна такрорлайман: ушбу миш-мишлар вактинча бир олашовур бўлиб ўтиб, Николай Всеғолович ташқарига илк қадам қўйгандаёк батамом изсиз йўқолди; лекин эслатиб ўтай, кўп миш-мишларнинг сабаби шунда эдики, якин кезларда Петербургдан кайтиб келган истеъфодаги гвардия капитани Артемий Павлович Гаганов клубимизда кандаидир мубҳам, узук-юлуқ, киска бўлса ҳам бир неча заҳарли сўзларни айтганди; бу зот вилюятимиз ва уезддаги жуда иирик помешчиклардан бўлиб, пойтахт кибор доираларида юрар, ўзи марҳум Павлович Гагановнинг ўғли эди, бундан тўрт йилдан оширок аввал Николай Всеғолович мана шу мухтарам оқсокол билан фавқулодда кутилмаганди, акл бовар қилмайдиган даражада ношойиста тўқнашиб қолган, бу хақда мен солномамнинг аввалида тўхталиб ўтгандим.

Шу нарса яна дарҳол мъълум бўлдики, Юлия Михайловна фавқулодда Варвара Петровнани кўргани борган-у эшик олдидан уни «касалликлари сабабли кабул киломайдилар» деб кайтариб юборишган. Яна хабар топилдики, Юлия Михайловна у ерга боргандан сўнг икки кун ўтиб Варвара Петровнанинг соғлигидан хабар олиш учун киши юборган. Ниҳоят, ҳамма жойда Варвара Петровнани «химоя килиб» гапирган, албатта буни энг олий мъянода англамок лозим бўлади, яъни имкон кадарли энг мубҳам мъянода. Ҳар калай якшанба ҳодисаси ҳақидаги дастлабки шошқалоклик билан айтилган ишорат сўзларни жиддий ва совук қабул қилган, шу боис кейинги кунларда унинг ҳузурида ушбу ишоратлар қайтарилмаган. Шундай килиб, ҳамма ёқда Юлия Михайловна ушбу сирли ҳодисадан хабардор, унинг бутун сирли маъносини энг майда тафсилотларигача бегона четдаги одам каби эмас, балки дахлдор якин киши каби билади деган фикр тарқалди. Яна ўрни келганда кайд этиб ўтайки, у бизда аста-секин олий-мақом таъсир кучига эга бўлди, унинг ўзи шунга эришиш учун ташналик билан интиларди, у энди ўзини “куршовли” одамлар категорида кўра бошлади. Жамиятимизнинг бир қисми унинг амалий акл ва одобга эга эканлигини тан

олди... аммо буни кейинрок айтамиз. Петр Степанович-нинг бизнинг жамиятимиз доирасида тез муваффакият козонганлиги ҳам кисман унинг раҳнамолик қилганлиги билан изоҳланарди, – бу ғалабалар ўша ҷоғларда Степан Трофимовични айниқса ҳайратга солған эди.

Биз унинг борасида балки муболага қилгандирмиз. Аввало, Петр Степанович бу ерга келганидан бери тўрт кун ичиди кариб кўз очиб-юмгунча бутун шаҳар билан танишиб олди. У якшанба куни келган бўлса, сесанба куниёқ мен уни Артемий Павлович Гаганов билан коляс-када бирга бораётганини кўрдим, ўзининг кибороналиги-га қарамай бу зот такаббур, тажанг ва кеккаймачок эди, шунинг учун унинг феъл-автори билан чикиши жуда мушкул эди. Ҳоким ҳам Петр Степановични жуда яхши қабул килди, дарҳол унинг яхши кўрган якин одамлари қаторидан жой олди: Юлия Михайловна ҳузурида деярли ҳар куни бирга тушлик киларди. Юлия Михайловна билан Швейцарияда танишганди, аммо жаноби олийлари ҳузурида бунчалар тез муваффакият козониши ҳақиқатан ҳам жуда кизик бир нарса эди. Лекин ҳар қалай бир вақтлар у чет элдаги инқилобчилардан саналарди, ростми, ёлғонми, қайсиdir ҳорижий нашрларда катнашар, конгрессларда иштирок этар, кекса ҳоким кошида сийланган бошқа бир собик ёш мансабдорлардан Алёша Телятников (мен билан учрашганда) заҳарханда қилғандай “буни ҳатто газеталардан ўқиб билса ҳам бўларди”. Бирок бу ерда яна бир факт бор: собик инқилобчи қадрдон ватанинига беташвиш, бехавотир қайтди, бундан ташқари уни кўшқуллаб, ҳатто рағбатлантириб кутиб олиши; бундан чиқадики, орада ҳеч нарса бўлмаган экан-да. Бир куни Липутин менга баъзи гапларни шивирлаб кулоғимга айтганди, узункулок гапларга караганда, Петр Степанович гўёки қаердадир тавба-тазарру қилган ва бир канча бошқа номларни айтиб бергач, гуноҳлари кечирилган, ва шу тариқа айблари ни “ювган”, бундан кейин ҳам ватанимга садоқат билан хизмат қиласман деган. Мен бу заҳарли жумлани Степан Трофимовичга айтиб бердим, шунда у фикрлашга қобил

ахволда бўлмаса ҳам, каттиқ ўйланиб колди. Кейинчалик маълум бўлиб чиқдикни, Петр Степанович биз томонларга ҳаддан зиёд обрўли тавсияномалар билан келган, ҳар нечук ҳоким хонимиға петербурглик ғоятда эътиборли кампирнинг хатини етқизган, бу кампирнинг эри Петербургнинг ниҳоятда обрўли қарияларидан экан. Ўша кампир Юлия Михайловнанинг тутинган онаси бўлиб, ўзининг хатида граф К. ҳам Николай Всеволодович орқали Петр Степановични яхши билиши, уни сийлаб эъзозлаши, «ўтмишдаги хатоларига қарамай муносаб ёш йигит» деб билишини ёзиб юборган эди. Юлия Михайловна ўзининг «олий доиралар» билан бу кадар кийинчиликда саклаб туриладиган сийрак муомала-муносабатларини бениҳоя кадрларди ва шунинг учун ҳам кампирнинг хатини олиб курсанд бўлганди; бирок ҳар холда бу ерда бошқа аллакандай ўзгача ҳол ҳам йўқ эмасди. Ҳоним хатто ўзининг эрини ҳам Петр Степановичга нисбатан бетакалтуфона муносабат доирасига олиб кирган, бундан жаноб фон Лембке шиква-шикоят киларди... аммо бунга кейинрок келамиз. Эслатиб ўтай, улуг ёзувчи ҳам Петр Степановичга ғоятда илтифот кўрсатиб, уни дарҳол уйига меҳмонга чакирди. Кеккайган бир зотнинг бунчалар шошқалоклиги Степан Трофимовичга ҳаммасидан кўра алам килди; аммо мен буни ўзимча бошқача тушундим: жаноб Кармазинов ёш нигилистни ўз уйига таклиф қилиб, албатта, унинг ҳар иккала пойтахтдаги илғор ёшлар билан муносабатларини эътиборга олганди. Улуг ёзувчи энг янги инқилобий ёшлар олдида титраб-қалтираб турар, масаланинг тагига етмаса-да, назаримда руслар келажагининг калити улар қўлида деб билар, ўз шаънига ярашмаган тарзда уларга ялтоқланар, бунинг асосий сабаби, улар унга ҳеч қандай эътибор бермасдилар.

II

Петр Степанович отасининг олдига икки мартача келиб-кетди, баҳтга қарши, ҳар иккала сафар мен бўлмай

колдим. Дастреб, у чоршанба куни иш билан келди, яъни ўша биринчи учрашувдан тўрт кун ўтгандан кейин. Дарвоке, мулк бўйича уларнинг хисоб-китоблари ими-жимида тугади. Варвара Петровна ҳаммасини ўз устига олиб, пулинин тўлаб, ерни олди, Степан Трофимовичга ҳаммаси тамом бўлганини маълум килди, шундан сўнг унинг вакили, камердинер Алексей Егорович Степан Трофимовичга имзо чекиш учун бир коғоз келтирди, у иззат-обрўсини баланд тутган ҳолда индамай кўл кўйиб берди. Иззат-хурмат деганда айтиб қўяй, шу кунларда мен илгариги қариямизни сира таниёлмасдим. У энди ўзини аввалгидан тамомила бошқача тутар, ҳайратомуз даражада индамас бўлиб қолган, ўтган якшанбадан бўён Варвара Петровнага битта ҳам хат ёзмаган, буни эса мен мўъжиза деб атаган бўлардим, энг муҳими, ғоятда хотиржам, осуда кўринарди. У кандайдир тугал ва фавқулодда бир фикрга келган, бу унга хотиржамлик багишларди, бу нарса аён кўринарди. У ўзининг бир гоясини топган, энди ўтириб ниманидир кутарди. Аввал, дарвоке, тоби кочиб юрди, айникса, душанба куни, иситмалади. Лекин бари бир ташқаридан хабарлар эшитмаса, туролмасди; лекин мен фактларни четга сурисиб, масаланинг моҳиятига ўтиб кандайдир тахминларимни баён этишга тушсам, у дарҳол мени тўхтатиш учун кўлларини силтай бошларди. Аммо ўғли билан ҳар икки кўришуви унинг ишончига путур етказолмаган эса-да, бари бир уни чуқур изтиробга солиб кўйди. Кўришгандан кейинги икки кун ичida у сиркада ҳўлланган латта билан бошини ўраб диванда чўзилиб ётарди; аммо гапнинг пўсткаласини айтганда хотиржамлигини йўқотмасди.

Айтганча, гоҳида у менга қўлини силкимасди. Яна баъзан менга шундай туюлардики, у ўзи касб этган қатъиятдан маҳрум бўлаётгандек сезилар, у худди тўлкин солиб келаётгандек янги жозибадор хаёллар оқими билан олишётгандек бўларди. Бу баъзи онлар рўй берар ва мен буларни эътиборга олардим. Сезишимча, у яна ўзини намоён қилмоқчи, узлатдан чикиб, охирги бора курашга ўзини отмокчи, жангга кирмоқчи бўларди.

Ф. М. Достоевский

– Cher, уларни тор-мор килардим! – оғзидан чикиб кетди унинг пайшанба куни кечқурун Петр Степанович билан иккинчи учрашувдан сўнг, у диванда чўзилиб ётар, бошини сочик билан ўраб боғлаганди.

Шу дакикагача у мен билан кун бўйи бир оғиз ҳам гаплашмаганди.

– “*Fils, fils cheri*¹⁰⁸” ва ҳоказо, майли, майли, бундай сўзлар ҳаммаси бекор, шинавандалар тили, майли, нари турсин, мен ўзим ҳам энди кўриб турибман. Мен уни бокиб катта қилганим йўқ, уни ҳали чақалоқ чоғида Берлинда туриб почта орқали фалон вилоятга жўнатган эдим, хуллас, шунақа ишлар бўлған-да, мен розиман... “Сен мени боқмагансан, почтада жўнатгансан, яна бу ерда ҳам шир ялангоч килиб таладинг дейди”. Аммо, хой, бадбахт, дейман унга, почтада бўлса ҳам, сени бир умр юрагимда саклаганман, сен учун кайғурганман! II git¹⁰⁹. Аммо, розиман, розиман... майли, почтада бўлсин, – деб тутатди у худди алахлаётгандай.

– Passons¹¹⁰, – деб бошлади яна у беш дакикадан сўнг. – Мен Тургеневни тушунмайман. Унинг Базарови кандайдир сохта, хаётда умуман бундай одам йўқ; бу хеч нарсага ўхшамайди, палон-пистон деб улар ҳаммадан олдин уни рад этишди. Ўша Базаров дегани Ноздрев билан Байроннинг кандайдир мавҳум котишмаси, *cest le mot*¹¹¹. Диккат билан қаранг уларга: улар худди офтобрўяга чиккан лайчалар каби ўмбалоқ ошиб, яйраб-яйраб ангилашади, ўзларини баҳтиёр, голиб сезишади! Байронга бало борми!.. Кўрган кунларини қаранг! Яна шинавандалардай жаҳлдор, манман, яна ўлардай бачканалик билан *faire du bruit autour de son nom*¹¹², яна билишмайдики, бу *son nom*... О, таскараплар! Э, менга қара, барака топкур, деб бакирдим унга, наҳот сен ўзингни мана шу ахволда одамларга худди

¹⁰⁸ «Ўғил, суюкли ўғил» (*франц.*).

¹⁰⁹ Кулади (*франц.*).

¹¹⁰ Буни кўяйлик (*франц.*).

¹¹¹ Худди шундай (*франц.*).

¹¹² Ўз номларини кўз-кўзлашади (*франц.*).

Исо Масиҳдай килиб күрсатмокчисан? Il rit. Il rit beaucoup, il rit trop¹¹³. Кулгиси ҳам қандайдир ғалати. Онаси бундай кулмасди. Il rit toujours¹¹⁴.

Яна у жим бўлиб колди.

– Улар айёр; якшанба куни улар аҳдлашиб... – бирдан оғзидан чикиб кетди унинг.

– О, хеч, шубҳасиз, – қичкирдим мен қулогимни динг килиб, – ҳаммасининг оғзи бир, келишиб олишган, қалбакилиги кўриниб турибди, керак одам билиб қўйсин... дейишади. Буни тушунасизми?

– Йўқ, тушунмайман.

– Tant mieux. Passons¹¹⁵. Бугун жуда аччигим чиқиб турибди.

– Нимага у билан баҳслашиб ўтирибсиз, Степан Трофимович? – таънаомуз сўзладим унга.

– Je voulais convertir¹¹⁶. Албатта, куласиз-да. Cette pauvre холаси, elle entendra de belles choses!¹¹⁷ О, азиз дўстим, ишонасизми, мен боя ўзимни ватанпарвардай хис килдим! Дарвоке, мен доим ўзимни рус деб сезганман... ха, ҳакикий рус ва бошқача бўлиши мумкин эмас, сиз билан биз. Il y a la dedans quelque chose d'avengle et de louche¹¹⁸.

– Баани шундок, – дедим мен.

– Азиз дўстим, чинакам ҳакиқат доим ҳакиқатга ўхшамайди, сиз буни биласизми? Ҳакиқат ҳакиқатга ўхшashi учун, унга албатта ёлгон аралаштириш керак. Одамлар доим шундай килиб келишган. Балки бу ерда биз тушунмайдиган бир нарса бордир. Сиз нима деб ўйлайсиз, шу музafferона чинкиришларда биз тушунмайдиган бирор нарсалар борми? Мен истардимки, бўлсин. Мен истардим.

Мен индамадим. У ҳам узок жим колди.

¹¹³ У кулади. У кўп, жуда кўп кулади (*франц.*).

¹¹⁴ У тинмай кулади (*франц.*).

¹¹⁵ Янада яхши. Буни бас килайлик (*франц.*).

¹¹⁶ Мен ишонтиrmокчи бўлдим (*франц.*).

¹¹⁷ Э, бу шўрлик холаси, эшитадиганини эшитади! (*франц.*)

¹¹⁸ Бу ерда қандайдир кўр ва шубҳали бир нарса яширинган (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

– Дейдиларки, француз ақли... – у бирдан худди исит-малагандай бидирлади, – бу ёлгон, ўзи доим шундай бўлган. Француз ақлига тухмат килиб нима? Бу русларнинг оддий ялқовлиги, гоя яратишдаги бизнинг ҳакир-пакир ожизлигимиз, ҳалклар сафида бизнинг манфур текинхўрлигимиз. *Il est tout simplement des paresseux¹¹⁹,* бу француз ақли эмас. О, руслар текинхўрлар каби инсоният манфаати йўлида кириб ташланса эди! Биз мутлако, мутлако бунга интилмаганмиз; мен ҳеч вақони тушунолмаяпман. Мен тушунмай қўйдим! Э, тушунасанми ўзинг, деб унга бакирдим, тушунасанми, бизда калла узадиган жоди биринчи галда ва бундан ҳамма хурсанд, бунинг бирдан-бир сабаби шуки, бош кесиш ҳаммасидан осон, гояга эга бўлиш эса ҳаммасидан қийин! *Vous etes des paresseux!* *Votre drapeau est une guenille, une impuissance¹²⁰*. Анави, аравалар, қандай эди: «Инсониятга нон элтаётган араваларнинг овози», бу Сикстин Мадоннасидан фойдалирок, нима дейиларди, бу... *une bêtise dans ce genre¹²¹*. Аммо, сен ўзи тушунасанми, деб бакирдим унга, сен тушунасанми-ки, инсонга баҳтдан ташқари, яна шунча ва мутлако яна шунча баҳтсизлик ҳам керак! *Il rit.* Сен бу ерда зукколик қиляпсан, дейди, «баркут диванда ётиб... нозик аъзоларингни уқалаб...» дейди, у янайам уятсизрок бир сўзни айтди. Қараб қўйинг бир, бу бизнинг олдимизда.

Vous ne comprenez pas. Passons! отасини оғзини тўлдириб сенсираб гаплашадиган одатими, ўртада муросаю мадора бўлса хўб-хўб-а, аммо жанжаллашаётган бўлсалар-чи?

Бирпас яна жим қолдик.

– *Cher*, – деб хулоса килди у бирдан ўрнидан қўзгалиб, – биласизми, бу албатта, нима биландир тутайди?

– Ҳа, албатта, – дедим мен.

¹¹⁹ Улар шундай танбал (*франц.*).

¹²⁰ Сизлар ялковларсиз! Сизнинг байроғингиз латта – ожизлик тимсоли.

¹²¹ Шунга ўхшаш бир ахмоклик (*франц.*).

— Vous ne comprenez pas. Passons!¹²² Аммо... дунёда одатда ҳеч вакосиз тутайды, аммо бу ерда тутайды, албатта, албатта!

У ўрнидан туриб, жуда қаттиқ тўлкинланган ҳолда хонани бир айланиб чиқди, сўнг яна диван олдига етиб, ўзини унга таппа ташлади.

Жума куни эртамидан Петр Степанович қаергадир бир уездга кетди ва то душанбагача келмади. Унинг кетганини мен Липутиндан эшиздим ва орадан гапдан гап чиқиб ундан ака-сингил Лебядкинлар қайдадир, дарёнинг нариги ёгига Горшечная слободкада туришганини билдим. «Мен ўзим кўчириб кўйдим», — деб қўшиб кўйди Липутин, сўнг Лебядкинлар тўтрасидаги гапини тўхтатиб, бирдан менга Лизавета Николаевна Маврикий Николаевичга турмушга чиқаётгани, гарчи бу эълон қилинмаган эса-да, бирок унаштириш бўлиб ўтганини айтди. Эртасига мен анча тузалиб қолиб, биринчи марта Маврикий Николаевич билан бирга отда сайрга чиқсан Лизавета Николаевнани учратдим. У менга узоқдан кўзлари чараклаб қаради, кулиб, ниҳоятда дўстона бош силкиб кўйди. Мен буларни Степан Трофимовичга сўйлаб бердим; у Лебядкинлар тўтрасидаги гапгагина андак эътибор қилди.

Мана, ниҳоят саккиз кун давомидаги бизнинг сир-синоатларимизни баён килиб ўтдим, ўшанда биз ҳеч нарсанни билмасдик, энди солноманинг кейин бўлган воқеаларини тасвирлашга ўтаман, уларни ҳозир қандай кўрган ва изоҳлаган бўлсам, шундайича ишнинг кўзини билганимча, баён этаман. Ўша якшанбадан кейинги саккизинчи кун, яъни душанба оқшоми воқеаларини қаламга оламан, нега деганда, моҳиятан, шу кечадан эътиборан «янги тарих» бошланади.

III

Оқшом соат еттилар эди, Николай Всеоловович ўз хонасида ёлғиз ўтиради – гиламлар тўшалган, бироз чўнг, эскича йўсиндаги оғир жиҳозлар ўрнатилган шифти ба-

¹²² Сиз тушунмайсиз. Буни қўяйлик (*франц.*).

ланд бу хонани у илгаридан ёқтиарди. У түрдаги диванда ўтиар, худди ташқарига чикишга отлангандай кийинган, аммо, чамаси, хеч кәёкка борадиган эмасди. Унинг олдиде стол устида қалпокли чирок турарди. Катта ҳайхотдай хонанинг ён-атрофи ва бурчаклари коронғу эди. Унинг нигохи ўйчан, ниманидир каттик фикрлар, безовталанареди; юзи хорғин ва бироз озинкираганди. У ҳакиқатан оқпилла билан оғриганди; аммо тиши уриб туширилгани тұғрисидеги гаплар муболағадан бошқа нарса эмасди. Рост, тиши бироз қимирлаб қолган, аммо энди ўрнига тушганди; устки лаби ҳам ичдан ёрилган, лекин бу ҳам битиб кетганди. Оқпилла бир ҳафтадан буён тузалмаётганиннинг сабаби, касал докторни қабул килишни истамаётгани ва тишини ўз вактида даволашга унамаётганида эди, у шиш ўзи етилиб ёрилишини кутарди. У докторгина эмас, онаси киришини ҳам хушламас, онаизор бир кунда факат бир марта, у ҳам бўлса хуфтонда, коронғу тушиб, аммо ҳали чирок ёкилмаганда бир зумга кириб чикарди. У Петр Степановични ҳам қабул килмасди; бирок Петр Степанович то ҳали шахарда экан, кунига икки ё уч марталаб Варвара Петровнанинг хузурига келиб кетарди. Ва, никоят, мана, душанба куни уч кун шахарда бўлмагандан сўнг эрталаб барвакт кайтиб келиб, бутун шахарни чарх уриб айланиб чиқиб, Юлия Михайловна даргоҳида бирга тушлик килиб, Петр Степанович никоят кечки пайт уни сабрсизлик билан кутаётган Варвара Петровна кошига келди. Эшиклар очилган, Николай Всеғолович ҳам одамларни қабул килаётган эди. Мехмонни Варвара Петровнанинг ўзи хона эшигигача бошлаб келди; у анчадан бери уларнинг учрашувларини интизор кутарди, Петр Степанович эса Nicolas билан кўришгач, унинг олдига кириб ўтишга ваъда берди, ҳаммасини сўйлаб бераман, деди. Она ўғлининг эшигини ботинмайгина такиллатди ва жавоб ололмай, эшикни андак кия очишга журъят этди.

– Nicolas, олдингга Петр Степановични олиб кирсам майлими? – секин ва вазмин сўради у чирок ортидан Николай Всеғоловични кўргали уриниб.

– Майли, майли, албатта, бўлади! – деб баланд, кувноқ овоз билан қичкирди Петр Степановичнинг ўзи ва эшикни баралла очиб, ичкарига кирди.

Николай Всеволодович эшик тақиллаганини эшитмай, кулогига факат онасининг хавфсираган овозигига кирди, аммо унга жавоб беришга улгурмади. Ушбу дакикада унинг олдида ҳозиргина ўқиб чиқилган хат ётар, у хатнинг устида қаттиқ ўйга ботганди. Петр Степановичнинг кутилмаган шанғиллашини эшитиб, у сесканиб тушди ва кўл остида турган босма билан тезроқ хатни ёпишга уринди, аммо бари бир хатнинг четлари ва жилди ташқаридан кўринганча колди.

– Сиз тайёрланиб олинг деб, мен кучим борича қичкирдим, – ажаб бир соддадиллик билан шоша-пиша пичирлади Петр Степанович юргурганча стол олдига келаркан, дарров босма ҳамда чети очилиб қолган хатга тикилиб.

– Мен ҳозиргина хат олган эдим, сизни кўрмасин деб, уни босма тагига беркитгандим, дарров шунга ҳам кўзингиз тушгандир-да, а? – осудалик билан деди Николай Всеволодович ўрнидан кўзғалмай.

– Хат дейсизми? Худо хайнингизни берсин, хат билан нима ишим бор, менга нима! – ҳиддат билан деди меҳмон, – аммо... муҳими, – шипшиб сўзлади у берк эшикка ўғирилиб караб ва ўша томонга калласини лиқиллатиб ишора киларкан.

– Онам ҳеч качон гап тингламайди, – совуккина килиб деди Николай Всеволодович.

– Агар тинглафанда ҳам чикора! – шу заҳоти илиб кетди овозини шўх баландлатиб Петр Степанович креслога чўкаркан. – Мен ҳеч қарши эмасман, мен ҳозир факат холи гаплашиш учун келдим... Ниҳоят, олдингизга кирдим-а! Аввало, соғлик-саломатлигингиз кандай? Кўринишингиз аъло, эртага балки чиқарсиз дейман, а?

– Қайдам...

– Энди тинчлантиринг уларни, мени тинчлантиринг! – у ҳазиломуз ва ёқимтойлик билан жонбозлик килиб қўлларини ҳар томонга силкитиб ўйнатарди. – Уларга нималар

Ф. М. Достоевский

деганимни билсайдингиз. Дарвоке, сиз билсангиз керак.
У кулиб юборди.

– Озрок хабарим бор. Мен факат онамдан эшитдимки.
сиз жуда ҳаракат қилибсиз.

– Яъни мен аник бир гап айтганим йўқ, – худди ёмон каттик ҳамладан ўзини сақлагандай ҳурпайди Петр Степанович, – биласизми, мен Шатовнинг хотинини ишга солдим, яъни у билан сизнинг Париждаги гаплашиб юрганларингиз ҳакидаги овозаларни ишора қилдим, якшанбада бўлган воқеани... шунга олиб бориб тақадим... хафа бўлмайсизми?

– Аминманки, сиз кифтини келтиргансиз.

– Ўх, мен худди шундан кўрккан эдим. Айтмоқчи «кифтини келтиргансиз» деганингиз нимани англатади? Бу таъна-ку. Дарвоке, сиз ургуни тўғри кўйяпсиз, бу ёкка келаётганимда мени энг кўркитган нарса сиз ургуни тўғри кўйишни истамайсизми, деган эдим.

– Мен умуман ҳеч нарсани қўймоқчи ҳам эмасман, – бироз жаҳли чикиб тўнғиллади Николай Всеволодович, лекин шу заҳоти кулди.

– Мен уни эмас; уни эмас, янгишманг, уни эмас!.. – кўлларини силтади Петр Степанович сўзларни худди нўхотдек сочиб ва шу ондаёқ хўжайнинг тажанглиги тутганидан хурсанд бўлиб. – Мен ўз ишимизни айтиб, жаҳлингизни чиқармокчи эмасман, айниқса, ўзингиз бундай ахволда турганда. Мен факат якшанбадаги воқеа учун югуриб келдим, у ҳам ўз меърида, чунки бу яхшимас-да ахир. Мен очик гаплашиб олсак дейман, шунга жуда муҳтожман, муҳими, мен, сиз эмас, – бу сизнинг нафсониятингиз учун керак, шу билан бирга бу айни бор гап. Мен мана шу дақиқадан эътиборан доим очик-ошкора бўлиш учун келдим.

– Бундан чиқди, илгари очик-ошкора бўлмаган экан-сиз-да?

– Буни сиз ўзингиз ҳам биласиз. Мен кўп муғомбирлик қилганиман... Кулляпсиз-а, кулганингиздан хурсандман, бу тушунишга хизмат қиласи; мен «муғомбирлик»

көн мақтанчоқ сүз билан атай қулгингизни келтирдим, дарров сизнинг жаҳлингиз чиксин дедим; муғомбирлик шартанман деб айтганимни қаранг, қандай тилим борди, менга қолса дарров бир-биримизни тушуна қолайлык дейман-да. Күрдингизми, күрдингизми, қанчалар очилиб кеттим! Хұ-ұп-п, бу ёгини эшитаверасизми?

Мемон ўзининг олдиндан тайёрлаб қўйилган тўпори соддаликлари билан хўжайнинг атай қитик патига тениш учун сурбетларча очикдан-очик уринишига қарамай Николай Всеволодовичнинг ҳам осуда заҳарханда, ҳам мазок қулги акс этган чеҳрасида ниҳоят бирмунча хавотирили қизикиш пайдо бўлди.

– Бўлмаса эшитинг, – деб бошлиди Петр Степанович олдингидан ҳам ортиқ чарх уриб. – Ўн кун аввал бу ерга, яъни мана шу шаҳарга жўнарканман, мен албатта роль ўйнашни кўнглимга туғиб қўйдим. Умуман роль бўлмаса қанийди, бундан яхшиси йўқ, ўз башарангни кўрсатишдан яхшиси йўқ, тўғрими? Ўз башарангдан ортиқроқ муғомбир йўқ, негаки, ҳеч ким ишонмайди. Бўйнимга оламан, олдинига жинни, тентак боладай бўлмоқчи эдим, негаки, тентак бола ўз башарангдан кўра осонрок; аммо тентак бола энг охирги нукта, охирги нукта эса қизикиш уйготади, шунинг учун мен ўз башарамда тўхташга узил-кесил карор қилдим. Хұ-ұп-п, ўз башарамнинг кайси бири? Ўртамиёнаси олтин: ахмоқмас, ақллимас, анча лаёқатсиз ва худди энди ойдан сакраб тушгандай, бу ерлик оқилу доно кишилар шундай дейишади, гапим тўғрими?

– Ҳай, майли, балки шундайдир, – жиндак жилмайди Николай Всеволодович.

– Э, сиз қўшиласизми – хурсандман; мен олдиндан билардим, булар сизнинг фикрларингиз... Ташибланманг, ташибланманг, менинг жаҳлим чикмайди, ўзимни бу аҳволда кўрсатишни унинг учун килганим йўқ, сиздан бунинг тескариси ўларок мактovлар эшитмоқчи эмасман: «Ундай эмас, йўқ, сиз лаёқатсиз эмассиз, йўқ, ундеймас, сиз анави жуда ақллисиз»... Ў, сиз яна куляпсиз!.. Яна хол қўйдим. Сиз айтмасангиз ҳам бўларди. «Сиз ақллисиз»

Ф. М. Достоевский

деб, майли, шундай бўла колсин; мен ҳамма нарса бўлиши мумкин дейман. Падар айтмокчи, passons, ва, кавс ичида. жаҳлингиз чикмасин, бу кўп сўзлилик меники эмас. Айтмокчи, мана бир мисол: мен доим кўп гапираман, яъни сўз кўп, ховликаман, кейин хеч жойига кўёлмайман. Нега мен кўп гапираман, нега мен сўзларни ўрнига кўёлмайман? Чунки мен гапиришни билмайман. Яхши гапиришни коийил қиласиганлар, улар киска гапирадилар. Мана шунинг учун лаёкатсизман деяпман-да, – тўғрими гапим? Аммо менда лаёкатсизлик лаёқати ўз ҳолича табиий, шундай экан, нега энди мен ундан сунъий равишда фойдаланмаслигим керак? Мен шунинг учун, фойдаланаман. Рост, бу ёкка келарканман, мен аввал индамайман деб ўйладим: аммо индамаслик – катта талант-ку, ва демак, менга ярашмайди, иккинчидан эса, индамаслик эса ҳар қалай хатарнок; шунинг учун узил-кесил гапирган яхши деган карорга келдим, аммо айнан лаёкатсиз килиб гапириш, яъни кўп, кўп, кўп, жуда кўп гапириш, шошиб-пишиб исботлаш ва охирида ўзинг келтираётган далиллар ичидаги чалкашиб,чувалашиб кетиш, шундайки, тингловчи боши ғовлаб, бош-кетини тополмай кочиб кетсин, кўлларини ҳайрон бўлиб ёзсин, энг яхшиси, боплаб тупурсин. Алоҳа, биринчидан, сиз ўзингизнинг соддафаҳмлигингида ишонтирасиз, жуда ҳам унинг жонига тегасиз ва ниҳоят, у битта гапингизга ҳам тушунмайди – мана шу учала фойда бирдан сизга колади! Раҳмат сизга, шундан сўнг ким сиздан бунинг сирли, яширин максадлари бўлса керак, деб шубҳаланиб ўтиради. Мен эсам, бунинг устига баъзан кулдираман – бу эса жуда кимматли. Улар энди факат битта нарса учун ҳаммасини кечирадилар, шунинг учунки, у ерда варакалар чиқарган донишманд бу ерда ҳаммаларидан кўра ахмокрок бўлиб чиқади, шундай эмасми? Табассумингиздан кўриб турибманки, сиз буни маъқуллайсиз.

Николай Всеолодович мутлақо кулаётгани йўқ эди, аксинча, ковок солиб, бирмунча сабрсизланиб тингларди.

– Нима? Вой? Сиз, назаримда «бари бир» дегандай бўлдингизми? – шакилларди Петр Степанович (Нико-

лай Всеволодович миқ этиб оғиз очмаганди). – Албатта, албатта, ишонинг, мен буларни айтётган бўлсам, сизни асло биродарлар (товарищество) билан фош қилмоқчи эмасман. Биласизми, сиз бугун жуда ёмон иргир бўлиб турибсиз; мен сизнинг ҳузурингизга очик ва кувноқ кўнгил билан келдим, сиз эса менинг хар бир сўзимни пўстложка чикаряпсиз; амин бўлинг, мен бугун хеч кандай нозик гапларни айтмокчи эмасман, сўз бераман ва сизнинг барча шартларингизга олдиндан розиман!

Николай Всеволодович хеч гапирай демасди.

– Нима? Вой? Нимадир дедингизми? Билдим, билдим, мен яна, чамаси, пачавасини чикардим; сиз шарт кўймадингиз, кўймайсиз ҳам, ишонаман, ишонаман, ҳўп тинчланинг, мен ахир ўзим ҳам биламан, менга таклиф қилишнинг ҳожати йўқ, шундайми? Мен сиз учун олдиндан жавоб бераётирманки – бу лаёқатсизлигимдан; лаёқатсизлик, лаёқатсизлик ва яна лаёқатсизлик... Сиз куляпсизми? Нима? Вой?

– Хеч нима, – кулди нихоят Николай Всеволодович, – мен ҳозир ҳақиқатан эсладим сизни негадир лаёқатсиз деганимни, аммо унда сиз йўқ эдингиз, демак, сизга етказишган... Сиздан сўрар эдимки, тезрок гапнинг пўсткалласига ўтинг.

– Мен ахир ишим-хушим устида, мен айнан якшанба ҳакида! – дерди Петр Степанович. – Ҳўп, мен якшанбада нима, нималар бўлдим сизнинг фикрингизча? Баайни ўша шошқалок, ўртамиёна лаёқатсиз киши, ва мен ўтакетган лаёқатсизлик билан зўравонлик қилиб гапга тушиб кетдим. Аммо барини кечиришди, негаки, биринчидан, мен ойдан тушганман, бу ерда ҳозир ҳамма ялпи шу фикрда; иккинчидан, латиф бир ҳангомани хикоя қилиб бердим ва ҳаммангизни кутқардим, шундоқми, шундоқми?

– Яъни шундай хикоя килгансизки, оқибатда шубҳа тутдиргансиз, бизнинг йигинимиз ва чалкаштириб кўйганимизни маълум килгансиз, холбуки, йигин бўлмаган ва мен сиздан хеч нарсани ўтинмагандим.

Ф. М. Достоевский

– Худди ўзи, худди ўзи! – ҳайратга тушгандай илиб кетди Петр Степанович. – Мен айнан шундай килдим. пружинанинг ҳаммасига сизнинг кўзингиз тушсин дедим; мен сизни деб ўзимни ҳар кўйга солдим, нега деганда сизни овладим ва фош қилмоқчи бўлдим. Энг асосийси, мен сиз қанчалар кўркишингизни билмоқчидим.

– Қизик, нима учун сиз ҳозир бунчалар очик-ойдин сўзлаяпсиз?

– Жаҳлингиз чиқмасин, жаҳлингиз чиқмасин, кўзла-рингизни ола-кула қилманг... Айтганча, ола-кула эмас. Менинг очик-сочиклигим сизга қизик туюляптими? Айнан нега деганда, энди ҳаммаси ўзгариб кетди, албатта, кор ёғди, излар босилди. Мен бирдан сиз ҳакингиздаги фикримни ўзгартирдим. Эски йўл бутунлай тугади; мен энди ҳеч качон сизни эски йўл билан фош қилмайман, энди йўл янгиланди.

– Тактикани ўзгартирдингизми?

– Тактика йўқ. Энди ҳаммасида ихтиёр тўла ўзингизда, истасангиз хўп денг, истасангиз – йўқ. Менинг янги тактикам – мана шу. *Бизнинг* ишимиз ҳақида миқ этиб оғиз очмайман, то ўзингиз айтмагунча. Куляпсизми? Соғ бўлинг. Ўзим ҳам куляпман. Аммо мен энди жуда жиддий, жиддий, гарчи бунчалар шошқалоқлик қилаётган кимса, албатта, лаёкатсиз, тўғримасми? Майли бари бир, лаёкатсиз бўлса бўлар, мен эса жиддий, жиддий.

У ҳақиқатан ҳам, жиддий сўзлади, бутунлай бошқача охангда, кандайдир ўзгача тўлкинланиб, шундан Николай Всеволодович унга кизикиб разм солди.

– Мен ҳакимда фикримни ўзгартирдим дедингизми?
– сўради у.

– Сиз Шатовдан кейин қўлингизни тортдингиз, мен ана ўшанда сиз ҳакингиздаги фикримни ўзгартирдим, бас, етар, илтимос, бошқа сўраманг, энди бошқа бир гап ҳам айтмайман.

У худди саволларни ўзидан нари кувгандек қўллари-ни силкитиб ўридан сакраб турмоқчи бўлди; аммо савол

бўлмагани, кетишга ҳам ҳожат йўқлиги учун, у бироз ўзини босиб, яна креслога чўкди.

– Айтмоқчи, қавс ичида, – яна дарҳол вайсагани тушди у, – бунда баъзи бировлар сиз уни ўлдирасиз деб юришибди, ҳатто бир-бирлари билан бас бойлашяпти, шунинг учун Лембке полицияни ишга солмоқчи экан, аммо Юлия Михайловна рухсат бермабди... Бас, бўлди, нимасини гапираверади буни, факат сизни билиб кўйисин дедим-да. Айтганча, яна: мен Лебядкинларни ўша куниёк дарёнинг нариги ёғига ўтказиб кўйдим, буни биласиз; уларнинг каерда тургани ёзилган хатимни олдингизми?

– Ушандәёқ олганман.

– Бу «лаёқатсизлик»ка кирмайди, буни чин дилимдан чикариб, сидқидилдан бажардим. Мабодо лаёқатсиз бўлса-да, аммо самимий.

– Майли, ҳечқиси йўқ, балки, шундай бўлгани маъкулдир... – ўйчан деди Николай Всеволодович. – Факат менга бошка хат ёзманг, илтимос киласман.

– Иложи бўлмади, факат бир мартагина ёздим.

– Хўп, Липутин биладими?

– Иложи бўлмади; аммо, ўзингиз биласизки, Липутиннинг ҳадди сифмайди... Айтмоқчи, бизникиларнинг олдига бориш керакмиди, яъни бизникилар эмас, уларнинг олдига, бўлмаса, сиз яна чипта ўрнига тушмабди дейсиз. Э, ташвиш чекманг, хозир эмас, бир пайти келганда. Ҳозир ёмгир ёғяпти. Уларга хабар киласман, йигилишади, биз кечда борамиз. Улар худди уядаги зогча болаларидай оғизларини катта очиб кутиб ўтиришади, бизга қандай ширинлик олиб келишаркин деб? Жўшқин халқ. Китобларини олдиларига кўйиб баҳслашмоқчи бўлишади. Виргинский – умуминсоний, Липутин – фуръеши, полиция ишларига ҳам катта майли бор; бир жиҳатдан жуда кимматли одам, аммо бошка барча жиҳатлари жиддий карашни талаб килади; ниҳоят, анави узун кулоқ, у ўзининг маҳсус тизимини ўкиб беради. Биласизми, улар бизни менсимаяпти, нуқул сувга чайқаяпти деб, хафа, хи-хи! Аммо албатта бориш зарур.

Ф. М. Достоевский

– У ерда сиз мени қандайдир бошлиқ деб айтмадингизми? – иложи борича беписандлик билан савол ташлади Николай Всеолодович. Петр Степанович унга ялт этиб каради.

– Айтмокчи, – илиб кетди у қандайдир эшитмагандай ва тезрок сувагандай бўлиб, – мен ахир икки, ҳатто уч марталяб муҳтарама Варвара Петровнанинг хузурларида бўлдим ва жуда кўп гап сотишга тўғри келди.

– Тасаввур киламан.

– Йўқ, тасаввур килманг, мен жуда содда килиб, сиз ўлдирмайсиз деб айтдим ва яна бошқа ширин-шакар нарсаларни гапирдим. Тасаввур килинг, ул муҳтарама эртасигаёк мен Марья Тимофеевнани дарёнинг у юзига ўткизисб қўйганимни билиб олибди; буни унга сиз айтдингизми?

– Хаёлимга келгани йўқ.

– Билувдим, сиз эмас. Сиздан бошқа ким? Қизик.

– Липутиндир-да.

– Йў-ўқ, Липутин эмас, – ғўлдиради хўмрайиб Петр Степанович, – мен кимлигини биламан. Шатовга ўхшайди... Дарвоқе, бу бекор, қўйлик шуни! Айтмокчи, бу ёмон муҳим... Бир ёғи, онангиз бирдан менга асосий савол билан ташланиб коладими деб кутгандим... Эҳ, буни каранг, бошидан бошлаб унинг кош-ковоги сира очилмади, бугун келиб қарасам, ранг-рўйи чараклаган, нимадан экан-а, бу?

– Бунинг сабаби шуки, мен унга беш кундан сўнг Лизавета Николаевнанинг қўлини сўрайман деб, ваъда бердим, – деб колди кутилмаганда Николай Всеолодович очикчасига.

– Э, ў... ҳа, албатта, – бидирлади Петр Степанович қандайдир тили тутилиб, – унашиш ҳакида овозалар юрибди, биласизми? Тўғри бўлса керак. Аммо сиз ҳаксиз, агар сиз ишора килсангиз, келинлик либосларини ташлаб югуриб келади. Жаҳлингиз чикмайдими бу гапларимга?

– Йўқ, жаҳлим чикмайди.

– Бугун сизнинг жаҳлингизни чикариш жуда кийин, сезиб турибман, шунинг учун сиздан кўркяпман. Эртага

кандай боришингизга ёмон кизикяпман. Сиз балки жуда кўп нарсаларни тайёрлаб кўйгандирсиз. Мен бундай деяётганимга жаҳлингиз чиқмаяптими?

Николай Всеоловович хеч нима демади, бу Петр Степановичнинг ёмон гашига тегди.

– Дарвоқе, сиз Лизавета Николаевна ҳакида онангизга ростдан ҳам шундай дедингизми? – сўради у.

Николай Всеоловович унга дикқат билан совук карди.

– Э, хотиржам килиш учун айтгансиз-да, а, тушуман, ха, албатта.

– Агар жиддий бўлса-чи? – катъият билан сўради Николай Всеоловович.

– Бундай пайтларда худо ярлакасин дейишади, ишга зиёни тегмайди (кўрдингизми, мен бизнинг ишимизга демадим, сиз бизнинг деган сўзни ёқтирамайсиз), мен эса... мен эса нима қилдим, мен хизматингизга тайёрман, ўзингиз биласиз.

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Мен хеч, хеч ўйламайман, – шошилиб деди кулганча Петр Степанович, – шуни яхши биламанки, сиз ишларингизни олдиндан ўйлаб қўйгансиз, сизда ҳаммаси ўйланган. Мен фақат хизматингизга тайёрман демоқчиман, ҳар доим, ҳар кайда, ҳар қандай ҳолда, яъни ҳамма ҳолларда, тушундингизми?

Николай Всеоловович эснади.

– Жонингизга тегдим, – бирдан сакраб ўрнидан турди Петр Степанович ва ўзининг янгигини думалок шляпасини кўлга олди ва кетаётгандек бўлиб интилди, ҳолбуки, қўзгалмади ва ҳамон тик турганча жаги тинмай сўзлар, гоҳо хонада у ёқдан-бу ёкка бориб келар ва гапириб жўшган онларида шляпасини тиззасига уриб-уриб кўярди.

– Мен ҳали сизни хурсанд килиш учун Лембекеларни хикоя килиб бермокчи эдим, – шўх кичкирди у.

– Кўйинг, бўлар, кейинрок. Аммо Юлия Михайловнанинг соғликлари қалай?

Ф. М. Достоевский

– Сиз киборлар мана шунаقا усууллар қўллайсизлар-да; ола мушукнинг соғлиги нима-ю, у кишининг соғлиги нима, сизга бари бир, ҳолбуки, яна сўраб қўясиз. Бу мактовга сазовор. Ўзи соғ-саломат ва сизни хурофий даражада хурмат килади, сиздан хурофий даражада кўп нарса кутади. Якшанба воқеаси ҳакида мик этмайди, ўзингиз бир кўриниш бериб ҳаммасини енгигб ўтасиз, деб ишонади. Худо ҳаки, унинг назарида сиз нималарга қодир эмассиз. Дарвоқе, сиз энди сирли, сурурли зотсиз, аввалгидан ҳам ўтиб тушдингиз. Айтганча, хат учун сизга яна бир карра рахмат. Улар ҳаммалари граф К.дан кўркишади. Биласизми, чамамда, улар сизни жосус деб ўйлашади. Мен балки шундайдир деб бошимни ликирлатиб тураман, жаҳлингиз чикмайдими?

– Ҳечкиси йўқ.

– Ҳечкиси йўқ; бу келгусида зарур. Бу ерда уларнинг ўз тартиб-низомлари бор. Мен, албатта, маъкуллаб турман; Юлия Михайловна бошчилигига, Гаганов ҳам... Куляпсизми? Менинг ўз тактикам бор: ёлғон гапириб, бирдан аклли гап айтиб коламан, улар худди шу сўзни кидиришаётган бўлади. Улар мени куршаб олишади ва мен яна ёлғонларимни бошлайман. Ҳамма аллақачон менга кўл силтаб кўйган: «Кобилиятли йигит-у, аммо ойдан тушган-да», Лембке мени хизматга олмоқчи, каддини ростлаб ўнгланиб олсин дейди. Биласизми, мен унинг ёмон жигига тегаман, гашини келтираман, кўзлари ола-кула бўлиб кетади. Юлия Михайловнага ёқади. Айтмоқчи, Гагановнинг сиздан ёмон жаҳли чиқиб юрибди. Кеча Духовода менга сизни ёмонлаб гапирди. Мен дарҳол унга бор ҳакиқатни айтдим, яъни, албатта, ҳакиқатнинг ҳаммасини эмас. Мен уницида, Духовода бир кун бўлдим. Мулки зўр экан, уйлари яхши.

– Ахир у халиям ўша ердами? – бирдан иргиди Николай Всеволодович, у каријб сакраб туриб кетди ва олдинга интилди.

– Йўқ, мени боя эрталаб олиб келиб қўйди, бирга қайтдик, – деб қўйди Петр Степанович худди Николай

Всеволодовичнинг дафъатан ҳаяжонга тушганини пай-камагандай. – Китобни тушириб юбордим, – у китобни олиш учун эгилди. – «Бальзак маъшукалари», суратлари ҳам бор, – бирдан китобни очди у, – ўқимаганман. Лембке ҳам романлар ёзади.

– Шундайми? – сўради Николай Всеволодович худди кизиккандай бўлиб.

– Русча ёзади, албатта, аста-секин. Юлия Михайловнанинг ҳабари бор, ўз майлига кўяди. Қалпоқ; ўзига яраша усулда; бунинг ҳадисини олган. Шаклларнинг шундок жиддийлиги, шундок нафосат! Қанийди бизга ҳам шундок муяссар бўлса.

– Сиз маъмуриятни мактаяпсизми?

– Мактамай ҳам бўладими! Россияда мавжуд бирдан-бир табиий ва эришилган... бўлди, бўлди, бошка гапирмайман, – бирдан чакчайди у, – мен бошка нарсани айтмокчидим, қалтис бўлса, дим-дим. Майли, хайр, негадир кўкариб кетдингиз.

– Иситмам чикялти.

– Ишонса бўлади, ёта қолинг. Ҳа, айтганча, бу ерда, уездда бичилғанлар тоифаси бор, жуда ғалати одамлар... Дарвоқе, кейин. Дарвоке, яна битта ҳангома: бу ерда уезднинг пиёдалар полки бор. Жума куни кечда мен Б-цада офицерлар билан ўтириб ичдим. У ерда ахир бизнинг учта ошнамиз бор. Vous comprenez?¹²³ Даҳрийлик ҳакида гаплашишди, албатта, худони агдар-тўнтар килиб ташлашди. Бошлари осмонда, кийкиришади. Айтганча, Шатов агар Россияда ғалаён чиқарилса, албатта, даҳрийликдан бошлаш керак, деб ишонтирумокчи бўлади. Балки тўғридир. Битта сочи окарган бурбон¹²⁴ капитан ўтириб, ўтириб, бир оғиз сўз айтмай, охирида хонанинг ўртасига чиқиб турди-да, худди ўзи билан ўзи сўзлагандай овозини баланд кўтарди: «Агар худо бўлмаса, мен нима килиб капитан бўлиб юрибман?» Фуражкасини олиб, қўлларини ёзид чиқди-кетди.

¹²³ Тушундингизми? (франц.)

¹²⁴ Қўпол, дагал одам (тарж.).

Ф. М. Достоевский

– Анча бамаъни гап айтиби, – деб учинчи бора ҳому-за тортди Николай Всееволович.

– Шундайми? Мен тушуммадим, сиздан сўрамоқчи эдим. Сизга яна нимани айтиб берсам экан: Шпигулин-ларнинг фабрикаси антика экан, беш юзта ишчиси бор, вабо касофатнинг уяси, ўн беш йилдан бери тозаланмаган, ишчиларнинг ҳакини уриб колишади; миллионер тожирлар. Менга ишонинг, ишчилар орасида баъзилари Internationale¹²⁵ ни билишади. Нима, кулдингизми? Ҳали ўзингиз кўрасиз, менга андак, андаккина вақт берсангиз бас! Мен олдин ҳам сиздан фурсат беришни сўрагандим, яна сўрайман, ана ўшанда... ха, майли, гуноҳкорман, бўлди, бўлди, сўрамайман, мен бошқа нарсани айтмоқчидим, тажанг бўлманг. Хўп, бўпти, хайр энди. Мен нима? – у яна юрган жойида орқасига қайтди, – тамом унутибман, энг муҳими: менга ҳозир айтишди: Петербургдан бизнинг юкимиз келибди.

– Яъни? – тушуммай унга каради Николай Всееволович.

– Яъники, сизнинг юкларингиз, буюмларингиз, фраклар, кийим-кечакларингиз; келдими? Ростми?

– Ҳа, менга боя нимадир дейишаётганди.

– Эҳ, ҳозир мумкин эмасми?

– Алексейдан сўранг.

– Хўп, эртага, эртагами? У ерда сизнинг нарсаларингиз орасида менинг кийимларим, пижак, фрак ва Шармердан олинган учта шим бор эди, сиз тавсия килувдингиз, эсингиздами?

– Мен эшиздимки, сиз бу ерда айтишларича, жентльменлик қилиб юрганишисиз? – кулди Николай Всееволович. – Сиз берейтор¹²⁶дан отда юришни ўрганмоқчи эмишисиз?

Петр Степанович оғзини қийшайтириб кулди.

– Биласизми, – деди у ҳаддан зиёд шошилиб, қандайдир қалтираган, дўриллаган овозда, – биласизми, Нико-

¹²⁵ Байналмилал.

¹²⁶ От минишни ўргатувчи (*таржс.*).

лай Всеволодович, биз шахсиятга тегинмаймиз хеч качон, шундай эмасми? Сиз, албатта, хохлаганча мендан нафрлатланишингиз мумкин, мабодо, сизга шунчалар кулгили туялса, аммо бир канча вакт шахсиятга тегмай туриш хар калай яхшимикин дейман, шундай эмасми?

– Яхши, бошка бундай бўлмайди, – деб кўйди Николай Всеволодович, Петр Степанович эса кулди, шляпасини тиззасига урди, оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига солди ва аввалги ҳолатга кайтди.

– Бу ерда баъзи бирорлар мени Лизавета Николаевна борасида сизнинг ракибингиз деб ҳисоблашади, шундан ўзимни тартибга солиб юраман-да, – кулди у. – Буни сизга ким чакимчилик килаётган экан? Ҳм. Роса саккиз бўлибди соат; хўп, йўлга тушсак ҳам бўлар; мен Варвара Петровна ёнига кириб ўтаман, деб ваъда берувдим, аммо бошка пайт киравман, сиз эса энди ётинг, эртага куч-кувватга тўлиб турасиз. Ташкарида ёмғир ёғяпти, зимистон, айтгандек, менинг извошим бор, нега деганда, бу ер кечалари хатарли... Ох, эсимга тушди: бу ер ёнига, шаҳарда ва шаҳар атрофларида битта Федъка Каторжний деган сангид юради. Сибирдан кочиб келган, муни қаранг, у менинг эски қаролларимдан, уни отам ўн беш йиллар илгари солдатликка бериб юборган, бунга пул ҳам ундирган. Жуда антика нусха.

– Сиз... у билан гаплашдингизми? – кўзини чақчайтириди Николай Всеволодович.

– Гаплашдим. Мендан кочмайди. Ҳамма нарсага тайёр, ҳамма нарсага; албатта, пулга, аммо ўзига яраша эътиоди ҳам йўқ эмас. Ох, яна эсимга тушиб қолди: боя сиз эсингиздами, Лизавета Николаевна борасида бир ният билдириган эдингиз, агар бу жиддий бўлса, яна қайта маълумингиз бўлгайким, мен ҳам ҳамма нарсага тайёр кишиман, ихтиёрингиздаги ҳар қандай ишга, мени бутунлай ўз хизматингизда деб билгайсиз... Нима бу, сиз таёқ кўтариپсизми? Ох, йўқ, таёқ эмас экан... Буни қаранг, менга таёқ кидираётгандек бўлдингиз?

Ф. М. Достоевский

Николай Всеволодович хеч нарса кидираётгани ва ҳеч нарса деб сўзлаётгани йўқ эди, аммо бирдан ўрнидан турган, чехрасида аллақандай ғалати ифодалар жилваланганди.

– Агар сизга жаноб Гаганов борасида ҳам бирон нима керак бўлиб колса, – тарс этиб гапирди бирдан Петр Степанович тўппа-тўгри стол устидаги босма томонга ишора қилиб, – албатта, мен ҳаммасини ўзим тўгрилайман, ишончим комилки, сиз мени четлатиб ўтмассиз.

У жавобни кутмай, бирдан чиқиб кетди, лекин эшик орқасидан яна бир карра бошини сукди.

– Гапимнинг боиси, – кичкирди у бидирлаб, – мисол учун Шатов ҳам ахир ўшанда якшанба куни рўпарангизга келиб, ҳаётини таваккалга қўйишга ҳақи йўқ эди, шундай масми? Сиз бунга эътибор беришингизни сўраган бўлардим.

У жавобни кутмай, яна қўздан гойиб бўлди.

IV

У гойиб бўларкан, эҳтимол, Николай Всеволодович ёлғиз бир ўзи хонада қолиб, деворни муштлашга тушади, деб ўйлаган ва баҳархол канийди буни томоша килсан, деб кўнглидан кечирса ажабмас. Аммо у ғоятда янгишган бўларди: зеро, Николай Всеволодович ниҳоятда хотиржам эди. У икки дакиқагача ўша ахвол-вазиятда стол олдида туриб қолди, чамаси, у каттиқ ўйға ботганди; аммо андак вакт ўтиб, унинг лабларида сўлғин, ланж, совук табассум зухур килди. У ўзининг бурчакдаги жойи, диванга оҳиста чўкди ва худди каттиқ ҳоригандай кўзларини юмди. Ўша-ўша хатнинг четлари босма тагидан чиқиб турар, аммо у тўғрилаб қўйишга уринмас ҳам эди.

Тезда у батамом мизғиб қолди. Шу кунларда устустига ёғилиб келган ташвишлардан абгор бўлган Варвара Петровна, сабри чидамай, кираман деб кирмай кетган Петр Степановичдан кейин гарчи бемаҳал, тайинланмаган вакт бўлса ҳам, Nicolashni кириб кўришга таваккал килди.

Назарида ўғли энди нихоят ниманидир узил-кесил ки-либ айтадигандек эди. У худди боягидай эшикни охиста такиллатди ва яна бунга жавоб ололмай ўзи очиб ичкари-га кирди. У Nicolas ҳаддан ортиқ кимирламай ўтиргани-ни кўриб, юраги каттиқ гурсиллаб урган холда ўзи эхти-ёткорлик билан диванга якинлашди. У ўглининг бундай алфозда – кимир этмай тикка ўтирганча тез ухлаб колга-нидан ҳайратланди; ҳатто нафас олиши ҳам эшитилмасди. Юзи докадай оқарган, қаҳрли эди, худди котиб колгандек харакатсиз эди; кошлари керилган, чимирилиб туради; у мумдан ясалган жонсиз ҳайкалга батамом ўхшарди. Она ўғлининг тепасида уч дақикалар туриб колди, у базур на-фас оларди, ва бирдан уни кўркинч кучди; у оёғининг учи-да юрди, эшикда бир зум тўхтади, тез-тез уни ғойибона чўқинтириди-да, билинтирмай чикиб кетди, уни яна янги оғир хиссиётлар ва янги қайғулар чулғаган эди.

Ўгил шу алфоз, шу караҳтиклида узок, бир соатдан ор-тирок ухлади; унинг юзида бир тук кимирламади, бутун вужудида зарраи ҳаракат осори кўринмади; кошлар ҳамон ўша-ўшандок керилганди. Мабодо, Варвара Петровна яна уч дақиқагина бу ерда колгандайди, у одамни эзадиган ушбу ҳаракат ҳаракатсизликни кўтаролмаган ва эхтимол уни уйготган бўларди. Аммо бирдан у ўзи кўзини очди ва ҳамон кимир этмасдан яна ўн дақиқача ўтирди, у бур-чакда ўзини ҳайратга солган қандайдир бир нарсага кат-тиқ қизиқиб колиб, кўз узмай тикилаётгандек эди, лекин у тикилган томонда хеч қандай янги, кўзга ташланадиган нарса йўқ эди.

Нихоят, катта девор соатининг бир марта урган охиста бўғик товуши эшитилди. У бироз ташвишланиб соат ми-лини кўриш учун бошини бурди, бирок худди мана шу сониянинг ўзида йўлакка чикадиган орқа эшик очилиб, хизматкор Алексей Егорович кўринди. У бир кўлида ка-лин пальто, шарф ва шляпа, иккинчисида кумуш патнисча кўтарган, унда хат кўринарди.

– Тўққиз ярим бўлди, – деди у охиста товуш билан, сўнг олиб кирган уст-бошини бурчакдаги стулга кўйиб,

Ф. М. Достоевский

калам билан икки катор сўз ёзилган муҳрланмаган мўъжазгина хатни кумуш идишда келтириди. Николай Всеволодович икки катор сўзни ўқиб, столдан қалам олди-да, хатча охирига икки оғиз сўз ёзиб, яна патнисчага қўйди.

– Мен чиқишим билан берилсин ва кийинилсин, – деди у дивандан тураркан.

У устидаги енгил барқут пижакка эътибор қилди, ўйланиб туриб, ўзига бошқа, мовут камзул сўради, бу тунги маросимлар учун кулайрок эди. Ниҳоят, бафуржа кийиниб, бошига шляпасини қўндириди-да, боя Варвара Петровна кирган эшикни кулфлади, босма тагига яширган хатни олиб, Алексей Егорович ҳамроҳлигига йўлакка чиқди. Йўлакдан тошдан ясалган тор орқа пиллапояга етишиб, ундан тўғри бокқа олиб чиқувчи даҳлизга ўтишиди. Даҳлиз бурчагида аввалдан ҳозирлаб қўйилган фонарча ва катта ёмғирпўш зонт турарди.

– Ёмғир челаклаб қуйяпти, бу ернинг кўчалари ўтиб бўлмас боткоқ, – деб қўйди Алексей Егорович, бир ёкаси хўжайнин лой кўчаларга чиқишдан қайтармоқчи бўлиб. Аммо хўжайн зонтни очиб худди ўрадай коронғу, зах, шалаббо эски бокқа чиқди. Шамол ярим ялангоч дараҳтларнинг учларини букиб, чайкаб гувилларди, кум тўшалган тор bog сўқмокларига оёқ ботиб кетар, сирпанчик эди. Алексей Егорович фракда, бошяланг, уч кадам нарини фонарь билан ёритиб келарди.

– Кўриб колишмайдими? – сўради бирдан Николай Всеволодович.

– Деразалардан кўринмайди, ундан ташқари олдиндан ҳаммаси хисобга олиб қўйилган, – секин вазмин жавоб берди хизматкор.

– Онам ухладими?

– Кейинги кунларда соат тўккизда ичкарига кириб кетишини одат килганлар ва ҳозир ҳеч нимани билиб бўлмайди. Сизни соат нечада кутай? – кўшиб қўйди у савол беришга журъат килиб.

– Соат бирда, бир яримда, иккигача.

– Бош устига.

Айланма йўлаклардан ўзлари яхши биладиган бутун боғни айланиб ўтиб, улар боғнинг ғишт деворига етиши, бу ерда деворнинг бурчидар доим берк турадиган, тор ва овлоқ кичкина кўчага олиб чиқадиган одам зўрга сиғадиган эшикни топишиди, унинг калити ҳозир Алексей Егоровичнинг қўлида экан.

– Эшик ғичирламайдими? – сўради яна Николай Все-володович.

Аммо Алексей Егорович кеча ва бугун ҳам мой суртиб қўйилганини маълум қилди. У бошдан-оёқ шалаббо бўлганди. У эшикни очиб калитни Николай Все-володовичга берди.

– Агарда узок йўлга отланган бўлсангиз, эсингизда бўлсинким, бу томоннинг одамларига ишониб бўлмайди, айникса, овлоқ чет кўчаларда юриш хатарли, дарёнинг на-риги ёгини-ку асти қўяверинг, – оғзини тиёлмай деди эски хизматкор. У Николай Все-володовичнинг оталиги бўлган, бир пайтлар унинг беланчагини тебратган, қўлида кўта-риб катта қилганди, у жиддий ва оғир одам бўлиб, илохий китобларни ўқитиш ва ўқишини суряди.

– Хотиржам бўл, Алексей Егорович.

– Худо мададкорингиз бўлсин, ҳазратим, аммо факат яхши ишларда қўлласин.

– Нима? – кўчага кадамини қўйган Николай Все-володович тўхтаб қолди.

Алексей Егорович ўз истагини яна катъият билан та-рорлади; аввалги вактлар бўлса у ҳеч қачон ўз хўжаси ол-диди бундай сўзларни овоз чиқариб айтмаған бўларди.

Николай Все-володович эшикни ёпди, калитни чўнта-гига солди-да, оёклари лойга ботғанча тор кўчадан юриб кетди. Ниҳоят, у узун бўм-бўш кўчага тахта-ёғоч тўшалган йўлкага чиқди. У шахарни ўзининг беш қўлидай яхши билар, аммо Богоявленская кўчаси ҳали анча узок эди. У ниҳоят Филиппов уйининг коронғу эски берк дарвозасига етиб келганида соат тўққиздан ўтган эди. Лебядкинлар кўчиб кетишгач, пастки қават бўшаб қолган, деразаларига тахта қоқилганди, аммо Шатов яшайдиган болохонада чи-

рок шулъаси кўринарди. Дарвозанинг кўнгироги бўлмагани учун у кўли билан тақиллата бошлади. Дарча очилиб, Шатовнинг боши кўринди; зим-зиё зулматда бир нарсани кўриш мушкул эди; Шатов бир дақиқача узок караб турди.

– Сизмисиз? – деб сўради у.

– Мен, – жавоб килди чакирилмаган меҳмон.

Шатов деразани ёпиб, пастга тушди-да, дарвозани очди. Николай Всеволодович баланд зинадан сакраб ўтиб, бир оғиз сўз демай, Кириллов яшайдиган бўлмага ўтди.

V

Бу ерда ҳаммаси очик-сочик, ҳеч нарса ёпилмаганди. Даҳлиз билан олдинги икки хона қоронгу, аммо Кириллов яшайдиган кейинги хона ёруғ, кикир-кикир кулги ва аллақандай кийкириқ, қичкириклар эшитиларди. Николай Всеволодович ёргуга караб юрди, аммо ичкари кирмай оstonада тўхтади. Столга чой кўйилганди. Хонанинг ўртасида бу уй хўжасининг кариндоши бўлмиш кампир бошяланғ, одми юбкада, яланг оёгига бошмоқ илган, устида қуён терисидан пўстинча. Унинг кўлида бир ярим яшар гўдак, яланг кўйлакда, оёклари яланғоч, икки ёноғи кип-кизил, окиш соchlари пахмоқ, ҳозиргина беланчақдан тургани билиниб турарди. У яқинда тоза бақириб йигланган бўлса керак; кўзлари остида ёшлар милтиарди; аммо шу тобда микти қўлчаларини узатиб кийкирар, панжалари билан чапак урар, гийқ-гийқ қилиб чинкирарди. Кириллов унинг олдида туриб катта кизил коптокни полга урар, копток шипга бориб урилар, яна полга тўпиллаб тушар, болакай эса: «Мя, мя!» – деб қичкирарди. Кириллов коптокни тутиб болакайга узатар, у эса ўнқовсиз қўлчаларини чўзиб коптокни иткитарди, Кириллов эса яна уни тутиб келтиарди. Алоҳа, «мя» жавон тагига кириб кетди. «Мя, мя!» – деб чинкирарди болакай. Кириллов полга ётиб, жавон тагидан коптокни чиқаришга қўлларини чўзди. Николай Всеволодович хонага кирди; болакай уни кўриб кампирнинг кўксига ёлишиб, тинмай йиғлашга тушди; кампир дархол уни олиб чикиб кетди.

– Ставрогин? – қўлида копток билан полдан қаддини кўтараркан деди Кириллов, у кутилмаган мөхмон қадам ранжида қилганидан зифирча ҳам ҳайрон бўлмади. – Чой ичасизми?

У адл қад ростлади.

– Агар қайноқ бўлса, қанийди, – деди Николай Всееволодович, – ёмғирда тоза ивидим.

– Иссик, ҳатто қайноқ, – бажонидил тасдиклади Кириллов, – ўтиринг; лойга ботибсиз; ҳечкиси йўқ; полни хўл латта билан артиб оламан.

Николай Всееволодович ўтириди-да, узатилган чойни бир ҳўплашда ичиб қўйди.

– Яна ичасизми?

– Раҳмат.

Кириллов шу пайтгача тик оёқда турганди, кейин шу заҳоти унинг рўпарасига ўтириб сўради:

– Сиз нимага келдингиз?

– Ишим бор. Манави хат Гагановдан, ўкиб кўринг; эсингиздами, мен Петербургда сизга айтган эдим.

Кириллов хатни олиб ўкиди, столга қўйди ва таҳаммул килиб кўз тикиди.

– Ўша Гагановни, – деб тушунтира бошлади Николай Всееволодович, – маълумингизки, умримда биринчи марта бир ой олдин Петербургда учратдим. Мен билан танишиб ва гаплашиб ўтирмаёқ менга жуда дағал ва қўрс муносабатда бўлди. Биз уч маротабагача одамлар орасида бир-биримизга рўпара келдик. Мен ўша пайтда сизга айтиб берган эдим, – аммо сиз билмайдиган бошка бир гап ҳам бор: у Петербургдан мендан илгари жўнаб кета туриб, менга бир хат ёзди, у манови хатига ўхшамаса ҳам, ўта даражада уятсиз эди, бунинг устига нима максадда ёзилганлиги ҳам тушунтирилмаган, жуда ғалати эди. Мен ҳам унга ўша заҳоти хат ёзив жавоб бердим ва очиқласига айтдимки, тўрт йил илгари клубда отангиз билан рўй берган воқеа туфайли мендан хафадирсиз, мен ўз томонимдан ўша иш учун сиздан истаганча узр сўрашга тайёрман, нега деганда мен уни қасдан қилмаганман, ахволимда

Ф. М. Достоевский

касаллик туфайли рўй берган эди, деб ёздим. Менинг бу узримни эътиборга олишни сўрадим. У жавоб бермай жўнаб кетди; бу ерга келиб у жуда ёмон кутурганини кўрдим. Жамоат орасида бир неча маротаба устимга мутлако ҳакоратомуз сўзлар айтгани, ғалати айблар ёғдирганини эшидим. Мана энди бугун манови хат келди, бунакасини ҳеч ким ҳеч качон олмаган бўлса керак, сўқади, одамнинг шаънига тегади: “мушт еган башарангиз” дейди. Умид киламанки, сиз менга секундант бўлишга розилик берарсиз, деб келдим.

– Сиз бунака хатни ҳеч ким олмаган дедингиз, – эслатди Кириллов, – бу кутурган пайтда бўлиши мумкин; бир эмас, бир неча марта. Пушкин Геккернга ёзган. Яхши, розиман. Аммо йўлини айтинг?

Николай Всеволодович эртагаёқ бўлсин деди, албатта даставвал узр сўрашдан бошлайлик, ҳатто узр-маъзур баён этилган иккинчи хатни ёзишга ҳам тайёрман, бирок шарт шу бўладики, Гаганов ҳам ўз навбатида бошка ҳеч качон хат ёзмасликка сўз беради. Олинган хат эса худди ёзилмагандай, хат деб хисобланмайди.

– Ён бериш кўп, рози бўлмайди, – деб кўйди Кириллов.

– Мен бу ерга сиз у томонга ушбу шартларни етказа оласизми, деб келдим.

– Мен олиб бораман. Сизнинг ишингиз. Аммо у рози бўлмайди.

– Биламан рози бўлмаслигини.

– У уришмоқчи. Қандай уришасизлар, шуни айтинг.

– Гап шундаки, мен эртага тутатмоқчиман. Эрталаб тўккизда сиз уникига борасиз. У сизни эшигади, рози бўлмайди ва ўзининг секунданти билан сизни учраштиради, – айтайлик, соат ўн бирларда. Сиз шу билан ҳал қиласиз, кейин ҳамма соат бир ёки иккита йигилади. Илтимос, шундай килишга тиришинг. Курол, албатта, пистолетлар, айникса, сиздан мана бундай килишни сўрайман: маррани ўн кадам килиб белгилайсиз; кейин ҳар биримизни маррардан ўн кадам нарида жойлаштирасиз, кейин биз белгилан-

ган ишорага кўра юзма-юз юриб борамиз. Ҳар ким албатта ўзининг мэррасигача бориши керак, аммо юриб бора туриб, аввалрок ўқ узиши ҳам мумкин. Хуллас, менимча мана шундай.

– Марралар ораси ўн қадам бўлса бу жуда якин, – деди Кириллов.

– Майли, ўн икки қадам, аммо бундан ортиқ эмас, тушуняпсизми, у жиддий олишмокчи. Сиз тўппончани ўқлашни биласизми?

– Биламан. Менда тўппончалар бор; аминманки, сиз улардан отмагансиз. Унинг секунданти ҳам ўз шартларини айтади; икки жуфт, биз жуфтми ток қиласиз, ё уни, ё бизники?

– Қойил.

– Тўппончаларни кўрасизми?

– Майли.

Кириллов бурчакдаги ҳали бўшатилмаган чамадон олдига тиз чўқди, буюмлар зарур бўлгандагина ундан олиб туриларди. У чамадон тагидан палма ёғочдан ясалган, ичига кирмизи баркут қопланган кутичани чикариб, ундан иккита жуда олифта, ҳаддан зиёд кимматбаҳо тўппонча олди.

– Ҳаммаси бор: дори, ўқ, патронлар. Бошка револьверим ҳам бор; шошманг-чи.

У яна чамадонни титкилаб, олти стволли америка револьвери жойланган кутини чикарди.

– Қуролингиз кўп экан, яна ҳаммаси кимматбаҳо.

– Жуда. Ҳаддан ортиқ.

Йўксил, қашшоқ Кириллов нафси замрга хеч қачон ўзининг қашшоқлигига эътибор бермасди, чамаси, ҳозир ўз курол бойликларини мактаниб намойиш этар, буларни у шубҳасиз жуда кўп нарсалардан воз кечиб қўлга киритганди.

– Сиз ҳали ҳам ўзингизнинг ўша фикрларингизда турибсизми? – сўради Ставрогин бир зум жимликдан сўнг ғоятда эҳтиёткорлик билан.

Ф. М. Достоевский

– Турибман, – кисқа жавоб қилди Кириллов гап оҳангидан дархол нимани сўраётганларини англаб, сўнг стол устидан қуролларни йигиштира бошлади.

– Қачон бўлади? – янада эҳтиёткорроқ сўради Николай Всеволодович яна бироз жимлиқдан сўнг.

Кириллов орада иккала кутини ҳам чамадонга жойлаб яна аввалги жойига ўтирди.

– Бу менга боғлиқ эмас, биласиз-ку; качонлигини айтишади, – деб пичирлади у бирмунча саволдан гаши келиб, аммо шу билан бирга бошқа ҳар қандай саволларга ҳам жавоб беришга тайёр ҳолда. У Ставрогиндан ўзининг туссиз қора кўзларини узмай тикилар, уларда қандайдир осуда, самимий, дўстона хиссиятлар акс этарди.

– Мен, албатта, отишиш нималигини тушунаман, – деб яна сўз бошлади Николай Всеволодович уч дақиқалар узок ўйга ботиб жим ўтирганларидан сўнг, – мен баъзан ўзимча тасаввур килардим, бунда яна қандайдир янги фикр келади: агарда бир ёвузлик килинса, ёки, муҳими, уят, яъники, шармисорлик, факт жуда ҳам қабиҳона ва... кулгили, шундайки, минг йил ўтса ҳам, одамлар эсдан чикармайдилар ва минг йилгача тупурадилар ва кутилмаганда бир фикр келади: «чаккангга бир зарб тушади-ю, тамом, бошқа ҳеч нарса бўлмайди». Унда одамлар билан ҳам, уларнинг минг йил тупуришлари билан ҳам нима ишинг бор, шундай эмасми?

– Сиз буни янги фикр деб айтапсизми? – деди Кириллов ўйлаб кўргач.

– Мен... айтаётганим йўқ... мен бир гал ўйлаб кўрганимда тамомила янги бир фикрни сездим.

– «Фикрни сездингизми?» – қайталаб сўради Кириллов. – Бу яхши. Кўп фикрлар борки, улар доим ва бирдан янги бўлиб колади. Рости. Мен энди кўп нарсаларни худди биринчи маротаба кўраётгандайман.

– Айтайлик, сиз ойда хаёт кечирдингиз, – унинг сўзи ни эшитмай бўлди Ставрогин ва ўз фикрини давом эттириди, – сиз у ерда мисол учун мана шу ҳамма кулгили майнавозчиликларни қилдингиз... Сиз афтидан бу ерда туриб

биласиз, у ерда сизнинг номингизга минг йил, мангуга, то ой-кун тургунча кулиб мазах қилиб тупуришади. Аммо энди сиз бу ердасиз ва ойга бу ердан қарайсиз, сиз у ерда нима майнавозчиликлар килганингиз билан бу ерда нима ишингиз бор ва бу ердагилар сизга минг йил тупуришганда ҳам бундан сизга нима қайгу, тұғри эмасми?

– Билмадим, – деди Кириллов, – мен ойда бүлган эмасман, – деб құшиб қўйди у хеч қандай киноясиз, факат ходисани қайд этиб.

– Бояги болакай кимники?

– Кампирнинг кайнонаси келган; йўқ, келини... фарки йўқ. Уч кун бўлди. Боласи билан касал ётибди; кечаси билан бақириб чикади, корни... Онаси ухлаб қолади, кампир болани кўтариб киради; мен коптот отаман. Уни Гамбургда олганман. Гамбург коптоги. Отиб ушлаб ўйнайман: елкани чиникитиради. Болакай кизалоқ.

– Сиз болаларни яхши кўрасизми?

– Яхши кўраман, – деди Кириллов бироз локайдлик билан.

– Демак, ҳаётни ҳам севасиз?

– Ҳа, ҳаётни севаман, нима эди?

– Ўзингизни отишга аҳд килган бўлсангиз.

– Нима экан? Нега бирга бўлсин? Ҳаёт бошка, ановниси бошка. Ҳаёт мавжуд, ўлим эса умуман йўқ.

– Сиз келажак мангуба ҳаётга ишона бошладингизми?

– Йўқ, келажак мангуба ҳаётга эмас, бу ердаги мангубликка. Дақиқалар бор, сиз дақиқаларга етасиз, шунда вакт бирдан тўхтайди, шундан кейин мангуллик.

– Сиз шундай дақиқага етаман деб умид киласизми?

– Ҳа.

– Бизнинг замонамиизда бу мумкин бўлмаса керак, – киноя қилмай деди Николай Всеволодович салмоқланиб ўй-хаёл ичиди. – Апокалипсисда¹²⁷ фаришта энди вакт бўлмайди деб қасам ичади.

¹²⁷ Башорат. Инжилнинг Янги Аҳд китобига кирган қўсми. Дунё ва инсон тақдири. Охири замон, қиёмат ҳакида хикоя қилади (тарж.).

Ф. М. Достоевский

– Биламан. У ерда жуда түгри; аник ва равшан. Қачонки бутун одам баҳтга эришса, унда бошқа вакт бўлмайди, нега деганда кераги йўқ. Жуда түгри фикр.

– Уни қаёққа қўйишади?

– Ҳеч қаёққа қўйишмайди. Вакт нарса эмас, гоя. Аклда ўчади.

– Фалсафанинг эски жойлари, асрларнинг ибтидосидан бери ҳамон ўша-ўша, – қандайдир ижирганиш ва на-домат билан гапирди Ставрогин.

– Ўша-ўша бир хил! Асрлар бошлангандан буён ўша-ўша бир хил, ҳеч қачон, бошқа ҳеч қандай! – илиб кетди қўзларидан ўт чақнаган Кириллов, гўё худди мана шу ғояда галаба мавжуд эди.

– Сиз, чамаси, жуда баҳтли бўлсангиз керак, Кириллов?

– Ҳа, жуда баҳтлиман, – деди у, худди жуда оддий нарса ҳакида сўйлагандай.

– Аммо сиз якиндагина Липутиндан қаттиқ хафа бўлиб, жаҳлингиз чиккан эди?

– Ҳм... мен энди сўкмайман. Мен ўшанда ҳали ўзимнинг баҳтли эканлигимни билмасдим. Сиз япрокни кўр-ганимисиз, дараҳтдаги япрокни?

– Кўрганман.

– Мен якинда сарик, бироз қўқ, четлари чириб қуриганини кўрдим. Шамол учирив юрарди. Мен ўн яшар чоғимда қишида қўзларимни атай беркитиб – кўм-қўқ, яркироқ, томирлари офтобда ялтираган япрокни тасаввуримга келтирадим, куёш порларди. Мен қўзларимни очиб, қўзларимга ишонмасдим, нега деганда жуда яхши эди, кейин яна юмардим.

– Бу нима, мажозми?

– Й-йў-ўқ... нега? Мен мажозни эмас, мен бир япрокни, битта япроқ. Япроқ яхши. Ҳаммаси яхши.

– Ҳаммасими?

– Ҳаммаси. Одам баҳтли эканлигини билмагани учун баҳтсиз; факат шунга. Бу ҳаммаси, ҳаммаси! Кимки билса,

ўша заҳоти баҳтли бўлади, шу дақикада. Бу қайнона ўлади, қизалок колади – ҳаммаси яхши. Менга бирдан очилди.

– Ким оч колиб ўлади, ким қизалокни хафа килиб таҳқирлайди – бу яхшими?

– Яхши. Болакайнинг бошини мажақласа, бу ҳам яхши; ким мажақламаса, у ҳам яхши. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси. Ҳаммаси яхши эканлигини биладиганларга ҳам яхши. Улар ўзларига яхши эканлигини билганларидайди, уларга ўшанда яхши бўларди, аммо уларга яхши эканлигини билмагунларича, уларга яхши бўлмайди. Бутун гап шунда, бошка ҳеч кандай гап йўк!

– Сиз шундай баҳтли эканлигингизни қачон билдингиз?

– Ўтган ҳафта сесанбада, йўқ, чорсанбада, чунки, чорсанба кирганди, шунда.

– Нима сабаб бўлди?

– Эсимда йўқ, шундай. Хонада юргандим... бари бир. Мен соатни тўхтатдим, соат иккидан ўттиз етти дақика ўтганди.

– Вакт тўхташи керак деб белгиладингизми?

Кириллов жавоб бермади.

– Улар яхши эмас, – бошлади у яна бирдан, – чунки яхши эканликларини билишмайди. Билганларидан сўнг қизалокни зўрлашмайди. Улар яхши эканликларини билишлари керак, ва шу заҳоти ҳаммалари яхши бўлади, ҳар биттаси.

– Мана сиз билдингиз, ўзингиз яхши бўлдингизми?

– Мен яхшиман.

– Мен ҳар калай бунга қўшиламан, – пичирлади ковғини уйиб Ставрогин.

– Ҳаммани яхши деб ким ўргатса, ўша дунёни тугатади.

– Ўргатувчини хочга михлашди.

– У яна келади, унинг оти одамхудо.

– Худоодам?

– Одамхудо, фарқ шунда.

– Унга чирокни ҳам ўзингиз ёқяпсизми?

Ф. М. Достоевский

- Ҳа, мен ёқдим.
- Имон келтирдингизми?
- Кампир яхши кўради чирокни... унинг бугун қўли тегмади, – пичирлади Кириллов.
- Ўзингиз ибодат килмайсизми?
- Мен ҳаммасига ибодат киламан. Қаранг, ўргимчак деворда ўрмалаб кетяпти, мен қараб турибман, унинг ўрмалаб бораётганидан миннатдорман.
- Унинг кўзлари яна ёнди. У ҳамон Ставрогинга қатънитли ва огишмас нигоҳ билан тикка қаарди. Ставрогин уни ковок солиб, ижирғаниб кузатар, аммо нигоҳида масхара сезилмасди.
- Бас ўйнайманки, мен яна бир сафар келганимда, унда сиз худога имон келтирган бўласиз, – деб қўйди у ўрнидан тураркан, шляпасини кўлига олиб.
- Нега? – Кириллов ҳам ўрнидан турди. – Сиз худога ишонишингизни билганингизда, унда ишонган бўласиз; худога ишонишингизни билмагач, унда ишонмайсиз, – кулди Николай Всеволодович.
- Бу ундумас, – ўйланди Кириллов, – фикрни тўнкардингиз. Киборлар килиғи. Мен учун қандай бўлганингизни бир эсланг, Ставрогин.
- Хайр-хўш, Кириллов.
- Кечаси келасиз; қачон?
- Сиз эртани нима эсингиздан чиқардингизми?
- Ох, эсимдан чиқди, хотиржам бўлинг, ухлаб колмайман; соат тўккизда. Мен истаган пайтимда уйғонаман. Мен ётаётганда соат еттида дейман, роса еттида уйғонаман; соат ўнда десам, ўнда тураман.
- Ажойиб одатларингиз бор, – деб Николай Всеволодович унинг оқарган юзига қаради.
- Мен бориб дарвозани очай.
- Ташвиш чекманг, дарвозани Шатов очади.
- Э, Шатов. Хўп, хайр бўлмаса.

VI

Шатов яшайдиган бўм-бўш уйнинг ташқи эшиги очик эди; аммо Ставрогин йўлакка ўтиб, бутунлай зимистон көрнгуликда қолди ва кўли билан пайпасланиб болохонага чикадиган зинани қидира бошлади. Бирдан юкорида эшик очилиб, ёргу шуъла тушди; Шатов ўзи ичкаридан чикмай эшигини очди. Николай Всеволодович унинг остонасида тўхтаб ичкарига кўз ташлаганда, унинг тўрдаги стол олдида кутиб турганини кўрди.

– Мен иш билан келдим, кирсам бўладими? – сўради у остонаядан.

– Киринг ичкарига, ўтириңг, – деди Шатов, – эшикни ёпинг, тўхтанг, мен ўзим.

У эшикни кулфлади, стол олдига келиб, Николай Всеволодовичнинг рўпарасига ўтириди. Бу хафта у этдан тушган, ҳозир эса иситмалаётганга ўхшарди.

– Сиз мени кийнаб юбордингиз, – пицирлади у ерга караб, – нега келмадингиз?

– Келади деб ўйловдингизми?

– Ҳа, шошманг, мен алаҳладим... ҳозир ҳам алаҳлаб турибман... Тўхтанг.

У ўрнидан туриб, учта китоб токчасининг четидаги бир нарсани олди. Бу револьвер эди.

– Тунов куни мен иситмалаб, мени ўлдиргани келади деб, эрталаб барвакт такасалтанг Лямшиндан охирги пулимга револьвер сотиб олдим; сизга бўш келмайман дедим. Кейин иситмам тушди... Менда ўқдори ҳам, ўкнинг ўзи ҳам йўқ; ўшандан бери токчада ётибди. Тўхтанг...

У ўрнидан туриб кичик дарчани очмоқчи бўлди.

– Ташлаб юборманг, нима киласиз? – тўхтатди Николай Всеволодович. – У пулга келган, эртага одамлар Шатовнинг деразаси тагида револьвер ётибди деб валдирашади. Жойига кўйинг, ана шундай, ўтириңг. Мени ўлдиргани келади деб ўйласиз, нега бундан пушаймон бўлгандай гапиряпсиз? Мен ҳозир ярашгани келганим йўқ, зарур бир гапни айтмоқчиман. Биринчидан, менга тушунтириб бе-

ринг, сизнинг хотинингиз билан алоқада бўлганим учун урмадингизми?

– Ўзингиз биласиз-ку, ундаи эмас, – деб яна ерга қарди Шатов.

– Дарья Павловна ҳақидаги аҳмоқона ғийбат туфайли ҳам эмасдир?

– Йўқ, йўқ, ундаимас! Тентаклик! Синглим бошидаёк менга айтувди... – тоқатсизлик билан кескин деди Шатов ва ҳатто оёкларини андак тапиллатиб кўйди.

– Бундан чиқадики, сиз ҳам сезибсиз, мен ҳам сезибман, – хотиржам товуш билан деди Ставрогин, – сиз ҳақсиз: Марья Тимофеевна Лебядкина бундан тўрт ярим йил бурун Петербургда менинг никоҳимга кирган хотиним. Ахир сиз уни деб менга мушт туширдингизми?

Шатов ҳайратдан лол колиб, индамай тинглаб ўтиради.

– Мен сездиму, бунга ишонмадим, – деб гўнғиллади у нихоят Ставрогинга ғалати караб.

– Мушт урдингизми?

Шатов қизариб кетди ва алоқасиз гапларни ғўлдирай бошлади:

– Сиз тубан кетганингиз учун... ёлғон гапирганингиз учун. Олдингизга сизни ураман деб борганим йўқ эди; бораётганда уришни ўйламовдим... Менинг ҳаётимда тутган ўрнингиз жуда бошқача эди... Мен...

– Тушунаман, тушунаман, сўзга эхтиёт бўлинг. Афсус, иситмалаб турган экансиз. Зарур ишим бор эди.

– Сизни мен жуда узоқ кутдим, – қандайдир бутун аъзойи бадани қалт-қалт титраб, ҳатто ўрнидан туриб кетиб деди Шатов, – айтаверинг ишингизни, мен айтаман... кейин...

У ўтириди.

– Бу иш сиз ўйлаганча эмас, – деб бошлади Николай Всеволодович унга қизиқсиниб зеҳн солиб, – баъзи бир сабабларга кўра мен шу пайтни танлашимга тўғри келди, сизни огохлантириб қўйишим керак: сизни ўлдириб кетишлари мумкин.

Шатов күзлари ола-кула бўлиб унга тикиларди.

– Бошимда хатар борлигини биламан, – бир маромда деди у, – аммо сиз, сиз буни қаердан биласиз?

– Чунки мен ҳам сиз каби уларга тааллуклиман, худди сизга ўхшаб улар жамиятининг аъзосиман.

– Сиз... сиз жамият аъзосими?

– Кўзингиздан кўриб турибманки, мендан бошқа ҳар нарсани кутгансиз-у, лекин буни асло кутмагансиз, – охиста кулди Николай Всеиводович, – аммо айтинг-чи, бундан чиқди, сизга касд килинаётганини билган экан-сиз-да?

– Хаёлимга келтирганим йўқ. Сизнинг сўзларингизга карамасдан, хаёлимга келтирмайман ҳам, гарчи... гарчи бу тентакларга бир нарса деб бўлармиди! – бирдан кичкириб юборди у столни муштлаб кутуриб. – Мен улардан кўркмайман! Мен алоқани узганман. Анов олдимга тўрт марта чопкиллаб келди ва мумкин деб... бироқ, – у Ставрогинга боқди, – сизга ўзи бунда нима маълум?

– Тинчланинг, мен сизни алдаётганим йўқ, – совуқкина давом этди Ставрогин, худди устидаги мажбуриятни ўтаётган одамдек. – Сиз нима маълумлиги хақида мени имтиҳон қиляпсизми? Сиз икки йил илгари бу жамията аъзо бўлиб кирганингиз менга маълум, ўшандада ташкилот ҳали эски эди, сиз Америкага сафар қилмокчи бўлиб тургандингиз, чамаси, бизнинг охирги марта гаплашиб олганимиздан кейин, сиз бу ҳақда менга Америкадан ёзган хатингизда кўп айтгансиз. Айтмоқчи, сизга мен ҳам хат оркали жавоб қайтармаганим учун маъзур тутинг, ўшандада факат...

– Пул жўнатдингиз; тўхтаб туринг, – унинг гапини бўлди Шатов, шошилиб столнинг тортмасини сурди-да, қоғозлар остидан ялтироқ қофоз пул чиқарди, – мана, олинг, юз рубль, менга юборган эдингиз; сиз бўлмасангиз, у ерда ҳалок бўлардим. Онангизнинг эхсони бўлмаса, ҳали анчагача узолмасдим: мана шу юз рублни у киши бундан тўккиз ой бурун касалдан турганимдан сўнг камбағаллар-

Ф. М. Достоевский

га иона тарикасида берган. Аммо, бояги гапингизни давом эттираверинг бафуржаша...

У хаво етишмагандай харсилларди.

– Америкада сиз фикрларингизни ўзгартирдингиз ва Швейцарияга қайтгач, воз кечмокчи бўлдингиз. Улар сизга жавоб беришмади ва бу ерда, Россияда аллакимдан қандайдир типографияни қабул килиб олиш ва уларнинг ўз одами келгач, топширишни бўйнингизга қўйиши. Мен ҳаммасини тўла ва аниқ билмайман, аммо, асосий гап мана шу шекилли, шундайми? Сиз бу уларнинг охирги талаби бўлса керак, шуни килиб берсанам, кейин бутунлай қўйиб юборишар, деган умидда ишга киришдингиз. Буларнинг ҳаммасини, ўзи шундаймиди, йўқми, мен улардан эмас, бошқа ёқдан тасодифан билдим. Лекин сиз шу пайтгacha бошқа бир нарсани билмасангиз керак: мана шу жаноблар мутлако сизни қўйиб юборишини истамайдилар.

– Бўлмагур гап! – бўкириб юборди Шатов. – Мен вижданан айтдим: сизларга бутунлай қўшилолмайман, йўлимиз бошқа дедим! Бу менинг ҳукуким, виждан ва гоя ҳукуки... Мен бунга йўл қўймайман! Мени мажбур килоладиган куч...

– Менга қаранг, сиз бақирманг, – жуда жиддий тўхтатди уни Николай Всеволодович, – анов Верховенский шундай одамки, балки, бизни ўзи ёки бошканинг қулоги билан сизнинг дахлизингизда биқиниб эшитаётган бўлса ажабмас. Ҳатто арокхўр Лебядкин сизни иложи борича кузатиб юриши, сиз эса, эҳтимол, уни қўздан қочирмаслигингиз керак эди, шундай эмасми? Яххиси, айтинг: хозир Верховенский сиз келтирган далил ва рўкачларга рози бўлдими, йўқми?

– У рози бўлди; майли деди, ҳакингиз бор, деди...

– Хўш, у сизни алдайди. Мен биламан, ҳатто уларга кеч қандай алоқаси бўлмаган Кириллов ҳам сиз ҳакингизда маълумот берган; уларнинг агентлари кўп, ҳатто жамиятга хизмат қилаётганларнинг ҳаммасини ҳам билавермайдилар. Сизга доим кўз-кулок бўлишган. Нафси замрага, Петр Верховенский бу ерга сизнинг ишингизни битириш

учун келган, унга шу ваколат берилган, яъни айнан: сизни кўп нарсадан ҳабардор ва ҳукуматга етказиши мумкин бўлган кимса сифатида қулай пайт топиб йўкотишга келган. Яна такрор айтаман: бу аниқ гап; яна, рухсат этинг, кўшиб қўяй: нимагадир сиз айғокчи эканлигинги газа уларнинг ишончи комил, агар ҳали сотмаган бўлсангиз, энди албатта сотасиз. Шу тўғрими?

Жуда одми оҳангда айтилган бундай саволни эшитиб, Шатов оғзини кийшайтири.

– Агар мен айғокчи бўлганимда ҳам, унда кимга сотардим? – қаҳрланиб деди у саволга тўғри жавоб бермай.

– Йўқ, кўйинг мени, жин урсин мени! – кичкирди у ўзини қаттиқ ларзага солган олдинги фикрига яна ёпишиб; чамаси, барча белгиларга қараганда бу фикр унинг боши устида турган хавф-хатардан ҳам кўра кучлироқ эди. – Сиз, ха, худди сиз Ставрогин, қандай килиб шундай уятсиз, лаёқатсиз, малайларча бемаъни бир нарсага суйкалиб колдингиз! Яна уларнинг жамиятига аъзо эмишсиз! Шу бўлдими Николай Ставрогиннинг жасорати! – деб кичкирди у батамом фигони бошидан ошиб.

У ўзи учун худди бундан ҳам аччикрок ва бундан ҳам аламлироқ кайфият бўлиши мумкин эмасдай, ҳатто қўлларини бир-бирига қарсиллатиб урди.

– Кечиринг, – ҳакиқатан ҳайрон бўлди Николай Все-володович, – аммо сиз менга афтидан худди қандайдир куёш деб караисиз, ўзингизни эса менга киёсан аллакандай пащшача ҳам кўрмайсиз, мен буни ҳатто сизнинг Америкадан ёзган хатингиздан ҳам сездим.

– Сиз... сиз биласиз... Ох, кўйинг, кўйинг мен ҳакимда бутунлай, бутунлай гаплашмайлик! – кескин тўхтатди Шатов. – Ўзингиз ҳакингизда бирон нарса демокчи бўлсангиз, айтинг... саволимга жавоб беринг! – такрорларди у иситмада алангайи оташ бўлиб.

– Бажонидил. Мени қандай қилиб бу ҳароб кулбага кириб колдингиз, деб сўрайapsиз? Сизга айтган бояги гаплардан кейин бу иш бўйича яна баъзи нарсаларни очик маълум қилишга ўзимни бурчли деб биламан. Биласизми,

Ф. М. Достоевский

жиддийрок олиб караганда, мен бу жамиятга мутлақо тегишли эмасман, олдин ҳам тегишли эмасдим, шунинг учун улардан чикиб кетишга сиздан кўра анча ортикрок ҳаким бор, нега деганда кирмаганман. Аксинча, бошиданок улар билан ош-катик бўлолмаслигимни маълум килганман, мабодо, тасодифан ёрдамим теккан бўлса, бир бекорчи одамдай кўмаклашганман. Мен кисман жамиятнинг янги режа асосида қайта ташкил этилишида катнашганман, холос. Бирок энди улар ўйлаб ўтиришиб, мени ҳам қўйиб юбориш хатарли деган карорга келишган ва афтидан, менинг устимдан ҳукм чикаришган.

– О, уларга ҳамма нарса ўлим жазоси, ҳамма нарса фармойиш, ҳамма нарса муҳрланган коғозлар ва буларни уч яримта одам имзолайди. Сиз эса шуларга қарамай уларни кодир ва курби етади деб ҳисоблайсиз!

– Бу ўринда сиз кисман ҳақсиз, кисман йўқ, – деб худди олдингидай лоқайд ва ҳатто лоҳас давом этди Ставрогин. – Шак-шубҳа йўкки, ушбу ҳолларда доим хаёлпастлик кўп бўлади: тўда ўзининг ўсаётгани ва аҳамияти ортаётгани ҳакида дағдаға килади. Агар, истасангиз, менимча, уларнинг ҳаммасини жам килганда, битта Петр Верховенский колади, у эса жуда камтар, ўзини факат жамиятининг агенти деб билади. Дарвоке, асосий гоя бошка шунга ўхшаганлардан ортикрок ва аклирек эмас. Уларнинг Internationale билан алоказари бор; улар Россияда ҳам ўз агентларига эга бўлишиди, ҳатто бирмунча койилмаком усул ҳам топишиди... лекин хали, албатта, назарий томондан. Уларнинг бу ердаги ният-максадларига келгандা, унда бизнинг рус ташкилотимизнинг ҳаракати доим шунчалар қоронғу ва доим шунчалар кутилмаган бир ишлардан иборатки, унга караб ҳакиқатан бизда ҳамма нарсаларни килиб кўрса бўларкан, деган хulosага келиш мумкин. Билиб қўйинг, Верховенский жуда ўжар одам.

– Бу кандала, оми, тентак одам, Россияни мутлақо тушунмайди! – қаҳрли кичкирди Шатов.

– Сиз уни яхши билмайсиз. Рост, уларнинг ҳаммаси умуман Россияни билмайди, балки сиз билан бизга қара-

ганда бироз камрок билишар; бунинг устига Верховенский жонбоз.

– Верховенский жонбозми?

– О, албатта. Шундай бир нукта борки, бунда у мас-харабозликни тўхтатади ва... ярим жиннига айланади. Сиз бир гал: «Биласизми, бир одам канчалар кучли бўлиши мумкин?» – деган эдингиз, эсланг. Кулмаслигингизни сўрайман, у тепкини босишга жуда кодир. Улар мен ҳам жосус эканлигимга ишонишади. Улар ҳаммалари ишга нўнок бўлганлари боис жосусликда айблашни ўлардай яхши кўришади.

– Аммо сиз қўркмайсиз-ку?

– Й-ўк... Унча қўркмайман... Аммо сизнинг ишингиз бутунлай бошкacha. Буни эътиборга олинг, деб огохлантиридим сизни. Ахмоклар дағдаға киляпти деб хафа бўлиб ўтиришнинг хожати йўқ, менимча; гап уларнинг аклида эмас: сиз билан мендан анча бошқачарок одамларга ҳам улар қўл кўтарган. Айтмокчи, ўн бирдан ўн бешта ўтибди, – у соатга қараб ўрнидан қўзғалди, – мен сиздан яна бутунлай бошқа нарсани сўрамоқчи эдим.

– Худо ҳаки! – хитоб килди Шатов шарт ўрнидан туриб.

– Яъники? – саволомуз қаради Николай Всеvolодович.

– Беринг, бераверинг саволингизни, худо ҳаки! – ифодалаб бўлмас ҳаяжон ичida такрорлади Шатов, – аммо шарт шуки, менинг ҳам сизга саволим бор. Мен ёлвораман, сиз изн бергайсиз... мен чидолмайман... айтинг саволингизни!

Ставрогин бироз кутди-да, сўнг бошлади:

– Сиз бу ерда Марья Тимофеевна билан гаплашиб турар экансиз, деб эшитдим, у сиз билан кўришиб, гаплашиб туришни яхши кўаркан. Шу гап ростми?

– Ҳа... эшитарди... – бироз хижолат чекди Шатов.

– Яқин кунлар ичida мен шу ерда шахарда у билан никоҳдан ўтишим ҳакида жамоатга маълум килмокчиман.

Ф. М. Достоевский

– Ахир бу шундай бўлиши мумкинми? – сал бўлмаса даҳшатга тушиб шивирлади Шатов.

– Яъни қайси маънода? Бу ерда ҳеч қандай мушкулчилик йўқ; никоҳнинг гувоҳлари шу ерда. Бунинг ҳаммаси ўшанда Петербургда мутлақо конуний ва осойишта тарзда бўлиб ўтган, шу чоққача маълум ва ошкор бўлмаганинг сабаби шуки, никоҳнинг бирдан-бир гувоҳи Кириллов ва Верховенский, қолаверса, Лебядкиннинг ўзи (уни мен энди ўзимнинг кардошим деб хисоблайман) ўша пайтда буни овоза қиласликка сўз берган эдилар.

– Мен унимас... Сиз жуда хотиржам сўзлаяпсиз... аммо давом этинг! Менга каранг, сизни бу никоҳга мажбур килишмагандир ахир, тўғрими?

– Йўқ, ҳеч ким мени бунга зўрлаган эмас, – кулиб юборди Николай Всееволодович Шатовнинг жizzаккиларча шошқалоқлигидан.

– У нимага нукул ўзининг боласини гапиради? – иситма аралаш ховликиб, узук-юлуқ сўзларди Шатов.

– Ўз боласини гапирадими? Воҳ! Мен билмаган эдим, биринчи маротаба эшитяпман. Унинг боласи йўқ, бўлиши ҳам мумкинмас: Марья Тимофеевна бокира киз.

– А! Айтган эдим-а! Менга каранг!

– Нима бўлди, Шатов?

Шатов юзини қўллари билан беркитди, ўтирилди, аммо бирдан Ставрогиннинг елкаларидан маҳкам тутди.

– Биласизми, биласизми, жиллакурса, – деб қичкириб юборди у, – буларнинг ҳаммасини нима учун қилганингизни ва нима учун энди бу жазога ўзингизни гирифтор этаётганингизни?

– Саволингиз ақлли ва захарли, аммо мен ҳам сизни ҳайрон қилиб қўяй: ха, мен ўшанда нега уйланганимни ва сизнинг таъбирингизча нима учун бундай «жазо»га гирифтор килаётганимни бироз бўлса ҳам, биламан.

– Кўяйлик буни... бу ҳақда кейин, ҳали гапирмай туринг; энг асосийси, энг асосийси тўғрисида гаплашайлик: мен сизни икки йил кутдим.

– Ҳа-я?

– Сизни жуда анчадан буён кутаман, мен сизни тұхтосиз ўйладим. Сиз бирдан-бир одамсиз, менинг саволларимга... Мен ҳали Америкадан сизга буни ёзғандим.

– Сизнинг узун хатингиз яхши әсимдә.

– Ўкиш учун узун демокчимисиз? Майли; олти варал. Гапирманг, гапирманг! Айтинг-чи, сиз менга яна ўн дақиқа вакт ажратса оласизми, лекин ҳозир, шу тобда... Мен сизни ўлардай узок күтдим!

– Майли, ярим соат ажратай, лекин хүп десангиз, шундан ортиқ әмас.

– Аммо бир шарти, – шаҳд билан илиб кетди Шатов, – сиз гапингизнинг охангини ўзгартирасиз. Эшитаяпсизми, мен талаб қиласман, холбуки, ёлворишим керак... Тушунасизми, ёлвориш ўрнига талаб килиш нималигини?

– Тушуняпман, сиз шундай йўл билан барча одми жўн нарсалар устидан юксак мақсадлар сари юксаласиз, – андак кулиб кўйди Николай Всеволодович, – сиз каттиқ иситмалаяпсиз, мен ачинаман.

– Мени ҳурмат килишларини сўрайман, талаб қиласман! – қичкиради Шатов, – ҳамиятим учун әмас, – уни жин урсин, – мен бошка нарсага, бунга факат вакт, бир неча оғиз сўз... Биз икки хилкат бепоён оламда кўришиб колдик... ёргуф жаҳонда охириги марта. Кўйинг ўша охангни, одамий қилиб сўйланг! Умрингизда лоакал бир марта одамга ўхшаб гапиринг. Мен ўзим учун әмас, сиз учун сўраяпман. Тушунасизми, юзингизга урганим учун мени кечиришингиз керак, лоакал бир нарса туфайли, у ҳам бўлса, мен сизга ўзингиз беҳадду бепоён кучга эга эканлигингизни билдиридим... Сиз яна киборлар каби ижирғаниб куляпсиз. О, сиз качон мени тушунасиз! Йўколсин киборвачча! Тушунсангиз-чи ахир, буни талаб қиласман, талаб қиласман, акс холда гапирмайман, бир оғиз ҳам, ҳеч качон!

Унинг жазаваси тутиб алаҳларди; Николай Всеволодович ковоғини солди ва энди эҳтиёткорроқ бўлиб қолди.

– Мен энди яна ярим соатга қолган эканман, – деб вазмин, жиддий қилиб гапирди у, – вактим эса жуда ҳам зик,

Ф. М. Достоевский

ишонинг, сизни жуда дикқат қилиб тинглаяпман, тинглаш ниятидаман ва... ва ишончим комилки, кўп янги нарсаларни сиздан эшитаман.

У стулга ўтирди.

– Ўтириңг! – кичкирди Шатов ва ўзи ҳам бирдан ўтириди.

– Аммо, изн беринг, эслатай, – эсига тушиб колиб деди Ставрогин, – мен сизга Марья Тимофеевна хусусида илтимосимни айтаётгандим, ҳар ҳолда, унинг учун бу жуда муҳим...

– Қани? – ковоғини уйди бирдан Шатов, у гапи энг қизик жойида бирдан бўлинган одамга ўхшаб қолди, у сизга караб туради-ю, аммо ҳали саволингиз нима хақда эканлигини англолмайди.

– Аммо гапимни охирига етказишга кўймадингиз, – табассум килиб деди Николай Всеволодович.

– Э, бекор гап, кейин! – ниҳоят таънанинг мазмуни миясига етиб борган Шатов ҳазар килгандай қўл силтади ва тўғри ўзининг асосий мавзусига ўтди.

VII

– Сиз биласизми, – деб бошлади у гапини дагдага билан стулда олдинга энкайган, кўзлари йилтираган ҳолда ўнг кўлининг кўрсаткич бармогини юқорига кўтариб (чамаси, нега бундай килаётганига ўзи ҳам эътибор бермасди), – сиз биласизми, ҳозир бутун ер юзида янги худонинг номи билан дунёни янгилаш ва ҳалос қилиш учун келадиган бирдан-бир ягона «художўй» ҳалқ кимлигини, ҳамда фақат ягона унга ҳаёт қалитлари ва янги сўз берилганлигини... Биласизми, бул ҳалқ кимдир ва унинг номи нимадир?

– Сизнинг усулингизга караганда мен жуда зудлик билан шундай хulosага келишим жоиздирки, бу ҳалқ – рус ҳалки...

– Сиз яна куляпсизми, о, бу қавм! – ирғиб кетай деди Шатов.

– Тинчланинг, илтимос; аксинча, мен худди шунга ўхшаш бир нарса кутган эдим.

– Шунга ўхшаш нарсанни кутувдингизми? Ўзингизга-чи, бу сўзлар нотаниш эдими?

– Жуда таниш; нимага шама килаётганингизни яхши сезиб турибман. Бундан икки йилдан ошикроқ вакт олдин хорижда сиз Америкага жўнаб кетишингиздан сал илгарирок гаплашиб олган эдик, сизнинг ҳозирги барча сўзларингиз ҳам, ҳатто «худоёр» ҳалк деган иборангиз ҳам ўшандаги гапларнинг ҳолосаси... Агар ёдимдан кўтарилиб, фаромуш этмаган бўлсам.

– Бу меники эмас, бутунлай сизнинг иборангиз. Гапимизнинг ҳолосасигина эмас, ҳаммаси тўла-тўкис ўз гапингиз. Ўша гап ҳатто «бизнинг» гапимиз эмасди: улкан сўзларни башорат килаётган устод-у энди ўликдан тирилган шогирд бор эди унда. Ўша устод сиз, мен эса шогирдман.

– Аммо эсингиздадир, сиз айнан менинг сўзларимдан сўнг ўша жамиятга кирдингиз ва факат шундан кейин Америкага йўл олдингиз.

– Ҳа, кейин мен бу ҳақда Америкадан ёзганман; ҳам масини ёзганман. Ҳа, мен болалиқдан кон-жонимга сингиб кетган нарсалардан мен дархол бира тўла ажралиб кетолмадим, умид-оъмолларимнинг бутун хайратлари-ю нафратларимнинг кайнок кўз ёшлари бари шунга кетди... Худоларни алмаштириш оғир. Мен ўшанда ишонишни истамаган эдим, сизга ишонмадим, ва охирги марта мана шу ахлат ўрага ёпишдим... Аммо уруғ қолди ва етилади. Жиддий, жиддий айтинг, менинг Америкадан ёзган ҳатимни охиригача ўқидингизми? Балки, умуман ўқимагандирсиз?

– Мен унинг уч саҳифасини, биринчи, иккинчи ва охиргисини ўқидим, ўртасига ҳам кўз югуртириб чиқдим. Дарвоқе, кўнглимда бор эдики...

– Э, фарқи йўқ, қўйинг, жин чалсин! – кўл силтади Шатов. – Агарда сиз ҳалк тўғрисидаги ўшандаги сўзлардан чекинган бўлсангиз, унда қандай килиб улар оғзингиздан чиқди ўшанда?.. Мени ҳозир шу эзади.

Ф. М. Достоевский

– Мен ўшанда ҳам сиз билан ҳазиллашган эмасман; сизни ишонтиришга уриниб, мен күпрок сизни эмас, ўзимнинг ғамимни еганман, – сирли қилиб деди Ставрогин.

– Ҳазиллашмаганмисиз! Америкада мен уч ой хашак устида... бир бечора билан ёнма-ён ётдим, у менга шуни гапириб бердики, сиз мени юрагимга худо ва юртни бостириб экаётган маҳалингизда, айни шу пайтнинг ўзида, ҳатто, эҳтимол, худди шу кунларнинг айни ўзида, сиз анави шўрлик, анави савдойи восвос Кирилловнинг қалбини оғу билан заҳарлагансиз... Сиз унинг миясига ёлғон бўхтонларни тикиштириб сингдиргансиз ва аклини зойил қилиб, жазавага туширгансиз... Боринг, энди уни кўриб кўйинг, уни сиз шундай яратдингиз... Дарвоке, сиз уни кўрдингиз.

– Аввало, сизга айтиб кўй, Кирилловнинг ўзи ҳозиргина менга ўз оғзи билан айтди, мен баҳтлиман, ҳаётим соз деди. Бир пайтнинг ўзида рўй берган, деган тахминнинг хам тўғри дейиш мумкин; хўб, нима бўлибди шунга? Яна қайтараман, мен сизни, на у ва на бошкасини йўлдан уриб алдамаганман.

– Сиз дахриими? Энди дахриймисиз?

– Ҳа.

– Ўшанда-чи?

– Худди шундай ўшанда ҳам.

– Мен булар ҳакида гап очиб, ўзимга ҳурмат-эътибор сўраётганим йўқ; сизнинг ақлингиз билан буни тушуниш мумкин эди, – дарғазаб бўлиб тўнғиллади Шатов.

– Мен оғзингизни очишингиз биланок ўрнимдан туриб кетмадим, гапга нукта кўймадим, ҳамон тек ўтириб барча саволларингиз ва... бакирик-чакирикларингизга жавоб беряпман, демак, сизга бўлган ҳурматимни бузмай саклаганман.

Шатов кўл силтаб, унинг гапини бўлди:

– Эсингизда борми бир сўзингиз: «Даҳрий рус бўлиши мумкин эмас, даҳрий ўша заҳоти рус бўлмай қўяди», эсингиздами шу гап?

– Шундайми? – қайта сўраб ўсмоқчилагандай бўлди Николай Всеволодович.

– Сўрашингизни қаранг-а? Эсингиздан чиқдими? Ҳолбуки, бу ўша рус рухининг сиз топган энг асосий хусусиятларидан эди, сиз уни аниқдан аниқ қилиб кўрсатиб ёдингиз. Сиз буни унтишингиз мумкинмиди? Сизга бундан ҳам ортикроғини эслатай, – сиз ўшанда яна шундай дегансиз: «Православ бўлмаган рус бўлолмайди».

– Менимча, бу славянофилларча¹²⁸ фикр.

– Йўқ; ҳозирги славянофиллар уни кабул қилишмайди. Ҳозир одамлар ақлли бўлиб қолган. Аммо сиз яна ҳам узокрок қадам ташлагансиз: сиз Рим католицизми насронийлик эмас, дегансиз; сиз Рим иблиснинг учинчи вассасига учган Христни кўкка кўтариб, сўнг бутун дунёга Христос ердаги салтанатисиз заминда барқарор бўлиб туролмайди, деб эълон қилиб, католиклар мазҳаби бу билан зиддиҳристни кўтариб чиқди ва шу билан бутун гарб оламини халокатга дучор килди дегансиз. Айнан, сиз кўрсатгансизки, агар Франция азоб-укубат чекаётган экан, бу факат католик мазҳабининг айби, зоро, Римнинг манхус илохини рад этиб, ўзига янгисини тополмади. Ана ўшанда сиз мана шуларни айта олгансиз! Мен сұхбатларимизни ёслайман.

– Агарда мен динга ишонганимда эди, унда, шубҳасиз, буни ҳозир ҳам такрорлардим; мен диндор каби сўйлаб, ботил сўйламаганман, – жиддийлик билан деди Николай Всеволодович. – Лекин ишонинг, менинг ўтган вактлардаги фикрларимни қайтариш менда жуда ёмон таассурот колдиради. Сиз буни бас қилолмайсизми?

– Агар динга ишонганингизда-чи? – бакирди Шатов сұхбатдошнинг ўтингчига заррача эътибор бермай. – Лекин сиз айтмагандингизми менга, агарда менга ҳақиқат Христдан ташқарида деб математик тарзда исботлаб беришса, унда мен Христ билан колишни ҳақиқат билан қолгандан кўра афзал билардим, деб? Сиз шу гапни айтганмисиз? Айтганмисиз?

– Лекин менга ҳам ахир изн беринг, ахир мен ҳам сўрай, – овозини кўтарди Ставрогин, – бу ҳовлиқма... ёвуз имтиҳон қаерга олиб боради?

¹²⁸ Славянпарастлар (сақолибпарастлик) (*тарж.*).

Ф. М. Достоевский

– Бу имтиҳон мангуликка ўтади ва бошқа ҳеч қачон тақрорланмайди, сизга эслатилмайди.

– Сиз ҳали ҳам, биз замон ва макондан ташқаридамиз деб, оёгингизни тираб турибсиз...

– Жим бўлинг! – бирдан бўкирди Шатов. – Мен тентак ва бесўнақайман, аммо майли ҳалок бўлсин менинг исмим мазокда! Лекин сиз ўшандаги бутун асосий фикрингизни олдингизда тақрорлашга изн-ижозат берасизми?.. О, факат ўн сатр, биттагина хulosса.

– Майли, битта хulosса бўлса, тақрорлай колинг...

Ставрогин соатига қарамоқчи бўлиб қимиirlаб қўйди-ю, аммо қарамади.

Шатов яна ўтирган стулига энкайди-да, бир зумгина ҳатто бармогини кўтаргандай бўлди.

– Ҳеч кайси ҳалқ, – деб бошлади сатрма-сатр ўқиётгандай ва айни чоғда Ставрогинга дағдага билан қарашда давом этиб, – илм ва аклга суюниб, ўз ҳаётини ҳали қурган эмас; гарчи бир зум аҳмоклик важидан бўлса ҳам, бундай мисол бирор марта ҳам рўй берган эмас. Социализм мохият эътибори билан атеизм бўлиши керак эди, зотан, ўзининг илк сатрлариданоқ маснадини даҳрийлик асосига қуриш ва факат илм ва аклга суюнибгина қарор топишини эълон қилди. Ҳозир ҳам, асрларнинг ибтидосида ҳам илм ва акл ҳалкларнинг ҳаётида доимо иккинчи даражали хизматкор вазифани бажариб келганлар; яна токи асрлар тугагунча бажарадилар. Ҳалклар бошқа бир ҳукм килгувчи ва ҳукмрон куч туфайли ташкил топадилар ва ҳаракат қиладилар, аммо бу кучнинг келиб чиқиши номаълум ва ноаён. Бу куч охиригача боришлиқнинг туганмас ва конмас истаги ва шу билан бирга охир бўлишлигини инкор этади. Бу ўз борлигини тинмай, ҳеч тўхтамай, ҷарчаш нималигини билмай тасдиқловчи ва ўлимни инкор этувчи куч. Инжил айтмоқчи, ҳаёт руҳи, «тирик сув нахри», Апокалипсис унинг қуриб битиши борасида дагдага қиласи. Файласуфлар айтмоқчи, эстетик ибтидо, уларнинг айнияти бўйича, маънавий ибтидо. Мен эса, ҳаммасидан соддароқ қилиб, «Худони излаш» дейман. Ҳар бир ҳалқ ва

унинг борлик турмушининг ҳар бир даврида бутун ҳалк харакатининг максади фақат ўзининг ягона худосини, ўз худосини, албатта, ўзиникини излаш ва унга ягона бирдан-бир ҳак деб имон келтириш. Худо бутун ҳалкнинг – унинг ибтидоси ва охиридан олинган, ҳеч қачон барча ёки кўп ҳалқларнинг битта муштарак худоси бўлмаган, аммо ҳар бир ҳалкнинг доим ўз алоҳида худоси бўлган. Худолар муштарак бўла бошлаганда элатлар йўкола боради. Худолар муштарак бўлганда, унда элатлар билан бирга худолар ҳам, уларга ишонч ҳам ўлади. Ҳалк қанча кучли бўлса, унинг худоси ҳам ўзига яраша ўзгача, ҳеч қачон динсиз, яъни яхшилик ва ёмонлик тушунчасисиз ҳалк бўлмаган. Ҳар бир ҳалкнинг ёмонлик ва яхшилик ҳакида ўз тушунчаси ва ўзининг алоҳида яхшилик ва ёмонлиги мавжуд. Яхшилик ва ёмонлик борасидаги тушунчалар кўп ҳалқларда муштарак бўла бошлаганда, ўшанда ҳалқлар ўлиб битади ва ўшанда яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги фарқлар сийкалашиб йўқолишга ўтади. Яхшилик ва ёмонликни аниқлашга ҳеч қачон аклнинг кучи етган эмас, жиллақурса, яхшиликни ёмонликдан тақрибан бўлса-да, ажратолган эмас; аксинча, доим шармандаларча ва аянчли тарзда аралаштириб юборган; илм-фан эса мушт кўтариб ҳал килишни кўрсатган. Бунда айникса чала илм-фан ажралиб турган, у ўлатдан ҳам ёмонрок, инсониятнинг энг даҳшатли оғати, уруш ва очарчиликдан ҳам баттаррок, бизнинг юз йиллигимизгача у номаълум эди. Чала илм-фан – илгари ҳеч қачон бўлмаган мустабид. Ўз коҳинлари ва кулларига эга бўлган мустабид, ҳозиргача акл бовар килиб бўлмайдиган даражада ҳамма унинг олдида мухаббат ва хурофият ила таъзим бажо айлаган мустабид, ҳакикий илм-фанинг ўзи ҳатто унинг қошида титраб-калтираб турди ва унга ҳайбаракаллачилик қиласи. Булар ҳаммаси сизнинг ўз сўзларингиз, Ставрогин, фақат мен чала илм-фан ҳакидаги сўзларни кўшдим; бу сўз менини, чунки менинг ўзим ҳам чала илм-фандирман ва демакки, ундан ҳаддан ортиқ жирканаман. Сизнинг сўзларингиз ва фикр-

ларингизни эса мен заррача ўзгартирганим йўқ, бир сўзни хам хатто.

– Ўзгартирмаганга ўхшамайсиз, – эҳтиёткорона сўзлади Ставрогин, – сиз ўзиниз сезмаган ҳолда оташин қабул килгансиз ва оташин ўзгартиргансиз. Сиз худони халкчиликнинг бир сифатига айлантириб қўяётганингизнинг ўзиёк...

У бирдан Шатовнинг сўзларигина эмас, ўзини хам каттиқ диккат билан алоҳида кузата бошлади.

– Худони халкчиликнинг бир сифатига туширибманми? – қичкирди Шатов. – Аксинча, халкни худога қараб кўтаряпман. Бирон пайт бошкача бўлганми? Халк бу – худонинг танаси. Ҳар бир ҳалқ токай ўзининг алоҳида худоси бор экан, ҳалқ деб хисобланади, дунёдаги бошка барча худоларни эса ҳеч қандай муросасиз инкор этади; ўзининг худоси билан дунёдаги бошка барча худоларни енгиб бадарга қилишига ҳозирча ишонади. Асрларнинг ибтидосидан бошлаб ҳамма шунга ишонган, ҳар қалай, барча улуғ ҳалклар, қандай бўлмасин, ўзини кўрсатган, инсониятнинг бошида турган ҳалклар шундай ишонган. Фактга карши бориб бўлмайди. Яхудийлар ҳакикий худони кутиб яшаганлар ва дунёга ўз ҳакикий худосини колдирдилар. Юнонлар табиатни илохийлаштирилар ва дунёда ўз илоҳиётларини, яъни фалсафа ва санъатни колдирдилар. Рим давлати халкни илохийлаштири ва ҳалкларга давлатни колдирди. Франция эса ўзининг бутун узун тарихи давомида Рим худоси гоясининг ёлғиз мужассамаси ва тараккиёти бўлиб келди ва ниҳоят, охирида ўз Рим худосини тубсиз чохга улоқтириб, ҳозирча ўзлари социализм деб атайдиган даҳрийликка муккасидан кетган эканлар, буни факат атеизм ҳар ҳолда рим католицизмидан согломроклиги учун килдилар. Агарда улуғ ҳалқ ҳакикат ёлғиз унинг ўзида эканлигига ишонмаса (айнан факат унинг ўзида ва айлан мустасно тарзда), агарда у ўз ҳакикати билан бошка ҳаммани тирилтириш ва ҳалос этишга чорлангани ва шунга кобил эканлигига ишонмаса, унда шу ондаёқ улуғ ҳалқ бўлмай колади ва ўша захотиёқ, улуғ ҳалқ эмас, эт-

нографик материалга айланади. Ҳакикий улуг халк инсоният олдида иккинчи даражали роли билан чикишиб кетолмайди ва ҳатто биринчи даражали роли билан чикишолмайди, факат ва факат биринчи бўлмоғи даркор. Бу ишончни йўқотиб кўйса, у энди халк эмас. Аммо ҳакиқат битта, демак, халқлар ичидаги факат биттаси ҳакикий худога эга бўлиши мумкин, ҳолбуки, бошка халқларнинг ҳам ўз алоҳида ва буюк худолари бўлиши мумкин. Ягона «художўй» халқ бу – рус халқи ва... ва... ва наҳотки, наҳотки, Ставрогин, мени шундай бир тентак деб хисоблайсиз, – каттиқ жазавага тушиб ҳайкириб юборди у бирдан, – у ўзининг шу дамда айтатётган сўзларини фаҳмламайди, деб ўйлайсизми, булар бутун Масковнинг славянпараст тегирмонларида майдалаб, увалаб чиқарилган эски, арзимас, пуч лаш-лушлардан бошка нарса эмас дейсизми, ёки тамомила янги сўз, янгиланиш ва тирилишнинг охирги, ягона сўзи, деб биласизми, ва... э, менинг нима ишим бор сизнинг шу тобда кулаётганингиз билан! Нима ишим бор менинг, сиз мени мутлақо, мутлақо тушунмаслигингиз билан, биттаям сўз, биттаям ҳарфни тушунмайсиз, илло!.. О, мен қанчалар жирканаман шу онда сизнинг бу такаббур табассумингиздан, шу аянч нигоҳингиздан!

У ўрнидан сакраб туриб кетди; унинг оғзидан кўпиклар сачради.

– Аксинча, Шатов, аксинча, – ҳаддан зиёд жиддият билан ўзини тутиб деди Ставрогин ўрнидан кўзғалмаган холда, – аксинча, сиз кайнок сўзларингиз билан менда жуда кўп ўткир хотираларни уйғотиб юбординғиз. Сизнинг сўзларингизда мен бундан икки йил бурунги кайфиятларимни ўқигандай бўлдим. Боя сизга менинг ўша чоғлардаги фикр-хаёлларимни муболага килиб баён этаётисиз, деган эдим, энди бу сўзларимни қайтиб олдим, сиз муболага қилмаган экансиз. Менга ҳозир ҳатто шундай бўлиб туюладики, ўша ўй-фикрлар ҳатто бундан ҳам хориқулоддароқ, бундан ҳам ҳукмпармороқ бўлгандир, шунинг учун сизни учинчи маротаба ишонтириб айтаманки, мен ҳозир-

Ф. М. Достоевский

гина сиз баён этган гапларни, хатто энг сүнгги сүзигача тасдиқлашни жуда ҳам истар эдим-ку, аммо...

– Аммо сизга күён керакдир?

– Нима-а?

– Сизнинг ўз қабиҳ иборангиз, – қаҳрли кулди Шатов жойига ўтиаркан, – «куёն қайласини пишириш учун күён керак, худога имон келтириш учун худо керак», айтишларича, сиз Петербургда Ноздревга ўхшаб шу гапни айтиб юрар экансиз, Ноздрев бўлса, эсингиздадир, күённи орка оёғидан ушлаб олмокчи бўлади.

– Йўқ, ана ушладим деб, факат мактангандарвоже, сизни ҳам битта савол билан безовта килишга ҳар қалай, менга ижозат беринг, боз устига менинг бундай савол кўйишга энди тўла ҳаким бор. Менга айтинг-чи, ҳар нечук СИЗНИНГ КУСНИНГИЗ УШЛАНГАНМИ ё ҳалиям чопиб юрибдими?

– Мендан бундай сўзларингиз билан сўраманг, бошқа, бошка сўзлар билан сўранг! – бошидан-оёғигача калтиради Шатов.

– Майлингиз, бошқа сўзлар бўлсин, – унга ҳиддат билан каради Ставрогин, – мен факат шуни билмоқчийдимики, ЎЗИНГИЗ ХУДОГА ИШОНАСИЗМИ, ЙЎКМИ?

– Мен Россияга ишонаман, унинг проваславия динига ишонаман... Мен Исо Масижнинг вужудиятига ишонаман... Унинг янги маҳдийлиги, ҳалоскор тирилиши Россиядан бошланади, деб ишонаман... Мен ишонаманки...

– васваса босиб бидирлаганча тили танглайига ёпишли унинг.

– Э, Худога-чи? Худога?

– Мен... Худога ҳам энди ишонаман.

Ставрогиннинг юзидағи бир туки ҳам қимирламади. Шатов эса уни худди ўз нигоҳи билан ёндириб юбормоқчидаи унга ўтдай ёниб дағдага билан тикиларди.

– Мен сизга ахир бутунлай ишонмайман деганим йўкку! – чинкирди у нихоят, – мен факат айтиб кўймокчиманки, мен бадбаҳт, зерикарли бир китобдирман, ҳозирча, ҳозирча шундай... Аммо менинг отимга ўт тушсин! Гап мен-

да эмас, сизда... Мен одми, лаёкатсиз, жүн бир одамман, ҳар бир лаёкатсиз, жүн одам каби сизга факат ўз қонимни багишлай оламан, ортиғига кодир эмасман. Менинг қонимга ҳам ўт тушсин! Мен сиз ҳакингизда гапириялман, мен сизни бу ерда икки йил күтдим... Мен сизни деб яrim соатдан буён кип-яланғоч ўйин тушяпман. Сиз, факат сизгина бу байрокни күтаришингиз мумкин!..

У гапини охиригача тугатолмади ва худди хуноби оштандек икки қўлини столга тираб, бошини чангаллади.

– Мен сизга жуда галати бир нарсани айтиб қўяй, – деб бирдан унинг сўзини бўлди Ставрогин, – нега ҳамма менга аллакандай байрокни бурнимга тикиштираверади? Петр Верховенскийнинг ҳам ишончи комилки, мен уларнинг байроғини күтаришим мумкин экан, ҳар қалай, унинг шундай деган сўзларини менга етказишиди, унинг фикрича, менда “жиноят килишга фавқулодда бир қобилият бор экан”, – бу унинг ўз сўзлари, шунга улар учун Стенька Разин бўлиб боришим керак экан.

– Қандай? – сўради Шатов, – “жиноят килишга фавқулодда қобилияти борлиги учун?”

– Айнан шундай.

– Ҳм-м. – Шатов ёмон иршайди, – айтинг-чи, сиз Петербургда ҳайвонлардан лаззат оладиган яширин жамиятга аъзо бўлган экансиз, шу тўгрими? Сиз маркиз де-Садга устозлик кила оларкансиз, бу соҳада уни ора йўлда қолдириб кетаркансиз, ростми? Сиз алдаб, болаларни йўлдан ураркансиз, тўгрими? Гапиринг, қани, ёлғон денг-чи, – ўзини йўқотаёзib чинкирди у, – Николай Ставрогин ўзидан тарсаки еган Шатовга ёлғон сўзлаши мумкин эмас! Ҳаммасини айтинг, агар рост бўлса, мен қизни ҳозироқ, шу ернинг ўзида ўлдираман!

– Мен бу сўзларни айтганман, аммо болаларни хафа килмаганман, – деб оғиз очди Ставрогин анча жим тургандан сўнг. Унинг ранги ўчди, кўзларида ўт чакнади.

– Аммо сиз сўзлагансиз! – ҳиддат билан давом этди Шатов чакмоқдай йилтираган кўзларини ундан узмай. – Сиз гўё шундай деган экансизки, ҳар қандай ҳайвоний,

Ф. М. Достоевский

шахвоний бир лаззат билан бошқа истаган жасорат ўртасида, ҳатто инсониятга жонини қурбон килиш ўртасида фарқ йўқ деб? Сизнинг шу иккала кутб орасида бир-бирига мувофиқ гўзаллик, бир хилдаги лаззат-фарогат топганингиз ростми?

– Бунакада жавоб бериб бўлмайди... мен жавоб беришни истамайман, – тўнгиллади Ставрогин, у ўрнидан шартта туриб кетавериши мумкин эди, аммо у жойидан жилмас ва чиқиб ҳам кетмасди.

– Мен ҳам нега ёмонлик тубану, яхшилик гўзаллигини билмайман, аммо мен шуни биламанки, мана шу нарсалар ўртасидаги фарқ Ставрогинга ўхшаш жаноблар ўртасида сийкаланиб, ўчиб, йўколиб кетади, – ўз айтганидан қайсарлик билан колмасди дағ-даг калтираган Шатов, – биласизми, сиз ўшанда нима учун шунчалар шармандаларча ва қабиҳларча уйлангансиз? Айнан худди шармандалик ва бемаънилик бехадду бепоён бўлгани учун! О, сиз бир чеккада кезмайсиз, пастга мардона учиб тушасиз. Сиз азоб-укубатга хирс кўйганлигингиз, маънавий лаззатпаст бўлганингиз учун уйлангансиз. Асабларингиз жунбушга келган... Соғлом фикрга қарши бориш сизга гоятда жозибали кўриниб ўз домига тортган! Ставрогин ва тиши тушган, акли киска, кашшок чўлок киз! Сиз хокимнинг қулогини тишлаб олганингизда, бундан лаззат туйганмисиз? Туйганмисиз? Такасалтанг, санғи бойвачча, сиз туйганмисиз?

– Сиз психолог экансиз, – тобора туси ўчиб деди Ставрогин, – аммо уйланишимнинг сабабларига келганда, бироз адашдингиз... Сизга, айтмоқчи, бу маълумотларни ким берган бўлиши мумкин? – у зўраки кулди, – наҳот Кириллов? Аммо у катнашмаганди...

– Рангингиз окаряптими?

– Аммо сиз ўзи нима истайсиз? – ниҳоят овозини кўтарди Николай Всеволодович. – Мен ярим соат қамчинингизга чидаб ўтирибман, жиллақурса энди мени тинчгина кузатиб кўймасмикинсиз дейман, агар ҳакиқатан ҳам, мен

билан бундай мумомала килишга бошка ҳеч қандай маъқул мақсадингиз бўлмаса.

– Маъқул мақсад?

– Ҳеч шубҳасиз. Нари борганда, менга ниҳоят, маъқул мақсадингизни айтишга бурчли эдингиз. Қачон гапнинг пўсткаласига ўтаркансиз, деб шунча кутдим. Аммо фақат кутурган сўзларингизни эшилдим. Менга дарвозани очиб беринг.

У ўрнидан турди. Шатов кутургандай унинг орқасидан борди.

– Ерни ўпинг, унга кўз ёшлини оқизинг, кечирим сўранг! – деб кичкирди у Ставрогиннинг елкаларини чанглаб.

– Ҳар холда, мен сизни ўлдирмадим... ўшанда... икки қўлимни қайтариб олдим... – алам билан деди Ставрогин қўзини ерга қадаб.

– Охиригача айтинг; охиригача айтинг! Сиз мени хавф-хатардан огохлантиришга келгансиз, сиз менга гапиришга ижозат бердингиз, сиз эртага никоҳингизни ҳаммага маълум қилмоқчисиз!... Мени юзингиздан кўрмаяпти дейсизми, сизни янги даҳшатли фикр ўртаётганини... Ставрогин, нега мен абадул абад сизга ишонишга мубтабло бўлганман? Бошка бир одам билан мен шунақа гаплаша олармидим? Мен ҳаёли одамман, аммо мен ўз ялангоч ҳолимдан қўрқмадим, негаки, Ставрогин билан сўйлашашётган эдим, мен буюк фикрга тил теккизисиб уни ҳажв қилишдан қўрқиб ўтирамидим, нега деганда мени Ставрогин тинглаётганди... Сиз кетгач, мени оёқларингизни ўпмайди деб ўйлайсизми? Мен сизни ўз юрагимдан узиб ташлай олмайман, Николай Ставрогин!

– Мен ачинаман, мен сизни севолмайман, Шатов, – соувук деди Николай Всеволодович.

– Биламан буни, алдамаётганингизни ҳам биламан. Менга каранг, мен ҳаммасини тўғрилай оламан; мен сизга куённи тутиб бераман!

Ставрогин индамасди.

Ф. М. Достоевский

– Сиз даҳрийсиз, чунки сиз бойваччасиз, охирги бойвачча. Сиз яхши-ёмоннинг фарқини йўқотгансиз, негаки, ўз халкингизни танимай қўйгансиз. Халкнинг нақ юрагидан янги авлод чикиб келаётирки, уни на сиз, на ота-бала Верховенскийлар ва на мен мутлақо танимаймиз, негаки, мен ҳам бойваччаман, сизнинг хизматкор лакейингиз Пашканинг ўғлиман... Кулок солинг, худони меҳнат-машқат билан топинг; ҳамма гап шунда, акс ҳолда тубан пўпанак каби йўқ бўлиб кетасиз; меҳнат билан топинг.

– Худони меҳнат биланми? Қандай меҳнат билан?

– Эркакча меҳнат билан. Боринг, ташланг бойликларингизни. Э! Сиз куляпсизми, сиз расвойи радди бало бўлади деяпсизми?

Лекин Ставрогин кулаётгани йўқ эди.

– Сиз худога меҳнат ва айни эркакча меҳнат билан етиш мумкин деб ўйлайсизми? – ўйлаб кўришга арзийдиган кандайдир янги ва жиддий бир нарсага ҳақикатан дуч келгандек хаёлга толиб деди у. – Дарвоке, – у бирдан янги фикрга кўчди, – сиз ҳозир эсимга солиб кўйдингиз: биласизми, мен унчалар ҳам бой-бадавлат эмасман, шунинг учун ташлайдиган нарсанинг ўзи йўқ-ку? Мен ҳатто Марья Тимофеевнанинг келажагини таъминлашга ҳам кодир эмасман... Яна бир гап: агар мумкин бўлса сиздан келгусида Марья Тимофеевнага караб туришингизни сўрамоқчи эдим, зотан, ёлғиз сизгина у бечоранинг аклу хушини бироз жойига келтириб турба оласиз... Ҳар эҳтимолга карши сизга айтиб кўйяпман.

– Майли, майли, Марья Тимофеевна дейсиз-да, – бир кўлида ёниб турган шам, иккинчи кўлини силкаб деди Шатов, – майли, кейин, ўз йўли билан... Кулок солинг, Тихонга борсангиз-чи.

– Ким дейсиз?

– Тихонга. Тихон илгари архиерей бўлган, касалга чалинниб, шу ерда шаҳарда, шаҳар чеккасида, бизнинг Богородский Ефимьев монастирида яшайди.

– Нима ўзи бу?

-
- Ҳеч. Уни зиёрат қилишади. Бориб кўринг, нима, кийинми? Нима сизга?
 - Энди эшитишим... илгари бундай тоифа одамларни хеч кўрмаганман. Ташаккур сизга, бораман.
 - Бу ёкка, – Шатов зинага чирок тутиб турарди, – яхши боринг, – у ташкарига чиқадиган эшикни очди.
 - Мен энди бошқа олдингизга келмайман, Шатов, – охиста сўзлади Ставрогин остонаядан ҳатлаб ўтаркан.

Ҳамон зулматли тун, ёмғир қуярди.

У Богоявленская кўчасидан охиригача борди; нихоят, тепаликлар бошланди, оёклар лойга ботарди ва бирдан кенг, туман босган, худди бўм-бўш каби макон – дарё очилди. Кета-кетгунча кулбалар, тартибсиз, овлоқ кичкина кўчалар оралаб йўл гойиб бўлди. Николай Всеволодович, соҳилдан узоқлашмай, хатто буни хаёлига келтирмай, ўз йўлни ўзи адашмай топиб, деворлар ёқасидан узоқ юрди. Унинг хаёли бутунлай бошқа нарса билан банд эди, у бирдан теран ўй-хаёллардан сергак тортганда ўзини бизнинг узундан-узун нам босган плашкот¹²⁹ кўпригимизнинг нак ўртасида кўрди ва ҳайрон бўлиб атрофга аланглади. Атрофда зоф йўқ ва кизик, кутилмаганда бирдан тирсагининг шундоқ тагида қуруккина бўлса ҳам одоб билан кимдир ёқимтойгина овозда сўз котди, бундай тантик тамтамланган талаффузда бизда ўзларини алланечук димоғдор тутадиган шахар табаалари ёхуд Гостиний ряднинг ёш жингалак соч гумашталари посон килиб сўйлашни яхши кўрадилар.

– Марҳаматли жаноб, сизнинг бу катта шамсиянгиздан биргалиқда фойдаланишга рухсат беролмайсизми?

Ҳакикатан ҳам, кандайдир одамнинг кораси унинг шамсияси остига кириб олди ё кириб олишга ҳаракат килгандай бўлди. Дайди унинг шундоқ ёнгинасида, аскар болалар тили билан айтганда, «тирсаги тирсагига тегиб» борарди. Николай Всеволодович кадамини бироз секинлатиб, коронғуда имкон борича кўриш учун андак эгилди: бу одамнинг бўйи унча ҳам баланд эмас, кайф-сафо килиб

¹²⁹ Плашкот – тахтадан ясалган ясси кўприк.

санғиган олифта шаҳарликка ўхшарди; кийим-бошлари ҳам юпка ва қўримсиз эди; унинг пахмок жингалак сочлари устига матоси қалин, айвончасининг ярми юлук ҳўл картўз¹³⁰ қўндирилганди. Корачадан келган, котма, бақувват одамдек туюларди; қўзлари худди лўлиларникидек коп-кора, сарғимтирийилтириарди; бу коронғуда ҳам билинарди. Ёши чамаси, кирқларда, маст эмасди.

– Сен мени биласанми? – сўради Николай Всеволодович.

– Жаноб Ставрогин, Николай Всеволодович. Менга сизни ўтган якшанба куни бекатда темир йўл машина тўхтагандан кейинок қўрсатишганди. Бундан ташқари ҳам, илгариларда сиз ҳакингизда эшитганмиз.

– Петр Степановичданми? Сен... сен Федъка Каторжний эмасмисан?

– Федор Федорович деб чўқинтиришган; ҳозир ҳам шу ерларда бизни туккан волидамиз, худонинг бандаси бир кампир барҳаёт, бизни эртаю кеч дуо килиб худодан сўрайди, бурни ерга тегай деб қолган бўлса ҳам, печка устида ётиб вактини бекор кеткизмайди.

– Сургундан кочиб келдингми?

– Қисматим ўзга бўлди, черковнинг лаш-лушлари, киблари, қўнгироқларини учирма қилувдим, шунинг учун сургунга учрадим, жуда узок ўтирдим, муҳлатим тугашини кутиб ётдим.

– Бу ерда нима қиляпсан?

– Қаранг буни, тонг отади, кун ботади – умр гизиллаб ўтади. Устига-устак, амакимиз қалбаки пуллар жўясидан бу ердаги камоқда ўтирган эди, ўтган хафта омонатларини топширдилар, у кишининг таъзия маросимларини ўтказдим, жойлик итларга йигирмага яқин тош ташладим, – бу ерда килган ишимиз ҳозирча шу бўлди. Буни устига денг, Петр Степанович худди савдогарларга ўхшатиб, бутун Россияяга ўтадиган паспорт олиб бермокчилаар, марҳаматларини фақир тўрткўз бўлиб кутяпман. Нега деганингда, дейдилар у киши, падарим сени инглиз клубида ўша пайт-

¹³⁰ Картўз – бош кийими.

тарда картага юткызғанди; мен буни одамгарчиликдан узок адолатсизлик деб биламан, дейдилар. Афандим, аёз жонимдан ўтиб кетди, совқотдим, иссиқкина чой ичсамми, девдим. Мабодо, уч сүлкавойгина марҳамат қилолмайсизми бир шүрликка?

– Бундан чиқди, мени бу ерда пойлаб ўтирган экансан-да; мен буни ёктирумайман. Ким буюрди буни сенга?

– Ҳеч ким буюргани йўқ менга, фақат сизнинг одампарварлигинги билганим учун, буни бутун олам билади. Бизнинг топар-тутаримиз ўзингизга маълум: ё бир парча сомону хошок, ё бикинга паншаха кок. Ўтган жума куни Мартин совун егандай, бир бўлак пирог оғзимга текканди, ана ўшандан бери бир кун туз тотмадим, эртасига таҳаммул қилдим, учинчи кун яна туз тотмадим. Дарё сувга сероб, хоҳлаганча ич, ичимда кискичбака бокаман... Мумкинмики, саховатингиздан жиндак баҳрадор бўлсак; шу ўртада мени бир эгачим кўзи тўрт бўлиб кутяпти, лекин жиринглаган танганг бўлмаса, асло ёнига йўлатмайди.

– Сенга, нима, Петр Степанович мендан пул олиб берман деганими?

– Ваъда бердигина эмас, сиз ҳазрат олийларининг бир корига яраб колишинг мумкин, деб айтдилар, агар эҳтиёж туғилиб қолса, мисол учун, дедилар, аммо аниқ нималигини тушунтирумадилар, нега деганда Петр Степанович мени бу казакнинг сабр-тоқати канчагача етар экан, деб синамокчи бўладилар ва менга ҳеч эътимод қилмайдилар.

– Нега унака?

– Петр Степанович – мунажжим, худонинг барча кори ҳайридан хабардор, шунга карамай уни ҳам ҳажв килса бўлади. Мен сизнинг кошингизда, афандим, худди Ҳак алдида тургандайман, негаки сиз ҳақингизда кўп эшигтанчиз. Петр Степанович – бир бошка, сиз эса бутунлай бошқачасиз. Агар унга бир кимсани абраҳ дейишган бўлса, шу зблахлигидан бошка ҳеч нарсани билмайди. Ёки тентак лейилган бўлса, у ўша кимсани фақат тентак дейди. Мен жса, каранг-да, сешанба ва чоршанба кунлари факат тентак бўлиб турсам, пайшанбага боргандга, ундан кўра анча

Ф. М. Достоевский

акллирокман. Ҳозир у менинг паспортга зор эканлигимни билади, – нега деганда, Россияда паспортсиз кун күролмайсан, – мана шундан у ўзини менинг бурнимдан ип ўтказиб олгандай тутади. Афандим, мен сизга айтсам, Петр Степанович бу дунёда учеб-кўниб енгил яшайди, у бошқа одамларни билиб олдим дейди-да, шу бўйича яшайверади. Устига-устак, ўлардай зикна. У киши шундай фикрдаки, мен унинг измисиз сизга ўзим мурожаат килолмайман гўё, мен эса, афандим, сизнинг кошингизда худди Ҳак олдидা тургандайман, – мана, тўрт кечадан бери сизнинг хузурингизни шу ерда пойлайман, демокчиманки, мен уларнинг измисиз ҳам, аста-секин босадиган қадамим билан сиз томонга ўз йўлимни топиб бора оламан. Чипта кавушга сингингандан кўра ғарчиллама этикка бош урганим яхши эмасми?

– Сенга ким айтди мени кечаси кўприкдан ўтади деб?

– Тўғрисини айтсам, бу кулогимга чалиниб қолди, колаверса, капитан Лебядкиннинг тентаклиги, нега десангиз, унинг ичida ҳеч нарса турмайди... Шунинг учун уч кеча-кундузга бу ерда ҳак деб йўл пойлаб ўтирганимга сиз ҳазрати олийларидан уч сўлкавой олсан арзиди. Уст-бoshim шалаббо бўлганига келсак, бунинг аламини ичимизга ютиб, индамай кўя коламиз.

– Кўприк тугади, мен чапга юраман, сен ўнгга. Федор, кулогингга яхшилаб куйиб ол: мен сўзимни икки килмасликларини яхши кўраман: сенга бир тийин ҳам бермайман, бундан кейин на кўприк ва на бошқа ерда кўзимга кўринма, менга керагинг йўқ, бундан кейин ҳам керак бўлмайсан, агар гапимга кирмасанг, қўл-оёгинги боғлаб, полицияга олиб бораман. Жўна!

– Ох-ҳо, жуда бўлмаса, учрашиб қолганимиз учун саҳоват қилинг, яхши гаплашиб келдик.

– Жўнаб қол!

– Сиз ўзи бу йўлларни биласизми? Шунақанги овлок, жин кўчалар келади... мен йўл кўрсатиб боришим мумкин, нега деганда бу шахар шунақангики, худди жиннинг савати – ичи тўла алвости... бош-кетини тополмайсиз.

– Ҳей, бола, бөглаб ташлайман! – ғазаб билан орқаси-
за каради Николай Всеволодович.

– Раҳмингиз келсин, афандим; етимчани хафа кил-
манд.

– Йўқ, сен гапга қўнадиганга ўхшамайсан!

– Мен, афандим, факат сизга кўнаман, аммо ўзимга
ишончим йўқ.

– Менга ҳеч керагинг йўқ, деб айтдим-ку сенга!

– Ахир сиз менга кераксиз-да, афандим, гап шунда.
Сизни қайтишингизда кутиб ўтираман, бошқа иложим
йўқ.

– Йигит сўзини бераман: агар йўлимдан чиксанг,
жёк-кўлингни бөглайман.

– Унда мен белбоғ тайёрлаб тураман. Ок йўл, афан-
дим, ҳар қалай, етимчани соябонингиз тагига олдингиз,
шунинг ўзига ҳам ўла-ўлгунча миннатдормиз.

У оркада қолди. Николай Всеволодович бора-боргун-
ча хаёл сурив борди. Ҳудди осмондан тушгандай пайдо
бўлган бу кимса ўзининг унга кераклигига ишончи комил
эди ва буни апил-тапил фаросатсизлик билан унга бил-
лирарди. Умуман, унинг олдида андиша килаётгани йўқ.
Аммо бу дайди балки алдамаётган бўлса ҳам, ажаб эмас.
Ўз хизматини Петр Степановичга билдиримай, ўз ихтиёри
билан таклиф этаётган бўлиши ҳам мумкин; ҳаммадан ки-
ниги ҳам мана шунда эди.

VIII

Николай Всеволодович етиб келган уй ҳувиллаган
жин кўчада деворлар орасида жойлашганди, деворларнинг
ортида шаҳарнинг энг чеккасидаги дала-отизлар чўзилиб
кетганди. Бу эндигина қуриб битказилган, деворларига
ҳали тахта коплама коқилмаган чоғроқкина, овлоккина
оғоч уй эди. Деразалардан бирининг тахта тавақаси атай
ёпилмаган, дераза раҳида шам ёниб турар – афтидан, бу-
гун тунда келиши қутилаётган кечки меҳмонга мўлжал
хизматини ўтарди. Николай Всеволодович ўттиз қадамлар

нариданок остонада турган баланд бўйли одамнинг корасини кўрди, чамаси, у уй эгаси бўлиб, интизорлик билан йўл қарагани чикканди. Унинг тоқатсизланган, бирмунча журъатсиз товуши эшитилди:

– Бу сизми? Сизмисиз?

– Мен, – деб жавоб килди Николай Всеволодович остонага етиб келгач, шамсиясини йигишириб ёпаркан.

– Ниҳоят-е! – типирчилаб саросималаниб колди капитан Лебядкин, остонада турган одам унинг ўзи эди, – шамсияни беринг; хўл бўлиб кетибди; мен уни очиб, шу ерга бурчакка кўяман, қуриб турари, марҳамат килсинлар, марҳамат килсинлар.

Иккита шам ёкиб ёритилган хонага дахлиздан кириладиган ЭШИК ЛАНГ ОЧИБ КЎЙИЛГАН.

– Албатта келаман деб айтмаганингизда, мен ишонмаган бўлардим.

– Ўн иккidan кирк беш дакика ўтди, – деб соатига қарди Николай Всеволодович ва хонага кадам кўди.

– Ёмғирнинг қуишини каранг, йўлнинг узоклиги ҳам ҳазилакам эмас... Менинг соатим йўқ, деразадан факат отизлар қўринади... бунақада ҳаётдан оркада колиб кетасан-да, киши... лекин бу шикоят эмас, шунинг учун тавба КИЛДИМ, ТАВБА КИЛДИМ, факат бир ҳафтадан бери сабрсизлик билан кутаман, ахийри бир гап бўлар.

– Қандай?

– Ўз тақдиримни билсан дейман, Николай Всеволодович. Марҳамат килсинлар.

У диван олдидаги столчани кўрсатиб, эгилди.

Николай Всеволодович хонага кўз югуртириди; хона мўъжазгина, шифти пастгина ЭДИ; ЭНГ зарур жихозларгина қўйилган, диван ва стуллар ёғочдан янги ясалган, устига қопчик ва болишлар ташланмаган, икки аргувон стол, бири диван ёнида, иккинчиси тўрга жойлаштирилган, дастурхон тўшалган, устига нималардир териб чикилган ва тепасидан оппок сочиқ ёпилганди. Умуман, хонанинг ўзи, афтидан, чинnidай яркиратиб тозаланганди. Капитан Лебядкин саккиз кунлардан бери ичмасди; унинг башараси

сўлжайиб, сарғайган, нигоҳида безовталиқ, ҳайроналик, ажабсиниш акс этарди; у ҳали қайси йўсинда гаплашиш ва қай тарзда тўгри нишонга уришни билмаётганилиги ҳаммадан ҳам кўзга ташланарди.

– Мана шу, – деб атрофга қўл ёзди у, – Зосимадай¹³¹ яшаяпман. Ҳушёрлик, хилват ва қашшоклик – қадим рицарларнинг¹³² ахду касами.

– Сиз қадимги рицарлар шундай аҳд килган деб ўйтасизми?

– Балки адашдиммикин? Э воҳ, биз ўсадан қолдик! Барини бой бердик! Николай Всеволодович, ишонасизми, уят, шармисор одатлардан биринчи марта шу ерда кўзими ни очдим – бир катра, бир томчи оғзимга олмадим! Ўз ўрин-тўрим бор ва олти кундан бери виждоним ярайди. Ҳатто деворлардан ҳам елим хиди келади, табиатни эслатади. Э, мен нима эдим, қандоқ эдим?

*Тунда ётоқсиз куҳлайман,
Кундузлар тилим осилган –*

даҳо шоирнинг ибораси! Бироқ... сиз роса ивиб кетибсиз... чой ичармикинсиз?

– Ташвишланманг.

– Самовар саккиздан бери қайнайди, аммо... ҳозир учибди... дунёда ҳаммаси учади. Айтишларича, вакти келиб күёш ҳам учади... Дарвоқе, лозим бўлса мен ҳозирлайман. Агафья уйғок.

– Айтинг-чи, Марья Тимофеевна...

– Шу ерда, шу ерда, – дарҳол илиб кетди Лебядкин шивирлаб, – бир қарайсизмикин? – у бошқа хонанинг ёпик эшигини кўрсатди.

– Ухламаганми?

– О, йўқ, йўқ, наҳотки шундай бўлса? Аксинча, оқшомдан бери келишингизни кутади ва боя билганидан кейин ўзини тузатиб, ясан-тусан қилди, – у ҳазиллашган-

¹³¹ Зосима – бу ерда дарвеш маъносида.

¹³² Валломат (*тарж.*).

Ф. М. Достоевский

дай оғзини кийшайтириб күлмөкчи бўлди, лекин шу заҳоти бас қилди.

– Ўзи тузукми, ишқилиб? – ковоқ солиб сўради Николай Всеволодович.

– Ишқилиб, дейсизми? Ўзингиз яхши биласиз-ку (у афсуслангандай елкаларини учирив кўйди), ҳозир эса... ҳозир ўтириб картада фол очяпти...

– Майли, кейин; аввал сиз билан гаплашиб олайлик.

Николай Всеволодович стулга ўтириди.

Капитан энди диванга ўтиришга журъят этмади, дархол ўзига бошка стулни сурди-да, жоникиб тинглашга эгилди.

– Тўрдаги дастурхон тагида нима бор? – бирдан эътибор бериб сўради Николай Всеволодович.

– Буми? – Лебядкин ҳам ўгирилиб қаради. – Бу ҳам сизнинг саховатингиздан, янги уйга кўчганимиз муносабати билан; яна узок йўл босиб келгансиз, чарчагансиз, шунга, – ялтоқланиб хихилади у, кейин ўрнидан туриб, оёқ учиди юриб бориб, тўрдаги стол устидан дастурхонни эъзоз-икром, эҳтиёткорлик билан йигиштириб олди. Газак таомлар ҳозирланган экан: чўчка гўшти, мол гўшти, сардина, пишлок, мўъжазгина кўқимтиришиша идиш ва бордо виносининг узунчок шишиаси; ҳаммаси топ-тоза, дид-фаросат ва нафосат билан терилганди.

– Сиз тайёрладингизми?

– Мен ўзим. Кечадан бери, кўлимдан келганча, хурматингиз учун... Марья Тимофеевнани биласиз, бунақа ишларга укуви йўқ. Энг муҳими, ҳаммаси ўзингизнинг саховатингиздан, ҳаммаси ўзингизники, бу ерда сиз хўжайинсиз, мен эмас, мен нима, фақат сизнинг бир гумаштангиз сифатида, зотан, ҳар қалай, ҳар қалай, Николай Всеволодович, ҳар қалай, ўз мустакил ориятим бор! Сиз менинг охирги бойлигимни тортиб олмасангиз, бас! – тутатди у ялтоқланиб.

– Ҳим-м!.. Сиз ўтирангиз бўларди.

– Мин-ннат-дорман, миннатдорман ва мустакилман! (У ўтириди). Ох, Николай Всеволодович, юрагим шунчада

лар түликиб, тошиб турибики, кандай кутиб олишни ҳам билмадим! Мана энди сиз менинг... ва анов бечоранинг тақдиримизни ҳал киласиз, унда... унда, худди эски пайтларда бўлганидек, ҳаммасини пойингизга тўкиб соламан, худди тўрт йил аввал бўлганидек! Ўшанда менинг сўзларимни эшитишга вакт топгандингиз, назмий бандларимни ўкигандингиз... Шекспирдан олиб мени ўзингизга Фальстаф деб карагандингиз, аммо сиз менинг хаётимда шунчалар катта ўрин тутасизки!.. Менинг энди жуда катта кўркувлик жойларим кўп ва факат сиздан энди интизорлик билан кутаман сизнинг кенгашингизни, сизнинг ёруғлигингизни. Петр Степанович мени ёмон ахволга солиб кўркитяпти!

Николай Всеоловович кизиксиниб эшитар ва дикқат билан разм соларди. Чамаси, капитан Лебядкин гарчи ич-килиkbозлиkn тўхтатган бўлса ҳам, лекин барибир ҳар қалай у қадар хушёр ҳолатда эмасди. Бунга ўхшаган узок йиллардан бери мук тушиб ичадиган одамларда охирига бориб бир умрга беўхшовлик, буруксиш, кандайдир шу яроқсизлик ва телбасаролик каттик ўрнашиб қолади, лекин шунда ҳам улар ўзларининг килифини қўймайдилар, фиригарлик киладилар, алдайдилар, лақиллатадилар, керак бўлса бошқалардан асло қолишмайдилар.

– Сиз кейинги тўрт йилдан ошикроқ вакт ичидаги ҳеч ҳам ўзгармабисиз, капитан, кўриб турибман, – иложи борича юмшоқлик билан сўзлади Николай Всеоловович.

– Чамаси шу нарса ростга ўхшайдики, инсон ҳаётининг иккинчи ярми одатда биринчи ярмида тўпланган жамики одатлардан ташкил топади, шекилли.

– Нақадар улуғвор сўзлар! Сиз ҳаёт жумбогини ечиб юбордингиз, – кичкириб юборди капитан бир чеккаси айёрлик килиб, қолаверса, яна бир чеккаси чиндан завқшавкка берилиб, чунки у анвойи сўзларга ғоятда ишқивоз эди. – Сизнинг ҳамма гапларингиз ичидаги, Николай Всеолович, айниқса, биттаси каттик эсимда қолган, сиз Петербургда шундай деган эдингиз: «Ҳатто соғлом фикрга

Ф. М. Достоевский

карши огишмай туриш учун ҳакиқатан ҳам, улуг одам бўлиш даркор». Ана-а!

– Айни чокда тентак ҳам деяверинг.

– Шундай, майли, тентак бўлсин, аммо сиз бир умр заковатли ўткир сўзларни сочиб келяпсиз, улар-чи? Қани Липутин, кани Петр Степанович лоакал шунга якин битта сўз айтсинлар-чи! О, Петр Степанович менга қанчалар беражмлик килди!..

– Аммо ўзингиз ҳам, капитан, сиз ўзингизни қандай тутдингиз?

– Мастликда, аммо душманларим нақадар кўп! Аммо энди бари тамом, ҳаммаси тугади, энди мен худди илондай янгидан пўст чикараман. Биласизми, Николай Всееволодович, мен ўз васиятномамни ёзаётирман, уни туталлаб кўяёздим.

– Ажаб-ажаб. Сиз кимга нимани қолдирмокчисиз?

– Ота юрга, инсониятга, талабаларга. Николай Всееволодович, мен газеталарда бир американликнинг таржимай холини ўқидим. У ўзининг жуда катта давлатини фабрикалар ва ижобий илм-фанларга, ўзининг суюкларини талабалар ва ўша ернинг академиясига, терисини эса ногора ясашга қолдирган, кечаю кундуз Америка гимнини чалиб турсин, деган. Афсус, биз Шимолий Америка штатлари-даги тафаккур парвозларига нисбатан жимит одамлармиз; Россия аклнинг эмас, табиатнинг ўйини. Мен Оқмулла пиёда аскарлар полкida хизмат килганман, кани, мен теримдан ногора ясашни ва ҳар куни полк олдида миллий гимнинизни чалишни васият килай-чи, нима бўларкин, буни либерализмга йўйишади, теримни тақиқлашади... шунинг учун факат талабалар билан чекланиб кўя қолдим. Мен суюкларимни академияга васият килмоқчиман, факат шартим шуки, унинг пешонасига мангу тамға-ёрлик ёпиштирилади ва унга қуйидаги сўзлар ёзиб кўйилади: «Тавба килган ҳур фикрли одам». Ана-а!

Капитан оташин бўлиб сўйлар ва албатта Америка васиятининг гўзаллигига ишонар, аммо у жуда айёр эди. У яна Николай Всееволодовични кулдиришни жуда ҳам ис-

тар, бинобарин, илгари узок вакт унинг хузурида масхара-боз бўлиб қолганди. Аммо Николай Всееволович кулишни хаёлига ҳам келтирмай, аксинча, ўсмокчилаб сўради:

– Бундан чиқди, сиз васиятингизни ҳали қўзингиз очиклигига эълон килмоқчи ва унга мукофот олмоқчими-сиз?

– Ана шундай бўлса-чи, Николай Всееволович, ана шундай бўлса-чи? – охиста разм солди Лебядкин. – Ахир ўзи менинг толейим қандоқ! Ҳатто байту барак ёзмай қўйдим, ҳолбуки, қачонлардир сиз менинг байтларимни Әрмакка бўлса ҳам ўқирдингиз, Николай Всееволович, шишалар устида! Аммо қалам битди. Гоголь «Охирги кисса»сини ёзгандай, факат битта шеър ёздим, эсингиздами, Гоголь унда бутун Россияяга жар солиб, бу асар қўксимдан «кўйдай отилиб чиқди» деган эди. Мен ҳам охирги қўшиғимни айтдим, тамом.

– У кайси шеър эди?

– «Агарда у оёғини синдириганда»!

– Ни-има-а?

Капитан худди мана шуни кутиб турган эди. У ўзининг шеърларини бехад кадрлар ва эъзозларди, аммо кўнглиниң айёр мунофиклиги важидан Николай Всееволович доим унинг шеърларини ўқиб димоги чоғ бўлишини, гоҳи кезлар бикинларини ушлаб қотиб-қотиб кулишини ёқтирарди. Шундай йўл билан бир ўқ икки нишонга уриларди: ҳам шоироналик сакланар, ҳам хизматга нафи тегарди; аммо эндиликда алохида ва ғоятда нозик учинчи мақсад ҳам йўқ эмасди: капитан ўз шеърини олга сураркан, ўзини бир нуктада оклаб олишни кўзларди, негадир бу нуктадан у ҳаммадан кўра ортикроқ қўркар ва бу нарсада ўзини ҳаммадан кўра айборрок деб ҳис киларди.

– «Агарда у оёғини синдириганда», яъни агарда от миниб юрганда. Бу фантазм, Николай Всееволович, алаҳлаш, аммо шоирнинг алаҳлаши; бир куни отлик суворани йўлда учратиб қолиб, ҳайратга тушдим ва ўз-ўзимга савол бердим: «Ўшанда нима бўларди?» – яъни тасодиф рўй берса. Кундай равшан: барча ишқивозлар жуфтакни

Ф. М. Достоевский

ростлайди, барча калликлар қочиб қолади, морген фри, нарирок юрай, факат битта шоир күксіда ағбор юрак билан садокатини намоён қиласы. Николай Всеғоловович, хаттоки бит жонивор ҳам севиши мүмкін, унга ҳам буни қонунлар ман этмаган. Бироқ, шунга қарамай, маҳлиқо хатдан ҳам, байтдан ҳам озурда бўлмиш. Айтишларича, хаттоки сизнинг ҳам жаҳлингиз чиқар эмиш, шу тўғрими? Куюсан, киши; ишонгинг ҳам келмайди. Мен ўз ҳавойи хаёлим билан кимга зиён келтираман? Бунинг устига, ўлай агар, бу Липутин: «Жўнат, тезрок жўнат, ҳар бир одам бир-бирига хат ёзишга муносиб ва ҳақли», – деб туриб олди-да, мен ҳам шундан сўнг жўнатиб юбордим.

- Сиз ўзингизни күёвликка таклиф килувдингизми?
- Ракиблар, ракиблар, тирракиблар.
- Айтинг шеърни, – ковок солиб гапни кесди Николай Всеғоловович.

– Валдираш, валдираш, холос.

Бироқ у қаддани ростлади, кўлини чўзди ва бошлади:

*Гўзаллар гўзалин оёги синди,
Яна ҳам гўзалроқ бўлиб қолди у.
Севганда янада қаттиқроқ севди,
Севгиси аввалдан бисёрроқ эди.*

– Бас, етарли, – кўл силтади Николай Всеғоловович.
– Питерни орзу киламан, – мавзуни тезрок сакраб ўтди Лебядкин худди ҳеч кандай шеър-пеър бўлмағандай, – кайта тирилсам деб орзу киламан... Валинеъматим! У ерга боришимга маблағ ажратарсиз, деган умидим бор, бўладими? Мен сизни бир ҳафта қуёшни кутгандай интиқ кутдим.

– Йўқ, энди, узр, менинг маблағим колмади хисоб, ундан кейин нега энди мен сизга пул беришим керак?..

Николай Всеғоловович бирданнiga худди жаҳли чиккандай бўлди. У капитаннинг барча жиноятларини куруккина қилиб киска санаб берди, инчунин: ичкиликбозлик, қаллоблик, Марья Тимофеевнага аталган пулларни

ножүя сарфлаш, уни монастирдан ўзбошимчалик билан олиб кетиш, сирни очаман деб дўқ уриб хатлар ёзиш, Дарья Павловнага тухмат килиш ва ҳоказо. Капитан тебранар, қўлларини ёзиб силкитар, эътиrozлар билдирад, аммо Николай Всеволодович хар сафар уни амрона тўхтатарди.

– Яна бир нарса, – деди у ниҳоят, – сиз «оилавий шармисорлик» ҳакида кўп ёзибсиз. Синглингиз Ставрогин билан қонуний никоҳда бўлса, бунинг сизга нима шармисорлиги бор?

– Аммо бу никоҳ яширин, Николай Всеволодович, яширинча никоҳ, қисмат сири. Мен сиздан пул оламан, шунда бирдан мендан: бу пул қаердан келди? – деб сўраб колишибади. Менинг тилим bogлиқ, синглимга зарари тегмасин деб, тўғрисини айтольмайман, наслимиз шаънига доғ тушади.

Капитан гапнинг пилигини кўтарди: бу мавзуни у ёқтирас ва бутун ҳисоб-китобини шунга куради. У бирдан бошидан совук сув куйиб юборишларини хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Николай Всеволодович гап худди оддий уй юмушлари ҳақида бораётгандек, бамайлихотир ва аник килиб тушунтириб бердики, шу кунларда ва ҳаттоқи эрта ё индинига ёк у ўз никохини ҳаммага, «полицияга ҳам, жамоатга ҳам» ялпи маълум этажагини билдириди, демак, ўз-ўзидан «оила шаъни» борасидаги гап-сўзлару пул тўлаб туришлар ҳам бари барҳам топади. Капитаннинг кўзлари ола-кула бўлди; ҳатто у сира тушуниб етолмади; унга хижжалаб тушунтиришга тўғри келди.

– Аммо, ахир, қиз шўрлик... савдоий-ку?

– Мен шундай кўрсатмалар бераман.

– Бироқ... ахир онангиз-чи?

– Э, билганини қилсин.

– Аммо сиз хотинингизни ўз хонадонингизга олиб кирасиз-ку, ахир?

– Балки шундайдир. Дарвоке, бу мутлақо сизнинг ишингиз эмас ва сизга хеч қандай дахли йўқ.

– Нега дахли йўқ? – чинкирди капитан. – Э, мен нима киламан?

Ф. М. Достоевский

– Албатта, ўз-ўзидан равшанки, сиз хонадонга кирмайсиз.

– Э, ахир мен қариндошман-ку.

– Бундай қариндошлардан қочишади, садқайи сар. Шундай экан, мен нега сизга пул беришим керак, ўзингиз ўйлаб кўринг?

– Николай Всеволодович, Николай Всеволодович, бундай бўлиши мумкин эмас, сиз балки, хали ўйлаб кўрарсиз, сиз батамом барҳам бермассиз ахир... жамоат нима дейди, нима деб ўйлади?

– Жамоатингиздан қўрқар эканманми? Ўшанда синглингизга ўз хоҳишим билан уйландим-ку, маст-аласт зиёфатдан кейин, шаробдан баҳс бойлашиб, энди эса буни овоза киламан... балки ҳозир бу менга ёкар?

У буни шунчалар жаҳл билан айтдики, Лебядкин даҳшатга тушиб, ишонмаслиқдан бошқа чораси колмади.

– Аммо, ахир мен, э, мен нима қиламан, энг асосийси бу ерда менман-ку!.. Сиз, балки, ҳазиллашаётгандирсиз, Николай Всеволодович?

– Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ.

– Ихтиёр сизда, Николай Всеволодович, мен эса, сизга ишонмайман... унда мен ариза бераман.

– Сиз ўтакетган аҳмоксиз, капитан.

– Майли, аммо шундан бошқа чорам йўқ! – бутунлай чалкашиб кетди капитан. – Илгари синглим бурчак-бурчакларда иш бажарганда, бизга лоакал турар жой беришарди, энди эса нима бўлади, сиз мени бутунлай кўчага чикариб ташласангиз?

– Ахир сиз турмушингизни ўзгартиргани Петербургга бормокчисиз-ку. Айтганча, сиз у ерга чақув важдидан бормокчи эмишсиз, шундай эмасми, тўгрими? Бошқа ҳамманинг номини фош килиб ўзингизни окламокчимисиз?

Капитаннинг оғзи ланг очилиб қолди, кўзлари косасидан чиққудай олайди, аммо миқ этмади.

– Кулок солинг, капитан, – ҳаддан зиёд жиддият билан сўз бошлади бирдан Ставрогин столга энкайиб. Шу пайтгача унинг ҳазил қилаётганини ҳам, жиддий сўзлаётганини

ҳам билиб бўлмасди, шунинг учун ҳам, масҳарабозлиқда пиҳини ёрган Лебядкин охирги дамгача хўжайин ҳақиқатан ҳам жаҳл отига мияптими ёки факат ҳазил-хузул киляптими, андак ишончи комил эмасди, наҳотки, ростдан ҳам, никохини ошкор киммоқчи, ахир бу ваҳшат-ку, ёки факат майнавозчилик киляптими? Мана энди Николай Всеволодовичнинг ҳаддан ташқари жиддий киёфасига караб туриб капитан сесканиб, елкалари совқотгандай увишди. – Кулок солинг, Лебядкин, тўғрисини айтинг: сиз бирон нималарни чақдингизми ё хали улгурмадингизми? Ҳақиқатан, бирон иш килиб кўйдингизми, йўқми? Ахмоқлик қилиб бирон ерга хат ёзиб жўнатмадингизми?

– Йўқ, мен ҳеч нарсага улгурмадим... буни хаёлимга келтирмадим, – бир нуктага тикиларди капитан.

– Хаёлимга келтирмадим деганингиз ёлғон. Сиз Петербургга ҳам шунинг учун бормоқчисиз. Агар мабодо юбормаган бўлсангиз, бу ерда кимгадир нимадир деб лакиллаб кўймадингизми? Тўғрисини айтинг, мен баъзи гапларни эшиздим.

– Мастигимда Липутинга дегандирман. Липутин соткин. Мен унга юрагимни очгандим, – пичирлади шўрлик капитан.

– Юрак ўз йўли билан, аммо лакма ҳам бўлмаслик керак. Агар сизда бирон фикр туғилган бўлса, ичингизда саклаб турсангиз ўласизми: ҳозир акли бор одамлар жим туради, оғиз очмайди.

– Николай Всеволодович! – титраб-кақшади капитан, – сиз ахир ўзингиз ҳеч нарсада катнашмадингиз, мен сизни эмас, ахир...

– Мени согин сигир қилиб олгансиз, яна кандай қилиб чақасиз?

– Николай Всеволодович, раҳм килинг, раҳм килинг!.. – шундан кейин капитан бутун дари дунёси коронгу бўлиб, кўз ёшларини тўкиб, тўрт йил ичida ўтган ҳаётини шошиб-пишиб сўйлай кетди. Бу ўзига мутлақо ёт бўлган бир ишга уринган ва ичкилик, ўйинқароқлик, майшат орқасида бу ишнинг накадар муҳимлигини сўнгги дақиқа-

Ф. М. Достоевский

гача англаб, тушуниб етмаган бир ахмокнинг бемаънидан бемаъни киссаси эди. Унинг хикоя килишича, ҳали Петербургда эканлигига ёк «гарчи ўзи талаба бўлмаса-да, худди собик талабадай ошна-оғайнигарчилик йўли билан ўзига аввало эрмак топиб олган» ва ҳеч нарсадан хабари бўлмай туриб, «ҳеч кандай гуноҳи бўлмаган ҳолда» турли-туман коғозларни зинама-зина юриб сочган, эшиклар, қўнғироклар олдида колдирган, газеталар ўрнига кутиларга тикиштирган, театрларга қўйнида олиб кирган, шляпаларга кистирган, чўнтакларга солган. Кейин улардан пул ҳам олиб турган, «нега деганда, маблагимиз йўқ, юпун эдик, юпун эдик!» Иккита вилоят уездларида «турли расвойи радди балоларни» тарқатган.

— О, Николай Всеоловович, — дея хитоб киларди у, — буларнинг ҳаммаси фукаролик ҳамда ватан қонунларига мутлако қарши эканлиги мени ҳаммадан қаттиқроқ норози киларди! Бирдан шундай сўзлар ёзилганини ўкиб қолардингиз, паншахаларни қўтариб чикингиз ва шуни ёдингизда тутингизким, кимда-ким тонгда қашшок чиқкан бўлса, кечкурун уйга бой-бадавлат бўлиб қайтиши мумкин, — ўйлаб кўринг-а ўзингиз! Ўзим нафратланман, гижинаман, аммо тарқатавераман. Ёки ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, бирдан бутун Россияяга жар солишади: «Черковларни тезроқ ёпинглар, худони йўқотинглар, никоҳларни бузинглар, мерос хуқукини барбод килинглар, пичок қўтaringлар», у ёғига яна алланима, алланималар. Мана шу беш қатор сўз ёзилган коғоз билан қўлга тушай дедим, полкда зобитлар калтаклашди, ҳай, худо хайрларини берсин, чикариб қўйиб юборишди. Кейин ўтган йили эллик рубллик француздар чикарган қалбаки пулларини Короваевга етқизганимда, қўлга тушишимга сал қолди; ҳа, худога шукур, Короваев ўша вактда маст бўлиб ховузга чўкиб ўлди-ю, мени фош қилишолмади. Бу ерда ҳам тинч турмадим, Виргинскийнинг уйида жамоада яшовчи хотиннинг эркинлигини тарғиб этдим. Июнь ойидага яна фалон уездда варақалар тарқатдим. Айтишяптики, яна мажбур килишармиш... Петр Степанович бирдан сиз

кулок солишиңиз керак деб хабар қилиб колди; анчадан бері дүк-пўписа қилгани-килган. Ахир ўша якшанба менинг бошимга нималар солмади! Николай Всееволодович, мен қулман, қумурсқаман, аммо худо эмасман, факт шу билан Державиндан фарқ киламан. Аммо маблаг денг, маблаг жуда ночор, жуда ночор ахир!

Николай Всееволодович ҳаммасини камоли қизикиб әшитди.

– Кўп нарсалардан хабарим йўқ эди, – деди у, – албатта, бошиңиздан кўп нарса ўтган бўлиши керак... Кулок солинг, – деди у ўйланиб, – агар истасангиз, ўша ўзингиз биладиган одамларга айтинг, Липутин ёлгон айтган денг, факт чақув билан қўркитмокчи бўлган эдим, уни эътибордан қолган деб ўйловдим, шу йўл билан ундан каттароқ пул ундиришмокчи эдим, денг... Тушуняпсизми?

– Николай Всееволодович, азизим, нахот мен шундай ҳавф остида қолган бўлсан? Фақат сизни кутдим, шуни сўраб билмокчи эдим.

Николай Всееволодович жилмайди.

– Мен сизга бориш учун пул берганим билан сизни Петербургга юборишмайди... айтмоқчи, энди Марья Тимофеевнани қўришим керак, – у шундай деб ўрнидан кўзғалди.

– Николай Всееволодович, Марья Тимофеевна нима бўлади?

– Боя мен айтгандай бўлади.

– Нахот, шу рост бўлса?

– Сиз ҳалиям ишонмадингизми?

– Нахотки, сиз мени худди яроксиз эски этикдек ташлаб юборсангиз?

– Кўярармиз яна, – кулди Николай Всееволодович, – хўп, кани, мен ўтай.

– Буюринг, мен эшик тагида пойлаб турай... ўзим билмай кулогимга бир нарсалар чалиниб қолмасин дейман... чунки хоналар жуда кичкина.

– Маъқул гап; эшикда тура туриңт. Шамсияни олинг.

Ф. М. Достоевский

– Сизнинг шамсиянгиз... мен тутсам, ярашармикин? – ялтоқланди капитан.

– Шамсия ҳаммага ярашади.

– Бир йўла инсон ҳукуклари тіпітитини белгиладингиз...

Аммо энди ихтиёrsиз бидирлади; уни ўртада бўлиб ўтган гаплар эзib ташлаган ва у тамомила калаванинг учини йўқотиб қўйганди. Бироқ шунга қарамай, эшик олдига чикиб шамсияни очиши ҳамонок унинг ҳавойи ва айёр калласида яна ўша доимий хотиржам килувчи фикр бош кўтара бошлади, инчунин: уни лакиллатишяпти, алдашяпти, шундай экан, у кўркмаслиги керак, ундан кўркишлари керак.

«Мабодо лакиллатишашётган, муғомбирлик қилишашётган бўлса, унда асли нима гап?» – тинчимасди унинг калласи. Никоҳни ҳаммага эълон қилиш унга бемаънилик бўлиб туюларди; «Рост, бундай мўъжизакорнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ; одамларга ёмонлик қилиб яшайди. Агарда, у якшанбадаги шармандаликтан кўрқаётган бўлса-чи, илгари ҳеч качон у бундай ахволга тушмаган эди, ахир? Мана энди ўтакаси ёрилганча югуриб келган, никоҳимни маълум қиласман деб, мен эълон қилиб юборишимдан қўрккан. Ҳей, кўзингни оч, Лебядкин! Ўзи эълон қиласидан бўлса, унда нега кечаси алламаҳалда бикиниб, пусиб келади? Мабодо, кўрқаётган бўлса, демак, айнан мана хозир қўркади, айнан худди шу кунларда қўркади... Ҳей, гафлатда қолма, Лебядкин!»

Петр Степановичи билан кўркитади. Вой, ўлдим,вой, ўлдим; йўқ, йўқ, бу ер жуда қўркинчли! Липутинга лакмалик килганини каранг. Бу шайтонлар нима ўйин кўрсатишни ҳеч качон билмайсан. Яна беш йил бурунгидай гимирлаб колишиди. Рост, кимга ҳам чакардим? «Тентаклик қилиб бировга ёзib юбормадингизми?» Ҳим-м. Бундан чиқди, тентаклик баҳонасида кимгадир ёзиш мумкин эканди? У менга шундай маслаҳат бермаяптими? «Петербургга сиз шунинг учун бормоқчисиз». Фирибгар, энди тушимга

кириб турган эди, у эса топди-кўйди! Худди мени боришига ундаётгандай. Бунда, чамаси, икки нарса бор, ё униси, ё буниси: ёки янам ўзи кўрқаётгандир, чунки ўзи ишкал чиқарди, ёки... ёки ўзи ҳеч балодан кўркмайди, факат тутиб-куткилайди, мени ҳаммасини чақсин дейди! Ох, ёмон, Лебядкин, ох, мўлжалдан адашма ишқилиб!..

У шу қадар ўйга ботдики, ҳатто қулоқ солиш ҳам эсидан чиқди. Дарвоке, тинглаш кийин эди; эшик бир тавакали ва гоятда қалин, ичкаридагилар эса секин сўзлашардилар; кандайдир ноаён ғўнгир-гўнгир келарди. Капитан ҳатто тупуриб юборди ва яна дахлиздан ўйга ботганча эшикка чиқди-да, охиста хуштак чала бошлади.

IX

Марья Тимофеевнанинг хонаси капитан турган хонадан икки баравар каттароқ ва худди ўшандай дағал жихозланганди; диван олдидаги стол устига гулдор чиройли дастурхон ёзилганди; унинг устида чироқ ёнарди; хонага бошдан-оёқ чиройли гилам тўшалганди; каравот бутун хона бўйлаб узун яшил парда билан тўсилган, бундан ташқари, диванга яқин битта катта юмшок кресло кўйилган, бироқ унга Марья Тимофеевна хали ўтирганганди. Худди аввалиги уйда бўлганидек, бу ерда ҳам тўрга санам ўрнатилган, унинг тагида чироқ ёкилганди, стол устига эса ўша-ўша зарурий буюмлар терилганди, инчунин: тахланган карта, ойнача, кўшиклар китоби ва, ҳатто, юмшоқ нон. Булардан ташқари рангли расмлар билан безатилган иккита китобча, бириси – машхур саёҳатномадан парчалар бўлиб, ўсмир ёшларга мослаштирилган эди, иккинчиси енгил-елпи ахлоқий, аксаран форислар хаётидан олинган ҳикоятлар бўлиб, янги йил арча байрамлари ва аёллар ўқув юртлари учун мўлжалланганди. Яна турли-туман суратлар жойлаштирилган альбом бор эди. Капитан айтиб қўйгандай, Марья Тимофеевна ростдан ҳам, меҳмон келишини кутарди; бироқ Николай Всеоловович кириб боргандা, у майин газлама ёстикка суяниб диванда ёнбошлаб ухлаб

ётарди. Мәҳмон овоз чикармай эшикни охиста ёпиб, турган жойида ухлаётган аёлни томоша кила бошлади.

Капитан уни ўзига оро беряпти деб ёлғон гапирған эди. У ҳамон якшанба куни Варвара Петровнаникода кийган корамтири күйлакда эди. Сочлари ҳам ҳудди ўшандагидек энсасига кичкина тутун килиб турмакланганди; узунчок ва курушкок бўйни ҳудди ўшандок ялангоч эди. Варвара Петровна тортиқ килган кора шол рўмол эҳтиётлаб тахланганча диванда ётарди. У яна ҳудди ўшандок қалин килиб упа-эликка беланганди. Николай Всеғолодовиҷ бирон дакиқа тургани йўқ эдики, ҳудди унинг назарини ўзида сезгандай, у бирдан уйғониб кўзини очди ва тезги на ўзини тузатди. Аммо мәҳмон ҳам негадир ғалати бир ахволга тушди; у ҳамон эшик олдида кимирламай турарди; у аёлнинг юзига индамай, тик ва ўтқир бокиб, ундан кўзларини узмасди. Эҳтимол, унинг нигоҳи ортиқ даражада қаттиқ ва эҳтимол, унда ижирғаниш ва ҳатто унинг кўркиб кетганидан заҳарханда аралаш бир хузурланиш акс этгандир, эҳтимол, бу уйқудан чўчиб уйғонган Марья Тимофеевнага шундай туюлгандир; аммо бир зумдан сўнг бечора аёлнинг юзида бутунлай даҳшатга тушгандай бир ифода зухурланди; унда талваса акс этди, у кўлларини силкитиб кўтарди ва ҳудди кўркиб кетган гўдакдек бирдан йиглаб юборди: эҳтимол, яна бир дам шундай ўтса, у кичкирган бўларди. Аммо мәҳмон хушёр тортидир; бир зумда юзи ўзгарди ва шундан сўнг меҳру самимият билан жилмайган кўйи стол ёнига борди.

— Айб менда, Марья Тимофеевна, ухлаб қолган эканиз, кўркитиб юбордим, — деб қўйди у аёлга кўлинини узатиб.

Меҳр билан айтилган сўзлар аёлга таъсир килди, гарчи ҳамон кўркув билан қараб турган бўлса-да, аммо бояги даҳшат йўқолди, чамаси у ииманидир эслашга уринарди. Ҳамон ҳуркиброк кўлинини узатди. Нихоят лаблариға журъатсиз бир жилмайиш қалқди.

— Салом, княз, — дея пичирлади у унга қандайдир ғалати разм солиб.

– Ёмон туш кўрдингизми? – дея давом этди Николай Всеволодович ўшандаёк самимона ва меҳрли табассум кишиб.

– Сиз каердан билдингиз мен бу ҳақда туш кўрганимни?..

Ва бирдан у яна қалтираб ўзини оркага ташлади, худти ўзини химоя қилгандек олдинга қўлларини чўзди ва яна йиғлаб юборай деб турди.

– Ҳушингизни йигинг, бас, нимадан кўркасиз, нахотки мени танимаган бўлсангиз? – овутишга уринарди Николай Всеволодович, аммо бу гал узок вакт уни овутолмади; аёл унга индамай бокар, ажабланиб қийналар, шўрлик пешонасида оғир хаёллар кезар, ниманидир эслашга каттиқ уринарди. Гоҳ қўзларини ерга қадар, гоҳ рўпарасидаги одамга худди уни қамраб олмокчилик ялт-юлт нигоҳ ташларди. Ниҳоят тинчланди чоги ва бир қарорга келди.

– Илтимос, келинг, ёнимда ўтиринг, мен сизга тўйиб-тўйиб қарайман, – бирмунча қатъият билан деди у чамаси қандайдир бир максадни кўзлаб. – Энди эса безовта бўлманг, мен ўзим ҳам сизга тикилмайман, пастга караб ўтираман. Сиз ҳам менга токи ўзим сўрамагунимча тикилиб қараманг. Ўтира колинг, – кўшиб кўйди у ҳатто бироз сабрсизланиб.

Қандайдир янги бир сезги уни ўзига тобора каттиқ тортарди. Николай Всеволодович ўрнашиб ўтириб, кутди; ўтрадаги жимлик анча узокка чўзилди.

– Ҳимм! Бу ҳаммаси жуда ғалати-я, – пичирлади аёл қандайдир ижирғаниб, – мени ёмон тушлар толдирди; сизчи, сиз нега бундай ахволда тушимга кирдингиз?

– Майли, тушларни кўя турайлик, – тоқатсизлик билан деди у, ман этилганига қарамай унга ўтирилиб қараб. Шунда унинг кўзларида яна бояги ифода ялт этиб кўринди. У аёл бир неча бора ўзига қарашни жуда ҳам хоҳлагани, аммо аҳдидан кайтмай, ҳамон маҳкам туриб ерга тикилаётганини кўрди.

– Эшитинг, княз, – бирдан овозини кўтарди аёл, – эшитинг, княз...

– Нега юзингизни ўгирасиз, нега менга қарамайсиз, нима кераги бор бу майнавозчиликнинг? – кичкириб юборди йигит чидамасдан.

Аммо аёл буни хатто эшитмади, чоги.

– Эшитинг, княз, – учинчи маротаба тақрорлади аёл катъий товуш билан, унинг чехрасида ёқимсиз, бесаранжом бир ифода акс этди. – Сиз менга каретада кетаётганимизда никоҳимизни ошкор килишингизни айтдингиз, мен энди сир-асроримиз тугади, леб қўркиб кетдим. Энди эса гангид колдим; ўйлаб-ўйлаб, аниқ билдимки, мен ярамайман. Ясан-тусан қўлимдан келади; чамаси, кабулга ҳам қучим етади, чойга чакиришнинг нима кийинчилиги бор. буёги яна малайлар хизматга шай турса. Аммо ҳолда бунга ташқаридан қандай қарашибди? Мен ўшанда, якшанба куни эрталаб ўша уйдаги кўп нарсаларни кўрдим. Аnavи хушрўйгина бойвучча қиз ҳеч мендан кўзини узмади, айниқса сиз кириб келгандан кейин. Ахир, ўшанда сиз кириб келгандингиз, тўғрими? Унинг онаси жуда кулгили кибор кампир экан. Акам Лебядкин ҳам ўзини кўрсатди; мен эса кулиб юбормаслик учун нукул шипга караб ўтиридим, яхшиям шипга расмлар чизилган экан. У кишимнинг онаси монастирда оксоч бўлса арзиркан; менга кора шол рўмол берган бўлсаям, ундан кўркаман. Афтидан, улар ҳаммалари ўшанда менга ташқаридан жуда кутилмаган баҳо берган бўлсалар керак; мес хафа эмасма; факат ўшанда ўтириб-ўтириб хаёлимдан шу фикр ўтди: менинг нимам уларга қариндош? Рост, графиня бўлгандан кейин кўнгил хислатлари талаб қилинади, – нега деганда, хўжалик юмушлари учун унинг хизматкорлари кўп, – ундан ташқари чет элларнинг саёҳатчиларини қабул қилишлари учун яна қандайдир киборларча таннозликлар ҳам зарур. Лекин ҳар ҳолда ўша якшанбада улар менга батамом умидсизланиб қарашди. Факат Даша фаришта. Мен шундан жуда ҳам кўркаманки, улар мен ҳакимда эҳтиётсизлик килиб бирон ножӯя сўз айтиб кўйиб, ўзини ранжитиб кўймасалар кошкийди.

– Қўркиб ўтирманг ва ташвишланманг, – оғзини қийшайтирди Николай Всееволович.

– Айтганча, агар ўзи мен туфайли салгина уялиб колса ҳам, бу менга унчалик кийин бўлмайди, чунки одамнинг ўзига қараганда, албатта бунда доим уятдан кўра ачиниш кўпроқ. Ахир, ўзи билади-ку, улар менга эмас, мен уларга кўпроқ ачинишим керак.

– Сиз, чамаси, улардан каттиқ хафа бўлиб қолибсиз, шекилли, Марья Тимофеевна?

– Ким? Менми? Йўқ, – соддалик билан жилмайди аёл.

– Тамоман ундей эмас. Ўшанда мен ҳаммангизга карадим; ҳаммангиз хафасиз, ҳаммангиз бир-бирларингиз билан уришасиз; бирга ўтиришади-ю, чин юракдан қулишни билишмайди. Шунчалар бойлик ва шунчалар хурсандчилик, кувонч йўқ – мен буни жуда ёмон кўраман. Ҳа, айтмоқчи, мен энди ўзимдан бошқа ҳеч кимга ачинмайман.

– Эшитишимча, мен йўклигимда сиз ақангиз билан жуда кийналиб яшаган эмишсиз?

– Ким айтди сизга? Бекор гап; ҳозир анча ёмонрок; энди тушлар ёмон, тушлар ёмон бўлганининг сабаби сизнинг келишингиз. Сиз-чи, сиз нега келдингиз, айтинг-чи, илтимос?

– Яна монастирга боришини хоҳлайсизми?

– Ўзим ҳам сезган эдим-а, у кишим яна монастирни таклиф киладилар деб! Мен сизнинг монастирингизни кўрмабманми!? Елкамнинг чукури кўрсин уни! Яна нима деб бораман? Энди ёлғиз бир ўзим, сўккабошман! Учинчи хаётни бошлагани кеч бўлди.

– Сизнинг нимадандир каттиқ жаҳлингиз чикяпти, мени севмай кўйди, деб ўйлаб кўркмаяпсизми?

– Сизни ҳатто хаёлимга ҳам келтираётганим йўқ. Бирорвни севмай кўяманми, деб ўзим кўркяпман.

Аёл нафраторумуз иршайди.

– Мен жуда катта бир нарсада унинг олдида гуноҳкор бўлсан керак, – қўшиб кўйди у худди ўз-ўзига сўйлагандай, – факат билмайманки, айбим нима, менинг абадулабад кулфатим мана шунда. Доим, ҳар доим ҳам, шу беш

Ф. М. Достоевский

йил ичидә кечәю кундуз юрагимни ховучлаб ўйлаганим-ўйлаган, унинг олдида туганмас гунохимни ўйлайман. Ёлвориб, илтижо килиб дуо ўкийман, унинг олдида катта гунохга ботдим дейман. Йўқ, мана маълум бўлди, тўғри чиқди.

– Нима тўғри чиқди?

– Яна кўркаманки, унинг ўзида ҳам бир нарса йўкмикин деб, – давом этди аёл саволга жавоб бермай, хатто умуман эшийтмай. – Шуниси ҳам борки, у бундай одамнамолар билан якинлашиб кетмагандир-ку, ахир. Графиня мени каретасига ўткизган бўлса ҳам, тириклайн еб кўйишига тайёр. Ҳаммаси тил бириктирган, – наҳотки у ҳам фитнага бош кўшган? Наҳот у ҳам сотилди? (Унинг лаблари титради). Ҳей, сиз, Гришка Отрепьевни ўқиганмисиз? У еттита улкан ибодатхонада лаънатланади.

Николай Всеоловович индамади.

– Дарвоке, мен энди бошимни сизга бураман ва сизга караб ўтираман, – худди бир карорга келгандай бўлди у, – ўгирилинг, сиз ҳам менга ва факат менга яхшилаб диккат килиб қаранг, факат жуда яхшилаб қаранг. Мен сўнгги бор ишонч ҳосил килмокчиман.

– Сизга мен анчадан бери караб ўтирибман.

– Ҳимм, – деб қўйди Марья Тимофеевна қаттиқ тикилганча, – семириб кетибсиз жуда...

У яна нимадир демокчи бўлди, аммо бирдан, энди учинчи марта бояги кўркув яна унинг башарасида акс этди ва уни бир зумда ўзгартирди, тағин у қўлларини олдинга чўзиб ўзини орқага ташлади.

– Э, сизга нима бўлди ўзи? – деб кичкириб юборди кутуриб кетган Николай Всеоловович.

Бирок кўркув бир сониягина давом этди; аёл аллакандай ғалати, шубҳали, баджило илжайганча башараси қийшайиб кетди.

– Мен сиздан илтимос қиласман, княз, ўрнингиздан туринг-да, яна қайтадан кириб келинг, – деб айтди аёл бирдан қатъий, матонатли товуш билан.

– Нима бу «яна кириб келинг?» Қаерга кириб келаман?

– Мен беш йилдан бери у қандай кириб келаркин деб тасаввур киламан. Ҳозир ўрнингиздан туриб нариги эшикдан кўшни хонага ўтинг. Мен эса худди ҳеч нарса кутмагандай, китоб ўкиб ўтираман, шунда бирдан сиз кириб келасиз, беш йиллик саёҳатдан кейин. Мен бунинг қандай бўлишини кўрмокчиман.

Николай Всеволодович тишларини гижирлатди ва нималардир деб тўнғиллади.

– Етар, бас, – деди у кафтини столга уриб. – Гапимга кулок солишингизни сўрайман, Марья Тимофеевна. Марҳамат килиб, бутун диккат-эътиборингиз билан тингланг, агар малол келмаса. Ахир, сиз бутунлай ақлдан озмагансиз-ку! – у токатини йўқотиб ўзини тутиб туролмади. – Мен эртага никоҳимизни маълум қиламан. Сиз ҳеч қачон палаталарда турмайсиз, буни каллангиздан чикаринг. Факат бу ердан жуда узоқда мен билан бир умрга яашни истайсизми? Швейцариядаги тоғларда, у ерда бир жой бор... Қўркманг, сизни мен ҳеч қачон ташлаб кетмайман, жиннихонага ҳам бермайман. Бирорга мухтоҷ бўлмаймиз, бунга пулим етарли бўлади. Сизнинг хизматкорингиз бўлади; сиз ҳеч қандай иш килмайсиз. Мумкин бўлган ҳамма нарса сизга муҳайё килинади. Сиз тоат-ибодат қиласиз, истаган жойингизга борасиз, истаган ишингизни қиласиз. Мен сизга тегмайман. Турган жойимдан ҳеч қаерга кетмайман. Истасангиз, сиз билан бир умр гаплашмайман, хохласангиз, менга ҳар оқшом ўз киссаларингизни хикоя килиб берасиз, бир маҳаллар Петербургда кунжакда шундай қилардингиз. Агар истасангиз, мен сизга китоблар ўкиб бераман. Аммо бутун умр шундай, бир жойда ўтади, у жой эса жуда овлок. Хоҳлайсизми? Журъатингиз етадими? Пушаймон бўлмайсизми, кўз ёши килиб, карғаб мени жондан тўйдирмайсизми?

Аёл беҳад қизикиб тинглади, узоқ жим қолиб ўйланди.

Ф. М. Достоевский

– Жуда гаройиб-ку бу нарсалар, – деб оғиз очди у нихоят хазиломуз ижирганиб. – Бундай ахволда мен ўша тоғларда кирқ йил яшайман, чоги. – У кулиб юборди.

– Нима бўпти, кирқ йил бўлса ҳам, яшайверамиз, – ковоги уйилди Николай Всеволодовичнинг.

– Ҳимм. Ўлсан ҳам бормайман.

– Мен билан ҳам бормайсизми?

– Сиз ким бўпсизки, сиз билан борсам? Қирқ йил узлусиз у билан тогда ўтирашибманми? Вой, бунинг топган гапини! Сабр-бардошли одамлар мунча болалаб кетмаса бу замонда, ҳайронман! Лочин ҳеч қачон бойкуш бўлганми, ахир? Менинг князим бундай одам эмас! – У бошини мағлур ва тантанавор кўтарди.

Йигит бирдан хүшёр тортди.

– Нега мени княз дейсиз, кейин... мени ким деб ўйлајпсиз? – ҳиддат билан сўради у.

– Қандай? Сиз княз эмасми?

– Ҳеч қачон княз бўлмаганман.

– Вой, сиз ўзингиз, ўз оғзингиз билан тўғри юзимга айтяпсизми, мен княз эмасман деб??!

– Айтяпман-ку, бўлмаганман деб.

– Худойим-ей! – чапак чалиб юборди киз, – унинг душманларидан ҳамма нарсани кутган бўлсан ҳам, аммо мана бундай сурбетликни кутмагандим! У тирикми ўзи? – у саросима ичида кичкириб Николай Всеволодович томонга сурилди, – сен уни ўлдирдингми, йўқми, бўйнингга ол!

– Ким деб ўйлајпсан мени? – йигит бащараси қийшайганча ўрнидан туриб кетди; аммо энди бу аёлни қўркитиб бўлмасди, у тантана килмоқда эди.

– Ўзинг кимсан, ким билади, қай гўрдан сакраб чикдинг! Факат менинг юрагим, юрагим беш йилдан бери се-зади бу машмашани! Мен эса ҳайрон бўлиб ўтирибман, қандай кўзи кўр бойўғли келиб қолди деб? Йўқ, барака топкур, сен ёмон ўйинчи экансан, ҳатто Лебядкиндан ҳам баттаррок. Мендан графиняга салом айт, яна айтгинки, сендан кўра тузукроғини юборсин. Айт, у сени ўзига ёл-

лаб олдими? Унинг ошхонасида товоғини ялаб юрибсанми? Ҳамма ёлғон-яшикларингизни шундок равшан кўриб турибман, ҳаммангизни битта қолмай яхши тушунаман!

У аёлнинг тирсаги тепасидан маҳкам сикиб ушлади; аёл унинг башарасига караб ҳахоларди:

– Сен унга ўхшайсан, жуда ўхшайсан, балки қариндошидирсан –вой мугомбирлар! Факат менинг йигитим сор loчин ва княз, сен эса – бойўғли ва гумаштасан! Менинг йигитим хоҳласа, худо каршисида тиз чўқади, хоҳламаса, тиз букмайди, сени эса Шатушка қулок чаккаларингга боплаб урди (у менинг азизим, кадрдоним, якиним!), менга ўзимнинг Лебядкинмайтиб берди. Нега сен ўшанда кўркиб кетдинг, кириб келдинг? Ким сени ўшанда кўркитиб юборди? Сени таниганимда тубан башарангни кўрдим, сен эса мени тутиб колдинг, – худди чувалчанг юрагимга кириб олгандай бўлди: йўқ, бу у эмас, дедим, йўқ, бу у эмас! Менинг лочиним хеч качон мендай ойимтила олдиди хижолат чекмасди! О худойим! Мен беш йил ўзими бахтли деб юрдим, менинг лочиним тоғлардан нарида парвоз килиб юрибди дедим, куёш билан бўйлашяпти, дедим... Қани, айт, эй соҳтакор, кўп нарса олдингми? Катта пуллар эвазига рози бўлдингми? Мен сарик чақаям бермасдим сенга. Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳа-ҳа-ҳа!..

– Ўв, жинни-санги! – тишларини гижирлатди Николай Всеволодович ҳамон унинг кўлини қаттиқ кисиб.

– Йўкол, каллоб! – амрона кичкирди аёл. – Мен ўз князимнинг хотиниман, сенинг пичогингдан кўркмайман!

– Пичок!

– Ҳа, пичок! Чўнтағингда пичоқ бор. Сен мени ухлан деб ўйладинг, мен эса кўриб турдим, боя кириб келганингда пичогингни чикардинг!

– Эй, бахти каро, нима деяпсан, нима тушлар кўряпсан! – жони борича бўкирди ва бор кучи билан аёлни итариб юборди, аёл боши ва елкалари билан диванга бориб урилди. Йигит жон ҳолатда кочди; аммо аёл дарҳол унинг орқасидан сакраб туриб, оксоқланиб (ликонглаб) югорди, даҳлизда етиб олди, кўркиб кетган Лебядкин уни

жон-жаҳди билан ушлаб турар, у эса чинкириб, хаҳолаб, коронгулик сари тӯҳтовсиз васваса соларди:

– Гришка От-репь-ев, ла-ин!

X

«Пичок, пичок!» – туганмас қаҳр-ғазаб билан қайтариарди йигит, йўлни кўрмай, лой-балчиклардан катта-катта одим отиб бораркан. Рост, дам-бадам бор овозини кўйиб, кутириб қаҳ-қаҳ ургиси келарди; лекин негадир ўзини бундан тияр, ичидан зўрикиб келган кулгини босарди. У боя Федъкага дуч келган жойга, кўприкка етиб боргандагина хуши ўзига қайтди; мана ҳозир ҳам худди ўша Федъканинг ўзи уни шу ерда кутарди, уни кўриб, фуражкаси ни туширди, тишларини кўрсатиб, хурсанд иршайиб, шу заҳоти нималарнидир шўх-шодон валдирай кетди. Николай Всеволодович аввалига тўхтамай ўтди, бироз вактлар орқасидан эргашиб келаётган дайди-сангининг гапларига хатто бутунлай кулок ҳам тутмади. Шу пайт миясига келган бир фикрдан тамомила ҳайратга тушди, у дайдини бутунлай эсидан чикарган экан, ва айнан дам-бадам «пичок, пичок» деб ичида такрорлаб келаётган чогида унуглан Экан. У дайди-сангининг ёқасидан бор кучи билан ушлади-да, кўксида йигилиб колган бутун қаҳру газаби билан уни кўприкка урди. Дайди бир зум у билан олишмоқчи бўлиб шайланди-ю, лекин кутилмаганда бехос хужум килган рақиб олдида ўзининг сомон парчасича бўлолмаслигини лархол пайкади-да, ҳатто зигирча ҳам каршилик кўрсатмай, жим бўлиб кимирламай колди. Айёр дайди кўприк устида тирсаклари орқага қайрилган холда ерга босилганча тizzасида тураркан, чамаси, хатарли ҳеч нарса йўклигига мутлақо амин бўлган, бу ёғига нима рўй беришини бамайлихотир кутарди.

У янгишмади. Николай Всеволодович дайдининг кўлларини оркасига бураб боғламоқчи бўлиб, бўйнидаги тивит шарфини чап кўли билан ечиб ола туриб, бирдан исгадир уни кўйиб юборди ва ўзидан нарига итариб ташла-

ди. Дайди зум ичидан ўрнидан турди, оркасига ўгирилди, кўз очиб юмгунча унинг қўлида қаердандир пайдо бўлган косибларнинг калта кенгиш тигли пичоғи яркираб кўринди.

— Йўкот пичокни, йўкот, йўкот ҳозир! — тоқатсизлашиб кўл силтаб кичкирди буйруқ оҳангода Николай Все-володович, шунда пичоқ қандай ногаҳон пайдо бўлган эса, шундай ногаҳон гойиб бўлди.

Николай Все-володович яна жим, оркасига қарамай ўз йўлига кетди; аммо кайсар дайди барибир ундан колмади, рост, энди валдирамай ва ҳатто орадаги масофани хурмат билан саклаб бир кадам оркада юрди. Улар шу зайлда кўп-рикдан ўтиб, соҳилга чикишди, бу гал сўл ёққа олиб, узун ва овлок жинқўчага киришди, Богоявленская қўчасига қараганда, бу йўлдан шаҳар марказига тезрок чикиларди.

— Сен бу ердаги черковлардан бирига ўғирликка тушибсан, шу тўгрими? — сўраб колди кутилмаганда Николай Все-володович.

— Мен аввалига ибодатга кириб эдим, — худди хеч нарса бўлмагандай оғир-босиқ, одоб билан жавоб қилди дайди; унинг оғир-босиқлигига орият килаётгани ҳам сезиларди. Энди бояги «дўстона» чапаниликдан асар ҳам колмаганди. У энди ноҳак хафа килинган бўлса-да, ўзи корафта ва жиддий, хафачилигини унутиб юборадиган одамга ўхшарди.

— У ерга мени худо қандок бошлиб кирди, — деб давом этди у, — воҳ, неъматларингдан ўргилай, худо, дедим! Бу ишга менинг етимчалигим сабаб бўлди, нега деганда, бизнинг толе пешонамиз хайру саховатпешаликсиз ночор. Буни кўринг-да энди, афандим, худога чин, ўзимга-ўзим килдим, парвардигор гуноҳлар учун жазолади: черковнинг елпўшу чангироғиу дъяконнинг тиркиш хуржунини сотиб, бор-йўғи ўн икки рубл чўнтакка кирди, Николай Угодникнинг соғ кумуш кўкраклўши текинга кетди хисоб: симилёрдан¹³³ ишланганмиш.

— Коровулни сўйибсан-ку?

¹³³ Симилёр (франц.). — мис ва рух котишмаси (тарж.).

– Яъни, ўша қоровулнинг ўзи билан бирга шип-шийдун килувдик, э, ундан кейин эрталаб азонда дарё бўйида жанжаллашиб қолдик, қопни ким кўтаради, деб. Гуноҳ килдим, озгина юкини енгиллатдим.

– Тагин сўй, тагин ўғирла.

– Петр Степанович ҳам ҳудди шундай маслаҳат бердилар, хайр-саҳовати йўқ ёмон зикна, бағритош одам эканлар. Ундан ташкари, бизни тупроқдан аслимизни ясаган, осмонларни яратган зотга зигирдак ҳам ишонмас эканлар, бунинг ўрнига, ҳаммасини табиат яратган, ҳатто гўёки энг паст хайвонни ҳам ўзи ясаб кўйган дейдилар, яна у киши биз хайру саҳоват бўлмаса сира яшолмаслигимизни ҳам тушунмайдилар. Унга тушунтираман десангиз, ҳудди кўй сувга қарагандай бакрайиб турадилар, хайрон коласан киши. Ишонасизми-йўкми, анави капитан Лебядкинни айтаман, ҳозир унинг олдига бордингиз, шекилли, сиз келгунча улар Филипповнинг ижарасида яшашарди, баъзан эшиклари тун бўйи ланг очилганча колиб кетади, ўзи ўликдан баттар котиб ухлайди, пуллари эса ҳамма чўнтакларидан ерга сочилиб ётади. Буни ўз кўзим билан кўрганман, нега деганда, худо бизнинг гилдирагимизни хеч қачон хайру саҳоватсиз айлантиrmайди, хеч иложи йўқ буининг...

– Ўз кўзим билан дейсанми? Нима, кечаси кирганмисан?

– Балки киргандирман, фақат буни ҳеч ким билмайди.

– Нега сўйиб кетмадинг?

– Мундок ҳисоблаб кўриб, ўзимни босдим. Нега деганда, юз-юз эллик рубл пулни тайин қўлга киритишмни билдим, кейин каллалаб кўрсам, озгина сабр қилиб, роса бир ярим мингни қўлга киритар эканман, шошиб нима ҳам килдим, дедим. Нега деганда, ўз қулогим билан эшитганман. Капитан Лебядкин маст-аласт чоғида сиздан умиди катталигини лакиллаб кўярди, буни у киши алжираб-валдирамаган биронта ковоқхона, бўзахона колмаган бу ўртада. Мен ҳам кўплардан бу гапларни эшитганим учун, сиз жаноб олийларига умидим кўзларини тикиб қарадим. Мен

сизга, афандим, ўз отамдай ёки тугишган акамдай карайман, нега деганда, мен Петр Степановичга хеч качон бу гапни айтмайман, бошка хеч зотта ҳам. Шунака гаплар-да, хазрати олийлари, нима килдик, уч рубль хадя кила оладилармикин ё йўкми? Менга ичингизни бўшатсангиз эди, афандим, ишқилиб мен бор ҳақиқатни билсан девдим. Нега деганда, бизга хайру саҳоватсиз хеч иложи йўк, сира иложи йўк.

Николай Всеволодович бор овози билан хандон отиб кулиб юборди, чўнтағидан қопчиғини чикарди, унда эллик рублча майда пуллар бор эди, дайдига пул тахламидан биттасини олиб итқитди, кейин иккинчи, учинчи, тўртингчисини ирғитди. Федъка учиб тушаётган пулларни тутар, сакрар, юлқинар, пуллар лой-балчикка қоришарди. Федъка уларни тутиб олмокчи бўлар, нуқул: «Эх, эх!» – деб бақираварди. Николай Всеволодович ниҳоят унга қараб ҳаммасини отди-да, ҳаҳолаб кулгани кўйи жинкўчадан энди ёлғиз бир ўзи юриб кетди. Дайди лой-балчикка тиззадан ботиб шамол учириб кетган, кўлмакларга ботган коғоз пулларни қидирав ва яна бир соатдан ортиқ унинг коронгуда «Эх, эх!» – деган ҳиркираган овозини эшитиш мумкин эди.

ИККИНЧИ БОБ

ЯККАМА-ЯККА

I

Эртасига, туш пайти соат иккода кутилган дуэль бўлиб ўtdи. Артемий Павлович Гагановнинг отишамиз деб оёқ тираб туриши ишни тез ҳал килди. У рақибининг нима килмокчи бўлаётганилигига хеч тушунмас ва кутурганидан кутурарди. У рақибни бир ойдан бери бемалол ҳакоратлар ва ҳамон уни сабр-токатдан чикаролмасди. Унга Николай Всеволодовичнинг ўзи уни дуэлга чакириши зарур эди, зеро, ўзи уни дуэлга чакириши учун хеч қандай тўғри баҳонаи сабаб йўқ эди. Бундан тўрт йил бурун оиласи шаънини тахкирлаган Ставрогинга бўлган азоб-огрик тўла нафратини у тўғридан тўғри тан олгиси келмас, кўнглиниң яширип пучмокларида бундан виждони кийналарди. Ўзи ҳам бундай баҳонаи сабабни аклга тўғри келмайдиган нарса деб ҳисоблар, айникиса, Николай Всеволодович Томонидан икки маротаба камтарона узр-маъзур кўллангандан сўнг бу аён бўлиб қолганди. У рақибни уятсиз, беор, қўрқоққа чикарди; унинг Шатовдан шапалок еб, яна индамай юрганини хеч аклига сигдиролмасди. Мана шу тарика у ўша бехад бетамиз ва қўпол хатини жўнатишга карор килди-ю, ниҳоят Николай Всеволодовичнинг ўзи уни яккама-якка учрашувга чакирди. Куни кеча Гаганов ушбу хатни жўнатиб, бетоқат талваса ичиди чакирик жавобини кутаркан, дам умидланиб, дам умидсизликка тушиб, азоб-изтироб ичиди барча имкониятларни бирма-бир хаёлидан ўтказиб, ҳар эҳтимолга карши кеча кечдаёқ ўзининг секундантини тайёр қилиб қўйди, секундантликка у ўзининг мактабда бирга ўқиган, жуда хурмат киладиган оғайниси, яъни, айни Маврикий Николаевич Дроздовни танлади. Шундай килиб, эртасига эрталаб соат тўккизда топширик билан

келган Кириллов ҳаммаси тайёр эканлигини қўрди. Николай Всеволодовичнинг барча узр-маъзурлари ва хеч качон кулокка чалинмаган ёнбосишлари, муросага чақиришлари дархол шу заҳоти фавқулодда қизикконлик билан рад этилди. Якинданга ишнинг тагига етган Маврикий Николаевич кулок эшитмаган бундай таклифлардан оғзи очилиб қолди-да, шу ёрниг ўзидаёқ муросага чақирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин унинг ниятини пайқаган Артемий Павлович ўтирган жойида даг-даг калтирай бошлаганини сезиб, оғзини юмди ва миқ этмади. Ўртоғига берган ваъдаси бўлмасайди, у шу заҳотиёқ кетиб коларди; у ишнинг пировардидаги бирон ёрдамим тегиб қолар деган бирдан-бир умид илинжида дўстини ташлаб кетмади. Кириллов чақирикни етказди; Ставрогин таклиф этган учрашувнинг барча шартлари дархол хеч кандай зътиrozсиз қабул килинди. Факат битта, у ҳам бўлса ғоятда шафқатсиз кўшимча киритилди, яъни айнан: агарда биринчи отишмада ҳеч нарса ҳал бўлмаса, яна иккинчи марта отишадилар, агар бу сафар ҳам бўлмаса, унда учинчи марта нишонга турадилар. Кирилловнинг пешонаси тиришди, учинчи марта нима кераги бор, деди, аммо уларни асло кўндиrolмагач, ўзи кўнди, факат писанда килиб кўйдики, «уч марта бўлса майлингиз, тўртингчиси эса ҳеч мумкин эмас». Бунга рози булишди. Шундай килиб, туш чоги соат иккода Бриков деган жойда учрашдилар: бу бир томондан Скворешники, иккинчи томондан Шпигулинлар фабрикаси ўртасидаги шаҳар чеккасидаги кичикроқ ўрмонзор. Кечаги ёмғир бугун тўхтаган, аммо ҳаммаёқ нам, зах, шамол эсади. Осмон совук, лойка пароканда булутлар пастлаб шитоб билан учарди; дарахтлар шамолда чарх уриб гувиллар, юксакда эгилиб-букилар, йўғон таналари гичирларди. Жуда маъюс тонг отган эди.

Гаганов Маврикий Николаевич билан бирга тайинланган жойга олифта посон икки от кўшилган тўрт ғилдиракли очиқ аравада келишди, аравани Артемий Павловичнинг ўзи ҳайдаб келди; уларнинг хизматкори ҳам бор эди. Худди ушбу дакиқанинг ўзида Николай Всеволодович

билан Кириллов ҳозир бўлишиди, улар аравада эмас, от ми-нишган, орқаларида отлик хизматкор ҳам бор эди. Кириллов илгари ҳеч қачон от минмаган, эгарда кўркмай қадди-ни тик кўтариб ўтирас, ўнг қўлида тўппончалар солингган кути – уни хизматкорга ишонмай ўзи кўтариб олган, чап қўлидаги жиловни ношудлик билан тинмасдан силтар, айлантирас, бундан от бошини силкитар, тик турмокчи бўлар, лекин отлик бундан сира ҳам кўркмасди. Ҳар нар-садан шубҳаланаверадиган бадгумон, жуда тез ва каттик хафа бўлиб қолаверадиган Гаганов уларнинг отда келиш-ганини ўзи учун яна бир карра ҳақорат деб билди, бун-дан чиқди, ракиблар ғолиб чикишларига хаддан ташқари ишонар эканлар-да, ярадор бўлиб қолсалар, олиб кетишга арава ҳам келтирмабдилар, деган маънода ичи куйди. У шарабан аравасидан газабдан кўкариб кетган ҳолда тушди ва қўли қалт-қалт титраётганини сезди, буни у Маврикий Николаевичга маълум килди. Николай Всеолодович таъ-зим килган эди, у жавоб бермай тескари қаради. Секун-дантлар чек ташлаши: чек Кирилловнинг тўппончасига чиқди. Марра ўлчанди, ракиблар маррага кўйилди, арава, отлар ва хизматкорларни уч юз қадам нарига жўнатилди. Куроллар ўқланди ва ракибларга тутқазилди.

Ноилож, хикояни тезроқ давом эттириш керак, узок баён қилиб ўтирадиган пайт эмас; аммо айрим нарсаларни қайд этиб ўтмасликнинг ҳам иложи йўқ. Маврикий Нико-лаевич маъюс ва ташвишга ботган кўринарди. Кириллов эса бутунлай хотиржам ва локайд, ўз зиммасидаги вазифа-ларни майда-чуйдасигача аниқ бажарар, заррача ҳам хов-лиқмас, бу хатарли ишнинг охири нима бўлади, деб унча-лик ҳам қизикмасди. Николай Всеолодович одатдагидан кўра ранг-туси ўчган, енгилгина кийинган, эгнида пальто, бошида оқ момик тивит шляпа. У бенихоя хоргин кўри-нарди, гоҳо қовоғини каттик уяр, кайфияти бағоят ёмон эканлигини зигирча ҳам яшириб ўтиришни лозим кўрмас-ди. Аммо Артемий Павлович шу дамларда ҳаммадан ҳам бошқачарок эди, шунинг учун унинг тўғрисида алоҳида бир неча сўз айтмай сира иложимиз йўқ.

II

Шу пайтгача унинг ташки кўриниши ҳакида эслаб ўтмадик. У анча басавлат одам эди, бадани оқ, корни тўқ, кора халқнинг тили билан айтганда, хўппа семиз, сочлари окиш ва сийрак, ўттиз уч ёшларда, юзининг тархи айтарли чиройли. У полковник унвонида истеъфога чиқди. Мабодо, генерал бўлгунча хизмат килганда, унда генерал лавозимида янада салобатли кўринган бўлар ва ҳеч ажабмаски, ундан жуда яхши жанговар генерал чиқарди.

Шахснинг хусусиятларини тавсифлаб, шуни эсдан чиқармайликки, бундан тўрт йил мукаддам Николай Ставрогин клубда унинг отасини хўрлагандан сўнг, у хонадонимизга ёмон иснод тушди деб, кечаю кундуз ўртаниб ёнар, бу туганмас азоб уни узок вактдан бери тинмай таъкиб этар, худди мана шу укубат унинг истеъфога чикишига баҳонайи сабаб бўлганди. У энди ҳарбий хизматни давом эттиришни виждонига хилоф деб биларди, ўзини полкка ва ўртоқларига дод тушираётгандай сезар ва бунга ишончи комил эди, ҳолбуки, хизматдошларидан ҳеч кимсанинг бу воқеадан хабари йўқ эди. Рост, у илгари хам, бунга анча вактлар бўлди, унда ҳали бу хафагарчилигу гинахонликлар йўқ, тамомила бошка бир сабаб билан хизматни ташлаб кетишга чоғланган, аммо охирги пайтларгача иккиланиб юрганди. Буни ёёсанг хам ҳатто галатирок кўринарди, аммо истеъфога чикиш учун дастлабки баҳона, ёки янада яхширок айтганда, истеъфога чорлаган нарса – дехқонларни озод килиш ҳакидаги 19 феврал манифести бўлди. Артемий Павлович вилоятимизнинг энг бой-бадавлат помешчикларидан, ҳатто манифестдан кейин у унчалар кўп нарса йўқотгани ҳам йўқ, бу ҳам ҳали оз, у бу чорайи тадбирларнинг инсонпарварлик жиҳатларига ишонч ҳосил килган ва ислохотларнинг иқтисодий фойдали томонларини тушунишга деярли кодир эди, лекин бирдан манифест чиқкандан сўнг у ўзини шахсан хафа килингандай сезди. Бу аллақандай гайришуурый нарса эди, алланечук кечинма-сезимга ўхшар ва қанчалар беихтиёрий

бұлса, шунчалар кучли эди. Отаси тириклигіда у хар калай, қандайдыр қатый қадам ташлашга журъати етмади, аммо Петербурғда ўзи бажонидил алоқа боғлаб турадиган күпдан-күп ажойиб одамларга «олийжаноб» йұналишдаги фикрлари билан анча танилиб колганди. Бу ўз хаёлларига гарк, кулфи дили хадеганда очилавермайдиган зот эди. Яна бир хусусияти: у ўзларининг дворян наслининг тозалиги ва қадимийлигини бағоят қадрловчи ва бунга ҳаддан ташкари кизиқувчи Рұсь диёрида ҳали-ҳамон сакланиб колган ўша ғалати дворянлар тоифасига мансуб киши эди. Шу билан бирга, у рус тарихини жуда ёмон қўрар, унга сира токат қилолмас ва умуман бутун рус одатларини бир мунча чўчқалик деб ҳисобларди. У болалик чоғларидәк номдоррок ва давлатмандрок тарбияланувчиларга мўлжалланган маҳсус ҳарбий мактабда маълумот олиб, уни тугаллашга мұяссар бўлган ва ўша пайтлардаёт юрагига баъзи бир шоирона карашлар кириб келиб ўрнашганди: унга қасру равоклар, ўрта асрлар туриш-турмуши, енгил-елпи, болохонадор томонлари, форислар ҳаёти ёкиб қолган эди. Москов подшоҳлиги замонларидан подшоҳ рус боярларини калтаклаб жазолаганидан у каттиқ уялиб, йигламоқдан бери бўлар ва киёслашлардан ёмон кизариб-бўзаради. Ўз хизмат юмушларини гоят яхши биладиган ва бурчини кам-кўстсиз адo этадиган баджаҳл, зеҳни паст, никоятда каттиккўл бу зот юрагининг тубида орзуманд ҳам эди. У йигинларда гапни қойил қилиши мумкин, сўз қобилиятига эга дейишарди, бирок ўттиз уч ёшга кириб ҳам, миқ этиб оғзини очмади. Ҳатто охирги вактларда ўзи ўралашиб юрадиган Петербургнинг эътиборли, муҳим мұхитида ўзини бенихоя калондимоғлик билан тутарди. Петербургда чет эллардан қайтиб келған Николай Всееволодович билан учрашгач, у акл-хушини йўқотаёзди. Айни ушбу дамларда у мэррада туриб жуда каттиқ безовтала нарди. Назарида, нимадир бўлиб бу иш рўй бермай қоладигандек, андаккина сустлик унинг жонини ҳалкумiga келтирарди. Чунончи, Кириллов жанг бошлашни маълум қилиш ўрнига, бирдан йўлига бўлса-да, муроса йўсинида

сүз юрита бошлаганда, унинг башарасида қаттиқ оғриққа ўхшаш бир ифода зухур этди, аммо бу ҳолда секундантнинг ўзиёк изоҳини бериб бўлганди:

– Мен факат йўлига айтиб қўйяпман, энди тўппончалар кўлингизда, энди факат отишга ишора колди, охирги марта ярашсанглар бўлмайдими? Буни айтиш менинг бурчим.

Худди атай килгандай, шу пайтгача миқ этмай жим турган Маврикий Николаевич, кечадан буён ўзининг кўнгилчанлиги ва келишувчанлигидан хит бўлиб кетиб, кутимаганда бирдан Кирилловнинг гапини илиб олиб тилга кирди:

– Мен жаноб Кирилловнинг сўзларига тўла қўшиламан... маррага чиққач ярашиб бўлмайди деган гап бу французлар учун тўкиб чикарилган уйдирма... Мен бу гинахонликларни тушунмайман, ихтиёр сизларда, мен анчадан бери айтиб қўйяй дейман... Нега деганда, турли узр-маъзурлар ҳам ўртага келтириляпти ахир, шундай масми?

У дув кизариб кетди. У камдан-кам ҳолларда бундок кўп тўлқинланиб гапиради.

– Мен ўз узрларимни яна тақорглашга тайёрман, – шоша-пиша унинг гапини қўллади Николай Всеолодович.

– Шу гап аклга сифадими? – кутуриб кичқириб юборди Гаганов секунданти Маврикий Николаевичга қараб ва жаваси тутиб оёқларини тапиллатди. – Агар сиз, Маврикий Николаевич, менинг душманим эмас, секундантим бўларкансиз, манави кишига тушунтириб кўйингки (у тўппончишини силкитиб Николай Всеолодович турган ёкни кўрсатди), – бундай ён беришлар ҳақоратни кучайтиради! У менинг гапларимни ҳақорат ўрнида кўрмаяпти!.. Маррага тургандан кейин ҳам мен билан олишмай, қайтиб кетишини ўзига шармандалик деб билмаяпти! Ким деб ўйляяпти у мени... сиз эса яна менинг секундантимсиз! Мени факат жаҳлимни чиқаряпсиз, теккизолмасин деб. – У яна оёғини ерга уриб депсинди, оғзидан тупуклари отилиб чиқди.

– Музокара тугади. Энди қулоқ тутинг! – бор овози билан кичкирди Кириллов. – Бир! Иккى! Уч!

«Уч!» деган сўздан сўнг ракиблар юзма-юз юришди. Гаганов дарҳол тўппончани кўтариб, бешинчи ё олтинчи кадамида ўқ узди. Бир он тўхтади, сўнг ўки тегмаганлиги ни кўргач, тез мэррасига қайтди. Николай Всеғолодович хам пешвоз юрди, тўппончани қандайдир жуда баланд Кўтарди-да, ҳатто мўлжалга ҳам олмай отди. Сўнг киссанидан рўмолча чикарди-да у билан ўнг кўлининг чимчилоқ бармоғини ўради. Мана шундагина Артемий Павловичнинг ўки бутунлай бекор кетмаганлигини, у кафтнинг юмшок киррасини ялаб ўтиб, сукка тегмай чимчилокни кириб ўтганлигини пайқадилар, арзимаган бир яра, Кириллов шу заҳоти агар ракиблар рози бўлсалар, дуэль давом этишини эълон килди.

– Мен айтиб қўйишим керакки, – хиркираб деди Гаганов (унинг томоғи қақраган эди) Яна Маврикий Николаевичга қараб, – манави киши (у яна Ставрогин томонга нуқиди) атай осмонга отди... атайлаб... Бу яна бир ҳакорат! У дуэлни бекор килмокчи!

– Мен қандай хоҳласам шундай отишга ҳақлиман, коида бузилмаса бас, – катъият билан деди Николай Всеғолодович.

– Йўқ, ҳақлари йўқ! Тушунтиринг унга, тушунтиринг! – бақирарди Гаганов.

– Мен Николай Всеғолодовичнинг фикрига тўла қўшиламан, – деб эълон килди Кириллов.

– Нега у мени аяди? – шайтонларди Гаганов қулок солмай. – Мен нафрлатланаман унинг раҳм-шафкатидан... Тупурман... Мен...

– Чин сўзим, мен сизни ҳақорат килмокчи эмасман, – тоқати тоқ бўлиб сўзлади Николай Всеғолодович, – осмонга қараб отганимнинг сабаби шуки, мен бошка ҳеч кимни ўлдирмокчи эмасман, сизми, бошқами, бари бир сизга бунинг алоқаси йўқ. Рост, мен ўзимни бирор хафа килди деб ўйламайман, сизнинг бундан жаҳлингиз чикаётганига ачинаман. Аммо менинг ҳақ-хуқуқларимга арлашибга ҳеч кимга йўл қўймайман.

– Агар у кондан құркса, сұранг, нега мени чакирди? – бўкирарди Гаганов ҳамон фақат Маврикий Николаевичга мурожаат килиб.

– Чакирмаганга қўймадингиз-ку ахир, – орага қўшилди Кириллов. – Ҳеч гапга кулок солмайсиз, сиздан бошка қандай кутулиш мумкин!

– Фақат бир нарсани айтиб қўяй, – деди кийналиб, азоб чекиб бу гапларни мухокама килаётган Маврикий Николаевич, – агар рақиб олдиндан осмонга отишини маълум килса, унда жанг ҳакикатан тўхтатилади... нозик ва равшан сабабларга кўра...

– Мен ҳар сафар тепага отаман, деб айтганим йўқ! – қичкирди Ставрогин тамомила токати ток бўлиб. – Сиз менинг ниятим қандайлиги ва ҳозир қандай отишими билмайсиз... мен дузлни ҳеч нарса билан чеклаётганим йўқ.

– Ундоқ бўлса отишув давом этади, – деди Маврикий Николаевич Гагановга караб.

– Жаноблар, жой-жойингизга туринглар! – амр этди Кириллов.

Яна отишдилар, яна Гаганов тегизолмади, яна Ставрогин юқорига отди. Бу отишларнинг баҳсли томонлари ҳам йўқ эмас: Николай Всеволодович тўғри отяпман, деб айтиши мумкин, факат ўз ичидагина мўлжални тўғри олмаётгандигини тан олса эҳтимол. У тўппончани аниқ тепага ёки дарахтнинг устига қаратмас, бари бир рақибни мўлжалга олар, мўлжали рақибнинг шляпасидан сал юкорирок бўларди. Иккинчи марта отишганларида унинг мўлжали тағин ҳам аникроқ, тағин ҳам қуйироққа тўғри келди; аммо энди бари бир Гагановни ҳеч нарсага ишонтириб бўлмасди.

– Яна-я! – тишлирини ғижирлатди у. – Бари бир! Мен маррага чикдим ва ҳакимдан фойдаланаман. Мен учинчи маротаба отишни хоҳлайман... Қандай бўлгандা ҳам.

– Тўла ҳакингиз бор, – кескин деди Кириллов. Маврикий Николаевич ҳеч нарса демади. Учинчи бора маррага чикдилар, отишга буйруқ бўлди. Гаганов бу сафар росмана маррага етиб келди, маррадан, ўн икки одим наридан

Ф. М. Достоевский

- Бу сизнинг ишингиз эмас. Балки, ўлдирмас эди.
- Ўласи килиб урармиди?
- Сизнинг ишингиз эмас. Юкингизни кўтариб юринг. Бўлмаса ажр йўк.
- Тупурдим ўша ажрингизга, мен уни ҳеч кимдан кутмайман!
- Сиз кутасиз, деб ўйлабман, – ўша ёмон совуқконлик билан деди Кириллов.
- Уй ҳовлисига кирдилар.
- Уйга кира колайлик, – таклиф этди Николай Всеходович.
- Йўқ, мен уйга борай, хайр бўлмаса. – Кириллов отдан тушиб курол кутини кўлтигига кистирди.
- Лоакал, сиз мендан хафа эмасдирсиз? – унга кўлинни узатди Ставрогин.
- Заррача хам! – унинг кўлинни кисиш учун ортига қайтди Кириллов. – Агар менинг юким енгил бўлса, бу табиатдан, агар сизнинг юкингиз оғир бўлса, сизнинг табиатингиз шундай. Бунинг асло уяладиган жойи йўқ, балки жиндай хижолатлидир.
- Биламан, характерим ожиз, лекин кучли бўламан деб уринаётганим хам йўқ.
- Уринманг хам! Сиз кучли одам эмассиз. Чой ичгани келинг.
- Николай Всеходович уйга кучли саросима ичида кирди.

IV

Уйга қадам қўйгач, Алексей Егоровичдан дарҳол шуни билдики, унинг саккиз кун бетоб бўлиб ётиб, бугун илк бора отда сайдага чиқиб кетганидан ўзида йўқ кувонган Варвара Петровна карета ҳозирлашни буориб, «саккиз кундирки, тоза ҳавога чиқмайман, энди худди ўтган кунларга ўхшаб, айланниб, ҳаво олиб келаман», деб бир ўзи ёлгиз сайдага чиқиб кетибди.

- Бир ўзи кетдими ёки ёнида Дарья Павловна борми?
- деб тез қариянинг сўзини кесди Николай Всеходович

ва Дарья Павловна «бетоблиги учун боролмагани ва ҳозир ўз хонасида эканлигини» эшитиб ковогини солди.

– Менга қара, кария, – узил-кесил қарорга келиб тиш орасидан деди у, – волидадан бугун кўзингни сира узма, агарда у менинг хонамга келаётганини кўрсанг, уни дархол тўхтатиб, айтгинки, мен яна бир неча кун уни кабул ки-лолмайман... ўзим ундан шуни илтимос киламан... вакти келганда, ўзим уни чакираман, билдингми, эшиитдингми?

– Айтаман, – деди аста Алексей Егорович ғашланиб ва кўзини ерга тикиб.

– Аммо унинг ўзи мени кўргани келаётганини пайқаб колсангтина, тўхтатгин, олдин эмас.

– Ҳечам ташвиш тортманг, сахв қилмасмиз. Шу пайт-гача качон кўрмокчи бўлсалар, менга айтадилар, мендан кўмак ўтиналилар.

– Хабарим бор. Аммо ўзи келмасдан бурун огиз очма. Менга чой олиб кел, иложи бўлса тезрок.

Кария чикиб кетди, шу заҳоти яна ўша эшикнинг ўзи очилди-да, оstonада Дарья Павловна кўринди. Унинг ни-гоҳи осуда, аммо юзи оқарганди.

– Қаердан келяпсиз? – нидо килди Ставрогин.

– Мен шу ерда кутиб тургандим, у чикиб кетса, кир-мокчийдим олдингизга. Унга айтаётган сўзларингизни эшиитдим, у чиқкан пайтда эшик орқасига яшириндим, у мени кўрмади.

– Анчадан бери сиз билан узилсакми, дейман, Даша... ҳозирча... мана шу вакт. Хатингизни олган бўлсам ҳам, сизни кечаси кабул киломадим. Мен ўзим сизга ёзмокчи эдим, аммо мен ёзишни билмайман, – деб кўшиб қўйди ғаши келиб ва ҳаттоқи ижирганиб.

– Ўзим ҳам узилиш керак, деб ўйлагандим. Варвара Петровна бизнинг алокаларимиздан жуда шубҳаланиб юрадилар.

– Майли, уни кўяверинг.

– Уни ташвишга кўймаслик керак. Бундан чиқди, энди охиригачами?

– Сиз ҳалиям албатта охирини кутяпсизми?

Ф. М. Достоевский

- Ҳа, ишончим комил.
- Дунёда хеч нарса тугамайди.
- Энди бунда тугайди. Ўшанда мени чорланг, мен келаман. Энди хуш қолинг.
- Охири, бу қандай бўлади? – кулди Николай Всееволодович.
- Сиз яраланмадингиз ва... кон ҳам тўкмадингиз? – деб сўради у саволга жавоб бермай.
- Аҳмоқлик бўлди, кўркманг, хеч кимни ўлдирганим йўқ. Айтмоқчи, ҳаммасини шу бугунок ҳамманинг оғзидан эшитасиз. Бироз тобим йўқ.
- Мен борай. Никоҳ ҳакида бугун маълум қилинмайдими? – кўшиб кўйди у ботинмайгина.
- Бугун бўлмайди, эртага бўлмайди, индинига билмадим, балки ҳаммамиз ўлиб битармиз, баттар бўлсин. Боринг энди, боринг, мени холи кўйинг.
- Сиз анов бошқасини... савдойини ҳалок қилмайсизми?
- Савдойиларга тегмайман, на униси, на бунисига, аммо оқиласини, балки, ҳалок қиларман: мен шунчалик тубан ва қабиҳман. Даша, чамаси, ўзингиз айтгандай, «охиригача» сизни ёнимга чорларман, сиз эса, шунча ақлли бўлсангиз ҳам, келасиз. Нега сиз ўзингизни ўзингиз ҳалок қиласиз?
- Мен охир-оқибат сиз билан ёлгиз колишимни била-ман мен... шуни кутаман.
- Агар мен охир-оқибат сизни чакирмасам ва сиздан кочиб кетсам-чи?
- Бундай бўлиши мумкинмас, сиз чакирасиз.
- Бу ерда менга нисбатан кўп нафрат бор.
- Биласиз, факат нафратнинг ўзи эмас.
- Демак, нафрат бари бир борми?
- Мен ундей демокчи эмасдим. Худо шохид, сиз хеч қачон менга муҳтож бўлиб қолмаслигингизни жуда ҳам истардим.
- Сўзларингиз бир-биридан ўтиб тушади. Мен ҳам сизни ҳалок қилишни истамасдим.

– Сиз ҳеч қачон ҳеч канакасига мени ҳалок килолмайсиз, буни ўзингиз ҳаммадан кўра яхши биласиз, – тез-тез ва қатъият билан сўзлади Дарья Павловна. – Агар сизга бормасам, унда шафкат ҳамшираси бўламан, касал бокаман, ё китоб тарқатаман, Инжил сотаман. Шунга карор килдим. Мен ҳеч кимнинг хотини бўлолмайман, манавинака уйларда яшолмайман. Мен истаган нарса бу эмас... Сиз ҳаммасини биласиз.

– Йўк, сиз нима исташингизни мен ҳеч қачон билолган эмасман. Биласизми, байзи бир қариб қолган касал бокувчилар нима учундир қандайдир бир беморга бошқалирига нисбатан кўпроқ кизикиб қарайдилар, назаримда, сизнинг менга кизикиб қарашингиз ҳам шунга ўхшайди ёки бундан яхшиrok айтганда, айрим художўй кампирлар мотам, таъзияларда шўлтираб юриб гохи ўликларни бошқаларидан кўра маъкулроқ кўришади. Нега сиз менга бундай галати карайпиз?

– Жуда ҳам тобингиз йўкка ўхшайди-я? – меҳрибонлик билан сўради киз унга қандайдир бошқача тикилиб. – Худойим-ей! Яна бу кишим мени ёнига йўлатмокчи эмас!

– Қулок солинг, Даша, менинг кўзимга нукул шарпалар кўринадиган бўлиб колди. Битта иблисвачча кеча кўприкда Лебядкин билан Марья Тимофеевнани пичоқлаб ўлдиришини менга таклиф килди, гўё мен шу билан конуний никоҳдан кутулиб, ҳеч нарса бўлмагандай юраверарканман. Олдиндан уч сўлкавой сўради, аммо киладиган иши бир ярим мингдан кам бўлмаслигига шама қилди. Бу иблиснинг хисоб-китобини каранг! Бухгалтер! Ха-ха!

– У ҳакикатан шарпамиди, бунга ишончингиз комилми?

– О йўк, мутлако шарпа эмас! У сургундан кочган қарокчи Федъка сургунчи. Аммо гап бунда эмас, сен нима килдинг денг? Мен ҳамёнимдаги бор пулларимни унга бердим, у энди буни бай пули деб тушунади!

– Сиз уни кечаси учратдингизми, ўзи сизга шуни таклиф килдими? Кўрмаяпсизми, улар ҳаммаёғингизга тузоқ кўйиб ташлашган!

Ф. М. Достоевский

– Кўйса кўяр. Кўриб турибман, битта нарсани сўрамокчисиз, кўзингиздан маълум, – деди у жаҳли чикиб, аламнок жилмайиб.

Даша Қўрқиб кетди.

– Ҳеч нима сўрамокчи эмасман, ҳеч қанака шубха-гумон ҳам йўқ, бўлди, гапирманг! – ўртаниб деди киз, худди саволни ўзидан нари ҳайдагандай.

– Мени Федъканинг дўконига бормайди, деб ишона-сизми?

– О худойим-ей! – карс урди киз, – нега мени мунча қийнайверасиз?

– Бўпти, бу ахмоқона ҳазилимни кечиринг, афтидан, уларнинг бемаъни қиликлари менга ҳам ўтятпи. Биласизми, кеча тундан бери жуда ёмон кулгим кистаяпти, тўхтамай, узок-узок, кўп кулсам, дейман. Ичим кулгига тўлиб кетгаидай... Ҷув! Онам келганга ўхшайди; каретаси эшик олдида тўхтаганда такиллаган овозидан биламан.

Даша унинг Қўлини ушлади.

– Худо ўзи девингиздан асрасин! Ҳўп... тезрок, тезрок мени ённингизга чақиринг!

– О, қандай бўларди менинг девим! У кичкинагина, хунуккина, юзига ширинча тошган, тумовга чалинган, омади юришмаган иблисвачча, холос. Сиз, Даша, яна нимадир демокчи бўлаётисиз, журъатингиз етмаяпти, шекилли?

Киз унга изтироб ва гина билан каради ва эшикка ўгирилди.

– Кулок солинг! – кичкирди Ставрогин унинг изидан ғазаб билан оғзи қийшайиб. – Агарда... ҳўп, ўша, кискаси, агарда... тушундингизми, ҳўп, агарда дўконига ҳам борсаму, сўнг сизни чақирсам, сиз келармидингиз ўша, ҳўп, дўкондан кейин ҳам?

Киз оркасига карамай ва жавоб бермай, қўллари билан юзини беркитиб чикиб кетди.

– Дўкондан сўнг ҳам келади! – Ўйланиб туриб пичирлади у, унинг юзида жирканиш ва нафрат акс этди. – Бемор бокувчи! Ҳим-м!.. Дарвоқе, менга балки, фақат шу керакдир.

УЧИНЧИ БОБ ҲАММА КУТМОҚДА

I

Яққама-яққа жанг воқеаси жамиятимизда тез таркалди, у колдирган таассуротнинг ажойиб томони шунда эдики, ҳамма бир оғиздан Николай Всееволодовичнинг ёнини олишга шошилди. Кўпгина унинг собиқ душманлари ўзларини унга рўйирост дўст деб эълон килишди. Жамоатчилик фикрида бундай кутилмаган тўнтариш юз берганига бош сабаб бир мұхтарама аёл томонидан оғзаки тарзда гоятда топиб айтилган бир-икки оғиз сўз бўлдики, шу пайтгача бундай сўз айтилмаган ва юз берган ҳодиса бирданига бошқача тусга кирган ва бизнинг аксарият кўпчилигимиз унга гоятда кизикиб колгандик. Бу шундай рўй берди: воқеа бўлиб ўтган куннинг эртасига вилоятимиз дворянлари саркорининг рафиқаси ўз таваллуд кунини нишонлаётган бўлиб, бутун шахар бу ерда йигилганди. Юлия Михайловна ҳам Лизавета Николаевна билан бирга келган ва бутун жамоатга бош-кош эди. Лизавета Николаевнанинг чиройи ял-ял очилиб, бир гапириб, ўн кулар, бу бизнинг кўпгина хонимларимизга энди бошқача бир тарзда шубҳалироқ бўлиб кўринди. Айтиб ўтиш ўринлидирки, унинг Маврикий Николаевич билан унаштирилганига энди ҳеч қандай шубҳа колмаганди. Истеъфога чиккан бир бообру генералнинг (у ҳақда кўйирокда сўз боради) ҳазиллашиб берган саволига Лизавета Николаевнанинг ўзи ўша зиёфатда мен қаллик бўлдим, деб рўйирост жавоб берди. Нима бўлди денг? Хонимларимизнинг лоакал биронтаси ҳам бу унаштиришга ишонгиси келмасди. Ҳаммалари маҳкам туриб, Швейцарияда рўй берган ва албатта Юлия Михайловна ҳам катнашган аллакандай ишкӣ саргузашт, қандайдир машъум оиласвий сир-синоат борлигини таҳ-

мин килишарди. Ушбу барча овозалар ёки яна нима дейиш мумкин, ҳатто орзу-хаёллар нега бунчалар тўхтамай таркалаётгани ва нега бунда Юлия Михайловнани ҳам алоқадор килинаётганининг сабабини топиш кийин. У ичкари залга кириб келгани ҳамонок ҳамманинг назари ниманидир кутгандай бўлиб унга ажабтовур тикилди-колди. Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, воқеанинг ўзи якинда бўлиб ўтгани ва унга тааллукли баъзи бир ҳол-ахволлар боис у ҳақда маълум қадар овоз чикармасдан эҳтиёткорликни саклаб пичирлашарди, холос. Бунинг устига, ҳокимиятнинг бу борадаги фармойишларини ҳеч ким билмасди. Шу нарса маълум эдики, ҳар икки рақиб ҳам безовта килинмаганди. Мисол учун, Артемий Павлович эртамидан барвакт Духоводаги кўргонига ҳеч қандай тўскинликсиз жўнаб кетганлигини ҳамма биларди. Ҳеч шак-шубҳа йўқ эдики, ҳаммалари кимдир бор овоз билан биринчи бўлиб гап очишини, жамоатчиликнинг бунчалар токатсизланашётганига чек қўйишини маҳтал бўлиб кутишарди. Бино-барин, бутун умидлари юкорида эслатилган генералдан бўлиб, сал ўтмай адашмаганликларини билдилар.

Ушбу генерал клубимизнинг басавлат, кўркли аъзоларидан бири бўлиб, у қадар бой бўлмаган помешчик, фикрлаш тарзи ҳам мутлако ҳеч кимга ўхшамайдиган зот эди, эскичарок бир йўсинда ойимлару хонимларнинг кетидан колмас, бир чеккаси эса, катта-катта йиғинларда генерал-часига оғзини тўлдириб ҳаммани ўзига қаратиб гапириши ни бехад яхши кўтарар, бошқалар андиша ва эҳтиёткорлик билан пичир-пичир килишашётганда, у баралла вағирлаб юборарди. Бизнинг жамиятимиздаги унинг алоҳида ўрни худди мана шунда кўринарди дейиш мумкин. У сўйлаганда, чет элларда саёҳат килиб юрадиган русларнинг одатларига таклид килибми, сўзларни узун чўзиб, ширин лаҳжада талаффуз киларди, дехконлар ислохотидан сўнг энг кўп хонавайрон бўлған илгариги бой рус мулкдорлари ҳам шунақангি килиб сўйлашарди. Ҳатто Степан Трофимович бир куни айтган эдики, мулкдор канча кўп зиён кўрган

бўлса, тилини шунча ширин ва чучук килиб сўзлайди, сўзларни чўзади. Айтмокчи, унинг ўзи ҳам тилини чучук килиб, сўлиш олиб сўйлар, аммо ўзининг бу одатига эътибор бермасди.

Генерал ҳаммасидан худди пухта хабардор одамдай гапга тушди. Бундан ташкари, у Артемий Павловичнинг узоқрок қариндоши эди, аммо ораларида низо ва даъвостон ҳам йўқ эмасди, устига-устак, бир маҳаллар у икки марта яккама-якка отишган ва ҳатто бир сафар Кавказга сургун килиниб, унвонларидан ҳам айрилган эди. Кимdir «касалдан тургач» икки кундан буён кўчага чика бошлаган Варвара Петровнани эслатди, ундан кўра кўпроқ каретасига кўшилган савлатли тўрт бўз отини гапирди, бундай отлар факат Ставрогиннинг от заводларида етиштириларди. Генерал бирдан кутилмагандан бугун ёш Ставрогин от миниб кетаётганини кўрганини айтди... Ҳамма дарҳол жим бўлди. Генерал лабларини чапиллатди-да, бармоклари орасида кимdir ҳадя килган олтин тамаки чубукни ўйнаганча сўзини бошлади:

– Бир неча йил бурун бу ерда бўлмаганимга афсусланаман... яъни мен Карлсбадда эдим... Ҳим-м. Ўша йигит ҳакида кўп кизик гаплар эшилдим, ўша пайтда турли овозалар тарқалганди. Ҳим-м. Нима, у ростдан бироз телбарокми? Ўшанда кимdir гапираётган эди. Кейин бирдан эшишиб колдимки, уни аллаким бир студент қариндош ахли аёллари олдида ҳакорат килибди, у эса қўрққанидан сандикнинг тагига кочиб кириб кетибди; кеча эса Степан Висоцкий айтиб колди, Ставрогин ким анов билан отишибди... Гаганов билан. Кутурган бир одамга от деб пешанасини ўғил болалик килиб тутиб берибди; шундан кутулай дебди. Ҳим-м. Йигирманчи йилларнинг гвардиячилари шундай килишарди. У бу ерларга келиб турадими?

Генерал худди жавоб кутгандай бўлиб, жимиб қолди. Жамоатчилик токатдан тушди.

– Бунинг нимасига ҳайрон бўласиз? – кутилмагандан овозини баланд кўтариб деди Юлия Михайловна, ҳамма-

нинг назари бирдан ўзига қаратилганидан хуноби ошиб. – Ставрогин халиги Гаганов билан отишибди, студентнинг КИЛИФИГА жавоб бермабди, бунинг нимасига ажабланасиз? У ўз кўлида хизматкор бўлган одамни дуэлга чакиролмасди-ку!

Эътиборга лойик сўзлар! Оддий ва жуда равшан гап, бирор у шу пайтгача ҳеч кимнинг калласига келмаган эди. Бу гап фавқулодда натижаларга олиб келди. Барча низо, тухмат, гийбату латифанамо мишишлар ҳаммаси биратўла орқага сурилди; бошқа бир эътиборли масала олдинга чикди; янги бир қиёфа кашф этилди, ҳамманинг янглишиб юргани аён бўлди, бу қиёфа идеал даражадаги катъиятли тушунчалар эгаси экан. Студент томонидан шармандаларча таҳкирга учраган бу одам алам-озорни ичига ютади, нега деганда, ҳакорат қилган кимса – унга илгари хизматкор бўлган, аммо эндиликда билим-маърифатли инсон, хизматкор ҳам эмас. Жамият тўс-тўполон бўлиб кетган, гийбатлар авжида; енгилтак ҳавои жамият башарасига тарсаки туширилган одамга нафрлатланиб бокади; у ҳакикий тушунчалар даражасига ўсиб этилмаган, ЛЕСКИН унинг Орқасидан аямай чайнаган жамиятнинг башарасига карагиси келмайди, ундан ор килади.

– Биз эса, сиз билан бу ерда бемалол ўтириб ҳак-ноҳак гаплар устида тортишамиз, Иван Александрович, – олий-жаноб бир тарзда ўз-ўзини қамчилагандай бўлиб дейди клубнинг бир шинавандаси бўлган чол шеригига.

– Ҳа-ье, Петр Михайлович, ҳа-ье, – бажонидил тасдиклайди улфати, – бу ёшларни астн қўяверасиз.

– Бу ерда гап ёшларда эмас, Иван Александрович, – дейди гапга қўшилиб учинчиси, – ёшларда эмас масала; бу ерда гап ёшлардан биронтаси устида эмас, гап юлдузда; буни мана шундок тушунмок даркор.

– Э, бизга худди шу нарса керак; атовли одам колмади хисоб.

Бунда ҳамма гап шунда эдики, «янги одам» ҳеч шак-шубҳасиз «чин дворян» бўлиш билан бирга, вилоятдаги энг бой ер-мулк сохиби ҳам эдики, демак, унинг ма-

дадкор ва арбоб бўлмай хеч иложи йўқ эди. Дарвоке, мен аввал ҳам, бизнинг ер-мулк эгаларининг умум кайфиятла-ри тўгрисида йўл-йўлакай эслатиб ўтган эдим.

Ҳатто жазава бошланди:

– У студентга жавоб бермаганидан ташкари, қўлини ҳам дархол тортиб олган, бунга алоҳида эътибор беринг, жаноби олийлари, – дерди бошқа бири.

– Янги судга ҳам бўйнидан судраб олиб бормабди тагин, – қўшиларди бошкаси.

– Янги суд эса унга дворян сифатида шахсан таҳкирлангани учун ўн беш рубль ажрим чиқаарди-да, хе-хе-хе!

– Йўқ, бу янги судларнинг сирини мен сизга айтай, – ўпкаси тўлиб дерди учинчиси. – Ким ўғрилик қилган ё қаллобликда кўлга тушган ва бўйнига кўйилган бўлса – вакт борида тезроқ уйингга қараб чоп, ўз онангни ўлдир. Дарров оклаб юборишади, хонимлар ҳам тепада туриб ок батист рўмолчаларини силкитишади: бегумон ҳакикат!

– Ҳакикат, ҳакикат!

Орага ҳангомалар ҳам сукилди. Николай Всеволовичнинг граф К. билан муносабатларини ҳам эслашди. Граф К.нинг охирги ислохотлар борасидаги жиддий, айрича фикр-мулоҳазалари маълум эди. Унинг кейинги вактларда бирмунча тўхтаб колган ажойиб фаолияти ҳам маълум эди. Буни қарангки, яна бирдан Николай Всеволович граф К.нинг кизларидан бирига унаштирилиб қўйилганлиги ҳаммага шак-шубҳадан холи бир гапга айланди, ҳолбуки, бундай гап чикишига аник бир баҳонайи сабаб йўқ эди. Қандайдир ажойиб-ғаройиб Швейцариядаги саргузаштлару Лизавета Николаевна масаласига қелганда эса, хонимлар буларни ҳатто эсламай қўйишди-я. Ўрни келиб колди, Эслатиб ўтайликки, Дроздовлар худди мана шу вактга келиб шу пайтгача колиб кетган барча ташрифларини амалга ошириб бўлдилар. Эндиликда ҳамма Лизавета Николаевнани шубҳасиз одмигина киз экан, деб топди, ха, энди оғриқ асабларига «кичик» килади-да, дейишиди. Унинг Николай Всеволович келган куни хушидан кетиб колишини эса, энди студентнинг хунук килиғидан қўркиб

кетган экан, деб тушунтиришди. Илгари қандайдир хаёлий бир тус, хаёлий бир пакка беришга интилган нарсалари энди ўзларига жуда ҳам одми ва жүн кўринарди; аллакайси оқсок аёл эса бутунлай эсларидан чиқди; элашга ҳам уялишарди. «Юзта чўлок хотин бўлмайдими, – ёшлик – бебошлик-да!» – дейишарди. Николай Всееволовичнинг онасига ҳурмат-эҳтиромини мисол келтиришар, турли яхши ишларини сўйлашар, унинг олимлиги, тўрт йил немис университетларида ўкиб орттирган билимлари ҳакида хайриҳоҳлик билан ҳикоя қилишарди. Артемий Павловичнинг хатти-ҳаракатларини одобсизликка йўйишиди: «Ўзингники ўзагингни узади»; Юлия Михайловнани эса тугал-тўкис юксак заковат эгаси деб топишди.

Шундай килиб, ниҳоят, Николай Всееволовичнинг ўзи кўриниш берганда, уни ўша жўн жиддият билан карши олишди, унга қаратилмиш барча кўзлардан ўта бетоқат муштоқлик аломатларини ўқиш мумкин эди. Николай Всееволович дарҳол ўта сипо тус олди ва миқ этиб оғиз очмади, коп-коп гап айтгандан кўра шуниси ҳам ҳаммага айниқса маъқул тушди. Қисқаси, унинг омади юришган, ҳамманинг оғзига тушганди. Вилоятнинг жамиятида кимда-ким бир марта кўзга ташланса, шундан сўнг яширининшнинг сира иложи йўқ. Николай Всееволович вилоят конун-қоидаларию расм-руsumларини худди аввалгидай миридан-сиригача нозик дўндириб бажаради. Уни шўх-кувнок деб бўлмасди: «Бошига кўп иш тушган, бошқаларга ўхшамайди; ўйламасдан бўладими». Унинг мағрурлиги, ёнига ҳеч кимни йўлатмаслиги боис тўрт йил бурун уни ёмон кўришарди, энди булар одамларга ёқар, ҳурмат қилишарди.

Ҳаммадан ҳам Варвара Петровнанинг боши осмонда эди. Билмадим, Лизавета Николаевна борасидаги орзулари пучга чиққанидан у пушаймон қиласидими, йўқми. Бу ерда оиланинг шаъни, фурури ёрдам берган бўлиши керак. Факат ғалати томони шуки, Варвара Петровна бирданига Nicolas ҳакикатан граф К. хонадонидан киз сайлаганига жуда қаттиқ ишонди ва бошқа яна бир ғалати жиҳати, худ-

ди бошқалар каби у ҳам шамол учиреб келган овозаларни чин деб билди; ўзи эса тўғри Николай Всееволодовичнинг ўзидан сўрашга юраги бетламасди. Бирок, бир-икки марта сабри чидамади ва нега онанг билан мундок очилиб гаплашмайсан, деб киши билмас тъяна килди; Николай Всееволодович эса жилмайганча оғиз очмасди. Шундан сукунат розилик аломати деб қабул қилинарди. Яна нима дейсиз: шулар билан бирга у ҳеч қачон оқсок аёлни ёдидан чиқармасди. У ҳақдаги фикр юрагида тош бўлиб ётар, уни васвасалар, ғалати шарпалар, фоллар кийнарди ва буларнинг барига граф К.нинг кизлари ҳакидаги орзулар бир вактнинг ўзида қоришиб кетарди. Лекин бу борадаги гап ҳали олдинда. Ўз-ўзидан равшанки, жамият аъзолари ўртасида Варвара Петровнага яна фавқулодда ва сермулозамат ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўла бошладилар, аммо бундан у кўпда фойдаланмас, меҳмон-изломга жуда кам борарди.

Бирок у ҳокимнинг рафиқасини тантанали суратда бориб кўрди. Юлия Михайловна дворянлар саркори рафиқасининг зиёфатида айтган юқорида келтирилган сўзларидан ҳеч ким унингдек тўлкинланмаган, мафтун бўлмаганди, албатта: шунда унинг елкасини эзиб ётган тош тушгандай бўлди, уни ўша нахс якшанбадан буён бунчалар эзиб ётган, азоб берған нарсаларнинг кўпи бирдан йитди-да кетди. «Мен бу хотинни тушунмаган эканман!» – деб айтди у ўзига хос шиддат ва талпинчоқлик билан тўғри Юлия Михайловнанинг ўзига: сизга миннатдорчилик билдиргани келдим, деди. Юлия Михайловнанинг боши қўкка етди, аммо ўзини улугвор тутди. Ўша пайтларда у ўз қадр-кимматини жуда баланд тута бошлаган, баъзида ҳаддан ҳам ошириб юборарди. Мисол учун, сўйлашиб ўтиришаркан, мен ҳеч қачон Степан Трофимовичнинг фаолияти ва олимлиги ҳакида ҳеч нарса эшитмаганман, деди.

– Мен, албатта, ёш Верховенскийни ёнимга олганман, ундан меҳримни аямайман. У шошқалок, аммо ҳали ёш; илм-билими ҳам катта. Лекин у бари бир қандайдир назардан колган собиқ танқидчи эмас-да.

Ўша заҳоти бунга жавобан Варвара Петровна, Степан Трофимович хеч қачон танқидчи бўлмаган, умр бўйи менинг уйимда яшаб келяпти, деди. Узининг илк даври юксалишлари ҳол-аҳволлари билан машхур, «буларнинг бари бутун дунёга яхши мъълум», энг сўнгги пайтларда эса – испан тарихидан асарлар яратди; яна ҳозирги немис университетларининг аҳволи ҳамда Дрезден Мадоннаси ҳакида нималардир ёзишни ният килган. Бир сўз билан айтганда, Варвара Петровна Степан Трофимовични Юлия Михайловнага талатиб қўйишни истамади.

– Дрезден Мадоннаси дейсизми? Бу ўша Сикстин Мадоннасими? Chere Варвара Петровна, мен бу сурат олдида икки соат ўтириб, кўнглим тўлмади. Мен хеч вакони тушунмадим ва жуда ҳайрон колдим. Кармазинов ҳам тушуниш жуда кийин дейди. Энди, руслар ҳам, инглизлар ҳам хеч нарса топишолмай ҳайрон. Бу шуҳратлар ҳаммаси чолларнинг бакир-чакири.

– Янги модадир-да?

– Мен эсам, шундай фикрдаманки, биз ёшларимизни камситмаслигимиз керак. Улар коммунист бўлиб кетди, дейишиб айюҳаннос солишади, менимча, уларни аяш ва қадрлаш лозим. Мен ҳозир ҳаммасини ўқиб боряпман – ҳамма газеталар, коммуналар, табииёт фанлари – ҳаммасини оламан, чунки энди охир-оқибат ким билан яшайдётганинг ва ким билан ишлайтганингни билиш керак-ку, ахир. Бир умр ўз хаёлларингнинг юксак чўккисида яшаб бўлмайди-ку. Мен ўзим учун хулоса чиқардим ва ёшларга ғамхўрлик килишни ўзимга дастуриламал қилиб олдим, шу билан уларни жарга кулаб кетишдан сақлаб қолмокчиман. Варвара Петровна, менинг сўзимга ишонинг, факат биз, жамият аъзоларигина жонбахш таъсиrimиз ва айнан меҳримиз билангина уларни тубсиз жар ёқасида тутиб кола оламиз, анави нурли-нурсиз қари-қартангларнинг токатсизликлари уларни жарга иткитиб юборишга тайёр. Дарвоке, менга Степан Трофимовични сўзлаб берганингиздан хурсандман. Миямга бир фикр келиб колди: у бизнинг адабий ўқишлиаримизда фойда келтириши мумкин.

Биласизми, вилятимиздаги ночор мураббияларга ёрдам тариқасида пуллик ёзилиш йўли билан бир кунлик томоша, ўйин-кулгилар ташкил этмоқчиман. Улар бутун Россияда бор; бизнинг битта уездимиизда олтитагача чикади, улардан ташқари иккита телеграфчи киз ишлайди, иккитаси академияда ўқийди, бошқалари хам соҳлашади-ю, лекин бунга маблаглари йўқ. Рус аёлининг кисмати жуда ёмон, Варвара Петровна! Энди бу масалани университетларда кўришмоқчи, хатто давлат кенгашининг мажлисида хам кўриб чикилди. Бизнинг ажабтовур Россиямизда нима маъкул келса, ўшани килиш мумкин. Шунинг учун хам, яна факат шу меҳр-ғамхўрлик ҳамда бутун жамиятнинг бевосита ҳароратли иштироки билан мана шу буюк умумий ишимизни чинакам ҳакиқий йўлга солишимиз мумкин. О худойим, бизда ёркин шахслар кўп дейсизми! Борликка, албатта, бор-а, аммо улар тарқоқ. Жипслашайлик ахир ва биз кучли бўлажакмиз. Бир сўз билан айтганда, мен аввал адабий-бадиий эрталик уюштираман, кейин енгил нонушта, сўнг танаффус ва ўша куни кечдаёқ бал. Биз кечани жонли манзаралар билан бошламоқчи эдик, аммо харажати кўп бўладиганга ўхшайди, шунинг учун йигилганлар никоб таккан раккосларнинг икки давра ўйинларини кўришади, улар маълум адабий йўналишларни тасвирловчи ўзига хос лиbosларда чиқадилар. Бу кизик кулгили фикрни Кармазинов айтди; у менга кўп ёрдам беряпти. Биласизми, у бизга хали ҳеч кимга маълум бўлмаган охириги асарини ўқиб беради. У каламини ташламоқчи ва бошқа ёзмайди; бу охириги рисоласида у ўқувчилар билан хайрлашади. У рисоласига «Месси» деган чиройли ном топган. Французча, лекин у буни кулгилироқ, хатто нафисроқ, дейди. Мен хам, мен хам хатто маслаҳат бердим. Менимча, Степан Трофимович хам ўзи ўқиб бериши мумкин эди, агар кискароқ ва... унчалар илмий бўлмаса. Афтидан, Петр Степанович билан яна аллакимлар бир нималарни ўқиб беришмоқчи. Петр Степанович сизнинг олдингизга кириб ўтади ва дастурни элтади; ё яхшиси, ижозат берсангиз, ўзим олдингизга бораман.

Ф. М. Достоевский

– Сиз эса менинг ҳам бунга ёзилишимга рухсат этинг. Мен Степан Трофимовичга айтаман ва ўзим ундан илтимос қиласман.

Варвара Петровна уйга тамоман сеҳрланган ҳолда кайтди; у Юлия Михайловнани ҳар томонлама қўллар ва нима учундир Степан Трофимовичдан қаттиқ жаҳли чиқди; у шўрлик эса уйда ўтириб хеч нарсадан хабари йўқ эди.

– Мен бу хотинга мафтун бўлиб колдим, тушунмайман, нега шу пайтгача у хақда янгишиб юрган эканман, – деди у Николай Всеғолович билан кечга томон бу ерга келган Петр Степановичга.

– Сиз барни бир кария билан ярашиб олишингиз керак, – дейди Петр Степанович, – у ич-этини еб қўйди. Сиз уни бутунлай ошхонага бадарға қилиб юборибсиз. Кеча у сизнинг коляскангизга рўпара келиб таъзим қилган экан, сиз юзингизни ўғирибсиз. Биласизми, биз уни илгари сурмокчимиз; мен у билан боғлик баъзи нарсаларни паккага олиб қўйдим, у ҳали фойда келтириши мумкин.

– О, у асар ўкиб беради.

– Ёлғиз шунинг ўзи эмас. Мен ўзим ҳам бугун унинг олдига дарров кириб ўтмоқчиман. Унга айтиб қўяйми?

– Таъбингиз. Билмасам, буни қандай кильмоқчи бўласиз, – ботинмайрок деди Варвара Петровна. – Мен ўзим у билан гаплашиб олмоқчи эдим, қаерда, качон учрашсак бўлади, шуни айтмоқчидим. – У ковогини уйиб олди.

– Хўп, кун тайнинлаб ўтириш шарт эмас. Мен унга маълум қилиб қўя қоламан.

– Майли, айтиб қўйинг. Ҳар ҳолда, мен тайин бир кунни белгилайман, унга албатта, шундай денг.

Петр Степанович иршайганча югуриб кетди. Умуман, эсимда қолганки, у шу кунларда қандайдир хуноби ошиб тажанг бўлиб юрар, ким кўринса, шундан худди аламини олмоқчидай хурмача қиликлар киларди. Кизик, унга ҳаммасини кечириб юбораверишарди. Умуман, шундай бир фикрга келиниб колган эдики, бу йигитга бошқача, алоҳида бир қараш, муомала жоиз. Айтиб қўяй, у Николай Всеғоловичнинг яккама-якка олишувига беҳад қаҳру

ғазаби келиб қаради. У ҳеч буни кутмаганди: унга хикоя қилиб беришганда, у ҳатто кулдай қўкариб кетди. Ўзини худди иззат-нафси ерга урилгандай сезди: нечукдирки воеани фактат эртасига ҳаммадан кейин билди.

— Сизнинг ахир жанг килишга хақингиз йўқ эди, — деб пичирлади у Ставрогиннинг қулоғига тасодифан клубда учрашиб колгандарида воеа бўлиб ўтгандан беш кун кеин. Қизиги яна шунда эдики, улар шу беш кун ичидаги ҳеч қаерда қўришмаган эдилар, ҳолбуки, Петр Степанович Варвара Петровнанинг ҳузурига деярли ҳар куни бирров кириб, чикиб турарди.

Николай Всеволодович унга ўта паришон нигоҳ билан сарасоғ ташлади-ю, нима гаплигини тушунмагандай бўлиб индамай, тўхтамай ўтиб кетди. У клубнинг катта залидан буфетга ўтиб борарди.

— Сиз Шатовнинг олдига ҳам кирибсиз... Сиз Марья Тимофеевнани ошкор қиммоқчи эмишсиз, — унинг оркасидан чопкиллаб ва ҳатто қандайдир фаромуш ҳолда оғзи тинмай гапиради унинг елкасидан тутиб.

Николай Всеволодович бирдан елкасидан унинг қўлларини силтаб ташлади ва ковоини қаҳрли уйиб, шиддат билан ўтирилиб қаради. Петр Степанович унга жуда ғалати, узок жилмайиб боқди. Бу бир зумгина давом этди. Николай Всеволодович нари ўтиб кетди.

II

Варвара Петровнанинг олдидан чиқиб, у дарҳол қариянинг ҳузурига йўл олди, унинг бундай шошилаётганининг бирдан-бир боиси олдинги бир хафагарчиликнинг ўчини олмоқчи эди, мен бундан шу пайтгача бехабар эдим. Гап шундаки, ота-боланинг ўтган хафта айни пайшанба куни бўлиб ўтган охирги учрашувларида бир ёқаси, ўзи баҳсни бошлаган Степан Трофимович охирида Петр Степановични таёқ кўтариб уйдан ҳайдаб чикарганди. Бу нарсанни ўшанда у мендан яширганди; бирок мана энди Петр Степанович ҳар қачонгидай майдача такаббурона қийшик

жилмайган күйи хар томонга күзлари олазарак бўлиб, ёвуз бир кизиксиниб караганча кириб келганда, Степан Трофимович шу захоти менга, сен чиқиб кетма деган маънода хуфя ишора килиб кўйди. Уларнинг ҳакикий муносабатлари менга шундай аён бўлди, зеро, бу гал ораларида ўтган гап-сўзлардан бошдан-оёқ хабардор бўлдим.

Степан Трофимович нимкат (кушетка)да узаниб ўтиради. Ўтган пайшанбадан бери у озиб, сарғайиб қолганди. Петр Степанович унинг ёнида тамомила бетакаллуфона, оёгини хеч тортинмай тагига босиб, отасидан кўра кўпроқ жойни эгаллаб ялпайиб ўтиради. Степан Трофимович индамай ўз шаънини саклаб нари сурилди.

Стол устида очилган китоб ётарди. Бу «Нима килмок керак?» деган роман эди. Афсуски, мен дўстимизнинг ғалати бир сустлиги ҳакида айтиб ўтмасам бўлмайди: у мен энди хилватдан чиқишим ва охирги маротаба жанг килишим керак, деб орзу килар ва бу орзу унинг васвос хаёлида борган сари кучайиб, мустаҳкамланиб борарди. У «чийиллаганлар» билан мукаррар тўкнашиб коладиган бўлса, олдиндан барча усууларию важ-корсонларини билиб кўяй деб, уларнинг энг асосий «катехизислари»га (акиданома) карашни лозим кўрган, шу йўл билан уларнинг барча номайи дастурларини маҳбубаси кўз ўнгига тантанали тарзда инкор ва рад этишни ният килганди, у романни шу максадда топиб, ўкиб ўрганаётганлигини фаҳмладим. О, бу китоб уни канчалар кийнокка соларди! У баъзан каттиқ дилтсанг бўлиб, китобни иткитиб юборар ва ўрнидан дик этиб туриб кетиб, жазава ичида хонада у ёқдан-бу ёкка юарди.

– Мен муаллифнинг асосий гояси тўғрилигига кўшиламан, – дерди у менга иситма ичида, – лекин худди шуниси билан даҳшатлироқ! Айни ўша бизнинг гоямизнинг ўзи, бизнинг ғоямиз; биз, биз биринчи бўлиб уни экканмиз, ўстирганмиз, хозирлаганмиз, – боз устига биздан кейин уларнинг ўзлари нима янғи гап айтоладилар! Бирор, воҳ, худойим, бунинг ифодасини каранг, бузилгани, абжаги чиққанини каранг! – хитоб устига хитоб киларди

у бармоқлари билан китобни тақиллатиб уриб. – Бизми, шундай хуласаларга интилган эдик? Дастанлабки фикр қандай бўлганлигини ким бу ердан аниклай олади?

– Ҳа, маърифатингни яширяпсанми? – иршайди Петр Степанович китобни столдан олиб сарлавҳасини ўқиркан.
– Айни вакти. Агар хоҳласанг, сенга бундан яхшироқлари ни ҳам келтираман.

Степан Трофимович яна мағрур сўз котмади. Мен тўрдаги диванда ўтиргандим.

Петр Степанович нима мақсадда келганлигини тез тушириди. Ўз-ўзидан равшанки, Степан Трофимович хаддан ташқари таажжубга тушди, у бехад дарғазаб бўлиб, кўркув оғушида тингларди.

– Яна ўша Юлия Михайловна мени келиб ўқийди, деб ўйлаяптими ҳали!

– Яъни улар сенга сира ҳам муҳтоҷ эмаслар, ахир. Аксинча, бу сен ҳақингда ғамхўрлик, шу йўл билан сен Варвара Петровнага ҳам суйкалиб борасан. Лекин бари бир ўқимайман деб айтолмайсан, журъатинг етмайди. Ўйлашимча, ўзинг ичингда жон деб турибсан, – иршайди у, – рост, қариган-чуриган чолларимиз жуда жizzаки. Бирок қулок сол, ўлардай зерикарли бўлиб кетмасин-да. Нимани ўқийсан ўзи, испанларнинг тарихиними? Сен менга уч кун олдин кўришга бер, акс ҳолда ҳаммани ухлатиб қўйма тағин.

Бу шоша-пиша қўполдан-қўпол, очиқдан-очик найза санчишлар атайлаб килинаётганлиги аник кўриниб туради. Инчунин, Степан Трофимович билан бошка мулойим тил ва нафис тушунчалар воситасида гаплашиб бўлмайди, деб гўё писандада килинарди. Степан Трофимович ҳамон махкам туриб бу мазахларга эътибор бермасди. Аммо унга етказилаётган ҳодисалар уни борган сари каттиқ ларзага соларди.

– Унинг ўзи буни... сиз орқали менга етказишни тайинладими? – сўради ранги окариб.

– Яъни, кара, у ўзаро гаплашиб олишларингиз учун вактини ва жойини таклиф килмокчи; бу қўнгилчан му-

Ф. М. Достоевский

- Лекин, қани, бир ўзинг айт-чи, газанда, сен менинг ўғлилмисан, йўкми?
- Бунисини сен яхшиrok биласан. Албатта, ҳар бир ота бундай холда ўзини кўр бўлгандай тутади...
- Жим бўл, жим бўл! – дағ-даг титради Степан Трофимович.
- Ўзинг кара, худди ўтган галгидай яна бақир-чакир қиляпсан, яна менга таёқ ўқталасан, мен нима, ўшанда битта хужжатни топиб олдим. Қизикиб кетиб бутун оқшомни чамадонни титкилаб ўтказдим. Рост, аниқ бир гап йўқ, кўнглинг жойига тушсин. Бу анов полякка онамнинг хати. Аммо, онамнинг феъл-авторига қараганда...
- Яна бир оғиз гапирсанг, шапалок тортиб юбораман.
- Вой, одамлар-ей! – бирдан менга қараб мурожаат килди Петр Степанович. – Кўрдингизми, ўтган пайшанбадан бери ахвол шунака. Сиз шу ерда экансиз, хурсандман, ўзингиз бир хулоса чиқарарсиз жиллакурса. Битта далил: мен онам ҳақида гапирсан, у хуноб бўлади, аммо унинг ўзи мени шунга мажбур кильмаяптими? Петербургда, мен гимназияда ўқиб юрган пайтларимда ким мени кечалари икки маротабалаб уйқудан уйғотиб, кучоклаб, худди хотинлардай йиглаб, нималарни гапириб берганлигини биласизми? Онам ҳақидаги бепарда, беҳаё ҳангомалар! Биринчи марта унинг ўз оғзидан эшитганман!
- О, мен ўшанда буни энг юксак маънода айтганман! О, сен мени тушунмабсан! Ҳеч нарса, ҳеч нарса тушунмабсан.
- Лекин, ҳар холда, сен мендан кўра тубанрок қилиб айтгансан, тубанрок, тўғрими, бўйнингга ол. Лекин ўзинг кара яна, ахир менга бари бир. Мен сенинг нуктаи назарингдан айтяпман. Менинг нуктаи назаримдан эса, сен ташвиш тортма: мен онамни айбламайман, сен бўлсанг, сен, поляк бўлса поляк, менга фарқи йўқ. Берлинда ишларингиз чаток бўлганига мен айбдор эмасман. Сиз иккингиздан бошқа ақллирок нарсани кутиб ҳам бўлмасди. Шуларнинг ҳаммаси жуда кулгили эмасми, ахир! Ўғлингманми, ўғлинг эмасманми, сенга бунинг нима фарқи бор?

Кулок солинг, – деб мурожаат килди у яна менга, – у менга бир умр сарик чака ҳам сарф килгани йўқ, ўн олти ёшга киргунимча мени бир марта ҳам кўрмаган, кейин бу ерда мени хонавайрон килди, энди эса сени бир умр юрагимда асраб келганман, деб кичкиради, олдимда худди актёрлардай ўйин килади. Э, барака топкур, мен сенга Варвара Петровна эмасман, худо сакласин!

У ўрнидан туриб, шляпасини олди.

– Шу дамдан эътиборан сени оқ қилдим! – ўғлининг устидан қўлини чўзди Степан Трофимович ранги ўликдай окариб.

– Ана, кандай тентаклик! – ҳатто ҳайрон бўлиб колди Петр Степанович.

– Бўпти, алвидо, кария, бошка ҳеч қачон олдингга келмайман. Рисолани олдинрок келтир, қўлингдан келса, бемяни гапларни ёзма: фактлар, фактлар ва яна фактлар, яна муҳими, киска бўлсин. Алвидо.

III

Дарвоке, бу ерда бошка баҳона-сабаблар ҳам йўқ эмасди. Падари борасида Петр Степановичнинг баъзи бир нијатлари ҳақиқатан пишиб етилганди. Менимча, у карияни тамоман аянчли умидсиз бир ахволга солмокчи ва маълум бир маънода уни қандайдир аён жанжал-тўполонга итариб юбормокчи эди. Бу унга бундан кейинги бошка чет мақсадлари учун керак эди, биз булар ҳакида кейинрок тўхталашиб. Мана шу ҷоғларда шу сингари хисоб-китоблар, мўлжаллар унда бехад кўп йигилган эди, – лекин бари қариб хомхайларга менгзарди. У Степан Трофимовичдан бошка яна бир жафокашни кўз остига олиб қўйганди. Кейинчалик маълум бўлдики, умуман, унинг бундай жафокашлари оз эмас экан; аммо улардан биттасини у алохида кўз остига олганди, бу эса айни жаноб фон Лембкенинг ўзи эди.

Андрей Антонович фон Лембке хисобларга кўра Россияда бир неча юз мингларни ташкил этувчи арзанда бир

Ф. М. Достоевский

кавмга (табиат томонидан) мансуб зот бўлиб, бу кавм балки ўзи билмаган холда жамулжам қурч иттифокқа бирлашганди. Албатта, бу иттифоқ олдиндан қасддан ўйлаб топилмаган, балки ўз-ўзича, сўзсиз ва шартномасиз, қандайдир маънавий-ахлоқий мажбурият макомида умргузаронлик килар ва ушбу қавмнинг барча аъзолари ҳар доим, ҳар ерда ва ҳар қандай шароитда бир-бирларини ўзаро қўллаб-куватлашар, мададкорлик килишарди. Андрей Антонович рус олий ўкув муассасаларидан бирида тарбияланиш шарафиға мұяссар бўлган эди, бу олий ўкув юртида алокалари кенг тармок отган, бой-бадавлат хонадонларнинг ўсмир ёшлари таълим олишарди. Ўкув юртининг тарбияланувчилари ўкишни тутгатишлари ҳамонок давлат хизматининг бир бўлимига хийлагина йирик мансаб курсиларига тайинланардилар. Андрей Антоновичнинг бир амакиси инженер-подполковник, иккинчиси нонвой эди; аммо олий ўкув юртига суқилиб кириб олди ва бу ерда ўзига ўхшаган қавмдошларни кўплаб учратди. У шўх-кувнок ўрток эди; ўкиши тўнгаккина бўлса ҳам, барча уни ёқтиради. Аксаран, рус ёшлари юкори синфларга ўтгач, анча юксак замонавий масалалар устида мухокама юритиб, мана, бизларга кўйиб беринглар-чи, битириб чикканимиздан сўнг ҳаммасини ўзимиз ҳал қилиб ташлаймиз, деб хезланиб тургандарида, Андрей Антонович ҳамон ўта маъсум одми ўкув машғулотлари билан шуғулланишда давом этарди. У ўзининг содда, бироз уятсизроқ киликлари билан ҳаммани кулдириб юрар, буни ўзининг олдига максад қилиб қўйганди. Дам муаллим маъруза пайтида унга савол билан мурожаат қилиб колса, у қандайдир кизичасига бурнини қокар, – ва бу килиғи билан муаллимни ҳам, ўртоқларини ҳам кулдиради; дам ётотхонада қандайдир бепардароқ жонли томоша кўрсатар, ҳамманинг олқишини оларди; дам факат бурни билан (жуда койиллатиб) «Фра-Диаволо»¹³⁴ дан увертюра ижро этарди. Ўзини атай искирт, палпис қилиб кўрсатар, нечукдур буни кизик

¹³⁴ Француз бастакори Д.Ф.Обернинг (1782-1871) кулгили операси (1830 й).

бир нарса деб топарди. Охирги йили у русча шеърлар ёза бошлади. Қавмнинг Россиядаги кўпгина вакиллари каби у ўзининг қавмга мансуб тилини саводхонлик даражасида чукур билмасди. Шеър ёзишга кизикиши туфайли у тумтайган, уриб шалайим килиб ташлангандек кўрина-диган ўртоги билан яқинлашди, бу йигитча камбагаллашиб колган рус генералининг ўғли бўлиб, ўқув даргоҳида бўлажак буюк адабиётчи деб хисобланарди. У ёш шоирни ҳомийлик каноти остига олди. Шундай бўлиб колдики, ўкишни битиргандаридан сўнг ушбу бадковоқ ошно ўз хизмат соҳасини рус адабиётининг равнақи учун ташлаб, энди йиртиқ этикда лой кечиб, кеч аёз кузда енгил пальто кийиб, совуқда дилдираб юрарди, у кутилмаганда уч йилдан кейин Аничков кўпригига собиқ шогирди Лембке-ни учратиб қолди, ўқув юртида уни ҳамма «Лембку» деб чақиришарди. Нима бўлди денг? Уни дастлаб бир қараашда таниёлмади ва ҳайрон бўлиб тўхтади. Унинг рўпарасида чиройли, шинам кийинган ёш йигит турарди, у ажиб бир тарзда қизгимтир чакка сокол қўйган, бир кўзли кўзойнак (пенсне) таққан, лакланган ийлтирок этик кийган, кўлида янги кўлкоп, устида кенг шармер пальто, кўлтиғида порт-фел кистирилганди. Лембке ўртогига меҳрини сочди, ўзининг каерда туришини айтди ва бирон кун кечкурун меҳмонга чақирди. Аммо бу пайтга келиб у энди қуруқ «Лембке» эмас, тўлик фон Лембкега айланганди. Ўртоги унинг уйига ёлғиз қандайдир кин боис меҳмон бўлиб борди. Унча ҳам чиройли ва ҳашаматли бўлмаган, лекин устига қизил қалин мовут ёзилган пиллапояда уни эшикоға кутиб олди ва кимлигини суриштириди. Тепага жаранг-журунг кўнгирок чалинди. Мехмон ўзи кутган катта бойлик ўрнига ёнбошдаги чоғроқкина хонада ўзининг ўртоги «Лембку»ни кўрди, хона коронғу ва эски, катта корамтири-кўк парда уни кок иккига ажратиб турар, юмшок эса-да, лекин жуда эски кора-кўк мебел билан жиҳозланган, тор ва юксак деразаларга кора-кўк дарпардалар тортилганди. Фон Лембке ўзига раҳнамолик килган генералнинг қандайдир жуда узок бир қариндошиникида жойлашганди. У меҳ-

монни очик чехра билан кутиб олди, ўзи сипо, мулойим одоб билан муомала киларди. Жуда узок ва чукур кетмай адабиёт ҳакида гаплашишди. Ок бўйинбог таққан хизматкор нимтатиргина чой ва кичкина, думалоқ қуруқ печений келтирди. Ўртоғи кин билан маъданли сув сўради. Сувни бироз кечикиб келтиришди, Лембке хизматкорга яна бир карра уктириб ва яна бир карра буюриб, бироз хижолат чекди. Яна ўзи меҳмондан биронта таом келтирисинларми, деб сўради, меҳмон рад этгач, бундан мамнун бўлди, нихоят, меҳмон кетди. Умас-бумас, Лембке хизмат пилла-поясидан кўтарила бошлаган ва бу пайтда ўзи билан бир кавмдан бўлган катта генералнинг уйида яшаб турарди.

Ўша пайтда у генералнинг бешинчи кизига кўнгил кўйган, чамаси, киз ҳам унга бефарқ эмасди. Аммо бари бир Амалияни вакти-соати келганда кари генералнинг кадим ошнаси, кексароқ билан заводчи немисга узатишиди. Андрей Антонович узок йиглаб-сиктаб ўтирмади, когозлардан елимлаб бир театр ясади. Қоғоз театр ичидага парда кўтарилаарди, актёрлар чиқиб келар ва кўлларини силкитар эдилар; ложада томошибинлар ўтиришар, оркестр ишора билан камонларни гижжакларга тортар, капелмейстер таёқчасини ўйнатар, кавалерлар ва зобитлар партерда ўтириб карсак чалишарди. Ҳаммаси когоздан ясалган, ҳаммасини фон Лембкенинг ўзи ўйлаб топған ва кўндириганди; у театр устида ярим йил ўтириди. Генерал атай бир оила кечаси уюштириди, театрни олиб чиқишиди, Амалия билан бирга генералнинг бешта кизи, заводчи бой ва жуда кўп ойим ҳамда бегойимлар ўзларининг немислари билан диккат кўйиб томоша килишиб, театрни макташди; кейин рақсга тушишди. Лембке гоятда мамнун бўлди ва юрак доғларидан қутулди.

Йиллар ўтди, хизматлар юкорилаб борди. Кўзга кўринган жойларда хизмат қилди, доим кавмдошлари раҳбарлигига ишлади ва ёшига нисбатан анча эътиборга сазовор лавозимларга эришиди. Кўпдан буён уйланишни хаёл килар ва анчадан бери эҳтиёткорлик билан киз кидиради. Бошликларга билдирамай бир журнал таҳририятига

киссасини жүнатган эди, аммо уни босиб чиқаришмади. Бирок үтириб бутун бир темир йўл поездини ясади, яна бир ажойиб нарса чиқди: одамлар вокзалдан чемоданлар ва юклар, болалари ва лайчаларини кўтариб чиқишар, яна вагонларга киришарди. Кондукторлар ва хизматчи-лар у ёк-бу ёкка юришар, кўнгирок чалинар, сигнал берилаш, шундан сўнг поезд йўлга тушарди. Бу алламбало нарса устида у бир йил үтирди. Аммо бари бир уйланиш керак эди. Унинг таниш-билиш доиралари гоят катта, ак-саран, немислар дунёсидан эди; аммо у рус доираларида ҳам айланиб юрар, кўпроқ албатта, бошликлар ўртасида бўларди. Ниҳоят, ёши ўттиз саккизга кирганда унга мерос ҳам тегиб колди. Нонвой амакиси казо қилиб, унга ўн уч мингни васият килиб колдириди. Энди жой масаласи колди, холос. Жаноб фон Лембке анча обрўли юкори хизмат доираларида фаолият юритса ҳам, ўта камтарин одам эди. Унга кандайдир мустакил хукумат идораси бўлса, бас эди, унинг фармойишлари бўйича ўтин ғамланиб турса ёки шунга ўхшаган ёғликкина бир жой бўлса, кифоя эди, бир умр шундай ишлашга рози эди. Лекин худди шу аснода кўпдан кўз тутилган Минна ёки Эрнестина ўрнига кутилмаганда Юлия Михайловна ўнг келиб колди. Унинг амали дарҳол бир поғона баланд кўтарилди. Камтар ва батартиб фон Лембке шунда иззатталаб бўлишга ўзининг ҳаки борлигини сезди.

Эски тартиб-хисоб бўйича Юлия Михайловнанинг икки юзта қароли бор эди, бундан ташкари у ҳар томонлама кўллаб-кувватланарди. Бошка бир томондан, фон Лембке чиройли одам эди, Юлия Михайловна эса кирклардан ошиб қолганди. Ажойиби шундаки, у аста-секин ростдан ҳам уни яхши кўриб колди, ўзини куёв деб хис килгани сайин бу туйғу кучая борди. Тўй куни эрталаб кизга шеър ёзиб жўнатди. Кизга буларнинг ҳаммаси жуда ёкар, ҳатто шеър ҳам ўзига ёқди: кирк ёш ҳазил эмас-да. Кўп ўтмай у маълум унвон ва маълум бир орден нишон олди, ана шундан сўнг бизнинг вилоятимизга тайинланиб келди.

Бизга келишдан бурун Юлия Михайловна эрининг устида қунт билан ишлади. Унинг фикрича, эрининг кобилиятлари ҳам йўқ эмасди, кириб бориш ва қўриниш беришни койиллатар, хаёлга ботиб эшитиш ва жим ўтириши боплар, викор ва салобат билан кад ростлаб туришларни билар, ҳатто нутк ирод эта олар, ҳатто баъзи бир фикр парчалари, ибтидо ва интихоларига эга, энг янги зарур либерализм жилваларини ҳам ўзлаштириб улгурганди. Шу билан бирга, унинг қандайдир сезгир эмаслиги, узок вакт мансаб ортидан кувгандан сўнг, эндиликда тинч-осуда хаёт кечиришга ўта мойил бўлиб колганлиги Юлия Михайловнани ташвишга соларди. Унга ўзининг шухратга ўчлигини юктиришни истарди, у эса кутилмагандан немис черковини коғоз елимлаб ясай бошлади: пастор хутба ўкишга чикади, художўлар қўлларини таъзимга келтириб сомелик килади, бир аёл рўмолчаси билан кўз ёшлини артади, бир кария бурнини кокарди, охирида мўъжаз арганун жаранглаб куй таратарди; анча-мунча харажат-чикимга қарамай арганун атайин Швейцариядан буюртма бериб келтирилганди. Юлия Михайловна бундан хабардор бўлгани захоти қандайдир кўркиб кетиб, бутун ишни тортиб олди-да, ўзининг кутисига яшириб кўйди; бунинг ўрнига унга роман ёзишга ижозат берди, факат ҳеч ким билмасин, деди. Ўшандан буён фактат ўзига ишонадиган бўлиб қолди. Чатток томони шунда эдики, бунда анча-мунча енгилтаклиқ ва акли кўтахлик зохир эди. Қисмат уни узок вакт қари киз ҳолида тутиб турган эди. Энди унинг шон-шухратга ўч ва алланечук аламангиз аклида ғоя кетидан ғоялар тугилиб келарди. Унинг хаёли ният-орзулар билан тўлиб-тошган, у вилоятни бошқаришни жон-дилдан истар, ҳозирнинг ўзидаёқ атрофини аъён-ашрофлар куршаб туришларини орзу қилар, шунга яраша йўналиш олганди. Фон Лембке ҳатто бироз чўчили, лекин тез орада ўзининг амалдорона андешаси билан англаб етдики, умуман ҳокимлиги борасида кўркиб ўтиришга ҳожат йўқ экан. Даастлабки икки, уч ой, ҳатто анча кониқарли кечди. Аммо кейин орага Петр Сте-

панович сүқилиб кириб қолди-ю, ғалати-галати воқеалар содир бўла бошлади.

Гап шундаки, ёш Верховенский илк қадамиданоқ Андрей Антоновичнинг хурматини жойига қўймай, унинг устидан ўзига ғалати бир ҳак козонди, эрининг обрў-эътиборини қаттиқ туриб қўргайдиган Юлия Михайловна эса, бунга бутунлай эътибор бермасди; ҳар холда аҳамият бериб қарамасди. Ёш йигит унинг арзандасига айланиб қолди, унинг уйида еб-ичар, ҳатто ётиб ухларди. Фон Лембке ўзини муҳофаза кила бошлади, одамлар ўртасида уни «йигитча» деб чақирав, елкасига химояткорона кокиб-сүқиб кўярди, лекин булар билан ҳеч нарса ўзгаргани йўқ: Петр Степанович эса, чамаси, ҳатто жиддий гап устида ҳам гўё доим унинг устидан кулаётгандай бўлар, одамлар орасида турганда ҳам унга куракда турмайдиган сўзларни айтиб юбораверарди. Андрей Антонович бир куни уйга кайтиб, йигитча ҳеч қандай таклифсиз унинг хонасида диванда ухлаб ётгани устидан чиқди. Йигитча сизни сўраб келган эдим, йўқ экансиз, «мизгиб қолибман» деб баҳона қилди. Фон Лембке диккат бўлди ва яна хотинига арз қилди; хотини унинг тажанглигидан кулди ва айб ўзингизда, оёқда маҳкам туролмайсиз, деб пичинг қилди; ҳар холда «бу бола ҳеч қачон менинг олдимда одобсизлик қилмайди», деди; нима деганда ҳам, «у содда ва думбул, ҳали жамият чириғидан ташқарида», деб қўшиб қўйди; фон Лембке аразлади. Ўшанда хотини уларни яраштириб қўйди. Петр Степанович кечирим сўраш ўрнига қандайдир қўпол ҳазил билан кутулди, бошка бир пайт бўлганда бу ҳазилни яна бир ҳакоратдай қабул килиш мумкин эди; аммо айни пайтда тавба-пушаймон ўрнида қўришди. Заиф жойи шунда эдики, Андрей Антонович аввалданоқ фириб еб қўйди, яъники йигитчага ўзининг роман ёзганини маълум қилди. Йигитчани не хаёлда адабиётга яқин деб билдими ё анчадан буён бир ўкувчини орзу килиб юрганиданми, у илк танишиб олган кезларидаёқ бир куни кечқурун унга икки бобни ўқиб берди. Йигитча зерикканлигини яширмади, тинмай эснади, бир оғиз ҳам мактамади, аммо кетаётганда,

Ф. М. Достоевский

бүш вактлари уйда бемалол ўкиб фикр ҳосил килиш учун кўлёзмани сўраб олиб кетди, Андрей Антонович эса бериб юборди. Ўшандан бери у ҳар куни келиб турса ҳам, кўлёзмани кайтармас, сўраганда факат куларди; охири, ўшанда уйга кайта туриб кўчада йўқотдим, деди. Бундан хабардор бўлгач, Юлия Михайловнанинг каттиқ жаҳли чиқди.

– Сен кирхани¹³⁵ ҳам унга айтмадингми, ишиклиб? – сочи тикка бўлиб чўчиб сўради у.

Фон Лембке каттиқ ўйга ботди, ўйга ботиш эса унга тўғри келмас, докторлар буни тақиқлаган эди. Бундан ташкари, вилоятнинг ўзида иш-ташвишлар ошиб-тошиб ётарди, биз бу ҳақда куйироқда тўхтаб ўтамиз, – бунда алоҳида бир моддият мавжуд эди, ёлғиз амалдорлик ориятигина эмас, ҳатто юрак ҳам изтиробда ўрганарди. Андрей Антонович уйланаётганда, оиласвий низолар, тўкнашувлар бўлади олдинда деб сира хаёлига келтирмаганди. Минна билан Эрнестинани¹³⁶ орзу килиб, бир умр хаёллар ичидаганда яшаганди. У оиласвий гумбур-гумбурларни кўтаролмаслигини хис килди. Юлия Михайловна нихоят орани очиб, у билан рўйирост гаплашиб олди.

– Бундан хафа бўлиб юриш сенга ярашмайди, – деди хотини, – сен ундан бир неча баробар акллироксан, жамиятда тутган ўрнинг ҳам бекиёс юкори. Болада илгариги эмин-эркин қиликларнинг асоратлари сакланиб колган, менимча, булар унинг шўхликлари; аммо бирдан бўлмайди, аста-секин тузалади. Ёшларимизни қадрлашимиз керак; мен ғамхўрлик кўрсатиб келаман, уларни жарга кулаб кетишларидан саклайман.

– Аммо оғзидан нима чикаётганини ўзи билмайди, – эътиroz билдириди фон Лембке. – Менинг сабр-токатим етмайди, у мен боримда ҳам одамлар ўртасида хукумат ҳалкни арак ичириб, карахт килиб кўйяпти, шу билан уни исён килишдан саклайпти, деб валдирайди. Ҳамманинг олдида мен бу гапларни қандай килиб чидаш эшитишим керак.

¹³⁵ Немис ибодатхонаси (*тарж.*).

¹³⁶ Асл немис кизлари тимсоли (*тарж.*).

Шуларни айтаркан, фон Лембке Петр Степанович билан яқинда бўлган бир гапни эслади. У Петр Степановични ўзининг либерализми билан тонг қолдирмокчи бўлиб, унга ўзи йиғиб юрган шахсий турли-туман варакалар коллекциясини кўрсатди, ушбу русларга ва чет элларга тегишли варакаларни фақат ҳаваскор эмас, балки фойдали бир қизикиш сифатида эллик тўккизинчи йилдан бери қунт билан тўплаб юрарди. Петр Степанович унинг мақсадини сезди ва қўполдан-қўпол килиб, баъзи бир варакаларнинг бир қатор сўзида қандайдир бутун идоранинг ишидан кўра кўпроқ маъно бор, «сизнинг идорангиз ҳам бундан мустасно эмас», деб айтди.

Лембкега бу қаттиқ тегди.

– Аммо бу бизда эрта, жуда ҳам эрта, – деди у худди ўтингандай бўлиб варакаларга ишора килиб.

– Йўқ, эрта эмас; мана, сиз қўрқяпсиз-ку, демак, эрта эмас.

– Бироқ, қўряпсизми, бу ерда черковларни бузишга чакирияпти.

– Нима бўпти бузса? Сиз ахир ақли одамсиз-ку, албатта, ўзингиз ҳам ишонмайсиз, аммо жуда яхши тушунасизки, динга ишониш сизга ҳалкни караҳт килиш учун керак. Ҳакиқат ёлгондан ҳалолрок.

– Қўшиламан, қўшиламан, тамомила сизга қўшиламан, аммо бизда бу эрта, эрта... – башараси буришарди Лембкенинг.

– Шундан сўнг сиз қандай ҳукumat мансабдорисизки, ўзингиз черковларни бузишга қўшиласиз ва сўйил, таёклар кўтариб Петербургга юришга розисиз, яна ҳаммасини фурсат билан боғлайсиз?

Оғиздан илиниб колган Лембке шундай ёмон ўсал бўлди.

– Ундеймас, ундеймас, – қизишарди у тобора орияти қўзиб жаҳлга минаркан, – сиз, йигитча, бизнинг мақсадларимизни билмайсиз, шунинг учун янглишасиз. Кўрдингизми, азиз Петр Степанович, сиз бизни ҳукumat мансабдорлари деб атайсиз? Шундай. Мустақил мансабдорлар-

ми? Шундай. Аммо, каранг, биз нима киляпмиз? Елкамизда мажбурият бор, натижада биз умумий ишимиизга худди сизга ўхшаб хизмат қиласыз. Биз факат сиз лицирлатаеттан нарсаны тутиб турасыз, биз бўлмасак, у ҳар томонга сочилиб кетади. Биз сизга душман эмасмиз, ундеймас, биз сизга шундай деймиз: олға босинг, ўсинг, майли, барча эски, ўзгартириш керак бўлган нарсаларни чайкатинг, силтант, қимирлатинг; аммо биз керак бўлганда, зарур чегараларда ушлаб турасыз, шу билан сизни ўзингиздан қуткарамиз, чунки биз бўлмасак, сиз Россияни лицирлатиб, ўз муносиб қиёфасидан маҳрум килиб кўясиз, бизнинг вазифамиз эса муносиб қиёфа ҳакида ғамхўрлик қилишдан иборат. Яхшилаб ўйлаб кўринг, сизу биз ўзаро бир-биримизга зарурмиз. Англияда ҳам, торилар¹³⁷ ҳамда вигилар ўзаро бир-бирига зарур. Ана шу денг: биз тори бўлсак, сиз виги, мен буни айнан шундай тушунаман.

Андрей Антонович ҳатто эҳтиросга тушди. У Петербург чоғлариданоқ акли ҳамда либералча сўйлашни яхши кўтарди, бу ерда эса, яна муҳими, хеч ким уларнинг гапларини эшитаётгани йўқ эди. Петр Степанович индамас ва ўзини қандайдир одатдан ташқари сипо тутарди. Бу нотикни янада жўштириб юборди.

– Биласизми, мен «вилоятнинг хўжайниман», – давом этарди у сўзида кабинетда у ёқдан-бу ёққа юаркан, – биласизми, мен вазифаларим кўплигидан биронтасини ҳам бажаролмайман, бошқа бир томондан эса, аник айтишим мумкин, менинг бу ерда қиладиган ишим йўқ. Барча сир шундаки, ҳамма нарса ҳукуматнинг карашларига боғлиқ. Майли, ҳукумат ўзи ўша ерда республика ташкил этсин, майли, бунда сиёсатдан ёки эҳтиросларни сўндиришдан келиб чиқсин, бошқа бир томондан эса, майли, ҳокимлар ҳокимиятини кучайтирсин, ана шунда биз, ҳокимлар

¹³⁷ Тори (tory) – Англияда XII асрда вужудга келган оксюяклар ва рухонийлар партияси. XIX аср ўрталарида Консерваторлар партиясига айланган. Виги (whigs) – XVII асрнинг 80-йилларида Англияда вужудга келган буржуазия партияси. XIX асрга келиб Либерал партияга айланган.

республикани ютиб юборамиз; республика нима бўлиди: истаган нарсангизни ютиб юборамиз; нари борганда, мен шунга тайёрман... Бир сўз билан айтганда, менга хукумат телеграф орқали фармойиш берсин *active devorante* десин, ана шунда мен ҳам *active devorante* киламан. Мен бу ерда жамоатнинг тўғри кўзига караб туриб айтдим: «Мархаматли жаноблар, вилоятнинг барча муассасаларини уйғуллаштириш ва гуллаб-яшнатиш учун факат бир нарса: ҳокимнинг ҳокимиятини кучайтириш керак». Кўринг, ушбу барча муассасалар – земство бўладими, судлар бўладими, – нима десамикин, икки ёқлама яшаши зарур, яъни албатта, улар бўлиши керак (бунинг зарурлигига қўшиламан), хўш, бошқа томондан эса, улар бўлмаслиги керак. Ҳаммаси хукуматнинг карашига қараб. Шундай кору бор чикадики, бирдан муассасалар зарур бўлиб қолади, ана шунда улар менинг ҳузуримда ҳозир бўладилар. Зарурат йўқолиши ҳамон улар ҳам гойиб, ҳеч ким кидириб то-полмайди. Мен *active devorante*¹³⁸ни шундай тушунаман. Ҳокимнинг ҳокимияти кучаймагунча, у юзага чикмайди. Сиз билан юзма-юз туриб гаплашяпмиз. Биласизми, мен Петербургда ҳоким уйида эшиқда алоҳида сокчи туриши керак, деган гапни айтдим. Жавобини кутяпман.

– Сизга иккита сокчи керак, – деди Петр Степанович.
– Нима учун иккита? – тўхтади унинг олдида фон Лембке.
– Сизни хурмат килиш учун биттаси камлик килади. Сизга, албатта, иккита бўлиши керак.

Андрей Антоновичнинг пешонаси тиришди.
– Сиз... сиз ўзингиздан кетиб боряпсиз, Петр Степанович. Менинг кўнгилчанлигимдан фойдаланиб, турли пичинг, кесатиклар қиляпсиз ва ўзингизни аллакандай бошти *bienfaisant*¹³⁹ ... килиб кўрсатяпсиз.
– Ўзингиз биласиз, – тўнғиллади Петр Степанович, – ҳар қалай, нима бўлмасин, сиз бизга йўл солиб берасиз ва бизнинг муваффакият қозонишимизни таъминлайсиз.

¹³⁸ Шиддатли фаоллик (*франц.*).

¹³⁹ Мурувватли кўрс (*франц.*).

Ф. М. Достоевский

– Яъни биз деганда кимни айтмоқчисиз ва қанака мұваффакият? – хайрон бўлиб унга тикилиб қолди фон Лембке, аммо жавоб ололмади.

Юлия Михайловна бу сұхбатнинг ҳисоботини эшиг-гач, жуда норози бўлди.

– Лекин мен сенинг арзандангга амалдорларча дакки-дашном беролмайман-ку, ахир, – ўзини химоя киларди фон Лембке, – бунинг устига кўз кўзга тушиб турса... Балки бирон нарса бехос оғзимдан чиқиб кетгандир... кўнгилчанликдан.

– Ҳаддан ортиқ-а бу кўнгилчанлик. Мен билмабман сенда варакалар коллекцияси борлигини, илтимос, уларни менга кўрсат.

– Лекин... лекин у уларни бир кунга сўраб уйига олиб кетди.

– Сиз яна бериб юбордингизми! – жаҳли чиқди Юлия Михайловнанинг. – Фаросатсизлик хам шунча бўладими?

– Ҳозир одам жўнатаман, олиб келишади.

– У бермайди.

– Мен талаб киласман! – тутаб кетди фон Лембке, ҳатто сакраб ўрнидан турди. – Ким экан у, шунчалар кўркадиган ва мен кимман, ҳеч нарсага шунчалик курбим етмайдиган?

– Ўтириңг, ўзингизни босинг, – тўхтатди уни Юлия Михайловна. – Сизнинг биринчи саволингизга менинг жавобим шу: уни менга ишончли одамлар тавсия этишган, кобилиятлари хам жойида, баъзан жуда ақлли гапларни хам айтади. Кармазинов мени ишонтириб айтдики, унинг ҳаммаёқда алокалари бор экан ва пойтахт ёшлари ўтасида таъсири кучли экан. Агарда мен унинг воситасида уларни ўзимга тортиб, атрофимда уюштирсан, уларни ҳалокатдан куткараман, иззат-нафсларини кондирувчи янги йўл кўрсатаман. У менга жон-дилдан садоқатли ва ҳамма ишда менга кулок солади.

– Аммо уларни эркалатиб ўтирсанг... худо билади, яна нималар қилмайдилар. Албатта, бу яхши фикр... – но-чор ўзини химоя киларди фон Лембке, – аммо... аммо ана,

кулогимга етиб келди, фалон уездда қандайдир варакалар пайдо бўлиди.

– Аммо бу ёзда овоза бўлган эди – варакалар, қалбаки пуллар, яна алланималар, бирок ҳанузгача биронта намунаси қўлга тушмади. Ким сизга айтди?

– Мен фон Блюмдан эшиздим.

– Ох, қўйинг шу Блюмингизни, ҳеч качон менга уни гапирманг!

Юлия Михайловнанинг фигони ошиб ҳатто бир дакиқа тили қалимага келмай қолди. Фон Блюм ҳоким идорасининг амалдори бўлиб, уни Юлия Михайловна негадир жини сўймасди. Буни кейинрок хикоя киламиз.

– Илтимос, Верховенский тўғрисида ташвишланма, – деб гапга якун ясади Юлия Михайловна, – агар у қандайдир ножӯя ишларда иштирок этганда, бундай гапларни айтмасди, сен билан ҳам, бошқалар билан ҳам бундай гаплашмасди. Махмаданалар хатарли эмас, ҳатто, айтиб қўяйки, бирон кор-хол рўй берса, мен биринчи бўлиб ундан биламан. У менга кўр-кўронга, кўр-кўронга берилган.

Воқеалардан бироз олдинрокка ўтиб бўлса ҳам, айтиб қўяйки, агарда Юлия Михайловна бунчалар манмансираб, иззатталаб бўлиб қолмаганда эди, ушбу барча бемаънидан-бемаъни одамлар вилоятимизда шунчалар кўп бузғунчиликларни килмаган бўлардилар. Кўп нарсаларнинг масъулияти унинг бўйнида!

ТҮРТИНЧИ БОБ

БАЙРАМ АРАФАСИДА

I

Вилоятимизнинг камхарж мураббиялари фойдасига Юлия Михайловна томонидан режалаштирилаётган байрам олдиндан бир неча маротаба белгиланиб, сўнг яна кечиктирилмокда эди. Юлия Михайловна атрофида доимий равишда Петр Степанович ўралашиб юрар, майдарок бир лавозимда ишлайдиган Лямшин деган кимса югурдаклик килар, бу кишим бир замонлар Степан Трофимович кошида гирдикапалак бўлган, кейинги пайтларда хокимнинг уйида фортелиано чалиб, назар-эътиборга тушиб қолганди; кисман Юлия Михайловна бўлажак мустақил вилоят газетасига мухаррир килишни мўлжаллаган Липутин; бир канча бегойимлар ва ойимқизлар ва ниҳоят, Кармазинов, гарчи бу зот оёқ тагида ўралашавермаса ҳам, аммо гоятда мамнуният билан ҳаммага эшиттириб адабиётнинг бал ракси бошланганда, ҳамманинг оғзини очириб қўядиган чиқиши килажагини овоза киларди. Хайрия ва иона килувчилярнинг сони кундан-кунга ошиб борар, шахар жамоматчилигининг барча аъён-ашрофлари шунда эди; ҳамма пул кўтариб келса, бошка коралар ҳам ёзиларди. Баъзан табакаларнинг аралашиб тургани ҳам яхши, дерди Юлия Михайловна, «акс ҳолда ким уларни маърифатга ошно килади?» Ошкора килинмаган хонаки қўмита ташкил бўлган, унда байрам ҳалкона ўтади, деб келишилганди. Анча одам ёзилиб маблағ қўпайгач, бу янгидан-янги сарф-харажатларга ундарди; кандайdir ажойиб бир нарсалар килгилари келар – шу туфайли байрам муддати кейинга суриларди. Окшом балини каерда ўтказишни ҳамон келишилмаганди: саркорнинг рафиқаси ўзининг улкан саро-

йини бир кунга бериб турмокчи эди; бу ёқда Варвара Петровна Скворешникини таклиф киларди; қай бири афзал? Албатта, Скворешники бироз узокроқда эди, аммо кўми-тада кўплар у ерда «эркинроқ» бўламиз дейишарди. Варвара Петровнанинг ўзи байрам уницида ўтишини жон деб хоҳларди. Нима учун бу магрут аёл Юлия Михайловна кошида тилёғламалик қилаётганлигини тушуниш мушкул эди. Балки унга ўз навбатида Юлия Михайловна Николай Всееволович олдидা ўзини ниҳоятда камтарин-камсукум тутиб, уни илтифотларга кўмиб ташлагани пором келаётгандир, ахир бошқа ҳеч кимга у бундай илтифот кўрсатаётгани йўқ-ку. Яна бир карра айтай: Петр Степанович хоқимнинг саройида муттасил ва мунтазам тарзда ҳеч канда килмай ўша аввалдан учирма қилинган фикрни шивирлаб, пичирлаб кулокларга куярди: Николай Всееволович энг сирли доиралар билан гоятда сирли алокалардаги одам ва эҳтимолки, бу ерга қандайдир топшириклар билан келгандир.

Ўша пайтлар аклларнинг кайфияти жуда ғалати эди. Айниқса, аёллар ўртасида қандайдир енгилтаклик шитоб билан урфга кирди. Бир канча беҳад ҳавоий тушунчалар худди шамол совургандай сочилиб кетди. Одамга унчалар ёқавермайдиган шўх-шодон, ҳавоий нималардир тарқади. Аклларда қандайдир бетартиблик расм бўлди. Кейин ҳаммаси барҳам топгач, Юлия Михайловнани, унинг атрофидаги, таъсиридаги одамларни айблашди; аммо ҳаммасига Юлия Михайловнани айбдор килиш ҳам инсофдан эмасди. Аксинча, жуда кўп кишилар олдин янги хокимнинг рафиқаси жамиятнинг бошини қовуштириди ва ҳаёт бирдан шод-кувнок бўлиб қолди, деб оғизларини кўпиртириб мактаб юришди. Ҳатто бир қанча жанжалли воқеалар бўлиб ўтдики, уларда Юлия Михайловнанинг ҳеч кандай айби йўқ эди; аммо ўшанда ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулар, калака-майнавозчилик килар, уларни тўхтатадиган ҳеч ким йўқ эди. Тўғри, ўзини бир чеккага олиб турган анча-мунча одамлар тўдаси ҳам бор эди, ўша пайтдаги ишларнинг боришига улар алоҳида нуктаи назар билан карашарди;

аммо ўшанда булар ҳам норозилик билдиришмасди; ҳатто илжайиб туришарди.

Яхши эсимда, ўша кунларда қандайдир ўз-ўзидан каттагина давра пайдо бўлди, чамаси, унинг маркази ҳакикатан Юлия Михайловнанинг меҳмонхонаси эди. Юлия Михайловнанинг ён-атрофида ўралашган ушбу хос тўгарак доирасида ва албатта ёшлар ўртасида ҳакикатан гоҳида одоб доирасидан ташқари турли-туман шўхликлар кишишга изн берилар, бу ҳаттоки коида тусига ҳам кирганди. Тўгаракда бир неча ғоятда дилрабо аёллар ҳам бор эди. Ёшлар сайллар, окшом зиёфатлари уюштиришар, чавандозлар тўдаси, экипажлар, якка отликлар тинмай шаҳар айланарди. Кувнок мажаролар, саргузаштлар уюштиришар, чақчаклашайлик деб, ўзлари мажароларни, латифаларни тўкиб чикаришар, ижро этишарди. Бизнинг кўхна шаҳримизни аллақандай Глупов¹⁴⁰ деган шаҳарга менгзашиб калака килишарди. Уларни майнавозлар, мазахчилар дейишарди, улар ҳеч нарсани андиша килиб ўтиришмасди. Чунончи, шундай бир воеа бўлиб колди, маҳаллий бир ҳарбий поручикнинг корамағизгина, ёшгина хотини бор, эри яхши қарамагани учун ичкиликка берилганди, бир кечки зиёфатда енгилтаклик килиб ўзига чиройли камзул ютиб олиш учун ералаш деган катта карта ўйинига кўшилади ва ютиш ўрнига ўн беш рублни ютқизиб кўяди. Тўлайдиган пули бўлмагани учун у эридан кўркиб, худди кизлик пайтидагидек дадил карз кўтариш пайига тушади, шу зиёфатнинг ўзида шаҳар саркорининг ўғлидан карзга пул сўрайди, у ёш бўлишига қарамай жуда шилтаси чиккан, маза-матрасиз бир шилким бола эди. У пулим йўқ деди, бу билан ҳам қаноатланмай бориб унинг эрига воеани кула-кула айтиб берди. Моянага учма-уч кун кўриб юрган поручик хотинини уйга олиб келиб ўласи килиб калтаклади, дод-фарёдига ҳам, ялиниб-ёлвориб тиз чўкиб кечирим сўрашига ҳам қарамади. Бу хунук воеа устидан

¹⁴⁰ М.Е. Салтиков-Шчедрин тўкиб чиқарган рамзий шаҳар номи. Роман воеалари кечаётган Тверни ҳам шу ном билан аташарди (*тарж.*).

хамма шаҳарда қулиб юрди, гарчи поручикнинг шўрлик хотини Юлия Михайловнани куршаган доирага тааллукли бўлмаса-да, бирок суворалар тўдасида юрадиган, поручикнинг хотинини биладиган шўх-шаддод, асов бир хоним унинг олдига шундок кириб чикиб, уйига меҳмонга олиб кетди. Шу ерда уни бизнинг ўйинқарок шумтакалар дарров бағирларига олишди, эркалатишди, совға-саломлар беришди-да, тўрт кун эри ёнига жўнатмай тутиб туришди. У шаддод-асов хонимницида турар, хоним ҳамда шўх ўйинқароклар давраси билан бирга шаҳар бўйлаб чарх урап, ўйин-кулгилар, раксу тарваккосларда катнашарди. Уни эрингни судга бер, деб кисташарди, уларга ҳангома керак эди. Ҳаммамиз сени қўллаймиз, ўзимиз гувоҳлик берамиз деб ишонтиришарди. Эри тўда ичига тушишдан кўркиб индамасди. Шўрлик хотин кулоғигача кулфат шўрига ботганини сезиб колди ва тўртинчи куни кўркувдан дағ-дағ қалтираб, коронғу тушганда ўз химояткорларидан кочиб поручикникига борди. Эр-хотин ўртасида нима кечганини ҳеч ким билмайди; аммо поручик ижарада яшайдиган пастаккина ёғоч уйнинг икки дарчасининг тавакалари икки хафтагача тим-тирс берк турди. Юлия Михайловна бу воқеадан хабардор бўлгач, шўх қаллошлардан ранжириди, шаддод-асов хонимдан хафа бўлди, ҳолбуки, асов хоним хотинни уйидан олиб чикиб кетган куниёқ уни Юлия Михайловнага рўпара килиб таништирган эди. Дарвоке, бу ишларни тезда унугиб юборишиди.

Бошқа бир гал, кичик лавозимдаги оиласпарвар мансабдорнинг шаҳарда хамма танийдиган ўн етти яшар чиройли кизи бор эди, бошқа уезддан келган, бу кичик лавозимдаги амалдор йигит шу кизга уйланмоқчи бўлди. Кейин бирдан гап тарқалдики, никоҳнинг биринчи кечасиёқ номусимни буқди, юзимни ерга қаратди деб, дўндиқчани тоза ўсал қилибди. Лямшин деганимиз бу ишнинг устида бор экан, тўйда ўлардай ичиб, шу ернинг ўзида учиб қолган экан, эрталаб тонг ёришар-ёришмас бу кувнок хабарни бутун шаҳарга тарқатиб чикибди. Бир зумда ўнтача одам йигилибди, ҳаммаси отлик, баъзилари казакларнинг отларини

Ёллашибди, мисол учун Петр Степанович билан Липутин, Липутин денг, соч-соколига оқ оралаган бўлишига кара-май, бевош ёшларимизнинг барча тўполон-тараллабедод эрмакларида иштирок этарди. Бизнинг урф-одатларимизда никох кечасидан кейинги кун ҳеч қандай тасодифларга қарамасдан извошларда жуфт-жуфт бўлиб эшикма-эшик юришади, шундай килиб, ёшлар извошда қўчада пайдо бўлишлари ҳамон оқ чавандозлар тўдаси уларни куршаб олиб, эрталаб то кун кўтарилигунча шовкин-сурон, кий-чув кулги билан шаҳар айланишган. Рост, уйларга кирмай, эшик-дарвозалар олдида кутиб туришган, келин билан куёвни очикдан-очик хўрламасалар-да, аммо бари бир жанжал чикиришган. Бутун шаҳарда шу овоза. Ҳамма қах-қах уриб кулади. Аммо фон Лембке буни эшитиб дарғазаб бўлди, Юлия Михайловна билан ўрталарида гиди-биди чикди. Бехад дилтанг Юлия Михайловна шўх-бевош ёшларни ўз уйига якин йўлатмаслик фикрига келди. Аммо Петр Степанович уни бундай йўл тутмасликка унади, Кармазинов ҳам бир-икки оғиз насиҳат килди ва Юлия Михайловна эртасига ёк ҳаммани кечирди. Кармазинов «хазил» ўткир бўлибди, деди.

– Бу ерларнинг урф-одати шундай, – деди у, – ҳар қалай жуда қизик ва... дадил; ўзингиз қаранг, ҳамманинг юзида кулги, фақат сиз газабланяпсиз.

Аммо баъзи чидаб бўлмайдиган, тагизил маънодор ҳазиллар ҳам йўқ эмасди.

Шахримизда Инжил сотиб юрган бир китобфуруш пайдо бўлди, фукаролар тоифасидан ўрта ёш бир хотин. Шу ҳақда бир гап очилди, зеро, шу якин кунларда пойтахт газеталарида китобфурушлар ҳакида қизик бир нарсаларни ёзиб чикишганди. Яна ўша найрангбоз Лямшин бир мактабдан ўқитувчилик ўрнини олишни кутиб, бекор санғиб юрган семинария битирувчиси билан бирга китобфурушдан гўё китоб сотиб олаётгандай бўлиб, унинг халтасига хориждан келтирилган бир тахлам шармсиз бехаё суратларни солиб қўяди; кейин маълум бўлишича, бу суратлар худди мана шу максадлар учун бир жуда хурматли қария

томонидан совға тарикасида берилган экан, унинг исми шарифини бу ерда айтиб ўтирмайман, бўйнига жуда катта бир орден осилган, ўзи ўз тили билан айтганда, «соғлом кулғи ва шўх ҳазилни яхши кўраркан». Бечора китобфуруш хотин бизнинг Гостиний ряд кўнокраста деган жойимизга келиб, халтасидан мукаддас китобларни олиб кўрсатаётгандা, суратлар хамма ёкка сочилиб кетибди. Кўтарилиди қаҳқаҳа, гала-ғовур; оломон ёгилди; сўкинган товушлар эшитилди, ур калтак-сур калтак бошланай деди, ҳайто-вур полиция етиб келди. Китобфурушни турмага тикишиди, фақат кечга томон бу ярамас воқеани таг-туги билан суриштириб билган ва каттик даргазаб бўлган Маврикий Николаевичнинг сайд-ҳаракатлари билан турмадан озод килиб аёлни шаҳардан чиқариб юбордилар. Шунда Юлия Михайловна Лямшинни дархол хайдаб юбормокчи бўлди, лекин бизникилар бир тўда бўлиб ўша куни кечдаёқ уни Юлия Михайловнанинг хузурига олиб киришди, кўринг, бу фортепианода ажойиб-гаройиб бир нарсани ўйлаб то-пибди, сиз факат эшицсангиз, бас, деб уни кўндиришибди. У ҳакикатан ҳам, ажойиб-гаройиб бир нарса экан, номи ҳам кулгили: «Франк-prus» уруши. У «Марсельеза»нинг гулдурос садолари билан бошланарди:

*Qu'un sang impur abreuvre nos sillons!*¹⁴¹

Мухташам чорлов, бўлажак ғалабалар масаррати янграрди. Аммо бирдан мадхиянинг мохирона ўнглаштирилган оҳанглари каторида, қайдадир ён ёқда, тубанда, бурчакда, аммо жуда ҳам якинда «Mein Lieber Augustin»¹⁴²нинг палид саслари эшитилди. «Марсельеза» уларни пайқамайди, «Марсельеза» энг юксак нуктада ўз улуғворлиги билан сармаст; аммо «Augustin» кучаяди, «Augustin» борган сари сурбетлашади, мана, ниҳоят, «Augustin» оҳанглари қандайдир кутилмаганда «Марсельеза» оҳангларига уйғунлашади. Бундан гўё унинг жаҳли чика

¹⁴¹ Майли, ҳаром кон суғорсин ерларимизни! (франц.)

¹⁴² «Менинг ширин Августиним» (франц.)

бошлайди; ниҳоят, у «*Augustin*»ни пайқаб колади, у буни иткитиб ташламоқчи, хира пашшани ҳайдамоқчи бўлади, аммо «*Mein Liber Augustin*» маҳкам ёпишиб олган; у ўзига каттиқ ишонган ҳолда ўтирибди; у шодмон ва сурбет; шунда «Марсельеза» ҳам ёмон тентаклашади: у энди жаҳли чикқани ва хафа бўлганини яширмайди; бу норози нола-фарёдлар, бу илохга томон умтилган кўллар, кўз ёшлар ва касамлар:

*Pas un pouse de notre terrain
Pas une pierre de nos forteresses!*¹⁴³

Лекин у энди «*Mein Liber Augustin*»ни бир оҳангда куйлашга мажбур. Унинг товушлари кандайдир аҳмокона бир тарзда «*Augustin*»га ўтади, у эгилиб энкаяди, ўчади. Аҳён-аҳёнда яна «qu'un sang imprig...» ёриб ўтади, лекин шу захоти яна лўтти вальсга коришади, жуда-жуда ачинарли. У тамомила бўйсунади: бу Бисмаркнинг кўксига бош кўйиб ҳўнграган Жюль Фавр, ҳамма-ҳаммасини инъом этган... Лекин шунда «*Augustin*» ҳам кутуради: овозлар хиркирайди, пиво тинмай кўп ичилгани сезилади, кутурган мактанчоқлик, миллиардерлар талаби, майин сигаралар, шампанлар ва гаровга олингланлар; «*Augustin*» каҳрга миниб тинимсиз ўкиради... Франк-prus уруши охирига етади. Бизниклар қарсак чалишади, Юлия Михайловна табассум қиласи ва «уни ҳайдаб бўладими?» – дейди. Сулҳ тузилди. Аблаҳнинг ҳакиқатан бир мунча таланти йўқ эмас. Степан Трофимович бир куни ишонтириб айтган эдики, энг юксак даражадаги бадий талантлар жуда ҳам баттарин аблах бўлишлари мумкин ва бунинг бири иккинчисига тўскинлик қилмайди. Кейин бир мишиш чиқдики, Лямшин бу асарни четдан келган ўзининг бир таниши, талантли, ёш, камтарин йигитдан ўғирлаб олган эмиш, кимлиги номаълумлигича қолиб кетганмиш; аммо буни кўя турайлик. Бу аблах бир неча йиллар Степан Трофимович хузурида думини ликиллатиб юрган эди,

¹⁴³ На бир карич еримиз, на кальяларнинг бир тоши! (франц.)

унинг окшомги зиёфатларида талабларга кўра қаланғи-касанғи жуҳудлар, гаранг аёлнинг дил изҳори, бола туғилиши кабиларни тақлид қилиб ўйнаб берар, эндиликда Юлия Михайловна қошида баъзан йўл-йўлакай Степан Трофимович бўлиб чикар ва уни ёмон қотириб ўхшатарди, бу асарига у «Киркинчи йилларнинг либерали» деб ном берганди. Ҳамма корнини ушлаб ҳаҳолаб кулар, шундай бўлгач, охир-окибат уни уйдан ҳайдаб чикариб бўлармиди: у ниҳоятда керакли одамга айланиб қолди. Бунинг устига у Петр Степанович олдида қулларча думини ликиллатар, Петр Степанович эса ўз навбатида бу вактга келиб ғалати бир тарзда Юлия Михайловнага жуда кучли таъсир кўрсатадиган бўлиб қолди...

Мен бу аблахни алоҳида сўйлаб ҳам ўтирумасдим, маҳсусан тўхтаб ўтишга у арзимасди; лекин шу орада анча ғалва чикарган бир воқеа бўлиб ўтдики, у ҳам бунда иштирок этган экан, деб айтишади, ушбу воқеани эса мен солномамда қайд киммасдан ўтолмайман асло.

Бир куни эрталаб бутун шахар бўйлаб жуда хунук, куфроний таҳкирлаш тўғрисида хабар тарқалди. Бизнинг гоятда улкан бозор майдонига кираверишда эски Модархудо Мавлиди черкови жойлашган, у қадимий шаҳримизнинг энг кўхна обидаларидан саналади. Тўсик дарвозаси олдида панжара ортида деворга ўйиб жуда қадимдан Модархудонинг катта икона-санами ўрнатилган. Буни қарангки, санам бир кечада тунаб кетилган, санам кутисининг ойнаси синдирилган, панжара бузилган, тож ва зарҳал ризадан бир канча тошлар ва марварид инжулар чикариб олиб кетилганди, яна билмадимки, булар нечоғлик кимматбаҳо эди. Яна шуниси ёмон эдики, ўгрилик, талончиликдан ташқари акл бовар киммас куфроний таҳкирлаш ҳам юз берганди: иконанинг синдирилган ойнаси оркасида айтишларича, эрталаб тирик сичкон топилган эмиш. Мана энди тўрт ой ўтгач, бу жиноятни бадарға Федъка килгани аник маълум бўлди, аммо негадир бунда Лямшиннинг ҳам кўли бор дейишади. Ўша пайтда хеч ким Лямшинни тилга олмаганди, ундан хеч шубҳаланишмаган

эди, энди хамма сичконни ўша қўйиб кетган деб айтишарди. Эсимда, барча бошликларимиз каловланиб колишди. Жиноят содир бўлган ерда одамлар эрталабдан буён тўдаланишиб туришарди. Бир тўда одамлар доим шу ерда эди, канчалигини худо билади-ю, лекин хар нечук юздан оз эмасди. Бирор келар, бирор кетарди. Келганлар чўкинишиб, иконани ўпишарди; хайру садака кила бошлаши, черковдан садака бадясини кўтариб роҳиб келди, нихоят, чошгоҳдан сўнг соат учлардагина бошликлар халқка тўпланиб турманглар, дуо ўкиб, садака бериб, пешонани босиб ўтиб кетаверинглар, деб буйруқ бериш мумкинлигини тушуниб етишди. Бу баҳтсиз ходиса фон Лембкеда жуда оғир таассурот колдирди. Менга айтиб беришларига карағанда, Юлия Михайловна эрим шу машъум кун эрталабдан бошлаб каттик тушкунликка тушди, деб ёрилган экан, бу ҳолат бундан икки ой илгари касалга чалиниб бизнинг шахримиздан жўнаб кетгунга қадар давом этибди, вилоятимиздаги узок чўзилмаган фаолиятидан сўнг Швейцарида даволанаётганда ҳам тушкунлик уни тарк этмаган экан.

Эсимда, туш пайти соат бирларда ўшандада мен майдонга бордим; одамлар тўдаси жим турар, юзлари тумтайган, ковоклар солинганди; извошда бир семиз сарғайган савдо-гар келиб, аравадан тушди-да, ергача эгилиб таъзим килди, ўпди, бир рубль садака берди, ох-воҳ қилиб яна извошга ўтириб жўнаб кетди. Кейин бизнинг иккита хонимимиз бизнинг иккита шўх ҳазилкашимиз билан бирга коляскада келишди. Йигитлар (улардан бири унча ёш ҳам эмасди) аравадан тушиб, халкни писанд килмай итариб-туртиб иконага якин боришли. Иккови ҳам бошидан шляпасини олишмади, бирори эса бурни устига пенсне ойнагини қўндириди. Халкнинг ичидаги босик, аммо норози ғала-говур эшитилди. Ойнак таккан азамат чўнтағидан пул тўла ҳамёнини чикариб, мис чака олди-да, садака бадясига ташлади; хар икковлари кула-кула, баланд овозда сўйлашиб, коляска томонга ўгирилдилар. Худди шу аснода Маврикий Николаевич ҳамроҳлигига Лизавета Николаевна от миниб

келиб колди. У отдан сакраб тушиб, жиловни унинг амри билан отдан тушмаган ҳамроҳига иткитди-ю, санам қошига келди, бу энди мис чака садақа килинган пайт эди. Аччиқланганидан унинг икки ёноғи қизариб кетди; у тӯгарак шляпасини бошидан олди, кўлқопини ечди, санам рўпарасида тўғри лой, ифлос йўлкага тиз чўкди ва уч марта эъзоз-икром билан бош эгиб таъзим қилди. Кейин ҳамёнини чиқарди, лекин унинг ичидага фақат танга-чакалар колгани боис, ўйлаб ўтирумай гавҳар сирғасини ечди-да, бадяга қўйди.

– Майлими, майлими? Ризани безайди, – ҳаяжондан тўликиб сўради у роҳибдан.

– Изн берилади, – жавоб берди у, – ҳар бир ҳадя савоб.

Халк жим, на койир, на маъқулларди. Лизавета Николаевна лой, ифлос кийими билан отига минди-да, тасирлаб жўнаб кетди.

II

Ҳозиргина баён килинган воқеадан икки кун ўтгандан сўнг мен уни чавандозлар ўраб олган учта коляскада қаергадир кетаётган бир тўда одамлар даврасида учратдим. У қўли билан ишора килиб мени чакирди, коляскани тўхтатди ва уларга кўшилишимни қўймай талаб қилди. Коляскада менга бўш жой бор экан, у мени кула-кула ўзининг ҳамроҳлари, дилрабо жононларга таништирида-да, менга жуда ҳам ғалати бир жойга кетаётганларини айтди. У хандон ташлаб кулар ва қандайдир ҳаддан ортиқ баҳтиёр кўринарди. Энг охирги кунларда у алланечук жуда кувнок, меъёрдан ташқари шўх-сатанг эди. Ростдан ҳам, бу саргузаштни фавқулодда деб атаса бўларди: барчалари дарё орқасидаги савдогар Севостъяновнинг кўргонига йўл олишганди, кўргонга тақаб солинган уйда мана ўн йилдан бери довруғи бу ердагина эмас, балки қўшни вилоятлар ва ҳатто икки пойттахтда ҳам тарқалган бизнинг дарвеш-девона башоратчимиз Семен Яковлевич тинч-хотиржам, эмин-эркин, фаровон хаёт кечирарди. Унинг олдига

Ф. М. Достоевский

ташқаридан ҳам кўп одам келарди, девонасифат сўзларини ЭШИТИШАР, ТАЪЗИМ-ТАВОЗЕ бажо келтиришар, хайру эхсонлар килишарди. Эхсонлар катта эди, мабодо уларни шу ернинг ўзидаёқ Семен Яковлевичнинг ўзи тасарруф қилмаса, тавба-тазаррулар билан худонинг эхромига, кўпроғи, аксаран, бизнинг Богородский монастирига жўнатиларди; шу мақсадда Семен Яковлевичнинг кошида доим бир роҳиб навбатчилик киларди. Ҳамма катта хурсандчиликни кутарди. Ушбу тўдадан ҳали ҳеч ким Семен Яковлевични кўрмаганди. Факат бир махаллар Лямшингина унинг ҳузурида бўлган, энди ўзининг ҳикоя қилишича, ўшанда авлиё уни супурги билан уриб хайдашни буюрган ва ўзи ўз кўли билан орқасидан икки дона қайнатилган катта картошкани отганди. Отлиқлар ичидаги кўзимга Петр Степанович чалинди, у яна ёлланмана казак отига миниб олган, эгарда кийшайиб ҳунук ўтиради, улар орасида от мингандай Николай Всеволодович ҳам бор эди. У баъзан ҳамма катори бу каби гашту сайлларда қатнашар, бундай ҳолларда унинг афт-башарасидан хандон-хушон кувнок ифода ари мас, гарчи ҳамон аввалгидек оғиз очмас, камгап эди. Тўда кўприкка тушиб бораркан, шахар кўнокхонасига етганда, кимдир бирдан хозиргина мусофирихона номерида ўзини отган бир КЎНОК ТОПИЛГАНИ ВА ПОЛИЦИЯНИ КУТИШАЁТГАНИНИИ АЙТИБ қолди. Шу захотиёқ буларда ҳудкушни кўриш истаги туғилди. Бу фикр маъқулланди: бизнинг хонимларимиз ҳеч қачон ҳудкушни кўрмаган эканлар. Эсимда, улардан бири барабалла шундай деди: «Ҳаммаси жонимизга тегиб кетди, эрмакнинг қандайлигига караб ўтирмаймиз, кизик ҳангома бўлса кифоя». Факат бир неча кишигина эшикда қолди; бошқалар гала бўлиб ифлос коридорга кирдилар, улар ўртасида Лизавета Николаевнани кўриб ажабландим. Ўзини отган кишининг хонаси очик эди, албатта, бизни ичкарига киритмасликка ботинишмади. Бу ҳали ёшгина бола экан, ўн тўккиз ёшлардан ўтмаган йигитча жуда ёқимтой кўринар, окиш-сарик соchlари куюқ, юзи тухумдай думалоқ, пешонаси тоза ва чиройли эди. У аллақачон котиб қолган, оппоккина башараси ҳудди мармарга ўхшарди.

Столда унинг ўз қўли билан ёзилган хат ётарди, менинг ўлимимда хеч кимни айбламанглар, тўрт юз рубль пулни «совуриб» кўйдим, шунинг учун ўзимни отдим, деб ёзилганди. Хатда «совуриб» деб ёзилган, тўрт қатор гапда учта грамматик хатога йўл кўйилганди. Ўз ишлари билан келиб қўшни хонада турган семиз помешчик, айникса, унинг тепасида гирдикапалак бўлиб, тинмай ох-воҳ қиласарди. Помешчикнинг хикоя килишича, йигитчанинг уйидагилар, бева онаси, опалари ва холалари кишлоқдан уни шахарга жўнатишган, шахарда яшовчи кариндош аёл ёрдамида турмушга чиқаётган катта опаси учун сепга керакли нарсаларни харид килиб уйга келтиришни тайинлашганди. Азбаройи кўркканларидан ох-воҳлар килиб, тинмай турли йўл-йўриклар кўрсатиб, насиҳатлар, дуоларга кўумиб ташлаб, чўқинтириб ўн йиллаб жамғарилган шу тўрт юз рублни унинг кўлига ишониб топширишган. Шу пайтгача ҳам бола камтар-камсукум, кобилгина бўлган экан. У бундан уч кун илгари шаҳарга келиб, қариндош аёлникига бормай, меҳмонхонага жойлашган ва тўғри клубга караб йўл олган, банкка пул кўйиб карта ўйнаётганларга кўшилмокчи бўлган, аммо ўша кеча хеч ким қарта ўйнамаган. У ярим кечада хонасига кайтиб, шампан келтиришларини сўраган, гавана сигараси билан олти-етти тури таом буюрган. Аммо шампанни ичиб маст бўлиб колган, сигарани чекиб кўнгли айниганди, келтирилган овқатларга қўл ҳам урмаган, маст бўлиб, ҳушидан айрилиб, каттик ухлаб колган. Эртасига эрталаб уйкудан уйғониб кўзлари чараклаб очилиб, кеча клубда эшитганларини эслаган ва дарҳол дарё ортидаги мансилда жойлашган лўлилар таборига жўнаган, шу-шу меҳмонхонага икки кун келмаган. Ниҳоят, кеча тушдан кейин соат бешларда маст холда кайтиб келиб, шу заҳоти ухлагани ётган, соат ўнгача донг котиб ухлаган. Уйкудан уйғониб котлет, бир шиша шато-д’икем, узум, коғозу сиёҳ ва ҳисоб келтиришларини сўраган. Хеч ким ундаги ўзгаришни пайқамаган; у хотиржам, осуда ва хушмуомалада бўлган. Афтидан, у ярим кечага якин ўзини отган, лекин кизик, хеч ким ўқ товушини эшитмаган, туш

Ф. М. Достоевский

пайти соат бирларда хавотирга тушиб колишган ва такилатиб ҳеч нарсага эришмагач, эшикни бузиб ичкарига киришган. Шато-д'икем май шишаси яримлатиб ичилган, бир таксимча узумнинг ярмичаси ейилган. Ўқ уч қабзали кичкина револьвер тўппончадан нак юракни мўлжаллаб узилган. Кон жуда оз окибди; тўппонча кўлидан сиргалиб гиламга тушибди. Йигитчанинг ўзи тўрдаги диванда ярим суюнган ҳолда ётарди. Жони бир зумда чикканга ўхшайди; башарасида ўлим азоби ва талвасаси сезилмасди; осуда, баҳтиёр бир ифода котиб қолганди; ўладиган одамга ўхшамасди. Бизникиларнинг ҳаммалари ошикиб, кизикиб томоша қилишди. Умуман одам боласининг ҳар бир баҳтсизлигига ким бўлишидан катъи назар бошқаларни хурсанд қилувчи алланечук бир нима бўлади. Хонимларимиз миқ этмай карашар, йўлдошлари эса аклу заковатлари, юксак чидам, иродалари билан ажралиб туришарди. Улардан бирори бола энг яхши йўлини топибди, бундан ортигини ўйлаб топишнинг иложи йўқ эди, деди; иккинчи бошқаси бир зум бўлса ҳам, яхши яшабди, деб қўйди. Тўртингчиси бирдан вагирлаб бакирди: нега бизда бунча кўп ўзларини осишаётди – нима, илдизлар қўпориляптими, оёклар тагида ер ёрияптими? Эзма сафсатабозга ўқрайиб карашди. Масхарабозликни бўйнига олган Лямшин эса, таксимчадан бир шингил узумни тортиб олди, унинг ортидан бошкаси кула-кула шишадаги майга кўлини чўзди. Бироқ шу пайт етиб келган полицмейстер уларни тўхтатди ва ҳатто «хонани бўшатишни» сўради. Тўйиб-тўйиб томоша килиб улгурғанлари боис шу заҳоти талашиб ўтирумай чикиб кетишиди, лекин Лямшин полицмейстерга нимадир деб тирғалиб қолди. Йўлнинг қолган қисмида умумий димор ҷоғлиқ, вагир-вугур, кулги, ҳазил-хузул янада авжга минди.

Семен Яковлевичнинг ҳузурига туш пайти соат бирда етиб боришиди. Савдогарнинг катта кўргонининг дарвозаси ланг очик эди, авлиё қўналғасига одамлар кириб-чикишарди. Семен Яковлевич тушки тановулни килаётган бўлса-да, одамларни қабул қилишни тўхтатмаган экан.

Буни билгач, бизнинг бутун тўдамиз бирданига ичкарига кирди. Авлиё овқатланиб, одамларни қабул қилаётган уч деразали хона кенг ва катта бўлиб, ўртасидан у девордан бу деворгача одамнинг белидан келадиган ёғоч панжара билан тенг иккига бўлиб тўсилганди. Одатда зиёрат килиб келувчилар тўсиқнинг бу томонида туришар, баҳти чопганлар эса авлиёнинг изни билан панжара эшигидан бу томонга ўтқазиларди, у хоҳлаганда уларни ўзининг чарм креслолари ҳамда диванга ўтқизарди; ўзи эса доим сийкаси чиккан кўхна волтерий креслосида ўтиради. У эллик бешларга кирган, шишинкираган, йирик гавдали юзи сариқ одам эди, окиш-сариқ, тепакал, соқоли ўсган, ўнг юзи кўпчиган, оғзи қандайдир кийшайган, бурнининг сўл томонида катта сўғали бор, кўзлари кийик, юз ифодаси осуда, салобатли, уйқусираган кўринишида эди. Немисча кийинган, эгнида нимчасиз, бўйинбогсиз камзул-сюртук. Камзули остида калин матодан тикилган ок кўйлаги кўриниб турарди; оёклари оғриса керак, туфлида эди. Мен унинг бир пайтлар амали ва амалининг даражаси бўлганигини эшитгандим. У хозиргина майда баликлар солиб пиширилган шўрвасини ичиб бўлиб, иккинчисига – пўсти билан кайнатилган картошкани туз сепиб ея бошлаганди. У шулардан бошка нарсани емасди; факат чойни хуш кўрар, тинимсиз чой иcharди. Унинг ёнида савдогарнинг учта хизматкори хизмат килиб туришарди, уларнинг бири фрак кийган, иккинчи хунармандга, учинчиси черковнинг куйи унвонли югурдагига ўхшарди. Яна ўн олти ёшлардаги ҳеч тинч турмас шўх бола ҳам бор эди. Хизматкорлардан ташкари ёши улут, соч-соқоли оқарган, тўладан келган, хайр-садака бадясини кўтариб олған роҳиб ҳам шу ерда. Столларнинг бири устида жуда катта самовар шакиллаб кайнар, унинг ёнида йигирмадан ортиқ стакан терилган патнис турарди. Бу столга қарама-қарши томондаги стол устига хаджалар кўйилган: бир неча қадоқ қалла қандлар, икки қадоқ чой, бир жуфт кўлда тикилган туфли, харир рўмол, бир парча мовут, битта каноп мато ва ҳоказолар. Пул хайр-садакаларнинг бари роҳибнинг бадясига ке-

Ф. М. Достоевский

либ тушарди. Хонада одам кўп эди, зиёратчиларнинг ўзи ўнтадан ошиқ бўлиб, улардан иккитаси тўсикнинг нариги ёғида Семен Яковлевичнинг олдида ўтиришарди, уларнинг бири «коралардан» бўлган оппок окарган чол бўлиб, иккинчиси кичкина, тарашадай қотган йўловчи роҳиб қария индамай кўзларини ерга тикиб ўтиради. Бошқа зиёратчилар бари деярли «коралар»дан бўлиб, тўсикнинг бу томонида туришарди, улар орасида бошқа уезд шаҳарчасидан келган бир семиз, соколдор, русча кийинган саводогар ҳам бор, уни юз мингчи бойлардан деб билишарди; яна битта кекса ва кўримсиз дворян хотин ва бир заминдор помешчик. Ҳаммалари оғиз очгани журъатлари етмай, омад кулиб бокишини пойлашарди. Тўрт киши тиз чўккан, аммо ҳаммадан кўра кўпроқ дикқатни ўзига заминдор помешчик тортарди, бу ёши кирк бешлардаги семиз одам шундок тўсик олдида ҳаммага кўринарли жойда тиз чўкиб турар, Семен Яковлевичнинг марҳаматли нигоҳими ё бир оғиз сўзиними эъзоз-икром билан илҳак кутарди. У қарийб бир соатдан бери шу алфозда турар, авлиё эса ҳамон унга назарини солмасди.

Хонимларимиз шўх-шўх қулиб, шивирлашиб панжара ёнига тикилишди. Тиз чўкиб ўтирганлару бошқаларнинг ҳаммасини панжарадан нари суришиб, олдиларини тўсишди, факат заминдор помешчик панжарани маҳкам ушлаганча кўзга кўринадиган жойидан кўзгалмади. Томошага шўх кўзлар, лорнетлар, пенснелар ва ҳатто дурбинлар Семен Яковлевичга қадалди; ҳар қалай Лямшин дурбин тутиб қаради. Семен Яковлевич ҳаммага ўзининг кичкина кўзлари билан осуда ва ялков нигоҳ ташлади.

– Манзурназарлар, манзурназарлар! – дўриллаган, пишиллаган овоз билан нидо солди у.

Бизникиларнинг бари қулиб юборишли: «Нима дегани манзурназарлар?» Аммо Семен Яковлевич бошқа сўз қотмай, картошкасини еяверди. Нихоят, сочикка артинди ва унга чой беришли.

У чойни одатда бир ўзи ичмас, зиёратчиларга ҳам қуярди, лекин ҳаммага ҳам эмас, одатда кимни кўнгли

тортса, шунга таклиф қиласы. Унинг фармоналари куттимаганлыги билан ҳайрон қолдиради. Гоҳида бойлар ва мансабдорларни бир чеккада қолдириб, аллақандай қарол ёки қариб-чуриган кампирга чой беришни буюрарди; бошқа бир гал эса йўқсул биродарларни четга сурисиб, қайсиидир семиз бой савдогарга иноят этарди. Чой ҳам бир хил бўлмасди: айримларга шакар солинар, иккинчилариға қанд берилар, учинчилариға умуман қуруқ чойнинг ўзигина инъом этиларди. Бу сафар мусофирироҳиб чолга шакар солинган чой таклиф килинди, художўй қарияга эса қуруқ чойнинг ўзи узатилди. Монастирдан келган, ҳайр-эхсон идишини кўтарган ҳўппа семизроҳибга эса негадир чой тутилмади, ҳолбуки, у шу пайтгача ҳар куни бир стакан чой билан сийланарди.

– Семен Яковлевич, менга бир нарса денг, мен анчадан буён сиз билан танишиб олмоқчи эдим, – қулиб деди бизнинг аравачамизда келган лобар ҳоним кўзларини сувизиб. Бу боя бизга эрмак бўлса, кизик бўлса, бас, деган ҳоним эди. Семен Яковлевич унга ҳатто қайрилиб карагани ҳам йўқ. Тиз чўкканча заминдор помешчик худди улкан босқонни бир кўтариб сўнг туширганларидай овоз чиқариб каттик хўрсинди.

– Шакар чой беринг! – бирдан Семен Яковлевич юз мингчи бой савдогарни кўрсатди; у олдинга сурилиб заминдор помешчик билан ёнма-ён тиззалиди.

– Қанд ҳам беринг! – буюрди Семен Яковлевич стаканга чой куйиб узатишгандан сўнг; унга яна бир бўлак беришди. – Яна, яна унга беринг! – Учинчи марта беришди, ва ниҳоят, тўртинчи марта ҳам. Савдогар гиринг демай ўз шарбатини ичди.

– Ох, худойим! – шивирлашиб, чўкинишди ҳалойик. Заминдор помешчик яна барадла овоз чиқариб чукур хўрсинди.

– Падарим! Семен Яковлевич! – куттимаганда чинкирган ғамбода овоз эшитилди, бу бизникилар деворга сикиб қўйган ночор аёл эди. – Бир соатдан бери дуо килиб

Ф. М. Достоевский

күясиз, деб интизорман. Башорат кил, ҳолимни сўр мен етимни.

– Сўра ундан, – кўрсатди Семен Яковлевич черков югурдагига. Югурдак панжара олдига келди.

– Ўтган сафар Семен Яковлевич буюрган нарсани адо этдингизми? – деб сўради у сокин, бир маромдаги товуш билан.

– Отагинам, Семен Яковлевич, қандай килиб бажарай шулар билан! – фарёд килди бева хотин, – одамхўрлар, мени судга беришмокчи, Сенатга арз килишмокчи; тугиб ўстирган онасинн-я!..

– Бер унга!.. – Семен Яковлевич бир бўлак каллақанд кўрсатди. Ўсмир бола чопқиллаб бориб, қанд бўлагини бева аёлга олиб борди.

– Ох, отагинам, дилинг дарё сенинг. Мен нима қила-ман шунчани? – Нола килди бева хотин.

– Яна, яна! – тақдирларди Семен Яковлевич.

Яна бир бўлак қанд беришди. «Яна, яна», – буюарди авлиё; учинчи бўлак, кейин нихоят, тўртинчисини ҳам беришди. Бева хотинни ҳар ТОМОНДАН каллақанд билан ўрашди. Монастирдан келган роҳиб хўрсинди: буларнинг ҳаммаси олдингилари мисол монастирга жўнатилган бўларди-я.

– Нима қиласман шунчани? – хўрланиб оҳ-воҳ киларди бева хотин. – Кўнглимни айнитади-ю!.. Бунинг бир башорат эмасми, отагинам?

– Худди шундок, башоратнинг ўзи, – деб кўйди аллаким тўда ичидан.

– Яна унга бир қадок, яна! – қўймасди Семен Яковлевич.

Столда яна бир бутун бўлак колганди, аммо Семен Яковлевич бир қадок дегандан сўнг, бевага яна бир қадок беришди.

– Худойим, худойим! – хўрсинар ва чўкинарди халойик. – Ростакам башорат бу.

– Бундан буён дилингизни меҳрибонлик ва раҳмашафқат билан ширин қилингиз, ана ундан кейин устико-

НИНГИЗДАН УСТИХОН БҮЛГАН, ЎЗИНГИЗ ТУККАН БОЛАЛАРИНГИЗ УСТИДАН АРЗ-ДОД КИЛИБ КЕЛГАЙСИЗ, МАНОВИ БЕЛГИНИ ШУНДАЙ ДЕБ АНГЛАГАЙСИЗ, – ОХИСТА МАНМАНЛИК БИЛАН СҮЗЛАДИ МОНАСТИРДАН КЕЛГАН, ЛЕКИН ЧОЙДАН КУРУК КОЛГАН РОХИБ ИЗЗАТ-НАФСИ КЎЗИБ, АЧЧИҚЛАНГАН КЎЙИ ТАЛҚИН КИЛИШНИ БЎЙНИГА ОЛИБ.

– Э, нима деяпсиз, падарим, – жаҳли чиқди бирдан бева хотиннинг. – Верхишинларнинг уйи ёнганда, улар мени арқонга боғлаб оловга судрашди. Сандигимга ўлган мушукни солиб кўйишди, хеч қандай безорилиқдан кайтишмайди...

– Ҳайда, ҳайда! – бирдан қўлларини силкитди Семен Яковлевич.

Югурдак ва ўсмир бола панжара ортига югуриб ўтиши. Югурдак бева хотиннинг қўлтиғидан тутди, у бўшашиб орқасига қарай-қарай эшик томонга юрди, ўсмир бола каллакандларни кўтариб орқасидан келарди.

– Биттасини олиб кол, олиб кол! – деб буюрди Семен Яковлевич ёнидаги хунармандга. У чиқиб кетаётгандар томонга юргургилади, бироз вактдан сўнг ҳар учала хизматкор боя тортиқ этилган, энди эса бева хотиндан қайташиб олинган каллакандни кўтариб кайтиб келишди: аммо бева қолган уч бўлакни ўзи билан олиб кетди.

– Семен Яковлевич, – эшик олдидан кимнингдир товуши эшитилди, – мен тушимда бир күш кўрдим, зағча сувдан учеб чиқиб, оловга кириб кетди. Бу тушнинг таъбири қандай?

– Совук бўлади, – деди Семен Яковлевич.

– Семен Яковлевич, менинг саволимга жавоб бермадингиз, анчадан бери сизни ўйлаб юраман, – яна гап очди бизнинг тўдамиздаги хоним.

– Сен сўра! – деб кўрсатди бирдан Семен Яковлевич хонимнинг гапини тингламай, тиз чўккан заминдор помешчикка қараб.

Сўраш буюрилган монастирдан келган рохиб заминдор помешчикнинг кошига салмоқланиб борди.

Ф. М. Достоевский

– Нима гунох килгансиз? Бирон нимани бажариш буюрилганмиди?

– Уришма, қўлингга эрк берма деган, – хириллаб деди заминдор помешчик.

– Бажардингизми? – сўради роҳиб.

– Бажаролмайман, ўзимга кучим етмаяпти.

– Ҳайда, ҳайда! Супурги билан ур, супурги билан! – қўлларини силкитди Семен Яковлевич. Заминдор помешчик жазони кутиб ўтирумай, сакраб туриб ташкарига чикиб кетди.

– Ўтирган жойига тилла танга ташлаб кетибдилар, – деб маълум килди роҳиб ердан тангани оларкан.

– Манавинга беринглар! – юз мингинчи бой савдогар томонга бармогини нуқди Семен Яковлевич. Савдогар рад этишга ботинмай, олди.

– Тилла, тилла-я, – чидолмай деди монастир роҳиби.

– Манавинга эса ширин чой, – деб қўрсатди бирдан Семен Яковлевич Маврикий Николаевични. Хизматкор чой куйиб адашиб пенсне таккан олифтага олиб борди.

– Дарозга, дарозга, – тўғрилади уни Семен Яковлевич.

Маврикий Николаевич стаканни олди, харбийча яrim таъзим килди ва чойдан ҳўплади. Нима учунлигини билмайман-у, бизникларнинг ҳаммалари қах-қах уриб кулишди.

– Маврикий Николаевич! – унга бирдан мурожаат килди Лиза, – тиз чўккан анави жаноб кетди, сиз унинг ўрнига чўккалаб туринг.

Маврикий Николаевич ажабланиб унга каради.

– Сиздан илтимос киласман, мен жуда хурсанд бўламан. Кулок солинг, Маврикий Николаевич, – ўз сўзидан сира қолмай қайсарлик билан қизғин бидирлади киз, – албатта, чўк тушинг, мен сизнинг чўккалаб ўтиришингизни албатта кўришим керак. Агар тиз чўкмасангиз – менинг олдимга бошка келмай кўя колинг. Албатта, туринг, албатта, туринг!.. Мен хоҳлайман!..

Билмадим, бу билан нима демокчи эди; аммо у худди тутқанок тутгандек, қайсарлик билан қайтмай оёқ тираб

туриб олди. Биз яна қўйироқда қўриб ўтамиз, Маврикий Николаевич қизнинг айниқса кейинги пайтлардаги бундай инжик қиликларини ўзига нисбатан англаб бўлмас ғазаб-нафратнинг авж олиши деб тушунарди, яна шуни ҳам тушунардики, бу асло ҳакиқий қаҳру ғазабдан эмас, йўқ, аксинча, киз уни эъзозлар, яхши кўтарар, хурмат қиласади, – бу унга яхши маълум эди, – ха, бу аллакандай алоҳида ғайришуурий аччикланиш эдики, баъзи дамларда бундан у ўзини сира тутолмас, тўхтата билмасди.

У индамай чойни оркада турган қандайдир кампирга узатиб, панъжаранинг эшигини очди-да, таклифни кутиб ўтирасдан Семен Яковлевичнинг хос томонига ўтиб, ҳамманинг кўз ўнгидаги хонанинг ўргасида чўқкалади. Ўйлайманки, унинг содда ва одоб-икромга мойил кўнгли Лизанинг бутун жамоат кўз ўнгидаги килган мазах ва таҳқиридан каттиқ озор чеккан эди. У балки менинг бундай хўрликка дучор бўлганимни кўргач, Лиза ўзининг бефаросат, қайсар килиғидан уялса керак, деб хаёлидан ўтказган бўлса эҳтимол. Албатта, ундан бошқа хеч ким бундай даргумон ва жўн йўл билан аёл зотининг хатосини тўғрилашга хеч качон хатто уриниб ҳам ўтирасди. У тиззалаб чўк тушған, юзида ўзгармас жиддият акс этар, комати узун, бесўнакай, кулгили кўринарди. Аммо бизникилар кулишмасди; кутилмаган бу қилиқ ҳаммага оғир таъсир килди. Ҳамманинг кўзи Лизада эди.

– Малҳам, малҳам! – тўнғиллади Семен Яковлевич.

Лиза бирдан ранги ўчиб, чинкириб юборди, ох урди ва ўзини панжара ортига отди. Кўз очиб-юмгунча вассава-сага тўла бир ҳолат рўй берди: у Маврикий Николаевични икки тирсагидан чанглалаб ушлаб, кучининг борича тиззасидан турғизишга илло-било уринди.

– Туринг, туринг! – деб кичкирди у худди ҳушидан айрилган одамдай, – дарров туринг, дарров! Бу нима қилик!

Маврикий Николаевич тиззасидан турди. Киз унинг қўлларини тирсагидан юкори маҳкам ушлаб, диққат билан юзига тикиларди. Унинг нигоҳида кўркинч акс этарди.

Ф. М. Достоевский

– Манзурназарлар, манзурназарлар! – тақрорларди яна Семен Яковлевич.

Қыз ниҳоят Маврикий Николаевични панжаранинг бу ёғига олиб ўтди; бизнинг бутун тўдамиизда қучли бир ҳаракат содир бўлди. Коляскамизда бирга келган хоним таассуротни бироз енгиллатиш учунми, учинчи марта овоздини баланд кўтариб чийиллаб яна Семен Яковлевичдан нозланиб кулиб сўради:

– Менга қаранг, Семен Яковлевич, менга ҳам бир нарса десангиз-чи? Сиздан умидим катта эди-да.

– Ановнингта... сени, ановнингта... сени!.. – бирдан Семен Яковлевич унга караб ўта уятли бир сўз айтди. Сўзлар ваҳшатангиз ҳамда ёмон аниқ айтилди. Хонимларимиз чинқиришиб,чувиллашиб чопиб қочиб чиқиб кетишиди, йигитлар қаҳ-қаҳ уриб кулишиди. Бизнинг Семен Яковлевични қиласан зиёратимиз шу билан тутади.

Бироқ шуниси ҳам борки, бу ерда яна бир фавқулодда сирли ҳодиса бўлиб ўтганини ҳам айтишади, тан олиб айттайинки, ушбу сайру саёҳат тўғрисида бунчалар батафсил эслаеттанимнинг боиси ҳам айнан худди мана шунда.

Айтишларича, ҳамма гала бўлиб ташқарига отилганди, Маврикий Николаевич кўлтиқлаб олган Лиза бирдан эшик олдида тиқилинчда Николай Всеғолодович билан юзма-юз келиб қолди. Якшанба куни эрталаб ҳущдан кетиб қолгандан бери ҳар икковлари бир неча маротаба кўришган бўлишларига қарамай, бир-бирларига яқинлашмаган ва ўзаро сўз қотмаган эдилар. Мен эшик олдида уларнинг дуч келганликларини кўрдим: назаримда улар бир зум тўхтаб, бир-бирларига галати қилиб қараб кўйгандай бўлишиди. Аммо издиҳом ичида мен яхши кўрмаган бўлишим ҳам мумкин. Яна шуни ҳам жиддий қилиб сўйлашардики, Лиза ялт этиб Николай Всеғолодовичга қараб, кўлинни унинг юзи баробарида кўтарган эмиш ва агар йигит тез чап бермагандага шапалоқлаб юбориши ҳам ҳеч гап эмас экан. Эҳтимол, кизга айниқса шу тобда Маврикий Николаевич воқеасидан кейин унинг юзидағи бирон-бир ифода ё қандайдир илжайиш ёқмаган бўлса ажабмас. Тан

оламан, мен ўзим хеч нарсани кўрмадим, аммо бошқалар биз кўрдик ахир деб ишонтиришмоқчи бўлишарди, лекин ола дўлоб ичидা ким нимани ҳам кўтарди, балки баъзиларни демаса. Фақат ўшандা мен бунга ишонмадим. Бироқ эсимда, қайтишда Николай Всеволодовичнинг ранги йўл бўйи оқарган эди.

III

Худди мана шу кезлар, айни мана шу куни Степан Трофимовичнинг Варвара Петровна билан учрапшуви бўлиб ўтди, буни Варвара Петровна анчадан бери миясининг бир четида сақлаб келар ва собиқ маҳрамига ҳам анча илгари маълум қилиб қўйган, лекин нимагадир шу кунгача орқага суриб келарди. Улар Скворешницида кўришдилар. Варвара Петровна шаҳар ташқарисидаги кўргонига боши иш-ташвишлардан гувиллаб етиб келди: шу кунларда тўла-тўқис бир қарорга келишганди: бўлажак байрам саркор рафиқасининг саройида ўтади. Аммо Варвара Петровнанинг ўтқир ақли шитоб билан ишлаб кетди, байрамдан кейин у ўзининг алоҳида байрамини Скворешницида ўтказди, бутун шаҳарни чакиради, хеч ким бунга тўсқинлик қилолмайди. Аммо ўшанда ҳамма ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қиласи кимнинг уйи яхшироғу ким меҳмон кутишни қойиллатади, дид-фаросат билан бал беришни дўндиради. Умуман уни хеч таниб бўлмай қолди. У бутунлай қайта туғилгандай эди, аввалги тегма нозик «юксак хоним»дан (Степан Трофимовичнинг сўзи) энг одми тантик кибор хотинга айланди-кўиди. Дарвоқе, бу шундай туюлган бўлиши ҳам мумкин.

Бўм-бўш ҳувиллаган кўргонга келиб у садоқатли ва қадим Алексей Егорович ҳамда зўр тажрибакор, безаклар бўйича мутахассис Фомушка билан бирга барча хоналарни айланиб чиқди. Кенгащдилар, мулоҳаза юритдилар: шаҳардаги уйдан қандай мебеллар келтирилади; қандай жиҳозлар ва суратлар; улар қаерга қандай жойлаштирилади; гулхона ва гуллардан қандай фойдаланилади; гулдор матолар қаерга қўйилади; буфет қаерда бўлади; битта

Ф. М. Достоевский

бўладими ё иккита ва ҳоказо ва ҳоказо. Мана шу каби энг кизғин юмушлар ичидан унинг хаёлига бирдан Степан Трофимовичга карета жўнатиш фикри келиб қолди.

Степан Трофимовичга анча олдин ҳабар килиб кўйилган, тайёр бўлиб турар, ҳар куни худди мана шундай куттилмагандага бўладиган таклифга илҳак эди. Каретага ўтиаркан, у чўкиниб кўйди; унинг тақдири ҳал бўлмоқда эди. У келганда маҳбубаси катта залда экан, тахмондаги мўъжаз диванда ўтирас, олдида кичкина мармар стол, кўлида коғозу қалам: Фомушка газчўп билан хор ва дезаларнинг баландлигини ўлчар, Варвара Петровна ўзи ракамларни ёзар ва коғоз ҳошиясига белгилар қўярди. Хоним ишини тўхтатмай Степан Трофимовичга бошини силкитиб кўйди, у эса нималардир деб саломга жавоб бергандай бўлди, хоним тезгина унга кўлини узатди-да, карамасдан ёнидан жой кўрсатди. «Мен юрагимни ҳовучлаб» беш дақикача кутиб ўтирдим, – деб хикоя килиб берганди у менга. – Бу энди мен йигирма йилдан бери биладиган хотинга ўҳшамасди. Ҳаммаси бутунлай тамом бўлибди, деган фикрга келдим-у, бу менга қувват бағишилади, у ҳатто бундан хайрон бўлди. Қасам ичаманки, у менинг мана шу охирги соатдаги матонатимга қойил қолди».

Варвара Петровна бирдан қаламини столга кўйди-да, тезда Степан Трофимовичга ўгирилиб каради.

– Степан Трофимович, ишларимизни гаплашиб олайлик. Ишончим комил, сиз ўзингизнинг ҳашамдор сўзларингиз ва ранг-баранг ибораларингизни тайёрлаб келгансиз, аммо тўғри гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолайлик, нима дейсиз?

Степан Трофимовичнинг эти жимиirlаб кетди. Хоним бошданок жиловни ўз кўлига олмоқчи, кейин нима бўларкин?

– Тўхтанг, гапирманг, мен гапимни айтиб бўлай, кейин сиз, гарчи яна билмасам, сиз менга нима ҳам дер эдингиз? – давом этарди хоним тез-тез бидирлаб. – Сизнинг ҳаётингизнинг охиригача бир минг икки юз рубль нафақа тўлаб туришликни мен ўзимнинг қутлуг вазифам деб биламан;

йўқ, бу кутлуғ мажбурият эмас, бу оддий шартнома бўла-ди, бу ҳақиқатга яқинроқ, тўғрими? Хохласангиз, буни когозга туширамиз. Мабодо мен ўлсам, бошка кўрсатма-лар мавжуд. Аммо сиз мендан бунинг устига яна кварти-ра, хизматкорлар ва бор таъминотга эга бўласиз. Буларни пулга чаксак, бир мингу беш юз рубль бўлади, шундайми? Яна кўзда тутилмаган фавқулодда ишлар учун уч юз ажра-таман, якуни тўла уч минг. Сизга бир йилга етадими? Оз эмас шекилли? Яна фавқулодда ҳолатларда мен кўшиб ту-раман. Хуллас, пулни олинг, менинг одамларимни ўзимга қайтаринг ва қандай хохласангиз, шундай яшанг, қаерда десангиз, ўзингиз биласиз, Петербургдами, Москвадами, чет элдами ёки бу ерда, факат меникида эмас. Эшитдин-гизми?

– Якинда айни шу оғиздан мен каттиқ туриб шоши-линч билан айтилган бутунлай бошқа талабни эшитган-дим, – секин, маъюс ва равшан килиб сўзлади Степан Тро-фимович. – Мен бўйсундим ва... сизга казакча ракс тушиб бердим. *Oui, la comparaison peut etre premise. C'etait comme un petit cozak du Don, qui sautait sur sa propre tombe*¹⁴⁴.

– Гапни тўхтатинг, Степан Трофимович. Сиз ёмон кўп гапирасиз. Сиз ўйин тушмадингиз, сиз менинг олдимга янги бўйинбог, янги кўйлак, кўлкоп кийиб, упа-элик суртиб, атир сепиб чиқдингиз. Менга ишонинг, жуда уйлангингиз келиб турган экан; юзингиздан шундок укиб олдим, бу сизга хеч қандай кўрк бергани йўқ. Буни ўша заҳотиёқ ўзингизга айтмаганимнинг сабаби – одоб сакладим. Аммо сиз уйланишни хохладингиз, уйланишни хохладингиз, мен ҳакимда, қайлиғингиз ҳакида шунга қарамасдан жуда расво сўзларни аямасдан ёздингиз. Энди эса бутунлай бошқача. Бу ерда *cozak du Don*га бало борми, сизнинг қабрингиз устидаги раксга бало борми? Мен тушунмайман сира бу нима ўхшатиш? Аксинча, ўлманг, узок-узок яшанг, мен эса факат хурсанд бўламан.

– Фарибхонадами?

¹⁴⁴ Ҳа, шундай ўхшатиш жоиз. Донлик казак ўз қабри устида ўйин тушгандай (*франц.*)

– Гарибхонада? Уч минг даромад билан гарибхонада яшамайдилар. Ох, эсимга тушди, – кулиб юборди хоним, – ростдан ҳам, Петр Степанович бир куни гарибхона деб ҳазиллашувди. Ох, чиндан бу алоҳида бир ғарибхона, буни ўйлаб кўриш керак. Энг хурматли зотлар учун мўлжалланган, у ерда полковниклар бор, бир генерал ҳам бормоқчи экан. Агарда сиз шунча пулларингиз билан у ерга борсангиз, роҳат-фароғатда бўласиз, хизматингизни килишади. Сиз у ерда илм-фан билан шуғулланасиз, картага ҳам вақт топасиз...

– Passons¹⁴⁵.

– Passons? – оғринди Варвара Петровна. – Аммо, ундай бўлса, гап тамом; сизга маълум килдик, шу пайтдан ётиборан биз бошка-бошка яшаймиз.

– Шу бўладими? Йигирма йилдан факат шу қолдими? Охирги хайрлашувми?

– Сиз хитоб килишни ёмон яхши кўрасиз, Степан Трофимович. Ҳозир бу нарса урфдан чиқкан, улар дағал, аммо жўн гапиришибди. Йигирма йилни ўйлаб юрганингизни каранг? Йигирма йил факат ўз-ўзимизни яхши кўрдик, холос. Сизнинг менга ёзган ҳар бир хатингиз менга эмас, авлодларга ёзилган. Сиз дўст эмас, нафосат услубчисисиз, дўстлик эса, факат шухрат топган сўз, аслида: ўзаро мағзава тўкиш...

– Ё худойим, ҳаммаси бошка бир одамнинг сўzlари! Ёдлаб олинган сўzlар! Сизга ҳам алоҳа ўз либосларини кийдиришибди! Сиз ҳам шод-хуррам, сиз ҳам офтобга чикибсиз; chere, chere, сиз кайси арzon шўрвага ўз эркингизни алишдингиз!

– Мен бошқаларнинг сўzlарини такрорлайдиган тўти эмасман, – кизишиб кетди Варвара Петровна. – Ишон-чингиз комил бўлсин, менинг ўз сўzlарим жавҳардай жамланган. Шу йигирма йил ичидан сиз менга нима килиб бердингиз? Ҳатто сиз учун олиб келтирилган китобларни ҳам менга раво кўрмадингиз, агар муқовачи бўлмаганда, сахифалари киркилмай ҳам ётаверарди ҳанузгача. Илк

¹⁴⁵ Буни кўяйлик (франц.).

йилларда сиздан менга раҳбарлик қилишингизни сўраганимда, менга қайси китобларни ўқишига бердингиз? Нукул Капфиг, нукул Капфиг¹⁴⁶. Менинг ўсишимга ғашингиз келарди ва чоралар кўрардингиз. Ҳолбуки, ҳамма сизнинг устингиздан кулади. Тан оламан: сизни факат танқидчи деб ўйлардим; сиз адабий танқидчисиз, холос. Петербуррга кетаётганимизда сизга журнал чиқармоқчиман, унга бутун ҳаётимни бағищламоқчиман деганимда, сиз шу заҳоти менга кинояли карадингиз ва жуда ёмон такаббур бўлиб кетдингиз.

– Ундай эмас, ундаймас... ўшандада биз таъкиб қилишларидан кўрккандик...

– Ҳа, ўшандай, мен айтгандаи эди, Петербургда таъкибдан сиз ҳеч кўркиб ўтирганингиз йўқ. Февраль ойи ёсингиздами, хабарлар тарқалганда, сиз кутилмаганда кўркиб кетиб, олдимга юргилаб келдингиз, мендан ёзма гувоҳнома ёзиб беришимни талаб килдингиз, чиқиши мўлжалланётган журналнинг менга ҳеч кандай алоқаси йўқ дедингиз, ёшлар менинг олдимга эмас, хонимнинг ҳузурига келишади, деб бўйин товладингиз, ўзингизни факат хонаки муаллим деб танитдингиз, бу уйда ҳали моянам тўланмагани учун яшаб турибман, деб писанда килдингиз, шундай эмасми? Эсингиздами булар? Сиз бутун ҳаётингиз давомида жуда ҳам ажralиб турардингиз, Степан Трофимович.

– Бу бирпаслик иродасизлик эди, холос, сиз билан менинг ўртамда, – алам билан нидо килди ҳабиб, – аммо наҳот, наҳот, шундай арзимаган таассуротларни деб, ҳаммасини узиш керак? Шунча узок йиллар давомида ўртамизда наҳотки ҳеч нарса сақланиб қолмаган бўлса?

– Сиз ҳамма нарсани ёмон ҳисоб-китоб киласиз; яна шундай килсангизки, мен тагин карздор бўлиб қолсам. Сиз чет элдан қайтганингизда, менинг олдимда кибрлдингиз ва оғзимни очирмадингиз, кейин мен ўзим у ёқка бориб, сиз билан Мадонна ҳақидаги таассуротларимни

¹⁴⁶ Капфиг (1802-1872) – Француз тарихчиси ва адабиётчиси. Гравовский бу авторни ёшлигида кизикиб ўқиган (*марж.*).

үртоказганимда, сиз кулок солишины истамадингиз, ми-
йигингизда кулдингиз, худди сизга ўхшаб ўз туйгула-
римга эга бўлишим мумкин эмасдай.

– Бу ундей эмасди, чамаси, ундеймас... *J'ai oublie*¹⁴⁷.

– Йўқ, айнан шундай бўлган, менинг олдимда макта-
надиган хеч нарсангиз йўқ эди, нега деганда, булар ҳам-
маси бекор, факат ўзингиз тўқиб чиқарган нарсаларингиз.
Мана энди хеч ким, хеч ким Мадоннага лол бўлиб қара-
майди ва бунга вактини кеткизмайди ашаддий қариялар-
дан бошқа. Бу исботланган.

– Исботланган эканми?

– У хеч нарсага хизмат қилмайди. Бу идиш фойдали,
негаки, унга сув тўлдириш мумкин; манави қалам фойда-
ли, у билан ёзилади, анавининг башараси эса бошқа барча
хотинларницидан хунукрок. Олмани суратини чизинг-да,
ёнига ҳақиқий олмани кўйинг – қай бирини оласиз? Хато
қилмасангиз керак. Мана нимага олиб боради энди сиз-
нинг барча назарияларингиз, эркин тадқикотнинг илк нур-
лари тушган заҳоти улар ғойиб бўлади.

– Ҳай, ҳай.

– Сиз истеҳзоли куласиз. Мисол учун, сиз менга са-
дақа ҳақида нима девдингиз? Ҳолбуки, садаканинг лазза-
ти такаббур ва ғайриахлоқий лаззат, бойнинг ўз бойлиги-
дан оладиган лаззати, ҳукмпармолигидан лаззат, йўқсул
олдида бекиёслигидан лаззат. Садака, берувчини ҳам,
олувчини ҳам бузади, бунинг устига бундан хеч қандай
мақсад ҳосил бўлмайди, чунки қашшоқликни баттарроқ
килади. Ишёқмаслар садака талабида берувчининг олдида
тўпланишади, киморбоз шундай ютаман деб киморга ўти-
ради. Ҳолбуки, уларга ташланган танга-чакалар хеч нарса-
га етмайди. Ўз ҳаётингизда сиз кўп садака қилдингизми?
Уч-тўрт чақа бўлса бордир, эслаб кўринг-чи. Яна хотир-
лаб кўринг-чи, охириги марта қачон садака берувдингиз?
Икки йилча бурун, балки тўрт йил ҳам бўлгандир. Сиз
бакириб-чакирасиз-у фақат ишга тўғаноқ бўласиз. Садака

¹⁴⁷ Эсимдан чиккан (*франц.*).

эндиги жамиятда қонун йўли билан ман этилиши лозим.
Янги жамиятда ҳеч қачон камбағаллар бўлмайди.

– Вой, бу бирорларнинг сўзлари! Дарров янги жамиятга етиб боришдими? Шўрлик хотин, сизга худонинг раҳми келсин!

– Ҳа, етиб боришди, Степан Трофимович; сиз мендан барча янги ғояларни яшириб келдингиз, улар энди ҳаммага маълум, менга ғашингиз келиб шундай қилгансиз, мени ўзингизга бўйсундириб олмоқчи бўлгансиз. Мана энди анави Юлия ҳам мендан юз чакирим илгарида. Аммо энди менинг ҳам кўзим очилди. Мен сизни кўлимдан келганча ҳимоя килдим, Степан Трофимович; ҳамма сизни айблагани-айблаган.

– Бас! – ҳабиб ўрнидан турмокчи бўлди, – Бас! Сизга яна нима тиласам экан, пушаймон бўлиб колманг-да ишқилиб.

– Яна бирпас ўтиринг, Степан Трофимович, сиздан яна сўрайдиган гапим бор. Адабий эрталик пайтида сиз ўз асарингизни ўқишига таклиф этилгансиз; буни мен ўюштирдим. Айтинг-чи, сиз нимани ўқийсиз?

– Мен айни шу маликалар маликаси, бутун инсониятнинг идеали бўлмиш Сикстин Мадоннаси ҳакида маъруза ўқийман, сиз уни битта стаканга ёки битта қаламга арзимайди дедингиз.

– Вой, тарихдан эмасми? – аламангиз ажабланди Варвара Петровна. – Аммо буни эшитишмайди. Мунча шу Мадоннага ёпишиб олдингиз! Ҳамма ухлаб колади, сизга шу керакми? Ишонинг, Степан Трофимович, мен факат сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпман. Ўрта асрларга оид испан тарихидан биронта кизик, қиска сарой воқеасини олсангиз, нима қилади, ёки ундан ҳам яхшиси, битта латифани олинг, уни ўзингиз бошқа ҳангомалар, кизик-кизик ўткир сўзлар билан тўлдиринг. У ерда ҳашаматли саройлар, алламбало хонимлар, заҳарлашлар бўлган. Агар шу испан тарихидан ҳам бир қизик воқеани сўйлаб беролса жуда ғалати бўларди-да, деяпти Кармазинов.

Ф. М. Достоевский

- Кармазинов сийкаси чикиб кетган бир тентак, келиб-келиб менга мавзу танлармишми!
- Кармазинов ақлли хұмқалла! Сиз ёмон ўйламай гапирасиз, Степан Трофимович.
- Сиз айтаётган Кармазинов – ичи тұла захар, ёзвериб адойи тамом бўлган, кариб сўлжайган ойимтилла! *Chere, chere*, сизни шунчалар тез ўзларига тобе килиб олишдими, а, о, худойим!
- Унга сира тоқатим йўқ, ўзини катта олади, аммо ақлига тан бераман. Яна қайтариб айтаман, сизни химоя қилдим қўлимдан келганча. Ўзингизни қулгига қўйиб нима киласиз, одамлар зерикаб кетади. Сиз ўтган асрнинг вакилисиз, сахнага викор билан кулиб чиқинг, кизик килиб учта латифа айтиб беринг, баъзан жуда боплайсиз-ку латифа айтишни. Нима килибди, майли, чол бўлсангиз ҳам, майли, ўтган замоннинг одамисиз, майли, улардан орқада колиб кетган бўлсангиз; сўзингизнинг бошида сиз кулиб туриб буни бўйнингизга оласиз, шунда сизни ҳамма кўради қандай ёқимтой, очик кўнгил, зехни ўткир синган сопол эканингизни... Қискаси, туз-намаги ростланган эски одам ва яна шунчалар илгор, ўзи хозиргача риоя килиб келган баъзи тушунчаларнинг накадар яроксизлигини англаб етган. Шундай килсангиз, бошим осмонга етарди, хўп денг, илтимос.
- *Chere*, етар! Сўраманг, килолмайман. Мен Мадонна ҳакида маъруза ўкийман, бўрон қўзғайман, у ё уларнинг барини пачаклаб ташлайди, ё ёлғиз мени хароб килади!
- Кўпроқ сизнинг ўзингизни, Степан Трофимович.
- Менинг кисматим шундай. Мен разил бир кул, сас-сик ва бузук бир малай ҳакида ҳикоя килиб бераман. У нарвон қўйиб, қайчи кўтариб чиқади ва буюк идеалнинг илоҳий сиймосини кийиб ташлайди, бу тенглик, кин-адоват ва... ҳазми таом учун деб эълон килади. Майли, менинг лаънатим оламларга ёйилсин, ўшанда, ўшанда...
- Жиннихонагами?
- Эҳтимол. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам, енгиламанми ё енгаманми, ўша кечәёқ хуржунимни кўтариб, ме-

нинг гадо хуржунимни олиб, ҳамма какир-қукурларимни, барча сизнинг совғаларингизу барча нафакалару бўлажак роҳат-фарогатларни ташлаб, пойи пиёда кетаман, ҳаётими ни тожирнинг уйидаги мураббий бўлиб тутгатаман ва ё бирон ерда, девор тагида очликдан жон бераман. Менинг сўзим шу. *Alea jacta est!*

– Шунга ишончим комил эдики, – ўрнидан турди Варвара Петровна кўзларидан ўт чакнаб, – йилларча шунга, шунга ишонган эдимки, сизнинг яшашдан мақсадингиз битта эди, у ҳам бўлса, мени ва менинг хонадонимни тухматга қўйиб шарманда килиш! Савдогарникида мураббийлик қиласмиш, ўлиги девор тагида қолиб кетармиш, бу нима деганингиз? Ғазаб, бўхтон булар ҳаммаси!

– Сиз доим мендан нафратлангансиз; аммо мен ўз маҳбубамга жобир каби содик қоламан, зоро, сизнинг фикрингиз мен учун ҳамма нарсадан кўра кадрлироқ эди. Шу дамдан бошлаб ҳеч нарсангизни кабул килмайман, холис эъзозлайман.

– Намунча тентаксиз!

– Сиз ҳеч қачон мени хурмат килмагансиз. Менинг камчиликларим битмас-туганмас. Рост, мен сизни тимириб едим; мен беибо тилда сўзлаяпман; аммо тимириб ейиш ҳеч қачон хатти-харакатларимнинг асосий мақсади бўлган эмас. Бу ўз-ўзидан шундай бўлиб колди, билмайман, нега... мен сиз билан доим ўртамиизда еб-ичишидан кўра юкорирок бир нарса бор деб билардим, яна-яна мен ҳеч қачон, ҳеч қачон абллаҳ, разил бўлмаганман! Ана, энди йўлга, тузатай мен ўзимни! Ўз ишларимни! Бу кечиккан йўл, кеч кузак тушган, далаларни туман босган, менинг келажак йўлим котиб қолган, киров қоплаган, шамол эса якин қабр узра увиллади... Лекин йўлга, йўлга, янги бир йўлга:

*Тўлиб соғ севгига
Лазиз орзуга содиқ...*

О, хайр энди, орзуларим! Йигирма йил! *Alea jacta est.*

Ф. М. Достоевский

Унинг юзига шашқатор кўз ёшлар ёйилди; у шляпасини қўлга олди.

– Мен лотинчани сира тушунмайман, – деди Варвара Петровна кучининг борича ўзини тутиб.

Ким билсин, балки унинг ҳам йиғлагиси келгандир, аммо қаҳр-ғазаб ва инжиқлик яна бир карра устун чиқди.

– Мен факат бир нарсани биламан: булар бари йийинкароқлик. Сиз ҳеч качон бу худбин дўйк-пўписаларингизни амалга оширолмайсиз. Сиз ҳеч қаёққа бормайсиз, савдо-гарникига қўнмайсиз, хотиржам менинг ўз кўлимда бўласиз, нафақаларингизни оласиз, ҳеч нарсага ўхшамайдиган ошналарингизни сешанба кунлари хузурингизга йиғасиз. Хайр энди, Степан Трофимович.

– *Alea jacta est!*¹⁴⁸ – у маҳбубасига чукур таъзим қилди ва ҳаяжондан жони чикиб кетай деб уйга қайтди.

Даёвоми бор...

¹⁴⁸ Куръа ташланди! (*лот.*).

ТАРЖИМОН ИЗОҲЛАРИ

1. Ганза – эски немис тилида – бир гуруҳ одамлар, тўда.
2. Диккенс Чарлз (1812–1870) – инглиз адаби.
3. Жорж Занд /Санд/ (1804–1876) – француз адабаси.
4. Шарл Фурье. (1772–1837) – француз файласуф социалисти.
5. М.А.Петрашевский (1821–1866) – рус социалист инқилобчиси.
6. «Петрашевчилар тўгараги» (1844–1846) – яширин инқилобий ташкилот.
7. Н.В.Кукольник (1809–1868) – рус подшопараст адаби.
8. Токвил А. (1805–1856) – француз либерал тарихчиси, сиёсий арбоб.
9. Пол де Кок (1793–1871) – француз майший романнависи.
- 10.Пассаж – Петербургдаги катта раста.
- 11.А.А.Краевский (1810–1889) – «Отечественные записки» журнали ношири.
- 12.«Этик Пушкиндан паст...» – Достоевский ва Салтиков-Шедрин пайтидаги улар қўллаган кинояли ибора.
- 13.«Камаринская» – қадим рус рақс куйи.
- 14.Элиза Рашел (1821–1858) – француз актрисаси, трагик роллар ижрочиси.
- 15.«Императрица гулдастаси» – машхур француз атри.
- 16.«Антон Горемика» – ёзувчи Д.В. Григорьев асари.
- 17.Антон Петров – 1861 йил деҳқонлар қўзғолони катнашчиси. Отиб ўлдирилган.
- 18.Петершула – XVIII асрда Петербургда очилган немис ўкув юрти.
- 19.Консiderан – Фурье мактаби намояндаси.
- 20.Фаланстра, Фаланга – Фурье таълимотида янги жамиятнинг илк бўғимлари – улар улкан саройларда жойлашади деб тасаввур килинган.
- 21.Verpex-Montreux – Швейцариядаги қурорт жой.
- 22.Бисмарк О.Ш. (1812–1898) – Германиянинг биринчи рейхсканцлери.

МУНДАРИЖА

Ф. М. Достоевскийнинг «Иблислар» романи.....	3
Иблислар. Уч кисмли роман	7

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб. Дебоча ўрнида: мухтарам зот Степан Трофимович Верховенскийнинг	
таржимаи холига оид баъзи тафсилотлар.....	8
Иккинчи боб. Шаҳзода Гарри. Совчилик	50
Учинчи боб. Ўзганинг гуноҳлари	100
Тўртинчи боб. Чўлок хотин	156
Бешинчи боб. Донишманд илон	196

ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб. Тун	255
Иккинчи боб. Яккама-якка	346
Учинчи боб. Ҳамма кутмоқда	361
Тўртинчи боб. Байрам арафасида.....	390

ИБЛИСЛАР

Роман

Икки жилдлик

I

*«O'qituvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018*

Мухаррир У. Жўракулов

Бадий мухаррир Б. Ибрагимов

Техник мухаррир Н. Ниёзмуҳамедова

Компьютерда сахифаловчи Р. Аҳмедов

Мусахих У. Жўракулов

Нашриёт лицензияси АІ № 291. 04.11.2016. Оригинал-макетдан
босишига ружсат этилди 02.02.2018. Бичими 84×108 $\frac{1}{32}$. Кегли 11,5
шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Офсет когози. Шартли б. т. 22,26. Хисоб-нашриёт т. 17,42.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 95–18

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'qituvchi» нашриёт-
матбаа ижодий уйи. Тошкент – 206, Юнусобод тумани, Янгишахар
кучаси, 1-уй. Шартнома № 17–18.